


ЙЎЛДОШ ШАМШАРОВ

ЕР НАФАСИ

ҲИССА ВА ОЧЕРКЛАР

ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА
САНЪАТ НАШРИЁТИ
1980

ББК 84У9
III 22



III 70303 - 109
M352 (04) - 80 12 - 80 4702057020

ЕР НАҒАСИ

Воқеий қисса



*Юртим, фақат сенинг кўлингдан тутиб
Болангдай эргашиб кета олсам бас.
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас,*

АБДУЛЛА ОРИПОВ

Йўлкада бамайлихотир бораётиб шу гап эсига тушдию яна энсаси қотди. Гапнинг бемазалигини қаранг: «Қари одам бемаҳалда нимага кўчама-кўча тентираб юради ё уйда тинчини йўқотганми?» эмиш. Тавба, оғзига кучи етмаган одам нималар демайди. Нима, кечқурун қоринни қўмпайтириб, сувга тушган кесакдай бўкиб ётсинми? Йўқ, биродар, танбалтабиат одамга ярашади бу!

«Ғалат,— деб ўйлади у йўлакай,— эски қўшиқни янги пластинкага кўчирибди. Ушанда, у раисликни топшириб, далага кетмон кўтариб чиққанда, баъзилар, «нафсониятдан нишон қолмабди бу одамда, топган-тутганингни еб, оёғингни узатиб ёт уйингда, ақалли уч-тўрт ой, кейин меҳнати кам, ёғлироқ иш сўра, йўқ дейдими? Йўқ, деёлмайди, шунга ҳаққинг бор», дейишган эди.

Бу гаплар гўё унинг қулоғига етмасди. Кўк шойи белбоғ билан пешонасини танғиб, колхоз қарияларини даштга етаклади, тошларни териб тўплашди, бу ишда уларга мактаб ўқувчилари кўмаклашди. Икки-уч йил ичида олмасор, токзор боғ ўзини кўрсатди. Кейин шу боғ ёнидан уч гектарча ер ажраттириб, ўз пулига сархил кўчатлар олиб келиб экканда, қўланса гап ҳиди анча олисга етган, одамлар кўнглига ишгибоҳ солган эди.

— Акбарали ҳам денг, ўта писмиқ экан, қариганда бойиш йўлини топди, даштда ўзига боғ қиялпти!

— Раис билан шерикдирки, рухсат бериб қўйибдида, кўчатни ҳам келтириб беришибди-ку.

Ўзи билан бирга ишлайдиган мўйсафидлар, сизга нима азоб, Акбарали, ўзингизни гапга қўйиб, дейишди,

Акбар ака бўлса, мийиғида кулиб, чумчуқдан қўрққан тарих экмайди, биродарлар, деб қўя қолди.

Кейин олмazor қийғос гуллаган йили баҳорда у райкомдан, колхоз правлениесидан боғ тепасига вакил чақирди, акт ёздириб олмazorни колхоз боғига қўшди.

Мана энди ўша оғзига кучи етмаганлар, уларнинг болаларп ёзу қиш шу боғнинг олмасини ейишади. Ўша гап одамлар хаёлидан аллақачон кўтарилиб кетди. Аммо Акбар аканинг кўнглида эски яраннинг доғи қолган экан шекилли, ҳозир ўзини сал сездириди...

Ўш, одамни жиркантирадиган гаплар қаёқдан чиқади? Ўзига фикран савол берди мўйсафид. Уйнинг тўғриш эгаллаб, хотин-халаж билан ади-бади йитишиб ўтирадиган эркаклар бу гапнинг уяси. Эркак эмиш! Кўчага чиқ, эркак бўлсанг. Сайр қилиб юр, уни-буни кўрасан, одамлар билан гаплашасан, фиқу фасод кирдан тозаланасан. Ерни босганда оёғинг қалтирамайдиган бўлади. Кенг кўчалар, йўлкалар асфальт, чароғон. Дала говури тиниб, қатнов соявир тортганда мана бундай юришга нима етсин. Уйқудан мастга ўхшаб карахт уйғонмайсан, тўрғай чулдирамай бардам турасан.

Яқин вақтларгача ҳам қишлоқда танбалга баҳона тайёр эди: кузда осмондан тўрт дона ёмғир думаласа баҳоргача кўчада ботқоқ бижиб ётарди: кўчанинг уюзидан бу юзига эҳтиётсиз ўтган одамнинг калошини лой тишлаб қоларди. Машина ва аравалар деворларга балчиқ чаплаб ўтарди...

Акбарали Сирдарё қиргоғидаги кўҳна қишлоқнинг пасқам уйларидан бирида оламга келди... Ошқовоқнинг бир палласи унинг «араваси», ўзи «от», далага тупроқ, гўнг таширди; кўп ташиганиданми жуда «чарчаб» кетарди. У отни аравадан чиқариб дам берар, кейин қўшга қўшарди... Аммо сал катта бўлганидан кейинги ўйинлари аниқ эсида: болалар билан бири от, бири чавандоз бўлиб чопишар ва минди-минди ўйнашарди. У туйқусдан енгилгина кулиб қўйди; катта йигит бўлиб қолган эди-да!

У эс таниб, шу қишлоқда икки дунёни кўрди; бирида ўсмирлиги ўтди, иккинчисининг дояларига елкадош бўлди. Шундоқ одамлар эдики, улар емишлари толқон, ёстиқлари мана шу тоғларнинг тоши бўлган кезларда ҳам сўзни ҳавога учиришмасди, инқилоб ғалабасига кўкрак-

ларини қалқон қилишди, янги ҳокимиятни ўзлари тузиб, уни оёққа бостиришди, елкада милтиқ билан қўш ҳайдашди: бўш қоп тик турмайди, ётиб қолган деҳқончиликни турғизиш, жилдириш, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетган деҳқонга далда-мадор керак эди.

Деҳқон колхозга бирлашганда, унинг ҳаётини аждодлари билмаган янги изга энди солган кезларда Акбарали ернинг киндигини узиб оламан деб юрган йигит эди. Янги уйланган бахтиёр йигит рўзғорга қўр-қутни дурустроқ ғамлаб келиш режасини тузиб юрган кунларининг бирида янги тузилган колхоз раиси Одилжон Фозилов гузарда уни чақириб, ўзи қўлини орқасига қилганча идора томон юрди. Акбарали ноилож унга эргашди: бирон ғаламис чаққанмикин?

Фозилов норғул, сино, кескин сўз одам эди. Инқилоб бошидан бери ширкат ва қишлоқ шўросининг раиси бўлиб келганиданми, ёшлар унга рўбарў бўлишдан ҳайиқар эдилар. Акбарали ҳозир юз хаёл билан кетидан кирди. Ҳали қиш чиқмаган бўлишига қарамай, Фозилов пастдаккина хонанинг кичкина деразасини ланг очиб юборди-да, ўзи стол орқасига ўтиб ўтирди. Акбаралини рўпарасига ўтқазиб, унга хийла тикилиб турди, ахири сўз қотди:

— Тиркчилик қалай?

— Дуруст, ҳар қалай... ўтяпти.

— Ҳар қалай,— деди раис столни аста чертиб.— Бу ёғи қанақа бўлади?

— Қайдам,— деди Акбарали нима дейишини билмай.

— Гапингнинг жони йўқ. Нега?— деб сўради Фозилов,— чайналма, йигит. Гапингни дадил айт.

— Тошканга борсамми деб турибман,— деди у, энди бошини кўтариб рансга боқди.

— Йўқ,— деди Фозилов бош чайқаб.— Режанг дуруст эмас. Энди тентираб тиркчилик қилишга барҳам бериш керак. Қолхозга кир. Хўш, нима дейсан?

У нима ҳам дейди, эл бошлиғи бўлган шундоқ одам, тиркчилик йўлининг ўзгартир, деб турганда у, йўқ дея оладими? Аммо юраги ачишди. Бу йил деҳқончиликни дурустроқ қилиб, қаттиқ ишламоқчи, кузда от-арава қилиб, гуруч ортиб келмоқчи эди. Бу ерда сувнинг мазаси йўқ. Аммо тўртдан бирга бойнинг ерини экиб на отасининг, на бошқаларнинг битта тўни иккита бўлди...

— Майли.

— Шундоқ бўлсин, укам...

Шундай қилиб, «Жамият» колхозининг атак-чечаклигида у қўш ҳайдади, кетмон чопди. Орадан йиллар ўтди. Уни бригадир қилиб тасдиқлашди. Кейин, бир куни колхозчилар уни раис қилиб сайлашди. Катта рўзгор карвонини у йигирма йилча етаклади. Бақудрат ҳол: гурумсаройликлар карвони олдинга ўтиб олганда у ҳовлиқиб кетмади, орқада қолганда руҳи тушмади.

Кейин колхоз тузуми оғир синов йилларига дуч келди. Йигитларнинг сараси, отларнинг учқури, тракторларнинг янгиси ва зўри фронтда, жанг майдонида, босиб келаётган офат йўлига ғов эди. Қишлоқда асосан қари-қартанг, аёл-ушоқ фронтга мададкорлик қиларди: аёллар эрларининг кетмонини кўтарди, қиз-жувонлар оталари ва акаларининг ўринларини эгаллашди, ўсмир йигитчалар ота ва акаларининг тракторларини ми-вишди.

Жони омон қайтиб келган фронтчининг ҳеч бири: «Раис, қандай гап ахир, болам очидан ўлибди, хотиним уйдан чиқиб кетибди»,— деб таъна қилмади. Чунки, томлар, ариқ бўйлари ва пахта майдонининг бир қисмига йилга икки қайтадан дон ва сабзавот экилди. Фронтининг хотин-болалари ўзларини очлик ҳужумидан сақлаб қолганлари устига, уларининг бир бўлагини, бир бурда нонларини жойи уруш майдонига айланган қардошлари билан баҳам кўрдилар, фронтчининг ўзига ниссиқ кийим-бош ва озиқ-овқатлик юбориб турдилар...

У олислаб кетган хаёлининг учини излагандай беихтиёр сада тагида, чорраҳада тўхтаб қолди: «Колхозчилик деҳқон кўнглига танакор бўлиб қуйилмагапида,— деб якунлади у фикрини,— бу синовга тўзимиз етмасди, ҳар ким ўз инидан бош чиқармай қоларди. Ҳа, якка тўзади...»

Хаёл огушида турганидаими, оҳиста келган «Волга» ёнгинасида тўхтаганини пайқамади.

— Бирон ёққа шайландингиз дейман, раис бува? Қани чиқинг, элтиб қўяман,— деди йигит деразадан бош чиқариб, унинг кулиб боққан кўзлари уйқусизликдан кизариб кетган, ранги ҳорғин эди.

— Йўқ... ўзим... шундоқ айланиб юрибман. Сен бор, дамнингни ол, ўғлим.

Йигит машинани аста жилдириб кетди. У кетидан хийла қараб турди-да, бирдан кулгнси қистади: «Шу йигит яқингинада ўтган машинага осилиб юрган бола эди. Шофер қувласа, тош отиб қочарди. Сал ўтмай, ўзи шофер бўлди, кейин трактор ҳайдади. Пахтага бригадирлик қилди. Қанча ернинг пахтасини ўзи терди. Қолхоз ишида билмаган ҳунари йўқ. Мана энди юзлаб ҳар хил машина унинг изнида — бош инженер. Яша, Нурмат қора!»

Кенг йўлкада у якка, бамайлихотир, эркин борарди. Азим теракларнинг шохлари оралиғидан ой мўралади, унинг яланғоч тўшини куз ели сийпаб ўтди. Бир вақтлари унинг кенг кўкраги тўла эт, елкадор, барваста йигит эди. Мана энди эт қочди, кўкрак гўё торайди, суяклари кичрайди. Буни ўзи тушунади: уни меҳнат, ҳаракат кўтариб юрибди. Мана бир неча йилдирки мўйловини ҳам парвариш қилмай қўйди. Қарилик олдида оқини ҳатто хотинига кўрсатмасди: бўяб, мойлаб юрарди. Аммо мўйлабмисан мўйлаб эди ўзи. Бенхтиёр қўли мўйлабига етдию бош чайқаб жилмайди...

Адирдан урган ел шувоқ бўйинни учириб келди. Э-ҳа, кўйрик орқада қолибди. Қараса, ўзи дашт йўлига чпқиб олибди. Икки ён дала — пахтазор. У теварак-атрофга назар ташлаб, оҳиста юра бошлади. Шу тонда оёғи тагидан бир нима патиллаб учди. Э, нодон махлуқ, йўл устида ухлайсанми, ўлишингга сал қолди-ку! Эҳ, сўфитўрғай, тонг бўзаришини пойлаб ётасан, мушук бет ювмай осмонга парвоз қиласан, чулдираганинг-чулдираган.

Юқоридан мотоциклнинг тариллаган товуши келди. У ўзини йўл четига олиб қулоқ тутди: овоз тобора яқинлашар, қулоқни қоматга келтира бошларди. У пат-патлаб келди-да, унинг ёнида тўхтади. Эгаси узун оёқларини ерга тираб, шодон жилмайганча салом берди:

— Салом-алайкум, раис бува.

— Ваалайкум ассалом. Сенмидинг, ваҳиманг бор бўлсин, тунни титратади-я! Мунча кеч қайтибсан, қизим?

— Шом тушгунча бир оз тердим.

— Қайси ерда?

— Шу дашт ерда.

— Бош терим қанчадан чиқаётибди, қизим?

— Ўттиз-ўттиз икки центнердан.

— Баракалла, болам!

— Мингашинг, элтиб қўяй, тоға. Бувим эшик олдида йўлингизга маҳтал ўтиргандирлар?

— Раҳмат, болам. Мен бир оз юраман ҳали...

Мотоцикл товуши олислаб кетди. У ҳам изига қайтди.

...Шу даштни очиш бошланган, баҳор палласи эди.

Юқори синф болалари ўқишдан кейин тош териб, трактор прицепага юклар эдилар. Тўхтатиб қўйилган трактор бирдап тез юриб кетди. Нарироқда мўйсафидлар билан ниманидир гаплашиб турган тракторчи йигитча ҳайҳайлаб орқасидан югурди. Трактор тик жарга қараб борарди. Бу туйқус воқеадан ҳамма ҳайратла қараб турарди. Йигитча тракторга жар ёқасида етиб зўрға тўхтатиб қолди. Кабинадан қиз болаи тортиб туширди-да, кулоғига бир шапати урди. Қиз йиғламади, дарҳол унинг қўлидан ушлаб орқасига қайирди. Одамлар йигит ногоҳ қизнинг узун оёғи тагида ётганини кўришди.

— Иккинчи бор қиз болага қўл кўтарма, билдингми?— деди-да, ўз қўшоғига қайтиб тош тераверди.

Йигитча ҳанг-манг, нима дейишини, нима қиларини билмасди.

Кексалардан бири жиддий йўсинда шеригига деди:

— Ҳозирги аёл зоти олдинги заифа эмас. Шуни билмаган одам қаттиқ адашади.

Олти йил ўтдими шунга, мана энди Анорхон бригадирлар чавандози. Бутун юртга таниғли.

Ҳа, суз келдию бу даштларга жон кирди, яшил либос кийди. Суви бирлик келтирди.

Биринчи жаҳон уруши оқибатида суви бор жойларга кўчиб кетган хонадонларнинг қарийб ҳаммаси Тошкент областида қолиб кетди. Бу урушда бир хўжалик ҳам ўрнидан жилмади.

Урушдан кейин қишлоқда чинакам машина даври бошланди. Машина даврининг одамлари унинг ўз қўлтиғида ўсишибди-ю, у пайқамай қолибди шекилли. Нима, кўзи юмуқ экаиими?

Ёшлар деҳқончиликнинг оғир ишларини машиналар елкасига тобора кўпроқ ортавердилар. Раис бу иш бўлмайти деса, помаъқул дейишмайди, лекин унинг кўзини шамғалат қилишади. Раис ғижинади-ю, дардини бировга айтолмайди.

Уч-тўрт йил шу кепатайда ўтди. Ахири, кекса коммунистнинг виждони худбинлик туйғусини енгди. У райкомга борди, шикоят қилиб эмас, йўқ...

— Раисликдан озод қилинсам, деб келдим.

Райком секретари ҳайрон: танқиддан бошп чиқмаган, ўз айбидан хавотирланиб юрган раисларнинг, «озод қилинг», деб келганини кўп кўргану иши мақталиб юрган хўжалик раисларидан ҳеч бири бу хил изҳор билан келмаган эди. Секретарь мийғида кулди:

— Тақим бўшашибди-да, раис?

— Гап тақимдамас. Етакчи карвонни орқага тортиб турса... Улоққа нобоп от мингандайман... Етмаган ақлни кистаганминан...

Райком секретари ниманидир ўйлаб жим қолди. Раис ҳам.

...Мана шунга ҳам ўн беш йилдап ошибди. Аҳмаджон бошлиқ ёшлар бошлаган суръат шиддати ўшандан бери йил сайин кучаяди. Акбар ака ўз тажрибасидан билди: пахтага куч берилса, чорва, пилла ва бошқа соҳалар навбат кутарди. Пахтадан келган ҳаён чорвага ямоқ бўлиб кетарди, гўшт, сут планини бажаришга ҳам пахта пули сарфланарди. Аммо бари бир, чорванинг ямоғи битмасди. Серфарзанд она болаларининг бирига камзул кийдирса, иккинчисига кўйлак тополмай қийналганига ўхшарди. Энди ҳамма соҳани барабар кўтаришяпти. Ошлада шим ёки камзул етмай қолган бола йўқ. Сигирлар бедазорда ўтлаб юришадди, елини тўлиб сути қистаса, ўзи келиб соғдириб кетади. Аммо бу хил ўсишни ёмон кўздан асраш қийин экан...

Ногаҳон кимдир қўлтиғига кирди, сесканиб қаради: Зокир учар. Қўзлари биё-биё, пржайиб қараб турибди.

Тавба, одамлар ниманинг гамидаю бу бўлса... мўйсафид ижирғаниб ўзини ундан тортувди, учар унга қаттиқроқ ёпишди. У ноилж юрди: гоҳ табелчи, гоҳ ҳисобчи, гоҳ чайқовчи, гоҳ қассоб. «Қамалиб чиқса ҳам бир ўринда муқим бўлолмади. Тагпда машина. Енгил топилган томоқ ҳалигача тешиб чиқмаганига ҳайронман».

— Хурсандчиликка қиттак-қиттак... анақа қилдик,— деди учар.— Аммо мани м-мас деманг. Жуда хурсандман...

— Хурсандчилик яхши,— деди мўйсафид, унинг қў-

лини қўлтиғидан ажратиб ташлади:— Қачонки у бшсқаларнинг хурсандлигини сескантирмаса, бошқалар оромини бузмаса...

— Бузса нима қипти?!

✓ — Яхши бўлмайди. Йигитдан уят қочади.

— Аммо сиз бизга ишонмайсиз. Уятни қочирмаймиз.— Учар кўзини унга қадаб жим турди, гўё ундан жавоб кутарди. Эндигина ажинлари живирлашиб турган кўзлар анча ҳушёр тортгандай эди.

— Қочмагани маъқул, қочирманг. Йигитнинг уяти очса, ёмон бўлади. Унда одамлик туси қолади, холос.

— Йўқ, айтдим-ку, ишонмайсиз бизга,— деди учар кўзини ундан олиб.— Ишонмасангиз ҳам, тоға, яхши кўргалимдан сиримни сизга айтавераман. Бугун шаҳарга бордим, айрим каттақонлар билан гаплашдим, ўзимизнинг районимизга келиб раҳбарнинг олдиларида бўлдим, маслаҳатларини олдим. Гап ўз орамизда қолсин, дедилар... Уроқов акам, ўзингиз биларсиз, кўп танти йигит эканлар... хурсанд бўлиб кетдим, ман сизга айтсам. Кейин қиттак-қиттак тортдик. Қараб туринг-а, Маскопгача бораман ҳали.

— Шунақа денг, ишни яна юриштириб юборибсиз-да бўлмасам. Кўп пул кетмаяптими ишқилиб?

— Хўп одамсиз-да, тоға. Пул қўлни кири. Бу ншда пулни юзига қараб бўладими? Қани, кетдик.

— Қаёққа?

— Бизникига,— деди учар. У мўйсафидни қўлидан судради.

Бу ювуқсиз аллақайси ковакдан чиқдию елимдай ёнишди-олди. Эшиккача бирга бермаса, гапни чўзаверади. Биров кўриб қолса, яна ёмон. Қария ярим кечала маст билан етаклашиб юрибди, дейди.

— Энди сиз уйга кириб дамин олинг, мен борай.

— Йўқ, бунақа бўлмайди, тоға. Бир пиёла чой ичиб кетмасангиз қўйвормайман...

Мўйсафид ноилож кўнди. Ҳовлига кирган Зокир «мен ҳозир...» дедию уйига югурди. Ҳовлида мотоцикл ва «Москвич» ўт олдиришга шай турибди. Бостирма тагида ҳали завод ғилофи очилмаган «Волга»...

Ичкаридан қўли кўксига Зокирнинг қайноғаси Мардон чиқди:

— Қадамларига ҳасанот. Хизрни йўқласак ҳам бўлар экан, ҳозиргина номингизни тилга олиб эдик... Ҳа,

буми,— деди Мардон «Волга»га имо қилиб.— Худо қулим деган йигит-да Зокирвой ҳам, кеча олиб келибди. Угли катта бўлиб қолди. Керак нарса-да, ишқилиб... Қани, ичкарига. Сизнинг жойингиз тўр, қани, ўтинг...

«Уҳў, даромади жуда баланд-ку, оббоқилвир-э! Қани, нима дейди...» кўнглидан кечирди Акбар ака.

Уй чўғдай ясатилган: деворга гир айлантириб гилам қоқилган, полга ҳам гилам тўшалган. Жилоси кўзни олади. «Тавба, бу одамлар безакка бунча ружу қўймас! Шунча йил яшаб, шунча йил раис бўлиб гиламни икки-та қилиш эсига келмабди. Тўғри, раис бўлиб юрган кезларда, бир куни уйига шаҳардан азиз меҳмонлар келди. Кечкурун кўрпа етишмади. Ушанда, кўрпани кўпайтириб қўйсанг бўлмайди, деб хотинини койиған эди. Тавба, бу йигитнинг олиши юз сўм маош. Агар қўли эгри бўлмаса, буйдай шоҳона яшаш ўзи бўладими?»

— Бунча ўйланмасангиз,— жимликни бузди Мардон,— бундоқ таомлардан олиб, яйраб ўтиринг. Масалан,— деди у,— мен сизга ачпнаман, ака. Ёмон раис бўлган бўлсангиз, одамлар сизга бепарқ қарарди. Йўқ, сиз яхши раислик қилдингиз. Элнинг сизга ҳурмати шундан. Масалан: Биров, «тоға», дейди, бошқа бировлари: «Раис бува», деб аташади... Сиз биздан тўрт-беш кўйлакни ортиқ йиртгансиз. Нимагадир, на қиш тишасиз, на ёз. Эртаю кеч қўлда кетмон, гоҳ боғда, гоҳ резаворда ишлайсиз. Ахир, правлениенинг бутун состави қўлингизда катта бўлган. Иззатингизни қилишса, колхознинг бирон жойи камайдими? Биламан, қари одам, кечалари кўчада бекорга тентираб юрмайсиз, ўзингизга тасалли берасиз. Аламни юришдан, меҳнатдан оласиз...

— Тоғанинг юракларига қойилман аммо, дарё эканми дейман. Шунча алам сиғади-я?— Қайпотасининг гапини қувватлади Зокир.

«Мақсадлари ҳали парда орқасида. Менги пахта билан силашяпти. Йидирмоқчи, тулки. Ялтоқланишига тараф йўқ,— деб ўйлади мўйсафид.— Чнда, эшит. Қани, гап қаёққа буриларкин?»

Анави бурчакда иягини кўксига тиқиб ўтирган ким? Ия, Умар ғуррак-ку. Демак, булар йигилишибди. Битта-битта тарқалишибди ҳам. Демак, маслаҳат мажлиси бўлибди. Зокир кўчада қоровул экан... Демак, яна текшир-текшир, яна мажлисбозлик. Иш қолиб, асабни эговлаш...

Мардонни у ёшлигидан билади: ўттизинчи йилларда қассоб эди. Қассоб бўлганда ҳам эшигидан йигирма-ўттиз қўй узилмасди. Қишлоқда колхоз бўлмаган одам қолмаганда ҳам, унинг пичоғи мой кесди. Кейин иши қамалишга тақалганда молия ходимларини мойлаб солиқдан қутулди. Чап берди. Нима бўлдию этак маҳалладаги колхозга кириб, дарров ҳурмат эгаси бўлди. Ҳамма ҳайрон. Уруш вақтида военкомат уни бир марта ҳам безовта қилмади. Девдай соғ одам, шаҳар билан қишлоқ ўртасида чайқов қилди. Орадан икки йилча ўтдимми, у яна колхозга қайишди. Уша вақтда қишлоқда ҳар маҳалла бир колхоз эди. Колхозлар, урушдан кейин бирлашиб, бардам бўлди. Мардон ҳам ортда қолгани йўқ, қаерда энгил, ёғлироқ иш бўлса, ўшанга ёпишди... Мана энди шу одам колхоз мулкига тенг шерик. Одамлар кўнглига гулу солиб юрибди.

Мана бу ҳурпайиб ўтирган Ғуррак-чи? Тўғри, у колхоз тузилганда ўзини олиб қочгани йўқ. Биринчилар қаторида кирди, аравакашлик қилиб юрган отини араваси билан колхозга қўшди. Кейин муз тагида оққан сувдай жим юрди. Бошқа колхозчилардан ортиқ ишлаб доврўф солмади, ишга чиқмади, деб дакки эшитмади. Ўз ибораси билан айтганда, кўпнинг ўртасида тинч истиқомат қилди. Аммо қишлоқ тепасидан канал ўтгач, эрталаб ва кун қайтганда уни далада одамлар ўртасида камдан-кам учратдилар: гоҳ бетоб, гоҳ рўзғорида зарур бир иши чиқди. Аммо касалини яширсанг иситмаси ошкор қилади. Вақт ўтиши билан Ғурракнинг дарди ўзини кўрсатди: одамлар уни ёз фаслида кўпинча шаҳарда қовун-тарвуз, қиш ойларида гурунч сотиб турганлигини кўрдилар.

Чиндан ҳам унинг шу ўтириши тумшугини кўксига тикиб бутада турган ғурракка жуда ўхшайди. Шунинг учун ҳам уни Ғуррак деб аташган бўлишса керак. Ғуррак жуда беозор, ювош, ношуд махлуқ. Ўзига дурустроқ ин қуришга ҳам эби йўқ: тўртта чўпни дарахт шохи ёки шаршарак устига териб тухум қўяверади. Аммо Умар тоифасидаги одамга Ола ҳақка сифатини беришса тўғрироқ бўлади: у айёр, ўғри, ҳатто тухумини ҳам бошқа қўшлар инига ўғринча ташлаб кетади...

Тавба, бу хил одамларга пул дарди йўргагида текканми? Қонларига яшириниб оладию ўқтин-ўқтин хурж қилиб турадимми?

— Менга айтадиган гапингиз бу эмасдир, айёрлик қилманг,— деди раис бува, ногаҳон қистаб келган шўх кулгидан ўзини зўрға тийди.— Йўқ, бу эмас, ё мен қарини синаяпсизми, суякларим мўртлашганми-йўқми, силкитиб кўряпсизми? Ахир, ҳануз қўлидан кетмон тушмаган одамнинг томир пайлари тугулиб қолмайди-ку, ё чаккими?— У мийиғида кулиб давом этди:— Бировларни меҳнат ва ўтказган умридан мамнунлик кўтариб юради, бировларни пул... Алам кўнгилда узоқ вақт тинч ётмайди. Агар менинг кўнглимдаги алам бўлганда, биласизми, ўн беш йилдан бери кўксимни пораларди. Адашдингиз!

— Шундай дейишингизни билардим...

— Демак, яна тасдиқлатиб олдингиз.— Акбар ака кумуш тусли мўйлабини силаб, унга савол назарини тикди.

— Ўзингиздан тасдиқлатадиган яна бир гап шуки, ака,— деди Мардон сирли жилмайиб,— бу сафар ўзингизни четга олинг, илтимос. Сиз билан нари-бери бўлмайлик.

— Хўш, ўзи нима гап?

— Раисни янгилаймиз.

— Раисни халқ сайлаган, халқ янгилайди.

— Кўпчилик уни хоҳламайди, устидан арз ёзган.

— Битта қўшиқни ҳадеб такрорлайверасизми?.. Эсингиздами, ўтган йили арзага қўл қўйган одамлар юзмаюз бўлганларида тонишган, сиз ёмон аҳволда қолган эдингиз. Раисга ҳар қанча айб тақаса бўлади, қоғоз кўтаради. Аммо айбни бўйнига қўйиш, исботлаш керак...

— Бўйнига қўямиз, исботлаймиз, тоға, хотирингиз жам бўлсин,— деди Учар.

— Сиз бизнинг томонда турсангиз бас,— деди Мардон ва Зокирга кўз қисди, у ташқарига чиқиб кетди.— Узоққа бормайлик. Мисолга ўзимизнинг райондаги колхозларни олайлик,— давом этди Мардон, нимагадир эисасини уқалаб,— деҳқончиликни йиғиштириб бўладию қиш бўйи одамлари ўз тирикчилиги билан машғул. Бизда куз ташвишлари тугаб қиш кирдим, қисталангнинг каттаси бошланади. Однлов раис бўлганига ўн беш йил бўлган бўлса, шундан бери тиним йўқ... Нима, одам дунёнинг роҳатини, лаззатини билмай ўтадимиз?

— Аммо бизникиларнинг топиши ҳам зўр. Қаттиқ ишлаган катта тишлайди,— мўйсафид мийиғида кул-

ди.— Ё бу гап сизнинг ақлингизга сиғмайдими? Хўш, яна қанақа роҳат, қанақа лаззат керак сизга?

Мардон ияги кўксига тушиб анча жим ўтирди. Фикрини жамлаб олмоқчи бўлди шекилли, кейин бошини кўтариб деди:

— Гапни буришга устасиз-да, раис бува. Бўлаётган ишлар, ростингизни айтинг, кўнглингизга сиғадими?

— Бу гаплардан бадбўй ҳид келади,— деди мўйсафид, ўрнидан даст туриб кетди. Одатига хилоф тарзда уйдан тез чиқиб, жўнади.

«Орамизга ғаламис оралади,— деб ўйлади йўлакай у,— лекин ғаламис боши ким? Уни топиш керак. Йўл кўйиб берилса, қишлоқ аҳлининг бирлигига раҳна солишади...»

Озмунча нодир ақл шу бирлик йўлида қурбон бўлдими?

«Агар бой қайта бош кўтармасин десангиз, шу бугунги елкадошлигимиз бузилмасин десангиз, колхоз бўлинглари, ўртоқ деҳқонлар!»— деб хитоб қилган эди, ўзини рабобий деб таништирган барваста киши. Ушанда нимагадир ғурумсаройликлар ҳаммаси қайрағоч тагидаги катта чойхонада тўпланишган, ўтиришга имкон бўлмаганидан одамлар бир-бирларига суяниб тик туришган эди. Рабобий вакил бир-бирини кифтлаб гапга қулоқ бериб турган деҳқонларга: «Шу туришингиз ўзи қудрат, ғаним енголмайди»,— деганда ҳамма барабар қарсақ урган эди.

Кейин шу ақллик бетиним курашларда тобланди: у қулоқлар бузғунчилигини енгди. Шу бирлик сувсизликни енгди, чўлга сув етаклаб келди. Даштда одам ақли шошадиган буюк ишлар қилинди. Шу бирлик беқибс Ватан урушида ғалабамизга гаров бўлди!.. Бироқ шу ғаламис боши ким?

Шошма-шошма, юзини қўли билан беркитганича муюлшдан тез чиқиб Зокирнинг уйига кириб кетган ким? Мулла Ҳалим эмасми? Нимага бунча кеч, тагин биров қувлагандай юзини беркитиб юрибди?

Боя, Мардон раис яна янги ер очдирармиш, одамлар яна шўр ялайди, ботқоқ кечадими, деб ваҳима қилди. Агар рост бўлса, ари уяси қўзғалай деб турган бир дамда шу ишни бошлаш зарурмикан? Балки ростдир. Ким билади тагин, яқин орада улгуржи ер қолмаган бўлса, каттароқ ерга човут солгандир?..

Кейинги кунларда Аҳмаджон бир жойда қўним топиб ўтирмади. Ҳар кунни тонг ёришай деганда у «Вездеход»ни миниб чиқади-да, гизиллатиб кетади. Шофер қуши қўлидан учиб кетган боладай кўча ўртасида машина орқасидан ағрайиб қолади.

Муовинлари, партком секретари унинг табиатини билишади: у машмашалардан каттароқ бир ниманинг дардида юрибди. Кўнглидаги пишса, етилса, ўзи чақиради, гоҳо ўйчан, гоҳо чақчақлаб кулиб баён қилади: қўйниладиган вазифанинг ҳажми ҳам вази шунда бор бўйи билан гавдаланади. Шунинг учун бўлса керакки, райондан ё областдан раисни сўратишса, далада бўлсалар керак ёки тоғда — чорвани кўриб юргандирлар, деб мужмал жавоб қилишади.

Уша кезларда Аҳмаджон «қочоқ»қа ўхшаб тутқич бермай юрди, у муҳим мажлис ва кенгашларга ҳам келмади. Унинг учун ўн-ўн беш йил қаттиқ уринтирадиган катта иш, катта ер топишдан муҳим гап йўқ эди, мана, ахири топгандай бўлди. Машинани сайҳонга қўйиб, боши ва оёғи кўринмайдиган бўшлиқда ҳолдан кетгунча юрди. Гоҳ қатор, гоҳо чопиб ташлангандай унда бунда чўнқайган қумтепалар, ҳаммаёқ қум, баъзи жойларда оёқ ботади — қора балчиқ.

Раис бу ерларнинг меҳнатини чамалайди: бу оқар кумни тўхтатиш, захобни қочирш, шўрини ювиш, ҳосилдор тупроққа айлантириш учун қанча вақт, қанча куч ва харажат кетишини тахминлайди...

У «Вездеход»ни орқасига гизиллатганича қишлоққа келади. Юқори қаватдаги кенг, ёруғ кабинетига кириб пиддан беркитади, костюмини счиб, кўйлакчан ҳолда узун столга область ерлари картасини ёйиб қўяди-да, соатлаб ўрганади. Сўнгги кунлар ана шу ҳолатда ўтди. Унинг таранг тортилган асаб томирлари юмшатагандай, кўнгли хотиржам тортаётгандай эди...

Бир кунни чўл ўртасида қум сургандай ўмовлаб бораётган «Вездеход» бирдан бўксалади, бирпасда орқа гилдираклари қумга белидан ботди. У кабинадан тушиб у ёқ-бу ёққа аланглади: иш пачава, ҳаммаёқ тиззадан ботадиган қум. «Қизилтепа мавзун шу бўлса керак», деб тахмин қилди у. Тужуркасини ечиб машина устига ташлади-да, қум кечиб юқорилаб бораверди. Унинг оёқла-

ри толди: терга ботди, қулоқлари ғувиллай бошлади, ammo ўжар табиати уни олга судрарди. Ахири унинг оёқлари қаттиқ ерда тургандай бўлди, теварак-атрофга аланглади: катта яланглик, қумтепалар анча нарида — пасти баланд, кулранг кўринади, унда-бунда юлғун диккайиб турибди: оёғи тагидан билакдай келадиган эчкимар ҳансираб қочди, нарига бориб ўғирилди-да, оғзини очганича унга бир лаҳза тикилдию юлғун тагида қораси ўчди. Тенаснда, бир терак бўйи баландликда тұр-гай хониши қулоққа чалинди. Аҳмаджон бирданига жуда енгил тортиб кетди, гўё кўнглида мунг ва чарчоқ-дан нишон қолмади. Ундаги умид учқуни ногаҳон алан-гага айланди.

Сал юргач, яптоқ, псириқ, ҳатто унда-бунда қизил шувоқ кўринди. У болалигида бундан ихчам, кўркам супурги боғларди. Дашт ўсимлигининг нордон-туруш ҳиди, болаликдан кўнглига ўрнаб қолган шу бўй унинг қадамларини тезлатди.

Рўпарада ҳавога кўтарилган қуюқ тўзон кўринди. Аҳмаджон шу тўзонни мўлжаллаб юрди. Хийла юргач, у ер ўзлаштирувчилар бригадаси устидан чиқди. Дилкаш йигитлар экан, ҳатто Аҳмаджоннинг «Вездеход»ини тракторга судратиб келишди. Раис улар билан анча суҳ-баглашди. Маълум бўлдики, бу ерлар Андижон обла-стига қарашли экан.

Аҳмаджон шу куни катта Андижон канали чўлни ке-сиб ўтадиган жойга ҳам борди. «Янги ер» каналининг боши мана шу жой деб кўнглидан ўтказди у.

У кундуз кунлари чўл кезиб гоҳ Қўқондан, гоҳ Фар-ғона, Наманган йўлидан чиқди, кечалари гоҳ карта текширди, гоҳ қўлида қалам, ҳисоб-китоб қилди: шўрни юшиб ташлаш, қум ва балчиқни тупроққа айлантириш учун неча йил керак бўлади? Урта ҳисобда бир гектар ҳосил берадиган ерни вужудга келтириш неча сўмга ту-шаркин? Беш... йўқ, олти мингга борар...

Энди ўғри гапга қулоқ йўқ: бошлаш керак! Унинг хаёлини шу ернинг қулфини очадиган калитни тез топиб фикри эгаллаган, бошқа ҳамма масалани нари суриб ташлаган, унинг кўнглида танҳо ҳукмрон бўлиб олган эди.

Партия комитетининг секретари, муовинлари, бош ишженер, экономист, ер тузувчи, ишхона бошлиғи, кол-хознинг асосий активлари кириб катта кабинетни тўл-

дириб ўтиришди. Улар, раисни кейинги бир йил мобайнида бунақа хушҳол кўрмаган эдилар: баъзилар оғизлари қулоққа етиб илжайишди, баъзилар эса ҳайрон: колхозни яна комиссия босдию бу одам парвойи фалак, тавба!

— Йигим-терим аёқлади, шудгор ҳам тугайди,— деди раис, ўтирганларни бардам кўриб унинг кайфияти яна кўтарилди.— Қилинган меҳнатнинг мевасини ҳозироқ кўз олдимизга келтирсак бўлади: кунимизнинг, даврнинг талабига лойиқ иш бўлди, ҳаммаларингизга раҳмат!

Энди асосий гапга ўтайлик. Сўнгги икки йил ичида ер ўзлаштирмадик десак бўлади. Сизларни билмадиму, мен жуда ланжлашиб кетдим. Майда гаплар ва иғволар қадамимизни анча сустлаштирди. Ланжликни йўқотадиган, қадамимизни тезлатадиган иш майдони топиб келдим. Катта майдон, бизнинг ҳозирги Ғурумсаройдан кўра, анча катта, ҳозиргача ўзлаштирган ерларимизга нисбатан кўп марта қийин. Бу ердан қирқ беш-эллик километр нарида, ўзимизнинг Қўштепа участкасида у ёғига ўн-ўн беш километр йўл солинса, шу янги ер бошланади, Фарғона областининг даштига туташади. Хўш, қалай?

У чеҳраси очилиб, кулдиргичлари кулиб йигитларга савол назарини тикди. Йигитлар илжайишиб бир-бирларига қарашди. Негаки, улардан ҳеч бири раис ҳозир шундай катта масалани дабдурустдан ўртага ташлар, деб ўйламаган эди. Бунинг устига қишлоқдаги гап-сўз ҳали тугагани йўқ, раиснинг мухолифлари аллақачондан, аллақимдан куч олаётибди шекилли...

— Нимага бошларинг кўтарилмайди, бирор гап борми?— ҳамон хушҳол сўради раис.

— Ҳеч гап йўқ,— деди Бозоров.

— Колхознинг боши ҳали текширишдан чиққани йўқ, шунга бир оз ҳайрон бўлишди. Ўртоқлар. Ер очиш тўхтаб қолди, бу тўғри,— деди Маназаров, Аҳмаджон жиддийлашди.

— Шундоқ денглар,— деди у йигитлардан кўз олмай.— Текшириш оёғимизга тушсавми, бизни жилдирмайдими? Йўқ,— ўрнидан турди у.— Текшириш бўлса ўз йўлига, оғайнилар, хато ва айбларимиз бўлса кўрсатишар, бўйнимизга қўйишар. Колхозчиллар олдида албатта. Умумий йиғилишда. Аммо биз уларнинг оғзига

қараб, лаббайгўй бўлиб ўтира олмаймиз. Ишимиз жуда зарур. Шундоқми, Тўхтасинбой?— Бозоров бош ирғатди.— Гап бундоқ, ўртоқлар, ҳар ким ўзига тегишли ва-зифани ёзиб олсин: Маназаров, бу кундан бошлаб менинг йўгимда раислик сизнинг зиммангизда, ҳамма ишга жавобгарсиз; Тошматжон, Уста Ҳомид — сизлар чорва қишловини, ем-хашакни етказиш гамида бўлинглар; бош агроном — шудгор, шўр ювиш, яхоб бериш билан банд бўлсин; экономист тафтишчиларга ёрдамлашсин,— бош инженер билан мастерской мудирига,— икки кун муҳлат, ер ўзлаштирувчи отряд сафарга шай турсин: уларнинг бош механиги Усмонали Ғойназаров. Скрепер, бульдозер ва бошқа оғир трактор ҳам ёрдамчи машиналар қайта-қайта кўздан кечирилсин, запас қисмлари гаплаб олинсин; ҳа, эсдан чиқибди: вагонлар бугундан бошлаб янги ерга етказилиб ўрнатилсин; йигитларга қўшимча иссиқ кийим-бош, пойабзал, озиқ-овқатлик юборилсин,— деди у. Кейин нимагадир қўлларини бир-бирига ишқалаб кабинетни айланиб юриди-да, э, муҳим гап эсдан чиқибди.— Тўхтасин Бозоров, сиз ҳозир Попла Исмоил Мансуров билан боғланинг, у эртага эрталаб етиб келсин; Бозоров, Сотволди полвон ҳам биз билан боради; отряд бошлиғи мен — Одилов. Ана шундай буйруқ тайёрланг, секретарь.— У ўрнига келиб стол зийига суялганча шўх жилмайиб йигитларга тикилди:— Гап ана шундай, оғайнилар. Хўш, қалай, қўлимиздан келадими?

Раисни хафа, тушкун, тажанг ҳолда эмас, аксинча, хурсанд, шиддатли кўриб йигитлар анча енгил тортган, кўнгилларидаги иштибо тарқалган эди.

— Ўзимизнинг қилиб юрган ишимиз,— деди Усмонали,— нари борса, Чагилиннинг ачимаси, Ўрай шўричадир-да қийинлиги, хавотир тортманг, Аҳмаджон...

— Оғир тош кўчди, ҳозир гумбурлайди,— деб юборди раис Усмонали гапга нуқта қўямасидан.

Энди хонани гулдуратган кулги қопладди.

Усмонали ёзу қиш далада, ҳали у ерда, ҳали бу ерда қорамойга беланиб тракторларнинг ишдан чиққан қисмларини тузатиб юради, оғир-вазмин киши, унинг шақиллаб кулганини одамлар камдан-кам кўрган: марҳум Мелиқўзи билан елкалашиб далада машина сурган дастлабки механизаторлардан бири. Тенгқурлари уни

тошдай оғир, дейишади. Раис ҳозир шунга ишора қилган эди. У гапни мухтасарлади:

— Бунисининг меҳнати оғир, сизларни чўчитиш учун эмас, шерлантириш учун айтяпман, оғайнилар,— деди Аҳмаджон.— Уларингни чоғлайверинглар: эрта-индин кўч-кўронни кўтарамиз...

III

Аҳмаджон баланд тепалик устида атрофга назар ташлаб юрибди. Бу тепаликдан кўз илғаган ҳаммаёқ яққол кўринади: пасти баланд қумтепалар, гўё баҳайбат туялар чўккалашиб ётибди: гиёҳсиз сайхонлар бети-ни оппоқ шўр қоплаб ётибди, унда-бунда қора балчиқ кўллар. Бу ерларнинг охири йўқдек, гўё осмон уфқига туташади.

Кун илиқ, ёқимли, куз охирига ўхшамайди.

У костюмини ечиб елкаси оша осилтириб олган, гоҳ тепаликларнинг биринчисидан иккинчисига ўтади, гоҳ сайхонлар ўртасидан кесиб юради: қирсиллаб синган шўрни этигининг тумшуги билан тепиб юборади-да, оёғи тагига хийла вақт тикилиб қолади. Бу ўксик, муигли ер билан гаплашади:

— Мана келдик, партия амри билан, ҳамма жароҳатдан сени даволаш учун. Бундан буёқ фариб, мажруҳ эт бўлиб ётмайсан. Бўрсиллаган саз тупроққа айланасан, меҳрибон, сахий она бўлиб инсонни боқасан.

У қумга болдирдан бетиб лананглаб юарди. «Агар тили бўлса, ер нима деб жавоб қиларди», деб ўйлади у. Шу аснода у қандайдир нидо эшитгандай бўлдию вужуди қулоққа айланди:

— Узоқ кутдим!

«Ҳа, ернинг оҳ-андуҳи»,— кўнглидан ўтказди Аҳмаджон, қулоғи яна ҳам дингиланди:

— Кучинг етармикин, чамалаб кўр. Оқар қум, аччиқ шўр, қора балчиқ.

Аҳмаджонни қалтироқ тутди. Катта даврага тушганда елкаси ер искамаган полвон шу ҳолатга тушади.

— Амин бўл, меҳнатдан, қийинчиликдан қочмаймиз, ҳамма дарддан сени даволаймиз, оҳ-андуҳларнинг қочади, навқирон кучга айланасан, аҳдида маҳкам, сўзи бир йиғитлар келган. Улар озмунча шўрни қочирмади, озмунча балчиқни қуритмади, озмунча қумтепани ётқиз-

мади. Улар юксак тоғни тиз чўқтирди. Қараб тур-а, жамолинг очилади, кўксингда ажойиб шаҳарлар, қишлоқлар, шовул боғлар, яшил далалар пайдо бўлади.

У жуда шерланиб кетди. Катта бир сайхонликни ўлчаш ва карталаш билан банд бўлган шериклари олдига қараб юрди, юрди эмас, югурди. Ҳозир у болага ўхшар, қувончини кўнглига сиғдиролмасди. Кела солиб район ер тузувчиси Исмоил Мансуровнинг белидан маҳкам тутди-да, кўтариб гир айлаштирди. Кейин беозор ерга қўйиб хитоб қилди:

— Биласизми, нима топиб бердингиз бизга? Йўқ, билмайсиз; тугамас кон! Қанақа кон денг-а? Олтиндан қиммат. Аммо асл одамсиз-да, ўзингиз ҳам. Қани, Исмоил ака, катта китобингизни очинг-чи, ўзимизнинг районга тегишли ер қанча, бутун областники қанча, Фарғона ва Андижон областлари билан чегара қаердан ажралади, билиб олайлик. Бизнинг қиладиган ишимиз аша шундан кейин кўзимизга аниқроқ кўринади.

Мансуров ер картасини ёйди:

— Бизнинг районники мана бу ердан бошланади, «Уйчи» совхозининг биқинидан. Ҳаммаси икки ярим минг гектардан ошиқ...

Аҳмаджонга ҳозир шу дафтар қандайдир сеҳрли кўринди, у чизиқларга, район ва областларнинг номларига сичков тикилиб турди. Кейин:

— Бутун областники-чи?—деб сўради.

— Мана бу чизиқдан, кўряписизми, Фарғона областининг Бувайда райони чегарасидан бошланиб Тошлоқ ва Охунбобоев районларининг чегараси бўйлаб Андижон областининг Комсомолобод районига туташади. Ҳаммаси — ўн икки минг гектар атрофида.

— Оғзингизга мой, Исмоил ака! Биласизми, қанақа одамсиз? Зўр одам! «Ленин» номли колхозининг жонкуярсиз!

Мансуров кулиб юборди.

— Нега куласиз, пожўя гап қилдимми?

— Йўқ,— деди у кулгисини зўрға босиб.— Масалан, сиз ер кўрсангиз қумлоқми, ботқоқми, тошлоқми, бари бир, ўзингизни қўйгани жой тонолмайсиз, жанжал қилиб бўлса ҳам оласиз, раислар борки, чегарасидан нари чиқишини билса, ўзини шу ташвишдан қутқазини учун жонини жабборга уради, қўлингизга сув қуйиб қўйишга ҳам тайёр: шу ерни колхоз ҳисобидан ўчиртирса бас.

— Уларга ер керакмас-да, ака, ундан кейин, ҳақ гапни айтганда, ер очиш қийин иш, қумзорни тупроқ қилиш ўзи бўладими?.. Аммо биз ўзлаштирамиз бу ерларни. Бу ерларнинг охи зорини эшитмаган одамлар энди қўшиғини эшитади. Янги очилган, умри бино бўлиб биринчи марта экипарига зеб бериб, роҳатлаиб ётган ернинг қўшиғини эшитганмисиз? Шабадага селкиллаган баргчалари чапак чалганини кўрмаганмисиз? Кўрасиз! Эртадан ишга киришдик деяверинг.

Мансуров бош чайқаб яна кулди:

— Ғалати одамсиз, Аҳмаджон..

— Ишонмаяпсизми, нимага боши-боши қиласиз?— Одилов ер тузувчига савол назарини қадади. Мансуров кулгисини босолмасди. У Аҳмаджонни кўп йиллардан бери билади. Бу ишларга Одилов ўйламай-ўлчамай киришмайди. Урай мавзеини, Чумчуқжарни ўзи ўлчаб, ўзи карталаштириб берган: аммо уни ҳануз бунақанги қаттиқ ҳаяжон ва шиддатли ҳолда кўрмаган эди.

Кеча Аҳмаджон унга, ўзимизга тегишли бир оз бўш ер борми, деганида илгаригидек, уч-тўрт юз гектар ер очмоқчидир, деб ўйлаган эди. Ҳозир эса, районга тегишлиги бу ёқда қолиб, бутун областга қарашли ернинг ҳаммаси бизники бўлади, деб турибди. Ўйлаб гапиряптими ё мени гангитмоқчими? Қуруқ аравани олиб қочадиган, беҳудага лоф урадиган одати йўқ эди. Наҳот, областдаги иккита катта совхозга тенг ерни бир колхоз ўзлаштиради, шунга куч-маблағ топади? Ақл бовар қилмайди.

— Ҳўш, нимага индамай қолдингиз? Айтаверинг кўнглингиздагини.

— Кўнглимдагини айтсам, ишонгим келмаяпти..

— Кўнглингиздаги шуми ё яна борми?

— Ундан кейин бу ерларнинг эгалари бор. Улар кўнишадими? Олдин уларнинг розилигини олиш керакмасми?

Энди Аҳмаджон чақчақлаб кулиб юборди.

— Оббо сиз-ей,— деди у кулгисини зўрга ютиб.— Тўғри айтасиз, уларнинг розилигини олиш керак, оламиз ҳам. Аммо, Исmoil ака, овозагарчилиги кўп. Колхозларга қолса-ку жон дейди: районжроқўм ва райкомлари чўчишади, ўзига биркитилган чўлни ўзлаштирмабди, деган гап тарқалади. Биз ўзлаштиришга киришаверамиз, улар ичларида жон дейдилару снпорнш учун ўзимиз ҳам ўзлаштирардигу аммо... деб қўя қолишади.

— Ҳар қалай, Аҳмаджон, олдин қонунлаштирган яхши. Қўнгил тинч бўлади. Бу жойда сизнинг қонуний ерингиз икки юз гектар.

— Баъзи раисларнинг бундан қутула олмай қийна-лаётганини айтдингиз-ку. Биласизми, бу ер уларнинг бўйинларига осилган тош. Узоқ кўтариб юролмайдилар, ташлаб юборадилар. Биласизми, қирсиллаган қиш чилласида, чўл шамоли бетга қум чаплаб, аридек чақиб турганда раҳбар хотинининг иссиқ кўрпасидан чиқиб, иш тепасида турмаса, ўзлаштиришнинг ҳамма азобини бирга тортмаса, жонини қийнаб шўр ялайдиган аҳмоқ тракторчи йўқ, Исмоил ака. Шунинг учун ҳам Поп колхозчиларининг эккан шолиси қум тагида қолиб кетди. Бошқа районлардаги раислар ҳам шу. Расмийлаштириш ўз йўли билан бўлаверади. Бошқа республика ёки бошқа область ҳам эмас. Ундан кейин ер обод қилганники. Қамшик воқеаси эсингиздан чиқдими?

— Тўғриси айтсам,— деди Мансуров Аҳмаджоннинг сўзини ҳамон ақлига сиғдиrolмай:— Буни жой қилиш учун оз вақт, озмунча куч, озмунча маблағ керакми? Ҳаяжон устида гапиряписизу кейин пушаймон бўласиз-ку, раис?

— Мулоҳазаларингиз қисман тўғри,— деди Аҳмаджон жиддий йўсинда, чўккалашдан оёғи толди шекилли, бемалол ўтириб олди,— сиз менга ёмоиллик соғинмайсиз. Аммо сизнинг ишингиз ер тузиш, ўлчаш, карталаштириш. Бошқа ташвишингиз йўқ. Мени халқ ўзпга ташкилотчи қилиб сайлаб қўйган. Бунинг устига мен иқтисод илмини ўрганганман. Биласиз, бухгалтерман, яна устига агрономия, туپроқшунослик, техникадан ҳам оз-оз биллишга қунт қилдим. Нимага? Катта рўзгорни тебратиш мендан шуни талаб қилади. Билмасам агроном билан қандай гаплашаман, ер ҳайдайдиган тракторчи ёки чорводдорнинг ишини қандай текшираман? Тўтиқушга ўхшаб айтилганини такрорласам, кўрга ўхшаб у етаклаган йўлга юраверсам, қанақа раис бўламан. Шу катта ерни ўзлаштиришга аҳд қилибмиз, халқнинг бугунини эмас, эртасини кўзлаяпмиз. Ҳозир туғилиш ҳар қачонгидан кўп, ўлим кам. Тахминий ҳисобга қараганда, ўн-ўн беш йил ичида Ғурумсарой ва Чодакда вояга етадиган йигитқизга икки мингдан кўпроқ уй-жой керак бўлади. Буларга ҳунар ва иш майдони ғамини ҳозир ейиш керак. Сиз керак бўладиган ишчи кучини гапирдингиз: иш

майdonи каму аҳолиси тифиз қишлоқларни ўйлайсизми? Яна бир мисол, шаҳарларда аҳоли анча тиқилиб қолди. Енгил-елпи йўл билан тирикчилик қилаётган одам кўп. Мен, чунончи, бу ерга Қўқон шаҳри ва унинг атрофидан жуда кўп хонадон келишига ишонаман. Албатта, булар орасида кўпроқ даромад топиб кетишни кўзлайдиганлари ҳам бўлади. Тиррақиси йўқ пода бўлмайди. Аммо ҳалол тирикчилик қиладиган меҳнаткаш кўп. Чиллаки чиллакини кўриб қизаради. Яхшилар тимсолнда улар ҳам меҳнатга ётади...

Исмоил Мансуров мийнгида кулди.

— Юлғучлар тез тузаладими?

— Гурумсаройнинг ўзида ҳам уларнинг уруғи кўпайиб қолди, зулукдан баттар. Тагин ҳамма ғавғони шулар чиқараётибди,— луқма ташлади Тўхтасин.

Аҳмаджон маъюс жилмайиб бош тебратди:

— Мен, пул бандалари дарров тузалиб кетади, деган маънода гапирганим йўқ. Уларни шу дард олиб кетганда ҳам болалари меҳнаткаш бўлишига ишониб гапирдим. Агар биз оталарида юққан заҳардан уларни озод қила олсак. Бу табиб — меҳнат. Фақат меҳнат билан топилган овқат ширин, меҳнат билан топилган кийим-бош чиройли эканини билишса бас. Бу осон эмас, қийин иш, албатта. Бу ерда ўшалар макон қуриб қолади-ку,— Одилов бир парча сап-сариқ шўрни синдира-синдира хаёлга толиб турди-да, узилиб қолган гапни улади:— Улар турли жойдан келган турли миллат кишиларни бўлсалар ҳам мана шу ерни обод қиладилар, безайдилар. Биласизларми, Исмоил ака, Тўхтасинбой, Сотволди полвон, огайнилар, орадан ўн беш-йигирма йил ўтади, сизлар юз машаққат билан кўкартирган чинорлар, тераклар вояга етади. Боғлар яшнайти. Майдонлари гулзор қишлоқлар бунёд бўлади. Кўчаларда болалар югуришиб юради, шу ерда ўсган болаларнинг болалари... уларнинг киндик қонлари томган ўз юртлари... Бунинг асосини эса сиз қургапсиз. Биласизларми, бу қандай бахт ахир! Бунинг учун ишлаш ва яна ишлаш керак, ўртоқлар...

— Хаёлпараст бўп кетинг-е, раис,— деди Мансуров ва табиатига хилоф равишда шарақлаб кулиб юборди. Аҳмаджоннинг ўзи овозини баралла қўйиб кулди. Бу гуррос кулги ҳувиллаб ётган чўлни жонлантириб юборди.

— Кўп нарса хаёлдан туғилади,— деди раис кулгидан тийилиб.— Хаёл одамнинг руҳини кўтаради, орқага эмас, олға ундайди. Хаёл яхши, ака, агар хаёлга бурканиб қолиб кетмасангиз, хаёл тўхтамай, амалга кирса...

— Биласизми, Исмоил ака, бу қандай бошланган эди,— деди Аҳмаджон ўтириб гапириш фикрининг оқинини сусайтирдими, ҳар қалай, у қандайдир шахт билан ўрнидан турди, Мансуровни ҳам турғизиб, қўлтигидан олганча сайхонлик бўйлаб юрди.— Мен янги раис бўлиб сайланган кунлар, масъулият оғирлиги кун сайин елкадан босаверди. Қиш кунларининг бирида, кечқурун Мелиқўзи, Маннон, Усмонали, Сайдали, Деҳқон, Маҳмуджон, Парни ва бир қанча ёшларни правлениега чакириб маслаҳат солдим:

— Оталар тузиб берган колхоз, оталар очиб кетган ер, улар қолдирган мол, оталардан қолган қишлоқ, гувала девордан қурилган эски уйлар,— дедим. Қарасам ҳамма жим, гапнинг мағзини қачон очаркин деб кутиб туришибди. Мен ҳам уларга бирпас жим тикилиб турдим. Кейин гапимни давом эттирдим:— Хўш, оғайпилар, қани, дўппини олиб қўйиб ўйлашайлик. Мисол учун,— дедим,— эғнимизда ўспиринликдаги тўн, бошимизда ўша дўппи, оёғимизда ўша этик. Хўш, нима қнламиниз? Масалап, дўппи менинг бошимга сифмаяпти, этик оёғимни қисаяпти, тўн қўлтигидан, чокидан ситиляпти. Хўш, сизларники-чи?— Яна жим уларга тикилиб турдим.

Мелиқўзи пиқ этиб кулиб юборди. Кейин ўрнидан туриб дов қаддини ростлади:

— Аммо, раис, ўйлашадиган гап бу,— деди.— Нимага шимим калта десам, бўйим ўсиб кетибди... тўғри айтди раис, карталарга трактор солганда, сичқон шнига сифмайдию думига ғалвир боғлайди, деган мақол эсимга тушиб кетади. Бунинг устига, ўртоқлар, районнинг бошқа колхозларида пахта териб қурултойда берган ваъдамнинг устидан чиқдим. Тўғри, ҳозир ўйлашиб, эртанинг тадбиринга киришмасак кечикамиз.

— Хўш, ер ўша, деҳқончилик усули ўша экан, чораси нима, айтинглар?— дедим.

Усмонали билан Ҳамиджон бошларинга чертиб кўрсатишди:

— Пишириш керак!

Шундан кейин ҳам кўп йиғилишдик. Ахири пишди: Ғурумсаройни бўйига чўзиш, энига кенгайтириш ҳақи-

даги фикр олға сурилди. Бора-бора бу фикр ширга, правление билан партия комитетининг программасига айланди.

Уйлаб қарасам, қишлоқни янгилаш, техника сотиб олиш учун маблағ керак. Колхоз ўрта ҳисобда йнгирма беш центнердан ҳосил олади, ҳамма пахтаси уч минг тонна атрофида. Районнинг олди колхозларидан ҳисобланса ҳам пули кўзланган ишга урвоқ ҳам бўлмайди. Демак, олдин ҳосилдорликни ошириш, айни вақтда оздан бўлса-да янги ер ўзлаштира бориб, йилга етиштириладиган пахтани икки беш йиллик ичида ўн минг тоннага етказишни ўзимизга асосий мақсад қилиб олдик. Ҳа, айтгандек, ёшларни техникани ўрганишга ялпи жалб қилдик. Мелиқўзи, Саидали, Усмоғиллар бу ишни қўлга олишди: мактаб болаларини ўзлари ўқитишди.

Биласизларми, олдин кўнгилга ҳавас, ишқ жо қилинса, ялпи ҳаракат бошланар экан. Болалар эс таниши билан тракторга ёпишадиган бўлди.

У сайхонлик ўртасидаги қумтепага кўтарилди. Бошқалар орқасидан тирмашишди. Қаёққа қарама ноёни йўқ бўшлиқ. Ботаётган қуёш шуъласида ер пешонасига тошган оппоқ шўр ялтираб кўзни қамаштиради, гўё кўз илғаган шу бўшлиқ нуқул гиёҳсиз сахро, ҳаммаёқ ҳувиллаб турибди. Аҳмаджон қўлини пешонасига соябон қилганча олисдаги кўктепага тикилиб қолди. Қуёш гўё шу ясси тепалик устига узилиб тушган, оламжаҳон ер лаҳжаланиб ёнар эди.

— Қаранг-а, мана бу ажойиботга, ака!— деди у.

— Юрагингизни ваҳм босмаяптими, Аҳмаджон?

— Қанақа ваҳм? Ваҳми нима, ўртоқ Мансуров?

— Ҳаммасини ўзингиз оласизми?

— Йўқасам-чи?

— Битта колхоз эмас, ўнта миллионер колхознинг ҳам кучи етмайди-ку. Тўхтасин иккимиз буни карташ-тиргунигимизча неча йил ўтади!

— Аммо, ўзингиз ҳам Ваҳмбоев бўлиб қолибсиз, Исмоил ака!— деди Аҳмаджон, у пальтосини ечиб тепалик устига ёйиб ташлади-да, чордана қуриб ўтириб олди.

Шофер Содиқ дастурхон ёзди, Тўхтасин катта бутилкадаги сувни қўлга қуйди, ҳамма доира тортиб овқат-

ланишди. Мансуров раиснинг бу ўтиришига, одатда, тоғ сойининг сувидек жўшқин одамнинг шошмай, бемалол овқат чайнашига қараб туриб кулиб юборди, кейин кулгисини ютиб деди:

— Туринг, бой ота, кеч бўлди, ярим кечада зўрға етамиз уйга.

Аҳмаджоннинг қулоғига дабдурустдан эриш ва ғалат эшитилди бу сўз, аммо оҳангида кесатиқ йўқ эди, аксинча, Исмоилнинг раисга самимияти жаранглаб турарди. Олдиниға анграйиб турган Аҳмаджон бирданиға хандон отиб кулди.

— Китобингизни яна бир варақлаб кўринг-чи, Исмоил ака, бу жойларнинг номи борми-йўқми, ё пешонасига ном битмаганми?

— Оти бор-йўқлигини мен ҳам билмайман, аммо картада «Аччиқкўл» деб ёзиб қўйилган.

«Аччиқкўл», деб такрорлади Аҳмаджон ва ғоз туриб чўлга — шу бўшлиқ қаърига анча тикилиб турди. Бепоеън чўлни тун қоронғиси аста қоплаб келар, оқшомнинг муздек шабадаси бетни ялар, уфқиға ботган қуёш шуъласи ясси тепалик устида ҳамон ловиллаб ёнар эди.

IV

Бу комиссия колхознинг ҳамма тармоқларини титкилаб, ғпжимлаб, узоқ текшира бошлади. Аҳмаджон комиссияга жой, тегишли шароитни муҳайё қилиб бердида, ўзи фақат зарурат туғилганда, чақирилганда келиб учрашди. У кунларини далада, ишда ўтказарди.

У гоҳо азонда, гоҳо тунда сувчилардан хабар олиб юрарди. Бир мўйсафид сувчи уни бир пиёла чойга таклиф қилди. У велосипедини тутга суяб қўйиб уватга, қариянинг ёнига чўккалади. Аҳмаджонга у бир пиёла чой тутиб, бошини ҳам қилганча сукутга толди. Ранс пайқади, мўйсафид нимадир демоқчи.

— Бирон гап бор шекилли, отахон?

— Ҳа, ўганим, бир гапни сўрамоқчи эдим,— деди у бошини кўтармай.

— Сўранг, қулоғим сизда,— Аҳмаджон сергакланди.

— Тинч, иноқ ўсаётган оила эдик. Нима бўлдию ичимиздан ола чиқибди. Нимага, ўғлим?

— Катта рўзғор, кўпчилик, ичида оласи ҳам бўлар экан-да, ота.

Мўйсафид соқолининг учини қайриб, ямлаб бош чайқади.

— Одам олasi ичидами? Ғўза ола чиқса, ҳамма ҳаракатга келади: нимага ола? Айб нимада, кимда? Сиз ва партком, райком ва райижроқўм аниқлагунча тепасида танда қўясизлар. Ичимиздаги ола район, область ва марказда гап бўлибди, бизга оқоваси етиб келди. Нимага, раис?

— Комиссия текширяпти, фикр айтгунча сабр қилайлик-чи, отахон.

— Текширсин, тўғри. Аммо олалик сабабини аввало ўзимиз ўйлашимиз керак эмасми?

— Тўғри, керак. Аммо мушкул иш экан, отахон.

— Ҳа, баракалла, осонмас. Беарволик баттар қийнлаштиради.

— Сиз айтинг-чи, ота,— деди комиссия раиси бир куни қариялар билан гаплашиб ўтирар экан, азмойиш олиш учун сўрагандек, Қодир отага савол назарини тикди:— Ростданам раисингиз шунақа бойми, отахон?

Мўйсафид соқолининг учини ямлаб сўроқнинг мағзини чақиб турди-да, жилмайишга мойиллашган чеҳраси ногоҳ жиддий тус олди. Қосасига анча ботган кўзлари олисда йилтиллаган чироққа ўхшаб кетди.

— Нима дессам экан, бутун вилоятда дессам, дуруст билмайман. Аммо бу депарада бунга тенг келадиган бой йўқ. Бунга шубҳаланмасангиз бўлаверадн. Ўзингиздан бпр гап сўрасам майлими, мулла?

— Майли, сўранг.

— Сўроғингиз нима тўғрисида? Ер тўғрисидами?

— Шундай.

— Ундоқ бўлса, гап ойдивлашди: бу депарада ҳеч ким бунчалик кўп ерга эгаллик қилмайдн.

Комиссия раиси кулимсираб бош чайқади.

— Колхознинг ери катта, буни биламан. Ўзиники қап-ча, тахминан бўлса ҳам айтолмайсизми?

Қодир ота кулгисини яшириш учун оғзини беркитди.

— Ҳаммаси ўзиники, хўжайин бўлганидан кейин ўзиники-да.

— Бобой, эрмак қилманг-да. Мен жиддий гапиряпман.

— Жиддий гапирганингиз учун раҳмат, ўғлим. Мен ҳам ҳазиллашаётганим йўқ.

— Шунча ер ўзлаштириб, ўзи фойдаланмаганмикин? Илтимос, билсаларингиз яширманглар.

— Мана энди бўлар гапнинг ўзига келдик. Арз битган одам фалон жойда мана мунча гектар экини бор, деб кўрсатгандир?..

— Фараз қилса бўлади,— деб гапга аралашди бир чеккада жим ўтирган Акбар ака.— Ўзи экин-тикин қилган раис колхоз еридан ўғринча фойдаланган одамни тутиб халққа рўпара қиладими? Шунга ишонасизми? Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулибди қабилдан бўлмайдими? Мумкинмас-а?

— Раис серзарда, одамларни жеркиб ташлайди, дейишади, тўғрими?

— Буниси ҳақиқат. Чамамда, ўн беш йил олдин уни раисликка сайлаганимизда зардаси ҳозиргидан баланд эди. Лекин биз кексалар, шу маъқул, деган эдик. Нимага дейсизми? Масалан, сизнинг икки ўғлингиз бор: бири — бўштоп-латта, бири — серзарда, сиркаси сув кўтармайдиганлар хилидан. Латта сиз экиб кетган дарахтни кесиб қалайди-ю, ўрнига экмайди, сиздан қолган уйнинг ёғочи чириб қулагунча ўтираверади-ю, янгисини солиш қўлидан келмайди. Серзарданинг бунга орияти кўзийди: дарахтларни кўкартириб, уйни янгилаб қўяди. Ёнига яна қўшади. Бошқалар учун... Эларо нақд бор: жаҳл отланса устидаги чавандозни олиб қочади. Серзардалиги зам-зам суви эмас, ҳузур бермайди, кўпинча дил оғритади. Аммо кимдир орқага тортаверса, карвонбошига зўр келади,— деди Акбар ака ва мўйловини силаб бир нафас жим қолди. Кейин бармоқлари билан нманидир ҳисоблаб чиқди-да, сўзини улади:

— Агар янглишмасам, шу карвоннинг ташкил бўлганига қирқ икки йилдан ошибди. Олдин ҳар ким арзасини ўзи тортарди. Ўзинг учун ўл етим эди... Уша дастлабки йилларда карвон кичкина, отлар озғин, арвалар эски эди. Аммо, шундай бўлса ҳам, бу янги карвон янги рўзгорининг бирлик карвони эди. Шу бирлик бизнинг муқаддас туғимиз бўлиб қолди. Мен ҳам шу карвонни йигирма йилча стакладим. Лекин карвон улгайиб, одими тезлашган сари, орқадаги қистаб оёғимни босаверди. Қарасам, карвоннинг суръатига халақит беряпман... Ушанда, янги карвонбоши сайлаш йиғинида Аҳмаджоннинг номи тилга олинди; кўплар унинг мўлжаллари катта, тезкорлигини билишарди. Бу ўзга-

риш қишлоққа машиналарнинг азамат хиллари кўп кела бошлаган даврга тўғри келди.

Карвон сафи янгилана бошланди,— давом этди қария тебраниб ва кулимсираб.— Бировлар рози, бошқа бировлар норози. От-арава энди карвонга ярамай қолган эди. Ўрнини техника эгаллади: юк оғир, қадам тез ва шиддатли; йигитлар сараси, юрагида ёли борн до-вонларда, қалтис бурилишларда халқ юкини бехатар ва тез олиб ўта олади.

Энди фараз қилайлик: карвон баланд чўққига тез кўтариляпти. Сафдагилардан баъзилари мудраб қола-верса ёки йўл оғирлигига тўзими етмаса, сиз карвонбо-ши ўрнида нима қилардингиз?— У ҳамсухбатига нури заифлашган кўзларини тикиб хиёл жилмайиб турди. Кейин саволига ўзи жавоб қайтарди:— Индамайсиз? Ўзинг айт, демоқчисиз. Майли, ўзим атай. Бизнинг карвонбошимиз мудраганни қаттиқроқ туртиб сергак-лаантиради, бу ҳам кор қилмаса, сафдан тушириб қолди-ради. Бошқача сўз билан айтсам, сиз энди бригадир ёки устакор, техник ё бўлмаса ферма мудури эмассиз, оддий сувчи ёки темирчи, ё бўлмаса чўпонсиз. Демак, энди белбоғни қаттиқроқ боғлаш керак бўлади. Олдин-ги сафда юришни чидаганга чиқарган. Вақтнинг ким ўздиси бу. Шундай эмасми, меҳмон?— у сўзим тугади дегандай мўйловини силай бошлади.

Меҳмон мўйсафидларга жавоб берди-да, уларни де-разадан кузатиб қараб қолди:

— Эҳ, қариялар, қариялар, зап одамларсиз-да!

V

Бу ерларнинг мунгли сукунати абадий бузилди. Ин-сон бу ерларга абадий ҳаёт олиб келди: тоғ дарёсидек гуркироқ, тошқин ва жўшқин ҳаёт.

Ялангликда скреперлар, бульдозер ва экскаваторлар, полвон тракторлар саф-саф бўлиб тизилган. Меха-низаторларнинг қўллари рудда, қулоқлари динг: буйруққа маҳтал туришибди. Булар колхоз механиги Усмонали, Жуманқул, Файзулла каби тоғлар белига неча қатор белбоғ ўраб тушган, тик жарликларни кўмиб, заранг ерларни ағдариб унумдор тупроққа мойил қилган чап-даст, уддабурон механизаторлар — ҳаммаси олтмиш икки

киши: бу ерда қуриладиган янги ҳаёт пойдеворини қўйишга шай.

Қумтепалар бағрида вагонлар турибди. Катта қизил вагон эшигига «В. И. Ленин» номли колхоз чўлқуварларининг штаби» деб ёзилган. Вагон томига ўрнатилган радио карнайи оламда содир бўлаётган воқеаларни чўлга етказишга чоғланиб оғзини очиб турибди. Вагон бўғотига тортилган қизил алвонни тонг шабадаси тортқилайди. Саф бошида турган Жуманқул Холдоровнинг назари титраётган шу алвондаги ёзувга тушди, ичида ўқиди: «Яшасин Улуғ Октябрь инқилобининг эллик беш йиллиги!» Шиорни барала товуш қўйиб, чўлни янгра-тиб ўқигиси келдию ҳад қилолмади: бутун чўлда сукунат, таштанавор сукунат ҳукмрон эди. Ҳамма қандайдир унсиз ҳаяжон билан радио карнайига қараб турарди; гўё ҳозир гулдурак солиб тараладиган садо бу чўлда абадий қолади, инқилобнинг шу қайноқ нафаси одамларни меҳнат ва зафарларга муттасил йўллаб туради.

Бу сукунат чўзилган сарин одамлар асаби таранглашадди, гўё уларнинг вужуди қулоқ, мана ҳозир бу саҳрода юз берадиган буюк тарихий воқеанинг шоҳиди, асосчиси ўзлари бўлишади; Жуманқулнинг юраги така-пука, воқеа юз бергунча тўзини етмайдигандай, таранг торпини аллақасердан узилиб кетадигандай. Ахир, ўн беш йилдан ошди шекилли, ҳар йили муттасил ер очишади: бир йил кўпроқ, баъзида озроқ; аймо бунақанги ҳаяжон, бунақанги кенглик ва улугворлик салобатидан ҳайиқини ва жўшини биринчи бор кўрянтими, ҳар қалай, ҳозир аён бўладиган воқеа унинг кўнглини тошдирарди, ана, ҳатто Аҳмаджоннинг кўкраги ҳам кўтарилиб-кўтарилиб турибди. У нимагадир ўзини чоғлаётгандай.

«Ҳозир юз беради,— деб ўйлади Жуманқул.— Ҳаммага, ҳаммаёққа аён бўлади!»

Радио карнайи пихиллай бошлади, гўё унга жон кирди. Кейин Кремль соатининг аста ва бир мақомдаги устма-уст занги жаранглаб турди-да, бирдан гимн садолари янгроқ солди. Ленин мадҳи саҳронинг ҳадсиз осмонини қучиб олган эди.

«Бошланади, ҳозир!» — деб ўйлади Жуманқул.

Аҳмаджон катта сайҳон четндаги улкан «К-700» тракторини миниб, кенгликнинг ўртасида плугни туши-

риб ерга чуқур ботирди-да, машипани юрғизди. Ернинг қора бағри бир қулоқ сув сиққулнк катта тилим бўлиб очилди. Сайхонликнинг бели кесилиб бўлгач, Аҳмаджон наригн бошидан дарз ёриб тушди, майдон тўрт пайкалга айланди; ҳозиргина оппоқ шўр, нурсиз кўринган бу қумлоқ майдон инсон қўл уриши билан ўзгача кўрнини, қандайдир тароват касб этди.

Аҳмаджон тракторни жойнга келтириб қўйди-да, кабинадан тушиб, саф рўпарасига келиб тўхтади, унинг ранги оқаринқираб кетган, оғир, тез нафас оларди-ю, ўзини осойишта тутншга, кўнгил тўлқинини сиртига тептирмасликка тиришарди. Унинг ҳолати Жуманқулга ўтди. Чамбаракка кўкрагини тираганча раисга тикилиб қолди.

— Биз улуг айёмни мана шу чўлда кутиб оляпмиз, ўртоқлар,— деди Аҳмаджон босиқ товушда.— Сизларни шу айём билан, ҳаётимизнинг энг улуг куни бўлган Октябрь инқилоби байрами билан табриклайман! Биласизларки, шу бугун одамзод кўнглидаги азалий орзулар ушалган кун. Биз жуда катта савоб ишга шу бугун, ўзимиз яшаб турган шу турмуш тарзимиз туғилган купда қўл уряпмиз. Рангларингдан кўриб турибман, йигитлар, юракларинг гупиллаб тепяпти. Бу яхшилик нишонаси. Бундай дамда майдонга чиққан мард йигитлар юраги шундай тепади, тагида учқур от, катта тўдага кираётган чавандознинг юраги ана шундай тепади.

Сизларни алдамайман, дўстлар. Сиз тўқайзорларни, Чагилнинг балчиғни қуритиб ер қилдингиз; Қўштепа ва Урай шўрларини қочирдингиз. Ҳозир булар колхозимизнинг энг унумдор ерларига бўй бермайди. Аммо олдингиларининг қийинчилиги бу ерни очиш заҳматига урвоқ ҳам бўлмайди. Аминманки, ўртоқлар, орамизда қўрқоқлар йўқ. Қўрқоқни бу ерга бўйнидан боғлаб ҳам судраб келолмайсизлар...

— Судраб жинни бўлдикми, раис. Қўл кир бўлади.

— Ҳа, халқимиз жуда топиб айтган: «Қўрқоқ — беунум тупроқ». Бу қумтепаларни фақат мард одамлар чўктиради, ачималарни фақат мардлар қуритади; ер шўрнини фақат мард одамлар ювади; Фарғона водийсида ўлик эт бўлиб ётган бу жойларга фақат мард одамлар, ер шайдолари ҳаёт беради, уни яшл қишлоқларга айлантиради. Ҳаммамиз баравар хитоб қилайлик:

— Ободлик олиб келдик бу ерга, партия амри билан!

Бу сўзлар хийла вақт қўшиқ нақаротидек осмонда жаранг солиб учиб юрди.

— Қани, азаматлар, ҳужумга!— деди Аҳмаджон.

— Бошладик!— деб ҳайқирди Хўжамқул.

Бульдозерлар, экскаваторлар қумтепалар устига дагдага солиб борди, скрепер ва тракторлар қумларни суришга, ер текислашга юриш қилди.

Аҳмаджон шу байрам тонгида Аччиққўлда юз бергап воқеадан мамнун қараб турди-да, Тўхтасин билан Полвонни имлаб чақирди ва «Вездеход»га ўтқазди:

— Қани, чу де, оғайни, разведкага!

«Вездеход» қумни ўмровлаб, зўриққанда йўталиб, гоҳ баланд филдирагининг ярмидан қумга ботганча бўксалаб аранг тортиб бораётибди.

Аҳмаджоннинг кўзи машина деразасида: сайхонлар йириклашади, унда-бунда ўтлоқлар; пишиб етилмай қуриб қолган шўра, бурган ва қонғоқ; пасту баланд ялангоч қумтепалар.

У машинадагиларга назар ташлади: Сотиволди Тўхтасиннинг ёнида ўтирганча чайқалиб мизғимоқда, машина ҳар чайқалганда олазарак кўз очади, шу заҳотиёқ кўзини юмиб яна тебранади, машина Полвонни гўё аллалайди. Тўхтасиннинг кўзи очиқ, аммо на киприк қоқади, на қимирлайди, беҳуш одамдай... У яна деразага кўз ташлади: ташқари кўз илгамас бўшлиқ, гўё бу оламнинг ҳаммаси ялангоч қумлоқ, тепаликлар, қалин қордек шўр, қани биттагина қаққайган дарахт кўринса! Бу мунг унга ҳам ўтди, ўзини аллақандай ланжлик, лоқайдлик қучгандай сезди; яна машинадагиларга ўгирилди: Полвон ҳамон тебраниб мизғир, машина ичи иссиқ бўлмаса ҳам унинг пешонасида, бетларида тер дона-дона йилтирарди; Тўхтасиннинг кўзлари ҳамон очиқ, ҳамон мижджа қоқмайди.

— Нима бўлди, жон борми ўзи!— уни силкитди Аҳмаджон. Тўхтасин маъюс жилмайдию индамади. Одилов Полвонни силкитди, у чўчиб кўзини очди, пахталигининг енги билан юзини ва пешонасини артиб Аҳмаджонга қаради. У энди Полвонни нўқиди: ҳамроҳларгаям ҳўп ёлчидим шекилли, уйқу шунча зўрми?

— Тун бўйи ухламадим.

— Нимага, қўрқдингизми?— кўзига тикилиб сўради Аҳмаджон.

Полвоннинг кўмач нондай катта юзи титраб уча бошлади. Йирик қўй кўзларини раисдан олиб қочмади.

— Нимага ухламадингиз бўлмасам?

— Бегона жой, Аҳмаджон ака. Кейин... эҳтимол, бу ерда дастлаб тунаган одам биздирмиз...

Аҳмаджон тушунди, унга илжайиб қараб нуқиб қўйди.

— Э!— деб юборди шофер,— анавини қаранглар!

Ҳамма қаради, каттагина кулранг қуён қумтепа бағрида диконглаб борарди. Сотиволди милтиқ сумбасини машинанинг очиқ деразасидан чиқариб қуённи мўлжалга олди, тепкинни энди босмоқчи эди, Аҳмаджон унинг қўлини ушлади.

— Йўқ, укам, отманг. Чопқиллашини қаранг, кўз қувонади. Бу жойда сиз билан биз кўрган биринчи жонивор. Йўқ, буни ўлдириш эмас, кўпайтириш керак. Қўлингиздан келса бошқа жойларда учраган махлуқларни келтириб қўйиб юборинг. Ҳа, беда кўкартпрамиз, барра бедани жуда яхши ейди. Йўқ, милтиқни йиғиштиринг, йиртқич ё газанда кўринса ҳам ўлдирманг, бошқаларга ҳам тайинлаб қўйинг. Ўлдиришга эмас, кўпайтиришга, бу ерни обод қилишга келдик, Полвон. Шундоқми?— у Полвоннинг улкан ва бақувват елкасини қучди.

Қуён тепаликка дикиллаб чиқиб олган, ўрмалаб бо-раётган бу улкан нарсани чўнқайиб томоша қиларди: ахир, у бунақа катта қўнғизни умрида биринчи марта кўриб турибди.

— Табиатнинг ишига қаранг, Аҳмаджон ака,— деди Полвон.— Бу жойларнинг қуми кўкимтир, қуён юнги-нинг туси ҳам кўкимтир. Ажойиб мосланиш, қишда, ҳам-маёқни қор босганда қуёнлар оқ кийим кияди.

— Бу ҳам яшаш учун кураш, Полвон,— деди раис.

Полвоннинг уйқуси тамом очилган, ланжлик ёзилган, нимагадир жуда шерланиб кетган эди. У чўл манзараси-ни кузатмоқчи бўлди, сурилиб, деразадан мўралаган эди, машина ногаҳон ёнбош ташлади, ғилдирак пилдира-дию жилмади.

— Полвон, неча марта айтдим, ўртага ўтиринг, қи-мирламанг, деб. Енгилгина одам бўлсангиз ҳам майли эди,— деди раис.— Қани тушинг, кўтаринг машинани!

— Хўп бўлади,— деди Полвон,— қани, ўзларинг ҳам пастга тушиб турунглари-чи.

Ҳамма тушди. Гилдирак оқар қум тўпланган жойда ботиб бўксалаб қолибди, одам ҳам тўпиғидан ботиб аранг юради. Полвон машинани мўлжалга олиб, эгнидаги пахталигини ечиб буклар экан, Содиққа гилдираклар тагини очтирди, ўзи пахталикни яна бир буклаб елкасига ташлади-да, машина тагига чўккалаб кирдию бирдан: «Ҳа, ҳа!» деган товуши янгради, одамлар шу лаҳзада қуми тозаланган жойда турган машинани кўришди. Аҳмаджон қарсақ чалиб юборди:

— Яшанг, огайпи! Битта одамни йиқитиш курашу, эммо полвонлик деб мана бунга айтса бўлади. Лекин ўзингизни катта курашга чоғлайверинг, ука, мана шу қумтепаларни елкага олиб кўтариб ураспз, қарабсизки, теп-текис ер бўлибди, бўрон турса ҳам қумлар жилолмайди, ана шундан кейин ҳаммаёқдан «бу чўлнинг султони» Сотиволди полвонни кўргани, танишгани одамлар келади. Чидайсизми шунгача ёки «вит!» дейсиз? Бедананинг ҳам марди қочмайди, кучи етмаса, майдонда жон беради.

Аҳмаджон чеҳраси очилиб унга қараб турди-да, шоферга:

— Қани Содиқ, дастурхонни ёз, мана бу ерга, нарсаларингни ол. Утирунглари, овқатланиб олайлик, юриш билан бўлиб овқатланиш ҳам эсга келмабди.

Ҳаммалари давра тортиб ўтиришди, ҳазил-мутойиба билан овқатлана бошладилар ҳамки, Тўхтасин Бозоровдан ун чиқмади. У атрофга маъюс боқар, суст овқат чайнади.

— Нима бўлди сизга, тобингиз қочдимиз?— сўради Аҳмаджон ундан.

— Йўқ, айтарлик...

— Нимага бунча бўшашиб кетдингиз ё чарчадингизми?

— Қайдам, ланжроқман.

— Бу ҳам кечаси миужа қоққани йўқ, Аҳмаджон ака,— деди Полвон.

— Йўқ, унда отряддан ҳайдаймиз, ухламаган одам чидамайди бу ишга.

— Чўл ҳавоси ирғадими, билмадим, ҳар қалай, тонггача уҳ тортиб ётди.

— Ростингизни айтинг, Бозоров, қўрқингизми ё бошқа бирон гап ўтдими?

Тўхтасин ноилж деди:

— Ер бўлмас, бу раис. Яна бир текшириб кўриш керак, меҳнат зое кетса... анави ғаламисларга дастак бўлармикин...— тутилиб сўзларини зўрға улади. У, ҳозир раиснинг жаҳли чиқадию мени уришиб беради, бу ердан ҳайдайди, деб қўрққан эди. Аммо Аҳмаджон унинг туҳумини инидан тушириб юборган мусичага ўхшаб хомуш ўтиришига қараб турди-да, қаҳ-қаҳ отиб яйраб кулди, кейин кулгисини босиб, Бозоровга синчков тикилди:

— Ростдан ишонмаяпсизми, Тўхтасин? Гапни ланж қилманг.

— Қайта текшириш зиён қилмайди.

— Бу ланж гап. Ё у ёққа ўтинг, ё бу ёққа, оғайни. Биласизки, ўрталик жар,— раис энди тамом жиддийлашган эди.

— Исмоил аканинг гапида жон бор. Нима учундир ишонолмаяпман.

Аҳмаджоннинг яна кулгиси қистади:

— Чағили эсингиздами?— кулимсираб сўради у.— Уша чол эсингиздами?

Тўхтасин бош ирғади:

— Эсимда.

...Пунгон қишлоғи ёнида, Сирдарё кўпригидан ўтилгач, тўронғизорлар орасида нимагадир Чағили деб аталган қўриқ ер бўларди. Бу ажриқзор таги балчиқ бўлганиданми, ёз фаслида юрсангиз ер тебранарди. Ачима кўлчалар кўп эди: на қурийди, на тошади. Қоп-қора бўтана суоқлик бир зайлда тураверади, гўё бу кенг ажриқзорни шу кўллар сақлаб турарди.

Бир куни, Қуштепанинг қўриқ ерларини очаётганда эди шекилли, Аҳмаджон шу ердан ўтаётиб ачимани кўргиси келди. Кўлчалар олдида тўхтаб, ажриқзорни силкп-тиб юрди-да, бу ерга яқин пахтазорларнинг захкашлигини шу ачималардан кўрди. Демак, бу ерни қуритиш керак. Шу хаёл билан машинага ўтирди. «Экскаваторлар чуқур зовурлар қазиб дарёга туширса...» кўнгилдан ўтказди у. Қишлоққа қайтиб келиш билан бу ишни ҳозир бошлаш ҳақида буйруқ берди. Экскаваторчилар қўриқни тикка-тикка тилиб зовур қила бошладилар. Биринчи зовур битган, ким билади, неча замонлардан бери ер тагида ириб ётган, биринчи марта оқишга имкон топган

✓ чиринди силқиндиси зовурни тўлдириб дарёга шошарди.

Кун иссиқ, йигитлар ланж, юганда оёқлари тагида қўриқ лапанглайди. Шу кунларнинг бирида, ҳорманглар!— деб бир чол келди.

— Бор бўлинг, ота,— дейишди йигитлар.

Чол қазилаётган зовурларни айланиб кўрди. Қатта зовурни тўлдириб оқаётган балчиқ бўтанасига қараб бош чайқади:

— Ёқмадими, отахон?— деди йигитлардан бири.

— Сизларни бу азобга ким солди, болаларим?— сўради у.

Йигитлар ҳайрон бўлишди. Бу чол ким, қаердан пайдо бўлди? Колхозчи бўлса, хурсанд бўлиш ўрнига нима учун бундай деяпти?

— Йўл усти, ачиб-сасиб ётади, ўтган-кетганинг кўзига ёмон кўринмасин, ер қилайлик. Экин битса ҳам колхозчига фойда, ҳам кўрар кўзга яхши.

Чол яна бош чайқади:

— Бе!— деди худди эчки маърагандай.— Сизларни шайтон вас-вас қилибди. Буни худонинг ўзи балчиқзор қилиб яратган. Бўлмаса, атроф ҳаммаси экинзор, дарахт-зору шу жой нима учун ботқоқ кўл. Худо яратгани оқизганинг билан қайтиб тўлаверади.

✓Кўрамиз, ота, қани оқаверсин-чи,— деди экскаваторларнинг ишидан хабар олгани келган Усмонали; қўриқни лапанглатиб тўронғизорга қараб юрди.

— Ана кўрдингми, лорсиллашини,— деди чол уни қайтариб.— Упирилай деб турибди.

— Таги сув, саратонда сизот сиртга кўтарилади. Шундай ер бўлсинки, ўзингиз ҳам ҳавас қиласиз, отахон,— деди у.

— Ер бўлармиш!— деди чол.— Ҳўл — бало, билмай оёқ босгани тагига тортган. Неча-неча сигир, қўй-эчкини ютмади бу! Бу ачималар қуриydi, ер қиламиз деб овора бўлманглар, тамом ўпирилиб тушади.

— Ваҳима қилманг, отахон,— деди экскаваторчи.

— Шаккоқлар!— деди чол.— Бу жой ота-боболар замонида ҳам шу эди. Мана ҳозир ҳам шу. Меҳнатларинг зое кетмасин, ўзларинг ёмон бир офатга учраманглар десам...

— Бунча жон куйдирасиз, отахон. Бу ерга тилла-пил-

ла кўмганмисиз дейман,— кулди Усмонали.— Ер бўлади, эсон бўлсангиз ўзингиз ҳам кўрасиз бу ернинг экинини.

— Бўлмайди!— деди қайсарлиги тутиб чол.— Агар шу жой ер бўлиб экин битса, саксондан ошган мен чол ўн саккиз яшар лорсиллаган қизга айланиб эрга тегаман...

У гапни тугатмай, йигитлар барабар кулги кўтаришди. Теварак-атрофни гулдуратган бу қаққада чолни баттар жиғибийрон қилди шекилли, у:

— Одишўронинг ўғлига айтинглари, ҳаммаёққа барабар қўл чўзавермасин. Беҳуда уриниш бел синдиради,— деди-да, орқасига ўгирилмай жўнади.

Йигитлар орқасидан гап отиб қолишди:

— Бу жой экини яшнаган ерга айланди, деб билипгу, отахон, лорсиллаган қиз бўлиб келишга тайёрланаверинг.

— Уша чол Чағили захобини тортишга нима учун қарши эди, биласизми?— деб сўради Аҳмаджон Тўхтасиндан. Тўхтасин кўзини пирпиратиб жилмайди.— Билмайсиз, оғайни, у Чағилида мол боқиб семиртирарди. гўштини шаҳарда пулларди. Қараса, текин даромад манбаидан ажраляпти, нима қилсин, йигитларни йўлдан урмоқчи бўлган. Аммо йигитлардаги қаршиллик кучи ғалаба қилган. Оқнбатда иш тезлашган. Хўш, Тўхтасинбой, сиз-чи, бу жойнинг шўрини ялаб, шамолида пишиб, ер қилувчилар қаторида қоласизми?— у Тўхтасинга кўз қадади.

Тўхтасин ҳам унга қараб турди-да, кулиб юборди. Сотволди полвон бўлса ғарб томонга безовта тикилиб турарди. Шу томондан совуқ шамол турди, гпрдибодлар кўтарилди. Сал ўтмай шамол бўронга айланди, яқиндаги қумтепаларни ҳам кўриб бўлмай қолди.

— Машинага!— деб бақирди Полвон.

Улар машина олдига аранг етиб олишди. Рўпарадан кўкракка урилган нарса шамолми ё қумлигини дабдурустан ажратишолмади. Бир амаллаб машинага чиқиб олишдию қаёққа юргизишни билиб бўлмасди, иккинчидан, машина филдираклари қумга тамом ботган эди. Полвон билан шофер белкурак ва қўл билан суриб машинани қумлар исканжасидан қутқозишга уринишди. Аҳмаджон уни бир оз юргизиб ҳам кўрди. Лекин рулни ушлашга

қўл қовушмас, совуқдан вужуди карахт бўлиб қолган эди. Рация орқали штаб билан боғланмоқчи бўлди, ғу-виллаган, пихиллаган садодан бошқа ҳеч нимани англаб бўлмади. Уни қаттиқ ташвиш босди. Штабда қолганларнинг ҳоли нима кечди? Механизаторларга куннинг иккинчи ярмида уйларига бориб келиш учун жавоб бергани яхши бўлган экан.

Полвон билан шофер ҳам бир амаллаб машинага кириб олишди. Лекин машина ичига ҳам гўё қум ёпирилиб кирарди.

Аҳмаджон қаттиқ шамол, қорбўронларини кўп кўрган, тоғда машинаси билан қор тагида қолиб кетган аммо бунақасини ҳануз кўрмаган эди. У ҳозир нима қилиб бўлса-да штабга етиб боришни ўйларди. Тўртталаси бир-бирини маҳкам ушлаганча шамолга қарши боришди: ё штабдан, ё яқин орадаги бирон қишлоқдан чиқар... Бу режа Полвонга ҳам маъқул тушди. Шамолга қарши юривса станцияга етиб олишади...

Қум машина эшигининг ярмига кўтарилган эди. Ташқарида қумбўрон тобора қутурапти. Бош чиқаришнинг иложи йўқ. Шу ерда жон сақлаш лозим. Машина ичи носик бўлмаса ҳам, ҳар қалай, пана.

— Бир-биримизнинг қўйнимизга бош тиқишиб, ғуж бўлиб ётамиз, йигитлар,— деди Аҳмаджон. Унинг тили гапга айланмас, томоғи шишган, оғрирди.— Аммо ухлаш йўқ, машина қум тагида қолиши мумкин.— Йигитларни дадиллантириш ва ухлатмаслик учун уларни гапга тутди:— Бу қумтепаларининг биринчи қаршилиги, Полвон, бизни қувламоқчи.

— Қочадиган тентак йўқ,— деди Полвон.— Сиз нима дейсиз, Тўхтасин?

— Менимча, қаршилиқ деб бўлмайди,— деди Тўхтасин,— камситиб айтганда, контратака.

— Кўрамиз, ким қочаркин,— деди Аҳмаджон.

— Эрталаб, омон бўлсак, бу қароргоҳдан чиққанда кўрамиз, қумтепалар кўч-кўронини орқалаб аллақаяққа қочиб қолган бўлади,— деди Сотиволди полвон.— Туф-а, оғзим қумга тўлибди!

— Шундай кишанлайликки бу қумни, на учолсин, на қочолсин,— деди Аҳмаджон. У ҳам милклари орасига кириб қолган қумларни тупуриб ташлади. Кейин Тўхтасинни турткилади:— Тирикмисиз, Бозоров? Қўённинг ини минг тилло экан-да эртага, дўстим? «Лаънати та-

моқ оғриғи доимо ана шунақа танг вақтда қўзғайди!»
деб ўйлади у.

Одам табиати ғалати: боя, кундузи кун мулойимлиги-
да бу ер Тўхтасиннинг кўзига алланимабало бўлиб кў-
ринган, ўзигина эмас, бошқаларни ҳам бу жойда қолиб
ишлашига ишонмаган эди. Мана энди, қумбўрон авжига
чиқиб, уларни музхонага айланган машина ичига тиқиб
ташлаганда ундаги таслимчилик руҳи бирдан чекинди.
Ўрнини қаршилиқ кучига бўшатиб берди:

— Йўқ, қувлолмайди бизни!

— Ҳа, писмиқ!— деди Аҳмаджон Тўхтасинга.— Биз-
ни гўсала қилаётган эканлар-да?— унинг ҳалқумига ал-
ланима тиқилиб қолгандай, оғриқ зўрайди.

— Йў-ў-қ!— деди Тўхтасин чўзиб.

— Тўхтасин акаям қув,— деди Полвон.— Ичидаги
сиртига чиқа қолмайди.

Тўхтасин Полвоннинг қўйнига бош тиқиб ётган эди;
пиқиллаб кулиб уни қитиқлади.

— Э, қилиқлари бўлакча-ку! Қитиқламанг, аммо
ташқаридаги аждаҳонинг оғзига улоқтираман ўзингиз-
ни,— деди Полвон.

— Қўрқадиган гўсхўр йўқ,— Тўхтасин Полвонга
қаттиқроқ бурканди, у қалтирар эди.

Ташқарида қумбўрон ўкирарди.

Аҳмаджоннинг қумни «кишанлаш» ибораси Сотивол-
дини ўйлатиб қўйди. У туғилиб ўсган қишлоқ анча кўҳ-
на бўлса ҳам ҳали-ҳануз «Қумбосди» деб аталади.
Қишлоқ энди бино бўлган вақтларда бўрон селдай босиб
келар, экинзорлар, уйлар қум тагида қоларкан. Одамлар
дастлаб четан тўқиб қумтепаларни тўсишган. Қум ки-
шанланган, кўчолмайдиган бўлиб қолган. Кейин ер атро-
фига дарахт, айниқса, тол кўп экилган.

— Дадам шундай дердилар, Аҳмаджон ака,— деди
Полвон.— Қўқон атрофидаги районларнинг ҳамма дала-
лари азамат тол дарахтлари билан ўралган.

— Биринчи қатордан иккинчисига, учинчидан тўр-
тинчисига ўтганда шамол кучи қирқилиб-қирқилиб заиф-
лашаверади, Полвон. Сиз ҳам бу ерда ўз далаларингиз
атрофини толзор қиласиз,— деди Аҳмаджон.

Улар тўртталаси кифтлари билан эшикни аста ита-
риб, қумни қўл билан сура-сура бош сиққулик тирқиш

очишди. Машина ичига совуқ, тоза ҳаво ёпирилиб кирди, уларнинг димоғи чирсиллаб очилди. Тонг ҳали ёришмаган, аммо бўрон анча пасайган, қумлар оқими сусайган эди. Шофер тирқишга бош суқиб қумни қўллари ҳам гавдаси билан сура бориб ташқарига чиқди, кетидан Сотиволди, кейин Тўхтасин билан Аҳмаджон чиқишди. Аҳмаджон бўйинини иссиқ ўраган, телпагининг қулоқчинини тушириб боғлаган, аммо иситмаси баландлигини, вужуди қақшаб оғриётганини ҳамсояларига сездирмас, мумкин қадар гапирмасликка, йўтални қўзғатмасликка тиришар эди.

Тўртталаси машинани шу ерда қолдириб («Кейин трактор билан олиб кетишар!»), келган изларига қайгидилар, ўзлари қайтдик деб ўйлашса-да, аммо на олға, на ёнға юраётганларини билишмасди, чунки кеча келаётганларидаги қумтепалар йўқ, улар аллақаяёққа «кўчиб» кетган эди, бу жойлар ҳаммаси теп-текис, яйдоқ саҳрога айланганди. Рўпарадан, кучсиз бўлса-да, аридек чақадиган совуқ шамол урар, анча олисда қора бир нима кўринарди. Полвон йўлини шу қорага солди; улар тез қадам ташлашардию йўл кўпаймасди; қорайиб кўринган нарса гўё орқасига қочарди; улар тўпикдан қумга ботар, юриш оғирлашар, йўл кўпаймас эди.

Тўхтасин на ёнига, на орқасига қарайди, на бирон сўз қотади. Кеча у машинага оёғи тортмай чиқувди. Бормайлик, бугун байрам қилайлик, «разведка» бошқа бир куни бўлар, демоқчи бўлдию гапини ютди. Айтса номи қўрқоққа чиқарди. Шунинг учунми, индамай чиқа қолди. Тавба, ўзим ҳам хўп одамман-да, мен бормайин, қишлоқда ишим бор эди, деса, бу азобга қолмасдику-я. Йўқ, унинг кўнглида иккинчи куч ҳам бор эди: шулардан қолма, дерди у. Гўё Тўхтасиннинг қўлтиғидан кўтариб машинага чиқариб юборди: чўл сир-асрорини очади бугун! Мана кўрдинг чўлнинг сир-асрорини! Бир-икки ой беланги бўлиб ётмасанг гўрга эди.

У Аҳмаджонга кўз қирини ташлади: у қадамини бардам босар, аммо ранги бўриқиб кетган эди. Томоқ оғриғи яна қўзгади, лаънати! Шу тўполонда ётиб қолмаса майли эди. Нимага ўзини аямайди бу одам? Умр бўйи ёниб яшайди. Қолхоз ишига аралашибдики шу. Ахир Аҳмаджон раис бўлгандан бери ер ўлчайвериби Тўхтасиннинг оёғида оёқ қолмади!

Қизиқ, ер очаман, деб на ўзи тинади, на бошқани тин-

диради. Районда қанча колхоз раислари, совхозларнинг директорлари бор. Улар топширилганини бажариб, вақтида дам олиб, айшларнинг суриб юришибди. Ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демайди. Раис ёки директор деб ана ўшаларни атаса бўлади. Бу бўлса... э, аҳволи мана бу... «Пулинг бўлса бор чўнтагингда.— дейман унга.— Курортларга бориб маза қилмайсанми, огаини!»— «Хўп одамсиз-да, Тўхтаснибой,— дейди у.— Ҳар ким ўз билгича яшайди. Ўзи билган ўйинга тушади. Бизники ҳам шунақа, дўстим».

«Ҳар ким ўзи билган ўйинга тушади,— деб такрорлади Тўхтасин йўлакай, фикран.— Мана туша-туша ўйининг чиқди, ким томоша қилади, ким?!»

Наҳот, ўзи афсус эмаса? Аминманки, ҳозир ҳам афсусланмайди. Бу ўжар, аксинча, ғурурланади... Ғалвани доим ўзи сотиб олади. Янги ер очишни қўяверинг, бу унга йўрғагида теккан дард. Бу билан тинчиса майли-я, тинчимади, ҳамма бало шунда. Масалан, колхоз билан бирга туғилган бригада ва звеноларни олиб кўрайлик. Бир вақтлари қандайдир сабаб билан звенолар тугатилган. Буни юқори ташкилотлар аллақачон тасдиқлаб юборишган, ҳамма ташвиш бригадир билан табелчига юкланган эди. Ҳар ким ўзига юклатилган ишни бақудрати ҳол бажариб юрарди.

Мана энди қаранг, бир кун баҳор кирар чоғи эди шекилли, раис колхоз активларини йиғдирди. Мажлис одатдагидан қисқа бўлди. Маслаҳатли иш чиқиб қолди, ўртоқлар,— деди.— Баъзи бригадаларда ҳосил пасайиб бораётганига вильтнинг ўзи айбдор эмас. Бошқа айбдор ҳам топилади...

У пешонасини эзгилайди. Қанча уринса ҳам тугунчани ёзолмайди. Бармоқлари эса эзгилашдан тинмайди. Ҳамма ҳайрон, раисга тикилади, ҳар кунгидай жиддий. Олдидаги бир панка акт ва бошқа қоғозларга тикилиб гап бошлади...

Нима бўлибди денг-а, колхознинг Қирчин участкасида жуда миришкор бир деҳқон бўларди. Шу одам илгари, Қирчини алоҳида колхоз бўлганида ҳосилот ҳам, бригадир ҳам бўлиб ишлаган. Кейин сувчилик қилган. У бора-бора ўзини колхоз ишидан тамом тортиб қўйган экаи. Раис шу деҳқон билан гаплашибди: «Аразлаб юрибсизми?» — «Бағрим оғрийди», дебди у. «Тўғри айтинг», дебди раис. «Тўғри бўлса, тўғри,— дебди деҳқон.—

Бригадир ишламайди, хотини ишламайди; табелчи ишламайди, унинг хотини ишламайди. Эҳтимол, буни майли дерсиз. Хўп, майли дейлик, энди бригадирнинг акаси ёки укаси уй солса, бригаданинг сара кучлари тўрт-беш кун бориб қарашади, аммо табелга колхозга ишлади деб ёзилади. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради. Табелчи ҳам бригадирнинг ишини такрорлайди. Шундан кейин ҳашарчилар ўзларини уч-тўрт кунда дарҳон қиладилар. На бригадир, на табелчи бир нима дея олади. Лекин ҳақни теппа-тенг олишади. Энди бу ёғини ўзингиз топиб олинг, раис». — «Ёлғон чиқса ўзингиздан кўринг», — «Хўп, ўзимдан кўраман».

Шу бригададан бошланган текшириш ҳамма бригадаларга ўтди.

— Вильт ўз йўлига, қўлимиздан келса тупроқни бу дарддан холи қилармиз. Аммо бошқа яра очилди, буни ксиб ташламоқ керак. Бригадаларни секин-аста тугатамиз, звеноларни тиклаймиз; аммо қанақа звенолар бўлади? Меҳнаткашнинг нонини туя қилишга тирқиш очолмайдиган звено бўлса бас.

Залдагилар раисга безовта қарашди.

— Нега пичирлаб қолдиларинг, савол борми? — сўради раис.

— Шу ғалвани бошламай, тинч ишлайверсак бўлмасмикин, — деди орқадан биров.

— Бўлмайди, — деди раис. — Хоҳламайдиганлар қатордан чиқишлари мумкин.

Шундай қилиб денг, бир-икки йил ичида звенолар авж олиб, бригадалар битирилди. Бригада вақтида ишласа-ишламаса нони бутун бўлиб юрганлар битта-битта қатордан чиқишди; улар қилдан қийиқ излаб звеноларнинг заиф томонларини кавлашга киришдилар. Қарангки бу «капитализмга қайтиш» эмиш. «Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулади.»

Аризабозлик асосан ана шундан бошланган эди.

Дунёда мукамал туғиладиган нарса бўлмас экан. Янги звенонинг ҳам заиф томони кўриниб қолди: пахта-нинг ҳосилдорлиги жуда ошди, ҳар звено кўпроқ ҳосил етказишга тиришди, колхозчилар илгаригидан анча кўп пул топадиган бўлишди. Камина ҳам звено бўлиб, чўнтакда пул жаранглади, босар-тусаримни билмай қолдим... Раис разм солиб юрган экан, мен гўё мезон бўлибман бунда, Звенолар тагига ҳам болта урадим, деб

хавфсираган эдим. Йўқ, уларнинг иш миқёсига тузатиш киритди: звенолар ҳар хил, йигирма-ўттиз гектаргача эди ерлари. Ўзгарди. Масалан, ҳар ўн киши бир звено бўлса, олтмиш гектар пахта, қирқ гектар беда, маккажўхори ва бошқа экинлар. Илгариги бригададан катта. Сугоришдан бошқа ҳамма иш машиналашди. Иш боши — звено бошлиғи асосий механизатор. Ишлаганига қараб ҳақ олади, ишлаганига қараб ҳақ ёзади — ҳамма бир-бирини назорат қилади.

Раис, бир кун бўшроқ вақт топса бўлди, ўша куни бошқа бир хархашани ўйлаб топади. Қишлоқ шаҳарнуسخа қилиб янгидан қурилди: деҳқон умрида яшаб кўрмаган бир неча хонали уйлар. Топган ишига қаранг: хонадонлардаги аёлларга уй тутишни ўргатиш керак эмиш! Шаҳардан денг, кампирларни чақирибди. Улар хотинларни клубга тўплаб лекция ўқигани-ўқиган. Аёлларнинг эрлари хуноб. Ишдан бўшаб сигир соғсинми, болаларига қарасинми, кечқурун овқат пиширсинми ё лекцияга борсинми? Шунчалик сурбет кампирларки, аёллар лекцияга бормаса уйларига ўзлари келишади: мана бу уйингизнинг мана бу деворига гиламнинг мана бунақасини мана бундай осинг, катта уйингизга гиламни мана бундоқ тўшанг; болалар столчаларда дарс тайёрласин.

Бу ҳам майли-я, устига устак, тез-тез врач келиб озодачилик ҳақида насиҳат қилаётганини кўрганингда ҳам жаҳлинг чиқади, ҳам кулгинг қистайди. Хотинлар эрларининг жонига тегворишди: мана буни олиб келинг, мана бунақаси бўлсин...

Ҳой, оғайни, шу ҳам раиснинг ишими, дейман Аҳмаджонга. У бўлса кулади: пулни қаёққа, қанақа сарфлаётганиниг йўли мана энди топилди-миш! Чўнтагиндан чиқмагач, бировнинг ишлаб топган ўз пули, нимага, нима учун сарфлайди, сенга нима! Қаранг, шу ҳам раиснинг ишими, ахир! Шуни ётиги билан айтсам, олдинига индамай афтимга қараб турди-да, шунақа ўхшатдики, сувга тушган кесакдай эзилиб чиқиб кетдим...

— Кўзингизга қараб юринг, оз қолди.

Аҳмаджоннинг товуши хириллаб чиқди. Тўхтасин унинг рангига қаради: бетлари салқигандай, иситманинг зўридан бўлса керак, қизариб кетган эди. Тавба, бир кечада-я! Аҳмаджон Тўхтасинни нуқиб, имо билан олдинда бораётган Сотиволдинни кўрсатди. Полвон тўпигидан қумга ботса ҳам, катта-катта одим ташлаб, бўйини хиёл

эгилганиданми, елкаси кўтарилиб бесўнақай лапанглаб борар, на ён-верига, на орқасига қарарди. Тўхтасин пиқиллаб кулиб юборди. Аҳмаджон оғзини беркитди: жим!

Дарҳақиқат, Полвоннинг шу бориши ҳам кулгили, ҳам гўзал эди. Ҳа, Сотиволди ҳозир хаёлан катта даврада кураш тушарди.

Москвада Ё Ленинград майдонида эди шекилли, аниқ эслай олмади, ҳар қалай, оғир вазни полвонлар кураши давом этарди. Курашда тарафдор кутиш қар нарсадан кўпроқ хуноб қилади. Сотиволдига ўз вазни, ўз кучига тенг келадиган полвон чиқмади. Учинчи кунмиди, ўз вазнидан анча ортиқ полвон билан беллашишга рози бўлди. У ҳам тарафдор топилмай семириб кетган эканми, қаерлини ушласа лаққа гўшт, қўлдан чиқиб кетаверади. Сал ўтмай вужудидан тер қуйворди. Бўлди деб майдондан чиқиб кетишнинг иложи йўқ; номус кучли. У бўлса гўё ўлигини устига ташлаб олган. Қани энди ҳаракат қилса. Курашдаги икки томон барабар ҳаракат қилса, елкангни ерга тирайди, деб хавфсиз раб турсанг, йиқилганда ҳам унча ўкинмайсан. Мана буни фақат сен кўтарасан, кучинг етмаса йиқиласан, ўлигини устингга ташлаб, орқангни ерга тираб қўя қолади. Сен текинхўрни қараю!

Сотиволди унинг чап ёнини мўлжалга олиб, елкаси ва бўйининг уқалагандай эзгилаб юрди-да, ногаҳон ҳайқириб юборди, томошабинлар сесканиб тушишди, қорни тиззасига тушиб майдонда энгашиб юрадиган полвонни барибир кўтаролмайди, деб лоқайд ўтирган томошабини, Сотиволди уни елкасига қандай олиб ерга ташлаганини пайқамай қолди, фақат унинг ҳайқириги, зум ўтмай, алланиманинг гурсиллаб йиқилгани эшитилди. Қарашса, Сотиволди унинг қорнига миниб, курагини ерга қадаб турибди.

Курашхона гуриллаб кетди, Сотиволди даврадан тез чиқиб кўзини юмиб, қулоқларини маҳкам беркитиб олди. Унинг кўзи тиниб кетган, юраги гупиллаб урарди. Хийладан кейин кўзини очиб қараса, қарсак тинмаган, тобора авж оларди. У туриб одамларга таъзим қилди-да, тўнини елкасига ташлаб аста юриб ғойиб бўлди...

— Полвон ака, кураш тушдингиз дейман-а?— деб қичқирди кетидан Тўхтасин... Полвон индамади, қайрилиб қарамади, йўлида давом этаверди.

Аҳмаджон ўз дардини унутган, фикри ёди манзилгоҳга кўчган эди. Штаб нима бўлди? У ерда қолган йигитлар ҳоли нима кечди? Тирпикмикан улар?

Сотиволди ҳамон олдинда борар, Тўхтасини ёлма-ён, Содик орқада шошмай келарди.

Улар тепаликка етиб келишди. Сотиволди ҳаллослаб ўрларди. У ёқ-бу ёқни кузатди. Кейин ҳайқирик солмоқчи бўлиб қўлини карнай қилганча оғиз очдию товуши гуркурак солмади. Мадорни етмадими ё овози бўғилганмиди, ҳар қалай, хаста товуш чиқди, холос, у қўл силтаб настига тушди-да, яна йўл бошлади. Улар ҳориб-толиб манзилгоҳга араб етиб келишди.

Ҳаммаёқдан кўриниб турсин деб энг баланд тепаликка ўрнатилган катта қизил вагон ерда қийшайиб ётибди. Тепаликнинг ўзи, ким билсин, қаёққадир зим бўлибди. Ўзлаштирилган ерни қайта қум босибди, трактор, бульдозерлар, скреперлар гўё чўккалаб ётибди.

Бу ердаги ҳолатга, бўйни, бошини ўраб олган йигитларнинг маъюслигига қараб Аҳмаджоннинг юраги орқасига тортиб кетди, бир нима дегиси, уларнинг руҳларини кўтаргиси келдию руҳ кўтарадиган сўз тона олмади, устига-устак, вужудидаги оғриқ кучайган эди.

— Бир ҳазиллашди-да, оғайнилар,— деди ахири.

Тўхтасиннинг уст-бошигина эмас, қош-кириклари ва оғиз-бурнигача қум ёпишган. У оғзини арта-арта: «Ҳазил!» — деди. Бу сўзни айтаётганда афти шундай ғалати буришднки, қийшиқ вагон ёнида мушшайиб «разведкачилар»нинг аҳволига ғамгин қараб ўтирган Усмонали кулиб юборди. Бу ногаҳоний кулги беихтиёр бошқаларга ҳам юқди, оғир сукунатни даврандан кўтариб ташлади.

VI

Улар сайҳонлик ўртасидаги тепалик бағрида давра қуриб чой ичишар, бу чўл тўғрисида ҳар ким ўз тасаввурини сўзларди. Бу суҳбатдан кўнгли тўлмадими ё тахминлар зериктирдими, Хўжамқул ўрнидан сакраб турди-да, Ғойназаровнинг тепасига келиб елкасидан иккала қўли билан ушлади:

— Усмонали ака, ваъдани бажарасизми ё мана шу ердан улоқтирайми?

— Елкани эздинг-ку, йигит, нима бало, қўлинг чўянданми? — деди Усмонали. У қаддини букиб елкасини қи-

сиб олди-да, унинг қўлларини зўрға суриб ташлади:—
Қанақа ваъда?

— Ия, ия, эс ҳам дейман кирди-чиқдимиди? Бу ёққа келаётганимизда, бир суҳбат берасиз, донг таратган ўша дастлабки ёшлар бригадаси ҳақидаги ҳикоянгизни эшитамиз деганимда, бўпти, ука, ўша катта чўлда бир гурунглашамиз, деган ким эди?

Усмонали бамайлпхотир чордана қуриб ўтириб олди... Нималарнидир хаёлидан ўтказиб, кимларнидир эслади шекилли, пешонаси хиёл тирншди.

— Қанақа ёшлик эди денглар-а?— бирдан руҳланиб, кўзлари чақнади, қаддини қайтадан ростлаб энди чўккалаб олди:— Нимага қиёс қилсамикин? Ҳа, дарё сингари тошқин эди ўша йигитлар. Ҳа, укалар, чиндан ҳам донг таратган эдик. Ҳо ишонинг, ҳо ишонманг: янгилик олдин бизда расм бўларди, ёшлар ўз бошларига звено бўлишди. Колхозда ҳам, районда ҳам олдинги қаторни эгаллашди. Кейин эллагинчи йиллар бошида бригада туздик. Мелиқўзи ва мен қатори бир неча ёшлар МТС тракторчиси эдик. Аҳмаджон колхозда партком. Баҳордан кеч кузгача шийпонни обод қилиб ётардик.

У қўқисдан кулиб юборди. Ҳамма ҳайрон: бошқалар кулса илжайиб қўя қоладиган бу одамга нима бўлди?

Ўша кунларнинг бирида район активларининг кенгаши бўлди. Қамчи селпинтирмай юрадиган отга бугун сўлқилдоқ новданинг учи бир неча бор чарсиллаб тегди... Акбар ака мажлисдан сўнг қовоғидан қор ёғиб, чакагини ушлаганча деворга суюлиб турган эди. Райком секретари туйқусдан келиб унинг қўлидан ушлади, у сесканиб қаради: «Э!» деб юборди.

Секретарь уни индамай кабинетга бошлади. У ўз жойига ўтиб ўтирди-да, пешонасини ушлаганча стол устидаги бир хатга хийла тикилиб турди. Кейин хатни қўлига олиб бош кўтардию кўзи ҳамон хатда:

— Утиринг!— деди ахири унга.

Ране стулни суриб ўтираркан: «Нима бўлди бу одамга, койиса сал ўтмай кулиб кўнгилдан чиқаргучи эди. Тавба...»— деб ўйлади.

Секретарь эса қовоғини очмас, унга қарамасди. Акбар ака бир-икки кўзғалиб уф тортди. У яна қарамасди. Ахири, бош чайқаб раисга тикилиб турди-да:

— Хўш, нималар бўляпти қишлоғингизда, ўртоқ

раис?— деди унга кўз қадаганича.— Бадантарбия мактаби очдирибсиз. Табриклайман!

Раиснинг шопмўйлови силкиниб кетди.

— Йўқ-э, анави мактаб болалар...

— Далага чиқмайсиз шекилли,— деди секретарь муштипи оғзига босиб.— «Тавба, ўзининг занф жойи шу-ю, сир очмайди, нимага?»

— Йўғ-э... ҳар купи чиқиб тураман.

— Далада юрасизу ҳеч нимани кўрмайсиз. Шундоқми?

— Эрмак қилманг-да аммо,— деб юборди раис.

Райком қачондан бери раисларни эрмак қилади, ўртоқ Тошматов, эсланг-чи?

— Энди... анави...

— «Энди»ни йиғиштириб қўйинг, отахон раиссиз, катта колхозга бошлиқсиз. Қўп бригадаларингизда бегона ўт гўзаларни зулукдай сўриб ётибди. Сугоришнинг мазаси йўқ: чала ичган жойлар кўп. Гўза ичида одам кўрнмайдию дароз-дароз йигитлар дакан хўроздай бўйнини чўзиб трусичан югуришиб юрибди...

— Камчилик йўқ эмас, бор... Кўп. Тузатамиз,— деди Акбар ака.

— Боринг, ўша... сиздақа устакор раисдан ўргилиб қўйдим... расво қилибсизу, тагин тузатамиз эмш... Боринг, тузатинг!

Раис қора терга ботган эди, титраб ўрнидан зўрға турди. Аста юриб кабинет эшигини ёпти.

Секретарь унинг орқасидан қараб кўпгидан ўтказди: «Қайтиб борадию бригадирларини қовуради; ёшларнинг турнигини йиқитмаса гўрға эди» ва туйқусдан қўзиган кулгисини зўрға босди, чунки раиснинг чиқиб кетаётгандаги вазоҳати тақашадиган буқага жуда ўхшарди.

Акбар ака идорага ҳам қайрилмай, райондан тўппа-тўғри далага келди. Пайкалма-пайкал гўза оралади. «Бегона ўтга» кўпроқ назари тушди, бригадирларни, табелчиларни иш тепасида қовуриб ўтаверди. Кўпнга бир гапни такрорлади: агар эртагача бу ўтларни ўлдирмасанг, мажлисда тикка қилиб қўяман. Ҳа, ҳа, амин бўлавер, районга судраб бораман.

Тўрачанинг бригадасини кўрдю раиснинг тутуни чиқиб кетди: ҳар семиз ўтларки, ўрта бармоқдан йўғон, ба-

данидан сув томади; печак ўтлар ғўзанинг тапасига чирмашиб, бўғзидан сиқиб олибди. Раиснинг мўйлови бир-бир уча бошлади. Тафтнинг босиш учуими, ҳозир ўзи ҳам билмайди, нимагадир, у пайкал ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади; оғир-вазминлик қаёққа кетди, ўзи сезмайди; бригадир Тўрача ҳайрон: ғўза пайҳон бўлмагани дебми, рансга ишора қилди-да, ўзини уватга тортди.

— Сени дуруст бригадир бўласан деб бошқаларга мақтаб юрувдим, мазаинг йўқ бола экансан. Бутун районга шарманда қилдинг. Ғўзаларнинг жонини олдириб қўйибсан-ку. Қара, жонинг ачимайдими?

— Ер шилта экан, раис. Бу ўтти бугун чопсанг, кун ўтиб бош кўтариб чиқаверади, касофат. Бошим қотиб кетди.

— Кўтарар экан деб ерга тухмат қилисанми! Томорқангда ўт йўқ, экинларинг яйраб ўсади. Кетмоннинг зўғотасидан ботириб томирини қазиб оласан томорқада. Хўш, айт-чи менга, мана бу ерда нимага ўша парвариш йўқ?— деди раис. Ғўза тапасига чирмашиб ўсган печак ўтти аста илдизи билан юлиб, чирмовуқни ғўза баданида ажратиб олди. Бир ярим қарич келадиган оқ илдизни бригадирга кўрсатди:— Чопиқчи буни кўрмабди ё эгилишга эринибди. Хўш, сен қаерда эдинг?

— Шу ерда...

— Ёлғон! Шу ерда бўлсанг кўрардинг. Чопиқчи ўтти илдизи билан эмас, белидан чопганини кўрмасмидинг? Ёлғон! Бу одатни ташла, йингит, ўсмайсан.— Яна бир нималар демоқчи эди, сўзи бўғзига тиқилиб қолди шекилли, бригадирга хўмрайиб қаради-да, қўл силтади, пайкалдан тез чиқиб тўриқни миндию устма-уст қамчи босди. От йўртиб кетди.

Бригадир бош тебратиб унинг орқасидан қараб қолди: тавба, қарийб ҳар кун келар, ғўза оралаб юрарди, бунақа эмас эди; дами жуда ўткир ё қайраб юборишдими уни?— Тўра елкасини қисиб орқасига бурилди.

Раис ёшлар бригадасига келди. От устидан у ёқ-бу ёққа разм ташлади, кўзига ғўзанинг кўки дуруст кўринди. Кўнгли юмшагандай бўлди; тушиб бригада ишларини кўздан кечириш, пайкал оралаб ғўзани дурустроқ кўришни ихтиёр қилди.

Отни турникка боғлаб пайкал бошига ўтди. Эгатларга таралган сув жилдираб, тупроққа сингиб оқарди, Бошқа бригадаларда ғўзанинг олди энди битта-иккита

кўсак тугибди, буларникида кўсаклар катга-катта, кўп. Гул ширил; ҳимматига, меҳнатига яраша! Мана бу пахта! Янги партком Аҳмаджоннинг иши бу. Ёшларни у ишга соляпти.

Оббо йигитлар-эй, чопиққа кетмон ишлатмаймиз, дейишдию зимдан зўғотасигача ботириб тупроқни элак-элак қилишибди.

Шохариқ бошида турган кетмонни кўтариб у ёқ-бу ёғига разм солди. Губорни йўқ, ялтирайди. Фақат саз тупроқ ва сув кетмонни шунчалик тозалайди. Ҳозир шу кетмонда ариқдаги сувдан олиб ичкиси қистади. Атрофга аланглади. Пайкал белида Деҳқон илжайиб раис томон келяпти: майкачан, труснчан, баданлари қорайиб кетган. Раис уни кўриши билан: «Бе-е!» — деб юборди. Бурилиб нариги пайкалга ўтаётган эди, уватда Мелиқўзи билан шогирди Малikka кўзи тушди. Улар бири трактор тагида қаандайдир винтни бурар, иккинчиси латта билан артиб ўтирарди.

Ақбар ака дабдурустдан иккаласини ҳам таний олмади. Мелиқўзи унга ишшайиб қараган эди, у бурилиб нари кетди. Шийпонга яқин борганда кўрди: қатор қадоқ тошлар териб қўйилибди, ҳар тошларки, иккитаси ортиса туянинг бели эгилади. Райком секретари шунинг учун уни исканжага олган экан-да. Мана булар ҳам парткомнинг иши!

У тошларга кўз қирини ташлаб-ташлаб шийпонга кирдию алангаси чиқди: радиопрёмник, унинг кабинетидаги катта прёмник, батареяси тамом бўлиб қолмасин, деб ўзи ҳар замонда бир қўйиб концерт эшитарди. Қачон олиб келибди? Бир оғиз сўрамабди. Жуда эга чиқиб қолди-ку бу бола. Йўқ, буниси энди ўзбошимчалик!

Орқасида от дунўри эшитилди, тўриқ бўшаб кетди-микан деб қайрилган эди, Аҳмаджон одан тушганича гапириб келди:

— Бир-икки бригаданинг ғўзасида ўт кўпайибди, қисталанг қилмасак ғўзани олдириб қўйишади. Аммо Тўра кичкинани бошлабсиз, раис. Қишлоқдаги болаларга ғўза ичидаги ўтларни илдизи билан юлдириб четга чиқаряпти. Раис теримга туз тиқиб кетди, йиғиб ўзига кўрсатаман, дейди. Яшанг, раис, уларни мана шунақа ясаб турилмаса, хўжа чопиқ қилиб кетишаверади...

Мақтовлар Ақбар акани бир оз юмшатди, у мўйло-

випи силаб илжайди. Аҳмаджон унга ғўзани кўрсатиш учун ташқарига бошлаб чиқди, бирдан кўзи турникка бўйинини суйкаб қашинаётган тўриққа тушдию чақчақлаб кулиб юборди. Унинг кулгисини эшитиб Деҳқон, Мелик кўзи билан Малик чиқиб келишди, нариги картадан Маннон билан Парпи ўтишди. Аҳмаджон уларга тўриқни кўрсатиб:

— Раиснинг отини испортчи қиласизларми, дейман, йигитлар, тўрга чиқариб қўйибсизлар,— деди.

— Қўтирми дейман, тога, жуда қашиниб қолди. Турникни ағдармасин тағин,— Малик ҳазиллашган бўлиб отин ечди-да, четдаги тутга боғлаб қўйди.

Йигитлар кулишди, Акбар ака ноқулай аҳволга тушди. Кейин йигитларга қараб туриб деди:

— Энди сизлар ишга боринглар, бизнинг гапимиз бор.

Секретарь иккаласи холи қолгач, Акбар ака сукутга толиб хийла ўтирди, ахири бошини кўтариб Аҳмаджонга қаради:

— Ўзларинг ҳам дейман, бир оғиз сўрамай идорадаги приёмникни олдириб келибсизлар. Нима, булар ишлайдими, қўшиқ эшитадими?! Сувчию тракторчидан бошқаси ўз ишида кўринмайди?

— Пахтаси қалай?— деди Аҳмаджон ҳамон хушвақт ҳолда.

— Пахтаси яхши. Аммо сўз бундамас...

— Ана кўрдингизми!— деди Аҳмаджон,— пахта колхознинг олди бўлса, битта приёмникка дод соласизми, раис? Булар тушда концерт эшитади, бошқа жойларда одамларнинг нима қилаётганидан хабардор бўлади, руҳлари кўтарилади, ёмонми?

— Ёмон деганим йўқ. Ўзларинг ҳам гапни буришга чаққон бўлибсизлар аммо.

— Ундоқ бўлса, Акбар ака, мен бухгалтерга хат қолдирдим: ҳамма бригадага биттадан радиоприёмник олиб келишсин...

— Йўғ-э!— деб юборди раис, гўё у чўчиб кетган эди:— Уйлаб кўрдиларингми, шунча приёмник озмунча пул турадими?

— Агар приёмникларни олиб келишмаса, билиб қўйинг, партия мажлисига қўямиз масалани, райкомгача жанжаллашиб борамиз.

Раиснинг қулоғи шанғиллаб кетди. У турган ўрнида

гўё қотиб қолган эди, хийла шу ҳолатда турди: на киприк қоқди, на сўз қотди, ахири, юзи аста жонланиб деди:

— Ўзларинг ҳам дейман аммо; бугун-ку турникларинг, мана бу қадоқ тошларинг важдан эшитадиганимни эшитдим райкомда. Энди бир оз тежашга ўрганарми, кансизлар десам гап мана бу...— у мўйловини силаб ниманидир ўйлаб турди-да, от ёнига бориб айилни ечиб қайтадан тортиб боғлади. Миниб, от ёлини панжалари билан тараркан:— Майли, билганларингни қиллинглар,— деди ва қамчини кўтарган эди, ижозатга маҳтал турган тўриқ сулиқ чайнаганча йўрғалаб кетди.

— Гап мана бундоқ бўпти, раис,— деди Аҳмаджон.

...Ақбар ака ана шунақа нодиртабиат одам,— ҳикоясини давом эттирди Ўсмонали.— Жаҳли отланса, тўдадан чиқиб аста даштда ё дарё бўйида якка юради. Бадани совигач, ғубордан тозаради; қўлтиғида янги куч, дарё тошқинидек шиддаткор куч ўсаётганини ҳис қилади; ундаги кексалик худбинлигидан соддалик, донолик устун келади. Бўлмасам ёшларинг ўша шаштига тоқат қилармиди?

Бизнинг ниятмиз катта эди, қишлоқнинг ўзига, ҳатто районга сиғмасди, оғир юк кўтариб жадал юрнш, узоқ йўл босиш керак эди. Бу жисмоний соғломлик ва бақувватликни талаб қиларди. Турникда осилишу югуриш ва штанга кўтариш каби кўп нарсалар бизга шунинг учун зарур эди. Ўша кезларда ҳар бир кишидан бир хислат ўрганардик, Ақбар аканинг бардошини ўзимизга сингирардик.

Кеч кириб юлдузлар чарақлаганда ювиниб, овқатланиб олардик-да, шийпон дамига қатор чўзилишардик, бепоён осмонда юлдузлар мижжа қоқишади, ётиб хаёлга толасан. Ҳаммаёқ тинч, қилт этган шабада эшитилмайди; бу ер кундузи ва кечқурун — доим ана шундай сокин, ғовурсиз бўлгандай, ёнимдагилар ҳаммаси шу оромни бузмаслик учун нафасларини ютиб ётгандай эди...

— Қимнинг хаёли қаёқда билмайману,— дейди Аҳмаджон, ногаҳон жимликни бузиб,— аммо менинг бошимга бир фикр келди. Биласизларми, нима?

Ҳамма сергақланди:— Нима?

— Ҳозир Ғурумсарой ёшлари оғизга тушди-а? Районда биринчи бўлиб колхозда спорт бир оз йўлга қўйилди.

Қишлоққа ҳозиргача одат бўлмаган нарса кирди. Ёшларнинг бригада ва звеноларини туздик. Қишлоққа яна бир янгилик кирди. Бу оғир масъулият, қишлоққа кирган янгиликни тинмай улғайтириш, эски усул деворини тинмай йиқитавериш масъулияти. Бунинг устига Мелиқўзи бу йил машинада кўп пахта теришга шайланапти. Дурӯст, ўзимизнинг бригададан терар, лекни машина учун бу ерларнинг пахтаси туяни чўмич билан суғорган билан тенг. Бригадирлар пайкалига осонликча машина киритадими? Бу ёғи жанг, даҳанаки жанг — кўндирдинг терасан, йўқса бурнингни ковлаб ўтираверасан ёки бироргасининг қўл-оёғини боғлаб оғзига пахта тикиб уватга ётқизиб қўясану пайкалига машина соласанми, шер? Олдинги йили Эшқўзи акани нима қилган эдиларинг?

— Йўқ гапни қўзғисиз-да, ўртоқ партком. Ўзи олдинга унаб, кейин хиралик қилди-да, ахир. Аммо оғзига пахта тикилмаган, буниси тухмат,— деб ҳиринглади Мелиқўзи,— машиналар бир айланиб келгунча ушлаб турилган, холос.

— Ҳар қалай, пахтачилигимизнинг янги йўли тахтиравон эмас, кўпгина қалин ва балад ғовларни йиқитиб ўтишга тўғри келади. Биласизларми, бу ғов нима, оғайнилар?— у няғига қўлини тиргович қилиб тун қаърига анча тикилиб ўтирди. Кейин йигитларга ўгирилиб, саволига ўзи жавоб қилди:— Бу ғов Эшқўзи ака, ҳатто Акбар ака сингари мўътабар кишиларимиз кўнглига ўрнаб қолган эскилик дарди — қолақлик. Сиз билан бизни тарбиялаб ўстирган, пахтачилигимизнинг миришкорлари бўлган кишилар кўнглидан шу асрий дардни узиб олиш керак. Оғриқсиз иложи йўғ-а? Ҳеч қанақа дард оғриқмай ўтиб кетмаганидек, операция қилинадиган оддий яра ёки кўричакни ҳам жарроҳ этни кесиб олиб ташлайди. Демак, оғритади. Эскилик дардининг томири эса чуқур кетган ҳам қўш илдизи кўп. Бу қаттиқ ва узоқ оғриқ билан чиқади. Жонлари қанча оғриси ҳам уларни бу дарддан халос қилишимиз лозим. Бусиз жилиб бўлмайди. Қарвон эса жадал юриши зарур.

Бу йўлга районда биринчи бўлиб тушган эканмиз, оғайнилар, орқага тисарилиб бўлмайди, туянижоз одам номард бўлади, номардлик эса бизнинг ашаддий душманмиз.

Бу масаланинг бир томони, оғайнилар. Энди иккинчи

томони бор. Буниси биринчисидан энгил эмас, оғир. Биласизларми, нима?

— Нима?— сўради Маннон. У узун бўйинини чўзиб, сўлақмондай қўлини пахса қилиб сўради; кўрпа устида чўққайиб ўтирган Манноннинг Аҳмаджонга хиёл энгашган қиёфаси чўқишишга шайланган дакан хўрозга жуда ўхшарди. Унинг бу кўринишига разм солиб турган йигитлар ҳаммаси беихтиёр гуркираб кулиб юборишди. Аҳмаджон билан Маннон бу ногаҳоний кулгидан довдираб қолншган эди. Аҳмаджон ҳушини тез йиғиб олиб фикрини давом эттирди:

— Хазина!— деди у. Шериклари унга қараб қолишган эди. У Манноннинг биқинига нуқди:— Шундай хазинаки, қазиб тағнага етолмайсан, дакан. Бетини очсанг бас, ярқираб ётибди.

— Гап бу ёқда денг,— деди Маннон кўксини тўлдирган ҳовурни бўшатиб.— Ҳар куни бригадани кулгига тўлдириб юрадиган одам уч-тўрт кундан бери кўздан ғойиб бўлиб қолди десам, хазина излаб юрувдм денг!

— Мушайт қилманг гапга!— Мелиқўзи Маннонни туртди. У гапга диққат билан қулоқ солиб турди-да, қайтариб сўради:— Каттами? Бети очилса басми?

— Катта. Бети очилса бас,— деди Аҳмаджон ҳамон жиддий тусда.— Гап бетини қандоқ очишда; ҳам тоқат, ҳам тўзим талаб қилади.

— Энди билсак бўладими, Аҳмаджон?— орага от солди боядан бери гапга қулоқ солиб чакагини қашиб ўтирган Дехқон:— Қаерда ўша хазина?

— Хазинами? Узоқ эмас,— деб жавоб берди партком секретари.— Пунгон билан айланиб кўприқдан ўтиб борилса, қирқ километрча, агар Ғурумсаройдан қайиқда ўтилса, етти-саккиз километр. Агар юрак ютсаларинг, ўтсак, эски чегара бузилади, дарё Ғурумсаройнинг ўртасида қолади, дўстлар. Йиғим-терим тугагунча, шудгор кўтарилгунча шов-шув қилмай, аста тайёргарлик кўрамиз. Қиш дамида нафаси музни эритадиган йигитлардан йиғиб битта қайтмаслар отрядини тузасиз, экиш бошлангунча аллақанча ернинг бетини очиб, пол кўтариб сув тўлдирамиз. Қарабсизки, иш бошланибди. Хўш, нима дейсизлар?— партком секретари дўстларига кўз тикди.

Ҳамма жим, хаёллари дарёнинг нариги бетида эди.

— Бизга қолса кундузлари трактор суриб, кечалари юлғун, тўронғи гувиллатиб, аланга тафтида гурунгла-

шиб ўтирганга нима етсин,— деди Мелиқўзи, аммо бунга раис, правлениенинг бошқа аъзолари кўнадими?

— Акбар акани ва правление аъзоларини кўндиришни менга қўйиб беринглар. Сизлар сўзда маҳкам туриб, сафни кенгайтираверсаларингиз бас...

— Сув борми, боши қаерда?— сўради Деҳқон.

— Сувни дарёдан оламин. Ўлмас бува билан водакчка қуриладиган жойни танлаб қўйдик.

— Биринчи бригада меники бўлади!— деди Маннон.

— Мана ҳалитдан хазина эгалик бўлди, Аҳмаджон,— дед кулди Мелиқўзи.

— Ана шундай бошланган эди бу ҳаракат,— деди Усмонали.

Унинг хаёли ғурумсаройликлар карвонига пўлат отларни қўшган бирсўз дўстларида эди. Пахтачиликнинг оғир юкини машиналар елкасига орган революционерлардан бири марҳум Мелиқўзини, ўша соддадил, фидокор дўстининг қиёфасини кўз олдига келтирди. Қишлоқ йигитларидан бир нечасининг тунги суҳбатида амал олган бу ҳаракат боши ҳам аллақачон тарихга айланибди, ўшанда туғилган болалар мана бу отряд сафини тўлдирди; ўшанда йилига ўзлаштириладиган майдон юз гектар дейилса, кўзга катта кўринар, юракка ваҳм тушарди; мана бугунга келиб ўн минг гектар эқан, дейилса парво қилинмайди, аксинча, шошмай, бемалол очадиган кон — йигитлар кўкси кўтарилади.

— Ўша ҳаракатнинг давоми сизлар, укаларим,— деди кекса уста, Хўжамқулни ва атрофини қуршаб ўтирган йигитларни меҳр кўзи билан қучди.

Совуқ шамол этни жунжитди. Кўз зўрға илғайдиган олисда қора қуюн кўтарилган, шу томонга бостириб келарди.

VII

— Хўп денг, буви, ўзимизнинг қишлоғимизга кўчиб кетайлик,— дейди бола ёлвориб. Бирпас туриб яна такрорлайди:— Хўп дея қолинг энди!

Худодан бўлдими, бандадан бўлдими, ишқилиб, пахта теримини бошлаш олдида Аҳмаджоннинг дадасини қўққисдан олиб кетишди. Икки ё уч йил бўлувди. Фарғо-

на вилоятдан келиб янги тузилган шу колхозга раис бўлган эди.

Баҳри бир этак бола билан бошини чангаллаб қолди. Ҳали темир қаног бўлмаган катта ўғли Довуджон билан бўйи энди чўзила бошлаган қизи Хайрини, икки оёғини бир этикка тиқиб ўтирган мана бу ўжар болани соқит қилганда, бошқалари ҳали «жиш» — Баҳри ўрнидан турса ва ўтирса ҳам оғзилари очилади. Шу бир ҳафта ичида оиланинг бутун юки елкасида қолган бу жувон ҳисоб-ки-тоб тузарди: катта болаларини ёнига олиб шу колхозда чиначилик қилса, куз охирида эрига чиқадигани билан терим пулини қўшиб олса-да, кўчишни кейин ўйласа... Аммо дадасининг қанотидан чиқмаган мана бу болани кўндириб бўлармикини? Ҳа, Аҳмад дадасини жуда яхши кўрарди. Ҳали айрилиқ дарди келгани йўқ, худо кўрсатмасин, бу боланинг вужудини қамраса, уни кўндириш у ёқда турсин, бу ерда бир нафас ушлаб қолиш маҳол; ҳозир жилса, бориб буларга нима едиради?..

— Уғлим,— деди Баҳри ётиқ товуш билан,— катта йигит бўляпсиз. Ҳа-ҳув дегунча тўрттинчииям битирасиз. Гапимга қулоқ солинг, биз пахта терайлик, мактабдан келиб сиз укаларингизга қаранг. Кейин кетамиз.

— Йўқ деманг, буви, кетайлик! Қишлоққа боргандан кейин ҳаммангизни ўзим боқаман. Ҳа, кетамиз,— деди Аҳмаджон ғайритабий босиқ, катталарга хос оҳангда.— Дадамни ўзимизнинг районга олиб кетбди. Янги раисдан сўрадим: ўша айтди. Кўчни йиғиштираверинг, ман идорадан арава сўраб келаман.— У ойисининг кўзига бир нафас қараб турди-да, чиқиб кетди.

— Ё тавба, нима бўлди бу болага? Бирдан шунча ўзгарди!— Баҳри ўғлининг кетидан қараб тебранди. Ҳали суяги қотмаган бола буйруқ қилди, у йўқ дея олмади. Ўзбошимчалик қилма, деб қайириб ташламади. Нимага? Товушида дадасининг оҳанги аниқ эшитилгани учунми?

Ҳали ҳануз дадасининг гани битта. Мана шу ёққа келишда ҳам шундай бўлган эди: «Кўч-кўронларингни йиғиштириб қўйинглар, эрта-индин кўчиб кетамиз».

Баҳри, қаёққа, нима учун, деб сўрашга оғиз жуфтлаб бош кўтарган эди, кўзи эрининг елкасига тушди: у Довуджонга ниманидир тайинлаб чиқиб кетаверди. Бир ёстиққа бош қўйиб шунча йил умр кўрибди, бола-чақали бўлибдики, феъли шу, баъзи эркаклар сингари тур-

лаимайди, хотин-халаж билан пачакилашиб уйда ивир-сиб ўтирмайди. Эркак киши хонадоннинг эгаси, унинг амри вожиб.

Болалари билан очилиб гаплашса ё кичкиналарини қўлга олиб суйса, Баҳрининг кўнгли ўсади. Мана ҳафталар ўтдики, унинг кўзи эшикда, эри кириб келаётгандай. Бешикни қучоқлаб тонг оттиради. Уқтин-ўқтин сесканиб қарайди: эшик тиқиллаганини эшитмай қолса-я! Ахир бир марта ҳам алдамаган, ёлғон гапирмаган. Уша куни: «Кўнгилларнинг тўқ бўлсин, хиланат кўчасига кирмаганман, тезда қайтиб келаман», деди. Албатта келади.

Аммо мана бу бола бирданига улғайиб, дадасининг йўриғини тутяпти. Ҳа йўқ, бе йўқ, арава тайинлаб келибди...

...Тоғ оралиғи, пастликда сой шарқираб оқади: тоғнинг икки бағри ўриқзор. Оппоқ гулга бурканган, фақат новдаси ва танаси кўринади, ер ҳам гўё ҳарир чойшаб ёпинган. Одилжон баланд бир қоя устида жаҳаннамдай чуқур бир жарликка қараб ўтирибди; болалар тоғнинг бу бағридан қанот қоққандай қўлларини узатиб туришибди. Баҳри: «Дадаси, мана бу ёқдан айланиб тушинг, худо кўрсатмасин тагин...»— «Кўзнинг тишиб кетдими, кўрқма, йиқилиб кетмайман»,— дейди... У ногаҳон ғойиб бўлди. Баҳри кенжаси қўлида, майдалари етагида, тоғ бағрида қолди; сой бўйи олис, етиш жуда мушкул...

Бирдан Мўмин чиқирди, Баҳри сесканиб қаддини кўтарди, бешик қийшайиб қолибди. Бешикни тиклаб болага кўксини тутди. Кейин бешикни аста тебратиб, эри кетганидан бери биринчи марта жим йиғлади, товуш солмасликка кучи етса яхши эди-я! Товуш солмаслик учун кийим-кечакни битта-битта йиғиб туга бошлади. Уй «эгасиз», ҳувиллаб қолгандай бўлди. Тавба, нима учун кўнгли шунча кундан бери бунчалик ҳувиллаб қолмаган эди? Нимага? Эгам, бу туш яхшилиқ келтирсин, буларни отасидан айириш ё айирмаслик сенинг қўлингда, бунга фақат сенинг қудратинг етади, худойим! Яна нима деган эди?

«Кўз ёшингни артиб ташла, бардам бўл, балки мени узоқ кутарсан, кичкиналар катта бўлиб ёнингга киргунча сенга қийин бўлади, бошнинг омон бўлсин, бардошингни берсин».

Баҳри ўша куни унинг уйдан қандай чиқиб кетганини кўрмай қолди... Бир каттанинг гапига кир, бир кичик-

нинг, деганлар. Энди сан кичикнинг гапига кирасан, сани у етаклайди.

Эрталаб кўч юкланди. Довуджон аравакаш ёнига, Баҳри майдаларни қўлида ва ёпида — аравага чиқди; Хайри бошида тугунча, кўч ёнида бораётган Аҳмаджонга эргашди.

Баҳрининг кўзи Аҳмадда: у ён-верига қарамай, тасом мустақил ҳолда олга одимламоқда; ёши ва жуссаси кичигу, тавба, бу жиддият, бу шижоат қаёқдан кела қолди? Мустақил бориб дадасининг қаёққа олиб кетилганини суриштириб билса, оила бошига тушган фалокатни акасидан олдин сезиб, ўз жавобгарлигини билдирса! Баҳри аравада силқиниб бораркан, ўғлининг сўзларини такрорлади: «Хўп депг, буви, кетаверайлик, ҳаммангизни ўзим боқаман!» Она кўзларида умид учқунлари, меҳри товланди, кўнгли бўшашиб келдию эрининг сўзларини эслаб ҳушёр тортди.

Аҳмаджон ўз хаёли билан банд эди: ҳар куни болалар билан ўйнаб Қовунчи станциясига бориб келарди. Бирпасда етишарди. Ҳозир шунча катта одимласа, шунча тез юрса ҳам йўли ҳеч кўпаймаяпти. Нимага, шунча узоқми?

Янги раис дадасининг муовини эди. Кўчада ҳам, мулла Аҳмад, деб суйиб юрадиган одам бирдан ўзгарди, сўроғига истар-истамас қовоқ уйиб, алланимадан ҳадиксираб жавоб қилди. Епирай, нима бўлди бу одамга? Шу топда бу одам, мана шу идора, ҳар куни бирга ўқиб, бирга ўйнайдиган ўртоқлари ҳам унинг кўзига ёмон кўриниб кетди. У кўчага чиқмади, ҳатто ўқишга ҳам бормади; бувисини қнсталанг қилаверди: «Кета қолайлик, буви. Қараб туринг, бирам деҳқончилик қилай!»

У қадамларини тез босар, станцияга қараб гўё югурар эди. Поезд ўтиб кетмасдан станцияга бориб туриш керак. Тезроқ юрсангиз-чи, опа, мунча имиллайсиз!

Ана, поезд ҳам келди. Ўтхонаси пишқириб гўё, тез чиқ, қолиб кетасан, деб қистаяпти.

Аҳмаджонлар кўчларини зўрға чиқариб олишди. Муҳсинни йўлакдан кўтариб олиб, ичкарига — бувисининг ёнига ўтқазиб қўйди. Тугунларини жойлаштиришга ёрдамлашди. Поезд юргач, ҳамма тинчигандай, ҳамма нарса ўз ўрнига тушгандай бўлди. Аммо одам жуда тирбанд эди. Укалари ғашлик қилар: сув, нон, деб йиғлашарди. Баҳри бирининг қўлига нон тутар, иккинчисига

чайнакдан сув ичирар, учинчисини эмизарди; бунинг устига ёнларига чиққан аёлнинг ҳам қўлида чақалоги, етагида ўғилчаси бор...

Аҳмаджон жуда қисилиб кетди; у укаларининг бунақа ғашлигини сира кўрмаган эди; тўғриси, кундузи уйда ўтирмасди: эрталаб нонушта қилиб-қилмай, бир бурда нонни тишлаганча мактабга югурарди. Гоҳ кечгача кўчадан келмасди.

Довуджон юқорн полкага чиқиб олган, гўё кўч пойларди; Хайри бувиси ёнида — укаларига боқишади. Аҳмаджон: ман шу ерданман, хавотир олманглар, дедида, кондуктор хонаси олдига келиб деразадан ташқарига қараб тураверди. Ҳар далалар, ҳар токзор, олмазор боғлар, ҳаммаси учиб кетяпти, поезд бораётган томонга эмас, орқага қараб учяпти; боғларгина эмас, гўё осмон ҳам учиб кетяпти. Аҳмаджоннинг боши айланиб кетди. Кўзини маҳкам юмиб олди...

Шу орада аллаким унинг елкасидан тортди. Қайрилиб қараса, тепасида кўзойнак таққан, қора камзул, қора шим кийган новча киши турибди:

— Чиптанг борми? Қани кўрсат-чи?

Аҳмаджон чўнтагини ковлаб билетларни чиқарди:— Мана!

Кўзойнак таққан киши билетларни битта-битта кўриб чиқди-да, Аҳмаджонга бераётиб:

— Онанга бериб қўй, йўқотиб қўйма тагин,— деди.

Аҳмаджон билетларни чўнтагига солаётиб унга аллақандай ғайир кўз билан қаради.

— Ҳа, ёқмади дейман гапим?— У дераза пардасини тушириб қўйди.— Бор, оналаринг ёнига бориб ўтир.

— Мумкинмасми қарасам, амаки?

Кўзойнакли киши мийғида кулди:

— Кўприкдан ўтгандан кейин.— У вагоннинг бошқа деразалари пардасини ҳам туширди. Кейин қайтиб келиб Аҳмаджонга унсиз тикилиб турди-да:

— Кўчиб кетяпсизларми?— деб сўради.

Бу хил саволларга жавоб бериш Аҳмаджоннинг кўнглига сиғмас, баданига игна санчиларди. Таниган-танимаган ҳамма шуни сўрайди, кеча кечкурун мактабдошлари йиғилиб келишди: нимага кетяпсизлар, даданг қайтиб келмасмиши?.. Сўз дадасига бориб тақалса Аҳмаджонни титроқ босади, гапириб турган гапини йўқотиб қўяди. Тавба, кўчиб кетадими, қоладими, нима ишлари

борикин? Энди мана бу киши ҳам гапни айлантиряпти. У истар-истамас: «Ҳа», деб қўя қолди.

— Попгами?— яна сўради кўзойнакли киши.

Аҳмаджон унга индамай тикилиб қаради, ойнак орқасидан йилтираб боққан анча нурсиз кўзларида ачи-ниш эмас, қандайдир илиқ меҳр кўриб Аҳмаджоннинг кўнгли юмшади.

— Ҳа, станцияга тушиб, кейин қишлоғимизга — Ғурумсаройга кетамиз.

— Анча йўл экан,— деди кўзойнак таққан киши. У ойнагини қўлига олиб, авайлаб арта бошлади. Гўё хираланиб қолган ойнаси тозаланди, ойнакни қайта тақиб, Аҳмаджонни мана энди дуруст кўргандай чеҳраси очилди:

— Ҳаётнинг ишлари шунақа, йигитча, одамларнинг бирини у ёққа кўчиради, бирини бу ёққа. Ҳамма ихтиёр ўзида. Ҳаёт, йигитча,— деди у фикрини уқтириб,— бамисоли азим дарё, гоҳ ўзига тортиб олади, гоҳ қирғоққа чиқариб ташлайди. Сузишга уста бўлмасанг, ғарқ бўласан. Ана шунақа бу дунёнинг ишлари, йигитча.— У шошмай бориб вагон деразалари пардасини қайта очиб келди, кейин Аҳмаджоннинг рўпарасидаги дераза пардасини кўтариб қўйди ва болага қараб турди-да:— Ҳаёт ана шунақа, йигитча, сузишни машқ қилаверинг, машаққатидан кўрқманг... Кўрқоқни тортиб кетади тагнга. Мана энди деразадан қараб томошани қилаверинг, кўприкдан ўтиб кетдик.

Аҳмаджон яна деразага кўз тикди. Олдин кўллар, тўзғоқзорлар, қамишзорлар ўтди кўз олндан, кейин чўл келди. Поезд жуда тез юрар, ғилдираклари изга тегмай борар, чўл бўлса орқага қочарди. Поезд шунча тез югуряпти-ку, чўл ҳеч тугай демайди: на тоғ кўринади, на дарахт, на пахтазор — ҳаммаёқ нуқул чўл, яланғоч дала, охири осмонга қўшилиб кетгандай; осмон ҳам чўлга қўшилиб орқага учяпти, бу оламда фақат шу поезд — Аҳмадани Ғурумсаройга олиб кетаётган шу поезд олдинга учяпти, холос... Наҳот бу ерларда битта ҳам одам яшамаса, бу ерларга ҳеч ким экин қилмаса, дарахт экмаса! Анави амаки айтган ҳаёт одамларнинг анчасини шу ерга кўчириб келтирса-ку, жой бўлиб кетади-я.

Кун ботди, қош қорая бошладикки чўл охирай демайди. Аҳмаджоннинг кўзи тиниб, боши айланиб кетди, ўгирилиб кўзини ишқалади-да, киприк қоқди.

— Кўзингиз тиниб кетдими, йигитча? Кўз тиниб кетади қарайверса.

— Бу чўл қачон тамом бўлади, амаки?

— Ҳали тамом бўлмайди. Ховосдан ўтиб, Хўжанга бориб узилади. Кейин дарё бўйлаб охири Анжанга боради. Энди жиндай дам олинг, мана бу ерда,— у Аҳмаджонни ўз хонасига бошлади,— ойингизга мен айтиб қўяман, бемалол дамни олаверинг.

Аҳмаджон унинг гапини қайтара олмади. У киши фонусни кўтарганча эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Аҳмаджон узоқ ухлаёлмай ётди. Бошини ўраса нафаси қайтди, чиқиб кетай деса у кишидан уялди. Кўзини очиб чалқанча ётди. Боя бувиси, эрталаб ўзимизнинг станцияга етамаиз, деган эди. Агар толеларига қишлоққа борадиган арава чиқиб қолса, кечгача уйга етишарди. У олди ҳовлини тозалайдн; нима аҳволда ётганини? Индиидан бошлаб томорқага қарайди: ярмига буғдой сочади, ярмини шундоқ чопиб гўнглаб қўяди, баҳорга картошка, сабзи-пиёз сепиб беради бувисига. Пиёз пуштасига ҳар жой-ҳар жойга маккажўхори, оқ жўхори тикади. Ёзда буғдойни ўриб олгандан кейин ўрнига сабзи, турп экади... Кейин буғдойпояларга бориб бошоқ теради...

Эшик очилиб новча амаки кириб келди. Фонусини кўтариб Аҳмаджоннинг юзига ёруғ туширди-да, илжайишга мойил чеҳраси бирдан жиддийлашди:

— Ҳали ухламадингизми, йигитча?

— Қўқонга келай дедикми, амаки?

— Қўқонга узоқ ҳали. Ухланг. Йигит киши ухламаса кучни қаёқдан олади. Уйқу ҳаво билан сувдек зарур йигитга. Муаллимингиз ўргатмагани, вақтида ухланг, деб? Қани, уйқуга, мана бунда сиз, наригинисида мен. Қўқонга борганда ўзим уйғотаман.— У яна эшикни беркитиб ёпиб бўлди.

Аҳмаджон энди шу новча киши тўғрисида ўйлашга тутинди. Ўзини мажбур қилса ҳам унинг тўғрисида дурустроқ бир нарса ўйлай олмади. Тўғри-да, уни фақат шу поездда кўрди... Аммо орадан анча йиллар ўтиб, Аҳмаджон катта йигит бўлганидан кейин қора камзул, қора шим кийган новча одамни кўп ўйлади; ўйчан, озгин башараси унинг кўз олдидан кетмай юрди. Кейин у кишининг сўзларини эслади.

Юрт мусибатли кунларни кечираётган йил эди. Қиш-

лоқ қовоқ уйиб турарди; кўчаларда одам жуда сийрак; бу уйда йиғи тинса, эртага нариги уйда йиғи кўтарилади. Қолхоз иши хотин-халаж ва болалар билан қарияларга қолган, қишлоқнинг гурури, қарияларнинг ҳаққон — навқирон йигитлар ҳаммаси Москвага қалқон бўлгани кетган; шу туркум Довуджонни ҳам ўз ичига олди, у ўш саккизнинг остонасидан энди қатловди. Уша «Маскоп ёнидан хат келди», дейди Баҳри. Боши омон қайтса бас...

Тоғдаги қор жуда паст тушган, изғирини юнун этни жазиллатади. Хайри аллақачон этак ва қоппи кўлтиқлаб кўсақ юлгани жўнади; элдан олдин далада бўлади-ган Аҳмаджон бошида эски дўппи, эғнида нимранг пахталик, айвонда тумшугидан очилиб кетган этинини тикиш билан банд. Баҳри бўқачоқларини тўйдириб, майдаларини каттароғига топшириб боради. Аммо бугун унинг боши қотди: мана бу полапонлар оғиз очиб туришибдию уйда қайнатиб буларга ичиргулик бир сиқим жўхори ё тариқ қолмабди. У нимандир қаёққа қўйганини эслаш учунми, бошини чангаллаб айвон устунига суянганча қанча турганини билмайди, бир маҳал: «Буви!» деган аста ва жиддий товушдан чўчиб қараса, Аҳмаджоннинг кўзи унда, юқори лабп хил кўтарилган, гўё титрарди. Баҳри, ҳозир, болам, дедю олиб омборхонага кириб кетди. Аҳмаджоннинг нидоси мадад бўлди, эсига туша қолди: ўша Ниёзбошга кўчаётганларида эди шекилли, бир халта хашаки ўрикни пирамонга ташлаб қўйган эди; мана ҳозир шу жуда-жуда асқотди. Қайнатиб беради; жўжалари сувини ичади, этини ва дапагини чақиб, мағзини ейишади.

Баҳри ўрикни ювиб қозонда қайнатар ва бош тебратарди: «Эгаси йўқ рўзгор юкини кўтариш шунчалар мушкулми, худо!»

Кўз олдида гўё эри намоён бўлди: «Азоб тугида инграётганингни биламан ва бардошинга ҳам ишонаман. Жонни жабборга уру буларни очидан ўлдирма, омон сақла!»

Баҳрига энг яқин ва азия сиймо яна унинг рўпарасида, турмуш юки қачон елкасидан қаттиқроқ босса, у ҳозир бўлади, меҳр ва таҳсин қоришиб кетган сипо товуши жаранглайди, Баҳрининг кўнгли кўтарилади. Тавба, бир ёстиққа бош қўйиб у билан умр қилибди, ўғиллар, қизлар топиб, она бўлибдики, эрининг елкасидан

тўнини олганида ё қўлига сув қуйганида ботиниб юзига қараёлмасди, гапини кесишга ҳад қилмасди. Ҳа, бундай ҳадга унинг ўзи ўрин қолдирмасди. Мана энди Баҳри ана шуларни ғурур билан эслайди...

Бу ерларнинг бошига битган сувсизлик балоси кўчирди уларни. Тақдир эканми, қишлоқ этагидан катта дарё ҳайқириб оқсаю ери қақраб ётса, одамлари бошқа жойларга бориб тирикчилик қилса! Йўқса, Одил раис, ўз жойини ташлаб кетгани иштиёр қилармиди?

Уша йили ёзда сой суви тошлар орасида жилдираб қолди, оёқдаги қишлоқларга сув етказиб келиш маҳол эди, дарахтлар барги қовжиради, эндигина оқарган ўриклар шохиди ариб, гўё нажотсиз мўлтирашарди. Бир кунги кечқурун Аҳмаджоннинг дадаси табиатига хилоф ҳолда эшикдан ҳовлиқиб кириб келди: бугун пахтага сув оладиган бўлишибди. У шундаги носни иоқовоғига солаётиб, ўғли Довуджонга азон вақтигача кўпгина нос қилиб қўйишни тайинлади-да, отини йўрттириб кетди...

Баҳри ўчоққа яна ўтин қалади. Қозон қайнаб, ўрик ҳиди димоққа урди. Унинг юзи хиёл ёришди.

... Аҳмаджоннинг дадаси тонг ёришмай қайтиб келди. Баҳри чироқ ёқиб, дастурхон ёзди, чой қуйиб узатди. Авзойи ўзга эди. Сувни экинга етказиб келтиролмабди. Баҳри кўрди: эрининг вужудидан гўё тутун чиқарди. Бирдан у:

— Довуд, нос!— деди.

Бола-да, Довуджон ўйнаб кетиб нос тайёрламаган эди. Дадасининг ярим кечада қайтиб келишини қайдан билсин! У бувсининг орқасида писиб ўтирган эди. Бола гўё учдию ўзини кўчада кўрди. Уни кўзлаган қамчи Баҳрининг елкаси оша тушди. Оғриқ вужудини зирқиратса ҳам у дод демади. Аммо қамчи ўрни изсиз қолмаган эди.

Одил раиснинг кўзига ҳеч нима кўринмасди. У отлашиб яна изнга қайтди; чиқмаган жондан умид: балки ҳудо ёрлақаб сув кўпаяр, ақалли ғўзанинг бир қисмини асраб қолар!

Эрталаб барвақт ҳовлига одамлар тўпланишди: раис хотинини уриб сулайтириб ташлабди, деган гап қишлоққа тарқалган эди: «Тавба, булар қаёқдан эшитди, ким бошлаб келди бу ерга?»— Баҳри ҳайрон.

«Дўхтир чақиринглар, акт тузсин. Уни жавобгарликка тортиш керак» деган гаплардан Баҳри ҳушёр тортиди.

Бундай меҳрибончилик зиҳор керакмас менга, оила ишига аралашманглар, деб талаб қилди Баҳри...

Мана шунга ҳам анча йиллар ўтди. Баҳри энди тушунди: ўша «меҳрибонлар» эрининг ғанимлари экан, ахири мурудларига етишди.

Ҳозир унинг ўз меҳрибони олисда. Аммо хат-хабари йўқ. Тприк бўлса, бир кунмас-бир кун келиб, болалари даврасда уйни тўлдириб, ўксик кўнгилларга чироқ ёқиб ўтирса бас.

Қозонда қайнаётган ўрикнинг бўйига тўйиб ҳидлаганча кўнглидан ўтказди Баҳри.

Аҳмаджон йўталди. Баҳри қайрилиб қараса, этигини ямаб-тикиб кийибди, қўлида қоп, елкасида кетмон, бувисига тикилиб турибди:

— Бувӣ, майдаларни овқатлантириб кўсак узишга боринг!— дедн-да, чиқиб кетди.

Бувиси:— Сен-чи, болам, қаёққа,— дейишга оғиз жуфтладию деёлмади, сўзи тилининг учида қолди; ўғлининг орқасидан қараб юраги ачишди: ўн учга қадам босган Аҳмаджоннинг бўйи ўсмай қоляпти, ҳозир кўзига жуда пачақ кўринди. Дадаснинг ғами, рўзғор юки чақиб ташлади болани. Бувисининг бошини чангаллаб ноилж туриши Аҳмаджонни илож топишга кўзғатган эди. У тўғри адир тагидаги буғдойпояга келди. Ёз охирида шу ердан бошоқ терган эди. Кеч кирганда катта-катта иккита бошоқни боши узра кўтариб, севинчи ичига сиғмай адир ёқалаб уйга югургилади: бувиси бошоқларни янчиб нонуштага бир қозон ёрма ош пиширади. У эртага ҳам шу ерга келади, кечгача шошмай терса, яна иккита бошоқ қилади. Бувиси укаларининг гиш-гисасидан тинчиб далада бемалол ишлайди...

Шу топда рўпарасидан отлиқ чиқди, бошоқ кўтариб келаётган Аҳмаджонни кўрдню бақирди: шошма, ўғри, қулоғингни кесиб ташлайман!

Аҳмаджон рўпара келган бир жилғага бурилиб жоп-жаҳд билан югурди. Жар лабига келганда елкаси аралаш қамчи тушди; у бошоқни жарга улоқтирди. Отлиқ энди қутуриб сўка бошлади; Аҳмаджон ўзини жарликка олиб тушадиган сурилмачоққа отди.

Баҳорда болалар билан лола териб қайтаётганларда сурилмачоқдан жарга тушардилар... Кўп вақтдан бери ҳеч ким сурилмаган. Ёмғир баъзи жойларини ўйиб ўдир қилиб юборган экан, жарга тушганда Аҳмаднинг

кўйлаклари дабдала бўлган, оғраси шилиниб кетган, қулоғи аралаш тушган қамчи изи қонталаш эди. Ҳушига келгач, у дабдурустан ҳеч оғриқ сезмади. Эти кесак бўлиб қолган эканми, жонсиздай. Аммо қўзғалолмас ва ўрнидан туролмас эди.

У теварак-атрофга синчков назар ташлаб бошоқларини излади: битта бошоқ жарлик белига етмай чангалга илиниб қолибди. У бош чайқади, ҳозир уни олиб бўлмайди. Узининг ҳам у ёққа тирмашиб чиқарлик мадори йўқ; аммо иккинчи бошоқ қани? Ёнгинасида, ўзи босиб тушган экан, тупроққа қоришиб ярмичаси қолибди, авайлаб тупроқдан тозалаб қайта дасталади.

Баданига энди жон кирдими, ловиллаб ачиша бошлади. Оғриқдан вужуди қақшаса ҳам бошоқни ушлаганича баттол тафтишқўмни йўл-йўлакай болохонадор сўкиб уйга йиғлаб кириб келди. Аммо эртасига бошоқни олгани боролмади. Уйда бир ҳафта беланги бўлиб ётди... Оғриқлар қолиб, яралари тузалгандан кейин, Аҳмаджон бир куни шу жойга келса, жардаги бутада бошоғи йўқ. Чангал тагида фақат қилтириқлари қолибди. Тавба, бирон одам олди деса, шунти жарлик бағрида қилтиригини ажратиб ўтирадими?

Аҳмаджон тирмашиб юқорига чиқди. Жилгада, ўша кунги ўзи қочиб кирган яккаоёқ йўлда адир этагига келди. У бошоғининг нишонасини ана шу ерда кўрди. Жилга биқинидаги каламуш уя оғзида ўйилиб ётган тупроқ ичида бир бош буғдой кўринди. Аҳмаджон уни олди: қилтириқсиз, сара донлари қобиғидан чиқай деб турибди. Демак, ўғри тошилди, бошоқни каламуш ташиб уясига тортиб келди. Аҳмаджон, каламуш биттадан бош ташиб қишга кўн ғалла ғамлайди, деб эшитган эди. Мана бугун у ўғрининг уйини босгани келди.

У каламуш уянинг оғзидан кетмон солиб анча ергача олиб борди. Тўрт-беш метрча кавлагач, икки ёқлама йўл келди. У олдин ёнлаб кетган йўлни қазиб борди, икки-уч метрга боргач, йўл тугади. Кейин тўғрига кетган йўлни очишга киришди. Анча кавлаб боргач, заранг қуруқ ерга дуч келди. У терлаб-пишиб кетган эди. Лекин ташлаб кетмади. Аҳмаджон дўнг устида бувиси тугиб берган яримта нонни, ўрикни еб, данагини чақиб ўтирган эди, каламушлар ногаҳон уядан бирин-кетин чиқиб қолиб қолди. Демак, уя яқин, ҳаракат қилиш керак. Тинка-дармони қуриган йигитчага аллақадан куч келган-

дай бўлди. У туриб кетмонни гурсиллатиб ура бошлади. Рўпарасидан ўра очилди. Афсус, ўра тўла сомон... Бу «ҳужраси», «тўр уйи» нарпроқда бўлса керак. Йўлак ҳали давом этарди. У кетмонни яна ура кетди. Бир оз очиб боргач, йўлак айриланди. Биридан сассиқ ҳид гупиллаб чиқарди. Аҳмаджон бу йўлакни беркитиб ташлади-да, иккинчисини оча борди. Ҳа, мана энди етди «тўр уйга» — омборхонасига. Каттагина, анча чуқур ўра, олтиндай буғдой лик тўла.

Уни ҳайрат ҳам, суюнч ҳам қамраб олди, «тўр уй» лабига чўккалаб хийла вақт донга тикилиб қолди...

У ярим қоп буғдойни терлаб-пишиб кўтариб келганда тун қора бахмални қишлоқ узра ёпиб олган эди.

Уруш ҳали давом этарди. Хонадонлардаги аза камаймаган, аммо қўшинларимиз ҳамма фронтларда, ҳамма участкаларда фашистларни қувиб борар, қуршовга олиб мажақлар, фашистлар энди битта-иккиталаб эмас, тўлатўда бўлиб асир тушардилар. Яқинлашаётган ғалаба руҳи аза йиғисини пасайтирар, таскин ва бардамлик туйғусини кучайтирар эди.

Аҳмаджон қатори ёшлар агитаторлик қилишарди. Улар колхозчилар танафбусга чиққанларида «Совинформбюро» кундалик маълумотини, ҳамқишлоқ солдатларининг фашистларни қандай қувлаётганларини тасвирлаб ёзган хатларини ўқиб беришар, бу хатлар колхозчиларни жуда қувонтирар эди.

Уша кунларнинг бирида Аҳмаджон шийпонда аёлушоққа фронтлардан аҳволни тушуштириб турган эди. Бир кампир келди, қўлида тугунча, сочлари ёзиқ, у тугунчани Аҳмаджонга узатди:

— Буни ўқи, Баҳрининг ўгли... Ҳалол ўқи.

Хат кампирнинг ўглидан эмас, фронтчи ўртоқларидан эди. Аҳмаджон хатни «ҳалол» ўқиди. Унинг ўгли ҳалок бўлган эди.

«Ўғлингиз душманининг ўқ ёғдириб турган пулемёти нафасини ўз гавдасини қалқон қилиб ўчирди. Юзлаб солдатнинг жонини сақлади. Унинг жони ҳаммамизнинг қалбимизни илтиб турибди. У мард йигит, чин одам эди. Ўғлингиз билан ҳаммамиз фахрланамиз, у умрбод бизнинг кўнглимизда яшайди. Ҳаммамиз сизга ҳамдардамиз, онажон...»

Утирганлар ҳаммаси йнглади-ю, кампирнинг кўзида нам йўқ, у киприк ҳам қоқмас эди. Фақат:

— Болаликдан уйга одам келса суюниб жони ичига сиғмасди. Ахири берибди жонини,— дедию хатни яна тугиб, маҳкам сиқимлаганича изига қайтди.

— Тавба,— деди аёллардан бири,— овоз чиқариб йнгламади-я, дод солмайдими!

— Дийдаси қотиб қолган, эгачи, айтинг-айтинг йиғи ўлгур кела қолсин бояқишга, агар келмаса буни ҳам олади ўз даргоҳига...

Фронтдан келган бу хат Аҳмаджоннинг вужудини қамраб олди. У кечалари миужжа қоқмай ўйларди: тоғ этагидаги қишлоқ боласи юзлаб одамнинг кўнглидан жой олибди, ўртоқларига, юртига жонини фидо қилгани учун...

Аҳмаджон фронтчилар таърифлаган, чин одам бўлишни жуда-жуда хоҳлайди. Армияда, урушдагина одам боласи қаҳрамонлик кўрсатади, деб биледи у. Унинг омади юришмаганини қарангки, армияга боришга ёши тўғри келмайди, бунинг устига, бўйи ўсмай қолди. Военкоматдагилар бўлса, уни кўриб кулишади: кейинроқ келасан, болача, эмнш!

Раис-чи, унинг арзига қулоқ солиш ўрнига: аканг фронтда, бу ерда бувингга, укаларингга сендан бошқа қарайдиган эркак йўқ. Уйлаб кўр-чи, бу масъулият камми? Колхоз ишини қойил қил, фронтчиларга мадад бўлади. Асил йигитликни фронт орқасида исботлаб бўлмай-дими? Фронтчининг қорни тўқ, эғни бут бўлмаса, уруша оладими, дер эди.

Бир куни эрталаб қоровул Аҳмаджонни идорага чақириб кетди. У бошида печа-печа хаёл айланиб борди. Идорада тафтишқўм, яна кимлардир ерни экишга тайёрлашни муҳокама қилиб ўтиришган экан. Аҳмаджон эшикдан кирдию салом бериб, этигининг тумшугига қараганча бурчакка қисиниб турди.

Раис иккита трактор кечаси билан бир қарич ҳам ер ҳайдамаганини айтиб фигони чиқарди. Тафтишқўм тракторчини оқлаб, заправкачи ухлаб қолибди, деди.

— Бугундан эътиборан янги заправкачи ишлайди,— деди раис. Шу орада Аҳмаджонга кўзи тушиб, руҳланиб кетди ва унга қараб:— Вақтида етиб келдиларинг аммо,— деди.— Сизга, йигит, катта иш топширамиз: жуда сергак бўлиб ишлайсиз, тракторчига тиним бермай-

сиз, ёғни вақтида қўйиб бериб ҳайдатаверасиз. Қалай, ўзини кўрсатса бўладими бу ишда?

Аҳмаджон ҳалл бошини кўтариб улгурмасдан тафтишқўм гапга от солди:

— Бу она сути оғзидан кетмаган бола-ку, ҳали, Акбарали, ўйлаб иш тутяпсизми?

— Сизнинг назарингизда «она сути оғзидан кетмаган» шу бола кучини қаёққа қўйишини билмайди. Гапингизга тушунмадим: сиз буни аяяпсизми ёки ишонмаяпсизми?

— Қунига неча бола билан муштлашади; нечасидан бурни қонаб, нечасининг бурнини қонатади; колхоз ишини қўйиб, бошоқ териб юради...

Аҳмаднинг елкаси ачишгандай бўлди. Тафтишқўмга хўмрайиб қаради:

— Кимдан кам пшлабман, меҳнат кунларимни солиштиринг?

— Сан тирмизак жим ўтир,— деди тафтишқўм, кейин раисга ўғирилди:— Ҳозир ёнилғининг масъулияти қанақалигини биласиз. Уни тракторга қўйиб беришдан кўра, эҳтиёт билан назорат қилишни ўйлаш керак. Сиз бўлсангиз буни шу болага ишоняпсиз, олдин одам бўлсин, кейин...

Бу сўз Аҳмаджоннинг кўнглида эътиқодга айланган азиз нарсани қаттиқ тирнади; гапи мунча совуқ! Унинг ранги қув ўчди, жаҳл ва хўрликдан титраб кетди, тез бурилдию идорадан чиққанича уйга югурди, уйга кириб эшикни ичидан беркитди-да, ёстиққа юзини буркаб юмма-юмма йиғлади. Дадасини олиб кетганларида ҳам унинг кўзидан шунча ёш томмаган. Унинг ҳўнграб йиғлаганини ҳануз биров кўрмаган эди. Мана бугун ҳамма кўрди: идорада, кўчада, уйда ҳам. Ҳали ҳануз ҳеч кимнинг сўзи унга бунчалик аччиқ ботмаган, елкаси оша тушган қамчи ҳам унинг вужудини бунчалик жазиллатмаган эди. Мана энди битта сўзнинг оғриғини кўтаролмай хун йиғлаб ётибди...

— Ўзингиз дейман, Тўронбой ака, орқа-олдини ўйламай, гап деб ҳар нарсани оғздан чиқараверар экансиз,— деди раис қовоқ уйиб тафтишқўмга.— Балоғат остонасига қадам қўяётган йигитчага шу гапни айтадими одам: олдин одам бўл, сўнгра иш... асов тойга эгар уриш учун унинг орқасини неча кунлаб қашлайсиз. Бу одам боласи!

Тафтишқўм оғзидан чиққан сўз хато эканига иқроп бўлгиси келмади.

— Уруш вақти, ёнилғининг граммини асрайдиган вақт, сиз бўлсангиз уни шу тирмизакка ишониб топширмоқчисиз. Мабодо бирон ҳодиса бўлса ким жавоб беради, шу болами?

— Сиз!— раис заҳарханда кулди. Ҳатто тафтишқўмнинг кўзига бир мўлжал жим тиклиб турди. Кейин осойиштароқ давом этди:— Жавобгарликдан қўрққан одам бу юкни елкасига олмайди, оғайни. Ҳозир бундан муҳимроқ гап туғилди. Ўзингиз эртанги кунингизга ишонасизми?

— Бу нима деганингиз?

— Айтинг, ишонасизми?

— Ишонмаса яшайдими одам.

— Ҳа, баракалла! Сиз билан бизнинг эртаминз шу йигитчалар. Эртага биз оддан тушамиз, отни буларга миндирамиз. Бугун уларга ишонмасак, шунча йиллардан бери вояга етказганимиз бирлик байроғини эртага қандай ишониб топширамиз? Мана бу жавобгарликни нега ўйламайсиз?

Бу даладан териб олинadиган тўртта бошоқ эмас. Бир бочка ёнилғи ҳам эмас. Бу, агар бошқача сўз билан айтсам, қумга қоришган олтин заррасини кўра билдиш. Халқ биздан шуни талаб қилади, от устида қамчи ўйнатиб юрганингизни эмас.

— Бу гапни эшитаман деб масала кўтарганим йўқ,— деди тафтишқўм.— Сиз бўлсангиз гапни бу ёққа бурдингиз.

— Бошқа бурадиган йўл йўқ, бўлмайди ҳам.

Кечки пайтда раис Аҳмаджонникига кирди. Уни ҳовлида куйманиб юрган Баҳри опа кутиб олди. Раиснинг тасодифан кириб келиши уни суюнтирган ҳам ҳайрон қилган эди. Акбар ака фаҳмлади шекилли, Аҳмаджонни сўради.

— Нима бўлди, иним, бирон иш қилиб қўйдими? Эрталаб келганича уйга кириб олди. Сўрасам индамайди. Бунчалик хун бўлганини энди кўрдим.

— Ҳеч гапмас, опа. Чақиринг-чи бу ёққа.

Раис ўзига қилинган жойга кириб ўтирмай ҳовлига назар ташлади: тартиб жойида, эркак кишининг қўли

сезилиб турибди. У томорқага ўтди: олма, ўрикларнинг бегоналаган шохлари кесиб тахлаб қўйилибди, боғчани тенг бўлиб бир томонга кузги бугдой сепилибди; картошка, сабзи-пиёз экилган жой гўнглаб чопиб қўйилбди. Буларни кўриб раиснинг кўнгли ўсди. Эракак кишининг қўли бу ерда ҳам ўзини жуда кўрсатибди. Сараижом-саришта. Аммо боланинг сиркаси сув кўтармайди. Бу ҳам яхши...

Аҳмаджон уни чойга чақирди. Қоронғи туша бошлаган эди. Баҳри опа чироқ ёқди. Раис жой олди, Аҳмаджон ҳам ўтириб унга чой узатди. Акбар ака чойни ўғириб қўлидаги пиёлага тикилганча хийла жим ўтирди. Кейин чойдан бир ҳўплаб бошни кўтарди: Аҳмаднинг қовоқлари шишган эди.

— Кўп ухлалбсизларми?— деди раис гап бошлаб олиш учун.— Тафтишқўмнинг бояги гапини кўнглингга огир олма, гапнинг оҳанги шунақа чиқиб қолди...

Аҳмаджон бошини кўтариб раисга қаради: «Наҳот унинг гапини андавалаш учун келган бўлса? Қани, бу ёғини эшитайлик-чи».

— Ўзи тўнгроқ, шунинг учун ҳам одамга ёқавермайди гапи,— деб ўз фикрини қувватлади Акбар ака.

— Нима қилиш керак? Нима деса қуллуқ қилаверайликми?— деди Аҳмаджон.

«Жаҳл отидан тушгани йўқ ҳали. Тушириш керак. Бўлмаса бу бедов эгарни ташлаб қочади... Билмай айтилган гап бошга тўқмоқ. Тафтишқўмнинг гапи ўз бошига ҳали кўп тақиллаб тегади. Тавба, баъзи одамлар гапини тўғри айтолмай ўтиб кетади шекилли».

— Дастлаб йўлиққан кичкина говдан ўтолмай аразлаб уйга беркиниб олсанг, хўш, бу ёғи қандоқ бўларкин?— деди Акбар ака, бир ёғи ҳазил, бир ёғи чин қилиб.— Бу ҳаётда одам босиб ўтадиган йўл сип-силлиқ эмас экан. Э-ҳа, ҳалл катта-кичик говларни қанчасидан ҳаглаб, қанчасини бузиб ўтасан. Ҳаёт йўлининг бисмил-лосини энди бошлайсану қочганингга ҳайронман.

Аҳмаджон раисдан бу гапларни кутмаган эканми, унга тикилганча анграйиб қолди.

— Нимага қочар эканман. Говларни шундоқ бузай, шундоқ одам бўлайки, тафтишқўмингиз омон бўлса кўради...

— Ундоқ бўлса, йигит, қани, тур ўрнингдан, жомани кийиб ишга жўна, тракторлар ёғ сўрапти!

Кун хира, бетини гўё қўрғошин қоплаб олган.

Аҳмаджон дераза олдида ўтирибди. Назари гоҳ совиб бораётган кунга қадалади, гоҳ идора орқасидан бошланувчи олмазорни оралайди. Олма дарахтлари яйдоқ, новдалар учиди битта-иккита диккайиб қолган чалақуруқ барглар шамолда чирт-чирт узилиб, боғ узра лапанглаб учиб юради ва ерга ғамгин қўнади... Аҳмаджон нимагадир бош чайқаб уф тортди: тез кунда бу йилнинг ҳам оёғи узилади, кечагина шахт билан кириб келган эди; қисталанг умр кўрди: на махлуқотга, на набототга тиним берди. Бандидан узилиб хавода аста учиб юрган шу хазон яқингинада ям-яшил, авжи кучда эди, шу ердан ўтганга чапак чалиб, салқини нафас пуркарди. Мана бугун у ҳам яшаб бўлди. Умридан мамнунми ё қонмадими?

Наботот уйқуга ётди. Ҳа-ҳу дегунча янги йил киради. Одам умрининг бир йили кетади. Аммо бундан ким қондию ким қонмади?

Инсон гоҳо ўз умрига шунчалик фарқсизки, кунлари, ойлари бефойда, беҳуда совурилади; ўзини, оиласини, теварак-атроф муҳитни заҳарлайди. Тагин ман яшадим деб гердаяди! Шу битта район одамларининг бир йилда бекор ўтган вақтига янги район тузиб обод қилса бўлади.

Бир тоифа одам борки, минг терга, қўриқла, уни ўз кўчасидан буролмайсан; тагида машина, ҳали шаҳарда, ҳали қишлоқда пайдо бўлади. Буникини унга, уникини бунга уради — иккаласини ҳам алдайди. Зокир шу тоифадан, бўштоброқ бригадирни ичкиликка торгади, йўлдан оздиради. Ичишга ружу қўйгандан кейин тамом, иш ўлда-жўлда бўлади. На ётишда, на туришда роҳат сезади; бора-бора ғирт лақмага айланади; кечаги эътиборли бригадир одамлар қаторидан чиқади. Хотини ва болаларига оғир юк бўлиб қолади... Аҳмаджон ҳаёт қирғоққа чиқариб ташлаган неча-неча йигитни билади! Агар ўзи вақтида этагини йиғиб олмаганида ҳозир ҳоли нима кечарди? Қирғоққа чиқариб ташлаганича қайси ботқоққа ботиб ётарди?

Бухгалтерлигида, ундан кейин раис бўлиб сайланган дастлабки йилларда ҳам улфатчилик даврасининг тўрида ўтирарди. «Одамгарчилиги бутун йигит», «мард, са-

хий одам» деган мадҳиялар унинг кўксини кўтарган, шерлантирган дамлар ҳам бўлган эди. Гоҳо оладиган ойлиги меҳмондўстликка етмай қолиб, акаси ё укасининг тошганидан қарз кўтарган пайтлар бўлди. Хайриятки, келдикетдига колхоздан нимаики олинган бўлса пулни тўлаб, квитанция копиясини сақлаб қўйган экан. Мана энди текширишда шулар асқотди...

Покиза бир қўл Аҳмаджонни қўлтиқлади: «Аввало ўзингиз ҳалол бўлинг, ука. Ҳалоллик учун, ҳалолликни одамларга сингдириш учун ҳар қанча курашсангиз партия сизни қўллайди, халқ қўллайди».— Шу оҳишта, жиддий ўгит Аҳмаджоннинг хотирида қолди. Ҳалоллик унинг эътиқодига айланди...

Шу-шу Аҳмаджоннинг кўз олди тиниқлашди, колхозда ҳаромхўрликнинг барча кўринишларига қарши омонсиз кураш бошланди. Қизиқ, ҳаромтомоқлар зимдан болалай бошлаган экан шекилли, ип қаттиқроқ тортилгач, икки-учтаси питиллашиб чиқди.

Ҳамма гап Умар ғурракнинг жинояти очилганидан бошланди. Шу Ғурракнинг тинч меҳнат қилиб юрган вақтлари ҳам бўларди. У звено бошлиғи эди. Оила аъзолари билан топгани рўзгорига етарди, ортиб ҳам қоларди. Аммо бунг у икки-уч баравар кўпайтиришни хоҳлади. Шу хоҳиш унинг жиловини қўлига олиб, қамчи босаверди. Оқибатда у боридан ҳам айрилди...

Умарнинг гуноҳи кечирилса, у колхозга етказган зарар ундириб олинмаса, келгуси йили пахта еридан яна ҳам каттароқ участкага ўзи учун экин қилмайдими? Андишанинг оти қўрқоққа чиқмайдими? Колхозда уларнинг уруғи кўпаймайдими? Оқибат натижада колхоз қаёққа қараб ўсади. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайти!

Вужудни эзгиловчи аллақандай гунг оғриқ унинг хаёлини бўлди. Бўйинини боғлаб вагонда ётишнинг иложи бўлмагач, врачлар уни уйда даволашди. Ангина ёрилиб, иситма анча қайтди... Мана бугун эрталаб идорага чиқиб ўзининг йўғида йиғилиб қолган баъзи муҳим масалаларини ҳал қилди.

Ҳозир дала айланади. Аччиқкўлда юриб шудгордан дурустроқ хабар ололмади...

Эмизикли онадай ёз бўйи ҳосил боқиб вояга етказган тупроқ шудгор кўтарилгач уйқуга чўмган. Унинг ана шу ҳолатини кўриш, туйиш Аҳмаджонни ғубордан тозалай-

ди. Қиндик қони томган, ўзи эмаклаб оёққа босган шу ер, трактор плуги кетида кўкси очилиб хамирдай кўпчиб ётган шу тупроқ ҳиди Аҳмаджонни дарддан фориг қилади. Тупроқ дардга чалингани, овқат тилаганини ҳам, чарчаганини ҳам у шу таниш ҳиддан билади. Шунинг учунми, у дўстлари даврасидаги суҳбат ер тўғрисида, уни асраш, боқиш тўғрисида борганда кўкраги кўтарилиб гапирди.

Теримнинг қизғин, жадал кунлари эди. Министр ўринбосари районга вакил бўлиб келди. Олдин бошқа колхоз ва совхозларда терим қандай уюштирилгани билан танишди. Эрталаб бу ёққа ўтиб келди.

Аҳмаджон далада, ҳурматли вакилга йўл-йўлакай колхоз ўзлаштирган ерларнинг хусусиятларини, қайси мавзенинг тупроғи неча йилда етилиб яхши ҳосил берадиган ер бўлганини, бу борада тажриба орта бориб, чуқур қазилганда ҳам тупроқ кўринмаган тошлоқларни бўрсиллаган ерга айлантирилганини яйраб ҳикоя қилди. Вақл пахтаси очилган пайкалларни кўрган сари, тупроқни ҳосилдор қилиш тўғрисидаги ҳикоя бу ёқда қолиб раисни саволига тутди. Терим суръатингиз жуда суст. Нимага? Очилган пахта кўп, нимага термайсиз, нимага машиналарни кўплаб ишлатмайсиз?

Аҳмаджон ўзини эшитмаганга солиб нафасини ютиб келаверди, унинг кўзи пайкалларга миҳланган эди. Мана шу участкага келганда у машинани тўхтатди. Пайкалларнинг тепасидан пастигача — ҳаммаёқ оппоқ, этак ва боши машина қайтадиган қилиб тозалаб, текислаб қўйилибди. Вакилнинг кўзлари ўйнаб кетди. Аҳмаджон пахтазор ичида — гоҳ оқай деб турган пахтанинг толасини чўзиб кўрар, сиқимлар, чигитини чақиб кўрарди. Вакилнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, раисга яқин борди:

— Пахтани қаранг, пахтани!— деб хитоб қилди у.— Аммо нега теришмайди уни ё эгаси йўқми?

— Бўлганда қандоқ!— деди Аҳмаджон ғурур билан. Чиндан ҳам ҳозир унинг юраги кўксига сиғмаётгандай эди.

— Қимники бу?

Ўсмоқчилаяптими у, деб ўйлади Одилов.

— Қимники бўларди. Бизники-да.

Вакил ёқасини ушлади:

— Йўғ-эй!

— Кеча келсам денг машина еслишибди. Уршиб бердим. Машинани чиқартириб юбордим.

— Нимага?— Вакилнинг қўли ёқасини қаттиқроқ тутди.

— Негаки, ҳисобласак, гектарига йигирма икки центнерга зўрға тўғри келди. Ҳолбуки, бош терим камидан ўттиз икки центнерданга етмаса биз ҳисобни йўқотиб қўямиз.

Вакил қўлини ёқасидан олди, нимагадир энди ёноғи уча бошлади:

— Назаримда, бу теримнинг умумий суръатини су-сайтиради, районни орқага тортиш бўлади. Ё сиз бунинг акси деб ўйлайсизми?

— Шундоқ, тўғри!— деди Аҳмаджон, товуши хиёл кўтарилди. Кўзлари қисилиб, киприги уча бошлади, ҳатто вакилни ташлаб кетгиси қистади.— Тўғри, доим орқага тортамиз, раис бўлганимга ўн беш йилдан ошди, ҳар йили шу!

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди,— деди вакил,— жаҳлингиз чқмасин, ўртоқ Одилов. Колхозингизни қо-лоқ деганим йўқ, районда кўп пахта берасиз, пешқадам колхоз. Лекин терим суръатида орқадасизлар, бу илғор колхозга ярашмайди. Мана шу пахтаингиз бешқа хўжаликда, масалан, қўшинингизда бўлса аллақачон жон деб терарди. Сиз бўлсангиз машинани ҳайдаб чиқарибсиз. Ўйлаб кўринг-чи. Шу қилиқ ярашадими сизга?

— Ярашади, яна уч-тўрт кун сабр қиламиз,— деди у, ўзини вас-вас қилган шайтонга ҳай берди, жаҳлини нуқта-талаб, босиқ гап бошлади:— Нимага дейсизми? Шу участка планга мувофиқ эллик центнердан пахта бериши керак, мажбурияти эллик беш. Тўрт-беш кунни ачиқ тишласак юқизмаймиз...

— Ҳисобингиз тўғри, аммо шу тўрт-беш кун хатарсиз ўтади деб бўладими?

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди.

— Ҳар қалай, суръатни тезлатнинг, сизда бунинг иложи бор, ақалли менинг ҳурматимни қилнинг, Аҳмаджон Одилович,— деди вакил ҳазил аралаш.

— Мана энди камайтирамиз,— деди Одилов жиддий равишда.— Нимага дейсизми? Сизни ҳурмат қилганим учун пахтани дурустроқ очилтиришим, чигитни яхши етилтиришим керак, чунки сиз шахсий дўстгина эмас, давлат одамисиз. Хом терилган жойдан камидан беш

центнердан йўқотамиз, бу тажрибада синаб курилган. Устига-устак, давлатга зиён, тола қисқа бўлади; чигит пуч — ёғ чиқмайди.

— Қўйинг-э, жуда ўжар одам экансиз,— деди вакил унинг гапини кесиб,— одам деган мурасага ҳам кўнади-да, ўзимники тўғри, деб ўтираверасизми?

IX

У қўли рулда, ўйлаб дала айланарди. Мана шу ер тепасида не-не таъбиҳушлик, таъби хираликлар бўлиб ўтмади. Мана, кўпчиб ухлаб ётибди. Ё бу ҳам келгусига илҳақми? Бир экин қайта экилавериб, тупроқ ахири касалга чалинди — вильт пайдо бўлди. Ҳосил камаё бошлади. Пахтанинг янги навлари ҳали яратилмаган ўша вақтларда Аҳмаджоннинг назарида бирдан-бир чора янги ер очиш, эски ерларга беда ва бошқа экинлар экиб пахтадан дам бериш, тупроқни соғайтириш эди. Уларнинг бахтига депарада дашт, қўриқ ер кўп эди. Қолхоз тузумининг саркардалари уруш арафасида канал қазиб Норин дарёси сувини келтириб қўйган эдилар. Бу даврга келиб янги ер очишга зарур бўлган қудратли техника вужудга келди. Эндиги ташкилотчиларнинг — Аҳмаджонларнинг вазифаси — шу техникани юргизиш, катта миқёсларда ер очиш... Шу ер пахтадан тўрт йил дам олди. Шу йили пахта тўкди аммо. Эллик бешни анча орқада қолдирди; тупроқ соғайиб, қайта кучга тўлди. Энди беш-ўн йил чарчамайди...

«Қаранг-а,— деб ўйлади Аҳмаджон,— атрофга жим қулоқ солиб ётгандай, ухлаб ётибди». У кўпинча ер ҳақида хаёл суриб юрар, аксари хаёли янги ер очишга бориб тақалар эди. Нимага?

Хўш, тўзимим яна неча йилга етади — ёшлик ўтиб кетди, шунча тезки, қараб кўз илғамайди, аммо биз ҳали кўрган кўзни қувонтирадиган бирон иш қила олмадик. Мўлжалдаги ишларни улгуришга тезлик керак. Қишлоқ устидан ўтган Шимоллий Фарғона каналини одамлар кетмон билан қазиган. Шунча тез битганки, каналчиларнинг ўзлари ҳайрон қолишган. У одамлардаги бирлик кучининг мўъжизаси эди. Ўша вақтда уларнинг қўлидаги қурол кетмон, мингани от эди. Давлат бизга шунақа қуроллар яратиб бердики, бу билан тоғни толқон қилса бўлади. Тагимиздаги машинанинг ранги

бузилмай, иккинчиси йўлимизда шай туради. Машинадан телефон қоқиб иш битирамиз. Ихтиёримда қудратли механизмларнинг неча хили ҳозир турсаю мен чарчадим десам, инсоф қани? Йўқ, руль ушлаган шу қўл титрамасдан, йўлни беҳатар кўраётган шу кўзлар нурсизланмасдан, белдан қувват кетмасдан қуриш, янги ерлар очавериш керак, токи оталар арвоҳи хуш бўлсин; қариялар дуруст одам бўлди деб суюнсин. Одамлар орасида одам бўлиб юрганлигини билиш шунчалик қийинми?

Хаёл оғушида район марказига келиб қолибди. Аҳмаджон каттаконни кўриб янги ерга — йигитлар олдига ўтишни чамалади. Қабулхона секретари машинкада ниманидир ёзиб ўтирарди. Раисни кўриш билан дарров ўрнидан қўзгалди. Аҳмаджон бу орада эшик олдига бориб қолган эди.

— Одамлар бор, ўртоқ ўроқов ҳеч кимни киритма, деб тайинлаганлар.

Эшик қия очиқ экан, ичкаридан чиққан товушни Аҳмаджон баралла эшитди:

— Кеча-кундуз худодан сўрайман: «Ўроқов акамларнинг мартабаларини улуғ қилавергин, у кишини районимизда муқим қилгин, бизнинг бахтимизга дейман...»

«Э, Мардон қилвир-ку! Вой ифвогар-э»,— олдинга Аҳмаджоннинг кулгиси қистаб келди, кейин чехрасига ҳайрат аралаш жаҳл аломати тепди. Қиз раиснинг рангига тикилиб қолди.

Раиснинг қулғи ичкарида эди: «Бу айёр секретарни авраяшти. Э, ҳа, қани, яна нималар деркии?»

«Район бўлганимиздан бу ёғига казо-казо секретарлар келиб кетди; биронтасининг баста сизнинг қадди-қоматингиз сингари ярашмаган районимизга. Худойим ёмон кўздан асрасин сизни. Улуғликни ҳаммага ато қилавермайди, нодир одамларнинг пешонасига ёзади худойим... Одиловни раисликдан тушириш фақат сизнинг қўлингиздан келади...»

— Шунча теңтираб унга зарра кир юқтиролмаясизлару,— деди ўроқов.

— Кири бетига чаплаб ташлаймиз, ишонавернинг, Бўронбой ака,— деди яна биров.

— У бировдан пора олмайди, зинога юрмайди, ўзипи эҳтиёт қилади. Аммо шунча меҳмонни қандай ва нима ҳисобига кутади? Жаҳли қистаса ҳеч кимни аямайди. Айбни ана шундан изланглар,— уқтирди ўроқов.

— Ажаб ақлингиз бор-да, Уроқов ака...

Аҳмаджоннинг чидами тугади, эшикни ланг очиб кирдию қўйиб юбормай, уларга тикилиб турди.

Узун стол ёнида икки-уч киши ўтирибди, каттакон кабинетда у ёқдан-бу ёққа юриб уларга гўё ваъз ўқимоқ-да. Аҳмаджон эшикни ёпди ва каттаконга қўл узатиб, омонмисиз, деб кўришди.

Бу тасодифдан улар довдираб, гўё қотиб қолишди.

— Булар бир иш билан келишган экан, гаплашиб олдик,— изоҳ берди Уроқов. Унинг ранги ўчиб кетган, семиз бетлари титрарди.

— Гапларинг битган бўлса, буларга жавоб берсангиз,— деди Аҳмаджон унга, кейин Мардонга ўгирилди:— Иш битдими, хўжайин? Агар битган бўлса, сизларга ижозат, бориб тирикчиликни қилинглар. Каттакон билан бизнинг гапимиз бор.

Мардон Уроқовга, нима қилайлик, кутайликми, дегандай мўлтираб қаради-да, ундан садо чиқмагач, шерикларнинг эргаштириб аста чиқиб кетди.

Гапи бўғзнда тикилиб қолган Уроқов Одиловга қараб турар, одатдагидек, кўриш билан тирсақларини столга тираб: «Хўш», демас ва рангига қон қайтмас эди. Аҳмаджон ҳам рўпарасида унга кўз қадаб турар, гўё иккаласи бир-бирини синарди.

— Ана шу тариқа учрашмоғимиз керак эди. Мана, ниҳоят учрашдик,— деди Аҳмаджон.— Хўш, мамун эмасмисиз? Мап жуда хурсандман. Қуюқ саломлашиб, ширин сўз айтишиб, сездирмай орқадан пичоқ уриш — гирромлик, дўстнинг иши эмас. Биласизми, мен очик майдондаги ҳалол курашни яхши кўраман.

— Тушунмадим, гапингиз жуда илмоқли.

— Нимасини тушунмайсиз, гапимни пардага ўраганим йўқ-ку? Қўпол бўлса ҳам тўғри, дангал гапнинг чўгири бўлади.

— Мендан нима истайсиз, шуни тушунмаяпман. Ахир мен раҳбар кишиман...

— Тўғри, раҳбарлик қилинг, одил бўлинг,— унинг сўзини кесди Аҳмаджон.— Райком секретарининг ўз доирасидаги ҳуқуқи қанчалик катта бўлса, унинг зиммасидаги масъулият ҳам катта.

— Худди шунинг учун ҳам менинг ҳузуримга ҳар тоифа одам келади, биров маслаҳат сўрайди, биров арз билан киради. Гапига қулоқ солишга, арзини текширти-

ришга, лозим чорани кўришга мажбурман. Тагин қанақа одиллик бўлсин, менимча, мундан ортиқ бўлмайди.

— Шошманг,— деди Одиллов ўз жойига ўтиб, креслога ўтираётган раҳбарга синчков тикилиб,— вазифани ниқоб қилманг, яхшимас. Бугун чақириб маслаҳат берган одамларнингиз ким? Билмайсизми? Мардоннинг кимлигини билмайсизми? Умр бўйи меҳнатдан қочиб яшади, тагин устига, ифвонинг уяси, сиз бўлсангиз уни тўрга, ўз ўрнингизга ўтирғизиб қўйиб гаплашгингиз келади. Нимага? Бир-бирингизга шунча яқинмисизлар? Йўқ, илгари уни танимас эдингиз. Кейин у сизга, сиз унга жуда зарур бўлиб қолдиларингиз... ҳа, топишдиларингиз. Менга қарши қайраб солиш учун сизга шу Мардон, шу Умар ғуррак каби қаланги-қасангилар керак бўлиб қолди.

— Улар колхоз ветеранлари, уларнинг гапини, маслаҳатини инobatга олишим керак, ўртоқ Одиллов. Мен сизга айтувдим, уларни, хусусан, Умар акани нотўғри хафа қилдингиз. Унга нисбатан кўрилган чорага мен, райком қўшилмайди...

— Мана энди ўз гапингизни айтдингиз, ўртоқ Уроқов. Одамнинг гапидан ичидагиси кўриниб тургани яхши. Мен уларни огриптириб сизга фойда қилибман. Бўлмаса колхоздан сизга тарафдор одам чиқмас эди.

— Ҳалол гаини айтганда, Аҳмаджон ака, мен сизга ёмонлик соғинмайман. Шунинг учун ҳам бу одамларга чакки озор берманг дейман. Мендан гумонларингиз чакки...

— Тагин ниқоб тортяпсизми? Ярашмайди сизга. Шу мавқе, шу салобат билан ёлгон гапирсангиз! Ахир, суяйдиган тоғимиз деб ўзлари мақтаниб юришибди, мана ўзим ҳам кўрдим, бу ёмонлик соғинмаганингизми?

— Орамизда баъзи келишмовчиликлар бор. Ким ҳақ, ким ноҳақ, ўз йўли билан ажрим бўлади.

— Сизнинг «ажрим» усулингиз шу. Бу «усул» билан қуллуққа келмаганларнинг нечасини «ажрим» қилдингиз? Сизни бу ўринга тайёрлаган, кейин сайланишга жон куйдирган кишилар ҳам кейинчалик шу усул қурбони бўлдилар. Хўш, энди мен «ажрим» кунни келишини кутиб ўтирайми?

Уроқов елкасини қисди:

— Ихтиёрингиз.

Аҳмаджон маст одамдан баттар ҳолатда рулга ўтирди. Дарё бўйига келиб машинани қайиққа чиқарганда вужудидан тер қўйилиб кетганлигини сизди. Иситма яна кўтарилган, томоқ оғриқ, тупугини ютиш ҳам қийин эди. Машинани қайиқдан тушириб йўл ёқасига, ўсиб ётган совағичлар панасига қўйди-да, рациядан идорани чақирди:

— Марямчамисан? Гараждан Отажонни чақир, уйдан пиширилган пиёз, термисда чой ва овқат олиб қайиққа келсин.

Бугунги учрашув унинг вужудни алғов-далгов қилиб юборган эди. Иркит, нопок бир нарсаннинг устидан чиққандай таъби тирриқ бўлди. Тўғри ўтиб кетавермай нимагаям шу ёққа бурила қолди.

У машинадан сочиқ ва совун олиб дарёда юз-қўлини ювди. Артиниб соҳилда юрди, Уроқовнинг қиёфасини кўз олдидан қувишга, уни унутшга тиришди. Йўқ, бўлмади. Нимагадир у гўё бепарво, лоқайд анграйиб турибди, қани энди бирон мўйи қимирласа, ақалли киприк қоқса!

Дарё суви жуда озайган, жим оқади; баҳор фаеллари ҳайқириқ солиб оқадиган бўтана дарёга сира ўхшамайди. Одамзод ҳар еридан тушов солавериб унинг шаштини ҳам кесиб қўйди...

Илгари дарёнинг бу ёғи кўз илғамас тўқай эди. Қирғовуллар кўп бўларди. Наники милтиқ билан отиш, калтак билан уриб олиш ҳам мумкин эди. Энди соҳилдаги қамиш, совачўплар ҳам унда-бунда диккайишиб қолибди. Қирғовулнинг эса тухуми қуриди. Дарё бўйининг ҳусни тароватн бўлган тўронғилар камайиб боряпти. Нима, бу ёғини тузатиб, у ёғини бузаямизми? Йўқ, соҳил ўз ўсимлиги, ўз жониворлари билан кўркам, уларни ўз ҳолига қайтариш, қўриқлаш керак! Акс ҳолда биз келгуси бўғин олдида гуноҳкор бўламиз...

Аҳмаджон иғвонинг уясини қидира-қидира бугун топгандай бўлди. Бу айёрлик, қилвирликни қаердан, кимдан ўрганган экан бу? Янги сайланган вақтида шунча ширинсўз, шунча кичикфёъл эдики, район раҳбарга ёлчиди, деб ўйлади одамлар. Орадан сал ўтмай муомала ҳам, фёъл-атвор ҳам ўзгарди.

«Ўз табиатида бўлмаса, бунчалик тез ўзгармайди. Ҳаволайдиган уруғдан экан»,— дейишди кексалар.

Қачон бошланди бу ғанимлик, бу ҳасад? Ё аслида бор эдию ухлаб ётганмиди? У шунчалик ўзгардики, сўзини қайирган хўжалик раҳбарларига ёмон кўз билан қарашгина эмас, уларни ўз тақдирларига ишонмайдиган қилиб қўйди.

Раислар орасида лақмароқ бир киши бор эди. Сўнгги йилларда хўжаликнинг иқтисоди анча пасглаб кетди, пахтачилик ҳам чорвачилик чўкиб қолди. Район раҳбарлари у кишига ўзига лойиқ бошқа бир иш бериб, ўрнига хўжалик ишини биладиган кишини тавсия қилишга келишиб олдилар. Қарор лойиҳаси ҳам ёзилди. Раис бу ҳолдан хабардор қилинди. Аммо лойиҳа бюрога қўйилмади. Секретарда «махсус фикр» туғилибди.

Ўша кунларнинг бирида Ҳроқов Аҳмаджонни даладан қидириб топди. Иккаласи тут салқинида ўтириб чой ичишди. Иш тиқилинч. Колхоз бугун экишни тугаллаб, гўзага ишлов бериш ва яганани кучайтириш лозим эди. Аммо секретарь жылмайяпти, нимадир демоқчи-ю, айтолмайяпти. Ахири Аҳмаджон унга савол назарини тикди:

— Гап бор шекилли?

— Биласизми, дўстим, «мўйсафид» жуда бамаъни одам экан: Уни алмаштириш тўғрисидаги фикрдан қайтдим. Нимага дейсизми? У ҳали кун чиқмасдан уйимизга борибди. Бобой уйда эдилар. У кишининг олдида қўлимни юзига суртиб йиғлаб гапирди: «Сизни кўрганда дадамларни кўргандай бўламан. У киши ҳам сизга ўхшаш барваста, улуғвор одам эдилар. Сизга худойим у кишининг умрини берсин. Дадангиз биладилар. У киши юздан ошиб қазо қилган эдилар... Ҳаддим сиғиб остонангизга бош уриб келдим. Мени ўзингиз қўллаворасиз. Сизни ерга қаратмайман...» деб ёлворди.

Орага дадам тушдилар. Колхозидаги мўйсафидлар ҳам ўзи дуруст дейишди.

Ишдан бўшатган бўлсак, Аҳмаджон ака, ёмон хага бўлар экан... Хайриятки, у киши тўғрисидаги фикрим ғишт қолипдан кўчмай ўзгарди.

Аҳмаджон ҳеч нима демас, ўйларди: қизиқ, райкомни уйида, отасининг иштирокида ҳал бўлса, жуда галлати? Бугун отаси, эртага хотинининг ақли билан райкомлик қилади. Ким қаёққа тортса ўша ёққа юраверадими? Иш бу ҳолда юритилса районнинг ҳоли нима кечади?

— Индамай қолдингиз, бир нима денг?— деди у Одилловга қараб.

— Бир нима дейиш қийин,— деди Аҳмаджон бармоғи билан пешонасини эзғилаб.

— Нимага? Маслаҳатлашиб олишимиз керак.

— Маслаҳатлашиб олинган эди. Ўзингиз хўжаликни оёққа бостиришининг бирдан-бир чораси шу, у шилдир одам экан, одамлар унинг гапини эламай қолишнбди, деб айтган эдингиз. Ҳаммага маъқул шу фикрдан ўзингиз қайтибсиз. Бугун маслаҳатлашиб, эртага қайтаверсак, ҳайронман, нима бўларкин...

— Ҳайрон бўлманг, дўстим, бошқа ўртоқларга тушунтирдим. У кишига ёрдам қилиш керак. Уйлайманки, сиз катта ёрдам берасиз.

— Қанақа ёрдам? Ишчи кучи бизникидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Лекин одамлар колхоз ишига қайишмайдиган бўлиб қолишган. Иш қуроллари: тракторлари етарлик, кадрлар бор. Буларни ишга соладиган эбли рапе керак, холос.

— Айтганларингиз тўғри. Аммо қарняни қўллаворишингиз керак.

— Нима, бориб иш ўргатайми?— ҳайрон бўлиб сўради Аҳмаджон.

— Йўқ, юкиннинг озгинасини устингизга оласиз.

— Районда юки бизникидан кўра оғирроқ бошқа колхоз борми?

— Юки оғирроқ бошқа колхоз йўқ. Бунақа колхоздан бир-иккитасини суяшга кучингиз етишини билганимиз учун уларнинг юкдан бир озини сизга ортяпмиз.

— Бизнинг белимизни ҳам букар экансиз-да?

— Умумий пахта майдонингизга сочсангиз, бир неча килодан тушади. Наҳот шунга бел букилса? Сизга ишонганимиздан, шахсан ўзим, менга ёрдамингизни аямаслигингизни билганим учун ўртоқларга ваъда бериб қўйдим.

— Шошманг!— деди Аҳмаджон қўлини кўтариб,— колхозни чўктириш ҳисобига ҳеч ким билан дўст бўлмайман. Уйлаб гапиряпсизми, ё мени чертиб кўряпсизми?

— Рост.

— Агар рост бўлса, бу хато йўл, бу йўлга юриб бўлмайди. Орқаси чуқур жар.

— Ваҳимани қўйинг, ўртоқ Одиров. Бўлар гапни айтинг.

— Бўлар гап шу: хато йўлга сира ҳам юрмаймиз. Бу йўлингиз қолоқ колхоз аъзоларини ўсиш учун муттасил интилишга ўргатмайди, бақувват колхозларга бўйсира бўлишга эмас, улар ҳисобига кун кўришга ундайди. Бу йўлингиз шунинг учун ҳам хато, ўртоқ Уроқов.

— Бу райком ва райижроқўмнинг фикри, тегишли йўл билан расмийлаштирилган. Область билан келишиб қўйилган.

— Майли,— деди Одиров,— келишган бўлсангиз мен норозилик хати ёзаман. Лекин буни бажармайман. Илтимос, дўстликни сунистеъмом қилманг,— дедию машинага ўтириб жўнаб кетди. Уроқов кетидан қараб қолаверди.

Шу-шу, икки орадаги муроа яхшиламади. Қўлтиғига кириб олган ҳасадгўйлар уни ҳали-ҳали Аҳмаджонга қарши қайрашади...

Дарёда сув оз, тиниқ, таги кўрниниб турибди, оқаётгани билинмайди. Тавба, ҳатто қиш пайтлари ҳам дамига йўлатмайдиган бедов дарё шунчалик мўмин, ожиз бўлиб қолса! Ҳозир дарёнинг гунг, ғариб кўрinishи Аҳмаджонга ёқмади. У Сирнинг атрофга ваҳима солиб, қирғоқни ўпнириб, ўзига янги из, янги ўзан солиб оққан вақтларини кўз олдига келтирди. Ҳозир эса озиб-тўзиб кетган, ҳолсиз қари шерга ўхшайди. У қараб туриб бош чайқади. Йўқ, бўй бермаймиз, бу беморликни, ганимлар хуружини ҳам енгамиз; қумлоқ ва шўрхоқлар экан-ку, ҳали яна кўп даштларни обод қиламиз.

Машина гудоги эшитилди. Ўгирилиб қараса, Отажон қайиқдан ўтиб унга маҳтал турибди. У хаёл билан дарё ёқалаганча олислаб кетибди.

— Кечикдинг-а,— деди Аҳмаджон машина ёнига келиб.

— Қайдам, жадал келдим шекилли.— Отажон илжайиб ерга қаради.— Соғлигингиз яхшими, тоға?

— Бардаммиз,— деди раис.— Содиқ, сан орқангга қайт, гаражда машинагга қара. Биз Отажон билан кетамиз.

— Пиёзни алмаштирмайсизми, тоға, доктор пахта билан янги бинтни бериб юборди.

— Қани, чу де, штабда, вагонда алмаштирамиз бўйинбоғини,— янги пиёз боғлаш ҳақидаги сўз гўё юмоқ оғриғини кучайтирди.

Бу касаллик Аҳмаджонни Тошкентга — Марказий шифохонага келтириб ташлади. Қишнинг қаттиқ совуқ ва бўронлари унинг суюк-суюгига ўтиб кетган эканми, врачлар қайта-қайта кўриб, янги анализларга буюришди. Унинг ўша касаллик варақасини қўлга олган одамнинг кўзи қуйидагиларга тушарди: шамоллайвериби анги-на қайтоқланадиган бўлиб қолган; меъда касаллиги кучайган; жигарни яна бир текшириш керак, нимадир пллат борга ўхшайди; бу одам шунча йил ишлаб ҳали-гача тартибли дам олмаган, тартибли даволанмаган; асаби қаттиқ бузилган ва ҳоказо...

— Соғлиғингизга аввало ўзингиз посбонлик қилинг, Аҳмаджон ака,— деди ёшгина, хушмуомала профессор, беморни шошмай, синчиклаб кўриб бўлгач,— муолажадан қочманг, вақти-вақти билан ўзингиз кўриниб туринг...

Аҳмаджон кулимсираб гап қўшди:

— Тўғри айтасиз, ишга қизиқиб кетамиз. Вақт қур-гур кам-да, домла...

— Ана шу «қизиқиб кетиш» соғлиқни ейди, Аҳмаджон ака. Вақт ўтказиб қўйиладно кейин ўрнига келтириш маҳол бўлиб қолади. Маслаҳат шуки, ўзингизни шамоллатманг, қаттиқ чарчатманг...

Аҳмаджон кулиб қўйди.

— Куладиган гап эмас, саломатлик керак бўлса, амал қилинг.

— Керак бўлганда қандоқ, ўртоқ профессор. Аммо бизнинг ишимизда ўзин чарчатмасликнинг иложи йўқ-да.

— Ҳар қандай ишда ҳам илож топиш керак. Йўқса, соғлиққа путур етади. Сиз қилаётган ишнинг зарурлигини, қийинлигини биламиз, шунинг учун ҳам сиз соғ-саломат бўлишингиз керак. Носоғ одамнинг ишида барака йўқ. Бу ерда яна ўн-ўн беш кун ётасиз.

— Ўн беш кун! Нимага?

— Шунинг учунки,— деди профессор тамом жиддий ва буйруқ оҳангида,— ҳали соғайганингиз йўқ, қалин кийиниб боғда бир ва бир ярим соат айланиб келиб ухлайверинг. Бу ердан чиққач, курортга борасиз...

«Эҳ, ўртоқ профессор, ўртоқ профессор,— деди Аҳмаджон фикран, унинг кетидан қараб.— Курортни, бу ерда яна ўн беш кун туришни бу ёққа қўйиб турайлик,

икки кунни айтинг. Одам диққинафас бўлиб кетади-ку. Соппа-соғману яна курортга нима! Ҳозир Аччиққўлдаги иш нима бўлди? Сулаймон ўлди, девлар қутулди қабнида йнгитлар тарқалиб кетдими? Ифвогарларнинг оёғи у ерга ҳам етдими?.. Эртага февраль киради. Хўш, шўр ювиш нима бўлаётибди? Тракторлар ремонтчи-чи? Ҳалемай дала ишлари бошланади. Бу йил тутиладиган пилла қурти ғамини шу кундан емоқ керак. Қани, ўзингизни қаттиқ чарчатмай кўринг-чи?.. Колхоз ҳаётидан неча кундан бери беҳабар ётди. Аксига олиб, бу ерга ҳеч кимни қўйишмади. Йўқ, бунга чидаб бўлмайди. Бу ердан чиқиб кетишнинг иложини топиш керак...»

Шу кечаси у тонг отгунча мижага қоқмади. Асабийлашма эмиш. Тавба, айтишга осон!

Қишлоқдан Нурматжон келибди. Аҳмаджоннинг хотини Чиннигулдан бир энлик хат киритибди.

«Соғлиғингиз яхши бўлиб қолганини эшитиб ҳамма жуда суюнди. Янги ерда иш боряпти, кеча бориб кўрдим. Бироқ қишлоқда ўзингиз бориб кўрадиган ишлар ҳам чиқиб турибди...»

«Даволан, курортга бор, Одилов!»

Чиннигул эрининг ранги ўзгарганини, кўзи пирпираганини кўриб саросимага тушди. Аҳмаджон хотинига тайинлади:

— Кечаси Нурматжон дарвоза олдига келиб турсин.

У касалхона олдида машинага ўтириб суянчиққа бошини тираганча кўзларини юмиб олди. Ҳеч нимани ўйламади. Ўйлаганда ҳам бари бир тиниқроқ фикр юргизолмас эди. Шаҳар, ундан кейин қишлоқлар орқанда қолди. Яйдоқ дашт-далага чиққандан кейин баданига совуқ ўтди. Печка иссиғи машина тирқишларидан кирган совуққа тутқи беролмади. Мудроқ қочди. Таранг тортилган асаб хиёл бўшади. Унинг кўзи олдида профессор гавдаланди. У мулойим жилмайиб бош чайқар, гўё, оббо сиз-эй, айтувдим-ку асабни эҳтиёт қилинг деб, кейин пулга топилмайди. Сиз бўлсангиз уни яна беўлчов совурияпсиз...

Уша кунги суҳбатда Аҳмаджон кулимсираганида профессор яна бир нималар демоқчи эди. Бироқ Одиловнинг лоқайдлиги уни советди. Балки тилининг учига келиб турган муҳим маслаҳати кўнглида қолиб кетди... Ўзим ҳам хўп одамман-да,— деди Аҳмаджон фикран.

Машина деразасидан ташқарига қаради. Қоронғида ҳеч нима кўринмади. Фақат ойнани чарс-чарс шапати-лаётган шамол эшитиларди, — ҳа, хўп одамман! Яхши-ми, ёмонми, бирон гап кўнгилда эътироз қўзгадими, сиртмига тепади-қўяди, изҳордан ўзимни тийганимда ҳам, барибир, суҳбатдошим юзимдан билади. Бўлма-сам профессор менга сидқидил маслаҳат айтаётган эди. Мана энди афсус ейман, хўш, нима фойда?

Тавба, арзимаган шамоллаш оқибати шунча чўзил-ди. Дўхтирларни қанча овора қилдим. Ўзимни меҳнат-дан, қайноқ ҳаётдан бир ойча узди. Наҳот элликка бор-май шунча нозпклашса одам...

«Асабни сақлаш — саломатликнинг бисмиллоси», — деди гуё профессор... — Йўқ, бўй бермаймиз! — деди Аҳмаджон.

Нимагадир унинг эсига ҳозир Парпи тушди. Юраги-нинг аллақаерини ўкинч аралаш алам тирнади. Эҳти-мол, муносабатнинг ўзгаришига чақимчиларнинг гап-лари сабаб бўлгандир, ҳар қалай, икки дўстнинг ораси бузилди. Ҳангилар бундан фойдаландилар. Бал-ки ўша аччиқ гаплардан ўзини тийганда Парпи ўз хатоларини тушунар, ўз қўшоғидан ажралиб кетмасми-ди? Ахир, улар бир қишлоқда бирга ўсди, бир мактаб-да ўқишди, ҳамсоя, ҳамғоя бўлиб яшади.

Ғурумсаройлик пешқадам ёшлар дастлабки пахтачи-лик бригадаларини тузиб, деҳқончиликнинг янги усулига — тараққиётнинг тезкорлик йўлига ўтганларида Парпи шу изланувчи ёшлар орасида биринчи қаторда юрди. У қишлоқни энига кенгайтириш, бўйига чўзиш фикрини майдонга ташлаган, амалга оширган ташаб-бускорлардан бири эди. Шу йигит нимага ўз фикридан чекинди. Маслакдошлари сафидан чиқди? Эътиқоди шунчалик бўш эканми, етовга юра қолибди? Қизиқ, унга нима ваъда қилишди экан? Ё уни раисликка сайлашмоқ-чи бўлишдимиз?..

Шу «нимага» деган сўроқ Аҳмаджонни кўп қийнай-ди, балки унинг хатоси Парпини узоқлаштиргандир?

Қариб ҳассага таянишганда ҳам Аҳмаджон Парпи-нинг ўз сафида юришини жуда-жуда истарди. Эрта-индин улар қай ҳолатда учрашишаркин?

Машина тўхтади. Шофер тушди. Раис аланглади, қо-ронғида ҳеч нима кўринмади; нимага тушди у, ғилди-рагининг дами чиқиб кетганми? Шофер эшикни очди:

- Нима гап?
- Тушинг, Қамшикка келдик, тоға.
- Нимага чироқ йўқ?
- Лампаси бузилибдими ё синганми.

Нурматжон уйни очиб, чироқни ёқди. Дастурхон ёзиб ошхонадан янги чой дамлаб келди. Қайтариб пиёлага қуйди-да, Аҳмаджонга узатди. У пиёлани икки қўллаб ушлаганча буғи чиқиб турган тиниқ чойга тикилиб қолди. Чой тафти юзига урилгандагина сезди: совуқ уни ич-ичидан қақшатар эди. У чойни иссиқ-иссиқ хўплади. Кейин Нурматжон келтирган косани қўлига олди-да, қайноқ шўрвани худди чойдек тез-тез ичди.

Кўп йиллардан бери бирга юриб ишдаги оғирликни бирга кўтарган шу йигитга жим қараб турди-да, тайинлади:

— Энди, Нурматжон, дамни олайлик, сиз ҳам роса чарчадингиз. Бу ёқдан Тошкентга, Тошкентдан бу ёққа машинани физиллатиш ўзи бўлмайди. Кўзингиз ҳам кир-тайиб кетди. Лаббай?— деди у ҳазиломуз.— Ҳа, машинангизни шайлаб қўйиб бирпас ёнбошланг; эрталаб барвақт довонга тирмашамиз.

У ётиб кўп ағанади, уйқу келмади. Қани хаёл жилловини туттирса: кўз олдида Парпининг қиёфаси... Бош кўтармайди. Маъюс. Эҳ, Парпи, Парии! Нима бўлди сизга, одам ҳам шунчалик бўштоб бўладими? Ҳа, ёғочнинг бўшини қурт ейди, ошна... У кўзини маҳкам юмди, хаёлидан Парпини қувди. Қлзиқ, кўз олдида энди Уроқов пайдо бўлди. Парпи унинг дов гавдаси орқасида кўришмай кетди. У Аҳмаджонга алланечук виқор билан қарайди... Янгиллигида унда бу виқор, бу хил сиполик йўқ эди, елкасида мансаб юки борлигини, жавобгарлик ҳиссини сезарди. Юрганда одамлар юзига тик боқмасди; бир сўз билан айтганда, у ҳали ҳаволамаган эди; ўша кезларда у Аҳмаджонга садоқат изҳор қилар эди.

Тошкентга бирон кенгаш ё пленумга ўтганда ва қайтишда, баъзан шунчаки дам олишга келганларида иккаласи шу хонада, мана шу каравотларда ётишарди: наригисида Бўрон Уроқов, бунисида Аҳмаджон Одилов. Иккаласининг суҳбати узоқ-узоқ давом этарди, баъзан тонготаргача чўзилар эди. Уроқов Аҳмаджондан тажриба ўрганиш, буни бошқа хўжаликлар ва раҳбарларнинг мулкига айлантириш тўғрисида кўп гапирар, яъни дерди: тажрибаларингиз жуда бой, катта, уни ҳамма хўжа-

ликларга ўтказамиз, аммо Аҳмаджон ака, сиздан уларга мадад керак.

Аҳмаджон ўйларди: тавба, бу одам ўзини хокисор тутишга нега бунчалик уринади, нега ялтоқланаверади?

Аҳмаджоннинг ибораси билан айтганда, Бўрон Уроқовнинг «ашуласи» бора-бора ўзгара бошлади: у районда биринчи одам бўлишнинг қийинлиги ва мураккаблигини кўп такрорлар, лекин «қийинлик», «мураккаблик» сўзларини айтаётганда ўзи роҳат қилаётганлигини илгаш қийин эмас эди.

Аҳмаджоннинг мийгига кулги югурарди:

— Биринчи одамга берилган ҳуқуқ-чи?

— Шахсан мени кўзда тутсангиз, мен бирламчи, жавобгарлик ҳисси, иккиламчи ҳуқуқ,— дерди Бўрон Уроқов.

Фурсат ўтган сари «ашула» оҳанги ўзгариб борди: Бўрон Уроқовнинг иш тажрибасида «жавобгарлик ҳисси» иккинчи ўринга тушди, «биринчи одамнинг ҳуқуқи» биринчи ўринга кўтарилди, яъни у энди, «меннинг қарорим шу, бу ўзгармайди», дейдиган бўлди.

Бир кун иккаласи тоғ бағирлаб айланган йўлда суҳбатлашиб юрди. Кун қайтган, салқин шабада эсиб турарди. Уроқов садоқат ва дўстлик тўғрисида узоқ, узук-юлуқ, аммо баландпарвоз мулоҳазалар юритди. Бу мулоҳазалардан маълум бўладики, унга садоқат билдириб юрган одамлар бору уларнинг садоқатидан Уроқовнинг кўнгли тўлмайди. Чунки уларнинг ўзлари майда кишилар, эл орасида эътиборлари йўқ...

Гапнинг магзини қақиб, ёнма-ён бораётган Аҳмаджон кўққисдан шарақлаб кулиб юборди, аммо унда шубҳа туғилмаслик учунми, дарҳол сипоришлади:

— Нафсиламр гапни айтганда, зўр одамсиз, Бўронбой ака!

Бўрон ҳушёр тортди, қошини чимириб Аҳмаджонга тикилиб қаради. Лекин унинг юзида масхараомуз ҳеч нима кўрмагач, мулоҳазаларини давом эттирди:

— Масалан,— деди Уроқов,— ҳар кимнинг ўз тенги, ишонадиган одами бўлиши керак. Ишончга лойиқ одам билангина қалин, ҳатто қиёматли дўст бўлиш мумкин.

Ўзининг айтишича, бу унинг шахсий тажрибаси.

Аҳмаджон ҳам ўзининг бу борадаги фикрини яширмади:

— Садоқат ва дўстлик — кўнглил меваси, улуғ нарса.

Уни тилаб олиш мумкин эмас, у зўрликка ҳам бўйин эгмайди. Кўнгил кўтармаса, сунъий бир гап бўлиб қолаверади.

— Менинг кўнглимдаги гапни топиб айтдингиз, Аҳмаджон ака, яшанг. Кўнгил ўз тенгини топса — дўстлик бўлади. Масалан, ман сиз билан садоқатли дўст бўлишни жудаям истардим.

Аҳмаджон дабдурустдан нима дейишни билмай, ерга қараганча сукут сақлади. Бўрон ҳам тўхтади. Қирғий қараш қилиб, кулимсираб, унга тепадан тикилди:

— Таклиф ёқмади дейман?

— Йўқ, нимага ёқмас экан,— деди Одилов. У энди фикрини анча жамғариб олган эди:— Районда ҳамма буларнинг ўртасидан қил ўтмайди дейди. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Район раҳбари билан колхоз раиси орасидаги дўстлик, боя ўзингиз айтганингиздек, бундан ортиқ бўлармикин?

— Қармоққа илинтиришга жуда устасиз-да, раис. Сиз билан биз юрт олдидаги эътиборда қарийб тенгмиз. Шубҳага ўрин йўқ,— деди Бўрон. У энди тамом жиддий тортган эди.

— Шубҳа йўқ, бўлмайди ҳам, Бўрон ака,— Аҳмаджон кўнглидаги гапни унга айтиб қўя қолди.— Иккимизнинг орамиздаги дўстлик беландроқ бўлармикин деб қўрқаман...

— Нимага?

— Чунки, масалан, сиз раҳбарсиз. Бизга буюрасиз. Шундай ҳолат ҳам бўладики, мен нафасингизни қайтаришим, яъни буйруғингизни бажармаслигим мумкин. Сиз, аёнки, бўғилиб қоласиз. Икки орада гап қочиб, дўстлик бузилади. Ундан кейин мен ўз феълимни яхши биламан.

— Шундай бўлармикин, раис?

— Мумкин, ўртоқ секретарь,— деди Одилов ўйчан бир ҳолатда. У тўхтаб Уроқовга тикилганча оҳишта гапирди:— Бўлиб юрибди. Иккимизнинг қиёматли дўст бўлишимиз қийин...

-- Нимага ахир?

— Нимага?— унинг сўроғини такрорлади Одилов.— Шунинг учунки... майли, кўнглимда армон бўлиб ётган бир гапни айтай: районимизда анча кекса, аммо анча бақувват, гоят тажрибали бир раис бўларди. У киши

райондаги хўжаликларнинг бир қанчасига қирқ йилча раҳбарлик қилди, ўзига кир юқтирмади, ҳамма жойда деҳқончиликнинг, одамийликнинг камолини кўрсатди. У киши — Толиб ака борган жойнинг хўжалиги гўё ўз-ўзидан яхшиланарди. Райком, райижроқўм қайси колхоз ўтириб қолса, у кишини юборарди; у таниш-билиш раислардан қарз кўтариб, ўз уйидаги донни ҳам ташиб, хўжаликни бир-икки йилда оёққа турғизарди. Кейин эсингизда бўлса керак, унинг сўнгги ишлаган колхозини абгор ҳолга тушиб қолган эди. Эсингизга тушдими? Райкомдаги муҳокама? Колхозчилар ҳам, райком ҳам бир оғиздан ўша деҳқонлар сардорини чақирришга қарор қилган эди...

Қачон қарама уни далада, пахтазорда кўрардинг: гоҳ пиёда, гоҳ отлик. Белидан битта нон узилмасди. Қаерга бориб ўтирса белбоғини ечиб дастурхон қиларди-да, нонни ушатарди. У ёқ-бу ёқдан аста суҳбат бошларди. Иккита мисол билан суҳбатдошларини ўйлантириб қўярди. Аммо минбаъд бу кўчага кирма, деб ҳеч кимга ўшқирмасди. Ҳа, у кишининг аллақандай меҳригисини бор эди. Шунинг учунми, биз ёшлар, тажрибали хўжалик раҳбарлари ҳам унинг маслаҳатига муҳтож эдик.

Шу одамни ўрнидан жилдириш лозим бўлиб қолди. Хўш, нимага? Ишдан кетишга, яъни бевосита ишлаб чиқаришда ишлашга ариза бердирилган ижроқўм раисига жой бўшатиш зарурати туғилди. Уни қолақ колхозга юбориш одобдан эмас. Машҳур чавандозини ингриш отга миндириб тўдага солмайсиз-ку! Шундай қилиб, район ижроқўмининг собиқ раиси улоқчи отга минди, яъни иши яхши юришаётган бақувват колхозга раис бўлди. Кекса, аммо ҳали бақувват, иш кўзини биладиган раис отдан тушди, кечқурун уйига пиёдалаб жўнади...

— Хўш, нима қилибди? Бу қонуният.

— Шундоқ денг. Биласизми, бу қонуниятнинг нима-си ёмон?

— Нимаси?

— Қонунсизлиги, устига-устига, бу қонунсизлик сиз раҳбар бўлиб турган вақтда рўй берганлиги. Нимага дейсизми? Йигитлигидан бошлаб эл хизматида бўлиб бирон одамдан, бирон ташкилотдан ҳайф эшитмаган одамни хизматидан «озод» қилинганлигини эл билмаса, одамлар унга кўнгилларидаги сўзларини айтиш имкони-

га эга бўлмасалар шу «қонуният»ми? Элдан раҳмат эшитдим, деб ўйлайсизми?

— Ҳа, шу иш бир оз гализроқ бўлди. Ўзим кейинроқ фаҳмлаб қолдим. Аммо ишда шунақа заруратлар бўлиб туришини у кишига уқтириб, кўнглидан чиқарадиган гапларни айтдим. Ўзи ҳам дам олишга чиқиш учун ижозат сўрамоқчи бўлиб юрган экан.

— Кўнглидан чиқардим дег. Тўғри, у сизни илгаригидан яхши кутиб олган. Борганингиз учун раҳмат айтиб, таъзим билан кузатиб қўйган. Шундоқми?

— Ҳа, жуда яхши гаплашдик.

— Биласизми, у киши сизни ким деб ўйлаган?

Бўрон елкасини қисди.

— Ким билади.

— Билмасангиз билиб қўйинг: тулки деб ўйлаган.

— Ваҳимангизни қаранг-а, раис.

— Ваҳима эмас, энди орадан шунча вақт ўтиб кетгач, сира ҳам ваҳима эмас. Бу бор гапни бетга айтиш. У киши колхоз тузиб раис бўлганда сиз ҳали иштон кийишин билмаган эдингиз. Халқнинг, партия ва ҳукуматнинг тақдирларига сазовор бўлган одам, шу покиза киши ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ ншдан кетди. Одамлар нима деб ўйлади? Райондагина эмас, бутун областда унга тақлид қилиб юрган ёш раислар нима деб ўйлашди? Бизнинг ҳам кунимиз бир кунмас-бир кун шундоқ бўлар экан-да, деб ўйлашди. Бу ваҳима эмас, ўртоқ секретарь, даҳшат!

— Қўйинг-э, раис, жуда орттирвордингиз.

— Йўқ, ўртоқ секретарь, аммо билиб қўйинг, бундай хатоинг зарби кейин бориб эгасига қаттиқ тегади.

Улар яна бир оз юришди. Иккаласи ҳам жим, бири-бирига қараёлмас, суҳбатни қиздириб турган қўр ўчган эди.

Нурматжон чойнакда чой кўтариб кирганда раис йўлга тайёр эди.

Машина довонга ўрмалади. Осмон қаъри бўзариб, юлдузлар битта-битта сўна бошлади. Қор довон йўли ёқасига деворсимон уйиб ташланган. Шофер рулни маҳкам тутганча юрагини ҳовучлаб аста кўтариларди; ҳозир филдирак тийганса, тормоз ишламаса, тамом — асфаласофилинга кетдим деявер!

Нурматжоннинг бутун вужуди кўзга айланган эди.

Аҳмаджоннинг шофердан кўнгли тўқ, Камшикка келганда ҳам, қайтишда ҳам уйқунинг чаласини йўлда олади. Шофер машинани силкитмай, қалқитмай юрғизади. Ун йилча олдин у ёш йигит эди. Тезликни юздан оширганда ҳам машина қилт этмасди. Шунинг учунми, уни Гагарин деб аташган эди.

Одилов кўзини юмиб, орқасини суянчиққа тираб олди.

«Тавба, тирқишдан кирган тутунми дейман бу»,— Одиловнинг ёнида Уроқов пайдо бўлди: «Оббо раис-э, руль қўлингиздан тушди уйқуни оласиз-а, зўрсиз аммо».

Аҳмаджон гижинди: «Тавба, одам ҳам шунчалик ёпишқоқ бўладими? Эшикдан қувласанг туйнукдан тушади-я. Кўриб турибсанки, сенга рўйхуш йўқ, аравангни тортавермайсанми».

Бордию Уроқовнинг таклифини қабул қилса, унга «содиқ дўст бўлса», бу ёғи нима бўларди?

Раиснинг суюги тинчирди. Уроқов уни байроқ қилиб кўтариб юрарди. Райондагина эмас, областда битта, унинг оқиллигига, тадбиркорлигига қойил бўлмаган одам йўқ, деб мажлис ва кенгашларда, ҳатто қурултойларда мақтарди. Уроқовнинг хизматлари бу билан тугамасди: «Фисқу фасод уясининг оғзини маҳкамлаб беркитиб» ташларди. Кейин унга Аҳмаджоннинг хизматлари бошланарди. Улфатчиликларда у косагули бўларди. Нима кўп тоғ оралиқлари, салқин жилғалар, кўкаламзор сой бўйлари; қўйлар сўйилиб, сих каобларнинг бўйи гушллаб туради... Одам дунёга бир марта келади, раис. Умр ўтиб борапти. Яшаб қолиш керак, яшаб! «Битта-иккита бўлиб олиб ҳамдамлашайлик...» Унинг мўлжали шу эди.

Одилов бўлса ўйларди: хўш, бордию шундай бўлди, оқибати қаёққа олиб боради.

«Ўзим лақмага айланаман, қинғир-қийшиқ йўлга бурилганимни сезмайман. Маст қаёққа юрганини сезади? Елкасига кимнинг юки ортилганини билади?» Ҳа, шундай қилиб, колхоз чўкади... Ферма мудирининг улфатчилигига битта қўй келтириб берса, ўзи бештасини бозорга ҳайдайди. Ким, қачон назорат қилади? Хўжаликнинг орқага кетиши, шахсий бойлик пайига тушганлар «ишининг» ривожини учун у энг қулай раис бўлиб қолади...

Колхозчилар Аҳмаджонга хўмрайиб қарашар, гўё дейишарди: шундоқ йигит пой-патакка айланди-я! Ота изидан қайтган қасамхўр... номард!

У сесканиб тушди. Утиргич қирсиллаб кетди.

Йўл хатарли. Тийғоқ бўлишига қарамай, Нурматжон бошини ўгириб қаради, Аҳмаджон кўзини очиб у ёқ-бу ёққа қарамоқчи эди, машина эшигининг ойнаси музлаб қолибди.

— Йўқ!— деб хитоб қилди у:— Бизлар лақма бўлмаймиз, ўртоқ Уроқов, сиз билан, сизнинг ҳамсояларингиз билан курашамиз! Қани чу денг, ука, тезроқ етайлик.

Нурматжон илжайиб машинани тўхтатди:

— Келдик, тоға.

XI

Ҳали кун тиг урмасдан идора гавжум эди. Одамлар ҳайрон: раис касалхонада, шифоланишга кетган эди ё қайтиб келдимикан? Нимага? Даволаниши керак эди-ку?

Аҳмаджон идорага чиққанда ҳали тонг бўзармаган эди. Бугун-эрта қилинадиган зарур ишларни бир бошдан ёзиб чиқди. Кейин телефон трубкасини олиб муовинларига, партком секретари, ишхона бошлиғи, янги ерга қўнғироқ қилиб, асосий активни чақирди.

— Қани, йигитлар,— деди Аҳмаджон йигитлар йиғилишиб бўлгач.— Аҳволдан хабардор қилинглр: ишлар қандай боряпти, нималар содир бўлди қишлоқда?

Маҳмуджон Маъназаров ўрнидан туриб гап бошлаган эди, Одилов уни тўхтатди:

— Янги ер очниш қандай бораётганини билайлик олдин, оғайни. Ҳозирги кунда шу муҳим. Қани, Полвон ака, сиз бошланг.

«Тавба, бу ерда ўзининг тақдирин, колхознинг келажаги торози палласида турибдию, янги ернинг ташвишига бало борми! Бу балони даф қилса-чи олдин?—хаёлидан ўтказди Бозоров.— Бирга ўсиб, бирга ишлаб мана шу ёшга келибмиз, қариллик остонасидан ҳатлаяпмизу унга ҳали ҳам ҳайрон қоламан, одам ҳам шунақа бўладими?»

Сотиволди полвон улкан гавдасини аста кўтариб роз турди, бастига зид бир товушда гап бошладди:

— Ишлар ёмон эмас, ўзлаштиряпмиз, йигитлар соғ-

саломат, бўронларга қарши бориб қумтепаларни суришяпти. Анча зовур ҳам қазиб қўйдик. Сизни соғ-саломат кўрншса жуда хурсанд бўлншади...

Раис хнёл жилмайди:

— Бунақа одатингиз йўқ эди-ку, Полвон, бир погона паст тушиб гапиринг. Қисқа, лўнда бўлсин. Ўзлаштирилган ер қанча бўлди?

— Тўрт юз гектардан ошди, зовурлар чуқур қазилиб, захоб тортиб бориляпти...

— Чучук сув топилдими?

— Йўқ. Аммо яна икки жойга парма солинди, тиниқ сув отилиб чнқдию, шўр ҳам аччиқ хонасаллот... Энди бошқа жойдан қазияпмиз.

— Чучук сув топиш биринчи навбатдаги вазифа; ҳам ичишга, ҳам шўр ювишга. Топмай қўймайсиз. Канал қазилгунча ақалли беш-олти гектар ернинг шўрини ювиб, синов экинини бу йилданоқ эка бошлаш керак. Энди сизга жавоб, оғайни, йигитларга салом айтинг... Ҳа, телефон олдида одам турсин, чақирилганда йигитларингизни олиб келасиз.— У Маҳмуджонга қаради:— Мана энди сўз сизга; дала ишлари ва ремонт қандай кетяпти?

Маҳмуджон Маъназаров раисга қараб ғалати илжайди.

— Нимага куласиз, хато сўрадимми?

— Йўқ, хато эмас-ку, аммо мажлис чақир, деб тайинлашган эди.

— Қачонга?

— Бугун кечқурунга.

— Буни алоҳида гаплашамиз, бугун бўлмаса эртага чақирилар мажлис. Йнғилиш ўзи бўлмайди, унга тайёрланиш керак.

— Кеча райкомда колхозчиларни бугун йнғасан деб буюришди. Эртага деб зўрга кўндирувдим. Кечқурун вакил юборишмоқчи эди, дараги бўлмади...

— Майли, керак бўлса айтишар. Мажлис қочмайди. Хўш, иш қалай?

Маҳмуджон кўкламга тайёрлик ишларининг боришидан раисни хабардор қилди: машина паркн шай, ариқлар қазияпти, шўр ювиляпти, табиий ўғит чиқариш давом этипти.

Раис ўринбосарларининг шаштидан мамнун, кўнгилсиз гаплар уларнинг ҳаракатини сусайтирмаган, иш маромидан чиқмаган эди. Йигитлар раиснинг етиб кел-

ганидан хурсанд. Чехралари ёришиб, кўкракларини кўтариб ўтиришибди.

Суҳбат давомида раис шу кунларда қилинадиган ишларни санаб айтди. Ёигитлар ёзиб олишди. Кейин қайси бўлим ва соҳага экиш бошлангунча ким жавобгарлиги аниқланди.

— Мана энди мажлис тўғрисида,— деди Аҳмаджон.— Чиндан ҳам катта бир йиғилиш чақириш зарур бўлиб қолди. Аъзоларнинг ҳаммаси йиғилсин. Қолхозни тузиб, халқ бошини қовуштирган отахонлар олдинги қаторда ўтиришсин. Сиз билан биз қолхозни қаёққа олиб бораётганлигимизга тўртта-бешта аризачи эмас, кўпчилик меҳнаткашлар баҳо беради. Қолхознинг эгалари шулар. Унинг жоловини кимнинг қўлига ушлатишни улар ҳал қилади. Қолхоз мулкни талон-торож қилган ўғриллар эмас...

— Ҳа, айтмоқчи, аризани ким ёзиб берганлиги аниқланди. Лекин ўз қўли билан ёзиб бермас экан,— деди Маҳмуджон унинг гапини бўлиб.— Бировга айттириб ёздирар экан. Биласизми, ким?

— Йўқ, қайдан билай.

— Мулла Ҳалим.

— Нима?

— Ишонмаяпсизми?

— Бу ишга аралашгани у ботинолмас. Тагин ким билсин. Жим оққан сувнинг таги ўпқон дейдилар.

— Ҳа, баракалла. Унинг юришига мос ибора топдингиз: жим юради. Товуши баландлаганни биров эшитмайди. Биласизми, чўл жониворлари орасида бир газанда бор. Жим ва тез юради, гўё жуда беозор. Лекин чакса ўлдиради. Мулла Ҳалим шу заҳарли қуртга ўхшайди. Хабарларнинг борми, мактаб директорини заҳар солавериб бир йил ичида тузалмас снлга айлантдирибди.

— Шошманг,— деди Аҳмаджон,— бу одам қамалган-а?

— Ҳа, қамалган, йиғирма беш йилга... лекин ўн йилча ётиб афв умумийга чиққан...

— Асирга тушиб Туркистон легионида хизмат қилган.

— Душман оғуни тишнинг қавагида асрайди, жим юриб муҳитни заҳарлайди; Мардон, Умар сингари норози одамларга ариза ёзиб беради, ташкилотларни безовта

қилади, одамлар асабини бузади, хўжаликка иқтисодий зарар етказди. Унинг қадамини яхши кузатиш керак,— деди Аҳмаджон.— Энди, йигитлар, курашга белни маҳкам боғлаш зарур. Топиболдиев жонига қилинган қасд бизни ҳушёр бўлишга даъват қилади. Ҳа, колхозчиларнинг умумий йиғилишини индинга, куннинг иккинчи ярмига чақирамиз. Масала шу йиғилишда узил-кесил ҳал бўлади. Хўш, нима дейсизлар?

Шамол билан бирга келган ҳўл қор шамолнинг ўзидай тез ўтиб кетди. Эрталаб февраль қуёши кулиб чиқди; кун тушмайдиган жойлардагина увадасимон қор қолди. Уй бўғотлари ва пирамонларда ҳурпайиб ўтирган мусичалар ерга тушди, бир-бирини қувиб кукулаша бошлади.

Аҳмаджон якка дашт кезиб юрарди. Сувчи чолни эслади: «Одам оласи нчидами, ўғлим, нимага биз беҳабармиз». — «Ҳа, отахон, шу «ола» бугун-эрта кўринади, аммо баҳор эшик тақиллатиб келяпти, улар билан узоқ пачакилашиб туришга вақт йўқ: у ёқлик ё бу ёқлик бўлишимиз керак. «Ола»ни чиқарган ғаламис бошини топдик десак ҳам бўлади, сизларга шу йиғилишда рўпара қиламиз. Ўзларинг ҳукм қиласизлар. Аммо асабини ейдиган бу майда гаплар жуда жонга тегди. Ариза бериб кетишга ҳам тайёрман, бундан кўра ер ўзлаштирганим минг яхши!» Чолнинг мийиғига истеҳзоли кулги югурди: «Қайси лочин қанотсиз учибди, эшитганмисиз ҳеч? Тапангизга кенгаш солинг!» — Чол ғойиб бўлди. Аҳмаджон аланглади. Нима, ё колхозчилар безовтами?

Хўш, бу «ола»да ўзининг хатоси нима? Бу яра нимага, нима учун бунчалик катталашди? У бир неча кундан бери шунинг сабабини излайди. «Халққа ҳалол гапни айтиш керак; бу депаранинг эртанги куни қандай? Тавба, ё эртанги куннинг қадамини тезлатамиз деявериш ҳаддан ошдикми?»

Бугун у тонгни мана шу даштда оттирди. У келганида соат ҳали ўн ярим ҳам бўлмаган эди. Дашт тунининг соф шабадаси одамнинг руҳини кўтарди. Битта-битта қадам босиб хаёл суриб юрди. Қайтиб келиб машина эшигини очиб қўйди-да, ўтиргичга ёнбошлаганча радио эшитди. Танбур садолари дилни жўшдириб, тун жимлигини бузиб чўл осмонида янграб юрди. Ахири уни

уйқу элитди. Машинада муттасил олиб юриладиган кўрпани ёзиб қатига кирди. Бирам тинч, бпрам ширин ухлабди! У яқин орада бунақа тўйиб ухламаган эди. Кўзини очса осмон бўзарибди. Юлдузлар бирин-кетин сўняпти. У бадантарбия ҳаракатларини қилди. Югурди. Шишадаги сув билан бет-қўлини ювди-да, машинани дашт охирига қараб ҳайдади, кейин даштни кўндалангига ҳам кесиб ўлчади. Унинг тахминича камида ўн беш минг гектар!

Аҳмаджон дашт ичкарисига бугун шу ерда ухлаб қолганлиги туфайли биринчи марта кирди, колхоз чегарасида бунчалик катта ер борлигини биринчи марта кўриб билди. Пунгонликлар ҳам ўз чегараларидаги ерни ҳануз келиб кўришмабди. Бу ҳол Аҳмаджоннинг хаёлини татом ўзгартириб юборди. Янги бир районнинг ўрни бу. Сувнинг асосий қисмини дарёга насос қуриб чиқариш мумкин. Икки-уч отим билан тоғ тагига етказса бўлади. Ер тошлоқ эмас, сариқ тупроқ, аммо асрлар давомида куйиб ётган бу тупроқнинг рози, яъни шираси йўқ, жазирада жизғинак бўлган.

Бу жойни ўзлаштириш Аччиққўл ерларига қараганда, асосан, арзон тушади, яъни бир гектар ер ўрта ҳисобда Аччиққўлда олти минг сўмга тушса, бу ерлар тахминан тўрт ё беш минг сўмга тушади. Лекин тупроқда шира пайдо қилиш, яъни уни унум берадиган қилиш муддати Аччиққўлдагига қараганда узоққа чўзилади. Ҳар қалай, одам яшайдиган обод жойлар бўлади.

У машинага ўтириб ўт олдирди-да, орқага — Пунгон сари юрди. Шу дашт Аҳмаджон раис бўлгандан кейин ўзлаштирила бошланди. Экилганига беш-олти йил бўлган дарахтлар, тоқлар қийғос мевага кирди. Сув етказиб берилса, қақшаб ётган шу даштнинг ҳам ҳадемай кўрки кўзни қувонтиради.

Раис машинани Тошкент — Қўқон йўлининг ёқасида тўхтатди. Агар Чодаксой мана шу ердан олиб ўтилсами, дарёдан олиб чиқиладиган сувга қўшилади. Юрак ютиш керак, Одилов, юрак ютиш! Бу ернинг пойдеворини ҳозироқ қўя бошлаш зарур. Кечикдинг — ютқиздинг! Жамики майда гапларни босиб кўмиб ташлайдиган ер! Эҳ, одамлар, одамлар, гап кавлашга берилгандан кўра, келиб мана бу ерни кавлашса бўлмасмикин. Бу ерларнинг истиқболини очишса, ўз кўнгилларидаги дарддан форир бўладилар. Ҳа, амин бўлинглар, пастдан чодакликлар,

пунгонликлар чиқишади, юқоридан пунукликлар тушишади, депаранинг маркази бўлади бу ер.

Катта клубда одам тирбанд, президиум ўрни бўш, устига қизил алвон ёпилган узун стол орқасида, одатдагидек, анча стул, ҳали замон эгалланади. Ҳамма рўнарасига қараб ўзаро гаплашади, баъзилар кулади, баъзилар ҳайрон. Уртароқда турган одам олдидагиларга қўлини эра қилиб ниманидир уқтиради, зал гўё гувиллайди, ҳеч нимани ҳеч ким эшитмайди. Мардон билан Умар бир жойда ўтирмайди: гоҳ пастки, гоҳ ўрта қатор олдида пайдо бўлади. Иккаласи ҳам анча ҳовлиққан, бўш келмасликка, говурни кучайтиришга ундайди.

Зокир аллақаяқдан энди келди, машинасини ичкарироққа қўйдп-да, ўзи чинор тагида, муъолишда тўхтади. Қўзи майдонга туташган икки кўчада. У кимнидир кутар эди.

Бир йиғит мотоциклини паст томондан патиллатиб келди-да, анча этакда тўхтаб, машинасини ён кўчага киритиб қўйди, ўзи клубга қараб юрди. Бу орада устмас уст икки машина келди, буларни идорадан чиқиб турган Аҳмаджон қарши олди, аммо иккала машинадан тушган одамлар орасида Бўрон Ўроқов йўқ эди.

Зокир йиғитни безовта кутди, яқин келган ҳамона сўради:

— Учрашдингми, келадиларми?

Йиғит елкасини қисди, у жуда хомуш эди.

— Қўрмадингми хўжайинни?

— Йўқ.

— Нимага, айтсанг-чи, идораларида йўқ эканларми?

— Йўқ эканлар, қайтиб келмасмишлар...

— Гапинг бунча совуқ, ўзинг кирмагандирсан.

— Кирганимда нима фойда, кавушлари тўғри бўлиб қолибди-ку...

— Нима-а!— у ё англамади, ё бу хабар ақлига сиғмади.

Клубда қарсақ ва говур эшитилди. Безовта бир ҳолатда Мардон чиқиб келди.

— Хўжайин йўқ-ку!— деди у Зокирга қараб.— Бошқаларга ишонманг демовдимми?

— Иш расво, дада,— деди Зокир бўшашиб.— Хўжайиннинг кавушини тўғрилаб қўйишган экан.

— Мулла Ҳалим кечқурун хўжайинни кўчада кўриб-дилар, ранглари бир ҳолатдамиш. «Айтиб қўйинг, мендан умидни узишсин, райондан кетдим», дебдилар,— деди райондан хабар топиб келган йингит.

Мардон чинор танасига суяниб қолди. Хийла фурсатдан кейин ўзини ўнглаб:

— Қайтиб ўнгламайдиган бўлибди,— деди у секингина,— томирлари маҳкам деб ўйлаб, этакларидан тутган эдим... афсус. Энди мана бу клубдаги халқ юзига қандай қарайман. Йўқ, мен кирмайман, сиз кириб сўнги бор яна бир ташланинг, қолган гапни кечаси уйда гаплашамиз... Эс борида этакни йиғиб олиш лозим...

Зокир кирганда ўтиришга жой етишмай тик турганлар ҳам анча эди. У орқароққа ўтиб шу одамлар напасида турди. Зал ўртасида Умар ғуррак турибди. Тилидан илинганлиги рангидан кўриниб турарди. Президиумдагилардан бири ундан сўради:

— Пахтазорга бодринг экканингиз тўғрими?

— Ҳа, озгина экувдим.

— Озгинаси қанча?

— Ўша актда кўрсатилган-ку...

— Неча машина бодринг сотдингиз?

У ерга қараб жим қолди. Ундан қайта сўрашди.

— Икки машина. Ранс мол-ҳолни хатга солдирди. Сигиримни колхозга қўшиворди. Шу одамгарчиликданмас-да...

— Пахта ерига ўғринча экин қилиш одамгарчиликми?

— Мункир бўлмаганингиздан кейин тўлаб қўйингда, ака, тагин одамгарчилик даъвосини қилганингизни қарангу,— луқма ташлади Тўхтасин.— Мана энди ҳаммани овора қилиб, эшикма-эшик ариза кўтариб юрибсиз.

— Шу қишлоқнинг одами, етти ёт бегонамас, колхознинг хизматини қилиб соч-соқоли оқарди. Бир парча ерга экин қилса колхознинг бир чеккаси камайиб қоладими?

— Бу ёққа чиқиб ўзингизни кўрсатиб гапиринг,— деди Аҳмаджон.

Орқада Зокир кўринди.

— Э, сизмисиз? Мана бу ёққа чиқиб гапираверинг. Ҳисоб-китоб ишига аралашиб юрган одамсиз, правление ва шахсан менинг устимдан ҳам гапингиз оз

бўлмаса керак. Мана бу ўтирган одамларга қараб бет-ма-бет айтинг дардингизни. Сиз элтиб топширган, юборган аризалар тақдирини, менинг тақдиримни ҳам шу ўтирганлар ҳал қилади, хўжаликнинг хўжайинлари шулар. Қани, марҳамат.

— Хўп, айтаман,— деди Зокир ўртароққа келиб, ҳаммага кўринди:— Гапимни кесманг, аммо... Зўрлик бўлмасин. Умар тоғага жавр бўлди. Колхоз еридан озгина экса шу ҳам ўғирликми? Адашган-да. Шунчалик жазо оғир-да у кишига. Энди ўзим тўғримда. Тўғриси айтсам, мен рансга қаршиман.

— Нимага?

— Менп урган...

— Нимага?— сўради колхозчилардан бири.

— Айланиб идорага кириб қолдим. «Мушайт қилма», деб ўшқирди. Сўкдим. Қулоғимга бир тарсаки туширди. Яна сўкдим. Шунга ҳам урасанми, деб. Кучим етмайди-да, бўлмаса-ку... Рост гапни айтсам, раисга қаршиман. Колхозчилар миллионлаб пул топади, у бўлса ҳаммасини совуради.

— Қаёққа, нимага?— сўради бир колхозчи унга кўзини қадаб.

— Қурилиш дейди, ер очиш дейди, сарфлайди, тракторнинг янгисини олаверади. Колхозчига нима фойда булардан? Ҳеч кимни тиндирмайди...

— Ўзингиз қайси соҳада меҳнат қиласиз: даладами, қурилишдами ё ер очишдами?

— Ишлаймиз,— деди Зокир.— Хотин ишлайди, болалар ишлайди...

Кимдир орқадан сўради:

— Раис айтсин, Зокирни урган тўғрим?

— Урганман, тўғри,— деди Аҳмаджон.— Одамлар билан гаплашиб турган эдим идорада, маст кириб келдию хира пашшага ўхшаб гапга аралашаверди. Мушайт қилма, чиқиб кет, десам сўкди. Туриб орқасидан итариб чиқариб юбормоқчи бўлган эдим, бир мушт туширди. Мен қараб турмадим: бир муштга йиқилиб қолди. Турғизиб орқасига бир тепдим-да, эшикдан чиқариб юбордим. Дод солиб кетди. Тўғри-да, ўртоқлар, ранс бўлсаму аллақандай қаланғининг муштира бошимни тутиб қараб тураверсам. Йўқ, унақа лавандир ранс, ўзларинг ўйлаб кўринглар, ҳеч топилмаса керак.

Залда гуррос кулги кўтарилди.

Акбар ака қўл кўтариб президиум томон юрди, сўз олдию сал залга тикилиб турди. Кейин бир-икки томоқ қирди. Одамлар тинчигач, деди:

— Ўзларинг ҳам дейман, Зокирвой, хўп гапни гапирасизлар-да. Билмай отилган сопқон ҳам бошга тегеди, ҳам...— у мўйловини бураб залга яна разм солди. Ҳам-ма жим, одамлар кўзи унда эди.— Мана кўрдингизми, шунча одам олдида ўзингизни кулги қилдингиз. Яхшимас йигит кишига. Ё дадил бўлиб олиш учун қиттак отиб кирдингизми мажлисга?

Раиснинг кўнгли жуда кенг, аммо лекин сояси дархон эмас. Ҳалол гап шуки, талабни қаттиқ қўяди. Бу бир қисм одамларга ёқмайди. Нимага деганда, беш қўл барабар эмас. Раис ўзи айш-ишратда юрса, қаттиқ талаблик қилса ярашмасди. Ўзи меҳнатда, касб ва ҳунарда қарвонбоши, орқадагилар кетидан тинимсиз йўртади. Ялқовларга осон тутиб бўлмайди бу ишда. Ялқовга иш машаққат, деган нақл бор эл оғзида.

Чўлни обод қилишга келганда, менинг фикрим аниқ: бу ишга меҳнат ва пулни қизганиб бўлмайди. Бу савоб ишнинг ғаними қайси томондан туғилсаям аямай ўриш керак... Қўлидан келган одам ўша Аччиққўлга бориб ақалли биттадан мева дарахти ё чинор кўкартириб келсин...

Акбар ака яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, залдаги бу ўзгарнишга, бўлаётган бу гапларга тушунолмай ҳайронлигидан кафтини қашиб ўтирган бир деҳқон шахд билан ўрнидан туриб қўл кўтарди:

— Икки оғиз савол қилсам майлими, яхшилар?

— Майли, сўз сизга,— деди раислик қилувчи.

— Савол шуки, раисни ўрнидан туширамиз, янги раис сайлаймиз бугун, деб уйма-уй жар солиб юрган одамлар бор эди. Район ҳам раисга қарши девди. Умар билан Мардон... кўп эди-ку улар. Арза битиб, қўл қўйдириб юришарди... Одамлар кўнглига қутқи солиб қўйиб, кўр каламушга ўхшаб ўзларини қайси кавакка урди?..

— Ҳайъатда нимагадир уларнинг устунни йўқ.

— Улар кўрнармиди бу ерда? Йўқ, энди қорасини ҳам кўрсатишмаса керак, қаландар,— деб луқма ташлади бошқа бир деҳқон.

Залда кулги, қарсақ садолари гулдуради.

Раислик қилувчи сўради:

— Қим гапиришни истайди?

Ҳеч ким қўл кўтармади, ҳамма жим, баъзилар бир-бирига қарашди. Ахири, серсоқол, барваста бир чол қад кўтарди.

— Сўзламоқчи эмасман,— деди у қўлини кўксига қўйиб.— Акбаралидан орттириб нима ҳам дедим: жўяли гапларни айтди. Жуда тўғри. Аммо гапидан ароқ иси келадиган одамга бу ерда наинки қулоқ солиш, ўзини мажлисга қўйилмасин,— деди-да, жойига ўтириб олди.

Раис минбарга келди. Ҳаяжонланганлиги рангидан билиниб турарди.

— Баъзи саволларга жавоб берай,— деди у.— Аввало шуки, кўпчилик мулкини ўзлаштирган жиноятчининг моли қайтиб берилмайди, уставга мувофиқ олинган. Келтирган зиёнини колхоз кассасига қачон топширса, мол уники, етаклаб кетаверади.

Баъзи ўртоқларнинг кўзи президиумда, кимнидир излагандай бўлишяпти. Бу тушунарли.

Бу ерда юқори партия ташкилотларининг вакиллари ўтиришибди. Мен ҳам шу ўртоқлардан билдим: ўртоқ Ўроқов келмайдилар. Сабаби шуки, у киши область ихтиёрига чақириб олинган.

— Ё тавба, кетдиларми?— деб юборди аллаким.

— Ҳа, кетибдилар,— деди Аҳмаджон мийиғида кулиб.— Яна саволлар бор. Бизнинг ер очаверишимизга ўзимизникиларгина эмас, қўшни районларнинг одамлари, ҳатто айрим раҳбар ходимлари ҳам ҳайрон: нима қиларкин булар шунча ерни? Бизга ўтадиган сувни ҳам ичиб қўйишса-я?

У ўртоқларга айтадиган гапимиз шуки, уларга тегишли сувга тегмаймиз. Аммо ер ўзлаштиришдан ҳаливери тўхтамаймиз.

Пунгонлик оғайнилар сафимизга қўшилганда айтилган гап эсларингдами? Ушанда бир мўйсафид ҳаммага ёқадиган гапни айтувди:

«Ҳонобод устидаги тепадан қишлоқларимизни томоша қилганмисизлар? Кўриб ўксиниб кетаман. Олдинги замоннинг бойлари ўзим тўйсам бас, дейишди: на ўзларига қилишди, на бировга бўлишди. Кейин мана ўзимиз истаб колхоз бўлдик. Ҳар маҳалла, ҳар қишлоқ алоҳида. Аммо чумчуқ филча юриш қилолмас экан. Даштга

қар ким ўз чегарасидан мўралади. Мана ахири ҳамма колхоз ва қишлоқлар битта мушт, битта куч бўлди. Энди дашт ё бизни суради, ё биз даштни!»

Қолхозда мўйсафиднинг гапини ҳар ким ўзича йўйди: бировлар бир гапиргиси қистади-да чолнинг, деса, бошқа бировлар: шунча яшаб шунини ҳам айтмасинми, дейишди.

Ҳақиқатни айтсам, мўйсафиднинг гапи бизга программа бўлиб қолди. Биз даштни суришга киришдик. Техникани ишга солдик. Мана ўн беш йил бўлдики, номимиз ер очувчи; дашт тугади, деб ўйладик. Дарёнинг у ёғига ўтдик. Урай билан Қўштепа тўқайларини буздик, пахтага ер очдик. Тўрт ойча бўлди, Аччиққўлга бордик. Ишгаҳа дастурхон устида, деганларидек, ўзимизнинг колхоздан каттароқ майдонга урнйапмиз. Сўнгги жанжал-арзавозлик ишнинг учини мана шунга келиб уланди: ранс бизни қаёққа олиб кетяпти, тиндирадими-йўқми?

Шу саволга жавоб излаб, кеча кечқурун ўзимизнинг даштни Хонобод устидан томоша қилдим: экинзорлар, боғлар тоғ этагига туташиб келибди. Шунақаси канал бўйлаб бориб Пунгон устидан чиқибман. Қарасам озгина тилла кўммабмиз, Қодир ота,— деди у серсоқол мўйсафидга қараб.— Қазиган билан тагига етиб бўлармикин?

Мўйсафид ўрнидан турди:

— Ҳотам бой бўлса шунчалик бўлади, ўғлим. Раҳмат сизга. Кўмаверинг тиллангизни.

— Шунақаси,— деди Аҳмаджон сўзини улаб,— Пунгон даштининг ичкарасига кириб кетибман. Бир эни дарё лабида, бир эни тоғ этагида, Ашт районининг томоғига тақалиб боради. Машина билан юриб эни ва бўйини ўлчаб кўрдим: умумий майдон ўзимизнинг райондан кичик эмас. Сувнинг иложи бор. Агар Чодаксойга сув омбори қурилса, ажойиб боҳаво жойлар. Қрим ва Кавказнинг тоғ бағирларида шундай жойлар борки, дам олишга одамлар боради. У ерларга ҳам қишлоқлар қуришди. Сув чиқариб, дарахтзорлар қилинг-чи, Кавказдан нимаси кам экан?

Энди олға бир назар ташлайлик: орадан ўн беш-йигирма йил ўтар. Менинг ҳисобимча, қўшнилари бу ҳисобга қўшмаганда ҳам, бизнинг «Ленин» номли колхозимизда аҳоли қарийб уч баравар кўпаяди. Йигит-қиз-

ларимиз турмуш қуришади. Буларга янги қишлоқлар, янги уй-жойлар керак эмасми, ўртоқлар!

XII

Чўлнинг ёввойи кучи қарши ҳужумни, Аҳмаджоннинг ибораси билан айтганда, «ҳазилини» тезлатар, гоҳ бу «ҳазил» икки-уч бор қайталар эди. Аммо йиғитлар ҳам унга чап бериш йўлини топдилар, у «ҳазил»ни қайтарганда, Турсун мўйлов «актив мудофаа» деб ном қўйган хандақларга тушиб, бошларини бир-бирларининг қўйнига тиқишиб гуж ётадиган, «ҳазил» қуввати кесилиши билан ўзлари ҳамлага ўтиб, кўч-кўронини ортган қум-тепаларни қувадиган бўлиб олдилар.

Бўрон кўчирган қумтепалар анча нари бориб бошалади, аммо Хўжамқул отряди ётқизган тепаликлар қайтиб туролмади. Бу воқеа Аччиққўлдан доврўғ солиб ҳар тарафга таралди. Яқин-йироқдан ёш-қарилар келиб бу ерда юз бераётган ўзгарини томоша қилиб кета бошладди.

Бугун чўл меҳмонларни баҳорча тароват билан кутди. Февраль оёқламасдан кун елкани илита бошлади.

Акбар ака бошлиқ бир қанча мўйсафидлар ярми сурилиб бўлган тепалик ўнгирида давра тортиб ўтиришибди. Октябрь байрами кунларигина орден тақиб чиқадиган чоллар ясанган. Қўкракларини орденлар ва медаллар безаб турибди. Балки улар, ўз вақтида бизлар тақдирга лойиқ ишлаганмиз, энди сизлар бардам бўлинглар, йиғитлар, омад ёр бўлсин сизларга, демоқчи бўлгандирлар. Лекин мўйсафидлар теварак-атрофга зўр эътибор билан разм солар, гапни тинглар эдилар.

— Мана шу чўлнинг ҳаммаси бизники, қаранглар-а, чўққига чиқиб тикилсанг ҳам охири кўринмайди,— деди Турсун мўйлов, қўлини бўшлиққа чўзган ҳолда.— Аммо лекин ўзиям жинни чўл экан. Жазавази тутгандами, сира аямайди, хонасаллот, орқасидан келсангиз тепади, олдидан келсангиз афтингизга чарсиллатиб уради...

Мен шундай чўлларни кўрганман ўз ҳаётимда, гапирсам ваҳмингиз келади. Аммо ўша чўллар ҳам бу сингари чарс эмас эди. Қачон дейсизми?— у Қодирбога тикилди.— Қачон бўларди, урушда-да, бошқа вақтда бошимдан тилла тўкса ҳам бормасман у жойларга. Ўз юртим — ўлан тўшагим, дердилар бувам.

Сиз биласиз, раис бува,— деди у Акбар акага қараб,— мен гўдакликда ота-онадан айрилиб етим қолганман. Бувам менга ота-она эдилар...

Ҳа, тўғри гапни айтсам, мен урушнинг думини кесганман. Хитойни самурайлардан бизлар тозалаганмизда. Ушанда чўлнинг ннма эканини обдан билганман. Юряпмиз — дам машинада, дам танкда, дам пиёда. Қани энди одам қўнадиган бир жой кўринса! Эртадан қора кечгача, кечдан тонггача юрганмиз. Ҳаммаёқ чўл...

Олдин самурай жон-жаҳд билан олишди, бисотида бор ўқини отди бизга. Ёпирилиб ҳамла қилиб ҳам кўрди.

Қирқ тўртинчи йил қишида бизни Қўқондан олиб кетиб, машқ бериб урушга солган киши — Николай Яковлевич жангда пишиб кетган эди. Ҳа, Улуғ Ватан уруши бошланганда чегарада бўлган, немис-фашистлар билан роса тўрт йил олишган. Хоҳ ишонинглар, хоҳ йўқ, мен унинг гапига ишонаман, мард командир ёлғонни душманидан ёмон кўради... Уша Николай ака окопда битта ўзи фашистлар билан ёқама-ёқа олишиб тўрттасини бўғиб ўлдирган, биттасини қўлини боғлаб, оғзига сочиқ тиқиб кўтариб келган. Шунинг учун герой бўлган. Аммо ўзининг ҳам баданида соғ жойи қолмаган. Аъзойи бадани илма-тешик... Ёш солдатлар тоқатсизлик қилса, Николай ака, товушларингни ўчиринглар, йиғитлар, урушда чидам енгади, нафасларингни ютиб турунглари. Ҳадемай, биз қарши ҳужумга ўтамиз. Ушанда кўради, самурай уруш нималпгани. Бу япон фашисти экан-ку, немис фашистларини ҳам қувганмиз, олдимишга тушиб додлаб қочишган... Унинг айтгани бўлди. Бизнинг ўточар тўпларимиз ва «катюша»ларимиз гумбурлашиб, варанглашиб қолди. Тепамизда лаққачўглар учиб ўтпти. Биз нафасимизни ютиб ер бағирлаб ётибмиз. Кейин денг, бирдан Николай ака: «Орқамдан ҳужумга!» деб олға ташланди.

У бизни нуқул ёқама-ёқа олишувга бошларди. Айниқса тунги ҳужумда. Самурайнинг чуқур хандақларига ўзини тик ташларди, унга бундай жангларида найзадан кўра, дудама кўпроқ иш берарди. Ҳеч тортинмай шартшурт солавергандан кейин... худди ўт ўргандай кесади, азамат. Ҳа, қочмас экан-а, жаҳаннамдай тик жарлар ҳам кўринмади самурайнинг кўзига...

Машинанинг мана бунақасини ҳайдашни ўшанда ўрганганмиз. Кейин қишлоққа қайтиб келсам бувам олам-

дан ўтибдилар. Уйга сизгадим. Кўзимга жуда ёмон кўриниб кетди. Шунча йўл босиб, тагин ажал жанггоҳидан тирик келсангу рўпарангга чиқадиган битта одаминг бўлмаса... Алам қилар экан. Бирон ёққа солдириб кетмоқчи бўлиб турувдим. Эшикдан сиз кириб келдингиз,— деди у Акбар акага қараб,— эсингиздами, тоға, уйпигизга кириб чой ичдик. Кейин ниятимни сизга айтувдим, ерга қараб анча вақт жим ўтирдигиз. Кейин бетимга қараб секин гапирдингиз:— Ўйлаб кўрдигими? Кетиб қолсанг яхши бўлмас.

Кейин ўзимизнинг колхозимизда ишлаб кетдим. Яқкалик ҳам унутилди.

Мана шунга ҳам йигирма етти йилдан ошибди. Ўшандан бери неча хилини миндиму бу полвоннинг. Кеча денг, чўлнинг жини отланиб қолди. Изгирини учиб келди олдин, кейин шамоли. Чаёндай чақади, касофат. Шу тепанинг елкасини энди ерга тировдим, ричагни ушлаб босган эдим, қўлимни тортиб ололмадим, тишлаб қолибди, касофат. Қўлимни бир амаллаб ажратиб олдим-да, пуфайкамни ечиб, ричакка ўрадим. Қўлни тишлайверса ишлай олмайман, деб қўрқдим.

— Иссиқлаб кетдингизми?— деди ёнимда биров, қарасам ранс, менга қараб илжайиб турибди. Аҳволимга ачшндими, мана шу янги пуфайкамни,— у эгнидаги кийимини кўрсатди,— ечиб менга кийдириб қўйди. Яна устига битта юз сўмликни ҳам берди. Бунга яхши этик, телпак сотиб ол, деди.

Бу ердаги ишлар мана шунақа, ранс бува. Хўш, қишлоқда қалай, тинчликми? Боргани қўл тегмайди денг. Мана бу тепаларни йиқитиш гашти қўймайди.— У қум аралашиб қотиб қолган мўйловини буради-да, қўл силтади:— Эй сабил, агар эҳтиёт бўлмасанг оғзингга ҳам кириб кетаверади!

Энди ҳамма барабар гулдураб кулди. Давра орқасида гапни жим эшигаётган янги гуруҳ меҳмонлар ҳам кулиб юборишди.

Орқадаги бир товуш Акбар акага жуда таниш туюлди. Ўтирилиб қарадию олдинига ўз кўзларига ишонмади, ҳайратидан: хиёл довдираб қолди; Аҳмаджондан бир қадам олдинда мулоим жилмайиб Шароф Рашидов турарди:

— Қадамингизга ҳасанот, баракалла! Шу жойгаки келибсиз, кўнглимиз тегдай кўтарилди.— У тез бориб

унинг қўлини олди, Қодир бобо хийлагача уни ўз бағридан бўшатмади; Хўжамқул, Турсун мўйлов ва бошқа йигитлар қарсақ чалиб юборишди.

ХIII

— Аҳмаджон, мулкингизни кўрсатинг-чи, ука,— деди Шароф Рашидов кулимсираб. Йигитларнинг шижоати, шаҳди уни суюнтирган, кўксини кўтариб юборган эди: бу қатъият, бу ҳамла билан қумтепалар экан-ку, тоғни йиқитиш мумкин!

Аҳмаджон ҳайрон: бир қумтепаларга қарайди, бир оёқ тагига. Меҳмон унинг ҳолатини пайқади:

— Иккиланманг, қани кетдик.

Кенг, текис сайҳонлар ва катта-кичик қумтепалар — яйдоқ, баъзиларининг бағрини юлғун, жийда каби ўсимликлар қоплаган. Қани охири кўринса... «Вездеход» аста, равон юряпти; Аҳмаджон машинани бунчалик эҳтиёт билан ҳайдамаган эди, ҳозир унинг эсига кечаги тўс-тўполон бўрон тушди. Хайриятки, бугун кун яхши; аммо ёмғир қумни шиббалаб кетгани машинага соз бўлди, фақат балчиққа йўлиқмаса бас.

Меҳмоннинг назари яйдоқ, аммо секин қумзорни оралар, баъзан у бош чайқаб, қумтепадан хийла кўз узмас ва ногаҳон мийиғида ғайри ихтиёрни кулги пайдо бўларди-да, яна ўчарди.

...Ана шундай серёғин баҳор боши эди. Икки отлиқ қоронғи кечада гоҳ орқама-орқа, гоҳ ёнма-ён борарди, шамол юзга қум аралаш ёмғир чаплар, отлар мункиб, пишқириб зўрға юрарди. Отлиқлар йўлда адашиб, совуқ ёмғир суяк-суякларига ўтиб, дарё бўйи қишлоқларидан бирига зўрға етиб олишган эди. Поп райкомининг ўша вақтдаги секретари Муҳаммаджон Раҳимов билан Республика Олий Совети Президиумининг раиси Шароф Рашидов чўлда янги тузилган хўжаликларни, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг турмуш шароитини эрталабдан-кечгача уйма-уй кўриб юришди. Марказий Фарғона қўриқларини ўзлаштириш кенгашининг раиси Шароф Рашидов учун гоҳ машинада, гоҳ отлиқ, гоҳ пиёда бу чўлни кезиш, кўриш биринчи даражали давлат иши эди. Чўлнинг қиёфасини ўзгартириш нияти уни бу жойларга қайта-қайта бошлаб келар эди... Бу саҳрони камарбаста қилган областлараро ва районлараро йўл-

лар, Катта Фарғона, Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона каналларидан кейин қурилган каналлар ва ҳоказолар ўша бетиним юришларнинг самараси...

— Зовурлар яхши, айти вақтда йўллар, ҳамма далага олиб борадиган пухта йўллар солдириш керак, Аҳмаджон,— деди Шароф Рашидов.

Аҳмаджон ҳам ўз хаёли билан банд эди. Унга ўгирилиб қаради.

— Бу жойларнинг номи нима экан?— энди у Аҳмаджонга қараб олди.

— Аниқ номини билолмадигу, аммо Аччиққўл дейишади.

— «Аччиққўл»,— деб такрорлади Марказком секретари.— Қанча экан?

— Наманган областиникими?

— Ҳа.

— Ун икки минг гектарча.

— Катта майдон.

— Катта...— такрорлади Аҳмаджон. У машинани яна ҳам секинлатиб Шароф Рашидовга юзланди.— Аммо, Шароф ака, ер қилса бўлади. Меҳнати оғир, маза эмас, албатта, машаққати кўп, лекин чекинмай ишлайверса унумдор ер бўлиб кетади. Бунга ишонаман...

Шароф Рашидов Аҳмаджоннинг юзига, рулни тутган қўлига ён томондан жилмайганча хийла қараб турди-да:

— Тўғри айтасиз, ука, мен ҳам ишонаман. Бу ерларнинг пешонасига фақат шўр битган эмас,— деди.

Аҳмаджон шерланиб кетди:

— Ҳаммасини бизга олиб берсангиз, Шароф ака.

Рашидов жиддий, ўйчан эди; чўлга ўгирилиб олди. Шу кенг, яйдоқ саҳрога нигоҳи сингиб, гоҳ тебраниб, гоҳ телпагини хиёл кўтарганча чаккасидан чиқиб турган кумушдай сочини силаб, гоҳ бош бармоғи билан пешонасини эзгилаб борарди. Аҳмаджон ўқтин-ўқтин унга кўз қирини ташлар, илтимосим ўринли тушмади шекилли, деб лабини тишларди. Рашидов эса бу чўлнинг ўзгараётган тақдирини, ёрқин истиқболини ўйларди.

— Унумдор ер бўлади, бунга мен ҳам ишонаман, ука,— деди у.— Ҳа, бу ерларнинг пешонасига фақат шўр битган эмас!

Аҳмаджоннинг кўнгли анча таскин топди, илтимосини такрорлади:

— Уринаверсак уч-тўрт йилда унумли тупроқ ҳосил

бўлади. Кейинчалик бу ерларда ҳам янги колхозлар ё совхозлар тузилар...— Марказий Комитет Секретари раисга яна юз ўғирди, ўйчан кўзлари ҳам синчков эди; бу бедор, тезкор йигитни энди кўриб тургани йўқ. Ҳар кўрганда у ҳаётнинг янги бир муаммосини кўндаланг кўяди, эътиборсиз ўтиб бўлмайди, чунки булар ўз ва-зифаси, ҳатто район донрасида бажариладиган ишлардан катта, область миқёсидаги муаммолар бўлади. Оҳангарон дарёси бўйидаги жилгалар қаровсиз; ўтган-кетган қўрқадиган ваҳимали жойлар эди. Шу жойларни колхоз картасига қўштириб олди. Орадан кўп вақт ўтмади, мана энди колхоз меҳнаткашлари ва мактаб болаларининг дам оладиган обод оромгоҳи. Бу жилғада боғлар вужудга келди. Колхоз механизаторларининг кучи билан тоғ бағирларини белбоғдай кесиб йўл солди. Колхоз чорваси учун серўт яйлов, хашак кони вужудга келди. Кейин қишлоқни шаҳар усулида қайта қуришга ёрдам сўради. Олти-етти йил ичда қишлоқ бошқатдан бино бўлди. Қанчадав-қанча ер ўзлаштирди. Бехуда лоф урмайди. Катта ё кичик иш бошламоқчи бўлса, олдин аниқ ҳисоб-китобини қилади, ҳатто нишонасини кўзга кўрсатади. Мана энди ўн минг гектарлик майдонни очишга ижозат сўраяпти.

— Ҳисоб қилгандирсиз, Аҳмаджон, гектари неча сўмга тушаркин?— сўради Марказком Секретари.

Одилов хаёлан ҳисоблади:

— Ҳозирча хомчўтимизга қараганда беш-олти миш сўмданга тушади. Аммо уч-тўрт йилда ҳосил бера бошлайди...

— Уч-тўрт йил,— деб такрорлади Рашидов. Кейин Аҳмаджонга қараб сўради:— Олдинроқ иложини йўқмикин?

— Урай мавзеидаги тажриба шунини кўрсатган эди.

Рашидов назарини яна саҳрога тикиб, муштинини иягига тиргович қилганча хаёл оғушига яна кирди; бу йигитнинг изланишлари энди бир колхоз, битта қишлоқ донрасидан чиқиб, халқ истиқболи йўлидаги улкан оқимга қўшилган эди.

Одилов қумтепалар оралиғида машиинани селпитмай юргизиб борарди. Раҳбар адибнинг кўз олдида эса шу улкан оқим тўлқинлари гавдаланди.

У қачон ана шундай улкан оқимга айланган эди? Зилзиласи ер юзини титратиб, оламга ҳайқариқ солиб

келган паҳлавон жаҳон капиталистлари қуршовини, ҳамлаларини даф қилаётган кунлардами?

Еш совет республикасининг тақдири тарози палласида турган ўша кунларда Ленин Туркистон ўлкаси халқларининг тақдирини ўйлади. Ўлка ерларини суғориш тўғрисидаги қонунга қўл қўйди. Россиядан Мирзачўлга ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари юкланган поездлар кела бошлади...

Ўзпр машинада хаёл қамровида тебраниб бораётган киши Октябрь илқилоби ғалаба қилган куни оламга келган. Атрофи қақроқ дашт — Жиззах шаҳрида. У кўз очиб — эс таниб халқининг сувга ташналигини кўрди, сув тилаган илтижоларни эшитди; экинни қовжираб қолган далада бошини чангаллаб ўтирган деҳқонга юраги ачишди; сарбаст деҳқонларнинг елкаларида кетмон, кўкракларини кериб қувонч-ҳаяжон билан тўда-тўда бўлиб янги ариқ қазигани кетаётганларини болалар орасида кузатиб қолган эди.

У Охунбобоевни ўша кунларда таниган эди. Унинг чақмоқи телпак, беқасам тўн кийиб тушган сурати Жиззахда ҳаммаёққа осиб қўйилган эди. Одамлар бу кишини Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев, уни Калининнинг ўзлари келиб танлабдилар, дейишарди.

Дарвоқе: эл оғзида ҳануз бир гап юради: Урта Оснё миллий совет республикаларига ажратилаётган кунларда Тошкентга Иттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин келган эди. У республика оқсоқоллигига халқ вичидан чиққан номзод танлашни кўзлабди. Халқ орасида юриб бир боғбон билан суҳбат қурибди:

— Мана энди ўзбек халқининг ўз миллий давлатини тузамиз,— дебди у боғбонга.— Бу давлат Совет Иттифоқи республикаларининг биттаси бўлиб қолади. Хўш, Ўзбекистонини иқтисод ва маданиятда Советлар Россиясининг энг тараққий этган районларига тез етказиб олиш учун, сизнингча, ишни нимадан бошласа бўлади?

— Бизнинг ерларимиз жуда унумдор ерлар,— дебди боғбон.— Бу ерларда ширин-шакар мевалар, қовунтарвузлар яхши битадн. Шу экинлар кўп экилса маъмурчилик бўлади. Иқтисод тез кўтарилади...

«Бу ҳам яхши маслаҳат,— деб ўйлабди Калинин.— Лекин асосий гап бу эмас, бошқа...»

Кейин бир бинокор уста билан гаплашибди. Унга ҳам шу саволни берибди.

— Бизда шаҳарлар, муҳташам бинолар жуда кам. Бинокорлик, шаҳарлар қуриш авж олдирилса, юртда ободонлик бўлади, иқтисод тез ўсади.

Кейин Михаил Иванович Фарғона водийсини айланиб юрганда водний батрак-деҳқонларининг етакчиси Йўлдош Охунбобоев билан суҳбатлашиб, унга ҳам шу саволни берибди.

— Биз ўзбеклар пахтакор халқмиз, Михаил Иванович,— дебди Охунбобоев,— балки эшитгандирсиз, бизда деҳқон ўзини танитмоқ истаса, мен пахта ичида туғилиб, жўякда эмаклаб оёққа кирган эканман, дейди. Шунинг учунмикин, бир тўн ичида икки ўғилни катта қилса ҳам, деҳқон ўз касби коридан нолимайди. Биз Иттифоққа пахтакор номи билан қўшилиамиз. Деҳқон учун бу номни улуғлайдиган замон энди келди, Михаил Иванович. Балки сиз ҳам биларсиз, бизда қақраб ётган чўл кўпу сув дарёда... Сувни олиб чиқишга ҳануз қўлимиз етмайди. Агар республика деҳқон бошини шу ишга қовуштиришга қўл урса, каналлар, ариқлар қазниб, даштларга сув чиқарилса, пахта жуда мўл бўлади. Иқтисод ва маданият ривожига хамиртуруш ҳам пахта...

Кўзойнагини гоҳо олиб артиб, яна тақиб хурсанд жилмайиб ўтирган Калинин чапак чалиб юборибди:

— Ҳа, баракалла! Биласизми, Владимир Ильич худди шуни орзу қилган, оламга келганига эндигина саккиз ой бўлган Совет давлатининг қонунини Туркистон ерларини суғортиришга атаб чиқартирган эди. Унинг Ўрта Осиё коммунистларига қолдирган муҳим васиятларидан бири шу. Бу Ленин йўли. Шу йўлдан бориш керак, баракалла сизга!

Уша йили Охунбобоев Ўзбекистон оқсоқоли бўлиб сайланди. У дастлабки ишни Ленин васиятини адо этишдан бошлади: Марғилонга бориб батрак-камбағалларни Езёвон даштини суғоришга етаклади. Ўзи одамлар қаторида ариқ қазиди. Янги ерни ерсиз деҳқонларга бўлиб берди. Езёвонда янги қишлоқлар қурила бошланди. Дастлабки қишлоққа Охунбобоевнинг ўзи: «Чўл-гулистон» деб ном қўйиб берди.

— Ҳа, бу жой ундан халққа ёдгор бўлди,— деб ўйланди Шароф Рашидов.— Уша дастлабки қишлоқлар ҳозирги Охунбобоев районида.

У Охунбобоевнинг сиймосини кўз олдига келтирди: хушқомат, хушмўйлов, содда ва доно. Шунинг учундир-

ки, у борган жойда дарров одам тўпланар, ҳазил-муто-йиба, кулги бошланар, меҳнат хурсандликка айланар эди.

— Ажойиб одам эди,— деди Рашидов баралла то-вуш билан.

Аҳмаджон унга ҳайрон тикилиб қолди.

— Бу жойлар ҳозирча ўлик эт, Аҳмаджон,— деди у.— Унга жон бахш этиш ҳар бир коммунистнинг халқ олдидаги муқаддас бурчи!

Унинг хаёлини бузмаслик учун Аҳмаджон машинаси секин, тебратмай юргизар, унга қарамасликка ҳаракат қилар эди.

...Илмий манбаларда ёзилишича, Фаргона водийсида эрампиздан олдинги асрларда суғориладиган деҳқончи-лик маданияти жуда ривож топган; тоқчилик айниқса юксак даражада бўлган, мусалласини олис мамлакат одамлари таърифлашган. Аммо мана бу ерлар азалдан шундай бўлиб ётганмикин? Ё бу жойларнинг ободликка юз тутиш даври энди келдими?

— Биласизми, Аҳмаджон,— деди Рашидов, ногаҳон хаёл оғушидан чиқиб.— Каналлар қазиб сув етаклаш, ер очиш бизга аждодларимиздан қолган мерос. Аммо юртга келган босқинчи у форсми, мўғулми, арабми, бари бир, халққа офат келтирган. Улар, аввало, ариқ ва ан-ҳорлар бошини эгаллаб олишган, сувга эгалик қилиш-ган. Асоратнинг боши — кишани шу. Сув очиб берса яшайсан, бўлмаса... қаёққа бординг... кейин хон ва амир-лар, подшо амалдорлари ҳам деҳқон оёғига шу кишанни солганлар!..

Аҳмаджон унга бир қаради-ю, бирон нима деёлмади, кўзини яна йўлга, қумтепаларга тикди. Қизғиш эмас, кўкимтнр қумтепалар... Ҳозир бу қумдан гишт қуйишяп-ти, икки-уч қаватли бинолар жуда чиройли чиқяпти.

Рашидов яна ўз хаёли билан банд эди. Рўпарасида гўё Усмон Юсупов қад кўтарди: ўша катта тақирбош, лўппи юз, қалин лаблари хушнуд жилмайган:— Бир минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йил эсингиздами?

Эсдан чиқармиди, дилга битилиб қолган ўша халқ тўлқинлари!

Ушанда Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тети — умумхалқ ирригация қурилишларининг штаби бе-

дор эди, туну кун ҳаёт қайнарди. Штаб бошлиғи Юсуповнинг товуши янграб турарди.

Фарғона водийсида катта канал қурамиз. Бир ярим ойда, халқ кучи билан — узунлиги икки юз етмиш километр; бу ирригация тарихида янги даврни бошлаб беради!

«Чиран, армонинг қолмасин!»

«Девона бўлмаса, шунчалик лоф урадимиз?»

— Қўрқоқлар ва шубҳачиларга мардлар майдонида ўрин йўқ!— деб хитоб қиларди Юсупов.

Иш ҳажмининг катталиги, муддатнинг қанчалик даражада қисқалиги кўп кишиларнинг ақлига сиғмади. Уларнинг шубҳалари бундай катта канални халқ усулида бошлаш мухолифларини қувватлади.

Ўша кезларда, деб ўйлади Рашидов, Юсуповнинг устидан озмунча ариза ёзилмаган эди. Аммо партия аризачиларни эмас, Юсуповни қўллади. Нимага? Юсупов сув муаммосини ҳал қилиш халқ талаби, республиканинг зарур эҳтиёжи эканини билган эди. Иккинчидан, республикада сув муаммосини ҳал қилиш учун зарур шарт-шароит вужудга келтирилган эди: колхозлар ўз кучи ва маблағлари билан канал ва сув омборларини қуришга қодир эдилар. Бундай шарт-шароит бошқа ҳеч қандай давлат тузумида йўқ эди. Юсупов шунга таянган эди. Учинчидан, каналлар қуришни пайсалга солиш ва кечиктириш сира мумкин эмас эди: уруш яқинлашиб келаётган эди. Агар бир-икки йил ичида бу иш баргараф қилинмаса, кейин тузатилиши маҳол хато бўларди, халқ буни сира кечирмасди...

Рашидов ўқилган ҳужжатларни хаёлан яна варақлади: Катта Фарғона каналини қазिश бошлаб юборилган ўша кунларнинг бирида Юсупов Москвадан келган катта бир мутахассис билан бирга канал изи бўйлаб селхоналар ва сойлар тагидан ўтказиладиган қайнама-лар ҳажмини ва керакли материалларни аниқлаб боришарди.

Мутахассис вакил бу улкан қайнамаларни қандай қуриш, нималар билан мустақкамлашни ва хусусан, буларни қандай безаш зарурлигини ҳикоя қилиб борарди, Юсупов эса, тамом ҳушёр тортган. Машинада унга ён томондан қараб ўтирарди:

«Қанча цемент ва арматура кетади бунга?»— деб сўради у мутахассис вакилдан.

«Оз кетмайди, албатта. Аммо сиз илтимос қилсангиз Сталин йўқ демайди».

Юсуповнинг қовоғи уюлди.

«Оддийгина қилиб, озроқ цемент билан битираверамиз. Кейин канал сувига очилган ерлар пахтаси безаб беради буларни», деб гапни кесди-ю, лекин кўнгилдаги ни унга айтмади.

Унинг кўнглида эса, ҳозир бу нарсаларни ҳукуматдан сўраб бўлмайди, чунки давлатнинг бор цементи ва арматураси ҳарбий қурилиш ва чегараларни мустаҳкамлашга кетаётибди, деган фикр бор эди. У гапни бурди:

«Халқ ирригациясининг ўзига хос афзалликлари бор. Масалан, замини бўш, сизот яқин бўлган Қўқон атроф районларидаги ариқ ва анҳорларда сув юз йиллардан бери муқим оқади. Мана энди бизнинг замонамизда Катта Фарғона канали ўтса шу жойлар заминидан сув тепиб чиқармиш, ҳамма ер захлаб, бинолар қулармиш, дарахтлар қуриб қолармиш. Хўш, сиз нима дейсиз бу гапларга?»

Юсупов кўзларини унга қадаб турди. Мутахассис ноқулай аҳволга тушди. Ҳалолига кўчди:

«Нима десамкин, мен шуни аниқлашга вакил қилинганман. Олдин бориб кўрай...»

«Вакил қилинганингиздан хабарим бор,— деди Юсупов.— Шунинг учун сизни шу ёққа олиб кетяпман. Кўринг, аниқланг, кейин гаплашамиз»...

Шу буюк нишоотга салкам қирқ йил бўлди. Қанчадан-қанча саҳрога ҳаёт келтирди. Яшнаган қпшлоқлар, боғ-роғлар бунёд бўлди. Аммо қизиқ, нимагадир бу улкан халқ юришининг кураши, машаққатлари унутилиб, тантанаси қолаётгандай?—бош чайқаб ўйларди Рашидов.

— Катта Фарғона қурилишини эслайсизми, Аҳмаджон?— сўради у.

Дабдурустдан берилган савол Аҳмаджонни сергаклантирди. У ўгирилиб жавоб қилди:

— Ҳа, эслайман, ўсмир бола эдим. Қолхозда ишлардик. Ушандан бир йилча олдин бизнинг Лангар ариқ қазилувди. Катта ҳашар бўлувди. Эсимда, Усмон Юсупов ҳашарчилар тепасида турган эди.

— Усмон Юсуповнинг раҳбар ва давлат арбоби сифатидаги ибратли жасорати шу Катта Фарғона қу-

рилишида кўринган эди,— деди Рашидов машина деразасидан чўл манзарасини кузатиб бораркан.

Улар анча олислаб кетишган. Олдинда эса фақат қумтепалару сайхонликлар кўринади. Марказий Комитет секретарининг хаёли эса яқин ўтмиш китобини ва рақларди.

Тинч ҳаёт қурилиши шундан кейин икки йилга ҳам бормади. Сув борган жойларни очиб улгурмасдан инсоният тарихида энг ёмон қирғин уруши бошланиб кетди. Бу биз учун Улуғ Ватан уруши, ҳаёт-мамот уруши эди. Йигитларнинг қаймоғи урушга кетган ўша кунларда ҳам каналлар қазिश, ер очиш тўхтамади. Душман босиб олган жойлардап кўчириб келинган заводларни ўрнатиш, янги электр станциялари қуриш, кўмир конлари очиш катта миқёсда авж олдирилди. Ўзбекистон юртларини, еб турган нонларини ташлаб ажал ўқидан қочган аҳолини қабул қилди. Оналари душман ўқига учиб, кўкрак сутидан маҳрум қолган ўн минглаб гўдакларни ўзбек оналар меҳр бағрига олишди.

Энди республикада ҳал қилиш маҳол бўлиб турган битта ҳаётний масала қолди. Бу дон масаласи эди. Кўчиб келаётган аҳолининг эса охири кўринмасди. Уша кунларнинг бирида Усмон Юсупов одатгча пшга барвақт келиб, столи устида республика бўйича тарқатилган бир кунлик нон карточкаси маълумотини ўқиди. Ўқидию ўрнидан қимирламай бир лаҳза туриб қолди. Кейин бюро аъзоларини ва бўлим мудирларини чақирди.

Одамлар йиғилгунча у бир қарорга келиб олган эди.

Ҳамма жим, бошларида эса битта савол айланарди: қандай фавқулодда масала чиқа қолди тағин?

Юсупов маълумотни ўқиб берди: хўш, қандай нажот бор?

Ҳамма танг, баъзи кишиларнинг ранги оқариб кетган эди. Юсупов узуи стол атрофида юрар, паркет пол оёғи тагида қирсилларди.

Нажот йўлини топиш керак эди, бўлмаса фронтга қурол ва ўқ-дори етказиб берилмасди. Чунки Ўзбекистоннинг ўзида етказиладиган дон завод-фабрикалар, конлар ва бошқа корхоналарда банд бўлган одамлар билан аҳолининг озгина қисмига ҳам етмасди. Ахир, урушдан олдин Ўзбекистон истеъмол қилинадиган асосий ғаллани Россия республикаси ва Украинадан олар-

ди. Демак, нажот топилмаса, аҳоли, хусусан, гўдаклар очликдан ўлишга маҳкум эди. Бу эса даҳшат ва энг ёмон шармандалик бўларди, тирпк қолганлар бу доғни кўтариб юролмасди.

Юсупов ўтирганлардан кўз узмас ва ўқтин-ўқтин: «Хўш?»— дерди, холос. Унга жавобан: «Дон масаласи» деган садолар орасида кимнингдир овози эшитилди: «Келаётганларни тўхтатиш керак».

Юсупов сесканиб кетди ва овоз чиққан томонга дарғазаб тикилди: «Нима дедингиз?!»

Кейин нажот йўлини Юсуповнинг ўзи айтди:

— Пахта майдонининг бир қисмига дон экамиз. Икки мартадан ҳосил оламиз. Жавобгарликни шахсан ўз зиммамга оламан...

Рашидов Аҳмаджонга разм солиб қаради. Аҳмаджоннинг қўли рулдаю қулоғи унда эди. Қаттиқ ҳаяжонланган ва қизариб кетган эди.

— Юсуповнинг коммунистларга ибрат бўладиган яна бир фазилати шундаки,— деди Рашидов,— у мард раҳбар эди. Кўпинча бошқаларнинг ваҳми келадиган улкан масалаларни майдонга ташларди. Оғир ишларда жавобгарликни ўз зиммасига олишдан қўрқмасди. «Фарҳод» қурилишини эслайсизми?

— Ҳа, колхозимиздан одамлар бориб ишлаган эди.

— Уруш бораётган, ҳали душманнинг қўли баланд келиб турган бир вақтда шундай улкан қурилишни бошлашга юрак ютиш, бунга бошқаларни ишонтириш, сафарбар қилиш учун букилмас ирода зарур эди.

— Биласизми,— деб таъкидлади Рашидов,— партия Марказий Комитети бунда нимани кўзда тутган эди?

Аҳмаджон нима дейишини билмай унга ҳайрон тикилиб турди. У сўзини давом эттирди:

— Тўғри, айниқса, ўша кунларда сув билан ҳаво нисонга нақадар зарур бўлса, электр қуввати саноатнинг жони эди. Аммо ўшанда яна бошқа ҳаётий муаммо кўзда тутилган эди: бу Мирзачўлда республика сғир саноатининг муҳим тармоғини — металлургия комбинатини барпо қилиш эди. Биласизми, яна нима мўлжалга олинган эди?

Аҳмаджон энди машинани тўхтатиб унга қараб қолган эди, Рашидов ўз фикрини улади:

— Ниҳоят, партия Фарҳодни қуришга қарор қил-

ганда Мирзачўл ерларини суғоришни кўзда тутган эди. Маълумки, уруш тугайди, мамлакат буюк тиклаш ишларига киришади, пахтани кўп етиштириш зарурати туғилади: урушдан юлиниб чиққан мамлакат халқига пахта маҳсулотлари ҳар қачонгидан кўра кўпроқ керак бўлади...

Уша уруш йиллари ва урушдан сўнгги йилларда ҳам Фарҳод гидроэлектр станциясини ўзбек халқи жадал усулда қурди. Бу қудратли халқ тўлқини эди.

У жим қолди. Аҳмаджон ўйларди: «Ўзингиз-чи, тинмай жонни жабборга урасиз. Сўнгги йилларда республикада кичкина қурилишлар бўлдим, ҳазилакам масалалар ҳал бўлаётibdими? Булар курашсиз юзага чиқяптими?»

— Юсупов умрнинг сўнгги йиллари эсингиздами, Аҳмаджон?— унинг диққатини тортди Рашидов.

— Эсимда, совхозга бориб ишлаган эдилар.

— Ҳа, совхозга... Қанақа совхозга денг-а? Саҳрола эндигина тузилган совхозга. Ўзкомпартия Марказий Комитетининг секретари, Иттифоқ министри бўлган киши, республика Министрлар Совети раислигидан кейин бирданига шундай бир совхозга директор... Биласизми, қандай матонат, қандай зўр ирода керак бунга! Гап шундаки, Юсупов аразлагани йўқ. Кек сақламадн. Унинг руҳий тушкунликда юрганини, ҳасратчилик қилганини биров кўргани, эшитгани йўқ. Аксинча, у чўлга келиш билан ишга шўнғиб кетди: совхозга, бўлимларга йўл солди, янги бинолар қурди, ер очди; хўжалик ҳисобидаги юқори ҳосилли бригадалар шу янги совхоздан чиқди. У Мирзачўлда ҳали ҳеч ким барпо қилмаган катта боғлар яратди. Одамлар унинг чанг-тўзонга беланиб ишдан қайтаётганини, қўлила қайчи, қаламтарош боғда пайванд солиб юрганини кўриб ёқаларини ушлашарди: тавба, ўша Юсуповми?

Ҳа, бу ўша Юсупов эди. Эсимда, у Марказий Комитет аъзолигига қайта сайланганида шу қадар суюнди, шу қадар ҳаяжонландики, мен ҳам унга қараб ҳаяжонланиб кетган эдим.

Сухбатлашиб қолсангиз тўлиб-тошиб бўлгуси боғини таърифларди: «Биласизларми, коммунизмнинг Шарқдаги кичкина бир жаннати бўлади бу!»

— Ҳа, ажойиб умр кўрди Юсупов. Унинг босган изида боғлар яшнади, гулзорлар пайдо бўлди.

«Ҳа, чўлнинг тақдири ўзгарди,— хаёлидан ўтказди Рашидов.— Бу саҳрода бунёд бўлган олдинги қишлоқлар тароватда Фарғонанинг кўҳна қишлоқларини срақда қолдирди. Неча-неча обод районлар вужудга келди. Чўллар яшил либос кийди».

Аҳмаджон «Вездеход»ни қизғиш қумтепалар ёнида аста тўхтатди. Рашидов унга савол назарини тикди.

— Чегара шу, Шароф ака,— изоҳ берди Аҳмаджон.— Наманган областига тегишли ер шу жойда тугайди. Бу ёғи Андижон областининг Қомсомолобод райони, бу томони Фарғона областининг Тошлоқ ва Бувайда районларига қарайди.

Улар қумтепа устига чиқишди. Чўл гавжум: экскаваторчилар ариқ-зовурлар қазийди, бульдозер ва скреперлар ер текислайди, бир ёқда ариқларга бетон нов ётқизиб цементлаб борншяпти, бинокорлар янги уйлар қуришяпти. Бу жойларда ҳозир кўравериб кўпикиб қолипган табиий инсон ҳаракати мавж урарди. Рашидов яйраб кетди:

— Зап мард, миришкор халқимиз бор-да, Аҳмаджон! Ўша ўттиз тўққизинчи йили Юсупов ана шу қудратга таяниб сув учун курашда ғолиб келган эди.

Аҳмаджон фаҳмлади: Рашидов шу ерда бир нафас туради. Дарров жой қилиб, термосдан бир пиёла чой куйиб узатди. Рашидов чой ҳўплаб, баҳор пафаси уриб турган чўл манзарасига тикилиб туриб ўйларди. Бу чўлга жон киритиш йўлидаги улуғ оқим тобора авж олдирилди. Каналлар ва ҳавзалар суви етмай қолди. Чўл белидан Катта Андижон канали олиб ўтилди, водийни сувга қондириш учун Катта Наманган канали қўшилди, Кампирравот сув ҳавзаси барпо қилинмоқдаки, водий энди сувсирамайди. Ахир халқ асрлар давомида шуни орзу қилиб келган эди.

Бу орада Мирзачўл суғорилди, Жиззах даштларига ҳаёт келди. Қарши ва Бухоро саҳроларига Аму суви олиб келинди. Ленин васияти амалга ошди: ўзбек халқи, Ўзбекистон коммунистлари яқин йилларда олти миллион тоннали оқ олтин хирмони уюш учун жадал қадам ташламоқдалар. Аммо булар хамирдан қил суғургандай осон кўчмади. Шубҳачилар, қўрқоқлар, қолаверса ўша миллатчиларнинг қолдиқлари бу оқимни бўғиш учун юз баҳонани ишлатдилар; иқтисодий зарар эмиш! Харажатини қопламасмиш бу ерлар. Рес-

публика иқтисодини ғорат қилармиш. Даъвонинг баландлигини қаранг!

Мана шу Катта Андижон каналини шу жойлардан олиб ўтишга қарор қилинаётгандаги гаплари-чи: нимага, аҳолиси гавжум қишлоқлар оралаб эмасу, қум саҳроси ўртасидан олиб ўтилади? Биринчидан, сув оқмайди, қумзор тортиб кетади; иккинчидан, ҳувиллаган саҳрода давлат пулига қишлоқлар, посёлкалар қурилади. Кўчиб юрадиган қумлар тагида қолмайдини? Хўш, бу қақроқ даштга ким кўчиб келарди? Бу беҳудаликка кетган харажат жавобгарлигини ким кўтаради?

Ҳа, қутқу солувчилар оз бўлмади. Уларнинг ҳаммасига зарба бериш, йўладан олиб ташлаш керак бўлди.

Шу аснода икки аёл бирин-кетин мотоциклини патиллатганича қўл силтаб ўтиб кетди. Рашидов ҳам улар кетидан шодон қўл силтаб қолди. Ҳозир у жуда қувнаб, чарчоқлари ёзиллиб кетган эди. Қизлар кетидан қараб туриб, чеҳраси яна жиддийлашди. Шу топда у фикран ўша шубҳачиларга хитоб қилди. Бу чўлга ҳаёт олиб келган мана шу қизларни кўрмади кўзларингиз! «Ким бу ёққа келарди» эмиш. Даъвони қаранг-а! Халқнинг истиқболини, юрт ободлигини эмас, фақат ўз жонининг тинчини ўйлайдиган кўрқоқ, худбин одамларгина қочади бу меҳнатдан. У Аҳмаджонга ўгирилди:— Булар ким, танийсизми?

— Бизнинг қизларимиз,— деди Аҳмаджон.— Биринорхон Эргашева, механизациялашган йирик бригаданинг бошлиғи; иккинчиси, Ҳалима Ҳайитова, шу ерда звено тузиб пахта экмоқчи. Иккаласи ер кўриб юришибди.

— Мана бу ажойиб, баракалла шуларга! Буларнинг ибрати бошқаларини етаклаб келади,— деди Рашидов.

Машинага ўтираётганларида у Аҳмаджондан сўради:

— Катта Андижон канали бу ердап узоқми?

— Яқин, беш-олти километр. Агар канални шу кунларда қазиб олсак шўр ювишни бошлаб юборардик.

Рашидов хаёлан нималарнидир чамалади, лекни жавоб қайтармади. Машинага ўтирганда ҳам у хаёл оғушида эди: «Мана бу йигит областга қарашли ҳамма ерни обод қилишга мен бош бўлай, шу масъулиятни

менга юкланг, деб турибди. «Ким келарди, бу ёқларга эмиш!»

Шу қумтепалар оралаб, сайҳонликларни кесиб келаётган машинада тебраниб ўйларди у. Ҳозир кўз олдига «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли»нинг қаҳрамонлари гавдаланди: Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ, Холбиби. Ким булар? Энг қадрдон, мард, меҳрибон сиймолар. Ойқизнинг қайси хислатлари мана шу Анорхон ва Ҳалималарда бор? Ё Аҳмаджоннинг мардимайдонлиги Олимжонга жуда ўхшайдими? Қодир бува билан Акбар аканинг чўл кезиб, ёшларнинг ақлини пешлаб юришлари Умрзоқнинг инсоний фазилатларими? Бунча ҳам муштарак булар!

— Катта ишга қўл урибсиз, Аҳмаджон,— деди Марказком секретари унга ўгирилиб.— Уш икки минг гектар — иккита катта совхоз.

— Агар ижозат бўлса, ҳаммасини ўзимиз ер қилардик, Шароф ака. Тупроғи созланиб ер бўлиб қолса, кейинчалик...— ийманиб илтимосни қайтарди Аҳмаджон.

Рашидов унга жилмайиб қаради:

— Бу ерлар биркитилган районларнинг раҳбарлари, колхозларнинг раислари келиб кўришганми?

— Баъзилари келган, сайҳонлик жойлардан оз-мош шולי ҳам экишган. Аммо биринчи қумбўронни кўрибоқ қочворишган.

— Қочворишди денг? Узоқ деб қўрқисдимикми? Аммо қочоқлар қўлида ҳеч қандай ер обод бўлмайди. Майли, сизга ижозат, унумдор ер қилинг, ука, яхши қишлоқлар қуринг. Ёрдам берамиз; ўйлайманки, Марказком билан ҳукумат бу ташаббусингизни маъқуллайди. Лекин ерни ўзлаштириш, канал, ариқ ва зовурларни қазिश, тураржойлар қуришни бирон давлат ташкилотига, масалан, водстрой трестига, юклаш лозим бўлади. Бу тadbирларни биргаликда ўйлаб кўриш керак.

— Раҳмат, Шароф ака. Марказий Комитетнинг ишончига лойиқ иш қиламиз. Сизни ерга қаратмаймиз,— деди Аҳмаджон. Ҳозир унинг севинчи ичига сиғмасди, шунинг учун ҳам тез ва шерланиб гапирди.

Бу орада улар одамлар ишлаётган жойга қайтиб келишди. Ер ўзлаштирувчилар штабининг вағони анча баланд ясси дўнгликда эди. Марказий Комитет секретари дўнгликка кўтарилди. Бу ердан ҳаммаёқ қафт-дагидай кўринади. Тракторлар, скрепер, грейдер ва бульдозерлар бири дўнгликларни суриб ер текисласа, бири зовур қазиб, захобни тортиб бораётибди. Қумтёналар аста-секин тиз чўкиб сайхонларга айлантириляпти. Орқада жуда яқиндан паровоз гудоги эшитилди: у қайрилиб қаради. Паровоз бир состав вағонни тортганча пишқириб ўтди.

«Бу жойнинг истиқболи катта,— деб ўйлади секретарь.— Темир йўл ўртасидан ўтади. Бу энг қулай, энг зарур восита — қурилиш материаллари, ўғит ва бошқа нарсаларни келтириб ташлайдию ўтиб кетаверади. Агар бу жойда шаҳар бино қилинса... мана шу ерда қад кўтарса, кенг кўчаларига чинорлар шохи тарвақайлаб ссыбоп бўлса, соя-салқин эманзор хиёбонлар барно қилинса... Нариги тепанинг орқасида, темир йўл пизининг ўнг биқинида ҳашаматли вокзал бино қилинса»...

Аҳмаджоннинг оёқ шарпаси унинг хаёлини бўлди, унга ўгирилиб қаради. Аҳмаджоннинг назарида Марказком секретари жуда хурсанд кўринди.

— Бу ердан ҳаммаёқ кўринади, ҳавоси ҳам яхши,— деди у.

— Яхши жой танлабсиз,— деди секретарь.— Темир йўл ҳам ёнида. Ҳозир хаёлимга бир гап келди, биласизми, нима?— унга синчков разм солди секретарь. Аҳмаджон жилмайиб елкасини қисди:

— Билмадим.

— Аммо сизга икки ҳисса меҳнат ва ташвиш ортади, бусиз ҳам колхозингиз катта хўжалик. Устига-устак, ўзлаштиришга киришган жойингиз ҳам кичик эмас...

— Иш ортган билан камиб қолмаймиз, камроқ ухлаб, камроқ ўйнармиз; айтаверинг, Шароф ака, иш ортишидан қўрқмаймиз.

— Мана шу жойда кўркам шаҳар бино қилиш мумкин экан. Темир йўл шундоққина биқинида... Биласизми, қанақа шаҳар бўлади?

Аҳмаджон айна вақтда ўйларди: халқ ўз хўжалигига сени бош қилиб қўйди, партия ва ҳукумат ишингни, меҳнатингни тақдирлади: орденлар билан мукофотла-

ди, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга бўлдинг, Марказком аъзоси, депутатсан... Бу тақдир, бу иззат учун халқ сендан ҳалоллик, иш талаб қилади; демак, елкада кўтарадиган юкинг бошқаларникидан оғир бўлиши керак.

— Бунёд қилиш бизнинг бурчимиз, Шароф ака. Тўғри айтдингиз, меҳнати маза эмас, оғир, аммо халқнинг бу юкини кимдир елкасига олиши керак. Бизга ишонинг, Марказий Комитетни, ҳукуматни ҳижолат қилмаймиз.

— Демак, шаҳар бунёд бўлади?

— Тез бунёд қиламиз, Шароф ака. Мадад бериб турилса бас.

— Номини нима деб атаймиз бўлғуси гўзални?— сўради у раисдан.

Аҳмаджон, номни ўзингиз қўйиб беринг, дегандек унга тикилди.

— Чўлга жўшқин ҳаёт нафасини уриб турган баҳор кириб келаётган кунларда асос қўйилади бу шаҳарга. Номи доимо яхши кунларни, инсон ёшлигини эслатиб турсин: Навбаҳор шаҳри!

Аҳмаджоннинг юраги кўксига сиғмай қолди. Гапга кулоқ солиб бир чеккада жим ўтирган мўйсафидлар— Қодир бобо билан Акбар ака қарсақ чалиб миннатдорлик билдиришди.

Навбаҳорга бу ишга алоқадор министрлар чақирилди. Ҳар қайси министрликка тегишли вазифа юкланди. Ер ўзлаштириш, канал қозиш, Навбаҳор шаҳрини қуриш Тожимирза Абдуллаев бошлиқ водстрой трестига топширилди.

Шаҳар биринчи уйининг биринчи ғиштини Шароф Рашидов қўйиб берди. Кейин у Аҳмаджонга мурожаат қилди:

— Тожимирза Абдуллаевни танирсиз,— деди у.— Бу киши қўриқ очиш, шаҳарлар қуриш бобидан анча тажриба орттириб қолди. Уйлайманки, бу соҳанинг икки йиллик ташкилотчиси ишда бошқаларга ибрат бўларсизлар. Ерни қанча тез ва сифатли ўзлаштириши, бу ерларда экин ва дарахтларнинг қанча тез гуркираб туриши, шаҳарнинг қанча тез қад кўтариши иккалангизнинг ташкилотчилигингизга боғлиқ. Биласизларми, қандай буюк иш қиласизлар: беш-олти йил ичида мана шу қумтепалар ўрнида шаҳар қад кўтаради, одамлар гав-

жум яшайди, кўчаларни, сифларни тўлдирган мактаб болаларининг қувноқ товушлари янграйди. Сизлар бунёд қилган шаҳар. Муваффақият тилаймиз.

Улар шаҳар майдонига ажратиладиган жойни кўришди.

Бўлғуси шаҳар майдони ўртасида қизил гранит қоя қад кўтарганди.

«Бу ерда Коммунистлар партиясининг иродаси, Наманган область Поп районидagi Ленин ордени, Ленин номи колхоз аъзоларининг ташаббуси билан Навбахор шаҳри бунёд бўлади.

1973 йил, 15 февраль».

XIV

Баҳор қуруқ келди. Чўлнинг қумбўрони тез-тез қайталаб турибди, жазаваси тутганда на осмонни, на ерни кўриб бўлади. Ўзлаштирилган ер, шаҳар бинолари пойдеворига қазиб қўйилган ҳандақлар қайта қумзорга айланаётибди: девор тиклаёсану чекинтирасан. Қасдига олиб, тўсиқлар устма-уст келади: ҳарорат бошқа жойларда, ҳатто ўн-ўн беш километрча нарида ҳам ўттиз даражаю, бу ерда қирқнинг устида, қумга оёқ босиб бўлса-чи. Устига-устак, қурилишнинг дастлабки кунларидаги баланд руҳ, шаҳд, жадал суръат аста сўна бошлади, деворларнинг ярми кўтарилган яккам-дуккам бинолар жағи узилиб тушгандай, аграйиб турибди.

Аҳмаджон бу ерга кун чиқар-чиқмай етиб келади, қурилиш майдонини айланади. Мапа бугун ҳам шу ерда у. Ҳеч ким йўқ, теварак-атрофи ҳувиллаб тургандай. Юраги орқасига тортиб кетди. Колхоз усталарига уй қурдириб, чапдаст механизаторлар билан қўриқ очиб, ҳар ишни вақтида ўринлатишга ўрганган одам ёмон аҳволга тушиб қолар экан. «Сени биров қистадими, мажбур қилиб елканга ортиб қўйдими,— ўзига таъна қилди у.— Ўзинг сўраб олдинг. Хўш, энди додингни кимга айтасан? Йўқ, оғайни, кўтарасан. Аммо, билиб қўй, елкада оғир юк билан секинлаб бўлмайди, қадам сусайса тоясан... Энди чора битта, ҳужумга ўтасан, ёқалашсанг ҳам ишни жадаллатасан, шу!..»

У рулга ўтирди. Машинани катта йўл томон бурди.

Муюлишдаги кўк вагон эшиги олдида рангида шаҳар нури балқиб турган хушсурат йигит, механизациялашган кўчма колоннанинг бошлиғи тирноғини тозалаб ўтирибди. Ҳар куни автобус шаҳардан ишчиларни олиб келгунча шу ҳолатда ўтиради, нимаям қилсин! Аҳмаджон йигитнинг ҳолига ачинади ҳам гаши келади. Ғайрат ва зарда вужудида туғён уриб турмагандан кейин нима ҳам қила оларди. У машинани тўхтатди:

— Салом, ўртоқ начальник, ўтирибсизми?— деди машина деразасидан бошини чиқариб.

Йигит ўрнидан турди, ўнгайсиз бир ҳолатда елкасини қисди.

— Ишчилар қачон ишга тушади?

— Ҳали замон келиб қолишади.— Йигит маъюс илжайди.— Йўл анча олис, автобус ҳам эскироқ,— шикоятмуз илова қилди у.

— Автобусни атайлаб танлаб беришган кўринади. Инқиллаб-синқиллаб ишчиларни зўрға етказиб келади. Дами чиқиб кетса йўлда қолаверади. Шундоқми, ўртоқ начальник? Ишини мундоқ қистанг энди.

— Хўп бўлади, қистаймиз,— деди йигит, қўлини кўксига қўйиб.

— Районларнинг ҳам иши жилмапими, оғайни, ё уларни контролдан дархон қилиб қўйганмисиз?

— Тўғри, жилмай қолди, ўша куни сиз келиб кетгандан бери иккита район усталари ишляпти, холос. Бошқалардан дарак бўлмади.

— Дуруст,— деди Аҳмаджон заҳарханда кулиб,— ўзингиз ҳам маълумот йиғишга устасиз, холос. Бу ҳолда қийналиб кетмайсизми? Дод-вой кўтариб боринг ташкилотингизга.

— Тўғри айтасиз, Аҳмаджон ака, қийналиб кетдим. Аммо начора, трестга борганим билан бошлиқ касалхонада ётибди, бошқаларидан бирон имдод чиқмайди. Интизом, ака, турибман.

— Майли, тураверинг-чи,— деди Аҳмаджон. Аммо унинг вужудида аллақандай ички титроқ қўзғала бошлаган эди: «Нимага бунақа лоқайд бу йигит?.. Ҳадди сизга ҳозир ҳайдаб юборарди ё ҳушини ўзига келтириб қўярди. Афсус!»— Тожимирза ака қалай?— жўрттага сўради у.

— Дуруст. Анча яхшиман, дедилар. Ҳар қалай, буйрак-да, яхши парвариш керак.

— Қачон борувдиғиз?

— Куни кеча.

— Бу ёғини кўрармиз,— деди раис, бошини деразадан кабинага олди.— Ишни тезлаттираверинг-чи.

«Вездеход»ни катта йўлдан чўлга бурди. Анча нарида малла тўзон осмонга кўтарилиб аста сузаётибди. Афтидан, Қизилтепа томонда. У машинани шу ёққа ҳайдади. Яйдоқ даштга чиқиб олгандан кейин, ПМК янги бошлигининг қўл қовуштириб турган қиёфаси орқада қолди. Мана бу ерда қўл қовуштириб турган одам кўринмайди. Бульдозерлар дўнглар ва қумтепаларини сураётибди, скреперлар ерлар текислаётибди. Улкан-улкан карталарга сув келадиган ариқлар қазилляпти. Аҳмаджон бу ҳаракатни, шижоатни кўриб яйраб кетди. Ҳаракат кучайгани, иш устида таъбхираликлар, хунобгарчиликлар бўлсаям, ҳар қалай, бу қумзор саҳрода инсон меҳнатининг меваси қулф урар, чўлнинг рангига қараган кўзни қувонтирадиган тароват кирар, қандайдир буюк куч одам меҳрини бу ерга боғлар эди. Сотиволди полвон чўлдаги бу ҳаракатнинг жиловбардоридек юрар эди. Раис тўхтади, у ҳаллослаб чопиб келди. Афти боши чанг. Пешонасидан маржон-маржон тер қуйилади.

— Салом, Полвон, соғлиқ қалай?— деди Аҳмаджон.

— Соғлиқдан нолнйидиган еримиз йўқ,— Полвон жилмайди ва юзидаги терни енгил билан артиб ташлади.— Ерни кўпайтиришга ҳаракат қилиб турибмиз.

— Қанча тез кўпайтирсангиз шунча яхши,— деди Аҳмаджон унинг ранги бошига разм солар экан. Қўйлагининг елкалари шўрлаб кетган эди. Унинг аҳволини кўриб раиснинг ҳам завқи келди, ҳам унга ачинди.— Қалай, бу қумзорни ер қилиш, янги жой солиш мазамас-а?— сўради у енгил кулиб.— Хўш, курашга тушиш қийинми, буми?

Полвон ишшайиб кулди. Шўр аралаш тер оқаётган катта қизғиш бетлари ёришиб кетди.

— Кураш ўз йўлига қийин,— деди у юзидан табасум аримай,— аммо бу қийин, одамнинг томиридаги қувватни аста сўриб олади.

— Томир омон бўлса қувват қайтади, аммо тўғри айтдингиз, Полвон, томирлари ҳаракатдан тўхтаб қолган мана бу ерни бўрсиллаган тупроққа айлантириш қийин иш. Қарангки, шунча асрлар ўтиб, ўз эгасини кутиб ётган экан, Қўқоннинг Қумлоқ деган бир қишлоғида

Сетиволди полвон туғилиб ўсади, тақдир тақозоеи милиция ишини ва курашни тарк этишга мажбур этади, мана шу ерга келтириб ташлайди, у қумтепалар билан курашади деб. Биласизми, Полвон, бу ерни жонлантириб, ризқ-рўз нони ундирганингизда, етиштирган пахта-гиздан одамлар кийим-бош тикиб кийишганда, бу ерлар ҳозиргидай яланғоч эмас, яшил қишлоқларга айланганда, экаётган чинорларингиз катта бўлиб, одамлар салқинида роҳат қилганда томирларингиз бундан ҳам бақувват бўлади, ҳамма сизни қумлоқлик эмас, навбаҳорлик Сотиволди полвон Зиёдов келяптилар дейди. Бунинг учун қийинчиликларни сизга арзийди-а?

Полвон гулдираб кулпб юборди, Аҳмаджонни қучоқлаб олмоқчи бўлди-ю, ийманди, елкалари силкиниб деди:

— Хўп гапларингиз бор-да, Аҳмаджон ака. Шунинг учун бу ерларнинг шўрини ялаб юрибмиз-да.

— Полвон, тўғрисишни айтнинг, уйга бориб келяпсизми, йўқми?— сўради Аҳмаджон энди унинг кўзларига жиддий тикилиб.

— Бориб бўлмайтми-да, раис, кейин сиздан сўроқсиз...— у раисга мўлтираб тикилди.

— Бориб келиш керак,— деди Аҳмаджон ҳамон жиддий тусда.— Ақалли ҳафтада бир марта. Ювиниб, устбошни алмаштириб дегандай. Тагингизда машина, кечқурун кетсангиз, азонда бу ерда бўласиз.

— Бўладию энди...

— Ё ойлик отпускаи олиб қўйганмисиз?— раис буёғини ҳазилга айлантди. Кейин:— Бизники ҳам шунақа, оғайни,— деб қўйди.— Ҳафтада бир марта уйга бориб бамайлихотир ётолмай қолдик.

Иккаласи енгил кулишди. Кейин раис сўради:

— Ҳа, айтмоқчи, канал қазини қалай борапти? Қолхознинг бошқа ташвишлари, чорваси билан бўлиб, бир ҳафта бўлдими, келиб кўролмадим.

— Ёмон, Аҳмаджон ака, Қизилтепага зўрға етди. Иккита экскаватор ншлаб турувди, биттаси бузилиб қолди, касофат. Мана икки кун бўлди, бир чўмич ҳам тупроқ кўтаргани йўқ. Қари шернинг ўлигидай чўзилиб ётибди. Экскаваторчи урниб удалай олмади, керакли қисми йўқ экан, сўкиниб-сўкиниб шаҳарга кетди.

— Экскаваторчи кетди, экскаватор чўзилиб ётибди дегн,— раис ўйчан ҳолда бу сўзни гўё ўзи такрорлади, у ниманидир хаёлан чамаларди.— Аксига олиб шу дол-

зарба трест бошлиғи Абдуллаевнинг касалга дучор бўла қолганини айтмайсизми. Бўпти, Полвон, қани ўзлаштиришни сураверинг-чи, бу ёғини кўрармиз. Мен Наманганга кетдим. Қаттаконларни эрталаб идорада ушламасанг, балиққа ўхшаб қўлдан чиқиб кетишади, қани, тутиб бўлса, районларга тарқалишади кетади.— У «Вездеход»ни юргиздию яна тўхтатди, муҳим гапи эсидан чиққандай, ҳали кетиб улгурмаган Полвонни чақирди:— Ҳа, айтмоқчи, чучук сув нима бўлди, нажот борми?

— Бўлиши керак, мутахассислар чиқади дейишяпти. Аммо уч жойдан қазилса ҳам шўр чиқди.

— Шўр сизотнинг тагидаги қатлам қазилса қандай бўларкин, бир гаплашиб кўринг-чи, ука. Бирдан-бир нажот шу энди. Бу йил ғўза кўкартамиз деб ваъда берганмиз-а.— У машинанн физиллатганча жўнади.

Йўлакай Навбахор қурилиши унинг хаёлини яна қамради. Ярни кўтарилганича жағи очилиб хомуш ётган бинолар кўз олдида гавдаландию ундаги безовталиқ яна кучайди. Ахир махсус қарор билан ҳамма районларга биттадан уй қуриш, область ижроқўми йўли билан мактаб, касалхона, боғча ва ясли бинолари битказилиши, коммунал хўжалиқ идораси, ҳаммом, маиший комбинат биноси қуриб бериши, газ, водопровод ўтказилиши, область матлубот жамияти катта ошхона қуриши лозим эди. Шулардан беш-олти район иш бошлади, қурилиш ишларини ҳатто ПМКга қараганда анча жадаллаштирган эди. Аммо иш бирданига тўхтади. Нимага? Нима, ваъда ўзгардими? Нимага бу ҳақда облстройтрест ҳеч нима билмайди?

Аҳмаджонга бу ишлар гўё сочилиб кетгану тутиб оладиган жойи йўқдай туюлди. Тавба, нима учун одамлар қарорни бажармай, бемалол юраверишади? Нимага масъулиятдан қўрқишмайди? Ахир, райкомларнинг секретарлари, шу бу йил биттадан уйни битириб берамиз, дейишган эди-ку? Шу тикилинчда Абдуллаевнинг йўқлиги ҳам ишнинг белига тепди. Аммо у боёқшнинг ҳам тинкаси қуриди. Бу ёқда обком билан оближрокомдан калтак еса, у ёқда Аҳмаджоннинг сўлқилдоқ новдага айланган аччиқ гапидан юзини беркитади. Аҳмаджон ҳозир обкомга тўғри кирадио кўнглидаги безовталиқнинг ҳаммасини раҳбарнинг дилига жойлайди. Агар бу ҳам кор қилмаса... йўқ, дард тегдими!

Кирди. Секретарь чакакарини иккала қўли билан маҳкам сиқиб столга энгашиб ўтирибди, бирон нимани диққат билан ўқияптими ё хаёл қамровида муҳим бир чигални ечаётибдими, Аҳмаджон товуш чиқариб бир нима дейишни ҳам, юриб боришни ҳам билолмай, тўхтаганча тикилиб қолди. Кейин секретарнинг ўзи бош кўтариб, илжайиб ўгирилди, ясси пешонаси, лўппи бетлари аста ёришди:

— Биламан, эрталабдан қайси шамол учирганини, ука,— у ўрнидан туриб рўпарасидан жой кўрсатди:— Қани, ўтиринг. Хабарим бор, қурилишда иш сусайиб кетибди. Ҳозир шуни ўйлаб турувдим, одамларни йиғиб бир гаплашиб олсак. Хўш, қалай бўлади?— у раисга хушвақт тикилди.

— Шундай бир чора кўриш керакки, иш жўнашсин, мажлис чақириб бировларга танбеҳ берилса, кўкракка уриб гапирилаверилсаю қурилишга одам бормаса, бори кетиб қолса, облисполком йўли билан қуриладиган бинолар ҳали ҳам бошланмаса, бунинг устига уй қуришни бошлаган районлар ҳам қарийб ишни тўхтатиб кетибди. Ҳайронман, одамлар қарорни бажармаса, масъулиятдан қўрқмаса, хўш, нима қилиш керак энди, ёқалашиш керакми?

— Йўқ, ёқалашиш керак эмас,— деди секретарь насихатомуз.— Эрта ўтиб индинга эрталабга тегишли ташкилотларнинг раҳбарларини, райкомларнинг биринчи секретарларини Навбаҳорга чақирамиз. Обком бюро аъзолари ҳам қатнашади. Қилинган ва қилинмаган ишларни ўз ўрнида таҳлил қиламиз, тегишли чораларни кўрамиз, районларнинг усталари уйлари битгунча муқим ишлайдиган бўлади... Хўш, келишдикми? Аммо жуда чарчаганман, ука, тиним йўқ...

Аҳмаджон унга тикилиб турди-да:

— Келишсак келишдик-да,— деди ва ғалати илжайди:— Ишонса бўладими бу гапга?

Секретарнинг юзига аллақандай паришонлик ҳолати тепди; у ниманидир эслашга уринаётгандай эди.

— Нима, ишонмайдиган бирон гап бўлганми-ди?

— Наҳот хаёлингиздан кўтарилган бўлса, эсдан чиқадиган майда гап эмас эди-ку?

— Бошимда битта Навбаҳор эмас-ку, менга ҳам раҳмингиз келсин-да, ука...

— Бу йил экиш вақтигача Навбаҳор каналини битказиш тўғрисидаги гап...

— Э, бундоқ демайсизми, ука. Бу эсимда, наҳот эсдан чиқса... Келинг, шу гапни ҳам индинга Навбаҳордаги таҳлилда ҳал қилайлик... Бир чорасини кўрармиз. Шунча ишларни ҳал қиляпмиз-ку ахир. Ундан кейин, ўзингиз биласиз, Навбаҳор сингари катта ишларда камчиликлар бўлиб туради, бири олдинроқ битса, бири кейинроққа сурилади...

— Йўқ,— деди Аҳмаджон, унинг ёноқлари учиб, кўзлари прппрай бошлади.— Йўқ, канал энди бундан ҳам кейинга қолмаслиги керак. Эсингизда экану ўшандан бери иш тепасига бир марта бормадингиз, бу йилгига катта гап айтдириб юборувдим, бурдсиз бўлиб қолмасин тагин, деб ташвиш тортмадингиз... яхши бўлмади...— деди Аҳмаджон ва ўзини босишга уриниб хийла жим қолди, секретарь ҳам ниманидир ўйлар, чакагини эзғилар эди.

— Яхши бўлмади,— деб такрорлади Аҳмаджон.— **Мен** учун ҳам, сиз учун ҳам. Эсдан чиққан, бўлмаса, тўрт-бешта кучли экскаваторни қўшимча суришниш иложи топилмасмиди?

Навбаҳорда одам жуда гавжум бўлиб кетган ўша қиш кунларида ҳамма бениҳоя хурсанд, шерланиб юрган дамлар эди: асрлар давомида ҳувиллаб ётган қумзор саҳрода шаҳар қад кўтаради, обод қишлоқлар бунёд бўлади, буларни бизлар вужудга келтирамиз. Ўша кунларда газеталар, радио ва телевидение Навбаҳорда бўлаётган ишларга катта эътибор берди, Навбаҳор қаҳрамонлари тўғрисида лавҳа ва очерклар чиқиб турди. Аҳмаджон телевизор орқали гапириши лозим бўлиб қолди. Шунда секретарь унга тайинлади:

«Шу бу йилдан бошлабоқ пахта етиштирамиз, денг, ука, бунинг аҳамияти катта».

«Йўғ-э! Одамлар бунга ишонмайди».

«Нима, чигит унмайдимиз?»

«Экиш мумкин, униб ҳам чиқар. Аммо шўр куйдирадди, кун исиса қум бўғизлайди, қолганини шамол қийратади».

«Уддабурон деҳқонсиз, иложини топинг, бу ғоят муҳим гап».

«Иложи битта; шўрни чучук сув билан, Нориннинг оқ суви билан ювиш, қумни ётқизиш».

«Канал бўлади, Норин суви Навбаҳорга келади».

«Бу йил бўлмас, қийин, вақт оз қолди».

«Катта Фарғонани эсланг-а. Тўғри, у вақтда сиз анча ёш эдингиз. Жаҳонга доврўқ солган шу канал қярқ беш кунда битган, уни халқ кетмон билан қазиган эди. Агар Тожикистон чегарасига кирган эллик километрни ҳам қўшсак 270 километр. Навбаҳор бор-йўғи 70 километр, тағин 8 кубометр сувга мўлжалланади. Хўш, келишдикми, ука?».

«Халқ сафарбар қилинадими канални қазинишга?» — илжайиб сўради раис.

«Ҳозир ўттиз тўққизинчи йил эмас, етмиш учинчи. Қўлимизда шундай қудратли техника борки, унинг кучини қаёққа солиш бизнинг ихтиёримизда...»

— Уша гап шу эди,— деди Аҳмаджон анча осойиш товушда.— Уйлайманки бузганим йўқ.

— Тонаётганим йўқ, такрор айтаман, эсимда.— Унинг юзидаги паришонлик қочиб, кўзлари жонланди.— Аммо начора, тажрибада гоҳо учраб туради-ку... Зарур иш шу қадар кўпки, иложи бўлмади... Уйлаб кўринг, ахир, областда бунақа қурилиш оз эмас... Бош қотиб кетади. Баъзи кунлари йигирма тўрт соат камлик қилиб қолади. Биласиз-ку.

— Биламан. Шундай экан, менга шу гапни айдиринишнинг нима кераги бор эди?

— Керак эди.

— Нимага, кимга?

— Ўзингизни босинг, ука. Мунча куйиб-пишасиз. Катта жой, одам қўл урмаган ер... Шаҳар қурилишига бўлса шу оз вақт ичда киришилди. Иш бир оз сусайган, одамлар келмай қолган бўлса, бунчалик куйинишнинг ҳожати йўқ, айтаман, эрта-индин аслига тушадн. Ўзингизни аянг...

«Нимага ўзини бевосита гапдан олиб қочяпти?— деб ўйлади Аҳмаджон.— Кўнглидагини тўғри айтиб қўя қолса-чи...»

— Шунини унутмаслик керакки,— деди секретарь,— бундай катта ишлар йиллар давомида бунёд қилинади...

«Тавба,— деб ўйлади Аҳмаджон,— мени тинч қўй деяпти шекилли».

— Жуда тикилиб қолдинг,— деди секретарь, энди сансирашга ўтиб,— гапим ёқмади дейман?..

— Ёқмадимми-йўқми, бу бошқа гап. Аммо Навбаҳор

Йиллар давомида эмас, нари борса уч-тўрт йилда битиши керак. Ҳозир асосий гап бу эмас. Иккимизнинг партия олдидаги ростиғилигимиз, шаънимиз масаласи. Йўқ, сиз бундан ҳолсиз, сизга ишониб, мен ваъда берганман, партия олдида мен ёлғончи бўлиб қоляпман... бу даҳшат...

— Ваҳма қилма, ука,— деди секретарь, нимагадир хурсанд илжайди, қуюқ сочини қўли билан кўтариб силади, кенг пешонаси ялтираб очилди:— Мунча бўғилоғич бўлиб кетяпсан-а, бунақа эмасдинг-ку? Ҳамма иш жойида бўлади, канални ҳам битказамиз. Лекин такрор айтаман, ўзингни ая, партияга керак одамсан.

— Кераклигимиз сўзимизнинг бутунлигида, партияга берган сўзимизнинг устидан чиққаннимизда билинади.

— Аммо ҳушёр йигитсан.— Секретарь туриб унинг қўлини олди-да, унга тикилиб, енгил кулганча деди:— Тўхта, шуҳратга ўчмасан дейман?

— Сиз-чи, ёмон кўрасизми?— деди Аҳмаджон, даб-дурустдан берилган бу саволдан хаёлини ўнглаб олгач.

— Мени қўй, контрсавол қилма, ҳазиллашдим,— деди у ҳамон кулиб.

Аҳмаджон жавобини давом эттирди:

— Бизнинг колхозимизда бир сувчи мўйсафид бор. Умрида дунёнинг ҳузурини, азобини кўп кўрган киши. Кўп йиллар амалдор ҳам бўлган. Шу одамни қачон борсангиз пайкал бошида, ичида ё этагида кўрасиз: кўзи доим эгатларда, жилдираб оқаётган сувни кузатади. У, баъзан, бир иёла чой узатиб, у ёқ-бу ёқдан гап бошлайди. «Одам ўз умрида уч марта эъозланади,— деди у бир куни, эгатда тупроққа сингиб оқаётган сувга тикилганча.— Биринчи марта — туғилганда... қийқириб қанот қоққан... чақалоқ жуда ширин, жуда лазиз-а? Иккинчи марта — уйланганида. Уша дамларни кўз олдингизга келтиринг-а. Кейин,— дейди у,— ўлганида. Умрининг қолган ҳамма қисми шу кейингисига хизмат қилади. Ҳа, кимдан нима қолади»,— дейди у хиёл тебраниб.

Агар ҳаволай бошлаганимни билсам, чолнинг шу гаплари эсга тушадую ўзимни йиғиштираман, елкадаги юкни оғирлаштираман. Сиз бўлсангиз шуҳрат дейсиз...

— Аммо жиннисан-да, шу гапга ҳам хафа бўлдинг-а. Айтдим-ку: ҳазиллашдим. Бўпти, оғайни, ҳамма камчиликни тузатамиз. Навбахорда кўришамиз, хайр.

У шаҳардан чиқиб олгач, тезликни оширди, кўзи йўл-

да, хаёлида баҳс давоми: «Иш тепасида гаплашилса, иш тепасида-да... Майли, ишга нафи тегса бас. Гап йиғиннинг номида эмас, таҳлил дейиладими, бошқами, бари бир. Қурилиш тезлашиб кетса бас. Тўғри айтди: бошида иши кўп, вақт етказолмагани ҳам тўғридир. Ўзимиз ҳам вақт етказолмаймиз-ку. Битта Навбаҳорга қараб тургани йўқ. Қизишмаслик керак. Аммо област-нинг қумзорда бунёд бўлаётган бошқа шаҳри йўқ-ку, бунчалик катта ер очаётган колхозни йўқ-ку. Вақт ҳам эътиборни тўғри расамадлаш керак-да. Бу жиҳатдан қўйилган талаб тўғри. Аммо қизишмаслик керак. Бундай дамларда нимага ўзини босолмайди-а. Хўш, у ҳам қизи-шиб, сенга биров шунча ишни зимманга ол, дебдими? Ўзинг олган экансан, аравангни торт-да, ука, ҳадеб гиш-гиша қилаверасанми, демади-ку. Демайди, чунки Навбаҳор областда чиндан иккита эмас, бу иш област-даги кўпчиликка дахлдор, буни у яхши тушунади. Аммо нимага у канал масаласидан ўзини олиб қочяпти? Сўзи-дан тонармикин? Йўғ-э, дард тегдими, шуидоқ катта одам... Агар тонса. Менга гап теккизмоқчи, мени бебурд-га чиқармоқчимми? Нимага, нима манфаат кўради бун-дан? Йўқ, бу пасткашлик бўлади... Ҳар қалай, охирини ўйламай, завқ устида айтилган бўлпши мумкин. Аммо канал битадими-йўқми, бари бир. Навбаҳорда шу йили-ёқ ғўза кўкартириш керак, ақалли бир-икки гектар, ҳеч бўлмаса, беш-ўн минг туп кўчатни сақлаб қолиш лозим. Кузда оппоқ пахта очилиб ётсин, кўриб кўз қувонсин, одамларда бу ернинг истиқболига ишонч ортсин! Аммо тўғри гапни айтганда, Навбаҳор бошланмасдан олдин колхоздаги ишлар анча осойишта, бу қадар безовталиқ йўқ эди, раиснинг кунлари ҳам нисбатан тинч эди. Экин-тикин йиғиб олиниб, қиш кирдими, колхознинг ер ўзлаштирувчи йигитлари орасида бўларди. Кеч кириб қош қорайдими, даврани катта тортиб буғи гупиллаб чи-қиб турган палов ўртага қўйиларди-да, улфатчилик бош-ланарди, кейин оламнинг гапларидан гаплашиб ўтири-лар ё бўлмаса аския қизир, йигитларнинг шарақлаган кулгиси тун осмонини жаранглатарди. Қизиқ, бу бедор-лик ва безовталиқ ўша завқли тунларда ва Мелиқўзи, машинада пахта етиштириб, машинада энг кўп пахта териб доврўф солган паҳлавон йигит: «Шимим калта ва тор келиб қолибди», деб ҳаммани кулдирган тунда ту-гилганмиди?..

У яна чўлга кириб келди. Чўл эса ястаниб ётибди. Олисада бировнинг қораси кўришди. У якка, пиёда — кенг сайҳонликни ёриб, тўғри Қизилтепа сари борарди. У ён-верига қарамас, гўё бу чўлнинг танҳо беги эди. Аҳмаджон машинани шу қорага рўпара ҳайдади. Яқинлашганда таниди: аммо Хизрни йўқласа бўларкан, бугун эрталабдан бери неча эслади—Тожимирза Абдуллаев, уни ҳеч ким, бугун-эрта чиқиб келади, деб ўйламаган эди. У ялангбош, сочларини чўл шабадаси тўзғитиб юборган, макинтоши ва костюмининг тугмаларини ечиб ташлаган, галстугини бўшатиб, ёқасини ҳам очиб олган, бир қўли билан офтобда анча ўнгиб кетган пистолки ранг шляпасиниғижимлаб олган, гўлабир гавдаси лапанглаб сарбаст борарди. Аҳмаджон унинг боришига ҳайрон тикилиб, машина аста тўхтаганини пайқамай қолди: чўл бўронлари, изғиринларида қиш бўйи елавериб буйраги шамоллаган, бир ойча бўлди, касалхонада ётган киши: ...афтидан, касалхонадан чиқибоқ тўғри шу ёққа келаётган кўринади.

Аҳмаджон машинадан тушиб уни қучоқлаб олди.

— Зап одамсиз-да, Тожимирза ака, келишингизни билгандай чўлнинг кулиб туришини қаранг. Яхши бўлиб кетдингизми? Буйрак оғриғи қочдимми тамом?— Ҳозир Одилов тамом хушвақт тортиб, ҳамма нарсани — гинани унутган, Тожимирзанинг чўлдаги шу юриши, шу кўришининг ўзи борлиқ ишни жилдиришга қодирдай, энди қурилиш, ер очиш, канал ва ариқларни қазиб бетонлаш ўз изига тушиб оладигандай...— Назаримда, жуда узоқ ётдингиз дейман. Зап одамсиз-да, оғайни. Боягина эслондик еизни.— Аҳмаджон ҳамон унга бошдан-оёқ назар ташларди.

Тожимирзанинг беморлик асорати кетиб улгурмаган анча нурсиз юзига қон югурган, у ўзини енгил сезарди.

— Яхшиман,— деди у бардам товуш билан.— Ингирма кун ҳам ётмадиму назаримда жуда чўзилиб кетди. Бу ердаги ишлар нима бўлди, деб безовталанаверганимдан, врачларнинг зўри билан қолган оғриқ қайталайверди. Кейин, бўлмас экан, деб келавердим...

— Яшанг, Тожимирза ака, яшанг,— деди Аҳмаджон юз-кўзи кулиб.— Тузаладиган жой мана шу ернинг ўзи. Ҳадемай қумлар қизийди, ҳарорат ловиллайди. Буйракни тоблайверасиз.

— Билмадим, Аҳмаджон ака, билмадим,— Тожимир-

занинг гавдаси хиёл тебрани.— Огриқ тугаб кетса бас. Кеча кечқурун врач кўрди. Буйрак тепасидан шундай босдики, додламадим, холос. Тишимни тишимга қўйиб зўрға ётибману гапини қаранг: «Тез тузалишни хоҳласангиз, дейди, безовталанманг, тинч, осойишта, хурсанд юринг. Ишни қанча кўп ўйлаб, асабийлашаверсангиз, баттар қўзийди...» Ана шунақа гап. Асабни эҳтиёт қил, Тожимирза. Шамоллатма, ичма, аччиқ, қовурилган овқатни ема. Тагин алланималар... Ҳаммасини ҳам қўяверинг-а, ишни эслама дегани, эҳтимол, тўғридир, аммо бу менинг ақлимга сиғмайди. Бунга кучим етмаса, иложи йўқ бўлса-чи? Эрталаб туриб денг, безовталиқни; ўзимни эҳтиётлашни ўйлашга вақт топилмайдиган жойга, бу ёққа қараб келавердим, Аҳмаджон ака. Нимага кулиб қарайсиз, хато қилибманми?

Шу топда у шунчалик содда, шунчалик самимий эдики, Аҳмаджоннинг меҳри товланиб кетди, ҳатто жавобга лол қолди. Каналлар қазишга, қанча-қанча қўриқлар очишга, шаҳар ва қишлоқлар қуришга бош бўлган бу кишини қумзорда эшитган қайси ширинсўз, бу ернинг қайси таровати касалхонадан тўғри шу ёққа, безовталиқ, бедорлик тўлқинига тортиб келди?

Аҳмаджон бу ҳаммаслақ одамнинг гапидан яйраб кетди:

— Тинимсизликдан роҳат излашингизни, оғир иш бор жойдан ўзингизни тортмаслигингизни яхши кўриб қолдим, оғайни,— деди у тўлқинланиб.— Ўзимизнинг деҳқонча қилиб айтсам, дард меҳнатдан қўрққан одамнинг оёғидан чалиб йиқитади, меҳнаткашга яқинлашавермайли. Ўзимдан қиёс, иш сал соявир тортса, аллақандай ланжлик вужудимни қамраб олади, салга шамоллайману томоқ оғриғи қўзиб, ҳалқумимдан олади. Шундай пайтларда велосипед асқотади. Эрталаб соат бешларда туриб уватма-уват ҳайдайман, ер ҳайдаётган ё чопиқ қилаётган тракторчилар, кўпинча сувчилар тепасидан чиқаман, уларнинг ишларини текшираман, вужудимни исканжага олган оғриқлар тамом қочади.

— Ҳа, ҳа, мен ҳам шундай деб ўйлайман. Иш кўп жойда дард унутилади, ҳатто ғийбат ҳам...

— Жуда топиб айтдингиз, ғийбатчи иш бор жойдан қочади,— деди Аҳмаджон ва Тожимирзанинг қўлтиғидан олиб машинага қараб етаклади. Баҳор шабадаси чўлнинг анвойи ўтлар бўйи аралашган илиқ, майин на-

фасини димоққа уриб учар, уларнинг кўксини кўтарар эди.

Иккаласи Навбаҳорнинг энди аниқлашаётган кўчаларини айланиб, қайси кўчанинг қайси кўрқда, қайси рангда бўлишини, кўп қаватли маъмурий бинолар қандай қурилишини муҳокама қилиб, гоҳ тортишиб, гоҳ қаҳқаҳлаб кулишиб кечгача юришди.

XV

Сарин шабада эсяпти.

Ху анави баланд чўққида қалин қор қатламлари муз бўлиб узала ётибди.

Кўкракдор ёнбағирлар, кенг сайҳонлик ва жилғалардаги яшиллик шундан; бу саринлик, салқинлик шундан: қоялардан отилиб тушаётган оппоқ шалолалар, сапчиб оқаётган нуқра сойлар, унинг эҳсони, ҳаммасининг онаси у. Аҳмаджон ўтов олдида шу чўққиға, чайқалиб турган яйловга қараб ўтириб шуларни кўнглидан ўтказди.

Кўйлар ва эчкилар тўдаси айрим-айрим, от уюрлари, мол подалари бўлак-бўлак ёйилиб, ўтлаб юришибди. Яқин йилларда ҳам райондаги хўжаликларнинг борлиқ моли шунча эмас эди. Аммо кўп молни удалаш керак. Сўнгги ўн йилликда ёғинсизлик тез қайталаётди. Пастки тоғларда ўт дуруст ўсмай қолди. Шашир деб аталувчи гули сариқ дори ўт қора тоғлар бағрининг таровати эди. Молларни тозалар, иштаҳасини очарди, чўпонлар молларни дастлаб шаширзор ёнбағирларга ёйнарди. Намсизликка узоқ чидайдиган шу ўт ҳам қора тоғларда кам унадиган бўлиб қолди. Бу тоғларга мол ёзнинг иккинчи ярмида ҳайдаб чиқилар эди. Моллар ўтти ўмровлаб зўрға юрар, ўт ичида ётган молнинг боши аранг кўринар эди.

— Бетагаликка эртароқ кўтарилибсизларми, Полвон?— сўради Аҳмаджон ўчоқбошида шўрва кайнатаётган ферма мудирларидан бири, қора магиздан келган норгул кишидан. У раисга ўгирилди.

— Пастки тоғларда ўт тугади, қовжираб кетди. Бу йил асаларига ҳам гул бўлмай қолди...

— Жилга ва булоқларнинг сувларидан баҳраманд бўладиган майдончалар-чи?

Ферма мудирнинг мийғига муғомбирона кулги югурди:

— Эҳтиётга қолдирдик. Қайтишни ўйладик. Ҳар қайси жилғада ва булоқ бошида қўниб, аста-секин қишловга тушамиз. Пастки тоғларда белга урадиган бурунги ўтлар йўқки, анча-мунча қорда ҳам мол оёғи билан титиб тирикчилик қилса. Ҳар қалай, борига барака, едириб қишлокка ҳам оз-оздан ғамлаяпмиз.

Ҳамид гапирар, Аҳмаджон эса уни эсларди: бу одам умрининг қарийб ярмини бефойда, беҳаловат ўтказиб юборди. Бу атрофда, ҳатто теваракдаги шаҳарларда ҳам унинг номини эшитган кишининг эти сесканарди: нима роҳат кўрди у, на ўзи тинчиди, на яқинлари! Гўё зўравону одамлар орасида бемалол кўкрак кериб юролмасди. Ахири, ўз юриш-туриши ўзининг жонига тегди. Аҳмаджоннинг кенглиги ва қаттиққўллиги унга ёрдам берди. Мана энди, уни одамлар ҳурматлашади: Ҳамид полвон! Шу улкан ва бой хўжаликнинг ҳамма қўйлари унинг ихтиёрида, тагида «Волга» машинаси, айтганини бажо қиладиган, айтгани бажо бўладиган ҳотам ва ўктам мудир.

— Мана бунинг чўғи кичрайса, раис,— у қўли билан чўққини босиб ётган қор музини кўрсатди,— менинг юрагим увушади. Ҳаммамиз болаликдан ёз бўйи шунга тикилиб катта бўлганмиз, куз охиригача тахи бузилмай, мағрур гердайиб турса, кўнглимиз тўқ: қўй-қўзи очга ўлмайди, омбордан дон узилмайди, бизни иссиқ тутадиган пахтанинг хирмони катта бўлади... Туновни кунни денг, бир катта кўчим бўлди, ярми узилиб тушдимми деб кўрқдим. Хайриятки, моллар пастда эди, бўлмаса кўп мол тагида қолиб кетарди. Запфлигидан, таги бўшаб қолганидан-да. Ҳар йили устма-уст босиб турса, бунақа катта бўлаги узилмайди. Айтинг-айтинг, бу омбор маҳкам бўлсин.

«Камоблик мана тўртинчи йилга чўзиляпти,— деб ўйларди Аҳмаджон.— Тоғда асаларига гул йўқ, даштда, паст тоғларда шувоқ кўкармай қолди. Бу ёққа чиқиш олдида у чоллар билан гаплашди. Ёз иссиқ ўтяпти, қиши қаттиқ келади, дейишди. Унинг эсида: уруш йиллари, хусусан, урушдан кейинги йилларда кун оша томга чиқиб қор қуради, шундай қалин ёғардики, ҳовлидаги қорни томорқага ташишга мажбур бўлардилар. Баҳорда ёмғир савалаб ёғар, баъзан бир ҳафтага чўзилар, экиш-

га гов бўларди. Қани энди ўша қалин қорлар, баҳорги ёмғирлар, ҳайқириқ солиб келувчи селлар! У Ҳамидга ўгирилди:

— Қайси ўтларнинг томири энг узун бўлади, оғайни?

Ҳамид хаёлида йўқ бу саволдан довдирагандай унга тикилиб турди-да, кейин кулиб юборди.

— Куладиган гапмас-ку, ё англамадингизми?

— Англашга англадиму,— деди у қулоғининг орқасини қашиб,— ҳайрон қолдим. Мени синаяпсизми, деб ўйладим.

— Йўқ, нега энди,— Аҳмаджон унга жиддий тикилди.

— Янтоғнинг илдизи узун.

— Бу маълум. Тоғда ўсадиганларидан қайси бирини биласиз?

Ҳамид ўйланиб бармоғи билан чакагини эзгилаб турди-да, бирдан чеҳраси ёришиб кетди:

— Шошманг,— деди у.— Эшак беда дейишади-ку. Ёввойи беда. Ўзимизнинг қора тоғ жилғаларида ҳам кўп ўсади. Танаси ўрта қўлдай бўлиб шохлайди, гули сариқ. Уни кўп кўргансиз.

— Бу гапингизда жон бор,— деди ранс, бирдан руҳланиб бармоқларини қирсиллата бошлади.— Қаттиқ қора совуқ бўлиб, ер чуқур музлаган, ҳатто дарахтлар қуриганда ҳам шу ёввойи беда кўкараверган эди. Демак, қора тоғларда уни кўпайтириш керак. Тоғ ўтларининг камайиб кетганлиги Аҳмаджонни анчадан бери ташвишлантирар эди. Ҳозир илдизи узун ўтлар уруғини тоғларга сепиб тажриба қилишни кўнглига тугиб қўйди.

— Қани, энди яйловни кўрсатинг-чи, Ҳамид ака,— деди Аҳмаджон ўрнидан туриб.— Утираверсак ланжлашаверамиз.

— Отларни минамиз, машина юролмайдн.— Ҳамид отларни тушовлаб сайҳонга қўйиб юборган эди. Эгарлаб бирини миниб, иккинчисини етаклаб келди. Етовдаги қора тўриқ Аҳмаджонни таниб, аста кишнади-да, пишқириб, боши-боши қилиб келиб унинг ёнида тўхтади. У семириб, сирти ялтиллаб кетган эди. Аҳмаджон унинг бошини, бўйинларини силаб, ёлларини қўли билан тараб минди-да:

— Қани, бошланг, Ҳамид ака,— деди.

Тўриқ гижинглаб, гўё ҳавода сузиб борарди, туёқла-

ри бирон тошга ноўрин тегиб чақиллаганини эшитмай-сиз. Шўнинг учун бўлса керакки, Аҳмаджон тоғларнинг ҳамма йўлларида, хусусан, қоронғи тунларда фақат шу тўриқни минади: бехатар, жиловни бўшроқ қўйилса, бас, йўлдан тоймайди, тик тоғлардан қандай тушганингизни сезмай қоласиз. Ўзи ҳам эгасини соғинган экан шекилли, юришини айтмайсизми, кўкрагини кериб, бошипи баланд кўтариб, ўнатиб, ғурур билан, айни вақтда, селпинмай бораётганини, кўрганлар ҳавас билан тикилиб қолишадди.

Эгаси эса ҳеч нимадан хавотирланмай, теварак-атрофга кўз ташлаб, хаёлидаги режаларини пишитиб борарди. Ҳа, тивит масаласи. Тунови куни айрим эчкилар тивити мўлжалдагидан кам чиқаётганини эшитган эди. Бирон эчки тивити тамом тараб олимаган. Бировни ўғри дейиш қийин. Жуда нозик бир иш. Аҳмаджоннинг шу чигал учини топиш пайида келганини Ҳамид билмайди, билса у ҳам оғриниши мумкин: раис нега менга айтмади? Демак, менга ҳалл ҳам тўла ишонмайди! Хаёлини Ҳамид бўлди:

— Мана шу ерда озгина ёллашайлик. Бирон косадан тоза қимиз ичайлик. Мана бу отларни кўринг: кўз қувонади. Аммо ўз отларимизни шу ерда қолдириш керак бўлади, йўқсам, ўзимизни ҳам йўлатмайди бу айғирлар.

Улар отларни яланғочлаб, тушовладилар-да, сайҳонга ҳайдаб юбордилар. Ўзлари ёнбағирга, ўтовга қараб юрдилар. Ўтов яқингинада кўринса-да, йўл кўпаймас, ўтов гўё орқасига суриларди, бунинг устига бир-бирига айқашиб кетган ўлар оёқдан чаларди. Ахирини, улар яқин бордилар. Уй бекаси уларни олисдан кўрган, ўтов биқинига шолча ва кўрпачалар тўшаб қўйган эди.

Аҳмаджон отлардан кўз узолмай қолди. Ҳамид чўккалаб мешини чайқалтириб, чинни косаларга қимиз суза бошлади. Муздек қуюқ қимизнинг нордон-туруш ҳиди димоққа гупиллаб урилди. Аҳмаджон аста симириб косани бўшатди-да, болишни буклаб бағрига тортганча атрофини кузата бошлади. Биялар айрим-айрим туркумларга ажралган, ҳар тўданинг ўз хўжайини — қўриқчиси бор. Бу хўжайин — айғирлар ҳаммаёқ яққол кўринадиган дўнглнкни эгаллашган: улар қулоқларини чимирганча ўз уюрини кўздан кечириб турибди. Биялардан биттаси тўдадан четлашса, айғир дарҳол унинг ёнида бўлади, ўз ақли билан изига қайтмаса, «ўзбошимча»ни

аяб турмайди: кифти билан тўртиб, ё бўйнидан тишлаб эгачилари ённга келтириб қўяди, ўзи яна жойига бориб, бўйнини чўзганча ғоз, ҳушёр туради. Нариги тепаликда туёқларининг усти оқ, пешонаси қашқа, бўйни узун, оёқлари узун, белдор айғир турибди. Чиройли, азамат. Аҳмаджон шу отга тикилиб қолган эди: тўдага бегона йўлай олмас, деб ўйлади у. Шунинг зотини кўпайтириш керак. Қани энди ҳамма айғир ва бнялар шу зотдан бўлса...

— Танидингизми?— Ҳамид тепаликда гердайиб турган айғирга имо қилди.— Бурноғи йили келганингизда тойча эди, ўтов олдида диконглаб юрган эди. Эсингиздами, бир отни қувиб келган айғир ҳикояси? Ушанинг боласи. Тунови куни денг аллақайси районнинг уюридан ажралган бир саман айғир кишнаб кела бошлади. Бу ҳам пешвоз югурди. Эҳ, ёш эди, деб афеусландик. Йўқ, бскор хавотирланган эканмиз, мухалифни чегарасига йўлатмади. Ҳў, нариги сайхонликда жанг бошлади. Иккаласи оёқларини тик кўтариб, гўё бир-бирини қучоқлаб олишди. Назаримда, жанг ўн минутга ҳам бормади. Қарасак, бизнинг тўриқ қашқа саман айғирнинг бўйнидан тишлаб бир парчасини узиб ташлабди. Ҳаммамиз таёқ ва чўқморлар билан ҳайҳайлаб ажратдик. Саман айғир елкасидан қони тирқираб, оқсоқланиб, келган изига қараб қочди, бу эса пишқириб, кишнаб ўз тепалигига келиб турарди. Унинг туришини қаранг.

— Уюрларни шу зотдан тарқатиш керак,— деди Аҳмаджон.— От деганнинг кучи билан бирга кўрки ҳам бўлсин.

— Ажойиб табиати бор бу айғирнинг,— деди Ҳамид отга аллақандай севинч ва фахр кўзи билан қараб.— Биласизми, фақат бегона отларгина эмас, синашта бўлмаган одам ҳам унинг чегарасига киролмайди...

Ҳамид от мадҳини сўзлар, Аҳмаджон эса унинг ҳикоясига қулоқ солиб ўтириб, айна вақтда, табиат қўли билан ясалган бу кўркин томоша қиларди: чўққиларга гўё эниб олган шу зангори осмону шу азим тоғларга, ҳаддини кўз илғамас шу яшиллик, шу қўю эчкилар, ўт узиб чайнашга ҳам эриниб лапанглаб юрган моллар, шу уюрларга, гўё нимагадир илхақ бўлиб қулоқларини чимириб турган шу айғирларга сингиб кетгандай эди, улар ҳаммаси бир бўлиб унинг ғоят чарчаган асабларини аллалардилар. У сесканиб Ҳамидга қаради, у ҳамон

гапирар, қашқа айғирни мақтарди... Тавба, ҳамма нар- сани кўриб, эшитиб ўтириб мудраган эканми-а?

Отларни эгарлаб келишди: улар миниб йўлга тушди... Қизиқ, чўпонлар турмуши ва чўпонлик деган тушунча шу кунларда Аҳмадjonнинг миясига михланиб қолган эди гўё, уни чиқариб ташлашга қанча уринса бу мих шунча чуқур ботар, оромини шунча қаттиқ оларди... Утов- лар ва уларни жиҳозлаш анча яхшиланди. Чўпонларнинг кийим-кечаги дуруст, радио гапириб туради, телевизор- лари, мактаблари бор. Чўпонлар табиатнинг мана шу беғубор қўйнида яшайдилар. Шаҳар ва қишлоқдаги кишилар бунга зор. Аммо нима етишмайди? Ҳа, умр бўйи бир хилда такрорланадиган иш: қишлоқнинг гав- жум ҳаётидан олисда, инсон учун зарур бўлган кўпгина қулайликлардан маҳрум. Булар ҳали-вери муҳайё қилин- майди. Бу ҳаёт тарзига кўникишнинг ўзи бўлмайди. албатта. Демак, чўпонлар бу ишга, бу тоғлик яйлов- ларга меҳр боғлайди; уларнинг табиатини шу меҳр тоб- лайди, етилтиради. Чўпонлик ҳаётимизнинг муҳим соҳа- си. Демак, бу ёқларга тез-тез келиб туриш, албатта, бирон зарурат билан эмас, меҳмонга эмас... чўпонлар ҳаёт тарзини қандай ўтказаётганини, кўпроқ нималар билан машғуллигини билиш, бу борада уларга ҳамдам- лашиш лозим. Хўш, бу йилнинг беш ойи тугади, олтин- чиси ўтяпти, ўзи нимага энди келди? Иш кўплиги важ- ми? Вақт топса, узилиб чиқиб келса бўларди. Давлатга жун, тивит сотиш плани бажариладими, қачон? Қанча ортади?

От пишқириб жиловни силтади. У сесканиб алампла- ли: улар жилгада боришарди, сайҳонлик бу ерда анча торайди, икки ёндаги тоғлар тобора баландлашар, яшиллик кўкка интиларди. Тоғлар бағрини тўлдириб эч- килар ёйилиб юрибди, ҳаммаси оппоқ. Аҳмадjon жилов- ни тортиб кўзларини ишқалади: жонворлар, чаман очил- ган пахтадай оқаришибди!

Олдинлаб кетган Ҳамид ўгирилди:

— Муюлишдан ўтиб қўнамиз,— деди. Аммо олдинда муюлиш ҳали кўринмасди. Аҳмадjon илжайиб, унга бир қараб қўйди-да, ўтлар орасида кўмилиб юрган эчкилар- га ҳавас билан қараб бораверди: хийла боришгач, Ҳа- мидни гапга тутди:

— Бу эчкиларни ким боқади?

— Қўлдош қипчоқ.

— Э, Қўлдошми. Яхши чўпон.

Ҳамид индамай, йўлида давом этди. Тепаликдан ит ҳуриб югурди. Баҳайбат, олапар ит. Ҳамид уни тинчитди. Афтидан, ит унга синашта эди. Олапар яна ўз юмушига, қўриқчилигига қайтди. Аҳмаджон жиловни Ҳамидга тутдирдию отдан тушиб, мучаларини ёзиш учун бир-икки керишди ва бир оз юрди. Нарироқдаги тепалик тиканзор эди. Одам белидан пастроқ ўсган қизил тикан. У тепалик сари аста кўтарилди. Юқорига чиққан сари, тиканзор қалинлашарди. Унда-бунда тиканга илинган тивитларга кўзи тушди. «Қизиқ,— деб ўйлади у, ичкарироққа кирди: тиканга илинган тивитлар тобора қалинлашарди. Лекин буларни кимдир чала йиғиб олган. Тозалаб йиғишга кимдир халақит берган, ё хавотирланиб, чала тергану қочган. Демак, тиканзор ўғрига «тароқ» хизматини ўтабди. Тажрибасиз ўғри эмас. Буни такрор текшириш лозим». — У тиканзорни мўлжаллаб қўйди-да, Ҳамиднинг ёнига келиб отга минди. Йўлакай Ҳамиддан бўш вақтларда чўпонларнинг нима билан машғул бўлишларини суриштира бошлади.

— Қўлдош сўнгги вақтларда айниди, ранс,— деди Ҳамид энсасини қашиб.— Тўғри, илгари ҳаммага ибрат эди.

— Айниди денг,— деди Аҳмаджон ўйчан ҳолда.

— Ичкиликка ружу қўйди.

— Анчадан бери ичадимми?

— Улфатчиликда бошқалар қатори оз-моз ичса майли эдику-я. Жиловини бериб қўйди араққа. Бунинг устига қимор ўйнаш ҳунарини чиқарди.

— Кўп маст бўладимп?

— Маст бўлиб йиқилиб ётмайди, биров билан мушталашмайди. Бақувват одам...

— Қиморхона қасрда, борганмисиз?

Ҳамид энгашиб от ёлини қўли билан тараб илжайди.

— Қўл тегадимми дейсиз?

— Чўталчи ким?

— Билмадим.

— Биздан қиморга яна кимлар қатнайди?

— Ҳозирча билганим Қўлдош. Қаттиқ сир тутишади.

Чуви чиқмаса буни билмасдик.

— Қўлдошнинг аҳволи қалай?

— Хароб.

— Нимага?

— Бой берди.

Аҳмаджон Ҳамидга синчков тикилди.

— Бунақа бепарқ эмас эдингиз-ку? Бояги қашқа ай-
ғирга ўхшаб ҳар ким ўз чегарасини қўриқлайдими? Ни-
мага менга хабар қилмадингиз?

— Қимор ўйнашини, ютқазганини кейин билиб қол-
дим.

— Бу жавоб эмас. Наҳотки дурустгина бир одам
йўлдан тойса, рўзгорига, колхозга зарар келтирадиган
ҳолга тушсаю ён-веридагилар қайрилиб қарашмаса, бе-
зовта бўлишмаса! Ахир, бу ерда сизлар қишлоқнинг бир
қисми бўлиб яшашларинг, у ердаги тартиботни қўллаш-
ларинг керак-ку, оғайни. Сиз булар орасида кўпни кўр-
ган кишисиз, ёшингиз ҳам улуг...

Олдинда тоғнинг туртиб чиққан биқини кўринди. Ҳа-
мид айтган муюлишга келинди. Яна яшил сайҳонлик
очилди. Утовлар, баъзиларининг олдида қуруқ тезак
тутаяпти. Нариди, тоғлар ўнгирида гоҳ шовқини ба-
ландлаб, гоҳ пасайиб Гуркираксой оқаётгиди. Бир
ўспирин бола югуриб келиб, Ҳамиднинг қўлидан жилов-
ни олди-да, отни миниб, раиснинг отини етаклаганча Гур-
кирак бўйига кетди.

Раис билан Ҳамид ёнбағирдаги ўтовга кўтарилиш-
ди. Қорачадан келган тикқомат аёл меҳмонларни кўриш
билан ўтов ёнида елиб жой қила бошлаган эди. Аёл
маънос, дард-ҳасрати кўнглида мавжланиб тургандай кў-
ринарди. Аҳмаджон аёл билан ҳазиломуз сўрашди:

— Хафя кўринмасиз, келин, нима, лўжайин билан ора-
ларингдан қора мушук ўтдимми? Ё ташлаб қочдимми ноин-
гаф?

Аёл меҳмонлардан хиёл нарида ерга қараганча ёпи-
даги ажриқни битта-битта юлиб жим ўтирди, кейин
нимагадир қаттиқ уҳ тортди, гўё хаёлини энди жамғариб
олди:

— Эркак устидан арз қилгандай бўладими дейман,
раис тоға,— деди у ахири.— Нима ҳам дейин, бошимдаги
эркакни ёмонламайин деб хўп чидадим. Энди сиздан
яширмайман.

— Эл аро тарқалибдию нимасини яширасиз.

— Ҳа, тарқалди. Аммо бир нима дейишга менинг ти-
шим бормади. Қилар ишни қилиб битирди, энди қайси
гўрга қочарди, ёнида сариқ чақаси бўлмаса, емай-ичмай
бўйнига осилган қарз қаддини эгиб қўйган, оёғига кишан

бўлиб тушган бўлса... Қаёққа қочарди, мол кетида, қанотлари шалвираган мусичадай ҳурпайиб юрибди...

Асов кулги Аҳмаджоннинг вужудини қамраб келди, у оғзини қўли билан маҳкам беркитиб тескари ўгирлиб олди, бояги қашқа айғирдай асов, ғайир Қўлдошнинг «ҳурпайган мусичадай» юришини кўз олдига келтиролмади...

Аёл сўзида давом этди:

— Тонг бўзаргач чиқиб кетади, тушда қайтади, ёввош тортган айиқдай ерга қараб овқат чайнайди. Ерга қараганча чиқиб кетади. Болаларининг юзига қараёлмайди, бети чидамаса керак. Қийналадики, энди у кўчага кирмаса керак, деб ўйлайман. Шунданми, на билай, кетган мол, нарсалар кўзимдан узоқлашади. Қишлоқда дурустроқ бир уй солишни орзу қилиб юрувдик. Келин олсак ўғил иккаласига рўзгор тузаб бермоқчи эдик. Одамлар орасида, кўп қатори меҳнат қилиб яшармикин деддик. Нима бўлди, уни қайси шайтон йўлдан оздирдию ўша умидлар бирдан пучга чиқди. Биласизми, тоға, шуларни ўйласам, бу яйлов торлик қилади, тағин тавба дейману, ҳар қалай, бошимдаги эркак-ку, деб буёғини аччиқ тишлайман...— у қўлидаги юлинган ажриққа жим қараб қолди...

— Мол нечтаю нарсалар нима эди?— гап қистирди раис.

Аёл чайқалиб гапида давом этди:

— Қўшоғидан ажралган қўйни бўри ейди, дердилар отам. Мен унинг қўшоғидан ажралиб кетганини сезмай қолдим, билсам-ку орқасидан югурардим,— у тиззасига шапатилаб қўйди.— Пандда қолдим, раис тоға. Олдин ичи кела бошлади. Шунча йил бирга умр қилиб, уйга кайф билан кирганини кўрмаган эдим. Кўрдим: ҳам кулгили, ҳам аламли... Ўзимга тасалли бердим: умри тоғтошда, мол кетида ўтяпти, ичи пишгандир, ё алам ўтгандир, нчса ичибди, дедим. Шу билан аламдан чиқса чиқа қолсин, деб ўйлабман мен содда... Йўқ, бошқа, тамом ёт қўшоққа қўшилган экан, раис тоға.

Раис индамади. «Тивитни тиканга Қўлдош таратган», деган хаёл унинг миясига михланди. Бу чигални ечиш фикри унинг хаёлини чувалтириб юборди. Аёл эса, узилиб қолган гапини улади:

— Ун бешта қўй эди. Семиртириб юрувдим. Кузда ярим-ёртиси сотилар, қолганлари тўйда сўйилар, деб ўй-

ловдим. Уч яшар новвос ҳам бошини чангайзаб кетди. Уғлининг тўйига атаган икки гиламини ҳам сотди. Ай-тинг-чи, энди қаёққа боради?

«Чакана хароб бўлмапти у,— хаёлидан ўтказди раис.— Аммо хотини сотилган нарсалар қаторида тивит-ни тилга олмади, ё билмайдими? Тавба, ҳаёт йўли шун-чалик қалтис, шунчалик тойғоқки, омонат босилган оёқ қаттиқ тояди...» — у даст турди. Ҳамид ўтов орқасида пишлллаб ухлаб ётарди. Аҳмаджон уни уйғотмади. Узи тоғ бағирлаб бораверди. Энди хаёлида фақат чўпон аёл-нинг эрига ғазаб ва гина аралаш куйиниб айтган ҳикояси айланарди. Қизиқ, ер очиш, қуриш, иқтисодни яхшилаш кетидан қувавериш, одамларнинг яшаш тарзини назораг-дан қочирдикми?.. Ҳа, унинг пули кўпайган, босар-тусар-ини билмай қадам ташлагану йиқилган. Мастлик, тур-ғизиб қўйишга узатилган қўлни тишлаган. Ҳа, қўшоғи-дан ажралиб чиққану бўри тортиб кетган. Тавба, наҳот бизнинг ташвиқот-тарғиботларимиз Қўлдош тоифаси-даги одамларга ўзлари тушиб кетаётган жарни кўрса-толмаса? Ё уларнинг кўзлари кўрми?

У хаёл оғушида оппоқ эчкилар ўтлаб юрган баланд ёнбағирга келиб қолди: у ёқ-бу ёққа аланглади; у қайси нуқтада ўтирибди экан?

Баландликда, ясси қоя устида таёққа илиб қўйилган чакмон кўринди: ана ўша ерда у. Ҳаммаёқ кафт устида-гидек кўринадиган бу хил нуқтани танлаш тажрибаси камроқ чўпоннинг ақлига кела қолмайди. Нимагадир шу лаҳзада раиснинг кўнглига ёруғлик қуйилгандай бўлди. У қоя томон ўрлай бошлади. Улкан мўйноқ ит қоя лаби-га оёқларини тираб чўнқайиб турибди, йирик кўзлари ҳеч тортинмай келаётган бегона одамда; иягини тиззаси кўзига тираганча гўё мудраб ўтирган эгасидан изн ку-тарди. Эгаси бир нима деди шекилли, у қоянинг нариги лабига бориб тумшугуни олдинги оёқлари орасига олиб ётди-ю, аммо қояга яқинлашган одамдан кўзини узмади.

Аҳмаджон қояга қадам қўйди ҳамки, чўпон тиззаси-дан бошини кўтармади, гўё у кўрмас, шарпани эшит-масди.

— Салом, бой ака, бардаммисиз!— ҳол сўради раис.

Қўлдошнинг кўзи чиндан ҳам юмуқ эди, у сесканиб ўгирилди. Ҳайратдан кўзларини ишқалади. У озиб кет-ган, ранги бир ҳолатда эди.

— Тун бўйи ухламадим, жонлиқни бўри безовта қил-

ди. Уйқу элитибди, сабил,— гўё узр сўради у.— Шарпанн эшитдим, Ҳамид деб ўйлабман.

— Биламан, кўзингизни ёғ босган, бой ака,— яна киноя қилди Аҳмаджон.— Сизнинг олдингизда ранс нима одам бўлибдики, танисангиз.

Қўлдош оёғи тагидан кўз олмай хийла ўтирди. Кейин аста ўгирилиб деди:

— Сира бунақамас, ранс бува. Юзингизга қарашга бетим чидамаяпти. Сизга ҳурматим қанақалигини биласиз-ку...

— Одамлар Қўлдошнинг елкасида ҳам кўзи бор дейишарди.

— Дейишарди... Энди рўпарангизда гуноҳга ботган Қўлдош ўтирибди. Фақат сувратим қолганга ўхшайди.

— Тўғри, ўзингизни йўқотиб қўйибсиз. Тоза қалб, бардамлик сизни ташлаб кетибди. Ҳувиллаб қолибсиз.

— Яшагим келмай қолди, ранс. Ёмон хаёллар келади бошимга: ўзимни шу қоядан отайми дейман...

— Нима, мендан маслаҳат сўраяпсизми? Ўзини қоядан отадиган одам бировга айтмайди.

— Ҳувиллаб қолганим рост. Қандай яшаб бўлади ахир?

— Сизга қийин, албатта. Дўстларингиз, ҳалол одамлар сиздан юз ўгирибди. Уйингизга бегонага ўхшаб кириб чиқсангиз керак. Хотинингиз, болаларингиз юзига тикилолмасангиз... Ҳувиллаб қолганингиз шундан. Илгари сизни одамлар ишончи, меҳри кўтариб юрарди.

Қўлдош ияги тиззалари орасида, елкаси силкиниб, ҳиқиллаб йиғлади. Аҳмаджон жим унга қараб ўтирди. Кейин гапида давом этди:

— Йиғи одамнинг раҳмини келтириши, ғазабини қўзғатиши мумкин. Аммо йиғига меҳр қайтмайди. Чунки йиғи ожизлик белгиси. Ожизлик кишида ғазаб қўзғайди. Бир эсланг-а: пиёла тўла арақни кўкрагингизни кўтариб, ўзингизни мард кўрсатиб симиргансиз. Кайф қилиб кетаётганингизда ўзингизни бу тоғлардан баланд сезгансиз. Чўнтагингиз пулга тўла бўлганда ён-верингиздагиларни менсимай қўйгансиз. Чунки ўшанда ҳалқумингизга ҳаром аралашган эди. Биласизми, мастликка ружу қўйган одам ҳамма етовга юради, етовга эса ҳайвон юради. Жиловингиздан етаклаб қиморхонага олиб борган ҳам шу арақ. Олдин ютдингиз, пулинг саногини йўқотдин-

гиз. Ушанда сиздан хотам, сиздан мард одам йўқ эди назарингизда. Шундоқми?

Қўлдош бош кўтармас, ҳамон ҳиқиллаб йиғларди, Ахири ундан нидо чиқди:

— Ҳаромдан қўрқаман.

— Биламиз, ҳаромдан қўрқардингиз, энди қўрқмай-сиз. Қўрққанингизда жиноятга қўл урмасдингиз. Тиканзорга мол ҳайдаб тивит таратишдан қўрқмабсиз-ку, ҳаромдан қўрқасизми?

Қўлдош ёш тўла илтижолли кўзларини раисга тикди.

— Айтдим-ку, суратим қолган, жоним йўқдай...

— Талмовсираманг. Бу жавоб эмас. Жон кирсин десаңгиз ростини айтинг: ким ўргатди?

Чўпон атрофга аланглади ва туйқусдан итга ўшқирди:— Бу ерда чўзилиб ётма, ўликка ўхшаб. Бор, анави чўққига тармашаётган эчкиларни қайтар!— у қўл билан чўққини кўрсатди. Ит гўё учиб кетди. Эчкиларни қайтариб ёнбағирга туширди-да, ўзи чўққи дамида бу ёққа қараб чўнқайиб ўтирди.

— Ҳозир молларга менадан кўра, шулар асқатяпти,— деди у. Кейин раиснинг сўроғига жавоб бера бошлади:— Атайдан таратиб олмадим, раис. Мол-да, тиканзорга оралабди, тивити тиканга илинибди. Шундан озгина те-риб олувдим...

— Бу гапмас,— деди раис.— Жиноятингизни оғирлаштиряпсиз. Қани, туринг, ўша тиканзорни бориб кўрайлик. Эчки ўз майли билан кирармикин, тажриба қилиб кўрамиз.

Қўлдош раиснинг авзойи ўзгарганини фаҳмлади. Ўтирган уридан кўзгалолмай, уэр сўради:

— Кечиринг, раис. Тўлайман.

— Буниси бошқа гап, ўйлашиб кўрса бўлади бунини,— деди раис хийла юмшаб.— Аммо «тикан-тароқ» усулингизни бошқалар такрорласа ҳам жавобгарлик сизнинг зиммангизда.

Тоғ ҳавоси, очикда мириқиб ухлабди. Кўзини очса осмон тиник, қор чойшаби ястанган чўққига кун шуъла ташлабди. Ёнида Ҳамид йўқ. У тонг бўзариши билан туриб, раисни уйғотиб юбормаслик учун аста кийиниб чўпонлар ёнига кетган эди. Раис кеча унга шашир ва бетага ўтларидан бу йил кўпроқ ўрдириб, машина кела

ладиган жойларга ғарам қилдириб қўйишни тайинла-
ан эди. Ҳамид шу топириқни бажарди: чўпонлардан
зенолар тузиб, пичан тайёрлашни гаплашиб қайтди.
Ҳмаджон бир неча йиллардан бери сўқимга ва бўрдо-
ига боқилладиган мол ва қўйларга шу ўтлар пичанни
олқон қилиб едиради. Хушхўр бу ўт молларни тозалай-
ди, мол иштаҳага кириб, олдига солинган хашакни иш-
ўрд чиқармай ейди.

— Нега тонна йиғишади?

— Бетага билан шашир мўл бу жойларда. Ун-ўн беш
тоннадан йиғишар.

— Қўпроқ йиғиш керак. Қанча кўп бўлса шунча ях-
ши. Меҳнат ҳақини яхши тўлаймиз. Тоғдап дуруст фой-
даланмаямиз, оғайни.— У тоғ манзараларига назар
гашлаб, от йўрғасига хиёл чайқалиб борарди — қорасо-
зуқ ва қурғоқчилик оқибатида тоғ ўтлари камайиб бора-
ёттибди. Шундай илож тонши керакки, тоғлар доим яш-
наб турсин. Хўш, сиз нима дейсиз, ўртоқ мудир?

— Қошки эди иложи топилса.

— Иложи бор,— Аҳмаджон от жиловни тортиб, тоғ
бағрига тикилиб қолди.— Анави какликнинг гердаиб
туришини кўрдингизми?— Ҳамидга имо қилди.— Жуда
гўзал-а?

Ҳамид ёнбағирга разм солди: нарироқда, қоя устида
қора томоқ, қизил мижаа каклик кўкрагини кериб ту-
рибди. Ҳеч парво қилмайди. Нарини ёнбағирда бошқа
бир каклик сайради, бу хушёр тортиб ўша ёққа ўгирилиб
қулоқ солди-да, қийқириб учди. Аҳмаджоннинг чеҳраси
тамом ёришиб, отни аста йўрғалатди.

— Ҳозир улар хумордан чиққунча чўқишади, иккиси-
дан бири «тавба» қилгунча тенишади. Сиз какликбоз
эдингиз-а, Полвон ака? Ҳозир ҳам уйда бордир зўр тул-
лакларини?

— Йўқ. Олдинги йили икки туллак билан иккита ма-
киёни жуфтлаб учиртирдингиз-ку. Ушандан бери қафас-
да асраш, каклик уриштириши йўқолган, ранс.

— Тоғ паррандалари орасида каклик бошқа. !!!у қуш
бўлмаса, назаримда, тоғ гўё ҳувиллаб қолганга ўхшайди.
Бурноғи йилдаги қаттиқ қишда қор қалин ёғиб, каклик-
лар қирилиб кетди. Узиям ўлгудай ношуд қуш. Тўп-тўп
учадию кўзи тиниб, боши қорга санчилиб қолаверади.
Чўпонларга тайинланг, какликни тутиш ва отини қаттиқ
тақиқ денг. Эсингиздами, анави баланд тоғлар бағрида

яқин вақтларда ҳам кийик ва алқор гала-гала юрарди. Чолларнинг айтишларига кўра, бу тоғлардаги ёнғоқзорлар, арчазорларда айиқлар, ҳатто йўлбарслар бўларкан. Хўш, қани улар, қаёққа кетишди? Қани энди ўша ёнғоқзор, пистазорлар? Сиз билан мен бу жойларда ўт кўкартириш, паррандаларни кўпайтириш иложини тополмай юрибмиз. Ҳа, катта деҳқончилик қаторида булар ҳам гоят муҳим, ўртоқ мудир. Мана ҳозир ўтиб бораётганингизда рўпарангиздан кийик ва алқорлар галалашиб қочса ёки нариги ёнбағирда туриб бўйинини чўзганча қулоқларини диккайтириб қараб турса, кўнглингиз кўтарилмайdimи? Таъбингиз хуш тортиб кетади, ошна! Эсингиздами, дарё бўйидаги тўқайларда, шолпзорларда тустовуқлар олдингиздан патиллашиб кўтариларди, қип-қизил хўрозни қамишлар орасида писиб ётарди. Мана энди болаларимиз тустовуқ десангиз ағрайиб оғзингизга қарайди. Яхшими шу? Йўқ, оғайни, бунинг учун халқдан раҳмат эшитмаймиз, аксинча, ланж, бепарво одамлар қатори бизларни ҳам ҳайдаб юборса арзийди...

— Анави булоқбошида бирпас ўтирайллик-а,— деди Ҳамид ва отини тўхтатди.— Суви шундай ширин, ичсангиз роҳат қиласиз, кўксингиз кенгайди.

— Таърифини жудаям орттирвордингизми?

— Татиб кўринг-а, орттирворганикинман?

Раис мажнунтол тағнда, ажриқзор майдонда ўтириб, Ҳамид узатган пиллаини қўлига олди-да, аста симирди. Чиндан ҳам сув тиниқ, ширин, ҳатто чойдек кўюк. Таъбир кўкси гўё яйраб кўтарилди. У яна бир пилла ичиб, қўлларини иягига тиргович қилганча майдонга кўзилди. Шишадек тиниқ осмон қаърида узук-юлуқ оқ ҳарир булутлар гўё кўкка ёпишиб олган, пастроқда, чўққига узала ястанган музлик устида эса, қорамтир булутлар ғужғон ўйнар, хиёл ўтмай туя карвонлари спигарни тизилиб пастки тоғлар бағрига, жилғаларга ёпирилар эди. Анави ўтлоқда гуллар ҳиди ҳаммаёқни гўё буркаб олди; кетидан ёнбағир ва жилғаларга жала савалади. Аҳмаджон шу ёнбағирдаги қуюн пардасига тикилиб қолди. Утган йили баҳор ва ёз бўйи бир марта ҳам дурустроқ ёмғир ёлмади. Мана шу вақтда бу музлик жуда юпқа тортиб, кичрайиб, гўё кўзга кўринмай қолган эди. Июль охирларига бориб Чодаксой суви тош ва шағал тагида жилдираб оққан, сойнинг икки бағрига жойлашган ҳовлиларга сув чиқмаган, аёллар ушоқ елкаларида кўза, қўл-

ларида бемак эртадан кечгача чумолидай тизилиб сойдан сув ташир эдилар. Томорқалардаги экинлар қовжиради, дарахтлар август кирмай хазанак бўлди. Бундай қурғоқчилик қайталамайди, деб ҳеч ким кафил бўлолмайди. Табиат ўз ишини ўз билгича давом эттиради. Аммо аҳолини бу машаққатдан қутқазиб бўлмайдимиз?

У Ҳамидга ўгирилди:

— Бу атрофда булоқлар кўпми?

— Кўп. Нариги жилғада йигирма чоғли, бунисида ўттиздан ошади.

Иккаласи кун тиккага келгунча булоқларни бир-бир кўриб чиқишди. Аҳмаджон битта жилға булоқлари сувининг ярми икки-уч кубометрдан ортишини чамалади.

— Биласизми, нима қиламиз, Полвон ака?— деди у Ҳамидга қараб, айни вақтда пешонасидаги дона-дона терни бармоғи билан сидириб ташлар экан.— Демак, билмайсиз. Бўлмаса, билиб қўйинг: бу сувни қувурларга қамаб, Гулистон қишлоғининг биқинидан ташлаймиз. Чодакнинг ўнг биқинидаги адирлар устида қатор тизилган уч-тўртта катта ҳовуз ҳосил қиламиз, сув шу ҳовузларнинг бирдан иккинчисига ўтиб бораверади. Тахминан юз йигирма минг аҳолини — бўлғуси Навбаҳор, Пунгон, Чодак районлари ва Фурумсарой аҳолисига бемалол етадиган муқим сув бўлади...

Ҳамид унинг ишонч билан гапиришига қараб қолган эди. Аҳмаджон унинг паришон қарашини кўриб кулиб юборди.

— Нима, ишонмаяпсизми? Қўлимиздан келмайдимиз?

— Қелади. Гап бунда эмас. Чамамда, хаёлда нақд қилиб қўйяпсиз. Озмунча қувур керакми? Бу сувни олиб бориш, бетон ҳавзаларни бунёд қилиш уч-тўрт йилнинг иши эмас. Ундан кейин районлар олдин тузилсин, аҳоли жойлашсин. Бу ҳам кейин тортилар...

— Э!— деб хитоб қилди раис.— Ҳатонинг бошини ҳозирдан эътиборан сиз бошляяпсиз, дўстим. Гап шундаки, бу районларнинг бунёд бўлишга ишонсангиз, сувни районлар тузилмасдан, аҳоли кўчиб жойлашмасдан олдин етказиб, муҳайё қилиб қўйиш керак. Шунда, фақат шундагина сиз бунёд қилган ҳовлилар тез орада аҳолига гавжум бўлади.

— Қаердан келади аҳоли бу жойларга?

— Оббо сиз-е,— деди раис хурсанд жилмайиб,— буни ҳали ўйлаб кўрмаганман денг. Ҳамма қишлоқлари-

миздан: Чодак, Гурумсарой, Пунгондан кўчиб чиқишади, теварак-атрофдаги қишлоқларнинг тигиз аҳолиси келиб жойлашади. Масалан, Чодакка ўхшаган аҳолиси ўзига сигмай қолган қишлоқлар озми? Сиз олдида томорқаси яшнаб турган уйларни бино қилиб қўйинг, уйларида жўмрагини бурасангиз водопроводдан тиниқ суви келиб турса, ким кўчиб келмайди? Суви бўлмаса, сиз қуриб қўйган шаҳару шоҳона иморатларнинг кимга кераги бор? Худди шунинг учун ҳам неча миллион сўм сарф бўлишидан, меҳнати оғирлигидан қўрқмай, булоқлар сувини аяббатта элтиб қўйишимиз керак, ўртоқ мудир. Сув биринчи даражали эҳтиёж. Бир ўйлаб кўринг-а: дарё оқиб турмаган бўлса, аждодларимиз нуқул тошдан иборат бу даштга макон қураармиди? Иккинчидан: қирғоқдаги уйларнинг ҳар тошқинда сув қаърига тортиб кетса ҳам дарё бўйдан нари уй қурмаганлари шу эҳтиёж устунлигидан эмасми?..

Аллақайси қояда каклик сайради. Ҳамид қўли билан оғзини беркитиб: «Ҳим!» — деди. Аҳмаджон аланглади. Иккаласи писиб ўтиришди. Аммо каклик кўринмасди. Шу орада бир каклик сайраганча учиб келди-да, нариги булоқ олдига қўнди. Қувоқлаб, ер титиб сув лабига келди, булоқ лабидаги қумларни хийла синчковлик билан титкилади. Ҳамид Аҳмаджоннинг қулоғига пичирлади:

— Тўр кўмилганми-йўқлигини текширяпти. Кўмилмаганга амин бўлса, сув ичади.

Тўр кўмилмаган эди. Туллак булоқнинг бир лабидан ўн икки марта сув ичди, кейин иккинчи лабига ўтиб, яна ўн икки марта сув ичди. Кейин сув бошидан анча нарига йўрғалаб борди-да, кўкрагини кериб, бўйинини чўзиб, бир-икки бор товуш берди. Туркум-туркум какликлар учиб келишди. Улар булоқ суви оқаётган ариқчанинг икки лабига қатор тизилиб сув ича бошлашди: бири-биридан чиройли. Улар сув ичиб учиб кетингач, Аҳмаджон Ҳамидга тайнилади:

— Овни тақиқланг, оғайни. Фақат, какликларни эмас, ҳамма қуш ва жониворларни ўлдириш эмас, кўпайтириш керак.

XVI

Кун бирданига қаттиқ исиб кетди. Суғоришни икки сменага кўчириш, кечалаб суғоришга зўр бериш зару-

рати тугилди. Демак, колхоз шифохонасини ёз бўйи сувчиларга биркитиб қўйиш, уларни врачлар назоратида алоҳида дам олдириш лозим.

Аҳмаджон кўпроқ вақтини пахта далаларида, сувчилар орасида ўтказиб юрди. Ана шу қисталанг кунларнинг бирида Тошкентдан, Марказий Комитетдан телефон қилиб, Навбаҳорда иш қандай бораётганини, экилган чигит унинг чиқдими, кўкариши қанақалигини сўраб қолишди. Аҳмаджон дарров жавоб қилолмади, тили гўё оғзига сиғмай қолди. Нима десин, қурилиш яхши боряпти, пахтанинг кўки дуруст десинми? Ёлғон!

— Нима бўлди сизга, Одилов, нега индамайсиз?

Раис энди ноиллож эди, ахири трубкага оғиз жуфтлади:

— Чигит унмади, унинг чиққанларини шамол учуриб кетди, қум тагида қолди: канални баҳор киргунча биғказиб бериш тўғрисидаги ваъда ёлғон бўлиб чиқди, қурилиш эса, қарийб тўхтаб қолди...

— Нима бўлди сизга, ваъдаси бутун йигит эдингизку, ука?

Бу норози товуш Аҳмаджоннинг миясига санчилиб қолди. У телефон трубкаси шик этиб қўйилганини аниқ эшитди. Демак, секретарь гапнинг бу ёғини эшитишини истамади. Ваъдасининг устидан чиқмаган одам билан нимани, нимага гаплашсин? Қўлида трубка, у турган жойида гўё қотиб қолган эди, «дуд, дуд» деган қалта гудок уни ҳушига келтирди. Трубкани жойига қўйди. Вужудидан муздек тер қуйиб кетганини энди пайқали, худди безгак хуруж қилиб келгандай, тишлари шақилларди.

У ташқарига чиқди. Беихтиёр машинага ўтириб, юргизди, беихтиёр катта йўлга бурди. Ҳозир у қаёққа, нима учун бораётганини ўйламасди. Ушанда, Навбаҳор ерларида бу йилданоқ пахта ундирамиз, деб бутун республикага эълон қилмаганида, ҳозир бу аҳволга тушмас, бу ҳақли таънани эшитмас эди! Ушанда бу гапни айтишга нимага кўна қолди? Ҳали қазилмаган каналда лимиллаб оққан сув унинг кўзини саробдай қамаштирган, таваккал қилган эди. Мана энди ўша «таваккал»нинг азобини узоқ тортади...

Хаёлдек тез учиб бораётган машинани у таққа тўхтатди. Шахт билан тушди-да, ариқдан сакраб пахтазорга ўтди. Суви эндигина ташланган, яшнаб турган пайкал

ўртасида анчагина жой ғўзалари қорайиб кўринарди. Раис шитоб билан шу ёққа қараб юрди: «Одилов, Довуджон Одилов қани?» Шийпонда чой ичишиб ўтирган сувчилар шошиб қолишди. Шийпон орқасида Довуджоннинг шопмўйловли катта боши кўринди. Раиснинг авзойини кўрдию юзидаги жилмайиш ўрнида безовталиқ пайдо бўлди. Раис сув эгатдан югургилаб ўтиб кетган ғўзалар ичини оралади, звено бошлиғига шалпайиб ётган ғўза баргларини кўрсатди: «Ҳансирашини эшитяпсизми? Ўзларинг кўк чойни қониб ичасизлар, хўш, булар ўғайми?»—«Кечаси қоронғида пайқамай...»—«Йўқ, жавобмас бу,— деди раис.— Булар томоғи тақиллаб, кўзингизга мўлтираб турибдию кўрмайсизми? Йўқ, бу жавобмас...»—«Тузатамиз, ука... кечиринг раис...»—«Йўқ, энди сиз тузатмайсиз. Тузатадиган жонкуяр топилади. Илғор звено эканмиз, деб ҳаммангизнинг кўзингизни ёр босибди. Энди мол боқасиз, чорвадорлигингизни қилаверинг».

У тез юриб ариқдан сакраб ўтдию машинага ўтирди-да, физиллаб кетди. Довуджон тик қомати ногаҳон эгилиб, турган жойида оёғи билан ер чизиб қолди. Орадан хийла вақт ўтгач, шерикларига маъюс илжайиб қаради: «Боплаб қўлга туширди»,— деб қўйди. Улар саросимада эдилар, жавоб ўрнида ерга қарашди. Довуджон мўйловини кўрсаткич бармоғига бураб хаёлга толди: бу ёғи қандоғ бўлди?

Машина катта йўлда тез борарди, у йўлакай ўйларди: ташна ғўзага назари қандай туша қолди? Ўтиб кетса бу таъбиҳираллик бўлмасди. Йўқ, кўзи тушгани яхши бўлди, унинг ён-веридаги звеноларга ҳам сабоқ!

Теварак-атроф дашт-адир, олисда гердайиб турган тоғлар аллақандай хаёлчан, сирли кўринади. Машинани канал кўприги устида тўхтатиб, у мунгли даштлар ва тоғларга бирпас қараб турди-да, нимагадир бош чайқаб, машинани пастликка, тол салқинига тушириб қўйди, ўзи канал бўйлаб қурилиб битмаётган насос станцияси томон юрди. Қолхозчилар бу қурилишга «туя гўшти еган» деб кулишади. Хаёли эса яна ўша таваккалчилик оқибатига қайтди. Қизиқ, бунисидан қутулиш учун қувлашга ҳаракат қилса, иккинчи, нохушликка йўлиқяпти: қордан қутулиб ёмғирга йўлиққандай, наҳот у энди ишончдан маҳрум бўлса... Ахир, эс таниб ўзини халқ билан, партия билан боғлади, ўзини халқ хизматига шайлади, одам бў-

либ яшаш йўлини излади. Бу йўлдаги курашда дўстлар билан ёнма-ён душманлар ҳам орттирди, душманлари уни шу таянч нуқтадан тойдириш учун олишдилар. «Ҳа, улар писиб ётишгани йўқ. Бу ёт алафлар кимларнингдир кўксидан сув ичиб кўкараётибдилар. Мана энди чалиб йиқи-тишга уринаётибдилар...

Шу насос станциясининг гўё ҳаммаси битган, мотор юргизиб юборилса бас, каналдан сувни ўзп тортаверади. Аммо мотор нимагадир юрмайди, айтншларича, аллақандай муҳим қисм етишмасмиш: йиллар ўтяптики, сугун кетидан эрта, индин қувлаб келяпти, бироқ станция сувни тортмайди. Ахир, масъулиятсизлик, бегамликнинг ҳадди йўқми! Агар бу станция вақтида сув чиқариб берса, камида яна икки минг гектар ер ишга кирарди, йўқ деганда чорвага оз-моз хашак кўшар, тупроқ мағзи кўпаярди. Бу оёқдан чалиш эмасми?»

У оёқларини оғир кўтариб босарди, вужудида қаттиқ чарчоқ сезди, соҳилдаги майса устига ўтирди. Каналнинг салқин ели уни гўё аста тебратарди. Ўтирган ўрнида у мудрай бошлади... Тоғ томондан анча олисда оқ машина келаётибди. Кун ёғдусини сира аямай гўё шу машина устига тўкарди. Қараган кўз қамашади. У рўпарада, йўл устида тўхтади. Узун оқ кўйлак кийган сарвқомат аёл ундан тушиб Аҳмаджон сари юрди. Қўлида аллақандай ялтироқ елпигич, таманно билан қадам босиб, ўпкаланиб, ишвалар қилиб келарди, бу ёқларга келганимга йил ошди, бир бор йўқламадингиз, мен келарда сизга нишонган эдим.

Аҳмаджон тамоm ҳушёр тортди:

— Яқинлашма, мегажнн! Жонингдан умидини бўлса, орқанга қайт!— ўшқирди у.

Аёл машинаси томон югурди. Белидан наст тушган икки ўрим сочи икки қора илондай тўлғанарди. Чиройли, ялтироқ илон!

Аҳмаджон унинг машина ёнига қандай етиб, қандай юргизганини пайқамай қолди. Олисда кетаётган машина кўзига гугурт қутидай кўринди. Ўридан аранг туриб, кўзини ишқалади. Ғалати, ғайритабиий ҳодиса!

У битта-битта келиб машинага ўтирди: йўқ, бу тузоқларга илинмаймиз!

У ҳовлига кириши билан қизчаси Ўлмасга кўзи тушди. У чалакам-чатти қадам босиб, гандираклаб, қучоқ очганча қийқариб дадасига югурди:— Дада!

— Ие, ие, оббо сен-э! Ийқиламан ҳам демайсан!— У югуриб келиб қизчани қўлига олди.— Оббо сен-э, йўлга ҳам кириб олибсан.

Ота-боланинг бир-бирига ёпишганини кузатиб, айвонда яйраб турган Чиннигул гап қўшди:

— Ҳар куни дийдорингизга зор ўтирсам, югургилаб юрганганимни кўрасизми, дегин, Улмасхон,— қизчасининг тилидан ўпкалади Чиннигул.

— Бу дейман она-бола тил бириктириб олганмидиларинг, Улмас, оббо сен-э. Гапим жуда кўпайиб қолган дегин ҳали,— деди Аҳмаджон. У ғубордан тозаланган, тамом енгил тортган эди.

— Ишингиз бор бўлсин, илойим, дадаси, болалар билан бир-икки соат бирга бўлишга ҳам фурсат топингда. Ташна бўлиб кетишди-я боёқишлар. Катталарининг эси бор, сездиришмайди. Аммо буниси... кўряпсизми?

Аҳмаджон индамади, Улмас дадасининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб, лўппи юзиди унинг қиринишга ҳам улгуролмаган дагал юзига ёпиштириб олган, гўё сал бўшатса, дадаси тағни кетиб қоладигандай.

— Тавба, бушингиз бошқача,— деди Чиннигул ҳайратини яширолмай.— Мунча ёпишмасанг, Улмас, дадангнинг ҳеч ким тортиб олмайди.

Улмасдан эса садо чиқмади, дадасига қаттиқроқ бурканди. Аҳмаджон сўрига ўтириб, уни тиззасига олганча ўйларди: «Фурсат топиш керак. Чиннигул ҳақ гапни айтди.» Тўғри, у илк баҳордан бери асосий вақтини Навбаҳорда, далада ўтказди. Қўпичча Навобаҳорда — штабда тунани. Уйга кам келди, келганда тун ярмидан ошган бўлар, Улмас унинг қай вақтда келиб кетганини билмай қоларди.

Чиннигул слиб-югуриб овқатга унларди. Аҳмаджон қизи тиззасида, унга қараб ўтириб, ёшлик дамларини эсларкан, мийнига кулги югурди. Усмрлиги ўтиб жўшқин ёшлиги бошланган кунлар эди. Унинг муҳаббати тўлқиндай тошиб келди. Чиннигул ўшанда лўппигина, истараси иссиқ қиз эди. Аҳмаджон маҳалла қизлари орасида уни севиб қолди, ўзига ҳам худди шундай деди.

Бир куни кечқурун онла аъзолари жам ўтиришганда у акаси Довуджонга гуйқусдан:

— Энди уйланиш навбати менга келди, ака,— деди

тантанавор ҳам жиддий тусда. Кейин бувисига ўғирилди:— Тараддудни кўраверинг, буви.

Ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, дабдурустдан айтилган бу гап акаси ва бувисини ҳам ҳайратга солди. Улар бир-бирларига илжайиб қарашди. Бу ёшликнинг биринчи тўлқини, ўтиб кетар балки, деб ўйлашган эди улар.

Аммо бу сукут Аҳмаджоннинг ғашини келтирди:

— Дамларинг чиқмай қолди, нимага? Сўзим ғалати ботдими?

— Йўқ,— деди Довуджон,— аммо жиддий гапми?

Аҳмаджон акасига хийла тикилиб қолди:

— Қизиқ, пожиддий ҳам гаплашармидик ўзи?

У яна бувисига юзланди:

— Гап жиддий, буви. Тараддудни кўраверинг.

Баҳри опа ўғлини яхши билади. Еш бўлса ҳам ҳавоини гапни кўтариб юрмайди. Шундай бўлса-да сўради:

— Олдин, ўғлим, қиз топиш, кейин... расм-русм бор...

— Қиз топилган, буви. Ташийсиз — Чиннигул. Совчи юбораверинг.

Баҳри опанинг кўзида ёруғ табассум пайдо бўлди.

Тўй савдоси узоқ чўзилмади. Аҳмаджоннинг муҳаббатидай тез ва жўшиб ўтди. Мана энди мундоқ ўйлаб қараса, кечагидай туйилган ўша гапга, э-ҳа, чорак аср тўлиб, орадан яна бир неча йил ўтибди. Вақт шунча тез ўтибдию Аҳмаджон сезмай қолибдими? Нимага? Масалан, ўғли Анвар институтни тамомлади, уйланиш тараддудида юрибди, қизи Матлубадан невараси бор (бир кунни буvasи уни қўлига олувди, Улмас қилди жанжални!), Акбар ўнинчи синфни тамомлапти: Турсунали билан Баҳодир ҳам мактабда, бир-бирини қувлаб бориш-япти.

Тиззасида ўтирган мана бу Улмас уйнинг нури, қоронғиликни чироқдай қувиб туради.

Чиннигул дастурхон ёзди ва нон билан бир коса қатиқланган мастава келтириб қўйди. Кейин қизига қўл узатди:

— Улмасхон, менга кел, даданг ошларини ичиб олсинлар.

Улмас боши-боши қилди: «Боймайман».

— Бунга ҳам қуйиб чиқинг, менинг ёнимда ош ичади. Шундоқми, қизим?

Қизча суюниб кетди.

Улмас пишиллаб, ярмини тўкиб ҳафсала билан ош

ичарди. Ҳали икки ёшга тўлмаган қизчасининг мустақил ош ичаётганига завқ билан қараб турган Аҳмаджон ногаҳон кулиб юборди. Оғзига қошиқни энди олиб борган ўлмас, кўкрагига ош тўкилиб, дадасига ағрайиб қолди. Ичкаридан чиққан Чиннигул:

— Дадангининг кулгиси бор бўлсин, қизим. Сени қўрқитиб юбордиларми?— деди-да, қизининг партугини ечиб, бет-қўлини ювиб артди-да, яна дадасининг ёнига келтириб қўйди.

Ўлмасни гапга солиб ўтириб, уйдаги бу ором таъсирида Аҳмаджонни уйқу элита бошлади. Ўлмас нималарнидир қўшиқ қилиб айтар, момиқ қўлчалари билан дадасининг юзини силарди, оиладаги бу осойишталик, бу ором дадасини аллалар эди. «Тавба,— деб ўзига хитоб қилди у,— катта, оғир ишларга одамларни руҳлантира олган киши наҳот кунига ақалли бир-икки соат булар билан ором олишга фурсат топмаса! Йўқ, топса бўлади, топиш керак. Ё бу оромни барқарор қилиш унинг бедор туришини тақозо қиладими? Ҳаёт ўзи шундай тузилганми?»

Кимдир Аҳмаджоннинг елкасидан тортгандай бўлди. У бетини ёстиққа буркади. Елкасидаги қўл уни қаттиқроқ силкитди. У чўчиб кўзини очди. Қараса, тепасида Чиннигул жилмайиб турибди.

— Бувим келяптилар, туринг.

У кўзини ишқалаб қадини кўтарди.

— Дарров кўз илинибди-я, айб санда, Ўлмас, қўшиқ айтиб мен аллаладинг-да, қара, мен ухлаб қолибман,— деди-да, сўридан тўшиб, бувисига салом берди.

— Яхшимисиз, буви. Бизнинг бахтимизга омон юринг. Қарангки, шу кунларда сизни кўришга вақт топиб келолмайман. Кечиринг, буви...

Кампир, одатича, эшикдан кириб ўғлининг бошини кўксига босгани йўқ, келини шоша-пиша солган кўрпачага ҳам ўтирмади. У жуда жиддий, маъюс, ҳатто дарғазаб кўринарди. Бувисининг сира кутнлмаган бу авзойи Аҳмаджонни довдиратиб қўйди. «Қанча хафа бўлса арзийди,— деб кўнглидан ўтказди у.— Ҳали пати чиқмаган, тумшугининг сарғи кетмаган жўжадек чийиллашиб унинг этагида қолдик. Бизни оёққа бостиргунча, одам қилгунча бу аёл не-не машаққатларга, маҳрумликларга дош бермади, тиркчилик юки елкасидан босганда у букилмади, аксинча, қадини баландроқ кўтарди, инсон-

лик фазилатини ерга урмади, ҳеч ким ҳеч қачон таъна тошини отадиган доғ юқтирмади ўзига, ҳам яраси юрагини қаттиқроқ тирнаган кезларда ҳам кўз ёшларини ҳатто болаларига кўрсатмади, болалари қувнашаётганини кўрганда, дард-алам юрагини кўрғошиндай босиб турса ҳам, бу қувончни улар чеҳрасида узоқроқ сақлашга, сўндирмасликка тиришди. Аҳмаджоннинг эсида, тонгдан қора кечгача далада гоҳ чопиқ, гоҳ ўтоқ қиллар, куз кирди дегунча этак боғлаб пахта терар, қош қорайганда уйга қайтиб «жўжаларга» овқат пиширар, уларнинг йиртигини ямарди. Кичкиналар ухлаганда, катталарини ёнига олиб, томорқадаги экинни йиғиштирарди...

Унинг қадрига ҳозир, кўзи очқилигида етиш керак. Токи у тортган машаққати мевасини кўрибгина қолмасин, ундан тўла баҳраманд бўлсин... У бувиспга синчков разм солди: бувиси жуда қарибди, ажинлар қат-қат, сийрак сочлари оппоқ ингичка шаклдай йилтирайди, кўзлари, болалигидан Аҳмаджонга азиз, меҳрибон ўша йирик, ўткир кўзлар нурсизланган, теран косаси тагида йилтирайди. Унинг юраги орқасига тортиб кетди, бувисининг чиройини очиб турадиган ўша кўзлари, кенг қовоқлари ўрнида сўниб бораётган қарилик қолди. Йўқ, фурсат топиш зарур. Ўзининг куч-қуввати, ақл-идроки, ёшлиги, ҳусни камолини бизга аямай бағишлаган шу меҳрибон онани кучдан қолган чоқларида интизор қилиш... Йўқ, ярамайди!

— Нима бўлди, буви, тинчликми?— безовта сўради у.

— Тинчликни ўзинг бузиб, тағин сўрайсанми?

— Йўғ-э, буви, нима қилиб бузибман?

— Ҳо, бола, ўз аканга мунча меҳрсизлик қиляпсан.

— Э, гап буёқда денг,— деди Аҳмаджон анча енгил тортиб.

— Бўлмасам, сен борлигини ишга тикканингга уришали, бувим, деб ўйловдингми? Йўқ, ақлимни еганим йўқ ҳали.

— Довуджон ака арз қилибдилар-да, а, буви?— «Оҳ, онаизор, ичидан қиринди ўтиб турса ҳам боласининг юзига хафалик қўндиргиси келмайди, бу меҳрнинг баъзан ёмон оқибатлар келтиришини ҳам ўйламайди...»

— Одамлар орасида обрўсини тўкканингдан кейин... тағин озгина жойдаги ғўзани деб...

— Бизлар тежамдан сал чиқсак ўзингиз: «Тома-тома

кўл бўлади», деб дашном берасиз. Биз деҳқончиликда шу ҳикматга амал қиламиз. Акам бугун озгина ердаги ғўзани чанқатганига индамасам, эртага кўпроқ жойнинг ғўзаси сувсиз қолади, ҳосил камаяди. Уйлаб кўринг-чи, энди, буви, яхши бўладими? Аввало: «Ёз бўйи кўзинг қаерда эди», деб ўзингиз таъна қиласиз.

— Ахир, у аканг-ку...

— Бор гап шунда: у киши менинг акам. Шунинг учун у кишидан талаб катта. Бошқалардан кўра, ишни яхши бажарш у кишининг қарзи. Акс ҳолда бундан ҳам қаттиқ чора кўрилади.

— Даминг ўз этингни кесар экан-да?

— Бўлмаса, бошқаларга сўзим қандай ўтади?

— Балки бу йўлинг тўғридир,— деди кампир. Бироқ овози ногаҳон яна баландлади:— Ҳой, шошма, акангни бригадаликдан бўшадинг дебсан, ҳай-ҳай, яна устига мол боқишга борасан деганинг нимаси, уялмайсанми?

— Нима, мол боқиш уятми?

— Йўқ, уят демайман. Аммо ўйлаб кўрдингми, бу-нинг устига бел оғриғи. Ачинмайсанми унга?

— Бел оғриғи — тўғри. Буниси бошқа гап. Доктордан справка керак.

— Ўнтасини топиб берсинми ўғлим испрайкадан?

— Шошманг, буви,— деди Аҳмаджон кулиб.— Мен ҳам ўғлингизман. Нега менга ачинмайсиз?

— Сен бошқаларга ачин. Юрт оғасининг катта вазифаси шу. Аммо билиб қўй, бола, аканг мол боқмайди.

— Йўқ, боқали!

— Йўқ, боқмайди!

Аҳмаджон ўзини тийди: нимага бувиси билан айтишиб ўтирибди?

— Жон буви, қўйинг шу гапни...

— Қўядиган гап эмас, тайинини ҳозир айт.

У бувисига тасалли бериб, уйга кириб қайта кийинди-да, тез чиқиб кетди.

XVII

Баҳор шамоли ғувиллаб келди. Серташвиш кунлар бошланди. Катта чўлнинг шу бўлагиде ёқилган гулхан баланд ловиллаганига, забткор йигитларнинг қувноқ товушлари тун бағрини ёриб учганига бир йилдан ошди. Мана 1974 йилнинг иккинчи оyi ўтяпти. Ушандан

Бери ўзлаштирувчилар бир неча минг гектар ерни қумтепалар бағридан узиб олишди, текислаб қарталаштиришди: бош ариқ, ёп ариқ ва ўқариқлар тайёр: қулфкалитли «қулоқ» ва «қулоқча»лар сувни тақсимлашга шай қилиб қўйилди: шўртортар зовурлар қазилди: буларни ёқалаб ўтадиган йўллар солинди: колхоз звенolari экиладиган ерларини ажратиб пайкал-пайкал поллар кўтариб қўйилди. Нариди ер ўзлаштирувчилар қумтепаларни бургут ўлжасини чангаллаб кўтаргандай, томоғидан сиқиб ётқизиб боришмоқда. Чўлга инсоннинг тинимсиз ҳужуми бораётибди.

Чўзинчоқ қорамтир тепаликнинг бели чўка-чўка ноғо ўтириб қолди.

Экскаваторнинг новча хартуми улкан чўминчини лапанглатиб турди-да, гупиллатиб ташлади. Теваракатроф гурсиллаб кетди. Йўл ёқасида бу ҳолни кузатиб турган Аҳмаджон қаҳқаҳлаб кулиб юборди: пайкал ўртасида кўздан қочиб қолган дўнгликни кетмонлаб сураётган Сотиболди ҳам силкиниб, гулдураб кула бошлади. Аҳмаджон уни қўли билан имлаб чақирди.

— Соз-а?— деди у, Сотиболдига ўқдек ариқлар, текис ерларни кўрсатиб.— Аммо қисир сигир бу. Елинида сутти йўқ. Юнглари ялтллаб турган қисир сигирнинг ҳомилага маҳталлигига назарингиз тушганми?— У Полвонга сиичков тикилди — Нега илжасиз, ҳазили йўқ. Агар назарингиз тушган бўлса, бу ерлар ҳам шунга ўхшайди. Сув, Нориннинг чучук сувини келтир, деб нидо қилипти, ўртоқ участка бошлиғи! Сиз бўлсангиз, унинг нидосини эшитмайсиз. Айтмоқчи, унутибман, сизнинг касбингиз бошқа эди-я. Энди, ука, назарингиз талабгор полвоннинг чоғини чамалашга эмас, еринг эҳтиёжи ва эҳсонини билишга қаратилишни лозим. Ҳазир, укам, Худойқуловга ўхшаш йигитлардан икки-учтасини ёнингизга олинг. Қулоқ бошида, Катта Андижон каналидан Навбаҳорга сув олинадиган жойда водстрой вакили туради. Каналга биринчи бор сув очиб келасиз. Ҳа, айтгандек, тайинлаб кетинг: звено бошлиқлари ўз ери бошида ҳушёр турсин.

— Хўп бўлади. Бир гап сўрасам майлими, Аҳмаджон ака?

— Майли, сўранг.

— Ҳозирча икки-уч кубодан ортиқ сув очмаймиз депти. Бу жуда оз-ку, нима бўлади?

Раис Полвонга жилмайиб қаради:

— Икки кубо деса, сиз тўртта қилинг, уч кубо деса, сиз бешта қилиб қўйинг. Хўш, сизнингча, неча кубо ётарлик бўлади?

— Бешдап ками кам, агар унашса...

— Гиринг-пиринг қилса, секин белидан ушлаб, калласини секин сувга тегизинг, кейин секин олиб қирғоққа қўйинг-да, мулойимгина тушунтиринг: агар, дўстим, ўтган йили шу каналга сув боғлаш имконини туғдирганингизда, биз ерларни синовдан ўтказиб олган бўлардик, эҳтимол, оз-моз пахта, шולי ундираддик, деҳқонларда ишонч маҳкамланарди. Шунинг учун дам урмаганингиз маъқул, денг.

Полвон оғзи қулоғига егиб илжайди-да, дарров ҳушёр тортди:

— Ҳазилингиз бор-да, Аҳмаджон ака.

— Ҳазили йўқ, Полвон, рост айтяпман,— деди раис ва сирли жилмайди.— Тунови кунини ўша одамга, агар каналга бетон нов ётқизишни тезлатмасангиз бошингизни сувга пишаман дебсиз-ку. Ёлғонми?

— Бир ҳазиллашдим-да. Ростимни айтсам, ишни аччиқ ичкадай чўзаверишгани жонга тегди.

— Секин айтасизми, ука. Бу канални ер ўзлаштириш билан бирга бошлаш, ўтган баҳордаёқ битказиш мумкин эди. Ваъдалари шу эди. Эътибори катта бир одамнинг гапига ишониб панд едик. Умрбод эсан чиқмайдиган сабоқ бўлди. Мана энди Абдуллаев чала каналга сув очиб беришга мажбур. Ана шунақа гаплар, ука...

Аммо Тожимирза ака ҳам гапининг тайинини йўқларданми деб қўйдим.

— Гап Тожимирзадагина эмас, Полвон. Буни кейинроқ фаҳмладик. Гапининг тайинини йўқ одамнинг каттаси бошқа. Навбаҳордаги ишларнинг ҳажми, айниқса, тезлиги, афтидан, баъзи бировларга ёқмайди. Бўлмаса,— деди Одилов ўйчан ҳолда,— қурилаётган шаҳар, ўзлаштирилаётган шу ер ўртасидан поезд ўтади. Бу қурилишларга тайинланган зарур нарсаларни шу ерга ташлаб ўтадиган қилишнинг иложи йўқми? Нимага уларни машиналарга ортиб юз километр орқага қайтариб келиш керак? Бу оворагарчилик ва беҳуда чиқимларнинг кимга кераги бор ахир? Э, ука, беҳуда кетган вақт ва харажатларга бунақа каналдан яна биттаси

битарди. Одамлар гапининг бутун бўлишига, ишнинг тез битишига ана шулар халақит беряпти. Нима, планлаштиришдаги бу эпсизлик, нўноқлик одамларни бири-бирига ит-мушук қилиш учун керакми? Абдуллаевнинг ҳам жилови ўзида эмас, деганим шу. Буларнинг бир иложи топилар, энди, чучук сув билан шўр ювишни тезлатинг, чунки бу гаплар бизни оқламайди. Мен Навбаҳорга бораман.

У йўл ёқасига, машинаси турган жойга қараб катта картани кесиб одимлади. Оёғи тўпигидан қумга ботар, баъзан зўрға кўтариб босарди. Утган йили мана шу ерга, ён-веригаги уч-тўрт картага сннов учун чигит экилди. Кун илиши билан бодроқдай қалпоқчаларини бошига илиб чиқдию кун қаттиқроқ исиб, қум қизиши билан қулоқчалари энди кўк тус ола бошлаган ғўзаларнинг банди кесилиб шалпайиб қола қолди. Чўлчилар қайта экишаверди, июннинг ўрталаригача ҳам экишди. Гоҳ қизиган қум билан аччиқ шўр бўғизлади экинни, гоҳ шамол кўчириб кетди, гоҳ қумбўроп кўтарилиб, экиннинг ўзини эмас, ер ва ариқларни ҳам қум босди. Бу офатлардан омон қолган ғўзалар саратонда сувсизликдан қовжираганда, зовурдаги шўр сувни филтрлаб суғоришди, бу ҳам кор қилмади, чўлнинг ёз чилласидаги гармсели куйдирди. Шу билан бу йилги умид узилди.

Аҳмаджон шундан бери биринчи навбатда канални битказишни обкомда, обнжрокомда куп тартибидан туширмади. Мажлисларда бу масала икки-уч соатлаб муҳокама қилинади. Аммо ҳеч ким шу иш чакки демайди-ю, иш жилмайди: гоҳ униси, гоҳ буниси етишмайди. Дардисар қум шундай балоки, канал ва ариқларни қазиб найдек қилиб қўясану агар дарҳол бетон нов ётқизиб цементламасанг, қум кўчиб келиб бир тўлдириб олгандан кейин уни осонликча чиқариб ташлаёлмайсан, ундан кўра, бошқатдан қазиган маъқул. Хўш, шундай экан, новларни нега олдинроқ тайёрлатилмади?

Бир куни Аҳмаджон эътиборли бир мажлисдан чиқиб келаётганда райком секретарларидан бири унга: «Одилович, бугун ёқасидан қаттиқ олдингизу лекин, бари бир, самарасиз қолди-да, дўстим, деди. Чунки бундай ишларда, бириникини иккинчисига ишлатиб туришади. Биласизки, қурилиш оз эмас...»

Аҳмаджон кулиб юборди:

«Унинг дўпписини бунга, буникини унга денг. Йўқ, ака, бу нотўғри йўл, алдоқчи, шилдир одамлар йўли. Бундай ишлагандап, яшагандан кўра, ишламаган, яшамаган яхши, ака. Масаланинг иккинчи томони шуки, агар ўша биродарингизнинг ёқасини бўшатсам, қўлдан чиқадию кейин тутқич бермайди. Иш кечикади. Менинг дўппимни бошқага кийдириб юборади». «Айтдим-қўйдим-ла, ука. Ўзингизга жон ҳам керагу, қийнайверган билан...»

Аҳмаджон одимларини катта-катта босар, ўзига ўзи дерди: «Йўқ, иш битгунча ёқасини бўшатмаслик керак. Ўзини шунга ўргатган, начора...»

У йўл ёқасига, уч-тўрт туп савачўп ўсган жойга яқин келиб қолди. Ўсимликнинг ўтган йилги узун-узун кўрпадек барглари тагида, уват зийида очилиб ётган оппоқ пахталар кўринди. У тўхтаб кўзларини ишқалади: паҳот пахта! У иккала қўли билан қамиш баргларини кўтариб разм солди: тўрт-беш туп ғўза шу панада баҳор ва ёзнинг ҳамма бўронлари, жазирасидан жон сақлабди, салқин ва нам бўлганидан на шўр ва на қум элён елказибди. Пахта — шу асов, шафқатсиз чўл эҳсон! Демак, қаттиқ меҳнат қилинса, тупроқ тез ҳосил беради, бу қумзорлар бўрсиллаган унумдор ерга айланади. Фақат тоқат, меҳр билан ишлаш керак. Бу чўлнинг ҳамма қийинчиликларига чидаш, уларни енгиш йўлини топиш, нҳота дарахтларини тезроқ ўстириш лозим.

У ҳар тупида беш-олтитадан очилган пахтани ғўза-пояси билан юлиб, савачўп барги билан боғлади-да, машина орқасига келтириб қўйди.

Ҳозир у беҳад хурсанд, йиллаб қидирган гавҳарини охири қўлга киритган гаввосга ўхшарди. Чўл бугун унга ўз бағрини очиб кўрсатди, буни кўриш учун у озмунча азият чекдими? Мана ернинг сарак мағзи: — оппоқ очилиб турибди, энди бундан кейин ҳам, мудом шундай очилаверади. Шунинг учун ҳам у Навбахорда Тоғжигирза Абдуллаевни кўрганда қучоқ очиб кўришди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда унинг кўзи-дан нари юрган Тоғжигирза дафъатан кўрганда ҳатто унга довдираб қаради, ранс унинг белини бўшатди-да:

— Агар кеча, ҳатто бугун эрталаб қидирганимда йўлиққанингизда ҳам ўз ҳиссангизни олардингиз, Тоғжигирза ака. Қарангки, хурсандликда рўпара кел-

дингиз. Кўриб қўйинг, мана бунда сизнинг ҳам пешона териңгиз бор, оғайни. Бунинг учун кечаю кундуз мана шу жойда, қурувчиларингиз ёнида ётсаңгиз арзийди.

— Биладан, тушунаман, Аҳмаджон ака,— деди Тожимирза. Бу ҳолдан унинг ҳам кўнгли жуда кўтарилган эди. Шляпасни қўлига олиб, кўкимтир плашининг тугмаларини ечиб ташлади, сочларини шамол наришон қилиб юборган эди:— Тушунаман, сизга сира осон тутмайман. Лекин начора, бирини топсам, бошқа бири етмайди. Бу шунақа соҳа эканки...

— Қўйинг, бошқалари ҳам топилади. Қаналга сувни каттароқ очиртиринг. Одамларингиз тирхишлик қилмасини. Оз-оздан бўлса-да, харажатни қоплай бошлаш керак. Яхши биласиз, озгина пул кетаётгани йўқ бунга. Сиз билан биз коммунистлармиз. Партия бизни ҳадеб кечиравермайди. Қўрқманг, ака, каналнинг у ер-бу ерини уриб кетса ўзимиз боғлашворамиз, ундан кейин яна илтимос, экскаваторчиларга тайинлаб қўйсангиз, кечалари сув музлайди, экскаваторлар музни синдириб қирғоққа чиқариб туради. Бизнинг йиғитлар шу ерда бўлиб, механизаторларга чой ва иссиқ овқат етказиб туришади.

— Хотирингиз жам бўлсин, ҳаммаси бўлади. Бу ишларда, Аҳмаджон ака, камчилик ва хатолар бўлиб турар экан...

— Йўқ,— деди Аҳмаджон, бошини сарак-сарак қилиб, айни вақтда кулиб:— Йўқ, ака, камчилик билан хато бўлиб тураркан деб уларга йўл қўйиб берилаверса, ҳатто иложсиз бир нарса деб тушүнилса, биласизми, нима бўлади?

— Оббо сиз-э,— деди Тожимирза ҳам кулиб,— жон ердан ушлайсиз-да, аммо. Биласизми, мен ганга жуда нўноқман. Шундан ўзим кўпинча ёмон аҳволда қоламан денг. Қани, мана бу ёққа юрайлик,— Тожимирза Аҳмаджонни қўлтиқлаб олди.

Иккаласи битаётган биноларни бир бошдан кўра бошлашди. Одамлар меҳнатининг меваси бу ерда, энди барпо бўлаётган шаҳарда ҳам ўзини кўрсатди. Кечаги чўлга шаҳар ҳусни кирди. Кўчалар ёқасида чинорлар кўкарди. Тўғри, бу ерда чинор кўчати ўтқазилса томир стиб, барг ёзиб кетавермайди. Экиншдан олдин чуқурчаларга гўнг аралаш саз тупроқ солиб, чучук сув қуя-

сиз. Шунда ҳам шўр кўчатга омонлик бера қолмайди, бегона тупроқ билан гўнгни шўрга айлантириш учун слишади, илдишни ривож олдиргани қўймайди: кўчатларингизнинг ўндан бирини не-не машаққат билан зўрға сақлаб қоласиз. Шаҳар кўкаламзорлари ва дарахлари ана шу тарзда бунёд қилиняпти. Қанча дилхираликлар, кўнгил қайтиш ва хурсандчиликлар, даҳанаки жанглар билан шаҳар қад кўтараётибди. Уйлар ҳаммаси икки қаватли (тўғри, дастлаб қурилган бир неча уй бир қаватли эди). Ҳар ҳовли ўртасидан бўлиниб, уйни иккинга ажратади — демак, икки хонадонга жой бўлади. Буларни кўриб юриб Аҳмаджон хурсанд бўлиб кетди.

— Қадимги шаҳарларнинг аҳолиси жон деб келади бу ерга. Биринчидан, хоналари кўп, катта ва ёруғ, янги шаҳарга хос қулайликлар билан бирга олдида томорқаси бор. Буларни кўрганда хафагарчилик орқада қолиб, эсдан чиқиб кетаётгандай, фақат хурсандчилик ўрнашиб қолаётгандай. Ё уйқусиз тунлар, ўзни аямасдан қумбўронларга дош бериш, бир-бирини қисташ ва асаббузарликлар мевасими бу?

— Ҳа, Аҳмаджон ака, ёқа ушлашиб муштлашмадик, холос,— деди Тожимирза ҳаяжонланиб. Унинг гўлабир гавдаси инмагадир бешикдай тебранар, оғзи қулоғига етиб илжарди.— Жони ширинлик қилиб аразлашиб кетганимизда...

— Қасбни ташлаб-а?

— Ҳа. Афсуски, орамизда бунақа одамлар топилиб туради... Ташлаб кетганимизда мана буларни кўриш ва кўриш бизга насиб бўлмас эди, буларни бошқалар қураб, хурсандчилигини бошқалар кўрарди.

— Қасбидан қочган одам ҳувиллаб қолса керак. Агар касб унинг кўксинда улғайиб, вужудига сиғиб кетган бўлса... Бундай одам қочолмайди. Сизни билмайману, аммо жондан ўтиб кетганда менинг хаёлимга келади: санга нима азоб, ўзингни мунча ҳам қийнамасанг, нима, сенинг йўлингдаги тоғни олиб ташлармиди булар? Кет бирон ёққа, ўтмай қолган кунинг борми? Ҳа, бундай фикрларга ҳам борган вақтларим бўлган. Лекин орадани сал ўтиб бадан совигач, ўз хаёлимдан ўзим уялганман, ўзимни жуда ҳам ёмон кўриб кетганман шундай дамларда. Ахир ўйлаб кўринг-а, одам ўзидан қочиб қаёққа боради?

— Тўғри гапни айтдингиз,— деди Тожимирза,— менда ҳам бундай ҳоллар бўлиб туради: одам катта бир ишга тутинганда, охирига етгунча, териси неча марта кенгайиб, неча марта тораяди шекилли. Одамзод, чамамда, табиатан шундай тузилган бўлса керак...

— Лекин сиз ҳам,— деди Аҳмаджон,— бизнинг тоифадаги одамлардансиз, терингиз торайган дамларда ҳам ўзингизни шу чўл меҳнатидан узмадингиз, «вийт!» деб қочмадингиз. Ёки оғир юкларни елкага олганда одамнинг қаршилиқ кучи устун келадими-а?

— Ҳаммадаги қаршилиқ кучи ҳам устун келавермаса керак. Айтдим-ку, юк оғирлиги қаттиқ босганда «дод»лаб майдондан чиқиб қочганларни кўп кўрдим. Сизнинг нборангиз билан айтсам: «Ўзидан қочарди» ўша одамлар.

Аҳмаджон битган ва битаётган бинога тикилиб турди-да, хаёлидан кўтарилган муҳим гапини ногоҳ эслаган кишидай деди:

— Биласизми, Тожимирза ака,— деди шаҳдамлик билан,— шаҳарнинг мана шу ерига иккита кўп қаватли бино қурасиз: бу атрофдаги йўлларнинг ҳаммасини ўзига боғлайдиган бино. Ҳаммаёқдан яққол кўринади, шаҳарнинг ҳуснини очиб туради. Қалай, зўр бўладими? Ие, нимага ҳайрон бўлиб қолдингиз, ёқмадими?

— Шаҳарга кўрк учун холосми? Шундай бўлса кейинроқ бўлар.

— Ўша қисталанганда, иш юришмай хит бўлиб юрган кунларда туғилган эди бу. Кейинги кунларда, назаримда, анча сайқаллашди. Кўз олдингизга келтиринг-а: мана бу жойга, майдонга яқинроқ қурилса, кўкраги керилиб туради. Бу ҳам кўнгилдан жой олди, огайни. Қурасизу қутуласиз. Энди тажриба бўлса бор: ер очишда ҳам, қуришда ҳам. Пўлат отларни қамчилайверасиз.

Тожимирза шарақлаб кулиб юборди.

— Нимага куласиз?— деди Одиллов ҳайрон бўлиб.— Ё куладиган гап қилдимми?

— Йўқ, ака, гапгамас,— деди Тожимирза. У ҳарна уринса-да, кулгисини босолмас ва йўғон бўйнини ушлаб силкинарди. Ахири кафтини оғзига босиб, тескари қараб турди-да:— Гапгамас, бир келиб қолди-да,

қурмағур. Сиз ҳам дейман, борлигингиз ҳаракатга келиб гапирдингизки... Архитектор бўи кетинг-е, ака. Иштаҳа дастурхон устида, деганларидек, қачон учрашмайлик, ёнига ниманидир қўшасиз. Ахир, булар план, сармоя, ундан кейин архитектураси билан боғлиқ. Буларни олдин ҳал қилиш...

— Аммо тўғри айтдингиз,— деди Аҳмаджон босиқ холда.— Иштаҳани кўпинча дастурхондаги неъматлар кўзийди. Иш юришиб турса, фикр яхши ишлайди, қўшимчалар шунда туғилади. Номукаммал нарсалар мукаммаллашади. Бу жойни ўзлаштира бошлаганда менинг хаёлимга шаҳар қуриш келибдими? Одамлар билан бу ерга кўч-кўронини кўтариб келади деб, сизни ўйлабманми? Йўқ, ака. Билмасангиз, билиб қўйинг: қишлоқда мени «ер жинниси» дейишди. Бу гапга жаҳлим кўзймайди, эшитсам кулиб қўя қоламан. Колхозга очадиган ер қидириб келувдим. Кўрдиму кўзим ёнди. Биласизми, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим, у ёқдан-бу ёққа югуриб юрдим. Ёнимда келган йигитлар кулишди. Нима қилай, кўксидан дуд чиқиб ётган шунчалик катта жойни кўрганда бефарқ қараб бўладими?

Қумтепаларни текислаб, зовурларни қазиб турган эдик, ҳеч кутилмаганда, қарангки, Шароф ака келиб қолдилар. Утган йилнинг худди мана шу кунлари, серстин, шилта қиш, ҳаммаёқ лой, йўл йўқ, тракторларда ўтиб келишибдилар. Бу ердаги ишлаётган одамлар ботқоқ ва совуқдан ўзларини олиб қочмасдилар. Бунинг устига теварак-атроф қишлоқларидан талабгор келиб сафимизга қўшилاردн. Буни кўриб у киши жуда суюниб кетдилар. «Баракалла!»— дедилар. Одамлар териларига сиғмай кетишди. «Мен нима ёрдам берай?»— дедилар менга. Ҳарорат баланд экан шекилли: «Мана шу жойларни ер қилишга ижозат берсангиз», дедим. У киши менга қараб мулоим жилмайиб турдилар, кейин чеҳраларп жиддий, ҳаслчан тус олди. Оббо, ишни пачава қилдим шекилли, деб ўйладим. Умуртқамда чумоли юргандай бўлди, аммо кўзим у кишида. Вужудим қулоқ бўлиб қараб турибман. Кейин, хайрият, юзлари яна ёришди. «Ёрдамсиз бўлмас,— дедилар.— Давлат миқёсидаги ишга қўл урибсизлар. Марказий Комитет сизга ишонади».

Асосий иш, ака, ўша кунн бошланган эди. Эртасига

министрлар ва бошқа тегинли ташкилотларнинг раҳбарлари етиб келишди. Назаримда, Марказий Комитет шу ерга кўчиб келиб, чўлнинг шу майдонида иш кўраётгандай эди. Шаҳар қуриш масаласи ўша кунда ҳал бўлди...

— Тўғри,— деди Тожимирза,— биз ўша кунни келган эдик, сиз билан ҳам биринчи марта ўша кунни яқиндан танишган эдик. Эсингиздами, ёмғир аралаш қор ёғиб турган эди. Одам жуда кўп, чўлга гўё ўша кунни жон кирган эди. Одамлар шу жойда азалдан яшаб келгандай туюлган эди менга.

— Тарихий кун деб шуни айтсалар керак,— деди Аҳмаджон. Бу хотира уни ҳаяжонлантирганди.— Одамларимиз кўнглига битилиб қолди ўша кун. Энди, биласизми, оғайни, шаҳарнинг биринчи навбатини қаттиқ тезлатасиз. Наридан борса, икки йил ичида бизга топширасиз. Иккала катта бинонинг бири райком идораси, бири Советлар уйи бўлади. Бу сиз билан бизнинг Марказий Комитетга рапортимиз: чўлда тузилган Навбаҳор районига жой тайёр, деҳқончиликка мосланган ерлари, одамлари яшайдиган уйлари билан! Гап ана шунақа, ўртоқ Абдуллаев. Агар сизга кўнглини очиб гапирсам, навбатда иккинчи янги чўл районини тузиш турибди.

Абдуллаев кўзини лўқ қилиб унга қараб қолди:

— Нималар деяпсиз ўзи? Район бўлиш учун ахир... ростданми?

— Ёлғон нима қилади бунда, оғайни. Бир йилда шунақа бинони қурдирган киши қолганини тезроқ битказолмайсизми?

— Битказса бўлади. Аммо бусиз ҳам ишингиз тиқилиб ётибди-ку. Ё чала ташлаб кетасизми?

— Чала ташлаб кетиш учун бошлаётганимиз йўқ, ўртоқ начальник. Бироқ, қўрқманг, сиз бу шаҳарнинг иккинчи навбатини қуришга қоласиз. Биз пудратчи эмасмиз, ака. Бир ўйлаб кўринг-а, давлат сиз билан бизнинг ихтиёримизга шундай қудратли техникани бериб қўйибди, бизлар янги ерлар очмасак, янги шаҳар ва қишлоқлар қурмасак, нима деган одам бўламиз. Хайр, ака, у ёқда ҳам иш оз эмас.

Тожимирзанинг эса, ҳайрати ҳамон ёзилмас, елкасини қисар ва бармоқларини букиб ниманидир ҳисоблар эди.

«Яна тўрт ё беш йил ичида,— деб ўйлади Аҳмаджон йўлакай,— Пунгон мавзуида ҳам очадиган кўриқ тўғайди. Буни очиш Навбаҳор ерларидек оғир эмас. Шўри йўқ, тақир дашт, тош-шағал ҳам кам, лекин тупроғининг ғози йўқ. Бунинг меҳнати ҳам ўзига хос: Навбаҳор ерларида экин кўкартириш даври узоққа чўзилса, бу тупроқда ғоз пайдо қилиш ундан узоқ давом этади. Навбаҳор ерларни ишланиб, шўри қочиб, тупроғни созлангач, энг унумдор нахтажор майдон бўлиб қолади. Пунгон даштиниң тоғ беткайида эса, хилма-хил сершира узумлар етишадиган тоқзорлар, олмазор ва ўрикзорлар, бодомзор ва ёнғоқзорлар бунёд бўлади. Ернинг ёмони йўқ. Меҳр қўли урилса бас. Шундай қилиб, беш-олти йилдан кейин бу жойларнинг қиёфаси тамом бошқача бўлади. Навбаҳор билан Пунгонда бир-бирига чегарадош икки район вужудга келади, буларда эллик-олтмиш минг акрлик яшайди... Хўш, мулла Аҳмад, ундан кейин нима иш қиласиз, шу билан бу доирада ер тамомми? Эҳтимол, дам олишга, қариллик айшини сурнишга чиқарсиз? Йўқ, паҳот, қўлни қовуштириб ўтириб бўлса?.. Юқорига кўтариллиш керак: адир-дашт кенг, сувнинг иложи топилса бас. Масалан, Катта Наманган канали кенгайтирилиб, сувининг бир қисми Хонобод этагига олиб келинса, Чодаксойга ҳавза қуриб, суви ўнг қўлдаги даштларга кўтарилса, яна камида қирқ минг гектар янги ер очиш мумкин. Ана сизга янги иш майдони. Шу жойларни ер қиламиз, боғлар бунёд бўлади, чорвага яшил ўтлоқлар яратилади, табиатни бойитамиз деса, ҳукумат йўқ дейдими?..»

Раций пихиллаб хаёлни бўлди: олдин телефонистканинг овози келди, кейин Акбарнинг товуши уланди:

— Дада, келиб кетсангиз, зарур гап чиқиб қолди.

— Қанақа зарур гап экан?

— Юрий Николаевич келдилар. Эсингиздами, бурноги йили бир келувдилар...

— Яхши, кутиб туринглар, мен бораман.

Аҳмаджон трубкани қўйдни мийиңига кулги югурди. Вой тирмизаг-э, гапининг оҳанги бошқача-ку... эрта-лаб нонуштага еган шалатисининг захри кетмабди. Ўн еттига тўлгани йўқ, ўрта мактабни тамомлапти.

Бу йилдан бошлаб, баъзан, уйга ўртоқларини тўплаб ўтиришадиган одат чиқарди. Майли, ўтиришга ичкилик қўшилмаса бўлди. Аммо улфатчилик бўлиб тураверса, ичимлик аралашмайди, деб ишонтириб бўлади-ми? Буни хотинига тайинлаб қўйди: кўз-қулоқ бўлиб туринглар.

Бир кун Чиннигул кулиб туриб, унга янги хабар айтди: Акбар, фалончининг қизига эътибор қилиб юринг, ўшани келин қиласиз, деяпти.

— Бу янгилик зўр-ку,— деди Аҳмаджон ва енгил кулди.— Бу тирмизак дейман, жуда дангалчи чиқиб қолдику-а?— У хотинидан сўради:— Сизлар нима дедиларинг?

— Бунча шошнлиб нима қиласан, дедим.

— Тўғри, шошилиб нима қилади.

Эри гапнинг маъқулладими-йўқми, Чиннигул дарров тушунолмади. Бу жумбоқ дадасининг хаёлнинг қамраб олган ва кўнглида фақат: «Ҳалитдан-а?»— деб такрорларди. Бу жумбоқ тез ечилмади, орадан бир неча кун ўтгач, у Чиннигулга майли, ўзим бир гаплашай-чи, деди. Аммо гаплашиш муддатини чўзилиб кетди, тўғрироғи, Аҳмаджон бунга махсус вақт ажратолмади. Аммо қаёққа бормасин, нима ишга тутинмасин, кўз олдига Акбар турар ва: «Энди уйланиш навбати менга»,— дерди.

«Бу биринчи тўлқин,— деб ўйларди Аҳмаджон.— Ё бир санчиб қирғоқдан ошади, ё қирғоққа уриладию қайтади». Сабр қилиш керак, бу дарё ҳали кўп жунбишга келади. Аммо унинг ёшида ўзи қанақа эди?— «Мен уйланишим керак», деб бувисини шоширган ким эди? «Уйланиб олгансиз, ишнингиз битган, эшагингиз лойдан ўтган», деб акаси Довуджон билан ёқалашгудек бўлган ўзи эмасмиди? У мийиғида кулди қўйди. Ҳа, Акбар хулқ-одатда, шўхлик ва дангалчиликда ҳам унинг ўзига тортди. Аммо ҳозир уни уйлаб бўлмайди. У олдин армия хизматини ўтаб келиши лозим. Вояга етган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи. Ҳаёт ўйинкулги ва фароғат эмас, ҳаёт машаққат, оғир меҳнат эканини билсин. Олдин пахта, дон яратишга ўргансин, кейин турмуш кечирганда туртинмайди...

У Акбар тўғрисида кўп ўйладию у билан бафуржа гаплашишга ўша кунларда фурсат топмади. Эрталаб чиқиб кетаётганда уни Акбарнинг ўзи тўхтатди:

— Дада, бир оғиз гап бор эди.

— Хўш?

— Уртоқларим билан политехника институтига бо-
ришга тайёрланяпмиз. Хат ёзган эдик, жавоб келди.

— Нима, жавоб келди?— дадаси дабдурустан нима
дейишга шошиб қолди:— Вой, ҳавойи мишиқилар-ей!
Ҳали вақт бордир.

— Йўқ, ҳозир тайёрланиш керак. Қолхоздан харак-
теристика ёзиб берасизми?

— Характеристика. Кейин... Олдин ўқишни ўзимиз-
нинг мастерскойдан бошлайсиз. Профессорингиз ўзимиз-
нинг уста Сайдали бўлади.

— Нимага? Болаларга ёлғончи бўлиб қоламанми?

— Ваъдани катта берибсанда-а? Дадам киритиб қўя-
ди ҳам дегандирсан?

Акбар ерга қараб жим турарди.

— Слесарликни ўргатади Сайдали, машиналарни
қисмларга ажратиш ва қисмлар яшашни билиб оласиз.
Ана ўшанда ҳеч кимга ёлғончи бўлмайсиз. Тушунилди-
ми?— У ерга қараб турган Акбарнинг нягини кўтариб
бир нафас қараб турди:— Қелишдикми?

— Мен ахир...

Акбар фақат дадасининг: «Нима?» деганини, тес-
қари шаиатининг қулоғи тагига тарсиллаб текканини
эшитди, аммо ўзининг чилпирак учиб йиқилганини сез-
мади.

Аҳмаджон қайрилиб қарамади. Лекин йўл-йўлакай
юраги жизиллаб кетди. У машинани йўл ёқасига буриб
тўхтатди. Чамбаракдан қўлларини олиб, бошини эзги-
лаб ўтирди, боши ёрилгудай оғирди. Кўз олдида эса,
Акбар қовоқ уйиб турар, гўё: «Эҳ, дада, қўлингизнинг
қаттиқлигини билсаиғиз эди!» дерди.

У машина эшигини очиб тушди-да, даштни кесиб
ўтган канал соҳилидаги тупроқ тепага кўтарилиб чўнқа-
йиб ўтирди. Тўрт томон дашт, назарида тоғлар, бир-би-
рини кифтлаб турган азим тоғлар тизмасидан қор нафаси
келарди. Бош оғриғи хийла пасайди, таранг тортилган
асаблар хийла бўшади. Акбарнинг қовоқ уйиб турган
қиёфаси кўз олдидан кетмаяпти, таънали сўзлари қуло-
ғида жаранглаб турибди. Нимага урди уни? Шу гапни
ётиги билан тушунтирса бўлмасиди? Ё ичдаги дарди
йиғилиб-йиғилиб бирдан гупурдимми? Акбарни хоҳлаган
институтга жойлаб қўйиш мумкин. Стипендияга қараб
сарғаймасин, деса, чўнтагидан пул узмаса ҳам бўлади.

Ўғлим ётоқхонада қийналади деса, ўзига алоҳида кварта қилиб берса ҳам бўлади. Дарсхонага ўз машинасини миниб келадиган қилиб қўйиш ҳам мумкин. Гап ўғлнинг жонини қийнамасдан диплом қўлтиқлатиб келишда бўлса, қўлдан келган ҳар нарсани қилиш мумкин. Аммо у кейин ким бўлади, бойваччами?

Ўша кунларнинг бирида Аҳмаджонга таниш анча эътиборли бир киши келиб қолди. Барваста, доим виқор билан юрадиган бу одамни аллақандай ҳам кўйдириб, букиб қўйгандай эди... Шаҳарда ўқиб юрган ўғлини қамаб қўйишибди... Фалокат-да, машинаси кўчада бир чолни селпиб ўтган экан, ўлиб қолибди. Қарапки шунга уни қамаб қўйишибди. Бугун бўлмаса эртага ўладиган чолни деб, унинг кампирини рози қилиб хат элиб берса ҳам чиқарншмапти...

Меҳмонга дастурхон тузаб, чой қўйиб ўтирган қоровул бошини сарак-сарак қилиб турди-да: «Беадабликка буюрманглар, бир воқеа эсга тушди, айтсам, майлими?»— деб ижозат олди:

Ўсмир бола эдим. Қўқоннинг Қайнар қишлоғида катта бойнинг эшигида дастёр эдим. Бой ёлғиз ўғлини Маскопда ўқитарди. Гоҳо бой улфатлари доирасида бир камбағалнинг бир йилда топадиган пули бойваччанинг бир кунлик харажатига урвоқ бўлмаслигини айтиб мақтанарди. Орадан неча йиллар ўтди Бойвачча таҳсилни битириб келадиган бўлди. Катта ҳовлидаги сўриларга жой қилинди, дастурхонлар тузалиб, анвой таомлар қўйилди. Қишлоқларнинг казо-казолари, бойваччанинг бу ердаги ҳамсоёлари йиғилишди.

Бир маҳал извошлар ва соябонли аравада кутгани борган жўралари бойваччани олиб келишди. Кўчанинг икки бетига одамлар тизилишган эди.

Олдинги извошдан отасидек бўйдор, аммо семиз эмас, эгнида қора камзул ва шим, буришнинг устига галати кўзойнак қўндириб олган, қўлида ярқироқ асо, бойвачча тушди. Бой қучоқ очиб ўглига югурди. Бойвачча эса, жилмайиб отасига қўл узатди: мана бундай сўрашамиз, бобой. Бой мулзам бўлганини билдирмаслик учун унинг елкасига қоқиб қўйди ва меҳмонларни ҳовлига бошлади. Ҳамма тенг-тенги билан гуруҳланди. Бойвачча ёшлар гуруҳида, сўрининг четида қўлидаги ҳассани ўйнаб ўтирарди. Тенгқурлари уни саволга туттишди.

— Русчани ҳам дейман, мулла Қамариддин, сув қи-

либ ичиб юборган бўлсангиз керак-а?— деб сўради йигитлардан бири унинг ҳашамидан кўз ололмай.

— Конечно,— деб қўйди бойвачча.

Бошқа бир йигит дастурхон устида жонсарак югургилаб бораётган қумурсқани кўрсатди:

— Шу қурмисқа русчада нима деб аталади?

Бойвачча кўзойнагини олиб, оқ рўмолча билан артиб турди-да, яна тақиб, такаббуруна жавоб қилди:

— Бу жуда майда махлуқ, тилчи олимларнинг назари тушмаган...

— Ё тавба!— деб юборди даврада кимдир.

Шу орада янги савол тушди:

— Русчада туяни нима дейишади, мулла Қамариддин?

— Билсаларингиз, туя у ёқларда жуда ноёб махлуқ. Шунинг учунми, мен келаётган куни Москванинг олимлари туяга от қўйишга йиғилишган эдилар.

Гуррос кулги кўтарилди. Бой чўчиб тушди. Кейин кулги босилгач, унинг ёнида сипо ўтирган киши бойга ўғирилди:

— Уғлингиз бошқа нарсага ўқиб келибди, надирки илмга эмас, бой...

Бой бошини кўтармади. У киши сўзини яқунлади:

— Ўзингиз катта қилган дарахтнинг меваси, аччиқ бўлса ҳам ейсиз. Начора...

«Акбар бу йўлдан бормайди. Олдин армия сафига боради,— деб ўйлади Аҳмаджон.— Хизматни иқлим шароити энг қаттиқ ўлкада ўтаб келади. У ёғини: уйланиш ва политехника институти масаласини ўшанда ҳал қиламиз...»

XIX

У кетишга йиғинаётган эди. Олий Совет сессияси бугун кундуз тугади. Самолётга чиқишга ҳали уч соат бор. Лекин омади юришса, балки бирон рейс олдин кетар. Меҳмонхона эшиги тиқиллади. У қайрилиб қаради:

— Марҳамат, кираверинг.

Эшик қия очилиб, бировнинг ярим гавдаси, сочи сийракланган боши кўринди: эғнида жигарранг тужурка ва шим: мулойим жилмайиб турибди:

— Қирсам майлими?

— Кириг, кириг,— деди Аҳмаджон ва меҳмонга тикилиб қолди.

— Мени танимадингиз, Аҳмаджон Одилович. Ўзим ҳам танимассиз деб ўйловдим. Кўришганимизга апча йил бўлди. Эсингиздами, сельсовет идорасида, ёзнинг иссиқ кунида танишганимиз, дадангиз масаласида эди.

— Э!— деб юборди Аҳмаджон суюниб кетганидан.— Аммо денг, танимаганимни қаранг-а, кеча телефон қилувдим сизга.

— Ҳа, айтишди. Бугун мен сизни ақалли меҳмончонадан кузатиб қўяй деб келдим.

— Кўп яхши бўлди-да, Юрий Николаевич,— у меҳмонни қўлтиқлаб олганча тўрға, стол ёнига келтириб ўтқазди ва термосдан чой қўйиб узатди.— Ҳар қалай, ўшанда, сиз билан дурустроқ гаплаша олмаган эдик. Аммо ўзингиз ҳам чакана ўжар эмас экансиз. Кўпчилик илтимос қилавериб зўрға кўндирибмиз-а.

— Йўқ. Аҳмаджон Одилович, ўжарлик қилганимда сира ҳам кўнмаган бўлардим,— у бош чайқади ва аллақандай сеҳрли жилмайди.— Ўшанда, укангиз Мухсин опангиз тилидан ёзган аризани кўтариб қишлоқларингизга борганимда, нима бўлдию кўнглим юмшаб, погоҳ кўндим. Эҳтимол, умримда биринчи марта, билатуриб, қонун ҳақиқатига хилоф иш қилдим. Биласизми, бунга нима сабаб бўлган эди? Онангизнинг одамийлиги, йиғлаб қилган илтимоси. Унга тикилиб туриб ўйлаб кетдим: эрини бўҳтоннинг совуқ чангали олиб кетганда у ҳали ёш бўлган, болалари теварагида, қўлида чийиллашиб қолган, у даҳшат ичида булар билан қандай кун ўтказишни ўйлаган. Уша вақтда ҳали ёш бўлган, энди эса, жуда қарибди. Аммо шу йиллар давомида у эрини қаматган, унинг ўз жойидан, болаларидан узоқ жойда ўлишига сабабчи бўлган кишилар билан бир қишлоқда яшаган; улар билан бир далада ишлаб, уларга дард-аламнинг изҳор қилиб юрган; уларнинг кўзларига тикилиб туриб эрини қаматтирганларни қарғаган; хун бўлиб йиғлаган. Бироқ эрини ҳозир рўиарасида бош кўтаролмай ўтирган шу ҳамқишлоқларни қаматганини ҳануз шу кунгача билмаган ва шубҳа қилмаган. Унинг ҳукми қанақа бўларкин? Мен шуни кутардим. Мана, кампир косасига теран ботган кўзларини уларга қадаб турибди, бу кўзларда энди ўша уйни ҳувиллатиб кетган кундаги даҳшат ҳам,

эрмининг ғанимларига бўлган қаҳр ҳам йўқ, йиғлайвериб нури эрта кетган бу кўзларда энди эсиз, ҳайф одамлик сизларга, деган чуқур афсус бор. У, ахири, ўз сўзларини яна такрорлади: ҳақ жойда қарор топди, шукур. Болаларимнинг дадаси сўзи бутун киши эди. Умрини советни деб тугатди. У кишининг иши, басти бўйи ўғилларининг бастида, ишларида кўриниб турибди. Илтимос қиламан, буларни қўйворинг, ишм. У киши тирик бўлганларида шундай қилардилар. Қамаманг, умрларини уйларида тамомлашсин...»

Шу илтимос менинг даимни кесган эди.

У жим қолди. Аҳмаджон унга чой қуйиб узатди. У някларини қафтлари орасига олганча ниманидир ўйларди.

— Раҳмат сизга, Юрий Николаевич,— Аҳмаджон миннатдорлик билдирди.— Толенмизга юртимизда яхши одамлар кўп. Раҳмат...

Меҳмон бошини кўтариб чойдан бир ҳўплади ва Аҳмаджонга қараб турди-да, фикрини давом эттирди:

— Биласизми, мени сизнинг ҳузурингизга нима етаклаб келди?— У яна ҳам мулойим, ҳатто сирли жилмайди.

Аҳмаджон ҳам жилмайиб елкасини қисди.

— Билмайсиз. Бу гаплар эмас. Булар ўқтин-ўқтин кўнгилини тоштириб турадиган ҳиссиёт. Дадангизнинг айбсиз эканлиги тўғрисида Олий Совет афв комиссиясидан юборилган ўша қоғоз билан «иш» расман тугаган, делони архивга топшириш мумкин эди. Архивга тайёрлаш учун бир кун делони варақлаб ўтириб, кўзим қуйидаги сўзларга тушди: «Ўғирлик қилганим йўқ, хиёнат қилганим йўқ, пега бош эгай? Ширкат туздим, колхоз туздим, колхозни оёққа бостиришга бошчилик қилдим. Шунинг учунми? Ариқ қазитган, ер очтирган бўлсам, ўзимга эмас, колхозчиларга бўлсин деб қилдим. Аризалар юзлаанишга қўрқинди шекилли. Аммо, амин бўлинглар, вақти келиб бир кун бу дело тилга кирази...»

Мени ана шу сўзлар кўп ўйлантирди, делони архивга ташлаш фикридап қайтарди.

Ўлиб кетганига неча йиллар бўлган кишининг ҳаёт йўлини тўлароқ билиш, бу делодаги варақаларда номлари, ёшлари ёзилган болаларини, аёлини кўриш, бу делодаги аризани ёзган одамларни топиб битта-битта сўроқ қилиш, уларни бу хиёнатга ундаган сабабларни аниқ-

лаш, уларни Фозилов фарзандларига юзма-юз қилиш кўнглимдан кетмади.

Биласизми, укам, жабрланиш ва хиёнат сабабларини аниқлаш ишига умрини бағишлаган кишилар, сизга нима десам бўларкин, таъбир жоиз бўлса, касб шайдоиси бўлиб қоладилар: қўлидаги чала қолса, ўзлари қийналиб юрадилар.

Ушанда, мен қишлоқларингизга келиб, заҳматкаш кишилар билан танишдим, улар орасидан тухматчиларни топдим, агар онангиз улар гуноҳларини кечмаганда, улар жиний жавобгарликка тортилишлари керак эди. Шундай бўлса ҳам уларнинг башараларини халойиққа кўрсатдим:— Мана бу кишилар бир вақтлари қишлоқ аҳлини қаттиқ безовта қилган, эҳтиёт бўлиб юрмасаларингиз сизларни яна ёмон чақишлари мумкин,— дедиму кўнглим таскин топгандай бўлди...

— Сизга катта раҳмат, Юрий Николаевич,— деди Аҳмаджон.— Илтимос, бизнинг қишлоққа яна борасиз. Аммо ўтган сафаргидай тикилинч иш билан эмас, дам олишга...

Меҳмон тирсақларини стол зийига тираганча пешонасини силаб, гапида давом этди:

— Мени бемаҳалда бу ерга етаклаб келган гап бу ҳам эмас,— деди у аста ва дона-дона гапириб:— Кўзингиздан пайқаб турибман. «Хўш, бу ҳам бўлмаса, нима ахир?» деяпсиз кўнглингизда...

Аҳмаджон енгил кулиб қўйди:

— Тўғри, топднгиз.

— Биласизми, Аҳмаджон Одилович, дадангиз умрининг сўнгги йилларини ўтказган жойдан кеча кечаси қайғиб келдим.

Аҳмаджон ўрнидан туриб кетаёзди, юзлари қизариб, «А!» деб юборди. Меҳмон гапида давом этди:

— Бу янгилик сиз учун муҳим ва сизни жуда қизиқтиради?— деб ўйловдим ўзим ҳам. У ёққа бошқа бир жуда чигал иш важдан бориб қолдим, неча кунлаб архив титкилашга тўғри келди... Бир куни, тасодифий қаранг, делолар кўрсаткичини ўқиб ўтирсам, Одил Фозиловнинг номи ва дело номерига кўзим тушди. Ҳалати бир ҳиссиёт мени қамраб олди. Делони олдириб варақладим: мени қизиқтирган нарса «иш»га қўшилган характеристиканинг бу ерда ўзини қандай тутганлигини билиш эди. Ҳозирда Фозиловларга ишбоши бўлган

капитан шу ерда истеъфога чиқибди, шу архивда ишлар экан.

«Қизилмағиздан келган, ғўлабир, жиддий ҳатто сипо киши эди,— дейди у.— Фозилов ҳамюртларидан икки-уч кишидан бошқа ҳеч кимга қўшилмади. Туғилиб ўсган жойидан, оиласидан юлиб келннган маҳбусларнинг кўпи газабнок, жиззаки, баджаҳл бўлади. ҳаммага эшнттириб бақнириб-чақириб сўкинади, аммо Фозиловнинг кулганни ҳам, қичқириб сўкинганини, нолиганини ҳам биров эшитмасди. У ҳеч кимга сўз қотмай, дами ўткир болтасини белига қистириб чиқиб кетарди: бор аламини у гўё ншдан оларди: болтани зарб билан урганда азамат қарагай пайраҳалари зинғиллаб учар, болтанинг акс-содоси қарагайзорда жарангларди...»

Янгилик шу. Ҳа, айтмоқчи: Фозиловнинг жасади кўмилган қабрстонни ҳам бориб кўрдим, бироқ қайси бири унинг қабри, ажратиб бўлармиди.

Ҳар қалай, билиб қўйганингиз маъқул. Эҳтимол, булар майда тафсилотлардир, лекин ота хотираси, ўйлайманки, сизлар учун муҳим...

— Бўлмаса-чи, жуда ҳам муҳим, сизни ишонтираманки, бизлар учун энг азиз хотира булар. Сиздан чексиз миннатдормиз, биз учун унутилмас иш қилдингиз, Юрий Николаевич, раҳмат!

— Уэр, уэр,— деди Аҳмаджон қучоқ очганча меҳмон олдига бораркан.— Келишингизни билдирмапсиз, Юрий Николаевич, кутиб олардик, далага чиқиб кетмасдик, шунақа ҳам бўладими.

— Тасодифан келиб қолдим, Аҳмаджон Одилевич, тасодифан,— деди у ўзини Аҳмаджоннинг қучоғидан айприб олар экан.— Йўл-йўлакай Тошкентга тушиб ўтадиган иш чиқиб қолди. Суюнганимдан делони портфелга солиб олдим. Биласизми, ўша меҳмонхонада учрашганимизда сиздан илтимос қилиш эсимдан чиқибди. Ўтган сафар келганнмда ҳамма ҳужжатларга тегишли кишиларнинг имзоларини чектирибману асосий даъвогарга — бувингизга қўл қўйдирмабман. Бизнинг ишимизда бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, бировнинг даъвосини ё нзҳорини ёзсангу тагида имзоси бўлмаса! Тарихга киролмайди. Шундай қилиб денг, дело ҳануз менинг қўлимда эди. Демак, бу менинг бўйнимда қарз бўлиб турибди. Инсон умрининг бир бўлаги акс этган бундай «иш»ни мукам-

мал ҳолда архивга бериш лозим. Менинг назаримда қопун ҳақиқати шу. Энди хайр, биродарлар.

— Йе, бу қандай бўлди? Биз келишган эдик-ку, бу келишда бафуржа гаплашамиз деб.

— Раҳмат, ука, — деди Юрий Николаевич қўл узатиб, — сиз келгунча Мўминжон билан у ёқ-бу ёқни кўрдик: қишлоғингиз шаҳар тусига кприб қолибди. Жуда хурсанд бўлдим. Қолишга келганда, афсус, фурсат йўқ, уч соатлардан кейин Тошкентда бўлишим лозим.

— Сизники доим қисталанг экан-да, — афсусланди Аҳмаджон.

— Начора. Ҳаёт ўзи шунақа, бир жойда турғизмайди, — у жилмайиб бош эгди-да, машинага чиқди.

Аҳмаджон қўл силкиди.

XX

Май ойи, иссиқ кунлар бошланган эди. Клуб орқасида, тол салқинида уч-тўрт киши гўнғиллашар эди. Кулранг костюмн устидан кенг қайишни тортиб боғлаган қотма, юзи чўзинчоқ киши қўлини арра қилиб шерикларига ниманидир уқтирарди. Сал нарида, тол тагига қўйилган скамейкада кўзини юмиб дам олаётган Тўхтасин қулогини динг қилди.

— Колхоз битирилармиш, эшитдиларингми? — деди юзи чўзинчоқ киши.

— Йўғ-э, шу гапга ишониб бўладими?

— Мен ҳам ишонмовдим. Аммо ҳисобчилар хилма-хил машинаннинг рўйхатини тузишяпти, заводдан чиққанидан тортиб, неча бор ремонт қилинганигача ёзишди.

— Бухгалтерлар хонасида кечалари ҳам чироқ ўчмайди, чўт қоқиб чиқишяпти. Ким билади дейсиз, бир гапи бўлса бордир.

— Ҳайронман, аммо колхозда нима айб? Ё раис кавасининг учини йўқотиб қўйдими?

— Колхозни бор ё йўқ қилиш ҳукуматга тегишли иш, биродар, балки кўтаролмай қолгандир, совхоз қилар.

— Нима бўлсаям халқсиз бўлмайди-ку... Мана тоға келяптилар, ечиб берадилар...

Елкасида кетмон, даладан Акбар ака келарди.

— Кечаги бўронда хас-хус аралашиб келган гап бу,— деди Акбар ака, нимагадир бошини сарак-сарак қилиб.— Юз оғизга тушиб чиққан гап. Мен ҳам ёнига бир-икки оғиз қўшсам, хўш, нима бўлади? Сизлар ҳам ўзларингизникини ажратолмай қоласизлар. Гапни тозасини, аслини билгиларинг келса, ана идора, ёнларингда, раиснинг ўзидан ё парткомдан сўранглар. Бўлмаса, сабр қилинглар, кўнглингиздаги гап пишиб етилса, йиғинда кўпчиликка маълум қиласизлар. Ахир бир оғиздан бўлса ҳам кўп фикр жамланади, сарагини ажратиш осон бўлади.— Чўйсафид йўлида давом этиб, йўлакай ўйлади: «Йўқдир. Қолхозни тугатиб қаёққа боради. Халқ бирлигини, шу байроқни сақлаб келган киши уни бузмас, дард тегдими? Ё чиндан ҳам бу юк колхозга оғирлик қилдимикан?»

— Ана кўрдингизми, тоғаям ечиб беролмадилар. Бехабарман демадилар. Гапни эҳтиётини қиладилар-да.

— Чувалмасин дейдилар. Йўқасам, тоға бўладилару бу гапнинг учи Навбахорга боғлиқ эканини, эл билганда, у киши билмайдиларми?

— Қайдам. Аммо гап ҳар кимнинг оғзида бир мақомга тушяпти.

— Ўша дастлабки йилларда колхозни энига ва бўйига чўзиш деб эълон қилгани эсингиздами? Ҳозир колхознинг, бир боши Тошкент областига, бир боши Андижон ва Фарғона областларига, бу ёғи Тожикистонга, у ёғи қирғиз тоғларига бориб тақалди. Хўш, энди қаёққа бораркин?

Кулранг костюми устидан белини кенг қайиш билан боғлаган киши гарданини қашиб турди-да, қўл силтаб мастерской томон юрди, бошқалари ҳам бирин-кетин жўнашди. Тўхтасин ўтирган жойида улар кетидан қараб қолди. У идорадаги кирди-чиқди ва шовқиндан бир нафас шу холи салқинда дам олай, деб бу ерга келувди, шуни ҳам ортиқча кўришди. Ахир бу боёқшнинг иши бошидан ошиб ётибди: на далада янги очилган ерни ўлчаб қабул қилишга улгуради, на идорада бафуржа ўтириб, ҳисоб-китобни тартибга солади. Навбахорни янги ўлчашга киришганларида Исмоил айтувди: Тўхтасин,

иккимиз бу ерларни ўлчаш орқасидан югура-югура қариймиз-ку! Жуда тўғри айтган экан, Тўхтасин мана энди англади. Ушанда бу гапнинг тагига разм солмаган экан. Аниқ эслаёлмайдн, балки номи қўрқоққа чиқишидан ҳайиққандир. Чиндан ҳам у қарияпти. Аҳмаджоннинг ўзи-чи: сочига оқ тушди, кичик-кичик бўлса ҳам пенонаси ва қовоқларида чизиқлар пайдо бўлди. Тавба, вақт шунча тез ўтибди-я! Аммо унда ўша-ўша тезкорлик, эрталаб азонда чиқиб кетса ярим кечада кириб келади, яна азонда ё велосипедни физиллатиб кетаётганини ёки рулда ўтирганини кўрасиз.

«Бориб-бориб ахирп бир кунп чарчайсиз-ку, ўшанда, рулни бошқариш малол келиб қолганини тан олганингизда, ассалом алайкум, ошина, дейман». У нима дейди, денг-а: «Югуриб юришга кучи етадиган вақтни бир жойда ўтириб ўтказган одам тез белангн бўлади, мен бўлсам, дўстим, вақтни қуваётибман, ҳозир унга стиб юришим мумкин экан, нега кейин қолай» эмиш. Шу ҳам гап бўлдию. Ахир, ёши элликдан ошиб кетган одам йўлда, машинада ўтириб, наридан-бери нонушта қилса, ақалли пешинда ҳам уйида эмас, йўлда, аллақандай дашт-далада, яна ўша машинада ўтириб, орқасидан аллакни қувиб келаётгандай, шоша-пиша овқатланса, шу ҳам раис одамнинг кун ўтказишими? «Ҳо, оғайни, ён-верингиздаги раисларга ҳам бир қараб қўйинг, ўшалар ҳам хўжалик бошлиғи, баъзиларининг экадиган пахтаси ҳали ҳам саккиз юз гектарга етиб- етмайди, бир гектар қўшганлари йўқ, ким уларнинг мушугини пишт деяяпти, сиз бўлсангиз... э, қўйинг, бари бир, бошқа бир гап айтасиз», деб қўл силтасам куладн: «Тўғри айтасиз, Тўхтасин, улар ҳам раис, улар ҳам бизга ўхшаган одам, аммо ҳар қайсимизнинг ўз имкониятларимиз бор, улар шу имконият чегарасидан чиқмайдилар, ўзларини ҳам, одамларини ҳам койитмайдилар. Биз бўлсак, чегарадан аллақачон чиқиб кетганмиз, энди тўхтаёлмаймиз», дейди. Яна нима дейишим керак, хўш? Сиз ўйлайсизки, қишлоқни оралаб оғиздан-оғизга ўтиб юрган бу гапни, аллакни тўқиган дебми? Акбар бува тўғри айтдилар, асли гап Аҳмаджоннинг ўзидан чиққан. Қайси бир кунни, тўрт-беш киши хўжаликни бошқариш бизда жуда оғирлашганини айтиб, гурунглашиб турган эди, суҳбат устига Аҳмаджоннинг ўзи келиб аралашди.

— Тўғри айтасизлар, ўртоқлар,— деди у гапга ара-лашиб,— ҳозир колхозимиз ўз танасига сиғмай қолди, шунинг иложини қилиш устида бош қотирыяпмиз. Совхоз-га айлансак қадамимиз каттароқ, қўлимиз узунроқ бў-лармикин, деган фикр ҳам йўқ эмас.

Шундай дедию йўлига жўнади, одамлар унинг кети-дан ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Тўхтасин ҳам ҳайрат қамровида «говур-ғувур»нинг конига йўл олди: энди ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, гап кўпаймайдими? Ё ўзи жўрттага ариннг уясини қўзғатиб қўйиб, ўзи томоша қилар дейсизми? Йўқдир, бунга вақти борми. Мен унга доим айтаманки, ҳо дўстим, шу тажриба ва синовларни ёмон демайман, эҳтимол улар жуда яхшидир, ammo бир оз тийилш керак, шунда ўзингиз ҳам балки бир оз ти-парсиз. У бўлса, афтимга хил масхараомуз тикилиб кулади: «Э Тўхтасинбой, ўзингиз ҳам хўп одамсиз-да, синов-тажрибаларини қайта-қайта ўтказишдан тийилиб, тишиб ўтирганимизда, бизга қанот бўлган шу хаёл-орзу-лар туғилармиди? Ақлни ишга солиб кўринг-чи, бир жой-да бўкиб қолмасмидик? Ташкилотнинг заиф томонлари йўлимизга тўғаноқ бўлиб қолган бригада сингари шакл-ларини ўзгартришдан қўрқсак, орзуга етишолармидик? Мадоримиз қуриб, шаштдан тушиб қолмасмидик? Иш-нинг улгуржиси мана энди кўзга яққол кўринганда, ти-шиб ўтириш тўғрисида гап очганингизни қаранг-а, оббо сиз-э...» Мана эшитдингизми гапини? Доим шу. Бир жой-да ўсиб, бир жойда унибмиз, бир жойда, бир мақсад учун ёшликдан олишамизу муттасил орқамдан югур дейди. Тавба...

Тўхтасиннинг шу безовта хаёлидан кейин орадан ўн кун ҳам ўтгани йўқ, раис маслаҳатга чақирибди деган сўз бир нафасда ҳамманинг қулоғига етди. Коммунист-лар, колхоз активлари туркум-туркум келиб, залини жон-лантиришди. Бир туркум қарилар келиб олдинги қатор-ни эгаллади. Ҳаммалари ясанган, кўкракларида орден ва медаллар, сипо, теварак-атрофларига виқор билан назар ташлашади. Залда қилт этган шарна эшитилмайди, ҳам-ма жим.

Раис илжайиб кириб келди, мўйсафидларга қараб турди-да, юзидаги табассум аста қочди, афтидан, уни ҳам салобат босди. Аҳмаджонга назари тушиб, Акбар ака-нинг мўйлаби учди: нима бўлди бу одамга, кўпчилик ўр-

тасида хаёли сочиладиган одати йўқ эди, наҳот бирликка қўл ургани рост бўлса!

Мўйсафиддан бир қатор орқада ўтирган Тўхтасин фиғони чиқиб хаёл сурарди: мана энди унинг туришига қаранг, ўзини йўқотди-қўйди-я. Эскини ҳадеб янгилай-верманг, яроқсиз бўлиб ётса ётар, сизга нима, нафини бу срда ўтирганларнинг ўнтасидан биттаси билади, сизнинг жон куйдирганингиз, асабингиз бузилгани қолади, деб юз айтдим. Биласизларми, куни кеча ҳам унга айтдим: секин-аста иш юритаверинг, ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам қаттиқ койитманг, десам, биласизми, нима дейди: вақт беҳуда ўтиб кетармиш. «Биласиз, умрини оёғи ерга тегмай, ёруғ оламини дуруст кўрмай ўтказадиган одамлар ҳам бор», дейди. Мен унга: «Албатта бор, беш қўл бара-вар эмас», дейман. У бўлса: «Мен жонни қийнамасам, сиз қийнамасангиз, биласизми, қишлоғимизда қанақа коллектив вужудга келади?» Мен елка қисдим. У кулиб елкамга қоқди. «Билмайсизми, оғайни? Лоқайд, ланж одамлар тўдаси. Йўқ, беш қўл баравар эмас, деган ибора маънисини ўнглаб ишлатинг: бахтимизга ланж, лоқайд одамлар жуда кам, ҳеч кимга, ҳеч нимага лоқайд қарамайдиган, одамлар учун жонини қийнашдан қўрқмайди-ганлар, ризқ-рўз улашадиганлар кўп...» Шу гапларини нимага ҳозир айтавермайди, нимага қараб турибди ё тили боғланиб қолдими?

Тўғри, раисни чолларнинг салобати босган эди. Бир лаҳзалик ҳаяжондан у ўзини ўнглаб олди, юз-кўзи шодон кулиб, зални тўлдириб ўтирган колхозчиларга қаради.

— Биз нимагаки етишган бўлсак, бу йўлда нимаики хато қилган бўлсак, ўртоқлар, ҳамма айб мана бу отахонларимизда, ё гапим чаккими?

Зал жонланиб кетди, мўйсафидлар энди унга қараб қолишди. Акбар ака: «Хайрият!»— деб юборди.

— Нимага айб отахонларда бўлади?— деб сўрарсизлар балки. Кўпларингиз эсда сақлаган бўлсаларингиз керак, мени раисликка сайлаганда булар: мана бу биз тузган карвон, жиловни маҳкам ушланглар, ёшлар, сафларингиз кўпайсину озаймасин, бирликни сақланглар, бу йўлдаги карвонларнинг ортида эмас, олдида юришнинг иложини топинглар, деб фотиҳа беришган эди. Ё ёлғонми?

— Рост!— дейишди мўйсафидлар,

— Биз оталар изидан бордик, аммо тез юрдик, қо-
лоқлар, жони ширилик қилганлар сафдан тушиб қо-
лишди; довоннинг қийин, қалтис жойларида ҳам шиддат
билан юра оладиган абжир йигитлар сафимизга кўп қў-
шилди. Мана кўриб турибсизлар: сизлар бизга топшир-
ган ўша карвон — сизлар тузган ўша бирлик хўжалиги
бугунги кунда, тортинмай айтаман, областда, ҳатто рес-
публикада энг йирик, энг катта миллионер хўжаликлар-
нинг бири. Техниканинг ҳамма хиллари билан мукамал
қуролланган хўжалик. Бу ҳам ростми?

— Рост! — бутун зал гулдураб жавоб қилди.

— Аммо бу ерда ўтирган кўпчиликнинг кўнглида бир
савол бор, — деди Акбар ўрнидан туриб ва мўйлабини
силаб, одамларга бир қараб олди, кейин раисга ўгири-
либ давом этди: — Совхоз бўлган колхозларни кўп кўр-
ганмиз. Бир хиллари ибоб раҳбарлари дастидан талон-
торожга йўлиқиб абгор бўлиб қоларди, колхозчилар ҳам
ўз тирикчилигини ўйлаб кетарди; баъзи хўжаликларнинг
раҳбарлари ношуд, ланжлигидан ишлар ўлда-жўлда қо-
ларди, ерни парвариш қилиш ўринга, барини еб туга-
тишарди — колхоз чўкиб қоларди. Бундай пайтларда
давлат халққа ёрдамга келарди, бу колхозларнинг
бир нечасини бирлаштириб совхоз қилинарди. Лекин
бизни нима мажбур қиляпти? Шунини тушунтириб бер-
сангиз.

— Аммо савол ҳам дейман доклад бўлиб кетди-ку,
раис бува, — деди Аҳмаджон енгил кулиб. Ҳақиқатда эса,
Акбар ака қишлоқдаги мишмишларнинг мағзи шу, раис,
жавобдан қонсин булар, дегандай гап қилган эди. Аҳ-
маджон чакагини эзгилаб турди-да, давом этди: — Мар-
ҳум Мелиқўзи Умрзоқов бу ерда ўтирганларнинг хоти-
рида. Колхозимизда техника инқилобинин бошлаб берган
ўша шунқор йигит бир суҳбатда бундай деган эди: «Ни-
мага шимим калта, кўйлагим тор, десам бўйим ўсиб
кетибди».

Баъзи ўртоқларимиз бу гапни аския фаҳмлаб ку-
лишган эди. Ҳолбуки, бу ҳаёт тақозоси, унинг янги ер-
ларни дадил ўзлаштиришга, ерларни дадил карталашти-
ришга қаратилган даъвати эди...

Қариялар қаторида жим ўтирган Усмонали Ғойназа-
ров ногоҳ жонланиб гоз турди:

— Ҳақ гапни айтдингиз аммо, раис, — деди у, — дев-
дай йигит эди ўзиям. Чиройли улоқчи отга ўхшарди. Ма-

шинани жонли нарса деб биларди. Эсингиздами, ўша ўн беш тонна пахта терган купи. Кичкина винтларидан бири узилиб кетган экан, Сайдали келиб «ХВС»нинг ўша винтнини топиб тузатгунча ўзини қўйгани жой топмади. «Машинанинг юраги қалтираб кетганини аниқ сездим», деган эди раҳматлик. Ўзининг ана шу фидокорлиги ва жонкуярлиги билан ёшларда техникага меҳр уйғотди. Ишхонада, далада ва мактабга бориб ҳам ўсмирларга машинани ўргатарди. Қолхоз техника зиёлилари ана шу тарзда вужудга келган эди. Агар бу ишга лоқайд қаралган бўлса, Аҳмаджон қўриқ очувчи, тоғларга йўл солувчи механикаторлар отрядини қаердан тузарди, қўриқ очувчилар сардори бўлиб танилармиди? Менинг назаримда,— деди Ғойназаров,— қишлоқдаги техника зиёлилари партиянинг олтин фонди; техникани эса, шаҳар бир қишлоқ ўртасидаги пўлат кўприк деса ҳам бўлади. Ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман бунини.

— Ие, бу дейман, уста, гапга тикка от солинаввер эканда-а? Хўп, майли,— деди Аҳмаджон шодон кулиб.— Доклад тамомми, оғайни, ўтиринг. Ана эшитдиларингизми бу гапни, колхозни тузганларингизда ер ҳайдашга қўш хўкиз, ер чопишга кетмон ҳам етишмаган эди, бунинг устига ҳаммаларнингиз саводсиз эдингиз, сизларни хат ўқийдиган, ўз номингизни ёзадиган қилгунча муаллимларнинг озмунча кучи сарф бўлганмиди? Бу гапларни мен қайдан билай, у вақтларда мен ҳали она суғи оғзидан кетмаган гўдак эдим; сизлардан, айниқса, Акбар акадан билганман. Қўл қўйишни сизга қандай ўргатишган; мана ўзлари гапириб берадилар,— деди Аҳмаджон. У ҳозир вақти хуш тортиб, жуда очилиб кетган эди.

Акбар ака мийиғида кулиб, бир-икки томоқ қирди, кейин одатига кўра, аммо ўзларинг ҳам дейман, деб қўйдди ва оппоқ, анча сийракланган шопмўйловини силаб ўзининг павқиронлик чоғларини эслади. Ушанда Акбарали «Жамият» колхозининг пешқадам бригадири, Одилжон Фозилов раис эди. Қишлоқда ҳар маҳалла ўз бошига колхоз бўлганда ҳар ким биттадан пон, бирон сиқим туршакни белига боғлаб, кетмонни елкага ташлаб чиқарди. Кечгача кетмон чопиб, сув суғориб, қоронғи тушганда қайтарди. Акбарали қаттиқ чарчаган эканми, уйга келиб, жомани ечиб, юз-қўлини ювди, сўрида овқат-

ланди, нимагадир мактабга чиққиси келмади, ёстиққа ёнбош ташлаб кўзи илинибди. Хобида биров ўдағайлаб қамчи солди, чўчиб уйғонса, кимдир қамчи даста билан кўча эшикни тақиллатарди. У тўнани елкасига ташлаб чиқди. Эшикни очса қоровул, от устида: «Ҳозир идорага бораркансиз», дедию отни йўрттириб кетди.

Идорада раис, ёнида муаллим ўтирибди. Раис истеҳзоли жилмайиб қаради унга: «Уйқу шунчалик зўрми, Акбарали, ўқишни ташлатибди!»—«Йўқ, бугун шундоқ бўлиб қолди, буёғини маҳкам ушлаймиз».—«Ҳа, шундай бўлсин, ука. Тўғрисини айтинг, бошқа ишингиз бўлса қарашворай, аммо бу борада ман ҳам сиз қатори, ўз юкимни зўрға кўтараман. Бир нақл бор: етакчи кўр бўлса, орқасидаги гентираб қолади. Шунинг учун, ука, ҳозир жонни қаттиқроқ қийнаб кўзни очиб оллинг».—«Энди бир кун бўлди-да...»

«Шу бир кун эртага топилмайди, ўртоқ бригадир, қани юринг мактабга»,— деди муаллим.

— Ана шунақа эди,— деди Акбар ака.— Ушанда кўзим хат ўқишга ўтадиган бўлган, қўл қўйишни билиб олганман.

— Ҳа, ўша куч билан салкам йигирма йил давомида катта рўзғорни тебратдингиз,— гап қистирди Қодирбобо,— бўлмаса, сизга йўл бўлсин эди, эл орасида раисбобо бўлиб юриш.

— Ҳақ гап,— тан олди Акбар ака. Мамажон ота миёғида кулиб, ўрнида бир қўзғалиб қўйди.

— Сизда ҳам бир-икки оғиз гап борга ўхшайди, отахон,— деди Аҳмаджон.

— Бу куннинг гапига унча тишимиз ўтмайди, ўтган куннинг гапидан бир-икки оғиз айтсам айтай,— деди мўйсафид. Ёнидагиларга бир қараб олди.

— Қарз ширкатининг гапидан бошланг,— жўралари ўзаро кўз уриштирди.

— Нима, қарз ширкати нолитганмиди?— хиёл қизишди мўйсафид.— Эсингиздами, зориққанингизда қаддингизни ширкат кўтариб қўйган эди. Омочга тиш ва бўйинтуруқни ҳам ёлғиз ширкат берарди, шекилли-а? Бу гап ўз йўлига,— деди қария энди хиёл ечилиб,— аммо ўша тарихнинг бир томони эсдан сира чиқмайди. Ислохотда ер олган қарол ва мардикорлардан биттаси бир кунни келиб: «Ака, бир сир айтсам ошкор қилиб қўймайсизми?» деб сўради. Мен тамом жиддий қолда: «Агар ше-

рик қилеангиз ошкор қилмайман», дедим. У нимагадир суюниб кетди: «Биз беш-олти хўжалик шериклик артели бўлмоқчимиз, нима дейсиз?» деб қолди. Рўйхат туздик, маслаҳат йиғилиши ҳам дастлаб ошкор қилинмади. Бунақа ишни яшириб бўлади дейсизми, баҳорга чиқиб, ер ҳайдашга тушгандаёқ ҳамма билди. Қишлоқда олдинги: «Ялангоёқлар артели», деб масхараомуз кулиб ҳам юришди. Аммо ҳамжиҳатликка нима етсин, бунинг устига баҳорда ёғин кўп бўлди, буғдой ва арпа яхши етилди. Ялангоёқлар хирмонни катта кўтарди. Умрида бунчалик дон кўрмаган батракнинг уйи. Тегирмонга хуржунда эмас, катта қопда буғдой олиб боришди. Келгуси йили яна битта артель тузишди.

— Сўнги колхозлар ўшалардан туғилган дейсиз-да, ҳойнаҳой,— деб луқма ташлади қариялардан бири.

— Ҳар қалай, хамиртуруш ўшалар. Ҳамжиҳатликка, келгуси бирликка ибрат бўлувди...

— Раҳмат,— деди раис.— Кўрдиларингизми, орқага бир қараб олингач, буёғи равишан бўлди. Не-не хатарлардан ўтгансизлар. Жошларингиз аямай, бизга йўл солиб бергансизлар. Бизлар ўзларингиз солиб берган йўлдан тойганимиз йўқ. Аммо сизлар тузган карвон эндиликда қудратли техника билан қурулди, бақувват, билимдон ёшлардан иборат. Сизлар солган йўл кенгайтирилди, карвоннинг ортган юки оғир, қадами шиддатли. Шу шиддатли куч икки районга жой бўлгудай қўриқни очиб, унумдор ер қияпти. Чўлдаги «Навбаҳор» шаҳрининг биринчи навбати қурилиб бўлди. Пунгон даштини очиб тез боришти. Шаҳарчасини қуриш ҳам бошланади. Хўш, энди истиқболга назар ташлайлик. Бир кун келиб «Навбаҳор»дан ўтган кишилар бир-бирларидан сўрашади.

— Биродар, мана бу шаҳарни ким қурган?

— «Ленин» номли колхоз аъзолари.

— Тасанно!

Пунгондан ўтувчилар:

— Хўп жойлар бино бўлибди-да, ким қурган, оғайни?

— «Ленин» номли колхоз аъзолари.

— Оталарига раҳмат!

Қани, айтишлар-чи, инсон учун бундан улуғ мукофот, фахр борми? Биз шунга иштияпмиз, отахонлар, ўртоқлар. Энди, бизлар совхозга айланиб, юришни тўх-

татмай, олға бораверамиз, шу ниятга етамиз ёки орқага
қайтамиз, хўш, нима қилайлик?

Акбар ака ғоз туриб, мўйлабини силади:

— Олдинга, ёруғликка юришга куч етиб турганда,
орқага қайтиб бўлмайди, олға!

Қарсақлар зални гулдуратиб юборди.

ГУРУМСАРОЙЛИКЛАР



Қуруқ совуқ. Тун. Қишлоқ уйқуда. Дашт томондан ачиқ пзғирин эсади. Осмонда гоҳ пароканда булут парчаларини юзига тутиб, гоҳ жамолини кўрсатиб ой сузди.

Ён кўчадан икки киши чиқиб келди. Улар оҳиста юриб катта кўчанинг йўлкасига бурилди. Тикқомат, мўйловдор мўйсафид Акбарали Тошиматов кўча ёқалаган қатор уйларга, навқирон теракларга бир лаҳза тикилиб, аллақандай хаёлга толди: ёнидаги қўйма гавдали. олқадор йигит — Аҳмаджон Одилов эса олдинга ўтиб қолшдан ўзини тортиб қадам ташлайди. Афтидан, иккаласи ҳам ҳаяжонини сиртга чиқармасликка тиришар, сокин тунда хаёл жилловини қўйиб берган эди.

Одам кўнглининг тубида нимадир туғилади, аста-секин улғаяди, кейин бирданига мавж уради-да, булоқ сувидек кўз очиб отилади. Акбар ака кўнгил булоғининг кўзи бугун худди ана шундай очилди. Кекса раис катта хўжалик карвонини етаклашга энди ожиз эканлигини гурумсаройликларга рўйирост айтди, халқ унинг юрак сўзига ишонди. Унинг тавсияси билан ўрнига Аҳмаджон сайланди.

Акбар ака карвонга йигирма йил йўл бошлади. Бу карвонни энди Аҳмаджон етаклайди: юриб чарчамайдиган, тиниб-тинчимайдиган вақти, уришиб-туртишиб йўлни, тадбирини топар. Қанча тез топса, шунча яхши. Хўш, энди ўзи кексалар қаторига ўтдим, деб қўл қовуштириб ўтира оладими? Қайси ишнинг бошини тутсину, мазгилни яқинлатишга ҳисса қўшсин?

Аҳмаджон гўё ўз қадамини санарди: мураккаб, қийин иш, уддасидан чиқа олармикин? Иш йўсинини, тартибинини ўзгартирса, Акбар ака тўнини тескари кийиб олмасмикин? Қийналиб қолганда мададга келармикин?

Келади, шернинг қариси ҳам шер.

Иккови ҳам уй-уйига кириб кетолмас, кўча бошигача жим бориб, аста, жим қайтарди, Аҳмаджон сезиб турибди: ҳозир у нимадир дейди, ниманидир уқтиради.

Акбар ака қўлини белига чалмаштириб олди, қадами яна ҳам секинлашди. Қочган хаёл узоқ-яқин ўтмиш саҳифаларини варақлай бошлади. Варақлар бетида ернинг этагидан оққан шу қадимий дарёдап экиннига бир қулоқ сув чиқариб ололмайд армонда ўтган, бахт излаб элма-эл кезган ғурумсаройликлар кўринди. Улар, биринчи баҳор шабадаси эсиши билан қинғир-қийшиқ тоғ сўқмоқларига турнақатор тизилиб, мажоли қуриб йиқилган шерикларининг қўлтиғидан кўтариб, бир-бирига суяниб довон ошиб кетарди. Отаси мардикор-корандаларга қўшилиб тоғ ошиб кетганда Акбарали ёш бола эди. Пастгина гувала деворли кичкина ҳовлидаги бир туп хасаки тут тагида она-бола довон томонга кўз тутиб ётишарди. Эсидан ҳеч чиқмайди: шу тут барг ёзганидан бошлаб униинг кўзи тепада бўларди: қачон оқараркин?

Бир куни кечаси уни аллақандай овоз уйғотиб юборди: бош кўтариб қаради — ҳеч ким йўқ. Дашт томондан иссиқ гармсел эсяпти. Ёнида онаси терга ботиб ухлаб ётибди. Қийинини олиб, уни секин елпиди. Уйқусдан уйғотган овозини у энди аниқ эшитди:

— Оқаради, ўғлим... ҳил-ҳил пишади. Кейин-чи, қоқиб шинни қилиб бераман... Қуриб майпаз ҳам қиламиз... Отанга кўп олиб қўямиз... бўз от миниб келади... учқур от...

Ойиси уйқу аралаш ғалати кулди. Кейин бу ёнига ўгирилиб олди.

Акбарали шу куни кечаси бўз отни ўйлаб, юлдузларга қараб ётди. Кўзи илинса, от дуқури эшитилавериб, уйқу қочаверди... Кейин у ҳам шу довоношарлар қаторига қўшилди...

... Кейин қишлоқда олағовур бошланиб, ўзгарниш бўлганда, Акбарали йиғит эди. Ушанда қишлоқ қўлдан-қўлга ўтиб турди... Кейин катта бойларнинг ери тортиб олиниб, батрак-камбағалларга бўлиб берилди...

... Бозор куни бўлган йиғин ҳали-ҳали кўз олдида.

Ушанда баҳор кирганмиди, баҳор эди деса, томдан кураб ташланган қор уюмлари эриб битмаган, бўғотлар тагида унда-бунда бетини тупроқ босиб ётган, дарахтлар ҳали уйғонмаган, гўнг тепаларда қарғалар қагиллашиб учиб юрган эди. Уша йиғинда райондан келган вакилларнинг камбағал деҳқонлар бирлашиб, катта куч бўлади, дегани қулоғида қолган. Кейин қишлоқ муаллими шотига оёқ қўйиб, қўқон аравага чиққан, гилдиракка кўкрагини тираб узоқ гапирган, энди қишлоқда камбағалларнинг биринчи душмани қулоқлар деган, катта-кичик — ҳаммани ўқишга чақирган эди. Уша муаллим бир куни кечаси йўқолиб қолди. Кейин унинг ўлишини даштдан, тош қўра ичидан топиб келишди. Тилини, қулоғини кесиб ташлаб, кўзларини ўйиб олишибди. Унинг жасади ёнида ҳамма йиғлаган эди...

Шу колхоз ўшанда тузилган, унинг биринчи мажлиси сада тагидаги чойхонада бўлган, бу йиғинга уни Олжон акаси бошлаб келган эди. Уша мажлисда кўпчилик ерсизлар, кам ерликлар колхоз бўлди, Акбарали ҳам...

— Отанг бизни бу йўлга бошлаганда,— деди Акбар ака тўхтаб ва қўлни Аҳмаджоннинг елкасига қўйиб.— биз бир неча оту ҳўкиз, ёғоч омов билан бўлтак-бўлтак ерни тиндалаб озгина уруғ сочган эдик. Шу уруғнинг кетини узмадик, кўпайтириб мана шунча қилдик. Ўзимиз ҳам кўпайдик, улғайдик, еримиз ҳам.

Акбар ака Аҳмаджоннинг елкасидан ушлаганича осмонга тикилиб қолди. Теракларнинг бир-бирини қучган яланғоч шох-бутоқлари орасидан ой худди четан орқасида сузгандай бўлак-бўлак кўринарди. Унинг эътиборини ҳозир шу тартиб олган эди. Кейин ота ўғлини юришга ўргатаётгандай, битта-битта юриб, сўзида давом этди:

— Биласанми, ўша вақтда, одам гўзани машина билан чопиқ қилиб, пахтасини ҳам ўзи машина билан тиради, деса бу гап чўпчак бўлиб эшитиларди. Ушанда биз бетма-бет турган муштумзўр бойга қарши уюшган эдик. Энди бу гапни бизнинг Турсунбойга айтсангиз, чўпчак дейди.

Билак пайларни тортишдимиз, у Аҳмаджоннинг елкасидан қўлини олиб, қулочини келг ёзди. Кейин терак тагидаги ариқда шилдираб оқаётган сувга аллақандай мароқ билан тикилиб турди-да, давом этди:

— Энди мундоқ ўйлаб қарасам, биз бу йўлни жуда

қийналиб, жуда секин босиб ўтибмиз. Бу йўл биз кексаларга зўр мактаб бўлди. Ўз уйимизнинг деворидан нарисини кўролмасдик-да, кенг оламни ўз уйимиздан кўрадиган бўлдик. Сизлар қўлингизни узатсангиз, мана шу кўҳна тоғнинг чўққисига етади. Хоҳласангиз унинг белини узиб, ўзингизга катта йўл солиб оласиз...

Улар кўча эшик олдидаги кўприк устида тўхташди. Акбар ака Аҳмаджонга қўл узатди. Лекин унинг қўлини тез бўшатмай, туриб қолди. Аҳмаджон унинг оғзини пойлади.

— Бу гапни сен хамирдан қил суғургандай силлиққина иш юритаверасан деб айтаётганим йўқ,— деди у яна ҳам босиқ товуш билан.— Ундай бўлса, раисликни ўзим ҳам қилаверардим. Кўзимни очиброқ қарасам, колхоз менинг ақлимдан тез ўсибди. Ҳа, ақлим шошиб қолди. Бошлиқ бўлиш осону бошламоқ қийин... Кўпчиликнинг рўзғори... Ҳар хил одам бор. Кўчмай ётган бир ишни ўрнидан қўзғатай деб бош қотириб турганинда, олдинга бири кулиб, бирови йиғлаб, яна бирови дўқ уриб киради. Ҳаммасининг кўнглига битта калит билан очиб киролмайсан. Ҳар бирига яраша муомала қилиш керак. Ҳар ишнинг ўз таомили бор. Шуни сезиб, билиб олсанг, одамларнинг қалбига йўл топасан. Энди бор, уйдагилар кутиб ўтиришгандир.

Бу тунги суҳбат Аҳмаджоннинг ҳаяжонини оширган эди. Ота меҳрига тўймаган, ҳамиша шу меҳрни қўмсаган йигит ҳозир ўз елкасида Акбар ака қўлининг ҳароратини сезар, унинг беғараз, самимий сўзлари келажакка бўлган ишончини қанотлантирар эди. Акбар ака очолмаган, унинг ақлини шоширган хазина қаерда, қайси?

У кўча ўртасига тушиб олди. Акбар ака эшик ҳалқасини ушлаганича уйга кириб кетолмай, унинг гурс-гурс қадам ташлаб боришига мамнун қараб турар, ой эса кўчага шуъла сочиб, терак учидан гўё кулиб боқарди.

РАИС БУВА

Машина ва аравадан тўкилган пахтани териб юрган икки бола отлични кўриб йўл ёқасига чиқди, болаларга хос қувонч билан иккаласи баравар:

— Ҳорманг, раис бува!— деди.

Отлиқ қамчи ушлаган қўлининг қуюқ қора мўйловига етганини ўзи сезмай қолди, жиловини тортиб, ёнига қаради, кўзи болаларнинг ҳурмат билан тикилиб турган

чақноқ кўзларига тушди, кўнгли ийиди, руҳи енгил тортиб кетди: «Бува» сўзи ҳозир унга эриш туюлмади, ҳатто ёқди, хушнуд жилмайиб:

— Баракалла шоввозлар, ўзларинг ҳорманглар. Ҳа, баракалла, битта ҳам қолдирмай олинглар, ерда қолмасин, увол бўлади,— деб уларни ширин сўз билан мукофотлади-да, отга қамчи босди.

Болалар «раис бува» кетидан мамнун тикилиб қолишди. Аммо унинг ҳозирги ҳолатини сезишмади. Шу тобда Акбар ака кенжа пахтакор авлоднинг ўзига тикилиб турган меҳр тўла кўзларини кўриб, танасига сигмай кетган бўлса, ота-оналари меҳнатининг заррасини чанг ва хас-хусдан тозалаб олаётган шу болаларни нима хаёл биландир дарров пайқамади, устига-устак, бармоқлари беихтиёр мўйловини силади — кўнгли шундан хижил эди... У ана шу хаёл ичида отни аста елдириб борарди.

Ҳар кимнинг таъби ҳар хил. Бировлар борки, ёши улғайганда соқол-мўйлов қўяди, кишилар кўзига улусифат бўлиб кўринишни хоҳлайди; баъзи бировларга бу одат ғалати туюлади, кун оша қиринмаса, қўли бетидан тушмайди; Акбар ака бу тоифаларнинг унисига ҳам, бунисига ҳам ўхшаб кўринишни хоҳламайди. У соқолини қириб, қадди-бастига ярашган қуюқ қора мўйловини хиёл кузаб юришга одатланган — йигитлик зийнати шу! Бу одатни ҳали-ҳали тарк этмаган, ҳамқишлоқларига ҳам, райондаги таниш-билишларига ҳам мўйловининг оқини ҳануз кўрсатмаган. Бу ерда ҳамма, ҳатто ўспирин болалар ҳам уни фақат Акбар ака дейишларининг, боя «бува» сўзи қулоғига кириши билан қўли дарҳол мўйловига етиб қолганининг сабаби шу эди.

Одатда, ишдан келиб у уйда бемалол овқатланар, каравотга чўзилиб, ҳордиқ чиқарар, кейин ҳовлидаги мева дарахтларининг кераксиз повда, бутоқларини чилпир, токни хомток қилар, хоҳиши келиб қолсагина у ёқбу ёққа чиқар эди. Ўзи ҳам ҳайрон: болаларнинг бояги ширин сўзлари кўнглини яйратиб юбордимми, ҳар қалай, бугун Акбар ака иштаҳа билан тез овқатланди, ўзини ҳар кунгидан тетик сизди: уйда ўтиргиси келмади, кўчага чиқди. У дарё бўйига олиб чиқадиган паст кўчага бурилди.

— Ҳорманг...— Акбар ака кимнингдир ҳурмат билан берган саломини эшитди.

Бу колхознинг энг жонкуяр, энг пешқадам бригадир-

ларидан бири, ғурумсаройликларнинг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлаган вакили — Умринисо Ҳайитова эди. «Қишлоғимиз қизи! — фахр билан кўнглидан ўтказди Акбар ака. — Илгариги замонда овлоқ бир қишлоқ деҳқонининг қизи қачон ва қаерда давлат олий ташкилотига сайланибди, халқ номидан давлатни идора қилибди? — гўё биров билан баҳслашгандай ўртага хаёлан савол ташлади-да, ўзи жавоб берди: — Ҳеч қачон, ҳеч қаерда!»

Бир машина пахтани юклаб, ёнидан Парпи Хўжаев ўтди.

Жуссаси чоғроқ, чайир, деҳқончиликда палапартишликдан холи, ўйлаб тағига етмасдан туриб, иш тутмайдиган бамаъин йиғит. Акбар аканинг хаёлида ҳозир Парпи эмас, тўйқусдан отасининг қиёфаси гавдаланди, гўё у билан ёнма-ён юриб сўраяпти: «Парпини кўрдингизми, ерга қаратмади, а?» Ҳа, у отасига тортди.

Акбар ака ўз хаёли билан бўлиб, ёнидан салом бериб ўтган велосипедликни пайқамабди. Ҳамиджон Алижонов. Қишлоқ ўрта мактабининг биология ўқитувчиси. Бу йил ўқувчи болалар билан бирга қирқ уч гектар ер ажратиб олиб пахта етиштирди. Келгуси пахтакорларни, кишлоқнинг бўлгуси бинокорлари, деҳқонлари, агроном, муаллим ва техникларини тарбияляпти. Шу бир йил ичиде қанча бола тракторни, ғўзага сув тарашни, озуқа беришни ўрганди, энг аълоси — ота-оналари меҳнатининг, улар бунёд қилган бойлиқнинг қадрига етадиган, буларни авайлаб, ёнига қўшадиган янги бўғин ўзляпти.

Акбар аканинг эсига тунов кунги воқеа тушиб, кулгиси қистади: «Оббо болалари тушмагур-ей, — деб юборди у. — Ахир теримнинг айна қизгин вақтида колхоз кўчма байроғини шу кичкина болалар муттасил қўлда сақлашяпти, бу мусобақадош бригада аъзоларига алам қилиб, болалар ўтаётганда, улар:

— Ҳой, майдалар, байроққа энди тамом хўжайин бўлиб олдиларингми? Биз томонга ўтказай ҳам демайсанлар-а! — дейишибди.

— Биринчидан, — дебди улар, — биз майда эмасмиз, иккинчидан, байроққа овора бўлманглар. Бизга етинглару олинглар. Бўлмаса, сизларга байроқ йўқ!»

«Оббо болалари тушмагур-эй! — Акбар ака яна ҳам тетик, енгил тортиб кетди. — Ҳа, янги пахтакор авлод етишяпти, ўринбосарлар!»

Шу топда кўз олдида Мелиқўзи гавдаланди...

Мелиқўзи бошлаб берган ҳаракат ҳаммани — ёшларни ҳам, катталарни ҳам ғайратга миндирди. Ахир, бир мавсумда битта ўзининг машинада терган пахтасидан миллион метр газмол чиқади-я! Қанча одамга кийим бўлади! Ҳа, у пахтачиликда техникага, бизга қанот бўлди. Энди буни бутун мамлакат билади!

Шу топда юрагини тўлдирган хурсандлик, ғурур, янги куч Акбар акага қанот бўлди-ю, гўё парвоз қилди. «Ҳа, ҳа,— деб ўйлади у,— миришкор бригадирлар — Деҳқон, Маннон, ўнлаб бошқа йигитлар-чи!» Унга қанот бўлиб, тоғдан баланд учирган шулар эмасми? Шулар! Қишлоқ ҳам унинг кўз олдида янгиланди. Шу йигитлар ҳам боғаликдан унинг кўз олдида, унинг қўлтигида ўсди...

У олмазор оралаб дарё бўйига тушди. Барглари битта-яримта саргая бошлаган бир туп олмага тикилиб қолди. Барглар орасидан кунгай томони қип-қизариб пишган бир дона олма ярқираб кўринди. Уни узиб олди. Қафтида ўйнаб бориб, ҳозир супа шаклига кириб қолган эски паҳса девор қолдиги устига чиқди. У ёқ-бу ёққа разм солди. Қўҳна қишлоқдан — аввалги Ғурумсаройдан қолган бир туп сада дарёга мункайиб турар эди. Унинг уйи шохлари сийракланиб қолган, ўтмишда халқ ғурбатини ва шодлигининг гувоҳи бўлган, ҳозир эса олмазор боғининг бир четида мудраб турган шу сада орқасида эди. Қачон эди? Бу ердан кўчнб чиққанларига ўн йилдан ошди шеклилли. Катта бувалари, ота-онаси, кейинча унинг ўзи ҳам паҳса девордан бипо қилинган шу кулбада умр ўтказишди. Унинг эсида: шу икки туп сада тагида темирчилик устахонаси бор эди: Ҳамроқул ва Умрзоқ темирчилар отга тақа, арава яилдирагига темир қоқар: кетмон, болта, теша пешлашар эди. Ҳовлиларда тут дарахтларигина бўлар, аҳён-аҳёнда бирор туп ўрик кўринмаса, қишлоқнинг бор-йўқ меваси шу эди. Ундан нарисини анови адирларгача гўё поёни йўқ дашт, ёзи жазирама, қишки изғирини аридек чақадиган саҳро эди. Мол тимирскилаб ўзига озиқ тополмасди. Узоқ қиш тунлари адирларда бўрилар увлашарди. Ушанда Акбар кўрқиб, бошини кўрпага маҳкам буркаб оларди.

Ҳа, Ғурумсарой шу эди. Ким, нимага бундай деб ном қўйган? Аниқ эмас. Бир ривоятда, бу ерга макон қурган чорвадорлар хароб турмуш кечирган, ғурбатда

яшаган, шунинг учун шундай ном беришган, дейилса, иккинчисида, тоғ томондан ҳайдаб келинган ғуломлар шу қайрағоч тагидаги саройга қамалган, шу ерда со- тилган, кейин бу жой Ғурумсарой бўлиб кетган дейила- ди. Хуллас, ривоят кўп. Нима дейилса, дейилгандир. Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Уша ғурбатда яшаганлар, ёки ким ошди қилиб сотилган ғулом-қулларнинг эвара, чеваралари ким келиб кўрса, ҳавас қилгудек янги қиш- лоқ қуриб кўчиб чиқдилар, эски қишлоқ ўрнида олма- зор боғ яратдилар, нақши жило берадиган сарой қурди- лар, бурчоқ унмаган даштни оқ олтин конига айлантири- дилар — бунисининг аҳамияти катта.

Орқада дарё чайқалди, кейин қаттиқ қўлтиллади, бурама кўринди: ё жайхун кичикроқ балиққа ташланди, ёки ўпқон очилди. Акбар ака сесканиб ўгирилди. Сир жимирлаб, жимиб оқар, лекин нарироқда сув ўртаси худди мойжувоз кундасига ўхшаб тешик, тегирмон то- шидек пилдирар эди. Акбар ака бу «жувоз кунда» — ўпқон гирдобига хийла тикилиб турди-да, кейин супага чўккалади. Озмунча одам ютдими, бу ўпқон!.. «Эҳ, Сай- хун! — дея дарёга хитоб қилди у. — Гоҳ у қирғоқни, гоҳ бу қирғоқни емириб неча асрдан бери шу ердан оқиб ўтдинг, баҳорда ўкириб атрофингга кўпик пуркаб, бил- май яқинлашганни ютиб ўта бердинг, лекин қирғоқинг- дан нарига паминг юқмади-я!»

Ҳа, нами юқмади, лекин Акбар Тошматовларнинг ота-боболари уйини ўпқон тортиб кетса ҳам, шу дарё лабидан жилмадилар, ўзлари унинг сувидан ичолдилару ерларидан унган гиёҳ ёз жазирамасида жингинак бўла- верди. Акбар энди навқирон йигит бўла бошлаган чоқ- да, илк баҳор кунларидан бирида қишлоқнинг дастлаб- ки совет активларидап бирн Одил Фозилов унга:

— Акбарали, энди ҳар ерларда тентираб, мардикор- лик қилишни тарк эт. Уюшдик, сен ҳам колхозга кир. Мана бу асов дарёнинг жиловланадиган фурсати ҳам яқин, узоқ эмас, — деган эди.

Акбар шу йил қишлоқда қолди. Фозилов раис бўл- ган «Жамият» колхозида бригадир бўлди. Вақти келган- да, дарёни қудратли тўғонлар билан тушовлаб, ундан канал-канал сув чиқариб, қовжироқ саҳрони гуллаган водийга айлантириш мумкин эканлигини ўшанда Одил- жон акаси, балки яхши тасаввур қилмагандир, бу гапни ариқ қазиб шу дарёдан бир қулоқ сув чиқариб олганига

севинганидан айтгандир. Омон бўлганида, ўзи йўргакдан чиқариб, тетапоя қилган «Жамият»нинг ҳозир нақадар катта, бақувват хўжаликка айланини, бунга ўғли Аҳмаджон бош бўлиб, унинг ўз орзуларини рўёбга чиқараётганини кўрар эди.

Фозилов Акбар аканинг назаридан аста-секин йироқлашди, унинг ўрнида худди Одилжоннинг ўзидек қизилмағиз, елкадор янги қиёфа — Аҳмаджоннинг сура-ти гавдаланди. Акбар акани хаёл олди.

... Лўппп юз, юмалоққина, усти боши абгор бир бола ҳар куни идора олдидаги тут дарахти устига чиқиб, тумшугида дон келтирадиган отасига интизор чумчуқ боладай, айридан бош чиқариб ўтирар эди. Районданми, даладанми отлиқ келиб қолса, у тут устидан сакраб тушар, дарров от жиловини ушлар, кейин отни саройга етаклаб кетар эди.

Йиллар ўтди. Бола ўспирин бўлди. Акбар ака уни колхозга заправкачи қилиб қўйди. Аҳмаджон қишлоқ мактабининг етти синфини тамомлади, кейин табелчи бўлиб ишлади. Уни бухгалтерлар курсига ўқишга юбордилар. Уқиш битгач, колхозга ёрдамчи бухгалтер қилиб тайинланди. Қолхозлар бирлашди. Охунбобоев номли йирик колхозга Акбар ака раис, Аҳмаджон Одиллов бош бухгалтер бўлиб қолди.

Тиришқоқ, уқувли йигитча Акбар аканинг назарида кун сайин ўсди. У ҳисоб-китобдагина эмас, деҳқончилик илмида ҳам тажрибали пахтакорлар билан баҳслаша оладиган, ўз айтганини исботлаб берадиган, агар Акбар ака колхозни орқага тортадиган бирор иш тутгудек бўлса, ҳатто уни ҳам силтаб ташлайдиган бўлди. Бу гоҳ Акбар акани ўйлантириб қўяр, гоҳ унга қаттиқ ботарди. У илми йўқлигидан, фақат тажриба билан қолганидан хафа бўларди. Бунинг устига, колхозга техника тобора кўпроқ кириб, иш мураккаблаша бошлади, техникани эса ўқиган ёшлар қўлга олди. Бунинг устига чигитни янги агротехника усулида экиш чиқиб, бошини чакана айлан-тирмади, гангитиб қўйди. Шу тўғрида ёшлар билан ора-ларида анча-мунча аччиқ-чучук гап ўтди. Акбар ака хўп чамалаб, хўп ўйлаб кўрди: ақли шошди.

Деҳқончиликнинг янги усул-тартиби у хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, тирқишларни каттароқ очиб кирарди. Бунда Акбар ака ҳали тан бермаган, мевасини ҳали ўз кўзи билан кўриб, қўлида ушламаган баъзи нарсалар

бор эди. Шунинг учун ҳам, ҳамма иш кетмонсиз битишига, ҳатто яхши бўлиб кетишига баъзан ишониб, баъзан ишонмай юрди. Лекин бора-бора унинг бошида «Энди пахтачиликда ҳам орқада қолибмиз, бу ишни асл эгасига топшириш вақти келибди», деган фикр айланадиган бўлиб қолди. Хўш, бу сирни кимга айтади? Нима дейди? Халқни йиғиб, уdda қилолмаяпман дейдимми? Орқада қолаётганимиз йўқ, ҳосилда кимдан каммиз, удалаш шунчалик бўлади-да, дейишса-чи?

«Аввало, сен коммунистсан, райкомга бор, маслаҳат сол, рўйрост айт»,— деди унинг виждони. У райкомга борди. Юрагидағини ҳали айтиб улгурмасдан:

— Чарчадингизми?— деди секретарь.

— Йўқ, чарчамадик. Лекин...

— Қаридингизми?

Акбар ака бирдан бежо бўлди, қизарди, ўтирган ўрнида бир қўзғалди, қўли беихтиёр мўйловини силади.

— Йўқ, қаримаймиз,— деди у шошилиб.— Лекин...

Хуллас, ган қариликқа бориб тақалди-ю, Акбар ака ишдан кетмоқчи бўлиб маслаҳатга келганининг лекинни айтолмади

Юрагидаги гапи чала-ярим қолди. Ҳисобот-сайловда Акбар ака бу ҳақда яна гап очолмади. Уни правлениега яна раис қилиб сайладилар.

Қизиқ, ишга мукка тушган одам вақтнинг ўтганини билмай қолади. Бу йил ҳам шунақа бўлди: баҳор кетдан ёз, ёз кетидан куз келди. Баҳор ҳам, ёз ҳам ҳар йилгидан қисталанг бўлиб ўтди, ўтганда ҳам силлиққина ўтиб кетмади. Акбар ака елкасидаги юкни ўтган йилгидан анча оғир сездди. Лекин бунинг «қариликка» унча алоқаси йўқ!

Ёшлардан чиққан Деҳқон Орипов билан Маннон Ҳайитов бригадаларида қилинган иш раиснинг таъбини хира қилмай қолмади. Нима қилишибди денг-а? Икки карта ернинг ғўзасини кўндалангига қирқиб, культивация қилишибди. Бироқ Акбар акани бундан хабардор қилишмабди. Ёшларнинг бу «шошқалоқлиги, ўзбошимчалиги» уни анча вақтгача ёғинтириб юрди. Кўчат сийракланиб, ҳосил камайса, гапни ким эшитади? Бригадир эмас, раис, албатта! Акбар ака шунга доғ эди. Аммо натижа бошқа ернинг ҳосилидан ёмон бўлмади, кам эмас, ҳатто анча яхши, ҳам кўп чиқди. Раис янги усул-тартиб мевасини ўз қўли билан ушлаб, мазасини

тотиб кўрди: энди узил-кесил ишонди: «Тирранчаларнинг» иши, бир томондан, уни жуда хурсанд қилган бўлса, иккинчи томондан, елкасидаги юкнинг оғирлигини тобора аниқ сеза бошлаганлиги уни яна ўтган йилги фикрга қайтараверди.

«Бу ишнинг асл эгасига топшириш вақти келибди»,— у яна шу фикр билан райкомга боришга ихтиёр қилди. Аммо бундоқ ўйлаб қараса, «топшириш вақти келибди», деганининг ўзи тўлиқ фикр эмас экан. «Хўш, асл эгаси ким?— Акбар ака энди кўпроқ шу ҳақда бош қотирди.— Шу оғир юкни ким елкасига олади, катта хўжалик кемасини манзилга ким бехатар, тез еткази?» дейишса, у нима дейди? Қишлоқда одам кўп, ўзларинг танлаб, сайлаб олаверишлар, дейдими? «Йигирма йил раислик қилиб, битта ҳам одам танимадингми, қўлтиришда ҳеч ким йўқмиди?» дейишса, у нима деган одам бўлади! Ҳа, топди, Аҳмаджон бўлсин, дейди, ҳисоб-китобни у яхши билди.

Ҳисоботда у колхоз тез юксалаётганини, қишлоқ увада тўнини аллақачон ташлаб, беқасам кийганини, колхозчилар эса девори қулаган кулбалардан янги уйларга кўчиб чиққанини алоҳида уқтирди, деҳқончиликда кетмоннинг эътибори пасайди, энди унинг хизмати битади, нусхаси ажойибхонага элтиб қўйилади; йигитлар от ўрнига машинага минди, катта рўзгорнинг иши тажриба билан қўшилган билим, ҳисоб-китоб талаб қилаётибди, бу ишнинг энди уқувли, ақл-идрокли ёшлардан бирига, масалан, Аҳмаджонга топшириш вақти келди, деб дадил айтди.

Ҳеч ким қарши чиқмади. Сайловда унинг айтгани бўлди.

Беш-ўн кун ўтди. Акбар ака Аҳмаджоннинг қийин-қистови билан курортга кетди. Шу кетганча икки ойдан ошиқ юрди. Ҳа, курортдан кейин Тошкент, Самарқандни ҳам айланди. У қайтиб келганда, баҳор бошланиб кетган, кундуз кунлари қишлоқда одам кам кўринадиган бўлиб қолган эди. Яна тўрт-беш кун дам олди. Кейин ҳовлидаги токни очиш, кўтариш ва рўзгор икки-чикирлари билан овора бўлди. Бу иш ҳам тугади. Акбар ака на уйга ва на кўчага сиғди. Аммо уни ҳеч ким ишга чақирмади. Дўмбира овозини эшитса, улоқчи отнинг қулоғи динг бўлади, устидаги чавандозни суриб, ўзини тўдага уради. Акбар ака ҳам тўдадан четда қололмади.

Экиш-тикиш тугаб қолган эди. Оқшом чоғларидан бирида у идорага кириб келди. Раис муҳим кенгаш ўтказарди. Баъзи бригадаларни койиб, баъзиларининг ишини ибрат қилиб кўрсатарди.

«Гапи дадил, дуруст олиб кетаётганга ўхшайди. Лекин анча озибди, қорайибди ҳам.— Ҳозир унинг йигитга раҳми келиб кетди, шунча кундан бери чиқмай уйда ётиб олгани учун ўзидан хафа бўлди.— Уйдагиси бирор кун кейин битарди-да, ёки иззатталабмидинг?.. Шу юкни-ку, елкасига ортишга ўзинг бош қўшувдинг-а... Ҳа, чиқ, мана бу ишни қил, дегани юзи чидамагандирки, чақирмагандир. Ўз ақлингга дард текканмиди?»

— Мана, раис ҳам от совитардан қайтди. Бормисиз, Акбар ака,— деб хушвақт кутиб олди Аҳмаджон.

— Ҳа, отни боқиб, совитиб қайтдик. Бирор иш буюринг, деб келдим,— деди Акбар ака йигитларга қараб.

Ҳозир Аҳмаджон ҳам, бошқа йигитлар ҳам уни илгаригича «раис» деб ҳурмат билан кутиб олганларидан, кўришганларидан у бениҳоя мамнун эди: «Йўқ, унутишмабди».

— Хоҳлаган отингизни мининг,— деди Акбар аканинг от деганда руҳи кўтарилишини, яқин йўлга отда юришни машинадан афзал кўришини яхши билган Аҳмаджон.— Баъзи оғайнилар сувни чатоқ қилишяпти. Тортинманг, илгаригидек иш тутаверинг.

— Чатоқ қилдирмаймиз, раис. Чатоғини тузатмай, тепасидан кетмайман. Кўнглингни тўқ тутавер,— деди Акбар ака ғурур билан.— Аммо,— деди у Аҳмаджонга ўғит бериб.— Эт қочса, ўрнига келиб кетади-ю, номус қочмасин. Ҳа, энди бизга жавоб бўлмаса.

Шу-шу Акбар ака отга минди, яна ишга киришиб кетди. Одамлар уни бригадаларнинг далаларида ғўза оралаб, сув тараб юрганини, тунлари ҳам қўлида тошчироқ билан гоҳ пайкал тепасида, гоҳ этагида кўрдилар. Янгича усул-тартибнинг умумий оқими уни ўз заптига олди, шу оқимда у ўзини ҳар қачонгидан кўра бақувват, тетик, хушвақт сезди: энди елкасидаги юкнинг оғирлиги уни илгаригидек босиб қийнамасди. Ўзи тараган сувнинг эгатларда жимирлаб, тупроққа сингиб оқишини тажрибаси кам ёш сувчиларга кўрсатиб:

— Сув тараш мана бундоқ бўлади! Кўрдингизми, ғўзанинг бадани яйраб роҳат қилишини?— дерди.

Акбар ака кўнгил қўйиб бошқараётган сувчилик иши

тугади, колхозчилар ялпи теримни бошлаб юбордилар, лекин у яна зеркиб қолди. Ҳайлаб қараса, унга ҳали мавсумий иш эмас, муқим иш зарур экан. Бир кунни кечки соявирда яна раис олдига кирди.

— Қилган ишимдан кўнглим тўлмади десам, кўнглимдагини тўла айтмаган бўламан. Лекин, нимагадир рози эмасман.

— Нимага?— деб сўради Аҳмаджон Акбар аканинг нима демоқчилигини яхши тушунолмай.

— Нимагаки, ишим тугаб қолди.— Энди кўнглидагини очиқ айтди:— Муқим иш сўраб келдим. Пахтанинг ишини энди ўзларинг қилаверасизлар. Ҳа, баҳорнинг ғамини кузда е, деганлар. Агар рози бўлсанг, менинг ишим шуки, қари-қарангларни йиғиб берасан, анави даштнинг тошини ҳозирдан тердириб, суғориб, ҳайдатиб, кўчат ўтқазаман. Ғурумсаройда энг катта боғ қилишни орзу қилардим у қўл етмас эди. Энди...— у ўз сўзини бўлди:— Ҳўш, нима дейсиз бунга?

Аҳмаджон кулимсиради. Акбар ака қошни чиқарди.

— Нима, рози эмасмисан?..

— Нимага рози бўлмайин? Жуда розиман. Мен ҳам кўпдан бери шунини ўйлаётман у қўл тегмайди. Эсингиздами, бошламоқ қийин, деган эдингиз. Кўриб турибсиз, хўжалик яна кенгайди, бу ишга қўл тегмай юривди...

— Энди қўлим бўш. Билиб қўй, бу қўл менинг қўлим эмас, колхозники,— деди Акбар ака.

... Акбар ака янги лавозимда ўз ҳунар-санъатини ҳаммага намойиш қилди. Энди Ленин номли колхоздаги (бу вақтда пунгонликлар ҳам буларга қўшилиб, колхоз яна йириқлашди) олмазор, ўрикзор, узумзор, шафтолизор боғларнинг олди мевага кирди. Акбар ака боғларни кенгайтиряпти. Бу йил бодом, гилос, олча ниҳолларни ўтқазди. Ғурумсаройликларнинг катта дастурхонда шу поз-неъматлар етишмас эди.

... Дарё яна чайқалди, алланима қултиллади. Акбар ака сесканиб қаради, лекин шунча тикилса ҳам, қоронғида ўпқоннинг гирдоб бўлиб айланаётган ўша «жувоз кундасини» кўролмади. Аста турди. Битта-битта юриб, чойхона олдига келди. У чойхонага кирмади, ташқаридаги катта ўтирди. Самоварчи бир чойнак чой билан пиёла келтириб унига олдига қўйди. Қия очиқ эшикдан ичкаридаги суҳбат қулоғига чала-чулпа эшитилди...

— ... Яхши қайтди, — деди кимдир. — Кекеайганда Акбар акадек қайтиш бошқаларга ҳам насиб бўлса эди. Ҳамон бирор янги иш излайди.

— Унинг аксига Жўра ҳожини қўйса бўлади, — деди яна бирови. — У нуқул ўзим бўлай дейди, бошқанинг ризқини қияди...

Акбар ака Жўра ҳожини яхши танийди. Ҳозир ўша худбинининг помини қайдапам эшитди! Ҳа, эл ишончини сунистеъмом қилган одамнинг куни ана шундай бўлади...

Акбар ака чойни ичиб, колхоз идорасига қараб юрди. У кузда ўтқазиладиган янги ток кўчатлари масаласида раис билан бафуржа гаплашиб олмоқчи эди.

Аҳмадҷон кабинетда холи эмас — колхоз партия комитетининг секретари, агроном, баъзи бригадирлар, ҳисобчилар, шоферлар йиғилган эди. Акбар ака остонадан қадам қўйиши билан ўтирганлар ўринларидан туриб уни тўрға ўтқаздилар.

Аҳмадҷон эса телефонда бригадирлардан бири билан гаплашарди.

— ... Бригадангизда кечагидан кам одам ишлагани йўқ, нега кам терилди? — деб талаб қиларди у телефон трубкасини маҳкам ушлаб. — Бошқалар мажбуриятни аллақачон бажариб бўлганда, сиз орқага тортаверасизми? — У бир лаҳза жим қолди, афтидан, бригадирнинг гапига қулоқ солиб турди-да, илова қилди: — Яхши, яхши Эрталабдан бригадангизга Акбар ака боради. Ташкил қилишни сизга у ўргатади... Амин бўлинг, ўргатади, — деди-да, трубкани жойига қўйиб, устозига салом берди.

«Ҳали кўчат ўтқазиш тўғрисида гап очишнинг фурсати келмабдими», — деб кўнглидан ўтказди Акбар ака ва диванга ўтирди. Теримда орқада қолган бригадада эрталабдан ташкил қиладиган ишларни аниқлаб олди.

У кўчага чиқиб, уйи томон бурилганда, тун ярим бўлган эди.

«Сени, оддий боғбонники шунчалик ҳурмат қилишадими, энди сен ҳиммат қил, белни маҳкамроқ боғла!» — дея ўзига хитоб қилди у.

Ғурумсарой, унинг одамлари ҳозир унга ҳар кунгидан яқин кўринди, ором уйқусидаги бутун қишлоқни қучоқлаб олгиси келди.

I

Парпини танийсизми?

Ингичкадан келган няги, хиёл дўнг пешонасига монанд йигит: бошини сал эгиб, елка суяги кўтарилиб, ниманидир излагандай қора бахмал кўзларини ерга тикиб, кўпинча, қор тагида оққан сувдай унсиз юрарди.

Тенгқурлари Парпини кўпинча мазах қилишади, айниқса болаликдаги синфдош ўртоғи, ҳозир эса қўшни бригадир, миришкор пахтакорлардану, лекин тезоброқ, аксари, аччиғи бурнининг учида турадиган йигит Деҳқон уни кўриш билан: «Ана, индамас кетяпти!» дейди.

Парпи табиатан Деҳқон тонфасидаги йигитларнинг акси. Кўнглига туккани улғайиб вояга етмагунча, синобидан ўтмагунча уни ўртага солмайди. Деҳқон эса хаёлидагини дарҳол кимгадир айтмаса, ёрплмаса, на уйга, на кўчага сиғади.

Шунга қарамай, ғурумсаройликлар ўртасида ҳар иккисининг ҳам ўзига яраша ҳурмати бор. Аммо ё унисини, ё бунисини кўпроқ ҳурмат қилишади, деб айтиш қийин...

Бурноғи йили икки мусобақадош ўртоқ ўртасида гап қочди. Бу гапнинг оқибати, кейинча бориб анча оғир бўлди... Деҳқон август бошларида бир бўлак ердаги ғўзани шиғаб селитра билан озиклаантираётган эди. Бундан хабардор бўлган Парпи ғўзани айланиб кўриб бош чайқади: «Бу йигит ё ҳисобдан адашган, ё эсини еган, — деб ўйлади у.— Бу фикр ўзидан чиққан бўлса ҳам, агрономдан чиққан бўлса ҳам, бари бир, хато». Кейин у тўппа-тўғри Деҳқоннинг рўпарасига келиб киноя аралаш савол берди:

— Куз неча ой?

Трактор кетидан эгатларга орқама-орқа сув тараётган Деҳқон ғижиниб бош кўтарди:

— Шунини ҳам сендан ўрганаймиз,— деди афтини буриштириб. Нариди жилмайиб турган Маншон билан Мелиқўзига кўзи тушди-ю, жаҳли сал пасайди.— Шу пайкал авждан қолгап. Тушунтиролдимми, ўртоқ агроном?

— Авждан тўхтат бунини, дўстим.

— Йўлингдан қолма.

— Мен-ку, йўлимни топарман-а. Лекин сен... мени айтди дерсан, энди шу ғўза сентябрда ҳам, октябрда ҳам авждан тўхтамайди. Пахта эмас, нуқул қора кў-сак терасан. Меҳнатингга ачинаман, оғайним.

— Хаёлинг бузилмасин, йўлингдан қолма!

— Бўпти! Йил охирида гаплашамиз.

Шу картанинг кўсаги ҳатто ноябрда ҳам дуруст очилмади, бездай қотиб тураверди. Деҳқон панд еди.

Йил якунида шу гап яна янгиланди. Лекин гап тепасида Маннон билан Мелиқўзи ҳозир бўлмаганида, Деҳқон ҳозир тоғиб юборадиган даражада эди. Бўлмади, Парпининг агрономлигига ичида тан берди-да, сиртига чиқармади:

— Оз ернинг ғўзасини уудалаш осон,— деб яна уни камситишга уринди.

Бу кесатиқ Парпига жуда қаттиқ ботди. Шу кундан бошлаб у хаёл қуршовида қолди: «Қатга ер қаерда? Унга чиқиб олишнинг иложи қанақа?»

Парпининг жимиб кетиши, гоҳо қишлоқда кўринмай қоллиши одамлар орасида муҳокама бўла бошлади. Биров: «Гавҳар йўқотгандай кўзи ерда бўлиб қолди», деса, бошқа биров: «Хаёл дарёсига чўмиб кетди, қачон ич ёраркин?» деди.

Акбар ака гоҳо ана шундай баҳс устидан чиқиб қолади, қуюқ қора мўйловини силаб, мийиғида кулиб гап қўшади:

— Узларингга ҳам дейман, бошқа гап қолмабди шекилли. Тўғри, ораларингга Парпи индамасроқ. Индамай юрган бўлса, бир ниманинг ўйида юргандир. Кўнгилдаги гап ичда қолмайди, йигитлар. Аммо шуни билиб қўйингларки, бузуқ арава қаттиқ шалдирайди. Шундоқми, Умриниса?— деб сўрайди у қишлоқнинг пешқадам бригадирларидан бўлган жувондан. У мулойим табассум билан бош ирғаб унинг гапини тасдиқлайди. Акбар ака бошқа гап қўшмай, битта-битта қадам босиб, дарё бўйига, эски қишлоқ ўрнидаги олмазор боқча йўл олади.

Узп тўғрисидаги гапларни баъзан Парпи жим туриб эшитади, хиёл жилмаяди-ю, лекин шу лаҳзадаёқ чеҳраси жиддийлашади.

Демак, кўнгилдаги ҳали етилмабди. Пишса, етилса, кўзлари порлайди, табассум дарров сўна қолмайди,

чучукроқ тили бурро бўлиб кетади, чўзинчоқ нягкининг учи ҳам нутқида гўё барабар қатнашади, ниманинг дардида, нима излаб юрганини айтади...

Шунда ўртоқлари: ариқ суви даҳанани қулатди, дейишади тегишиб.

...Колхознинг етти йилга мўлжалланган плани актив йиғилишида муҳокама қилинганда айни қиш эди. Муҳокама қизгин ва узоқ давом этди. Лекин Парпи баҳсларда қатнашмади: гоҳ бош ирғаб, гоҳ лабига табассум югуриб жим ўтирди.

Етти йиллик охирига бориб колхоз чорвасининг туёғи қанча кўпайиши, гўшт, ёғ, сут тоннаси, хўжаликнинг янги тармоқлари — боғ, тоқзорлардан келадиган даромад рақамлари, балиқчилик бунёд бўлиши, паррандалар хилининг кўпайиши, яна кўп нарсалар устида сўз борганда, Парпи қарсак чалиб юборди. Ҳар гектардан олинадиган пахта камида қирқ центнер бўлади, ялпи ҳосил олти минг тоннадан ошади, хусусан, ҳосилни машинада териб олишга алоҳида дпққат қилинади...

Колхоз етти йиллигининг лойиҳаси ўқиб бўлинди, зал ҳали тинчимасданоқ, Парпи ўртага чиқди. У мажлисларда камдан-кам гапирганидан, сўз сўраш ҳам эсига келмай, сал чучукланиб тез гапирди.

— Кам эмасми? Ҳаммамиз машина минадиган бўлсак, еримиз торлик қилмайдими? Планди каттароқ ерга чиқиш эътибордан тушиб қолибди-ку. Хўш, бунинг иложи ўйланганми, тошланганми?.. Нимага планди йўқ?

Индамай юрадиган бу йигитнинг бирданга ҳаяжонга келиб гапирганидан залдагилар ҳайрон бўлиб, унга тикилишди, орқа қатордан кимдир мазах аралаш гап олди:

— Оббо индамас-эй, ахири даҳанани қулатди-я!

Парпи гумонсираб президиумга қаради, лекин ким гапирганини ажратолмай тикила-тикила жойига ўтирди.

— Бунинг иложини ана шу муҳокамада сиз билан биз топамиз,— деди президиумдан кимдир.

— Катта ер — дашт-да,— деди орқадан ҳазил-мазах қилиб гапирган бояғи товуш,— Парпи бригадаси билан индамай битталаб тераверса, беш-ўн йилда анча тош теради...

Парпи ёнига қараб улгурмади. Акбар ака виқор билан йўталиб, мўйловини силаб ғоз турар, синчков кўз билан орқа қатордан кимнидир изларди.

— Ўзларнинг ҳам дейман,— деди у одамлар орасидан Рўзиматга кўз ташлаб,— гапнинг мағзини чақмай, қуруқ аравани хўп олиб қочасизлар-да, Рўзиматвой. Биринчидан, даштга тошдан тозаласа, айб эмас. Лекин уни Парпи эмас, биз терамиз, боғ қиламиз. Иккинчидан, Парпи катта ерга чиқишни ўйлаган экан, узоқни кўзлаб, пахтани деб шундай деди. Бу ёлғиз Парпи эмас, ҳаммамиз ўйлайдиган иш. Ўзингиз қуёнсизу яна уни мазах қилганингиз нимаси?

— Ҳақ гап, заминни бор гап мана бу,— деди инженер номи билан районга машхур бўлган Ўлмас бува.

— Узоқни кўзлаб, қаёққа учарди...— деди Рўзимат яна заҳарханда қилиб.

Лекин Парпи сўз қотмади, мажлис охиригача жим ўтирди.

Музокара узоқ давом этди-ю, бироқ янги ер ҳақидаги фикр шу мажлисда ҳал бўлмай қолди.

Парпи шундан кейин қишлоқда кам кўринадиган бўлиб қолди. Наҳотки, у ростдан ҳам катта ер излаб юрган бўлса? Эллик центнердан ошириб пахта олиб юрган бригадир ўзига янги ташвини орттирмаса, унга биров бир нима дермиди? Ёки у ҳузурни бетиним ташвишдан топармикан?

Тўғри, Парпи янги ер излаб, бетиним ташвишда юрибди. Дилида улғаяётган, кун-бакун текшириб кўриб, ўзи ишонч ҳосил қилаётган фикр ва амални у ҳозирча яна сир тутди, киноя, учирик, кесатиқларга чидади. Агар яхши текширмай бирор нима деса, масалан, бу ердан бошқа ерга, гўғрироғи, қўл урмаган жойга кўчиб ўтман, деб ҳозир айтиб қўйса, бу ердан кўзлагани унадим-йўқми, буни ҳали аниқ билмайди. Яхшиси, текшириш керак...

II

Сўнгги қор ҳали тамом эриб битмаган, ўқтин-ўқтин жойда, пасқамлик ва дўнгликларнинг кунга тескари ўнгирларида лахтак-лахтак бўлиб ётибди. Кун тигини урган жойлардан эса буғ кўтарилади. Гоҳ ўнгирлардаги таги ҳаволаниб қолган, патирдай юлқа музга

айланган қор парчаси тагидаги лойни рижимлаб, тўронғизор, юлғунзорларни оралаб, гоҳ йўлакай этигининг тумшуғи билан кўпчиб ётган шўрни тепиб юбориб, бўз тупроқни ковлаб юрган Парпи иссиқлаб кетди, калта пахталигини ечиб ташлади. Кейинги таҳлили, текшириши унда аллақандай руҳий ишонч ҳосил қилдирди. Шубҳа тарқалди, азми қарори маҳкамланди, бахмал кўзлари порлаб:— Унади, унади!— дея баралла овоз чиқариб хитоб қилди.

У пешонасида бўртган тер доналарини кўрсаткич бармоғи билан сидириб ташлади. Бироқ ер шўр, шўр бўлганда ҳам қора шўр. Иложи — ювиш, такрор-такрор ювиш. Аммо сувнинг иложи нима бўлади? Қелтириб бўладими?

Тўронғизордан лапанглаб баҳайбат қуш кўтарилиди. Бургутми? Йўқ, калхат! У ниманидир чангаллаб учарди. Е товуқ, ё қуён — ажратолмади. Қалхат йироқроқ ясси дўнгнинг елкасига қўнди, чангалидаги ўлканинг жон ерига тумшуғини бир ботириб олди-да, патсиз хунук бўйини чўзиб, у ёқ-бу-ёққа бир-икки алаңлади. Кейин шубҳадан холи бўлди шекилли, бемалол овқатлана бошлади. Бу нохуш манзарадан кўз узмай турган Парпи: «Ўғри хилватда ҳам қўрқади»,— деб кўнглидан ўтказди. Афсуски, қўлида милтиғи йўқ, бўлгандами, худди кўкрагидан урарди-да, хода учига осиб ўзини бошқа ўлимтикларга бўжи қилиб қўярди. «Ҳозирча, ҳа, ҳозирча бу ернинг қароқчиси, ҳукмрони сен. Кўрармиз...»

Парпи дарё бўйига қараб йўл олди. Рўпарада шўр, бўз ер, қамишзор, тўронғизорлар биқинида Сир жим, улуғвор оқарди. Енгинасида шундай азим дарё оқса-ю, бу ерда тўронғи, юлғун, қамиш, яна аллақандай ўсимликлардан бўлак ҳеч нима ўсмаса-я. Одамга алам қилмайдими? Бу табиатнинг ҳақсизлиги эмасми? Бу ерлар умрбод шундай шўрлаб ётишга маҳкум этилганми? Наҳотки бу ердан унум олишга, ризқ топишга инсон боласи уринмаган бўлса! Кўкаламзор қишлоқлар, ҳозир пахта бераётган ерлар ҳам бир вақтлар бундан дуруст бўлмаган-ку...

Шу хаёл билан юра-юра Парпининг кўзи ногаҳон ёнида ердан икки қарич кўтарилиб турган девор ўрнига, кели оғзидек чуқурга тушди. Тўхтади. Чуқурчада ўтган йили кўкарган бурган бурлари тўкилиб, ёғшдан

ивиган танаси букилиб ётарди. Парпи суғуриб олди. Бурган илдизи билан қари тол тўнкасининг чириндиси чиқди. Бу ўт шундан қувват олиб бунчалик бақувват ўсган экан. Парпи ковакни чуқурроқ кавлади. Қўли ис-сиқ, майин тупроққа етди, чангаллаб олди-ю, дарров ўрнига ташлади жониворлар гуж ётган экан! Ҳозир шу ерда дастлаб йўлиққан шу ожиз чумолиларни ҳам ўлдиргани келмади. Қизиқ, тупроқ ташлаб устини кўмиб қўйди. Лекин ўзи негадир ўрнидан жилолмади, кўзи ҳамон шу тўика ковагида эди. Кун тапти ўтдими, ёки нин бузилиб безовта бўлдими, ҳар қалай, чумолилар ўрмалаша бошлади.

— Ваҳор!— деб юборди Парпи.

Бу ер сайҳон, шўри қалин бўлса-да, тупроги анча соз эди. У жилди. Эски девор ўрнини этигининг тум-шуғи билан тепди, шўрлик кесак енгил кўчди. Кесак тагида узоқ ётиб қорайиб кетган каттагина тошнинг ясси сирти кўрипди. Атрофини қўли билан ўйиб тошни кўтарди... Пойдевор ўрни-ку! Демак, бу ерда кимдир бир вақтлар макон қурган, яшаган, ҳаёт кечирган, экин қилган... «Ҳа, шундоқ! Бу ер умрбод шундай кўнгилсиз, манзараси нохуш бўлиб ётмаган!.. Ҳа, исботи топилди. Энди дадил айтаверса бўлади!»— деб хитоб қилди у, гўё баҳсда ғолиб келгандай.

У яна дарё бўйига қараб юрди. Утган йили кўка-риб, қиш бўйи қор ва ёмғир тагида ҳилвираб қолган бурганларни босиб битта-битта қадам қўйди: гўё бу ерларнинг сирин асрорига тобора чуқурроқ етаётгандай ўзини енгил ҳис қилди. Боягина этсиз, чайир танаси, шу калта пахталиги ҳам ўзига оғирлик қилганидан, уни ечиб ташлаган эди. Ҳозир эса гўё баҳор қушидай енгил учди. Бурганзор уни кўмилиб кетган эски ариқ ўрнидан тўппа-тўғри дарё лабига етаклади. Энди унинг ишончи тагин ҳам орта борди, қадами яна тез-лашди, дарё лабига етиб келганини ҳам билмай қолди...

III

Парпи правленига кириб келганда раис кабинети-да бўш стул йўқ эди. Қолхоз агрономи, бригадирлар, механизаторлар, мпроблар — ҳаммаси шу ерда эди. Раис Аҳмаджон Одиллов қизариб, чирсиллаб турибди.

Партком Маҳмуджон ҳам жим, ўнг бетининг ёноғи пир-пир учиб, юқори лабини тортмоқда. Ҳамма жим. Аланга сув сепиб ўчирилгану чўғлар бир-бирини қизартириб, янгидан ёнай деб тургандай. Парпи Аҳмаджонга кўз қирини ташлади. У пешонасини уқалар, стол устидаги қандайдир рақамлар ёзилган қоғоздан кўзини олмас, бир нима деб юбормасликка ўзини мажбур қилаётгандай эди. Парпи раиснинг қаттиқ қизишга: пайтларини кўп кўргану, лекин уни болаликдан бирга ўсиб бундақа ўйчан ҳам тажанг ҳолатда кўрмаган эди. Аҳмаджон тажанг бўлган пайтларда гапини шартта-шартта айтар, лекин чигалнинг учини тез топар, тўхтаб қолган ишни юриштириб юборарди-да, иккинчи чигални ечишга бел боғларди. Ҳозир нимага пешонасини уқалаб ўтирибди?

У Парпига: «Қаерда йўқолиб юрувдинг?» дегандек хўмрайиб қаради.

«Қаерда, ниманинг гамида юргангани билмайсан-да, рапс,— деб кўнглидан ўтказди Парпи.— Билсанг-ку, бунақа жеркиб тикилмайсан-а. Ўзинг ўртага солган ишнинг кўйида юрибман. Билдингми?..»

Парпининг юрагидаги бу ўт бир оғиз гап билан ёқилган эди. Утган йил кузда, Қўштепадан келаётганларида Аҳмаджон машинани ўша текис сайҳонда тўхтатиб тушган, ерни айланпб кўриб:

— Қани энди сув бўлса-ю, бу ерни очиб пахтазор қилсанг! Шўрдан тозаланса, пахта хўп битар-а, оғайни?— деб сўраган эди.

— Битади... Яхши битади,— деган эди Парпи.

Парпи пахта битишини аниқ билиб келганда, ҳатто раисни қучоқлаб олай деб турганда, Парпига қовоғидан қор ёғиб қаради. Нимага ахир?

Колхоз устахонасининг мудирин Сайдали унинг этагидан тортиб имо қилди. У, гапира қол, демоқчи эди. Парпи бу имони, ўтир деяпти, деб тушунди. Унинг ёнига ўтирди. Бу тахлитда рақам санаб, пешона уқалаб ўтиришнинг боиси мана энди аён бўлди, ўзи шу яраши дарҳол қотирадиган малҳам топиб келганлигини билиб ичда хурсанд бўлди. Билса воқеа бундай экан:

Бу йил пахта майдонини яна кенгайтириш, чорва ем-хашағига — маккажўхори экишга ерни Урай масивидан очиш масаласи қўйилибди.

Раис бригадирларни шунинг маслаҳатига чақирган экан. Парпини қидиртириб тополмабди. У муҳокама-нинг аини қизгин вақтида етиб келди.

— Қайси бригада қанча ер очади? Талабгор май-донга чиқсин!— деди раис.

Рўзимат айниқса қаттиқ ҳуркди.

— Узун тўнга ўралиб нима қилардик, раис,— деди у.— Бўйнимизга қараб тўн бичсак бизга биров бир нима дермиди? Ер резинка эмаски, бўйига, энига чўзиб кенгайтирсак!

— Орамизда сиз ўсмаяпсиз, холос,— деди раис.— Утган йил тикилган тўн бошқаларга бу йил калта ҳам тор келиб қоляпти. Сизнинг бригадангизда пахта ери киши бошига бир гектар ҳам эмас. Мелиқўзи бригада-сида бир киши беш гектар ерда пахта етиштиряпти. Ҳосилп-чи, дерсиз? Йил охирида кўрасиз: гектарига сизникига қараганда йигирма центнерча пахтани ор-тиқ олади. Бошқалар шунга эргашяпти. Қаердан бўлса ҳам янги ер очиш керак. Ерни бўйига, энига тортиб кенгайтириш йўли шу. Майли, кенг, узун тўн киядиган булғунингизча сиз эски тўн билан юра туринг. Мажбур қилмаймиз. Тушунтира олдимми?..

— Хўш, сен нима дейсан?— деди у Парпига ўгири-либ.— Еки сенга ҳам тор ва калта тўн бичайликми?

Парпининг мияси ҳамон ўз таассуроти билан банд эди, шунн сўраяпти деб ўйлади-да:

— Битади, раис, битади, тилло ер...— деди.

— Нима битади? Нима деясан ўзинг? Мундоқ тушунтириб гапирсанг-чи, ахир?!— деди бош механизатор Усмонали.

— Битади... Пахта, макка... қовун-тарвуз... ҳаммаси битади. Меҳнатига чидалса бас. Ҳа, меҳнатига...

— Гумлана-гумлана даҳанни энди йиқитди-я, Вой индамас!— деб тегишди Маннон.— Меҳнатига биз ҳам бир тан... Қаерда ўша ҳамма нарса битадиган ер? Кўрсат, шерик!..

— Эски уй ўрнини, кўмилиб кетган ариқ изини ҳам кўрдим! Оғайинлар,— деди Парпи унинг гапини олиб.— Шу йилиёқ яхши унум олса бўлади.

— Бўпти, битади деб бидиллайсан,— деди Рўзимат заҳарханда билан.— Гапининг бош-оёғи, андазаси йўқ. Дарёнинг нариги ёғида, деб қўя қол-да. Нима битади у ерда, биласанми? Тиззанга чиқадиған шўр битади!..

Парпининг ранги бирдан оқариб кетди, табассум аримайдиган қора кўзларида аллақандай ғазаб учқунлари пайдо бўлди, чўзинчоқ иягининг учи ниш уриб учди. У Рўзиматга ўгирилди:

— Тўғри, мен силлиқлаб гапиришга ношудман,— деди чучукланиб.— Беандаза айтиб қўя қолай: сиз кўрқасиз. Шунини очиқ айтиб қўя қолмайсизу гапингизни андазалайсиз. Ердан бераман деб турганини ололма-сангиз — ўзи носоғ эди, дейсиз. Ожизлигингизни ернинг бўйнига қўймоқчи бўласиз. Мана энди шўр битади, деяпсиз. Яна битта беандаза гапни айтсам: бўҳтонни ер кўтаради, лекин бундан одамнинг энсаси қотади. Мен жонни қийнамаймиз деганим йўқ, жонни хўп қийнаб, жопга хузур берадиган ер қиламиз, дедим. Утган авлод-ку, бизга тайёр ер, қишлоқ қолдирибди, Хўш, биз нимани қолдирамиз? Шунинг ўзиними? Ёнига янгисини қўшмаймизми?..

— Хоҳишингиз бўлмаса, Рўзимат, сиз тиззангиздан шўр кечманг, биз кечамиз,— деди Одиллов.

— Кўрқоққа қўшалоқ кўринади, ўғлим,— деди Ўлмас бува. У оппоқ соқолини силаркан, қисик кўзлари милтиллаб кулиб турарди.— Кўнглимдаги бир гап Парпига, ҳаммаларингга ҳам сир бўлиб қолмасин, шунини айтай, деб суҳбатларингизни буздим.— У Парпига қаради.— Уй ўрнини кўрдим, дединг-а. Ўша уйни отанг қурган, унда истиқомат қилган. Отангнинг уйини топибсан...

IV

...Сайхун бўйида, кўкатсиз, кўримсиз қишлоқ ўрта-сидаги икки туп кекса сада тагида темирчилик устахонаси бўларди. Ўша замонда қишлоқ халқи рўзгорини тебратадиган иш қуроллари, асбоб-ускуналар шу устахонада босқон урадиган барваста, дуркун кишиларнинг забардаст қўлида ясаларди. Ун қадоқлик кетмондан чоғроғида тупроқ пишимайди, киши чопиқ чопгандай бўлмайди, дейдиган тошкентчи, ўзганчи мардикорлар, корандалар қиш бошидаёқ кетмонни Асрорқул ёки Ҳамроқул устага буюртирарди. Фурумсарой кексалари, қишлоқнинг жамики юз хонадони, темир устаси, катта устанинг — Мавлонқулнинг авлоди — бири ўғлидан, бири қизидан, дейишади. Ҳозирги техникани ўз измига бўйсундирган, нимаки кучи бўлса, олиб халқ белига

мадор қилаётган машҳур механизатор Мелиқўзи уста Асрорқулнинг невараси, Умрзоқ полвоннинг ўғли, ҳозирги колхоз ипженери Улмас бува уста Ҳамроқулнинг ўғли.

Улмас пўлат ва темирни ўтда тоблашга, тобида сув беришга энди ўрганганда, омочга тиш, бинокор усталарга пойтеша ясайдиган бўлганда устахонани ташлаб кетди, қишлоқда ҳар замон бир кўрнадиган бўлиб қолди. Ушанда оқ подшоннинг тахти ҳалп қуламаган, лекин замини нурай бошлаган, қаттиқроқ элзилада пўрт учадиган бўлиб қолган эди.

... Дарёнинг нариги ёғида тўқайга ўт қўйилди. Куз пайтларида тўқай кўп ёнгану, лекин Улмас эсини танигандан бери бунақанги узоқ, бунақанги ваҳимали ёнмаган эди. Кейин ёнғин ўчди, шу томонда одам жуда кўпайди. Кейин улар қайиқда сузиб, Улмасларнинг қишлоғига ўтадиган бўлишди. Қишки тириклик гамида ҳарёққа таралиб кетган батрак ва чоракорлар оилга қайтиб келган, Улмаслар устахонаси олдидаги чойхона гурунги қизиган пайт эди. Тўқайдан ўтувчи чойхўрлар орасида бир армани, яна бир рус киши бўларди. Улар гап орасида, тўқайда катта иш бўляпти. сизлар ҳам бизга қўшилинглар, бу ер қуруқ дашт экан, узоқ жойларда тентираб юрган билан топганингиз йўлкираддан ортмайди, дейишарди. Тўқайга, биринчл бўлиб қишлоқнинг қашшоқ йигитларидан бўлган Хўжавой — Парпининг отаси, кейин бошқалар ўтди. Дарёдан ўтганлар шу ерни очтирган бойга чоракор бўлишди, зовур қазиб, захни қочиришди, кейин темир омочларда от қўшиб ер ҳайдашди, баҳорда пахта, шолн экишди.

Улмаснинг эсида: бир куни чойхонадаги ана шундай гурунглрдан бирида Умрзоқ полвон ўша рус кишини кўрсатиб Хўжавойдан:

— Бу тўрам тўқайда нима ишнинг тепасида турадилар?— деб сўради.

Хўжавой ерга қаради. Рус киши тўқ-сарик мўйловининг учини бармоқлари билан ҳимариб, полвонга кулимсираб тикилди:

— Мени жуда қаттиқ ҳақорат қилдингиз-ку, йигит. Мен тўранинг косасида ош ичмаганман, кўчасидан ўтмаганман. Гапингизни қайтиб олинг, мард бўлсангиз, оғайни!— деди.— Аммо нима ишнинг тепасида турйишимни билгингиз келса, ўзим айтиб бера қолай!

биз ҳам сизга ўхшаган темирчи устамиз. Мана бу оғайним билан Қўқондан ёлланиб келганмиз. Дарё лабига машина қуриб, тўқайга сув чиқарамиз. Билдин-гизми, ошнам?

Қишлоққа келган руслар орасида ўзбекчани бундай беҳато, дўндириб гапирган бу киши олдида Умрзоқ полвон изза бўлиб, ер чизиб қолди, баъзи шўх йигитлар эса: «Тўранинг косасига ит теккан экан-да», деб кулги кўтаришди. Аммо Улмаснинг хаёлини бу гап эмас, дарё лабига қуриладиган машина банд қилган эди: «Машина, қанақа бўларкин; дарёдан сувни қандай тортиб оларкин?»

Улмаснинг Гурумсаройда кам кўриниши, ана шу кундан бошланди.

Дарёдан кечаю кундуз ариқ тўла сув чиқариб турган шу ажойиб машина атрофида у тез-тез пайдо бўлар, баъзи кунлари моторнинг гуриллаб айланишига, унинг кучи асов, хасис, ўжар дарё сувини зарб билан юқорига тортиб чиқишига соатлаб тикилиб қолар, ота-боболарининг сувсизликдан тортган азобини эслаб, унда шу «мўъжиза» машинанинг устаси бўлиш иштиёқи яна ҳам зўрайди.

Улмас бора-бора шу усталар билан ошна бўлиб олди. Улар ҳам бу хушқомат, хушмуомала, чаққон йигитни яхши кўриб қолдилар. Улмас уларнинг отини ҳам билди олди. Арманининг оти Бағрат, тўқсарик мўйловининг учини ҳимариб юрадиган рус кишининг номи Николай экан. Бир куни Улмас шу ажойиб «қизил машина» олдидан жилмай турганда, ўша арман катта-катта қоракўзини чаққатиб, унга:

— Яхши машина-а? Ишлагинг келадими шуида? Ке, биз билан қолиб қўя қол, ўрганиб кетасан,— деди.

Улмас худди шуни кутиб турувди:

— Ўзингиз ўргатасизми?— деб сўради.

— Ўргатаман деб биз билан қол деяпман-да. Коля ҳам ўргатади, у билан қалин бўп кетасан ҳали. Жуда аломат, тапти йигит.

Коля аломатгина эмас, ажойиб йигит экан. Одам шунақа қувноқ, шўх бўлса-я! У Улмасни гоҳ темирчи, гоҳ бўлғуси мастер, деб чақирарди. Шу Коля билан бирга яшаб, бирга ишлаб юриб Улмас русчага унча-мунча тушунадиган, гапирса тили келишадиган бўлиб қолди.

Улмас янги дўстларидан жуда мамнун эди. Улар билан юрак ёриб гаплашар, баъзан суҳбат билан тонг оттиришарди. Қўқон темир йўлчисининг ўғли Николай Ефимов Улмаснинг уч бошли аждаҳоларни енгган ботирилар ҳақидаги эртақларини мароқ билан эшитар, ўзи ҳам мос эртақлар айтиб берар, баъзан подшолар зулмига қарши кўтарилган халқ тугёнларини ҳикоя қилиб берарди.

Бир куни Улмас қишлоқдан жуда дарғазаб бўлиб қайтди. Бу хушмуомала йиғитни ҳеч бунақа хафа кўрмаган шериклари безовта бўлиб ҳол сўрашди. Маълум бўлдики, қишлоқда халқ қаттиқ ғалаёнга келибди. Оқ подшонинг герман подшосига қарши урушига қишлоқдан мардикор жўнатилибди. Бойваччалар қолиб, Улмаслар маҳалласидаги бир тул кампирнинг ўғлини жўнатишибди. Онаси ўғли кетидан эргашиб дод солиб йиғлабди, бойларни, оқсоқолни қарғабди. Муштипар кампирни оқсоқол икки қамчи урибди. Кампирни ҳимоя қилишга отланган бир неча камбағални қамаб қўйишибди.

— Шунақа бедодликка чидаб бўладими дунёда, Коля ака, оқсоқолнинг таъзирини бериб қўядиган мардимайдон йўқми?— деди Улмас фиғони чиқиб.

Коля бир лаҳза ўйланиб, мўйловининг учини бармоқлари билан ҳимариб турди-да:

— Шунақа бедодлик бор, бўлган, ҳали бўлади, оқсоқолнинг таъзирини берадиган кун ҳам келиб қолади. Мардимайдонлар топилади. Билдингми, темирчи? Оқсоқол ҳам, ноиб тўра ҳам подшонинг дейди, подшо уларни дейди, сен билан мени эмас. Билдингми?

Бир куни кечаси Коля ўрнига ётиб, икки қўлини бошига ёстиқ қилиб олди-да:

— Биласанми, темирчи, оқ подшо ким?— сўради Улмасдан. Улмас нима деб жавоб беришпни билмади. Кейин:

— Подшо-да. Эл-юртнинг тепасида туради-да— деди.

— Билмадинг, темирчи, билмадинг. Подшо ўша сен айтган уч бошли аждаҳ. Билдингми?— деди ўзи алланимани ўйлаб.— Сендақа, мендақаларни ютади, ютиб юрибди ҳам. Мана бу бойлар-чи? Бойлар аждаҳонинг кичкинаси. Билдингми? Қари аждаҳонинг учала боши ҳам бўйнидан шартта кесилади. Мени айтди дерсан.

Яқинда кесилади. Шундоқ, темирчи, шундоқ,— деди. Кейин жим бўлиб қолди.

Ўлмас ҳайрон. Наҳотки оламини босиб, сўраб турган оқ подшонинг боши кесилса! Қимнинг кучи етарди унга? Оқ подшонинг қудратини қишлоқ оқсоқоли, қозикалон, маҳалла имоми, ноиб тўра хўп таъриф қилиб гапирган. Унга ҳеч қимнинг кучи етмайди, деган. Ўлмас ўша вақтда ёруғ жаҳоннинг ҳаммаси оқ подшонинг қўли остида, унинг измида деб юрарди. Лекин сўрагиси, билиб олгиси келтаверди.

— Унинг бошини ким кесади, Қоля ака?

Қоля кўлди. Кейин гўё биров пойлаб тургандай бошини кўтариб, у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, пастроқ овоз билан жавоб қилди:

— Э, нодон, ким кесарди. Бой эмас, қозикалон эмас, ноиб тўра эмас: Халқ — сендақа, мендақа ишлаб, ўз нопага ўзи эга бўлолмаганлар кесади. Билдингми энди?

Ўз нопага ўзи эга бўлолмай юрганини ва ўзига ўхшаганлар қишлоқда кўплигини Ўлмас билади, уларни танийди. Ишлаб бугун нон топишади-ю, қўлига фақат бир бурдаси тегади. Ўлмас шундай бўлгани қонуний, шундай бўлиши керак, деб биларди. Қоля билан, шу қувноқ, кўнглида кири йўқ киши билан ишлаб юриб била бошлади: шундай бўлганлиги ғайритабний, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, дейилгани ғайриқонуний гап экан. Энди унинг дилида қишлоқ оқсоқоли, бойларига ҳали нималигини ўзи ҳам тушуниб етмаган кек, ёвлик, нафрат кучая борди. Қоля ва Бағрат билан суҳбатлашган сари, уларнинг гапини эшитаверган сари дилидан шу нафрат улғайиб, ўз истиқболига ишончи мустаҳкамланаверди. Худди шу нарса бу даштлик йигитни улар билан яқин қилаверди. Бир куни армани уста жилмайди туриб ундан сўради:

— Қоля билан қалин бўлиб олдинг-а? Қалай, аломаг йигит эканми?

— Жуда.

.. Кун кунни қувиб, орадан яна йил ўтди. Ҳамроқул темирчининг ўғли Ўлмас «қизил машина»нинг усталаридан бири бўлиб олди. Бу вақтда юрт алғов-далғов эди. Кейинроқ яна айтди:

— Қари аждаҳонинг бошлари кесилди, Ўлмас, аммо тепамизга бошқа аждаҳо ҳоким бўлди — буни сенингни оти буржуй, билиб қўй, темирчи! Билдинг-а? Ҳа, шун-

доқ. Энди бунисининг бошини кесамиз. Ундан кейин толган нонимизнинг ҳаммаси ўзимизники бўлади. Билдингми? Сендақа-мендақалар замони бўлади. Юртни ўзимиз бошқарамиз, темирчи. Ленин шундай деяпти, билдингми, Ленин...

— Ленин ким, Коля ака?— деб сўради Ўлмас.

— Ленинми? Ленин сен билан менинг нонимни бутун қиламан деб аждаҳоларнинг бошини кесиш учун курашаётган одам. Мана шу кўринган ер, сув — ҳаммаси камбағаллики бўлади. Сен дарёдан сув чиқариб берасан. Билдингми?

Орадан кўп ўтмай, Коля айтгандай, буржуйларнинг тахти ҳам қулади. «Қизил машина»дан сув ичадиган ерларга ҳеч ким келмай қўйди. Бойнинг иш бошқариб турган одамлари ҳам битта-битта ғойиб бўлди. Юрт олати палон бўлиб кетди. Қишлоқлар гоҳ қизил юлдуз тамгаси таққан аскарлар, гоҳ босмачилар қўлига ўтиб турди. Коля қизил аскарларга қўшилиб кетди. Ўлмас билан Хўжавой Фурумсаройга қайтиб ўтди.

... Юрт тинчиди. Қишлоқда ҳукуматни батрак-камбағаллар сўради. Уста Ўлмас гоҳ дарёнинг у ерига, гоҳ бу ерига водокачка — насослар қуриб сув чиқарди. Қишлоққа келган ҳар бир плуг ва трактор Ўлмасга Ленин ўз қўли билан юборган машиналардай туюлди. Буларнинг дастлабки механиги унинг ўзи бўлди. Қишлоқда колхоз тузиб, уни йўрғакдан чиқарган, улғайтириб вояга етказган, кучга тўлдирганлар орасида уста Ўлмас ишженер номини олди. Ҳозир Ленин номли йирик қишлоқ хўжалик артелида қапчанки машина, трактор бўлса, уни кўриқдан ўтказадиган, моторнинг соз-носозлигини овозидан биладиган, стапокни монтаж қилиб, юргизиб берадиган, қишлоқ аёлларининг тикув машинаси, йигитларнинг мотоцикли бузилса, тузатадиган биринчи уста— Ўлмас бува мудом йигитлар қаторида. Унинг қишлоқда кўп шоғирдлари бор. У қишлоқда пайдо бўлган техника зиёдиларининг устози, отахони...

Ўлмас бува колхоз қурилиши йилларида Бағратни, ўша қадрдон устасини Қўқондан топибди. У заводда мастер экан. Кейин борди-келди қилиб юришибди... Яқинда вафот этибди.

Ўлмас бува фотиҳага бориб келибди. Бағратнинг шофер ўғли Ўлмас бувалар билан борди-келди қилиб тураркан. Лекин Коля акасида дарак тополмабди...

— Бу ернинг қисқа тарихи шу, ўғилларим,— деди Улмас бува ҳикоясига яқун ясаб.— Таналарингга кенгашиб қаранглар-а, ўша вақтда битта водокачка билан сув чиқариб, кетмонда ариқ қазиб, шунча ер очилган эди. Энди-чи? Энди ер текислашга бульдозер бор, канал қазиб берадиган машина, экскаваторлар, ер ҳайдайдиган тракторлар сизнинг қўлингизда. Ҳар бирингиз истаган машинани ўз амрингизга бўйсундирасиз, юргизасиз.— У Парпига ўғирилди.— Сен деворнинг ўрнини кўрган уй, ўғлим, отангники, обод қил, кам бўлмайсан. Сув чиқариш керак бўлса, мана биз ҳам бор...

Парпининг ибораси билан айтганда, пахтага, маккажўхориغا янги кон топилди. Гурумсаройлик янги пахтакор авлод қўриққа ҳужумнинг дастлабки планини тузди. Акбар ака маънодор йўталиб Улмас бувага хушнуд жилмайди, боғбонлар мева ниҳоллари ўтқазилган янги боғ пуштасидан иборат ўттиз гектар силос учун маккажўхори етказиб беришга аҳд қилганликларини баён этди, виқор билан мўйловини бураганича, Улмас бувани эргаштириб чиқиб кетди.

Ёшлар баҳслашиб хийла вақт ўтиришди. Бу йил янги ерга нималар экилиши белгилаб олинди. Парпи, Маннон, Мелиқўзи, Деҳқон — тўрт бригадир оз-оздан ер очадиган, ерни синаш учун ҳам пахта, ҳам маккажўхори етиштирадиган бўлишди, Аҳмаджон елкасидан босиб турган оғир юкни ташлагандай, юз-кўзи баравар кулиб:— Яша, йигит!— деди Парпига.— Мана энди кураш тушсак бўлади,— Парпи чўчиб тисарилди. Аҳмаджон унинг белини маҳкам тангиган қайишидан шимини қўшиб ўнг қўли билан ушлаб олди-да, ярим метр кўтариб, аста қўйди.— Яша, йигит!

V

Етти йилликнинг тўнғич йили қутлуғ яқунланди. Умриниса бригадаси гектарига эллик беш ярим, Мелиқўзи эллик икки, Парпи янги ердан пахтаси билан қўшилиб эллик ярим, Маннон салкам қирқ тўрт, Деҳқон бригадаси салкам қирқ уч центнердан пахта олди. Колхоз бу йил ҳосилдорлик жиҳатидан етти йиллик планини анча ошириб бажарди, ялпи ҳосил жиҳатидан олтинчи иккинчи йил даражасига етди. Бу — беш минг икки юз

тонна. Бу хирмон шунча баландки, анави адирда, «бу атрофда мандан баланди йўқ», деб асрлар бўйи герда-йиб турган тепа «оқ олтин» тоғи билан бўйсирода она-сини йўқотган бўталоққа ўхшаб қолди...

Акбар ака, айниқса, хушвақт. Серфарзанд ота кенжа ўглининг тўйини ўтказаетгандай пешонасини кўк қар-гашойи қийиқ билан маҳкам танғиб олган, фарзандла-рпни камолотга етказиб, зафар отига миндирган ҳам, зафар тўйининг эгаси ҳам ўзи. У маънодор йўталиб, ҳа-мон қора мўйловини виқор билан силаб Улмас бува ёни-га келди. Икки мўйсафид Гурумсаройнинг кечаги тари-хи, бугунги ғалабага олиб келган, янги ғалабаларни қўл-га киритаётган ёшларнинг ақл кучи — ижод чашмаси ҳақида ўзаро гаплашиб ўтирди.

Кечаги тарих деганда, Акбар аканинг кўз олдида қишлоқ батраклари, камқувват деҳқонлари уюшиб, ҳар маҳалла биттадан колхоз бўлган йиллар, бойлар ери, моли тортиб олинган, бақувватроқ хўжаликлар ҳали гу-монсираб ўзини четга олган, бирлашинглар деб қишлоқ-қа келган ишчилар, уста Улмаснинг насос билан дарё-дан олган сувлари ғўзанинг томоғини намлаёлмай қол-ган, Чодаксой суви етмай, экинлар қовжираган йиллар гавдаланди. Кейин Сирнинг бош тармоғидан олинган Шимолий Фарғона канали қишлоқ устидан ўтди. Гу-румсаройнинг янги, яшнаш даври бошланди. Акбар ака бундоқ ўйлаб қараса, бирлашинглар, деган гапнинг маъ-носи бунда экан Бирлашганда, бойлик умумий катта оморга тўпланари. Акс ҳолда уни ҳар ким халталаб ўз уйи-гагина ташиганда, бу ишларни бунёд қилиб бўлар-миди? Уз шахсий бахтини, шон-шавкати умумий тоғ-дай уюлган пахта ғарамида деб меҳнат қилаётган мана бу ёшлар шу зайлда камол топармиди? Йўқ! Бирлашган ўзар. Бирлашганинг ақл кучи қудратли бўлади. Шу қудрат тўрт қишлоқдаги тўққиз колхозни бирлаштирди, ҳар нарсага қодир кучга айлантирди.

— Ҳукуматимизнинг, дейман, Улмас ака, хўп доно, халқпарвар сиёсати бор-да. Омон бўлсин дунёда! — деди Акбар ака.

— Ленин шундай деб ўргатган-да, Акбарали. Унинг айтгани бўляпти, бўлаверади.

Улмас буванинг кўз олдида ўша «қизил машина», малла мўйловининг учини ҳимариб, чақноқ кўк кўзла-рини ўйнатиб гапирадиган қувноқ йигит Қоля акаси

гавдаланди: «Қишлоқда ҳукуматни батрак-камбағаллар сўрайди, сен дарёдан сув чиқариб берасан, темирчи. Билдингми? Ленин шундай депти...»

«Тирикмикин? Шу кунларни бунёд қилиш йўлидаги курашда омон қолган бўлса, у ҳам ҳозир мўйсафиддир. Қани энди Қоля акаси ҳозир ёнида бўлса-ю, Улмас энг яқин дўсти, маслаҳатгўйи ва устозига янги қишлоқни, катта, бақувват Ленин хўжалигини, унда юз берган, бунёд бўлаётган ажойиб ишларни, кексаликда бел қуввати, кўз нури бўлган мана бу ёшларни кўрсатса, бирма-бир таништирса! У нима дерди? Оппоқ мўйловининг учини ҳимариб: «Яшанглар! Офарин!»— дерди...»

Ёшлар гурунгидаги кулги унинг хаёлини бўлди. Қаради. Акбар аканинг диққати ҳам уларда эди. Аҳмаджон йигитлар гапига ўт қаламоқчи, келгуси йил мусобақасига пойдевор қўймоқчи бўлиб:

— Деҳқон ҳам чакана уринмади, чакана тортишмади. Улоқни бир-икки ўнгарди ҳам. Аммо тўдадан олиб чиқолмади, тақими бўшлик қилди,— деб гап ташлади.

Йигитлар кулиб юборишди. Деҳқоннинг пешонаси тиришди, лаби учди, папиросини кулдонга эзиш билан овора бўлиб, ҳозир гапдан ўзини тийди.

— Улоқ яна Умриниса билан Мелиқўзида кетди. Тан бериш керак,— деди Манноп.

— Ўзинг-чи, ўзинг?— деб луқма ташлади Деҳқон.

— Тан берганимдан шундай деяпман-да.

— Тан бермаган номард,— деди Парпи тез ва хиёл чучукланиб.— Умринисага ҳайронман. Биринчи ўринга чиқиб олиб, бизни томоша қилиб жим ўтирибди. Нимага индамайди?

Дастурхон полугини ўйнаб, эркаклар орасида ҳаё сақлаб ўтирган Умринисанинг юзига қизил югурди. Одатича оҳишта гапирди:

— Нима дейин? Эркакми, хотинми, ҳар ким энди машинани билиши керак экан. Шунда мусобақага дадил қўшилса бўлади. Мелиқўзи акамнинг бу йилги тажрибаси бизга шуни кўрсатди.

— Номи бутун республикада тилдан тушмайди-ю, озгига толқон солиб олгандай ўтиришига қаранг. Бир нима де! Ҳаммани оғзингга қаратмайсанми?— деди Деҳқон жилмайиб ва Мелиқўзига тикилиб.

— Сен сайраяпсан-ку. Етади-да!

— Деҳқон ҳали сен билан бел олишмоқчи, Мелиқўзи. Белни бақувват қилавер,— деди Аҳмаджон кулиб.

— Йиқилган курашга тўймас. Аввал тан берсин, Мелиқўзининг кучи нимада эканини билсин. Ундан кейин бел ушлашсин,— деди колхознинг механизация бўйича раис ўринбосари Мирзаабдулла Ҳамроқулов. Шу гап билан у Деҳқоннинг заифлигини ўзига сездирди ва жиндак гашини келтирди. Деҳқон ёнида ўтирган Мелиқўзига бўйсира бўлгандай чўккалади. Гипнозчидай кўзини унинг кўзига михлаб олди-да:

— Тан бераман ҳам, тан бермайман ҳам,— деди.— Тан бермаган шуки, ғўзанинг тилини ундан яхшироқ биламан деб юрибман. Тан берганим шуки, ғўзанинг тилини яхши билган, у билан кечаси ҳам, кундузи ҳам гаплаша оладиган деҳқонга машинанинг тилини билиш шарт эмас деб юрувдим. Шу чакки экан, бу йил бунни тушундим. Лекин курашни давом эттираман, оғайни. Шарт шу: келгуси теримгача мени ХВС билан яхши гаплашадиган қиласан. Олинг қўлни, устоз.— Деҳқоннинг бу гапида, хиёл кулган қўй кўзида шеригига ҳам ҳавас, ҳам рашк, ҳам фахр бор эди.

— Сен хоҳласанг бас. Гаплаштириш мендан,— деди Мелпқўзи унинг қўлини маҳкам қисиб.

— Тан бермаган номард!— деди хийладан бери гапга аралашмай, лабига хиёл табассум югуриб, бурчакда нимашидир ўйлаб ўтирган Парли. Унинг кўзлари ҳозир бирдан учқунлади, кўнглида улғая бошлаган ўша фикр, ният шу суҳбат, баҳс давомида етилдими, юз-кўзи кулди:— Деҳқоннинг бир гапи ўғил бола гап бўлди,— деди ҳозир ҳеч тutilмай, чучукланмай:— Кураш давом этади. Аммо мен Мелиқўзи билан бригадамиз ҳозиргача экиб келган ерда эмас, янги ерда, дарёнинг у томонида туриб курашаман...

— Нимага? Бу ерда ҳосилинг каммиди?

— Йўқ. Қам ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Қароримиз кенгроқ ер очиш, кўпроқ пахта олиш, раис,— деди у Аҳмаджонга ўгирилиб,— вақт кетмай бу ерга — тупроғи семиз, ҳосилдор ерга хоҳлаган бригадир ўтаверсин. Бугундан бошлаб, шу ўтиришдаёқ бизга фотиҳа беринглар. Ғурумсаройнинг бир чеккасини дарёнинг у томонига етказамиз.

Парли янги ерга кўчиб ўтиш ҳақидаги фикрни кўпчи-

ликка энди аён қилди, маслаҳат тарзида эмас, қатъий қарорини айтди. Лекин бу фикр Маннон Ҳайитовнинг ҳам кўнглида етилиб юрганидан Парпи беҳабар эди. Маннон: «Биз ҳам бир тан, бригадамиз Парпига қўшни бўлади» деганда, Парпи суюнганидан ўртоғини қучоқлаб олди.

Янги ерда ҳунари асқатишини пайқаб Улмас бува-нинг қисик кўзлари йилтиллади. Гўдаклигидан қўлтиқлаб катта қилган йиғитларининг ўз шахсий фойдасидан, ҳаловатидан вақтинча кечиб катта ташвишга, жон қийнаб янги бўстон бино қилишга отланганидан беҳад мамнун ўтирган Акбар ака маънодор йўталиб, мўйловини бураб, Улмас бувага кўз қисиб қўйди. Узи орага ташлаган улоқ тепасида чавандозларнинг катта тўдаси тўпланганидан хурсанд. Аҳмаджон гўё бу гапларни ўзи қўзғаб, ўзи уюштирмагандай, гўё Парпи билан Манноннинг ниятини энди билиб, уларнинг ҳимматини қувватлаб тургандай. Лекин Акбар ака буни фаҳмлади: «Бошлайвер, ота ўгли, отанг эккан ниҳолни вояга етказавер, у сочган уругни кўпайтиравер!»— дея фикран Аҳмаджонга хитоб қилди.

Фурумсаройликларни бу йилги ғалаба билан табриклашга келган райком секретари Мамажон Раҳимовнинг хаёлини бу гурунгдаги янги гап катта режага етаклади. Шу ерда Мелиқўзи Умрзоқов бошлаб берган ташаббус колхоз, район ва бутун область трактор-дўлачпллк бригадалари механизаторларининг катта ҳаракатига айланди. Қетмоннинг, эски, кўҳна техниканинг хизмати жуда камайди. Пахтани бел букиб қўлда териш ўрнини машина эгаллапти, яқин йилларда тамом эгаллайди. Жуда соз! Аммо Парпи дарёнинг у бетида ёққан кичкина гулхан алангасини ҳамма кўрадиган улкан гулханга айлантириб бўлмайдами? Булар-ку иккита бригада тузишди. Қолган олти колхоз олти бригада тузса, олти механизатор йиғит бош бўлса, буларнинг қатори кенгайди, бири-биридан кейинда қолмасликка интилади. Юз гектардан очса — саккиз юз, икки юздан очса — бир минг олти юз гектар. Янги ер ўзлаштиришда етти йиллик план бир йилдаёқ ошириб бажарилади. Хўш, район пахтасига қанча пахта қўшилади? Шу хаёл фикрни банд қилди-ю, Раҳимов худди янги кон топган геологдай бир жойда ўтиролмади, ўзини тинч қўймаган шу хаёл ичида йиғитлар билан хайрлашди...

Кўллар, ойдин кўллар...

Парпининг кўзи тинди. Қовоқларини икки қўллаб ишқалади-да, дўнг устида ғоз туриб яна тикилди. Кўзи яна жимирлашди. Қат-қат булутни беҳол ёриб чиққан қуёш сувга нур сочган, бу Парпининг чеҳрасидаги табасумда ҳам балқиди...

Шундай дамлар бўладики, киши хаёли бир нафасда олам кезади. Лойқа чўкиб, сув шиша ранг олгандай, фикрлар аста-секин бири иккинчисини босади, сараланади — тиниқади. Парпининг фикрлари ҳозир тинмоқда эди. Қўз олдида кўллар кенгайди: тиниқ осмон ер бетини қучиб олгандай эди. Қўз очиб ёруғ жаҳонни эндн кўрган бола кун-бакун улғайди, азим чинорни қучоқлаб, бир ҳамлада ердан узиб оладиган паҳлавон бўлди...

Ўзлари барпо қилган кўлга тикилиб туриб, Парпининг эсига қачонлардир китобдан ўқиган, ёки кимдандир эшитган шу эртақ тушди. Ўз хаёлидан ўзи кулди. Бундай паҳлавонлар фақат эртақларда бўлади. Аммо оламда шундай паҳлавон бўлган бўлса, ҳозир уларнинг қишлоғидан, мапа бизда ҳам бор, деб кимни кўрсатса бўлади? Маннонимми? Аҳмаджоннимми? Мелиқўзинимми? Азим чинорни қучоқлаб ердан узиб олмаган бўлса ҳам, Мелиқўзи, ўтган йили кузда машина билан кунига ўн икки ярим тоннагача пахта терди. Икки-уч йил олдин бунга ким ишонарди? Ҳеч ким! Эшитган одам буни эртақларда айтиладиган маҳобат дерди.

Парпининг кўзи ҳамон кўлларда. Бир фикр иккинчисини босиб сараланаверди, оқими равшанлашди, доираси кенгайди. Агар иш илгариги маромида кетаверса, Маннон билан Парпи дарёнинг бу бетида бригада тузармиди, ҳувиллаган шу дарахтсиз саҳрода ер очишга журъат қилармиди? Йўқ, журъат қилолмасди. Нимага? Иш кўлами ҳозиргидан каттамиди? Йўқ, иш кўлами ҳозиргидан анча, ҳатто жуда кичигу, лекин иш кўп эди, куч етишмасди... Нима, ҳозир Гурумсаройда одам шунчалик кўпайдими? Унчалик эмас. Лекин иш мароми ўзгарди, пахтачилик ишини янги маромга йўллаган, ҳаракатга келтирган механизмни измида тутувчи янги куч вужудга келди. Ахир уч-тўрт йил олдин бош қашигани

қўл тегмай юрган вақтларда ҳам колхозда Аҳмаджон ранс, шу бригадаларнинг кўпи ўз ўрнида эди-ку? Ҳа, ўшанда ишни шу янги маромга солган куч энди туғилган, кун-бакун улғая бошлаган эди. Бунни уларнинг ўзлари улғайтирди, ўзлари ҳам у билан бирга улғайди. Ўтган йили у ўзининг мўъжизакор кучини ҳаммага намойиш қилди, ишонмаганларни ишонтирди — ҳаммани янги тўлқинга келтирди.

Парпи шу тўлқин ўз вужудида мавж ураётганини ҳозир аниқ сизди. Дўнглари сўриб текислаган бульдозер, грейдерлар, ер бағрини ёриб соз тупроқни юзага чиқарган кучли тракторлар унинг ва универсалчи механизатор Маҳмуд Аҳмедовнинг қўлида. Ўтган йили баҳорда — у бу ёққа дастлаб ўтган йили, Парпининг назаридаги шу ойдин қўллар фақат иккита — ўттиз гектар, эди. Ҳозир ўнта. Одамга ҳузур бахш этадиган баҳор шабадаси ҳилпираб елгунча бу қўллар ёнига яна нечтаси қўшилади?

Парпилар бу ернинг шўрини поллар очиб, қўллар барпо қилиб ана шу зайлда ювмоқда.

«Сени кўримсиз, кўнгилсиз кўрсатган бу шўр абадий қурийди, қайтиб бетингга тошмайди, азизим. Ҳуснинг очилади — пахтазорга, яшил қишлоққа айланасан. Амн бўл!»— дея кўнглидан ўткади Парпи.

Орқада оёқ шарнаси эшитилди, кимдир дўнгга кўтарилди. Парпи ўғирилди. Чўл изғирини ва шамолида юзн қорайиб кетган Маннон баланд қоматини кўз-кўз қилгандай илжайиб турарди.

— Нима, бу ерларни дам солиб қўллатяпсанми?

— Йўқ... қурийди.

— Нима қурийди? Сувми?

— Йўқ, шўр. Нима, бу ернинг-пешонасига нуқул шўр битибди дейсанми? Қувиб дарёга оқизамиз... Нега куласан? Ишонмаяпсанми?

— Сен хаёлпараст,— деди Маннон яна кулиб,— қўшниларимизнинг ишидан хабар олдингми? Санглик Турғун тракторчи ишни жуда авж олдирибди-ку. Ерни ҳам созлабди, боғни ҳам. Бориб кўр.

Парпи индамади. Маннон унинг табиатини яхши билганидан гапни чўзмади, елкасига қўл ташлаб:

— Нуқул, суяк қопти-ку, оғайни,— деди.

— Эт суякка битади, ғам ема, дўстим.

Маннон ўз бригадасига ўтиб кетди. Парпининг хаёли

энди қўшниларга кўчди... Бир йил олдин Парпи «тупроқшунослик» қилиб юрганда бу ерларда «қўшни» сўзи тасаввурга сиғмасди.

Майнонни ҳам қўшиб ҳисобласа, бу атрофда ҳозир Парпининг етти қўшниси — еттита бригада бор. Шўри қалин-қасмоқ бўлиб ётган бу ер ўтган йили баҳорда инсон қадами тегмагандай эди. Энди дала шийпонлари қад кўтарди. Ҳадемай Парпи ток кўтаради, ниҳоллар барг ёзади, бу кўллар қурийди, Парпининг сеялкаси ерга чигит ташлайди...

Эсига янги ерга ўтувчи йигитларнинг район кенгаши тушди. Унинг кўз олдида дуркун, қувноқ йигит Турғун Жумаев гавдаланди: «Сизни, дўстим, мусобақага чақираман. Марра ўттиз центнердан!» Яна нима деган эди? — Парпи ўйланиб қолди. Ҳа... «Одам тўрт юз йил умр кўрмайди, ахир. Аммо сиз билан биз барпо қилган боғ, бино қилган қишлоқ абадий қолади...»

Парпи ўшандаёқ упи ақли расо йигит, деб билган, унинг замири чуқур гапига, билимига ҳаваси келган эди. Ушанда Парпи биринчи бор ўзлаштирилаётган ер бу йил нима бера олишини ақл тарозисида тортиб кўриб: «Майли, чақирғингизни қабул қилдим. Лекин бизнинг маррамиз баландроқ — ўттиз уч центнердан», деб қўл олишган эди.

Ушандан бери Парпи шунинг ғамини ейди. У кўчатлар ўтқазди. Хўжа акадан қолган уй ўрнини токзор қилди. Бир-икки йилда уни баланд сўрига кўтаради, узум узади, жазирама иссиқда бригада аъзолари билан қуюқ соясига салқинлайди, шу ердаги баланд супада ўтириб дам олади, теварак-атрофида сокин денгиздай жилоланиб ётган яшил пахтазорни томоша қилади.

Хўш, Хўжа акаларнинг йигитлик кучини олган бойнинг неча йиллаб очдирган ери Парпининг уч ой қишда шўр забтидан тортиб олган, ҳозир ҳар бир барги, ҳар бир гули қуёшдан нур эмаётган пахтазорича бўлганмикин? Йўқ! Уша вақтда одам истиқомат қилган кулбадан бу ерда ҳозир нишон қолмаган бўлса, сув ичган ариғининг изи ҳам кўмилиб кетган бўлса, Парпилар бу ерда шундай яшил қишлоқ бино қиладики, асрлар ўтади, лекин у яшайверади, улар қазигап канал суви бу чўлнинг бир бўлагини ҳам қолдирмай қондиради, унга абадий ҳаёт бераверади!..

Аҳмаджон бригадага қуёш ҳавони тапдирдай қиздирган маҳалда келди. У машинани сайҳонда тўхтатиб, кабинадан ҳорғин тушди. Кеча кун бўйи бригадамабригада айланиб, тунда сувчилар ёнида бўлиб мижжа қоқмагани юзининг сўлғинлашганидан, кўзлари қизариб кетганидан, суст қадам босишидан кўриниб турибди. Кечаги шўртепалар ўрнидаги ниҳолларнинг кўм-кўк барглари, тепасида қуёш нури кумуш ҳалинчак солиб учаётган тўқ-яшил пахтазор, ариқ тўлиб оқаётган сув ушга аллақандай ғурур бахш этди шекилли, бардам қадам ташлади, эгат бўйлаб бораётган универсалга яқинлашди:

— Парпи қани?

Универсалчи боши билан шохариқ томонга имо қилди. Парпи ёрдамчисини универсалга миндириб, ўзи ғўзаларга оро берар, ғўё ҳар туп ўсимликни бир-бир кўздан ўтказар, эгатларда жилдираётган сувнинг расамаднини текширарди. У раисга пешвоз юрди.

Аҳмаджон одатича ўзига узатилган қўлни қаттиқ қисиб силкиди. «Озиб, қорайибди, аммо руҳи бардам», хаёлидан ўтказди раис. У қўл эмас, ғўё темирни ушлади.

— Суягинг роса қотибди, йигит,— деди тегишиб.

Парпи жилмайиб қўя қолди.

Шунча иш қилиб, шунча қийинчиликка бардош бериб, у бир марта ҳам полимади, бир марта ҳам ўзини енгилроқ ишга урай демади, доимо қийин, оғир иш участкасини танлайди.

«Ажойиб табиати бор-да унинг,— деб ўйлади Аҳмаджон.— Гоҳо хаёл денгизига шўнғиб кетади. Шўнғиб-шўнғиб одамларни таажжубда қолдирадиган янги бир нимани топиб чиқади. Топгунча хўп ташвиш чекади-ю, ўзи шу ташвишдан роҳат қилади. Кейин яна шўнғийди».

У Парпига тикилиб қолди. Уйқусизликдан қизариб кетган кўзида Парпига ҳам ачиниш, ҳам фахрланиш бор эди. Парпи буни фаҳмлади:

— Озиб кетибманми? Майли, ҳечқиси йўқ. Эт суякка битади, раис.

Аҳмаджон Парпининг тилидан бу гапни неча қайта эшитган бўлса ҳам, нимагадир ҳозир жуда завқланиб кулди.

— Нимага куласиз?— деди Парпи ҳайрон бўлиб.

Аҳмаджон яна кулди.

— Кулманг-да,— деди Парпи уни етаклаб.— Бу ёққа юринг, гап бор.

Аҳмаджон ҳозир ихтиёрини тамоман Парпининг қўлига топшириб қўйган эди. Қизиқ, Парпи янги ерга ўтгандан бери бу ерда учраган ҳар бир нарсани янги бир подир топилдиқ деб биладиган бўлиб қолган. Шундайки, топшириқларнинг ҳар бири уни бошқа бир муҳимроқ, кишини ҳайратда қолдирадиган янгилик топишга ундайди. Тунови куни бульдозер катта дўнгни бир чеккасидан сураётганда тупроқ тагидан пишиқ ғиштлар чиққан. Лекин ғишт хумдондан янги чиққандай сақланибди. Парпи шу телани буздирмабди.

— Кўрдингизми? Ғиштнинг пишиқлигини, терилганини қаранг. Бу ер улкан хазина, раис. Катта шийпонни мана шу ерга қурамиз. Атрофи катта боғ бўлади.

Ҳа, боғ, неварачеваралар ҳам роҳат қиладиган боғ, кўркем Оқ олтин қишлоғи, янги Хуррамсарой бўлади.

ДАРҒА

I

Емғир икки куйдан бери муттасил савалайди. Осмон тераклар бошига иниб олган — кўтарилай демайди. Ҳаммаёқ ивиб, тумтайиб турибди.

Ток баргларини, узум доналарини ювиб тушаётган томчилар ерни илма-тешиқ қилиб юборди. Томчилар ток сўриси тагига чак-чак тушиб, халқобчалардан кўнгироқ пуфакчалар ясар, бу пуфакчалар шу зумдаёқ ёрилиб, гўё учиб кетарди.

Боядан бери айвондаги кат четида, гоҳ паст тушиб олган кулранг осмонга, гоҳ ҳусайнининг сап-сарик доналарига тикилиб хаёл ичида ўтирган Мелиқўан қаттиқ уҳ тортиб юборди, кат қирсиллаб кетди. Нариди алланима гуп этди. Қаради: ёзлик ўчоқнинг бир лаби жулабди. Учоқ унга қоп-қора жағи қийшайиб, тиржайгандай туюлди.

Бу манзара унинг кўнглидаги ғашликни баттар аўрайтирди. Юрагида табиатнинг ўжар, инжиқ қонунини тилка-пора қилгудай туғён пайдо бўлиб, бу ўзининг ҳо-

зирги ожиз ўтиришидан ўзига берган дашномни билан қўшилиб кетди.

«Дақиқаси олтиндан қиммат шу қисталанг кунда сувга тушган товукдай ҳурпайиб ўтирсанг-а!— ўзига таъна қилди у.— Шу ёгинин керагида ёғдириш олимлар қўлидан келмасмикини? Ахир, ойини эгаллаган, осмонга тирик жонини чиқариб тирик қайтариб туширган олимлар бунинг иложини тополмайдимми?! Топар. Ҳозир топса эди, ҳозир!»

Қорайиб турган ўчоққа яна кўзи тушди-ю, фикри сочилди, хаёлини жамлаб аллаким билан яна нима хусусидадир баҳс очишга шайланган эди, кўчани гурсиллатиб, икки ёққа лой сачратиб, қандайдир юк машинаси ўтди. Жимиб қолган кўчадаги бу ҳаракат унинг фикрини, ўзини далага етаклади. У жаҳл билан оёққа туриб, дёвордаги қозикдан пахталигини олиб елкасига ташлади-да, кўча эшикка йўлланди.

— Ҳа, менга қаранг, шу ёмғирда қаёққа?..— деди эрининг бу шошилиш ҳаракатидан ҳайрон бўлиб Сотқинной. У қўлида кўтариб чиққан иссиқ чойнакни кат устига қўйди. Мелиқўзи тўхтаб, хотинига ўгирилди. Сотқиннойнинг назарида, эрининг ранги синиқиб кетган эди.

— Бир пиёла чой ичиб олинг, ахир. Тиниб қолар. Мунча энди... Озгина ором олсангиз олибсиз-да.

Мелиқўзи индамай, хотинига тикилганча елкасидаги пахталикнинг снгини кийиб, тугмалади. Хотинининг тилидан чиққан шу «ором» сўзи ҳозир унинг қулогига ёқмаган, кўнглидаги ғашликни яна зўрайтирган эди, лекин мулойим, меҳрибон, айни вақтда ёлворгандай боққан кўзларига қараб, оғзидан унинг таъбини кир қиладиган бирор гап чиқиб кетишидан ўзини тийди.

— Ором,— деб такрорлади у.— Оёғимни қўйнимга тиқиб, қунишиб ўтирибман-ку. Тагин қанақа ором, хотин?

У эшикни ёпиб, шилт-шилт лой босганича далага кетди. Сотқинной уйга кириб, овсинига ҳасрат қилди:

— Кечадан бери акангизнинг рангида ранг қолмади. Аллаким алам ўтказгандай, уйқусида ҳам уҳ тортади, ўзи билан ўзи олишиб чиқади. Тавба, тоқатини йўқотди-қўйди...

Ҳа, Мелиқўзига алам ўтган эди. Биринчидан, бу йил у теримда кечикди. Пахта кеч очилганидан эмас, йўқ, вақтида, текис очилди-ю, лекин сепилган дори нимага-

дир баргни чала тўқди, дарё бўйидаги картага эса ҳеч таъсир қилмади. Иккинчидан, барги чала тўқилган бўлса ҳам, бир картанинг четини ғўзапоядан тозалатиб, кунтиғ тортмасдан теримни бошлайман, деб оқшомдаёқ эгат бўйига келтириб қўйган янги машинасининг моторини ёқишга ҳам улгурмай, ёмғир қўйди. Устига-устак, баъзи бригадалар, масалан, қўшниси Умриниса Ҳайитова бригадаси планни эллик процентга етказай деганда, Мелиқўзи бошлиқ машиналашган коммунистик меҳнат бригадаси ҳали ўн беш процентдан ошгани йўқ. Алам қилмайдим!

Бурноғи кун кечқурун у терим графигини бригада аъзолари билан муҳокама қилган, ўз ҳисобини айтиб, уларнинг кўнглини кўтарган эди:

— Эртадан бошлаб, айтайлик, мен ўн бир-ўн икки тоннадан терсам, Абдумалик олти тонна, Раҳимжон беш тонна атрофида терса, қўлда терилгани билан қўшилиб, кунига камида тўрт-беш процентдан топширамыз. 25 октябргача планни тўлдирамыз, байрамгача эса мажбуриятни... Шу ҳисобга қараб ишлашимиз керак...

Мелиқўзининг назарида, шу аниқ ҳисобни ҳозир ҳавода осилиб тургандай, табиат, аксига олиб, унинг оёғидан чалаётгандай... бригада аъзолари ҳам, раис Аҳмаджон Однлов ҳам унга: «Қани, айт, бу ёғи нима бўлади?» деб таънали савол бераётгандай... Бу кунларда у шундай ҳолатда эдики, бировнинг «ҳорма» деган сўзн унинг қулоғига «ҳолинг шумиди?» дегандай эшитиларди.

II

Карта ёқалаб, лой кечиб юриб, у дори таъсир қилмаган, ёмғирда яна тўқ-кўк тусга кирган ғўза баргларига қараб юраги қаттиқроқ увушди. Шу барглардан бир нечасини юлибғижимлаб ташлади. Кейин бир туп ғўзада очилган пахтани санади: қирқ кўсакдан йнгирма бештаси очилибди, оппоқ пахталар жўжа онасининг қаноти тагига беркингандай кўринади. Баъзи чаноқларнинг пахтаси оқиб тушибди, эгасига «кечикдинг, кўрдингми, нобуд бўлдик», дегандай эгат бағрида лой қучиб ётибди...

Мелиқўзи буларнинг ҳар бирини яхши танийди, таниганда ҳам чақалоқ билан гаплашгандай гаплашади. Баҳорда кун илиқ, жон киргизувчи нурини оламга ёйган

да, булар майин тупроқни ёриб чиқиб, қўзичоқнинг қулоғидек нозик баргчаларини кунга қараб селкиллатганда Мелиқўзи олам-олам қувонган, буларни тезроқ бўй чўздириш йўлини излаган эди. Шу баҳорда, табиатнинг инжиқлиги шу кунлардагидай қўзаб, осмон қовоқ солганда — гоҳ совуқ бўрон кўтарилиб, гоҳ жала қуйиб, гоҳ шиғиллаган дўл тўкилиб, мурғак ўсимликларга ҳужум қилганда, булар: «Бизни офатдан асра!» деб илтижо қилган, бригаданинг аҳил оиласи сел йўлини тўсган, гўё ҳар туп гўзага кўкракларини қалқон қилган, буларни юрак тапти билан иситган. Ёз жазирамасида чанқатмаган, оч қолдирмаган. Ўсимликдаги ҳар бир тугунчани шонага, шонани гулга, гулни бўлиқ, тўқ кўсакка айлантириб, мана шундай очилтирганда, бутун элга гурумсаройликлар тортигини инъом қиламан, деб турганда... Наҳотки бугун ҳам тинмаса, унинг қўл-оёғини боғлаб ўтирса..

Илгари, Мелиқўзи терим машинасини Гурумсаройга мишиб келганда, ҳатто пайкалга яқин йўлатмасдилар! Унинг кемаси пахтазор денгизда бехатар, бемалол сузадиган бўлгунча, у озмунча говдан олиб ўтилдими? Деҳқончиликнинг машаққатли эски усул-тартиби онгига сингиб кетган, шу оғир меҳнатга кўникиб қолган заҳматкаш пахтакорнинг ўзидан ҳам дашном эшитмадими?

... Ўшанда механик-ҳайдовчи Мелиқўзи Умрзоқов ҳам, унинг янги чиққан кемаси ҳам МТСники эди. Тўртинчи бригадада миди, ҳозир аниқ эслаёлмайди, болалар, хотин-халаж машина атрофида уймаллашиб олишган, у гўё буларга томоша кўрсатарди. Шунда бригадир:

— Бе, термайди. Бизни ҳам, ўзингни ҳам уринтириб қўясан, жиян,— деган, кейин аллақандай машина тўғрисида чўпчак айтиб йиғилганларни роса кулдирган эди.— Мана шу пахта теради, деб катта, узун ичаклар тақилган баҳайбат бир нимани олиб келишувди. Биримиз ичакнинг белидан, биримиз томоғидан ушлаб, ҳар бир чаноқдаги пахтага биттадан тутиб искатганмиз. Биласанми, ичакдан «пуф» деган ҳовур чиққану битта ҳам пахта тортмаган, пахтани пайҳон қилиб кетган эди. Йўқ, бу ҳам бўлмайди, қайтар...

— Меники ундақа хилидан эмас.

— Ҳа, сеники бошқачароқ хили экан, кўриб турибман, лекин бари бир термайди. Ҳайҳайлаб турмасам, эс-ҳушли одам якка чигит қилиб кетади-ю, пахтани шу

темирингга чайнатиб қўяйми? Мен ғўзапоя эмас, пахта топширишим керак, тушундингми? Яхшиликча келган изингга қайтар,— деб ўшқирган, машинанинг олдини тўсиб олган эди.

Энди Мелиқўзи дастлаб йўлиққан қаршилик олдида таслим бўлсинми? Механизаторликка ўқиб юрганида мактаб тажриба станциясида машинада пахта терган, тўкмай тера олишига ишонган, қишлоққа келиб, буни ҳаммага айтган. Энди одамлар нима дейди. Айтгани ёлғон экан, бўлмаса, териб исбот қиларди-ку, демайдимми? Унинг кўз олдида Ғурумсаройнинг машҳур теримчиларидан бири, қаримай бели букчайган онаси Мастура опа гавдаланди. Ана, у хотинлар орасида, унинг: «Чекинма, бизни қутқар бу азобдан!»— дея жавдираб турган кўзлари гўё ўғлига илтижо қиларди. Ахир, Мелиқўзи онасини, машинага умид кўзини тикиб турган ана шу барно қизларни, опа-сингилларни бел букиб, эрталабки изғиринда қунишиб, қўлларини чаноққа тилим-тилим тилдириб пахта теришдан — тинкани қуритадиган шу оғир машаққатдан халос қиламан, деб бу касбни ўрганмаганмиди?! Энди бригадирнинг гапига кириб, машинани изига қайтариб кетсинми?

«Йўқ, тераман! Жонинг ширин бўлса, ўзингни олиб қочасан», деб ўйлади-да, моторни гуриллатиб ўт олдириди, бригадир ранги қув ўчиб ўзини зўрга четга олди. Мелиқўзи машинани эгатга солди... Машина эгат ичида бир-икки қалқиди, ҳақкалади, пахта дув тўкилди, тупроққа қоришди... Бригадир дод солиб раисни чақаришга югурди... Лекин бора-бора шпинделлар ғўза тупларини қучиб, чаноқлардаги оппоқ пахтани секин-аста бункерга узата бошлади, пахта хас ва чангдан тозаланиб, бункерда оқ капалакдай учиб айланди.

Ўғлининг рулни дадил тутиб боришини кузатиб турган Мастура опа:

— Ҳай, хотинлар, қизлар, қаранглар-а, терди... бинюйдек. Ё тавба,— деб қичқириб юборди.

Раис Акбарали Тошматов етиб келганда, Мелиқўзи икки бункерни бўшатиб, машинанинг шпинделларини хас-хусдан тозалаб, ювиб турган эди. Раис ичида бригадирнинг фикрини тасдиқлади-ю, сиртига чиқармади, «етимчанинг дилини сиёҳ қилгиси келмади» — Мелиқўзи билан Акбар ажанинг авзойидан фаҳмлади.

Раис бригадирни нарига эргаштириб бориб, унга ал-

ланима деб тайинлади, Мелиқўзи бу гапни эшитмади. Балки раис унга: «Қўп тўкибди, тердирма», дегандир. Агар шундай деган бўлса, бригадирга жон киради. Уни пахтазордан ҳайдаб чиқаради. У машинани лапанглатиб мишиб кетаётганда шуича одам орқасидан қараб қолади. Кейин Фурумсаройда одамларга қайси юз билан қарайди?..

Хайриятки, бригадир: «Мени хароб қилдинг, пахташи пайҳон қилдинг!» деб тўнгилласа, сўкинса ҳам уни ҳайдаб чиқармади. Раис бригадирга: «Қаршилик қилма, кўнгли чўкмасин, тўкнлганини кетидан теримчиларга олдиравер», деган экан. Унга бу гапни кечқурун табелчи сўказди.

Бу Мелиқўзига далда бўлди. Уша йили у қийналиб, тўкиб бўлса ҳам салкам эллик тонна пахта терди.

У келгуси йилни кўзлади: «Юз тоннага етказаман!»

Сентябрь кириши билан кемасини янги, қутлуғ сафарга шайлади. Вақт ўтяпти. Юраги така-пука: қачон, қайси пайкалга тушишга буйруқ бўларкин?

Унинг машинаси бўяб, созлаб қўйилганича бостирма тагидан қўзғатилмади: на колхоз раисидан, на район раҳбарларидан ун чиқди! МТС директори эса унинг саволига елка қисиб қўя қолди. Мелиқўзи буни машина теримига «индамай қаршилик кўрсатиш» деб тушунди.

Машина шу зайлда беш йил қантарниқда ётди...

«Ғалати,— деб ўйларди у,— ғўза чала, саёз культивация қилинса бригадирдан тортиб, раис ва район раҳбарларигача ҳамма шу ер тепасига келади. МТС директорини, тракторчини хўп савалайди-ю, деҳқоннинг куздаги мушкулени осон қиладиган терим машиналари неча йиллаб бекор ётса ҳам, ҳеч ким ҳеч нарса демайди».

Йўқ, бунинг ташвишини тортаётганлар бор эди.

Эллик саккизинчи йили бригадир Мелиқўзи экиш, яғана, культивация, суғориш пайтларидан бошлаб ғўзани машина теримига мослади. Бу ишда уни Ленин номи йирик колхознинг ёш раиси Аҳмаджон Одиллов қўллаб-қувватлади. Шу йили кузда у «СХС-1,2» машинасида 83 тонна пахта терди. Энди унинг номи йиғилишларда қайта-қайта тилга олинди, газеталар уни, пахташи машинада теришга йўл очган довжорак механизатор, деб ёзиб чиқишди. У республика илғор пахтакорлари қурултойи минбаридан:

— Ҳаммамиз терим машиналарини эгарлаб минайлик, битта ҳам машина пахтазорга киритилмай қолмасин!— деб ҳамкасбларининг ҳаммасини мусобақага чақирди.

Бутун зал гулдурос қарсак чалди. Бу қарсақларнинг акс садоси республика бўйлаб янгради. Барча колхоз ва совхозларда партия ардоқлаб вояга етказган топқочил-мелиқўзичи механизаторларнинг трактор-далачилик бригадалари тузилди. Совет пахтачилигининг янги раванқ йўлини очган пешқадамлар ҳаракати — янги ҳаракат бошланиб кетди. Бу — пахтачилик тарихида буюк революция бўлди. Бу ҳаракат ташаббусчиларидан бири Мелиқўзи Умрзоқов бошлиқ бригада шу йили 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил кўтарди, унинг ўзи янги «ХВС-1,2» машинасида республикада энг кўп — 251 тонна пахта терди. Пахтачиликнинг энг оғир ишида — теримда мўъжиза кўрсатган ғурумсаройлик йигитни бутун мамлакат таниди.

III

Ғурумсарой бино бўлгандан бери бу ерга шу йили куздагидек кўп одам ва хат-телеграмма келмаган эди. Келганлар унинг теришини ўз кўзлари билан кўриб ишондилар, тажрибасини ўргандилар.

Кечқурунлари теримдан чиқилгач, қишлоқ кўчаларини мотоциклларнинг тариллаган овози тутиб кетади. Ким салт, ким мингашган, Мелиқўзнинг шийпонига ўтади. Шу кушларда механизаторларни қизиқтирган нарса битта: янги терим машинасининг «сирини» билиб олиш. Ҳамма ХВС «пирининг» атрофини ўраб олади. Тинч, оҳиста суҳбат бошланади. Мелиқўзи амалий тажрибасидан ҳикоя қилади, улар бу «мўъжиза»ни жим, сеҳрланиб тинглайдилар.

Колхознинг икки мўйсафиди, Акбар ака ва Улмас бува гоҳо ёшларнинг ана шундай гурунги устидан чиқадилар, қувонч ва ифтихор билан бир-бирларига имо қиладилар. Акбар ака қуюқ мўйловиши силаб:

— Уйлай билсанг, доно бўласан,— дейди шеригига.

Улмас бува эса қишлоқнинг баъзи такасалтанг ёшларини назарда тутибми:

— Аммо бунинг акси ҳам бор: ўйнайверсанг, бола бўласан,— дейди.

Мўсафидлар яқин боришса, гурунг бузилиб кетадигандай оҳиста орқага бурилади.

Ёш пахтакор авлод қониб суҳбатлашади, уларнинг учқур хаёли баланд-баланд чўққиларни забт этади. Гурунг-охирлайди, мавзу ўзгаради. Улар Мелиқўзига келган хат ва телеграммаларни ўқишади. Уни Москвадаги Ломоносов номли университетнинг бир гуруҳ студентлари, Тошкент машинасозлари, Киев областидаги колхоз механизаторлари табриклашибди, яна янги галаба тилашибди. Ёшларнинг эътиборини бир хат тортди. Конверт этагига: «Уфа. Врач Мариядан», деб ёзилибди.

«Салом, баҳодир йигит,— дебди Марья.— Қилган ишингиз Сиз танимаган қиз-жувонларда ҳам Сизга ҳурмат, муҳаббат уйғотди. Ажабланманг: мен Сизнинг томонингизда катта бўлганман, пахта теримининг нималигини билган, теримчи аёллар ишига тан берганман. Юрагида меҳр туйғуси мавж урган йигитларгина Сиз сингари иш тутади. Сизни юрагимдан табриклайман. Оналар, қиз-жувонлар ҳурмати ишингизда Сизга ёр бўлсин».

Йигитлар ўйга толди. Мелиқўзи ўнгайсизланганидан қизариб кетди. У нима иш кўрсатибдики, ҳамма аёллар ундан миннатдор бўлсин. Машинада териляётган пахта Мелиқўзининг ўзи ишлаб турган колхозда ҳам ҳали жуда оз-ку! Уларнинг ёнгинасидаги терим машиналари ҳануз дала юзини кўрмайди. Бу гапни газеталар маҳаббат қилиб юбормадимикин?

«Оналар, қиз-жувонлар...»— унинг қулоғида хатнинг аша шу сўзлари жарангларди. Демак, бу терим машаққати мажolini қуриган ҳамма аёлларнинг, ҳамма теримчиларнинг барча механизаторларга: «Мушкулни қачон осон қиласиз!» деган нидоси. Демак, юрагида ўти бор йигит-қиз терим машинасига миниши, пахтани қўлда бнтталаб теришга барҳам бериши керак. Демак, Мелиқўзи ўз колхозида теримни тезроқ тугатиши, бошқа колхозларга машинаси билан бориб, ёш механик-ҳайдовчиларга терим санъатини ўргатиши, улар қалбида бу касбга ўчмас муҳаббат ўтини ёқиши керак...

Ҳамма узоқдан келган шу хат таъсирида ўз хаёли билан банд эди. Бунинг устига, алламаҳал бўлиб қолди. Мелиқўзининг шогирдларидан бири Тўхтавазар:

— Мели ака, ишингиз чатоқ, бу хат уйда контролнинг қўлига тушиб қолмасин, ишончдан чиқасиз,— деб

Тонг, ажиб тиниқ тонг отди.

Мелиқўзининг ҳаво ранг кемаи гуриллаганда, шпинделлар бодроқдай очилган чаноқларни қучганда, уфқ доираси қизариб, кун энди тиф тортган эди. Мамлакатнинг узоқ бир республикасида яшовчи нотаниш аёлнинг илиқ сўзлари унинг қулоғида ҳамон жараиғлар, унн янги ҳимматга, янги зафарга ундарди. У олтинчи бункерни бўшатди. Яна ўттиз икки бункер териши керак. Демак, машинани яна ҳам тез, равон юргизиш, чаноқда қолдирмаслик лозим. Ҳозир бункер ҳар ўн беш минутда тўляпти. Аммо бункерни бўшатиш ва машинани қайтариб, эгатга солишга кетаётган вақтни қисқартса, мўлжалдагига етказадди, оширадди ҳам. У ўнинчи бункерни бўшатиб, машинани эгатга солганда, карта четида похол шляпа кийган, новча, қотма, ранги заҳилроқ киши: «Тўхтат!»— деб қўл кўтарди.

Мелиқўзи бу кишини уч-тўрт кундан бери кўради. У гоҳ терим бошида, гоҳ одамлар орасида юради, лекин ҳеч ким билан дуруст гаплашмайди. У машинанинг созносозлигини текшириб кўрди. Кейин Мелиқўзидан:

— Неча бункер тердинг?— деб сўради.

— Ун.

— Ёлғон!

Мелиқўзи ҳайрон бўлди, ҳозир бу одам унинг кўзига туяқушга ўхшаб кўринди. У бир ғижинди-ю, табелчини чақирди. Табелчи ҳар бункерга ёзилган талонни кўрсатди.

— Кўз бўяяпсанлар,— деди «Туяқуш» ўшқириб.

Мелиқўзининг жаҳли чиқди.

— Текширишга келган бўлсанг, мен терай, сен текшир, ёлғон-ростлигига ишон, оғайни. Ердамга келган бўлсанг, бунисини айт. Сен билан ғиди-биди қилиб ўтиришга вақт йўқ,— деди-да, машинага минди.

«Туяқуш» кун бўйи даладан жилмади. Бўйинини чўзиб, ўзидан-ўзи ҳадиксираб юрди. Мелиқўзи шу кўпи ўн уч тоннадан ортиқ пахта терди. Бундан «Туяқуш»нинг диққати ошди:

— Сен машинани аямайсан, шидан чиқарасан!— деб дўқ урди. Мелиқўзи энди ўзини тутолмади, узун бўйнидан сиқиб бўғиб ташлагиси келди:

— Хўш, кимсан ўзинг, огайини?

— Конструктор, Летувчий. Эшитганмисан?

— Ёлгон!— деди Мелиқўзи ғазаб билан.— Сен конструктор эмас, бу машинанинг душманисан, билдингми? Шошма ҳали...

Ўтган йили шу «конструктор» билан бўлган можаро эслаб, ҳозир Мелиқўзининг алами яна ошди. Худди рўпарасида, эгат пуштасида ўсган якка итузум гўза шохларини, ошлоқ очилган пахтани ўраб турарди. Катта-катта қадам ташлаб бориб, уни икки қўллаб суғуриб олди-да, бошидан гир ошириб отиб юборди. Итузум шохариқ бўйидаги тутнинг каллагига илинди, унинг қоп-қора мевалари тут барглари орасидан қўғирчоқ кўзларидай йилтирарди.

Нарида Сирдарё ҳар жой-ҳар жойи тез-тез қўлтиллаб, ўпқон очиб оқарди. Мелиқўзининг кўзига дарё суви кулранг, аллақандай безовта кўринди. Унинг юраги ҳам ҳозир шу дарёнинг таг оқимидай ошиқарди. У кўҳна, азим дарёга тикилиб турди-да, негадир беихтиёр қўл силтаб, юқорига, шийпонга қараб йўл олди...

Ҳаво ёришиб, ёгин тина бошлади. Ўсимликлар баргини силкиб, шабада турди. Мелиқўзи осмонга қаради; булутлар безовта, қувғинга учрагандай бир-бирини босиб қочяпти. Гумбазнинг аллақанча жойини эгаллаб ётган булутнинг ранги оқаринқираб, увада тусига кирди-да, судралиб кўчди. Ҳамма иллатни шу увада бошлагандай, Мелиқўзи икки қўлини ҳавода силкар, гўё кетидан итариб уни қувар: кўк ғубордан тозаланган, шишаранг олган сари, унинг кўнгли тинчир, ёришар эди.

Увада тоғ чўққисига етай деганда қуёш ярақлаб кўринди, ҳаммаёққа — дарахтлар, гўзалар баргига, кўнка кумуш пиёла кўтариб турган чаноқларга олтин ёғду сочди.

— Э, бор экансан-ку, жамолингдан аканг!— деди кунга қараб Мелиқўзи. Унинг манглайдаги ўепиринлигидаёқ пайдо бўлган икки тилим ажин ҳам қуёш ёғдусидан олтин ранг олиб ёришди.

Мелиқўзининг ҳозир боладай қувнаб қуёшга хитоб қилганини, шу қуёшдай кулганини Сотқиной кўрса,

эшитса эди! Балки у ҳам ҳозир қуёшга қараб кулаётгандир, балки далага йўл олгандир...

Пахтазор белидан кесиб ўтган, икки лаби тутзор йўлда отлиқ кўринди: Акбар ака. Унинг фикри зикри тошлоқ даштни боғ қилиш, эл дастурхонини ноз-неъматга сероб қилиш. Шунини деб тинмайди. Ҳозир Мелиқўзининг эсига унинг: «Одам ўзи учун жаннатни ўзи яратади, йигитлар», деган гапи тушди. Баъзи одамлар шубҳаланиб, меҳнат зое кетади, шу тошлоқда ҳам дарахт кўкарадимиде, дейишганда, у яна: «Мақсадсизнинг ғайрати зое, ғайратсизнинг ҳайбати зое», деб ҳаммани ғайратга миндирган, даштга ҳужум бошлаган эди.

Мелиқўзи йўлга чиқиб, уни кутди. Акбар ака қора тўриқни унинг ёнида тўхтатди. Мелиқўзи отнинг жилловини ушлаб, бир қўли билан унинг узун бўйинини, чиройли пешонасидан бурнигача силади.

Акбар ака Мелиқўзининг ҳозирги ҳолатини пайқади. Осмонга қараб:

— Тоза ёришди, Меливой,— деди.

Мелиқўзи хаёлини йиғиб, унга тикилди. Акбар ака сўзида давом этди:

— Энди эртадан бошлаб кўк тулпорингни қамчилайвер.

— Барги тўкилмаяпти,— деди Мелиқўзи маъюс ҳолда.

— Қайси карта?

Мелиқўзи қўли билан дарё бўйини кўрсатди.

— Қай маҳал сепилган эди?

— Кечқурун.

— Тўкилмайди. Негаки, бу ёққа шудринг қалин тушади. Дорини ювиб кетган. Эрталаб барвақт септир.

Мелиқўзига ўз хатоси энди равшан бўлди; учувчиларга эрталаб, шудринг кўтарилмасдан сепишни тайинлаш ўзининг ҳам, агрономнинг ҳам ақлига келмабди.

Акбар ака отга қамчи селпиди. Мелиқўзи унинг кетидан қараб турди-да, кейин йўлни кесиб ўтиб, шийпонга юрди. Лекин кўз олдидан қора тўриқ кетмади.

... Уруш йиллари. Жазирама иссиқ кунлардан бирида отаси Умрзоқ аканинг икки қўлтигидан суяб ҳовлига олиб кирдилар, уни айвондаги сўрига ётқиздилар. Ойини далада эди. Мелиқўзи айтиб келишга югурди. Отаси қопқорайиб кетган, оғир-оғир нафас олар, қўзғалишга ҳам мажоли етмас эди.

Ойиси ногаҳон дод солиб, айтиб йиғлади. Эрталаб соппа-соғ далага кетган одам кечқурун узилди... Ҳовлига одам тўпланди.

Ҳали-ҳали кўз олдидан кетмайди: шотини кўтариб чиққанларида отаси миниб юрадиган қора тўриқ маъюс қараб қолган, чиройли кўзларидан ёш оқиб тушган эди...

Уй бирдан ҳувиллаб қолди. Тун. Ойиси йиглаб-йиглаб чарчади. Укаси Тошмат, сингиллари Турдибиби, Марям, Қориялар гўё ҳеч нима юз бермагандай пишиллаб ухлашар, булар орасида Мелиқўзигна уйғоқ. Ёш, бир кунда улғайган хаёли аллақаяқларда: энди буларни ким боқади? Биргина ойисининг ишлаб топгани нимага етади?..

У саккизинчи синфга кўчмай ўқишни йиғиштирди. Умрзоқ полвоннинг ўғли колхозчилар қаторига кириб кетмон чопди, сувчилар ёнида туриб гўза суғурди, ота ўрнида рўзгор тебратди. Ушанда Мелиқўзп ҳаёт денгизда гоҳ чўкиб, гоҳ қалқиб сузишни машқ қила бошлаганда, қулочкашлаб сузиш йўлини унга Акбар ака ўргатган эди.

— Меливой, энди йигит бўлиб қолдинг,— деган эди Акбар ака бир кунни уни идорага чақириб.— Биз Ўлмас ака билан бир маслаҳатга келдик: сени тракторчиликка ўқитмоқчимиз.

Мелиқўзи ерга қараб ўйланиб қолди. Акбар ака бунини фаҳмлади:

— Уйдан кўнглингни тўқ қил. Шу колхоз бор экан, эл бор экан, муҳтож бўлиб қолмайди. Ҳаёт шунақа: одам қийналиб, туртиниб йўл топади... Бардош берган топади... Қўрқма, боравер...

Мелиқўзи олти ойда тракторчи бўлиб қайтиб келди. Мана энди терим машинасининг бутун республика танийдиган механик-ҳайдовчиси.

Ўтган йили уни, гурумсаройлик шу Мелиқўзи Умрзоқовни Москвага чақирди. У партия Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қатнашди. Партиянинг шу улуғ йиғилишида пахта теримини тамоm машиналаштириш режаси муҳокама қилинганда, ундан фикр сўрашди. Мамлакатнинг пешқадам механизаторлари қаторида унга ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганини унинг ўзи шу Пленумда эшитди. Бутун Пленум уни табриклади. Унинг ўпкаси тўлиб, кўз-

ларидан ёш келди, кейин Пленумда: «Келаси йили уч юз тонна пахта тераман», деб ваъда берди. Колхозчилар қурултойида, Ўзбекистон Компартияси съездида сўзга чиқиб: «Сўзим битта: уч юз тоннадан кам термайман»,— деди. Уни республика коммунистларининг вакиллари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайлашди.

«Хўш, Меливой, шунча иззат-ҳурмат эвазига нима қилиб бердинг?— деб ўзига савол берди у.— Етиштирилган ҳосилни очилтириб қараб ўтирибсан-а!..»

У шийпонга келганда колхозчилар ер селгишини кутар, механик-ҳайдовчининг шогирдлари машиналарини созлашга отланаётган эди. Уларга терилган пахтани тезроқ кунга ёйшни тайинлади-да, ўзи мотоциклни тариллатганича катта йўлга тушиб, қаёққадир ғойиб бўлди.

Мелиқўзи шу кечаси уйга қайтиб келмади. Сотқиной тиқ этса эшикка қараб тонг оттирди.

V

Мелиқўзи олдинда, Абдумалик билан Раҳимжон кейинроқда — унинг икки қанотида — уч пахта комбайни ҳар туп ғўзани бирма-бир қучиб, лўппи-лўппи очилган пахталарни чаноқлардан суғуриб бункерига ола бошлаганда қуёш ҳали чўғ гардишини беғубор уфқидан чиқармаган, Мелиқўзи тайинлаб келган учувчилар эса барги тўкилмаган карталарга такрор дори сочиб бўлган эди. Демак, Фурумсарой лочини ўз издошлари билан энди баландроқ парвоз қила олади. Ҳозир Акбар аканинг кечаги таъбири эсига тушди: у ҳаво ранг тулпорга қамчи босади, уни елдиради, бункер тезроқ тўлаверади. Бу йил улар янгилик кашф этган, пахтани хирмонга бўшатаман, деб машинани овора қилишмайди: карта четида автоприцеп мунтазир, чиқади-ю, шунга ағдаради, қайтариб яна эгат оралайверади. У эрта эмас, индинига бу бўлақни биринчи теримдан чиқаради, кейин нариги карталарга ўтади. Шудринги тўкилмаган барглар устига қўнган дори кун сал қиздириши билан уни жизғинак қилиб қуритади. Энди кўкламда дарё кун-бакун кўтарилиб туронғизорларни босганидек, терим суръати ўрлайверади.

Сотқиной термосда иссиқ чой келтириб машиналарнинг қайтишига йўл очаётган теримчилар ёнига келган-

да, Мелиқўзи учинчи автоприцепли жўнатган эди. Эриши хушвақт, бардам кўриб, унинг кўнгил тишчиди, этак боғлаб Улфатой ва Норбибилар қаторидан жой олди. Дугоналар уйга тегишди:

— Ҳа, ойим, бугун жуда бўшашиб келдингиз?

— Қайдам...

— Оббо-о, мунча сўзилмасангиз энди.

— Қайдам, аллақандай ланжман,— деди Сотқиной жилмайиб.

— Иш энди юришганда ланжликка шма гўр,— деди Норбиби.

— Нега қовоғинг уйқу кўрмагандай?

Теримчи жувоилардан бири ниқ этиб кулиб юборди. Қараса, ҳазил чуваладиган, Сотқиной мудофаага чоғланди, имо қилиб, бункердаги пахтани агдараётган эрини кўрсатди:

— Кеча ёғинда чиқиб кетганинча дом-дараксиз йўқолди, чала уйқу бўлиб тонг оттирдим. Шундан. Тавба, ҳеч бўлмаса бирортадан айтиб ҳам юбормабди-я...

— Қисталангда шу ҳам хаёлига келмаган. Учувчилар ёнида тунабди. Кун чиқмай етиб келди, боёқини.

— Гапга ўт қалайверманглар, қизлар,— деди Норбиби этагидаги пахтани қопга бўшатаётиб.— Ана, машина минганлар қистаб келяпти. Бугун биз ҳам 150 килодан олайлик. Ҳарна-да.

Меҳнатда тобланган бармоқлар гўза тупларини оралар, чаноқлардаги оппоқ момиқларни нафасма-нафас узар, нарида машиналар гуриллар, уч юз эллик килограммик бункерлар ҳаял ўтмай тўлар, автоприцеплар кетма-кет физилларди.

Кун найзага келди. Туш вақти бўлди. Мелиқўзи бункерни бўшатиб, машинани эгатга солди-ю, моторни ўчирди. Табелчидан ҳисоб олди: ўзиники беш тонна, Абдумаликники уч тонна бўлибди. Раҳимжоннинг СХСи эса икки тонна терибди... чакки эмас... Қоронғи тушгунча тахминдагидан ошади... у: «Қани, обедга!» дегандек, шогирдларига қараб қўл силтади-ю, ўзи шийпонга юрди.

«Наҳордир-а...»— деб ўйлади Сотқиной. Термосни кўтариб эрининг кетидан юрди.

— Қадамларингни тезлат,— деди унинг кетидан Улфатой.— Юраги куйиб кетган бечоранинг. Тагин совуқ сув ичиб қўймасин, доктордан бошимиз балога қолади.

Ҳамма шийпонга йиғилди. Мелиқўзи қўлидаги пиёлани ўгириб чой ҳўплар, хотинларнинг чаноқ тилган қўлларига, ҳорғин юзларига қараб, ўз ишидан кўнгли тўлмас, ўзини койирди.

«Эркаклар-ку ишдан бориб тинади, ором олади-я,— деб ўйларди у.— Булар-чи? Оқшомда қайтиб бориб алламаҳалгача уйда уринади: овқат пиширади, нон ёпади... Овқат вақтида пишмасин-чи, қовоқ-тумшугимиз осилиб кетади. Биз ҳам, лўлиннинг эркакига ўхшаб, меҳнатнинг оғирини хотинлар елкасига ортиб қўйибмиз...»

Партия, пахтани машинада теришга узил-кесил ўтиш керак деганда, аввало, пахтакор елкасидаги бу оғир юкни олиб ташлашни, бу зебо қадларни, меҳнатда тобланган бу бармоқларни авайлашни назарда тутган, бунда «терим машинасини эгарлаб мингап» механизаторлар армиясига таянган, шуларга таяниб бу улқан вазифани ўртага қўйган.

Мелиқўзининг хаёлидан машинасига мингандан бери ўзи дуч келган кўп воқеалар кечди. Уша вақтдаги бригадирлардан бири — Эшқўзи ака билан олишганлари эсига тушиб, туйқисдан кулиб юборди. Унинг бу ҳолатига ҳамма ҳайрон бўлди.

— Ҳа, Мели ака, нима гап ўтди?— деб сўради таажжубда қолган Раҳимжон.

— Ҳеч гап ўтгани йўқ,— деди Мелиқўзи ўнғайсизланиб.— Эски бир воқеа эсимга тушиб кетди ҳозир.

— Нима экан, қизиқ бўлса биз ҳам эшитсак!

— Аксинча, одамни гижинтирадиган гап. Бунга анча вақт бўлди,— деди Мелиқўзи гап бошлаб.— Эшқўзи ака бригадир эди. Машина теримига ажратиб, тайёрлаб қўйилган пахтазорга кечаси сув тарабди. Эрталаб бориб қарасак, машина киритиб бўлмайди. Мен ҳам машинани уватдан силжитмадим. Мирзаабдулла ака, Усмонали учовимиз тахта юклаб келдик. Сен ўжарлик қиладиган бўлсанг, дедик Эшқўзи акага, биз ўжарликда сепдан ҳам ўтамиз. Эгат ичига анча жойгача тахта қўйиб бордик. Кейин машинани шу тахталар устидан юргизиб беш-олти килограмм тердик. Кейин ер селгигунча машина шу тахта устида турди. Лойда пахта териб бўлармиди бўлмаса. Ўжарликни енгиш учун қилинган ўжарлик эди-да...

Мана энди шу Эшқўзи акалар ҳам пахта машинада терилсин, деб турганда, афсуски, машина кам. Ҳозир

Йигирмата ХВСни ёнма-ён тизиб пахта терсанг... терим бир ойда тугарди, ишонаверинг.

— Бир ойда тугагани яхши-ю,— деди Улфатой,— унда биз аёллар тамом бекор қоламиз-ку...

— Йўқ,— деди Мелиқўзи ўрнидан туриб,— бекор қолмайсиз... Масалан, сигир соғасиз, қурт тутасиз, яна... Мана раис ҳам келиб қолди. Бу ёғини ўзи айтиб беради,— деди-да, пайкалга томон йўл олди.

Ҳамма, айниқса, аёллар, рўпарада кулиб турган Аҳмаджонга савол назари билан тикилишди. Раис:

— Бу ёғи бўлаверсин-чи, у ёғи бир гап бўлади. Қўрқманглар, уйда ўтқазиб қўймаймиз,— дейишга деди-ю, ҳақиқатда гапнинг у ёғини ҳалигача ўйлаб кўрмаган экан. Ҳамма ишга тушиб кетганда ҳам, у шийпон дамида қимирламай турар: «Хўш, у ёғи...» деб ўйларди. Ҳозир Мелиқўзи унга қийин жумбоқ берган эди.

Терим ҳам тамом машиналашади. Пахта қўл меҳнатини жуда кам талаб қиладиган вақт келади. Хўш, ўшанда меҳнат тақсимооти қанақа бўлади, ким қайси хил иш билан банд бўлади?— Аҳмаджоннинг хаёли ҳозир бугун бўлмаса эртага ечилиши керак бўлган шу масала атрафида кеза бошлади...

VI

Терим юришиб кетди. Мелиқўзилар машинаси бу картани тугаллаб, Умриниса бригадасининг катта пайкалини ҳам териб чиқди. Янги пайкалга тушишди. Ғўза барглари роса тўкилибди. Пайкал бошига етмай бункер тўла бошлади. Люкни очиб, бункердаги пахтани бирикки тепиб, эгат охирига зўрға чиқришди. Мелиқўзининг назарида биринчи теримданоқ гектар бошига ўттиз-ўттиз икки центнердан олиняпти. Шу кун у ўн тўрт тоннадан сал ошириб пахта терди. Ҳамма уни янги рекорд билан табриклади. Аҳмаджон эса:

— Утган йилги конструктор шу топда ҳозир бўлганда сен билан роса муштлашарди, оғайни. Телеграмма берайми, учиб келсинми?— деди кулиб.

Ҳамманинг кўз олдига ўша новча, бўйни узун «туяқуш» келди. Можародан хабардор кишилар, айниқса, Усмонали билан Сайдали ўзларини хийлагача кулгидан тўхтата олмадилар. Лекин Мелиқўзи ҳозир кулгига қўшилмади:

— Оламда одамнинг шунақаси ҳам бўлар экан, қўли билан ушлаб, кўзи билан кўриб турса ҳам, дарров ишона қолмас экан,— деб қўя қолди.

Мелиқўзи «ХВС-1,2» машинасининг бош конструктори ўртоқ Приходько билан бўлган суҳбат натижасида ана шундай хулосага келган эди. Ушанда механизаторларнинг республика кенгашида, у кўришни, гаплашишни орзу қилиб юрган конструктор билан ёнма-ён ўтириганда, Приходько айтувди:

— Унинг колхозга бориб қўзгаб келган номаъкул гапидан хабарим бор, ўртоқ Умрзоқов. У шунақа одам: Сировники у ёқда турсин, ўзи қилган ишга ҳам кўпинча ишонмай юради.

Мелиқўзи ҳайрон бўлиб унинг гапини бўлган эди:

— У ҳам конструкторми? Ҳеч ўхшамайди!

— Афсуски, ҳа,— деган эди конструктор кулиб.— Ҳали орамизда шунақа одамлар ҳам бор. Булар сизнинг колхозингизда ҳам бор. Унинг гапини кўнгилдан чиқариб ташланг. Майда... Машиналар такомиллашаверса, сиз механизаторлар буларни ўз измингизга солиб, пахтани кўпроқ тераверсангиз, бу тоифа одамлар ишонишга мажбур бўлади. Сиз билан бизнинг ишимиз шунақа, Мелиқўзи...

Қишлоққа терим машинаси келгандан бери мелиқўзилар уни қанча ғовдан олиб ўтган бўлса, фақат шу ХВСнинг ўзи машина бўлиб чиққунча приходьколар уни баланд, мушкул довларнинг қанчасидан кўтариб ўтган ахир! Инсонга энг фойдали, зарур машинани кашф этиб, буни тушунтириш ва бунга ишонгиси келмайдиган баъзи одамларга исбот қилиб бериш учун улар озмунча асаб йўқотишганми? Бу ишга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашмаганда, ким билади, ХВС муҳолифлари уни яна қанча вақт ёруғликка чиқармас эдилар? Мелиқўзининг назарида, Приходьконинг кенг пешонаси, сочи эрта тўкилган боши лиқ тўла ақлга ўхшарди.

«Шунча механизмни ўйлаб топиш, ҳаммасининг хизматини аниқлаш, ўрни-ўрнига қўйдириш мана шунақа миядан чиқади-да,— деб ўйлади Мелиқўзи.— Юраги шунча кенг бўлмаганда, ўз ишига шунчалик ишонмаганда, шунча қаршиликни енгиб чиқармиди? Машинани обрусизлантиришга уринган одамнинг гулоҳидан ҳам

ўтапти-я! Униси майда бўлса, бошқалари қанақа бўлганини?»

Мелиқўзи шу суҳбатдан кейин ўзи туяқушга ўхшатган ўша новча конструкторнинг гапини кўнглидан чиқариб ташлаган, унинг ўзини ўйламай қўйган эди. Ҳозир Аҳмаджон ўша нохуш воқеани эсга солмаганда, уни ўйламасди ҳам. Аммо эсга солгани ҳам яхши бўлиб, кўз олдида камтар, ақлли конструктор Приходько гавдаланиб, уни янги гайратга ундади. Эртага унинг машинаси буидан ҳам раво юрадн. ХВС теримда янги мўъжиза кўрсатади.

Одамлар, йигит ўрляпти, эртага нима воқеа юз бераркин, деб кутарди.

VII

... Октябрь қуёши бугун яхши қиздирди. Шппиделлар пахтани кечагидан соз, бехато тортяпти, бункер тез тўйяпти. Мелиқўзнинг қулоғи машинанинг бир оҳангда гуриллашида, пахтадан бўшаган чаноқларнинг қўнғироқчалардай шилдирашида, кўзи эндигина машинаси ўтган эгатда: ёз бўйи ардоқлаган қимматли тўхфасини омон-эсон топширганидан хурсанд, чаноқлар оғизлари хандон очилиб кулаётгандай...

Назариди ҳамманинг машинаси, бутун республика пахта далаларидаги терим машиналари ўз денгизида шу зайлда соз сузаётгандай. Мелиқўзи ҳозир Турсуной билан Тюнкони ҳам, қорақалпоқлик Ойимхон билан хоразмлик Ободонни ҳам, бешариқлик Мамлакат билан Қурбонни ҳам, поплик Рўзибиби билан тўдалик Нуралини ҳам, сурхондарёлик Назиртош билан бўкалик Саодатни ҳам — пахтазор кемалари капитанларининг ҳаммасини хаёлан кўрар, уларни терим авжи билан табриқларди: «Хирмонга барака!»

Мелиқўзи ана шу учқур хаёл ичида машиани эгат оёғига етказди, бункер ортиқча пахта қабул қилмади, кўтарганда хиёл очилди, йигитлардан бири машина кузовига чиқиб, пахтани суғуриб туширди. У «кўк тулпор»ни қайтариб, эгат томоғига тираб тўхтатди-да, тушиб шериқларини чақирди:

— Обедга!

Ошпаз шийпон олдидаги тол тагида капгирни бошидан баланд кўтарди, бу ош дам еганлигига ишора эди,

Мекки Мелиқўзи: ҳозир роса ошталаб бўлганига қарамай, шериклари келиб ёнига қўшилгунча кутиб турди.

Улар шохариқ ёқалаб юришди. Ариқдан тепган нам жойдаги гўзаларнинг барглари кўм-кўк яшнаб турибди, тепа шохлари шигил гуллабди. Мелиқўзи тўхтаб қолди. Гўза барг ёзганда, ранго-ранг гуллаганда қараб тўймайдиган, ёш боладай қувнайдиган устози Абдумаликнинг назарида ҳозир буларга ўқрайиб тикнлар, битта-лаб юлиб ташлагудай эди. Баргни тўкдиролмамай, теримни бошлаётмай, ёмғирда ивиб, диққати ошиб юрган кунлари эсига тушди, деб ўйлади Абдумалик. Йўқ, у устозининг кўнглидагини таъбир қилишда янглишди. Мелиқўзи: «Мана шу гуллар деҳқончиликнинг эски усули эт-этига сингиб кетган баъзи колхоз раисларига кузнинг қўйгап тузоғи, улар шу тузоқларга оч беданадай ҳам оёқларидан, ҳам бўйинларидан плинганларини ўзлари сезмай қоладилар», деб ўйлаган эди.

Илғор пахтакорлар қурултойида, механизаторларнинг теримга тайёргарлик палласида бўлиб ўтган республика кенгашида ҳам, гўза баргини қайси кунлардан бошлаб тўктириш устида гап бўлган, нотиклар қизишиб музокара қилган, баъзилар бу масалани мунозарага ҳам айлантирган эдилар. Мелиқўзининг эсида: бир нотик, ўтган йили кузда баргни пишириб тўктиришни таклиф қилган эди. Шунда Мелиқўзи: «Терим чўзилиб кетади, пахта қимматга тушади, нест-нобуд бўлади-ку! Йўқ, сиз машина теримига қаршилигингизни очиқ айтишга қўрқасиз», демоқчи бўлиб турганда, бошқа бир нотик унга боплаб зарба берган, Мелиқўзи қарсақ чалиб юборган эди. У ҳозир шуни ўйлар, гўё муҳолифи билан қаттиқ мунозара қилишга шайланарди.

Бундай дамларда унинг ўз хаёли билан банд бўлиб қолишни, баъзан алланималар деб пичирлаб юришини кўп кўрган, бунга кўникиб қолган Абдумалик ҳозир унинг хаёлидагини билмоқчи бўлди:

— Ҳа, Мели ака, нималар деб пичирляяпсиз?

— Чавандознинг бошқа иима дарди бўларди, ука,— деди Мелиқўзи паришонхотирлик билан.— Мана шу гулга қараб туриб, баъзи колхоз раҳбарларининг тутаётган иши, гапи эсимга тушиб, терим машинаси йўлидаги қийинчилик ҳали тугамабди, деб ўйлаб қолдим. Биласизларми,— деди у бир-икки қадам юриб шогирдларига етиб олгач,— улар мана шунга ишониб данакдай

кўсакнинг толасиз пилтасига кўз тутадилар-да, пахтани бой берадилар. Планни тўлдирсалар, ҳатто мажбуриятни бажарсалар ҳам колхоз пулга ёлчимайди. Машина сотиб ололмайди. Аммо колхозни номига миллионер.

— Улар ҳам қуён тутаман деб қўйдан ажралиб қолган пошуд чўпоннинг бири-да,— деди Раҳимжон рулни диққат билан ушлаб юришдан увушган елкасини йўлакай ёзиб.

Бу ўхшатиш Абдумаликка, айниқса уларни савалайдиган шундай гапни тополмай юрган Мелиқўзига нашъа қилиб, кулиша-кулиша шийпонга келишди.

Мелиқўзи ариқда шилдираб оқаётган тиниқ сувда юз-қўлини юди-да, шийпон устундаги сочиқни олиб артинди, стол устида эндигина ёйиб қўйилган газетага кўзи тушди. Кичкина бир хабарга «Пахтанинг янги сорти» деб сарлавҳа қўйилибди. Ўқиди: «Қорақалпоғистондаги уруғчилик тажриба станциясида пахтанинг янги сорти яратилди. Бу сорт кам шох, серкўсак бўлади, эрта очилади...» дейилибди... Мелиқўзи ўз кўзларига ишонмади, қайта ўқиди: тўғри, лекин бу уруғ колхозларга қачон тарқатилади, қачон экила бошлайди? Шу саволларга хабардан жавоб тополмади, мухбирдан хафа бўлди: аниқроқ ёзса бўлмасмикин? Мелиқўзилар неча йилдан бери шуни кутиб юрибди-ку, ахир! Машҳур селекциячи олим Қанаш ҳам қайси бир йилги қурултойда шу ҳақда гапирган, селекциячи ходимларнинг бу соҳадаги муваффақиятларини айтган эди. Мана шундан бу ёққа ҳам неча йил ўтди, ахир! Ёки селекциячилар сира шошилмасмикин, механик-ҳайдовчилар дуч келаётган қийинчиликлардан беҳабармикин-а!

У газетани шерикларига узатди. Раҳимжон хабарни баланд овоз билан ўқиди. Шу вақт янги ердаги теримчилар олдидан чангга ботиб, ошга етиб келган Аҳмаджон машинадан тушди. У уст-бошини қоқиб, гуруннга яқин келаркан:

— Газетхонлик зўр-ку,— деди хушвақт кулиб,— бошқалар ҳам танаффусдан ана шундай фойдаланишса, янгиликлардан ҳамма хабардор бўларди. Қани, нима экан, йигит,— деди у Раҳимжонга.

— Пахтанинг янги сортини топишибди.

Аҳмаджон ҳам хабарни қизиқиб ўқиб чиқди-да, стол устига қўя туриб:

— Ҳа, селекциячилар ҳам қимирлаб қолишди шекилли,— деди.

— Лекин жуда биз боппини топнишибди-да!— деди Абдумалпк.

— Таърифига қараганда, биз бопга ўхшайдику-я,— деди Мелиқўзи ишонқирамай.— Назаримда, ҳали тухумдан чиқмаган жўжанинг таърифига ўхшайди. Бўлмаса, аниқроқ ёзмасмиди?..

— Сенга нақди керак, ма, эк, машина бехато теради, деса шунда кўнглинг очилади,— деди Аҳмаджон кулиб.— Уларга ҳам осон эмас-да.

— Осон эмас, тўғри,— деди Мелиқўзп.— Лекин жуда имиллашяпти.

Аҳмаджон унинг ана шу «имиллашяпти» деган сўзига қўшилди. Ҳақиқатан ҳам кейинги беш-олти йил ичида янги сортлар чиқмай қолди. Унинг назарида ҳам уругчи олимлар ўз тажриба станцияларида бўкиб қолгандай, ҳар қайсиси ўзи яратган сортга маҳкам ёпишиб олиб, янгисини топишга унча ҳафсала қилмаётгандай эди. Бўлмаса, илгарги ҳатто колхозма-колхоз юрадиган, жойларда агротехниканинг қўлланилишини текшириб, пахтанинг тез етилишига кўмаклашадиган олимлар домдараксиз бўлиб кетармиди?

Мелиқўзи эса фикран селекциячилар билан баҳслашар, уларга мурожаат қиларди:

— Уртоқ селекционерлар! Сизлар ҳам отни қамчиланглар, машина теримига ҳиссангиз тезроқ қўшилсин! Янги сорт уругнинг пахтаси шиғил очилиши билан гулдан тўхтасин, барги ҳам пишиб тўкила қолсин! Зора, сўнги гулга кўз тикадиган раисларга бошқа баҳона қолмаса...

Бу фикр ўзига жуда ёққанидан ҳозир буни ҳаммага эшиттириб айтди.

— Нотиқ бўп кетинг-э, Мелиқўзи ака,— деди Раҳимжон.

— Энди селекциячиларга ҳам тинчлик бермайсан шекилли,— деди Аҳмаджон Мелиқўзининг елкасига қоқиб.— Аммо яхши тезис, оғайни, бу йил қурултойда худди шундай дейсан...

— Худди шундай дейман, деб тайёрланыпман-да, раис.

— Қани, ошни келтиринг-э, қоринлар ҳам пиёз бўп кетди,— деди Абдумалик ҳаммани кулдириб.

Радиодан эшиттирилаётган концерт тугаши билант микрофон бир пихиллади-ю, таниш дикторнинг овози янграб чиқди.

— Эшитинг, эшитинг, колхоз радноузелидан гаширамиз! Бизнинг Поп райондаги Ленин номли колхоз пахта топширишда, айниқса машина теримида олдинда бормоқда.

Ҳамма Мелиқўзпга қаради, у бош кўтармади. Аҳмаджон унга япа тегинди:

— Ерга қарайверасанми, оғайни, иш жўнашди-ку, ахир. Ошдан катта-катта ол. Илгингни бақувват қил, ҳали иш кўп.

Диктор ўқишда давом этди:

—... Кеча колхозимизнинг илгор теримчиларни Салима Иброҳимова 270 килограмм, Тошбиби Темирова 260 килограмм, Хурсаной Эшназарова 250 килограмм, Омон-ой Жўраева 245 килограмм пахта тердилар. Бу илгорларга тенглашингиз!

— Раис,— деди Улфатой Аҳмаджонга ўгирилиб,— энди мукофотга атлас билан қутулмайсанз, терим бошида ваъда қилинган тикув машиналарини тайёрлайверинг. Мана биз ҳам билакни роса шимариб, машиналар кетидан қувганимиз бўлсин.

Хотин-қизлар кулишиб, бир-бирларининг тиззасини чимдишди.

— Машиналарга йўл очиб улгуролмаяпсизу, қувиб етасизми,— деди Абдумалик.

Дикторнинг ҳозирги ахборотидан Мелиқўзи бошқа фикрга келган эди. Илгари фалончи қиз мунча пахта терибди, дейишса, таниш ҳам, нотаниш ҳам суюнади. Қишлоқ йигитлари, ўша қаҳрамон киз ёрим бўлса дерди. Тўғри, ўша вақтларда бу қаҳрамонлик, йўқ, бу ҳам кам — фидойилик эди. Бу вақт талабидан келиб чиққан зарурат эди. Бу «зарурат» қачон тамом барҳам топаркин? Ҳа, пахтазор кемасининг рулини бошқаришга ўтган Турсуной, минглаб турсунойчилар теримдаги қўл меҳнатини «зарурат» ликдан тамом чиқариб ташлаш вақтини тезлатяптилар. Аммо колхоз ва совхозларнинг қўл меҳнатига маҳкам ёпишиб олган баъзи қолоқ раҳбарлари шу эски «зарурат»нинг барҳам топиш вақтини тушуниб-тушунимай орқага суряптилар. «Хўш, бунга ким айбдор?— деб ўзига савол берди Мелиқўзи.— Ўзимиз айбдор!» Ҳозир унинг Улфатойга, Норбибига, хотини

Сотқинойга, ҳамма хотин-қизларга: «Теримда машинани қувиб етишга уринманглар, сингилларим, опаларим, уни эгарлаб мининглар, ҳаммангиз Турсунойга эргашинг!» деб хитоб қилгиси келди. У даст ўрнидан турди:

— Раис!— деди. Аҳмаджон, яна нима гап топдийкин, деб унга қаради.— Ўз-ўзини танқид-да, бу йил катта хато қилдик. Машина теримида районда ҳаммага ибрат эканмизу, колхоздан битта ҳам турсунойчи чиқарма-миз-а. Шу Салима, Тошбилар машина ҳайдасами... Йўқ, бу хатони тузатиш керак. Нима дейсиз шунга?

— Ҳў, оғайни, ташвиқот юргизиб, ҳамма хотин-қизларни бизга қарши қўясан, дейман ҳали,— деб ҳазил-мутойиба жавоб қилди Аҳмаджон.

Аммо Мелиқўзи ҳозир унга иккинчи жумбоқ берганини пайқади. «Бошида пайқамаган охирида адашади» деган мақолни кўнглидан ўтказди. У ўрнидан турди: «Ҳа, тўғри айтди, мана шунда адашдик,— деб ўйлади йўл-йўлакай.— Машина теримига тамом ўтадиган вақт келадди. Хўш, ўшанда ҳам ҳамма машина минмайди-ку?»

Бу «жумбоқ»нинг охириги тугуни ҳам яна ўша келгуси меҳнат тақсимотига келиб тақалди. Демак, шу тугуннинг ечилиш йўлини топш керак.

Мелиқўзи шу куни рулни кеч оқшомда қўлидан қўйдди. Табелчи аллақандай ҳаяжон билан бухгалтерияга кириб, чўт қоқа бошлаганда соат ўн ярим эди. У ҳисоблар, лекин ўз ҳисобига ўзи ишонмасди: Мелиқўзи қирқ уч бункер, яъни ўн беш тоннадан ошиқроқ, Абдумалик етти ярим тонна пахта терибди. Бу, кўз билан кўрилмаган, одам ишонмайдиган факт, пахтачилик тарихида янги рекорд, терим машинасининг янги ғалабаси эли!

— Бугун ё Мелиқўзи ҳисобни йўқотди, ёки мен ҳисобдан адашдим,— дерди у кулиб бухгалтер Шоппёзовга.

Мелиқўзи эса бу вақт эртаги кундан тамом хотиржам пишиллаб ухлар, Сотқиной ёнида, унинг ором уйқуси бузилмасин деб, қўзғалолмасди.

VIII

Мухбирлар ҳам хўп топагон бўлади-да... Шу ернинг ўзида кўпчилик ҳали бундан беҳабар, ҳатто қишлоқ янгилликларининг жарчиси «қўлбола» диктор: «Эшитинг,

колхоз радиоузелидан гапирамиз...» деб бу хабарни эълон қилиб улгурмасдан газетада босилиб чиқибди-я!..

— Шу кунларда,— дебди мухбир,— Ғурумсаройда ҳаммани ҳайрон қолдирган воқеа юз берди, механик ҳайдовчи Мелиқўзи Умрзоқов «ХВС-1,2» машинасида кунига ўн тўрт-ўн беш тоннагача пахта теряпти.

Бу хушxabарни энг олдин Акбар ака билан Улмас бува радиодан эшитди. Кейин Акбар ака қора тўриқда, Улмас бува велосипедда бригадама-бригада юриб, теримчиларни хурсанд қилди.

— Обедда Тошкент Мелиқўзига концерт беради, эшитинглар... Зора хабарини ҳам ўқиб берса,— деди Улмас бува велосипеддан тушмай.

— Шониёзовнинг боши қотгани тўғри: Мелиқўзининг терган пахтаси қанча метр газмол бўларкин дейишса, ҳисобини чиқаролмади...— деди Акбар ака мўйловини силаб.

Ғурумсарой далалари терим байрами тусини олди. Мелиқўзи ва унинг шогирдлари шаънига, ғурумсаройлик пахтакорлар шаънига айтилган мақтов сўзларини, шоирларнинг шеърлари, ҳофизларнинг қўшиқларини буларнинг ўзларигина эмас, бутун мамлакат эшитди.

Бу мақтовлар колхоз раиси Аҳмаджонни ҳам, Мелиқўзи ва унинг сафдошларини ҳам ўйлантириб қўйди. Демак, мелиқўзлар машинада териш санъатини яна ва яна такомиллаштиришлари, энди шу механизмини яхши билиб олмай, пахтакорман, дейиш кийинки аравада қувиш билан тенг эканини исботлаб беришлари, пахтачиликнинг бундан буёнги тақдири, равнақи энди мана шу техникада эканига ҳаммани ишонтиришлари керак.

Мелиқўзи бугунги эл қувончини, бу иззат-наромларнинг ҳаммасини шундай деб тушунди. Бугун у кечагидан яхши, кўп териши керак. Лекин машинанинг аллақасерида бир дарди бор. Шундан унинг таъби кирроқ. Қасерида, нима дард? Юраётганда товушига қулоқ солади: саз! Шпинделлар пахтани чайнамайди, бехато тортади: саз! Мотор ҳам соат механизмидай саз ишляпти. Хўш, қасерида? Фақат қош қорайганда дард ўзини аниқроқ сездира бошлади: эгат бошида, охирида ҳар сафар қайтарганда бир нима қирт-қирт қилаверди. Қўнгилни ғаш қилган шу овоз машинани эгатга янги солган куни ҳам бор эди, унда эшитилар-эшитилмас чиқарди. Лекин нимали-

гини ҳали ҳам билолмайди Тўхтаб текширайин деса, машинага фара ўрнатган, бугун тунда ҳам термоқчи.

Кеч соат ўнлармиди, аниқ билмайди, у қайтишда ричағни босиб тезликка солмоқчи бўлди, шунда алланима қарс этди, машина силкиниб, бир интилди-ю, тўхтади. Мелиқўзининг умуртқа суяклари бўйлаб чумоли юраётгандай бўлди, кўзи тийиб, қулоғи чинқирди, бир лаҳза нима бўлганини сезмай, рулни ушлаганича қолди. Кейин ҳушини йигиб настга тушди Кўз олдида ҳайбатли, қудратли машинаси.. қимир этмайди! Ҳолбуки, ҳозиргина чаноқлардан оқ момиқни шохдаги чумчуқлар ҳуркиб учгандай тез олаётган, трубалар орқали бункерга узатаётган эли-ку! Қани энди унинг гуриллаши! Йўқ, у қимирлашга ҳам ожиз! Демак, унинг Мелиқўзига ҳали аён бўлмаган «сирлари» кўп. Демак, шу номаълум «сир» олдида унинг ўзи ҳам бирданига ҳаракатдан тўхтаган машинадай ожиз.

Бу орада кўнгилсиз ҳол юз берган жойга колхоз МТС ишхонасининг мудури—токарь ҳам пайвандчи Сайдали Эргашев, машҳур механизатор Усмонали Ғойназаров, колхоз раисининг механизация ишларидаги ўринбосари Мирзаабдулла Ҳамроқулов, Ўлмас бува, Акбар акалар ҳам етиб келишди. Айб тезлик вилкасида экан. Қутини очиб қарасалар, вилка қоқ ўртасидан узилди кетибди.

Сайдали икки бўлак вилканинг у ёқ-бу ёғини текшириб кўрди-да:

— Аслида брак экан бу,— деди.— Вилка ўқдай тўғри бўлса синмайди. Хиёл қинғир бўлганки, оғир машинани ҳар сафар қайтариб, тезликка солганда, зўр келиб, ейлаверган. Нозик нарса-да, узилган-кетган.

— Тавба,— деди Акбар ака ёқасини ушлаб,— шундай катта машина шу кичкина темири синганига тўхтаса-қолса-я! Тавба...

— Нозик-да, Акбарали,— деди Ўлмас бува дўстига тушунтириб.— Шу кичкина мурват унинг ҳаракатини йўлга солади. Шу бўлмаса унинг савлатини томоша қиласиз, холос.

— Энди,— деди Сайдали Мелиқўзига,— сен бориб уйқунгни олавер, дўстим. Бунинг чорасини ўзим кўраман: пайванд қиламан, эрталаб келиб машинангни минаверасан. Пайванд яхши чиқмаса, янгисини ясайман, унда бир-икки кун тўхтайсан..

Шу «бир-икки кун» Мелиқўзининг таъбини баттар тирриқ қилди. Устахонага у ҳам бирга кетди: кўзига уйқу келармиди шу қисталанг кунда!

— Шунни-ку, бир бепарвороқ ишчи ясаган-а,— деди у Сайдалига, йўлакай бўғилиб,— аммо техника контроли тўғри-эгрилигини ўлчаб кўрмай қандай ўтказган? Уларда оддий кўз пайқамайдиган қингирликни текширувчи асбоб бор-ку, ахир! Мана кўрдингми, дўстим, одамларнинг зарра бепарволиги қанча зиён етказади!

— Заводларда ҳам, ўзимизнинг колхозимизда ҳам ана шу бепарволикнинг тухумини қуритиш керак. Кўп иллат шундан чиқади,— деди Сайдали устахонага етиб келгач.

— Сен боя машина оғир, деб тўғри айтдинг. Беҳад оғир, қўлол, Тошкентда учрашганимизда Приходьконинг ўзига: оғирликни ярмига келтириб бўлмайдими?— деб савол берувдим. «Ўйлаяпмиз, камчиликлар бор, яқин орада йўли топилар»,— деди. Топа қолишса эди.

Сайдали пайвандга киришди. Мелиқўзи унга қарашди. Икки дўст тонг қоронғисигача уринишди. ФЗУда ҳунар ўрганган, кейин Қўқондаги заводда ишлаган, тажрибали усталар қўлида тарбия кўриб, кўзи пишиган Сайдали вилканинг заводдан чиққан нуқсонини ҳам текислади.

— Мана энди эрталабдан машинангни юргизавер, қирт этса мен кафил,— деди Сайдали уйқусизликдан қизариб, қисилиб кетган кўзларини ишқалаб.

«Хайриятки, ўзимизнинг Сайдалимиз бор, бўлмаса, шу вилка деб Тошкентга югурардим-да,— деб ўйлади Мелиқўзи уйига кета туриб.— Ҳар қалай буни заводга ёзиб юбориш керак. Сайдали тўғри айтди: иллатни бепарволик туғдиради. Шу бепарволик ёмон душман... Тухумини қуритиш керак»

IX

... Куз оғир ўтди. Ёгингарчилик кам бўлди-ю, лекин булут кун юзини беркитавериб, пахтакорнинг тинкасига тегди. Йиғим-терим чўзилиб кетди. Айниқса кузнинг охирлари оғир келди: ҳаммаёқни Ўзбекистонда камдан-кам бўладиган ва бир неча кунга чўзилган қуюқ туман қоплади, ҳаводан қор ўрнига булдуруқ ёғиб турди.

Шунга қарамай, пахтанинг охирги тонналарини давлат тайёрлов пунктларига колхоз ва совхозларнинг гвардиячи бригадалари етказиб берди.

Ўтган кунлар орқада. Лекин шу ўтган долзарб кунлар, фаслларнинг якуни ва ундан олинган сабоқ қанақа?

Мелиқўзининг хаёлида ҳозир шулар кезади. Биринчидан, якунга келганда, Мелиқўзи яшаб, ишлаб турган колхоз — Ленин номли йирик хўжалик йилни ёмон якунламади: давлатга 5 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Шу пахтанинг бир минг қирқ тоннадан кўпрогини мелиқўзичилар терди.

Гурумсаройликларнинг ўзларига хос таомили бор. Улар йил охирида, бирор муҳим гап чиқиб қолганда расмий мажлисга эмас, тинч суҳбатга йиғилиб, қилинган ишларни ва эндиги вазифаларни бафуржа гаплашиб оладилар. Бугун ҳам шундай бўлди... Суҳбат давомида кексалар ҳам, ёшлар ҳам кўпроқ механизаторларнинг шаънини улуғлаб гапиришди.

— Шулар бўлмаганда, ҳосилнинг кўпи нобуд бўлиб кетарди,— деди Ўлмас бува оппоқ соқолини бармоқлари билан тараб.— Ўғлим Аҳмаджон, шу машинадан яна тўрт-бештасини олиш пайидан бўлавер. Муаллими ўзимиздан-ку. Мелиқўзи бу йил янги шогирдларни ўқитишга бел боғлаб турибди.

— Ўтган йилги ҳавонинг инжиқлиги,— деди Аҳмаджон,— кўзимизни очди, қийналдигу, лекин унга қарши боришни ҳам ўргандик. Пахтани ақалли ўн кун олдин очилтириб олсак ҳавонинг қовоғига қараб ўтирмаймиз. Шундоқми, ўртоқ агроном?— деди Раҳматуллаевга ва ўрнидан туриб кенг кабинетини бир-икки айланди. У партия Марказий Комитети январь Пленумининг якунларини муҳокама қилган республика йиғилишидан қайтиб келган кундан бери кўнглида етилган фикрни ўртага ташлади:— Тўғри, машинани кўпайтириш лозим, лекин бундан ҳам муҳими бор. Бу — машинанинг қувватини тўла ишга сола билиш. Қани энди ҳамма механизаторлар кунига камида 8—10 тоннадан терса... Кетмондан қутулган пахтакорнинг меҳнати шунда жуда енгиллашарди. Уйлаб кўрини-а,— деди у,— колхозчилар ҳам олти-етти соат ишлаб, кечқурунлари бемалол кино кўрадиган ёки уйда китоб ўқиб ўтирадиган вақт яқин орада келади-ку, ахир. Аммо буни кимдир, қайси бир колхоз

бошлаб бериши керак. Шундоқми, дўстим?— У Мелиқўзига қаради.

Раис теримни тўла машиналаштиришга бу йил қатъий қадам қўймоқчи, деб ўйлади Мелиқўзи. Пахтачилик ишида колхозчининг олти-етти соат ишлаб, уйига кетадиган вақтни фақат машиналаштиришнинг буюк қадами келтиради. Мелиқўзининг кўнглидаги орзунинг ўзи ҳам шу! Ўтган йили республикадаги ҳамма механизаторлар 500 минг тонна пахта терди. Бунда Мелиқўзнинг улуши 312 тонна. Республикадаги умумий ҳосилга солиштириганда, бу ҳали жуда кам, албатта. Аммо теримни машиналаштиришга узил-кесил киришилганига энди уч-тўрт йил бўлганлигини эътиборга олганда, бу — суръатнинг дев қадами, пахтачиликнинг кекса тарихида энг тез, энг буюк суръат! Ҳали терим машиналари жуда кам. Демак, машинасозлик заводи, унга қисмлар етказиб берадиган заводлар ҳам дев қадамлар билан олға юриши керак. Малакали механик-ҳайдовчилар ҳали жуда кам. Демак, бу армияни шунча кўпайтириш керакки, ҳар бир колхоз ва совхозда буларнинг ҳаракатдаги полклари, запасдаги взвод ва роталари шай турсин. Ўлмас бува жуда тўғри айтди. Мелиқўзичилар ана шу қишлоқ техника кадрларининг ғамхўр тарбиячиси бўлиши керак!

Суҳбат якуни шу бўлди: колхозда пахтага алоқаси бор йигит-қиз машинани ўз измида юргиза билсин...

Х

Ёмғир савалайди. Осмон кўчадаги кўк теракнинг яланғоч бошига иниб олган — кўтарилай демайди. Ҳаммаёқ ивиб турибди.

Дуркун йигит мактаб дарвозасидан чиқиб кўчанингни ўнг бетига ўтиб олди. Чойхона олдида бошига зонти тутиб турган ўқитувчи билан саломлашди-да, ариқ ёқасидаги йўлка бўйлаб юрди. У катта-катта енгил қадам ташлар, калишига ёпишган шалтоқ лой ҳам гўё юришига халақит бермасди. Йўлакай гоҳ паст тушиб турган кулранг осмонга қараб жилмаяр, гоҳ терак ва толлар шохидан тушаётган томчиларга катта кафтини очиб тутарди.

У эрталаб Попдаги ўрта мактаб ўқувчилари орасида эди. Соат ҳали тўрт бўлмасдан бу ерда — бир вақтлар ўзи ўқиган мактаб болалари билан суҳбатлашди, улар-

га техникадан дарс бериб чиқди, терим машинасининг кароматини ҳикоя қилиб берди.

Мелиқўзпнинг янги дўстлари кўпайиб қолди. Улар ўрта мактабларни битириб, катта ҳаёт остонасига қадам қўйишга тайёрланаётган йигит-қизлар, унинг назарида, қишлоқнинг бўлғуси техника зиёлилари ҳам шулар. У ҳозир бўш вақтининг бир қисмини шулар орасида ўтказди, улар юрагида терим машинасига муҳаббат уйғотади. Болалар унинг ҳикояснни эшитиб, ўзларини пахтазор кемасини юргизаётгандай ҳис қиладилар.

— Техникани билиш пайдан бўлаверинглар, жиянлар,— дейди у ёшларга.— Мана шу терим машинасининг рулини тутсангиз, кенг пахта далалари сизнинг кафтингизда бўлади, ҳар бирингиз тонналаб пахта терасиз. Яхши-а?..

Болалар кўзида нур жилваланди.

— Ҳа, яхши!

НИҲОЛЛАР

I

Ҳамқишлоқлари ҳайрон: Акбарали Тошматов кейинги йилларда жуда ўзгарди. Йигилишларда албатта ҳозир бўлади-ю, лекин хаёлга чўмиб, бир чеккада индамай ўтиради, кўпинча шу кўйи индамай чиқиб кетади. Лекин гап учи баъзан боғ ва ниҳолларга бориб тақалади. Шунда у дарров ҳушёр тортади, бармоқлари беихтиёр қуюқ мон-гуруч мўйловига оро бера бошлайди. Гап меванинг хосиятлари хусусида бўлса (қанақа бўлмасин у, мева ёмон; деган сўз чиққан оғзини ёмон кўради), чеҳраси кулиб; ўзи ҳам сезмай, оёққа туради, кексаларга хос виқор билан аста йўталади. Бу, биз шу ердамиз дегани, сўз сўрагани...

— Ҳа... ниҳоллар... гап мана бундоқ бўпти!..— дейди у.

Шундай дейди-ю; унинг қулф-дили очилиб кетади, аллақандай эҳтирос билан гўё ҳикоя айтади. Бу ҳикоядан ниҳолларнинг хил ва навлари, гулу барглари, ҳатто мевасининг ранги кўзингизга кўринади, таъмини тотгандай бўласиз.

... Кўчат кузакда ўтқазилса... масалан, нам чуқурга

қўй қийн ташлаб, бўғзигача кўмиб қўйилса, ниҳолча томири ётсирамайди, туироқин маҳкам қучади-олади. Масалан, бодом,— дейди у ҳикоясини давом эттириб,— киши меъдасини созлайди. Дори нарса. Юпқа пўчоғи бўлса... бармоқларингиз орасига олсангиз, ўзи чақилади. Мен шунисини хуш кўраман. Анор яна ҳам зарур — одамнинг қонини тозалайди... Узумлар орасида ҳусайни яхши узум, аммо шивилғоин билан чаросининг йўриғи бошқа — сершира, шундоқ шарбат. Қанча кўп сангиз, юрагингиз шунча яхши ишлайди...

Улмас бува бу меваларнинг ҳаммасини ўзи экиб кўкартирган, яхши билади. Лекин ўртоғининг ҳикоясини ҳақимнинг оғзидан чиқаётган ҳикматдай эшитди. Собиқ раисга — ҳозирги боғбонга ҳаваси келади: боғбонлик гўё азим дарё-ю, унинг мавжи фақат Акбаралнинг ихтиёрига бўйсунди.

— Олма-чи, олма!— деб хитоб қилди Акбар ака.— Ҳақиқдай қизариб, олтиндай товланиб, ҳиди димоғингизга гупиллаб уриб турса... таърифи йўқ нарса бу... Ўлгари,— дейди у,— дастурхонимиз кичкина, ҳар қайсимизники бошқа-бошқа эди, бир-биримизга кўрсатгимиз келмасди, қизанардик. Энди дастурхонимиз битта, қатта. Ҳаммага етиб ортади. Энди уни ҳеч кимдан қизганмаймиз. Бу дастурхонни ўзимиз шу ерда бунёд қилган мевалар безаб туриши керак. Шундоқми, Улмас ака?— дейди у.

II

Куз поёнига етай деб қолган вақт эди. Аҳмаджон бригадалар хирмонидаги қуриган пахтани пунктга жўнаттириб келиб, идора олдида энди машинадан тушган эман. У хурсанд: колхоз йиллик пахта планини октябрь тугамай бажарган бўлса ҳам, далада ҳали пахта кўп, давлат пунктига топшириш авжидан тушгани йўқ.

Раис билан даштга, Акбар ака янги боғ қилаётган жойга йўл олдик. Канал бўйлаб борардик. Тоғ чўққисига минган қуёш нури беҳол, баданни иситмайди, лекин тиниқ сув бетига зар сешиб, жилваланади. Аҳмаджон йўлакай сувнинг олтин жилосидан кўз узмай, жим борарди. Нимагадир қиқирлаб кулиб юборди. Мен ҳайрон бўлиб, унга тикилдим. У кулгисининг боисини ҳикоя қила кетди.

Пахта териш, топширишнинг қисталанг кунларида раис бу ёққа келолмабди. Устига-устак, боғбонлар ҳам теримга солинибди. Бир куни Акбар ака раисни учратиб гинахонлик қилибди: «Пахтани-ку, тердик, терганмиз, ҳали терамиз», депди. «Энди бизга ижозат бўлса, ниҳоллар чақиряпти». «Пахта билан чорвага қанчалик кўз тиксангиз, дебди у, бизнинг ниҳолларга ҳам шунчалик кўз тикаверинг. Улар бамисоли энди кўз очган чақалоқ. Улар ҳам бир тананинг томири. Ҳозирча танасидагини сб-ичади-ю, танани озиқлантиришга қодир эмас... Чорвадорлар йигилишида айтган гапингиз эсингиздами? Бизнинг эсимиздан чиққани йўқ. Қарзимизни узишга куну тун тайёрланяпмиз. Ҳа, ниҳолларнинг сизга айтадиган гапи кўпайиб қолган шу кунларда. Қадамингиз тез-тез тегиб турса эшитаверасиз», дебди.

— Ниҳолларнинг гапи нима экан денг-а,— деди Аҳмаджон ҳамон кулиб.— Олтмиш гектарча ернинг тошини тердириб, суғориб қўйишибди. «Каналокопатель билан трактор берсангиз, ариғини чиқариб қўйсам», деди. Хўп, дедим. Кейин канал устига бошлади. Тўрт-беш гектар бўз ерни кўрсатди. Улмас бува келиб, мана бу ерга насос қурса, қувур топиб берсангизу сув чиқарсак, ҳазилакам боғ бўлмайди, деди. Хўп, дедим. Кўчатларнинг гапи шу экан. Бизнинг чол шунақа, талаби бўлса, дашт изғиринидек чимчилаб чақиради бу ёққа,— деди у фахр билан.

III

Кун ботган, кечки изғирин эсади. Лекин бу ерда, даштда ҳаракат ҳали тинмаган. Акбар ака, яна бир неча мўйсафид худди буғдой ўргандай, хиёл энгашиб узум кесар, бошқалари улар кетидан кўмиб борарди.

Пушта устида қовунпалакдек ер бағирлаб бўй чўзган ёш узум барглари гоҳ қорайиб, гоҳ сарғиш тусда кўрилади. Акбар ака ингичка, ҳали нимжон бу узум новдаларини ердан шундай авайлаб кўтаради, бўғинларини битталаб санайди, кейин худди шундай эҳтиётлик билан кесадики, гўё пичоқ сал қалтис тегса, булар умрбод майиб бўлиб қоладигандай. У узун бир новдани кўтарган эди, қуюқ барглар орасидан икки бош ҳусайни сап-сариқ товланиб кўринди.

-- Ақлинг чакки эмас!— деб хитоб қилди Акбар ака

хушвақт оҳангда, шу топда у гўё одам билан гаплашарди:— Қесганинда кўр мени, қанақа дегансан-да. Биламан қанақалигингни... биламан...

У пешонасини маҳкам танғиб турган кўк қарға шойи кийиғини ечди, ерга ёзиб, ҳалиги икки бош узумни бандидан чиртиллатиб узиб келди-да, рўмол устига аста қўйди.

— Янги боғини узуми, марҳамат... тил устида ўзи ёрилмаса, шираси чипша олмаса, мен кафил,— деди ғурур билан жилмайиб.— Қанн, марҳамат.

Акбар аканинг ўзи эса кўзини қуёш тифидан пана қилгандек, қўлини соябон қилиб, теварак-атрофга хийла тикилиб қолди. Бейхтёр биз ҳам тикилдик. Юз гектардан ошиқ ерда олма, шафтоли, ўрик, бодом ниҳоллари қад кўтариб турибди, уларнинг тўқ-сарик, қизғиш барги ёз бўйи қуёш нурини эмиб, рангини ўзига тортиб олгандай. Ундан нариги тоғлар кўксингача яланғоч, тошлоқ дашт. Тикилиб тураверсангиз, яшиллик кенгайиб, даштнинг тоғ томонга суриб бораётгандай, этак томонда эса дарёга оқизиб юбораётгандай туюлади.

— Уляпти,— деди Акбар ака бехосдан.

— Нима ўляпти?— деб сўради Аҳмаджон ҳайрон бўлиб.

Мен ҳам унга ўгирилдим.

— Ҳа... ўляпти,— деди Акбар ака хаёл суриб,— чўл... Ёзда кечалари шу ерда қолиб, кўзим илдиним, тошларнинг қарсиллаб кўчганини эшитаман. Ҳа, тош кўчдими, даштнинг ўлгани шу. Чўл ўляпти, деган сўзини олимча қилиб тушунтириб беролмайману, аммо ўзимизча, деҳқонча қилиб тушунтирсам бу ҳодиса мана бундоқ: болалар кўпайяпти... соғлом, қувноқ болалар! Бизнинг Ғурумсаройда, биласизми, болалар — буюк куч. Улар ҳозир катталардан икки барабар кўп. Райнжроқўм ҳисобида ҳам шундоқ. Буни ясли, боғча, мактабларга борсангиз кўрасиз...

«Чўлнинг ўлимини» болаларнинг кўпайганига нима боғлиқлиги бор экан, деб ўйлашиб қолдим.

— Гапимга ҳайрон бўлдингиз-а,— деди Акбар ака. Кейин фикрини давом эттирди:— Илгарги мана шу ёқдан эсан гармсел болаларнинг рангини чиқармасди. Чиллашир бўлиб кўпи ўлиб кетарди. Шу даштнинг қўл билан суриб юборгани келарди. Лекин қўл калта эди. Ғурумсарой дарахтзор бўлувдики, гармселнинг йўли тўсилди.

Ҳозир эса болалар кўп, ўлим жуда кам. Шундай экан, ё дашт турсин, ё болалар. Ҳа, дашт ўлади, болалар кўпаяди.

У бизни ниҳоллар ёнига бошлади. Юряпмаву хаёлим «чўлнинг ўлимда»...

— Мана булар,— деди Акбар ака баланд овоз билан— ўрик. Нуқул қанддақ, майзаки... Мана бу ниҳоллар — бодом, юпқа пўчоқ... У яна юрди, биз эргашдик.— Мана булар ҳаммаси оқ қимизак, розмарин... Мана булар,— деди у кетмон дастадан кичикроқ бир ниҳолнинг кўкимтир кулраиғ новдасини худди от ёлини силагандек силаб,— қандил. Хўп асл олма-да, жонивор, шундай қипқизил хол ташлаб пишадики, қизалоқлар бетига хинадан қўйган холга ўхшайди... Ниҳоллар энди уйқуга киради,— деди у бир лаҳза жимликдан кейин:— Қиш бўйи маст уйқуда ётади. Оқшомдами, тонгдами биринчи баҳор шамоли буларнинг шохларини силкиб уйғотади. Ана ўшанда буларнинг бир-бири билан бўладиган гапига, йўқ, баҳсларига қулоқ солсангиз. Мен бу баҳсни бундай деб тушунаман: ким олдин киталайди, ким олдин ва қанақа гуллайди?

— Мана бу бизнинг кўчатзоримиз,— деди ниҳолчалар ўсиб турган жойга келиб.— Илмий тилда бу кўчатзор, аммо бизнинг кўнгил тилимизда бу болалар боғчаси ёки мактаб. Фарқи шуки, бу ерда болалар эмас, мева дарахтлари ўсади. Неча хил дарахт-у!..

— Ўзимиз пайванд қилганмиз. Олтмиш гектар... ё кўпроқми-а, раис,— деди Аҳмаджонга савол назарини ташлаб:— Кўпроқ... ер тайёрлаб қўйдик, кўчириб ўтқазамиз.

Акбар ака йўл-йўлакай боғ ҳақидаги ҳикоясини давом эттириб, бизни барги қорайиб турган пастак-пастак дарахтзорга бошлади, ган орасида кулиб қўйди.

— Бу гапни ҳануз бировга айтганим йўқ,— деди у кулгисини босолмай.— Ёзда боққа болалар оралади. Нуқул кўзни шамғалат қилиб, писиб келишади. Майдалари тушмагур-э, мевага жуда ўч бўлишади. Бу дарахтлар сал катта бўлсин, кейин узиб тамом қилишолмайди. Аммо,— деди у қандайдир хаёлга чўмиб, пастроқ товуш билан,— бизнинг мамлакатда текин қилиб қўйиш керак. Болаларни деб текин қилиш керак. Ҳа, бу коммунизмни тўла қуриб бўлмасимиздан олдин бўлса дейман: ҳар қалай, яхши бўляпти,— деди-ю, нимагадир сукутга толди.

Жуда катта майлонда танасн билакдай, одамнинг болдиридай келадиган тут дарахтлари. Бир-икки бор каллак урилган. Ёзда кўкарган гуж новдалар ғира-ширада сададек пахмоқ кўрпнади. «Оқшомдаги экскурсия-мизнинг раҳбари» ҳамон ўз хаёли билан банд, сукутда. «Бу дарахтлар даштга қачон экилган эди?» деган савол кўнглимдан ўтди, Аҳмаджонга тикилдим.

— Уч йил бўляпти,— деди у.

Ҳайрон қолдим: наҳотки, тут уч йилда шунчалик катта бўлса?

— Бу ерда эмас, эски ўрнида катта бўлган,— деб тушунтира бошлади Аҳмаджон.— Уш беш йиллар олдин қилинган тутзор эди. Қаровсиз қолиб, барг бермади. Бу ёққа келтириб ўтқаздик. Кўриб турибсиз, йигирма беш гектар. Акбар ака тут кўчатзори қилипти. Ёнига яна шунча қўшамиз. Кейин бу ерга ипак қуртчи боқиладиган катта сарой соламиз. Қуртчи ҳар кимнинг уйида боқишдан қутуламиз.

— Бу, масаланинг бир томони,— деди Акбар ака гап қўшиб, ҳамон хаёлчан ҳолатда.— Мана шу ерга келсам кўнглим алланечук бўлиб кетади... эски хатоларимиз, гуноҳларимиз эсимга тушади. Бу гуноҳ нима денг: қурт уруғи оламизу унинг емишини ўйламаймиз. Қурт иштаҳага кирганда, барг тугаб қолади. Колхозчилар ҳовлисидаги мева тутини каллаклаймиз: ёз бошида оғзи тегай деб турган неъматдан маҳрум қиламиз уш. Ҳа, илгари маккажўхорини ердан қандай қувлаган бўлсак, мева тутини ҳам шунчалик қийратамиз. Нимасини айтасиз: қийратиб бўлдик!..

— Ўзингн бил, ўзгани қўй, деган гапини колхоз бўлиш билан орадан кўтариб ташлаганмиз. Шунинг учун қўшишга ҳам шу хусусда тил тегизай,— деди у фикрини ривожлантириб.— Чодакни яхши биласиз: неча нав тут бўларди, минг-минг туп эди. Хўш, ҳозир неча туп мева тут қолди Чодакда? Қолмади деса бўлади. Ҳозир Чодак кўчаларидан ўтсангиз, тутлар ерга қоқиб қўйилган учи айри улкан устулларга ўхшаб турибди. Булар нима: биз раҳбарларнинг ношудлигимиз, халқ олдидаги гуноҳимизнинг хунук хотирасинми? Балки, чодаклик раҳбарлар, ўзинг-чи, дерлар. Ҳа, ўзим ҳам гуноҳқорман — йигирма йилча ранс бўлиб, ўзим шуни ўйламаган эканман. Энди ўша хатони тузатяпмиз. Адашганинг айби йўқ, қайтиб топса йўлини...

Уйлайман денг: райпжроқўм бир мажбурий қарор чиқарса, ипак қуртнинг баргга тўйғизишга мажбурсан, лекин мева тутини кесмайсан, кессанг жавобгар бўласан, деса, кесгани милиция гирибонидан бўгса. Кесадими? Йўқ, кесмайди? Уйлаб кўриш керак, ахир, катта дастурхонимизда тутмайиз, шинни, қандолат ҳам бўлса, ёмоғми? Йўқ, жуда яхши! Ҳар ким хоҳлаганини ейдн. Қани, кетдик, ой ҳам кўтарилиб қопти-ку,— деди Акбар аканинг ўзи.

— Доклад узун бўп кетди-да, раис бува,— деди Аҳмаджон тегишиб.

— Ҳа, айтмоқчи, ниҳолларнинг сизга айтадиган арзи ҳаёлимдан кўтарилибди,— деди Акбар ака, канал бўйига чиқилгач.

Аҳмаджон кулиб юборди.

— Уларнинг арзи тугамас экан-да, а?

— Йўқ, ҳозир тугамайди, раис,— деди ва олма, шафтолига келасн йил ёзда қанча тиргак, узум кўтаришга қанча хода ва сим кераклигини гапириб берди.

Аҳмаджон бир оз ўйланиб, кейин «хўп» деди, афтидан, уни бу нарсаларни топиш ғами босган эди.

Акбар акага тикилдим: мош-гуруч мўйлови ой шуъласида йилтирар, нимагадир, ўнг қоши хиёл кўтарилган, лаблари қимирлар эди. Назаримда, у ҳамон ниҳоллари билан гаплашар, болаларга мевани тўкин қилиш ҳисобини чиқарарди.

IV

Баҳор. Ғўра эндигина қобиғидан чиққан, олма дарахтлари оқ ҳарир гулга бурканган фасл эди. Кун бўйи дала айланиб келиб, кеч оқшомда колхоз олмазоридagi ҳовуз лабида балиқларнинг сапчишини томоша қилиб ўтирардим. Йўлакда кимдир йўталди, ўзини кўрмасданоқ танидим: Акбар ака. У шунақа йўталиб келади. Акбар ака буни зарур одоб, инсон фазилатларидан бири деб билади.

— Қоронғида балиқлар билан ниманинг маслаҳатини қилиб ўтирибсиз,— деди у кулиб. Шийпонга ўтиб, столга ниманидир қўйди-да, чироқни ёқиб юборди.— Яқкадирсиз, деб ўйладим. Уйда денг манти қилишган экан. Бирга баҳам кўриб, бир оз сирлашай деб келдим. Қани бу ёққа.

«Сирлашгани» келган одам бугун жуда камгап, ниҳолларидан ҳам сўз очмади, бирдашга жим бўлиб қолди. Бу сукутнинг боиси нима? Ёки кўнглига озор етказган бирор гап ўтганми?

Сўрашга иймандим. Хийла вақт жим ўтирдик. У чуқур хаёлга толган, нуқул пешонасини уқалайди. Шўх балиқ баланд сакраб, сувни қаттиқ чайқалтирди. Акбар ака сесканиб тушди. Кейин охишта гап бошлади:

— Ҳайрон бўлгандирсиз — нимага келди-ю, нимага индамай ўтирибди, деб. Ҳа, ўйлайдиган қалтисроқ бир маслаҳат билан келувдим,— деди-да, яна сукутга толди.

— Хўш, нима маслаҳат эди?— дедим унга тикилиб.

— Маслаҳат шуки,— деди у,— калламда бир фикр туғилди, лекин ҳеч кимга айтолмайман. Бориб-бориб кўнглига ғашлик сола бошладим. Кўнглини шу ғашликдан халос қилиш йўлини топиш... Қассада беш-олти юз сўм пул бор. Шу колхозда ишлаб топганмиз. Бир куни, хаёлимга шу пулга кўчат ол, даштга экиб, катта боққа қўшиб юбор, деган фикр келди. Шундан бери шу фикр калламдан кетмайди, лекин нима деркин, деб бировга айтолмайман.

— Жуда улуг фикр-ку бу, нимага айтолмайсиз?

— Шу боғда ўзим ишламаганимда бошқа гап эди. Одамларнинг кўнглига нима гап келмайди дейсиз. Қалтис томони шу.

— Ахир ғурумсаройликлар сизнинг кимлигингизни яхши билади-ку.

— Қайдам... ҳар қалай, маслаҳат билан ишган иш яхши-да...

Шу орада дарвозадан машина кирди. Райком секретари Мамажон Раҳимов билан Аҳмаджон тушди.

Кўпчилик бўлиб «пиширамиз» деган фикрга келдим. Буни Акбар акага айтдим. У мўйловини силади-ю, индамади. Раҳимов бу гапни зўр ҳаяжон билан эшитди.

— Бўпти!— деди у хитоб қилиб.— Эртага сизларда партия йиғилиши бор. Кекса коммунист Акбарали Тошматовнинг олижаноб ҳимматини ана шу мажлисда айтмиз, райондаги ҳамма коммунистларга, халққа эълон қиламиз... Ерни тайёрлаб қўяверинг, пулингизга қанча кўчат келса, шунча гектар...

— Бўлмаса, бизга ижозат,— деди Акбар ака енгил тортиб.

— Бўпти!— деди Раҳимов яна.— Қани эди, ортиқча пули бор ҳамма коммунист ана шундай маслаҳат билан келса!..

Акбар ака катта-катта қадам ташлаб дарвоза томон борарди. Биз бу олижаноб мўсафид боғбоннинг, ғурум-саройликлар «раис бува»сининг булоқ сувидек тиниқ кўнгли, дарёдек азим ҳиммати ҳақида ўйлардик.

НОРХОЛНИНГ ҚАЙНАР БУЛОҒИ

Ризқи хола тарғил говмишини соғаетганда Норхол ойиси бармоқларининг бетиним ҳаракатига, челакка тушаётган сут оқимиға қараб турарди-да, шу топда, ни-магадир, сигир елинини ҳовлидаги қайнар булоқнинг кўз-ларига ўхшатарди. Йўқса, бир соғиб олганда қурийди-қолади-да, ҳадеб чирсиллаб тўлаверадимп... Унинг ойи-сига жуда-жуда ҳаваси келарди, ойисидек чўкка ўтириб, бармоқларини югуртириб, гўё сигир соғарди. Қани энди тезроқ катта бўла қолса, чинакам сигир соғса!..

Ризқи хола қизининг машқига мамнун кулиб боқар, челак тўла сутни қозонга қуйиб, ўчоққа ўт қаларди, қу-руқ новда чарсиллаб, ловиллаб ёнарди. Норхол ойиси-нинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб оларди-да, момиқ қўл-чалари билан унинг шамол ялаган юзини, бодом қовоқ-лари тагидаги уч қатор майда чнзиқларни силарди.

— Ойи-чи, ойи,— дерди у шошиб,— катта бўлганимда меъ ҳам худди сизга ўхшаб сигир соғаман-а?..

— Катта бўл, соғасан.

— Қачон катта бўларкинман-а? Нпмага кичкина-ман-а, ойи?— деб сўрарди Норхол кичкиналигига афсус-ланиб.

— Шошма, қизим, катта бўласан, тезда катта бўла-сан.

— Ушанда шу тарғилни менга берасиз, мен соға-ман-а?

Ризқи хола индамас, лекин қизчасининг ёноғидаги холидан чўлп-чўлп ўпар ва бирданига: «Вой!»—деб ўчоқ бошига югурар, кўпиклаб қозон зийидан баланд кўта-рилган сутни чўмич билан шопирарди. Норхол сутга жаҳл қиларди:— Тинч қайнайвермай, тошиб нима қилар-кин. Ойиси билан мундоқ гаплаштиргани ҳам қўймай-ди-я!

Ойиси тўғри айтган экан, унинг бўйи тез чўзилди. Кейин ойиси тарғил сигирни унга топширди: «Мана энди ўзинг соғавер»,— деди. Норхол шу куни ўзини бирданига бир қарич ўсгандай сизди, челақнинг бандидан биллагини ўтказиб олиб, бармоқлари билан қорнига даранглатиб чертиб, ҳатто қўшиқ айтиб юборди. Елига қаймоқ суртиб юмшатишни ҳам унутмади. Сутнинг челақ тагига олдин даранглаб, кейин шовиллаб тушган, ойиси соғаётганда ўзи аллақандай ҳаяжон билан эшитиб ўтирадиган ёқимли овози қулоғида жаранглагандай бўлди. Аммо, нимагадир, бирдан юраги ҳаприқиб, гуя-гуп уриб кетди, елига дадил олиб борган бармоқлари бўшашди, ўша «қайнар булоқ кўзини очишга» ҳеч мажоли етмади. Қизиқ, ойиси соғса жим турадиган говмиш Норхолни хуш кўрмади, авзойи бузрилиб депсинаверди. Думи билан Норхолни қаттиқ селлиб юборди-я, отинг ўчкур! Бу ҳам майли-я, елини яримламай, томизмади-қўйди. Норхолдан сутини қизганди-я!

Ана шу кезларда Норхол челақни нарироққа қўйиб, қўлларини уқалаб, ойисидан ҳасратомуз сўрарди:

— Ойи, сизнинг бармоқларингиз ҳам шунақа оғрийдими?

Ризқи хола қизининг ҳолатини тушунар ва унинг кўнглини кўтарарди:

— Йўқ. Мен ўрганиб қолганман. Қуюнма, бора-бора сен ҳам ўрганиб кетасан, қизим. Говмишга севган овқатини бер, соғишдан олдин сиртини сила, қўлингни тоза ювиб тагига бор...

— У жуда қизғанчиқ, ойи. Шунча силасам ҳам, бари бир сутин кам беряпти-ю.

Ризқи хола қизининг соддалигидан ҳузур қилиб куларди-да:

— Йўқ, қизғанчиқ эмас, айтдим-ку. Қўлингни тоза ювмагандирсан,— дерди.

Норхол қизариб ерга қарарди. Ойиси мунча ҳам зийрак-а. Шундай меҳрибон, шундай яхшиларки... сутини қочириб юборибсан, деб уришиб берадилар, деб қўриқиб турибди-ю, йўқ, ҳатто жаҳллари ҳам чиқмади, овозларини ҳам кўтармадилар. Шунинг учун ҳам Норхол ойисини жуда-жуда яхши кўради, ундан ҳайиқади, ҳатто унинг кўзига тик қараёлмайди. Шунинг учундир-да.

Ойиси тўғри айтган экан, Норхол соғишни ўрганиб олди. Тарғил говмиш энди у келганда чиройи очилиб,

ийиб жим туради, унинг бармоқлари елинига тегиб-тегмасдан, сут худди булоқ кўзидан отилиб чиққандек челака куйилаверади!

Норхол қадди-басти келишган қиз бўлиб етишди. У мактабдан қайтиб келаётганда кўчадан ерга қараб тез-тез юриб ўтарди. Одамлар умга разм солиб: «Холиқ чорванинг қизи хўб одобли, сухсурдай қиз бўпти-да»,— дейишар, йигитлар эса кетидан термилиб қараб қолишарди. Норхол уйга келиб, буни аллақандай қўрқув аралаш ҳаяжон билан ойнисига гапириб берарди. Ризқи хола қизининг кўзига жилмайиб тикилар ва: «Ҳаваси келадиди-да, қизим»,— деб қўя қоларди.

Баҳор... дашт лоласи ҳақиқ қадаҳларини кўкка тутган, кўзикулоқ ва бўтакўз бинафша ранг кўзларини жавдиратиб атрофга боққан баҳор кунлари эди. Табиат ҳаммаёққа атир пуркаган, майин шабада дилни яйратувчи беҳол бўйни қиру адирлар оша учириб юради: ширин ва айни вақтда беором ҳис-туйғу киши кўнглига чуқур сингади: қушлар маст-аласт сайрашади, жуфт-жуфт бўлиб ин қўяди: асаларилар гуллар баргида ғужғон ўйнайди, шира танлаб бетиним бол йнғади. Қайси қоянинг бағридадир каклик қувоқлайди: қаердадир булбул чақчақлайди, кўкка кўтарилиб олган жўр тинмай хониш қилади... Ҳа, табиатнинг бу фасли махлуқотни ҳаётга чорлайди.

Норхолнинг тарғили тиззасидан майса кечиб, кун бўйи ана шу бахмал ўтлоқда сузади. Кун оғанда Норхол ҳар кун синирни шу ердан ҳайдаб кетади. У бир даста гул териб, лапанглаб юраётган говмишини олдига солиб уйга қайтарди. Нигоҳи гоҳ осмоннинг қаеридадир қулоққа ором берувчи аллақандай куйни зўр бериб ёдлаётган жўрни ахтарар, гоҳ ғупнак сада бутуқлари орасига беркиниб олиб хониш қилаётган булбулни топиб кўрмоқчи бўлади. Булар гўё ҳамма ашуласини унга бағишлаб айтаётгандай, ҳавода учган ҳар бир сас кўнглини қитиқлаб, дилига нималигини ўзи тушунолмаган туғён — ғулғула солаётгандай эди.

Орқада елдириб келинаётган от дукури, тақанинг тошга урилиб чақиллагани эшитилди. Қиз шошилиб ўзини четга олди ва ўгирилиб, аланглади. Саман от минган хушмўйлов, юмалоқ юзли йигит унга ёнма-ён келиб, от жилловини тортди. Мулойим табассум билан Норхолга бир зум тикилиб турди-да, кейин: «Мана буни ҳам қў-

шиб ол, Холиқ тоғамнинг ширмон қизи! Тоғнинг аёл лолаларидан сенга териб келдим»,— деди-ю, унга бир даста гул ирғитди. Гулдаста қизнинг кўкрагидан сирғаниб оёғи тагига тушди. На эгилиб гулни олди, на юрди: қўлидаги гули ҳам қўшилиб тушганини сезмаган, довлараб қолган эди. Фақат йигитнинг қаҳ-қаҳ отиб кулганини, от дукурини эшитди. Кўзини очса, отлиқ олислаб кетган, тарғил яккаоёқ йўл четида ўшшайиб унга қараб турарди.

Гулдаста шундоққинна унинг оёғи учиди, Норхолнинг қўнғироқчалардай қизғимтир чин лолалари унинг ёнинасида ёнбошлаб ётарди, улардан нафис хид анқирди. У беихтиёр энгашиб, гулларини кўтариб олди. Тарғил говмиш эса: «Юра қол, кечикдик», дегандай, ҳимраниб имлади.

У йўлакай гул искар ва: «Бу йигит ким ўзи? Отамнинг отини билади-ку, мен нимага танймайман уни? Жуда чиройли жилмаяр экан-а», дер, аммо кўнглида қўрқувга ўхшаган аллақандай туғён мавж урарди... Уйга яқин келганда магазин олдидаги тутга боғлаб қўйилган саман отни яна кўрди. У сулуғини қартиллашиб кемирар, сарписидан юпқа тутунга ўхшаш буғ кўтариларди.

Норхолнинг юрағи шитоб билан тепли, қандайдир ғайритабиий куч оёқларини илдам бостирди. У эшикни қаттиқ очиб, сигирни оғилхонага ҳайдаб юборди-да, ўзи уйга қараб югурди.

Норхол шу кунни сигир соғинишга ҳам, кечки овқатга ҳам чиқмади. Мол-қолга ойисининг ўзи қаради. Қиз эрталаб уйқудан ранги оқариброқ, қовоқлари сал шишиб уйғонди. Лекин сув қуйилган шиша банкачадаги гулдаста уйни атрига анқитиб бир неча кун токчада турди. Норхолнинг камгап бўлиб қолганлиги ва қизнинг ҳолатида юз берган ўзгаришни зимдан фақмласа ҳам ойиси сўрашга маврид кутди.

Орадан икки кун ўтдимиди, ўша йигит кўча эшиги олдида Норхолнинг отаси билан ниманидир гаплашиб турарди. «Раисга айт, Дўснат, молларни Қамшикка чиқартирсин»,— дерди отаси.

Норхол ерга қараб, кўз қирини йигитга ташлаб тез ўтди, аммо йигит унга жуда ғалати тикилди. Ёки Норхолга шундай туюлдимикин-а?

Яна бир кун ўтдимиди, икки кунми, ҳар қалай бозор кунини эди. Норхол ҳовли супуриб юрувди, оқ доқа рўмол

Ураган, одми кўйлак кийган хотин дастурхон кўтариб кириб келди. Меҳмонни ойиси кутиб олди. Кейин отаси бозордан қайтиб келди. Улар узоқ гаплашдилар. Норхол эшик тирқишидан қулоқ соларди. Меҳмон хотин секин гап очди.

— Менинг етимчамни танийсиз, Холиқ оға. Уғлинг борми деса, бор дегудай. Толеимга меҳнаткаш бола чиқди. Йигит кўнглида сизнинг қизингизни орзу қилибди. Шу туфайли остонангизга бош уриб келдим. Тақдир умрларини қўшган бўлса, изм берсаларингиз, Дўсматим сизнинг ўғлингиз, Норхолжон менинг қизим бўлсин...

Меҳмон хотин жим қолди. Норхолнинг қулоғи эшик тирқишида, юраги қафасдан чиқишга интилган қушдай талпинади. Кўз олдида ўша... терга пишган саман от, хушмўйлов йигит... «Мапа буни ҳам қўшиб ол, Холиқ тоғамнинг ширмон қизи! Тоғнинг асл лолалари... сенга териб келдим».

Ойисн нимага жим? Отаси нимага пндамайди? Нима деркин?

— Дўсматин биламан,— деди отаси одатнча ҳар сўзни санагандай, салмоқлаб.— Мўмин-қобил, ақлли йигит. Лекин,— деди у товушини бир оз пасайтириб,— ўзингиз биласиз, келин буви, булар иккиси ҳам янги одамлар. Бизларнинг йўриғимиз бошқа эди... Шунини ҳам айтиб қўяйки, қиз узатиш, ўғил уйлантириш етти ўлчаб бир кесадиған иш; оталар сўзи билан айтганда, умр савдоси. Менга қолса розиман. Мана тагин онаси биледи... Ҳа, у қизининг кўнглига ҳам қўл солиб кўрсин-чи...

Отаси рози. Ойиси нима деркин? Йўқ, ҳеч нима демади... Кейин у Норхолнинг олдига кирди. Кўзлари кулиб, ёшланиб турибди. Отаси айтмоқчи, унинг «кўнглига қўл солиб кўрди».

— Кўрганмисан?

Норхол ерга қараб бош ирғади.

— Майлими? Розимисан?— деди ойиси секингина.

Норхол бирпас рўмолининг попугини ўйнаб ўтирди-да, эшитилар-эшитилмас:

— Ўзларингиз биласиз...— деди.

Ойиси унинг юзидан қаттиқ ўпди. Кейин Норхолга тикилиб қаради-да, аста чиқиб кетди. Норхол кўрди: ойиси йнғлаяпти. Нимага?

Норхол туриб токчадаги гулларнинг сувини янгилади, тўйиб-тўйиб қидлади.

Колхоз чўпони Дўсмаат Йўлдошев билан Норхол ҳануз бирга — икки ёрти бир бутун. Уларнинг беш ўғиллари бор. Оила бут.

Мана печа йиллардирки, Норхол катта фермада сигир соғади. Дўсмаат боқади — битта эмас, ўн беш сигир. Лекин шунча йил шунча сигир соғиб, Норхолнинг кўнгли тўлмади. Умри фермада ўтаётганидан эмас, йўқ. Ҳар кимнинг ўз касби бўлади, у касбини яхши кўрса, умрини шу билан ўтказди. Норхол ўша қайиар булоқ кўзларини ҳануз каттароқ очолгани йўқ. Шу фикр унинг юрагини муттасил тиндалайди. Энг яхши аталган говмиш сигирларнинг ҳам сут тортilib боряпти. Начора, қуруқ слинни чўзиб тортаверган билан сут чиқармиди!

Норхол охирги қашқа сигирни ҳам соғиб бўлди. Челак тагидаги озгина сутга қараб, унинг кўнгли чўкиб кетди. Эртага яна хархаша: ферма мудирининг қовоғидан қор ёғади! Гўё сутни Норхолнинг ўзи ичиб қўяётгандай. Ҳозир унинг кўзига елини кунига икки марта тирсиллаб турадиган, икки челак сут берадиган тарғил сигир кўриниб кетди. Ахир, шу Қашқа, анови Малла, нариги оғилдаги Олмахоннинг ўшандан нимаси кам? Емиши!

У сигирлар олдига, туяни чўмичда суғоргандай, оздан хашак тайлади. Хашак эмас, алланимбало! Қашқа унга: «Берганинг яна шуми?» дегандай маъюс тикилди, охурга бўйин чўзиб, лабларини қимтиди. Норхолнинг юраги увушиб кетди. Шу тасмани ўлганнинг кунидан оғизга солади шўрлик ҳайвон. Беришинг шую, тагин ундан сут сўрайсан-а! Қани энди ширалик жўхориюя бўлса, жодида майда қирқиб охурни тўлдириб қўйсанг, қанд егандек қирсиллатиб чайнаганини эшитиб ўтирсанг. Норхол тарғил сигирни қишда жўхориюя билан боқарди. Ўзи кўм-кўк пояшнинг пўстини арчарди-да, охур сунасига ўтириб олиб, ширасини маза қилиб сўрарди: «Ана шунда, — деб ўйлади у, — елинини тортқиламасанг ҳам сут ўзи қуйилаверади. Вақтида соғма-чи, сигир сени тинч қўярмикин?»

Катталар ҳар йили кузда, мунча силос босдик, деб оғиз кўпиртиришади. Лекин бир ой ўтмай ўра бўшайди. Нимага алдашарқин-а? Қимни? Мол ўзлариники-ку, ахир! Қизиқ, қисталанг келганда ферма мудирини янгилашаверади. Аммо фермани янгилашмайди.

Норхолни шу фикр муттасил қийнарди, шунинг са-

бабини изларди. Екин қайнар булоқ кўзига босиб қўйилган катта тош шумикин-а?

У кечалари Дўснатга шу саволни берарди. Дўснат нима ҳам дерди: фермадаги шу аҳволга кўникиб қолган. Ҳозир куйинганинг бекор. Пахта турганда чорвага қарашармиди?.. Ҳа, бориб-бориб, бир кун чорвага ҳам гал келар. Аммо бу жавобдан Норхол қониқмасди...

Ҳа, айтмоқчи, бугун правление мажлиси, Норхолни ҳам шунга махсус чақирган. У уйга тезроқ бориши, ўғилларини овқатлантириб, кийиниб чиқиши керак. Балки ферма ишини янгилаш, сутни кўпайтириш устида гап бўлар? Қайнар булоқнинг кўзини очиш йўли топиладу? «Қани, сиз нима дейсиз?» деб ундан сўраб қолишса-я! Нима десайкин?

Чеккадаги оғилда қўнғир снгир галати инқиллаб, ингради. Норхолнинг эсига тушди: унинг ой-куни яқин эди. Боягина суғориб келганда чиройи очиқ эди-я! Наҳот... Норхол оғил олдига келди. Сигир узала ётибди. Мадад сўрагандай унга тикилади: кўзлари безовта, инқиллайди-ю, кучанишга мадори етмайди. Норхол ҳозир унга жуда ачиниб кетди. Уч ой олдин тоғдан олиб келинганда, қўнғирнинг жунлари ялтирарди. Энди эса қовургалари чиқиб қолибди...

У бузоқни артиб-ювниб, сигир тагини тозаллади, озгина сомонни ивигилган кунжарага қориб, охурга солиб қўйди-да, қоровулга тайинлаб, уйга ҳам бормай, правлениега йўл олди.

Баҳор оқшоми. Осмон тўла юлдуз. Дашт томондан салқин, майин шабада эсади. Норхолнинг димоғига жуда нозик, намхуш ҳид келиб урилди. Бу ҳид унинг эсига ўша баҳорни, ҳаётида биринчи бор буюк ўзгариш юз берган, тинч, осойишта хосхонасига Дўснатни олиб кирган ўша баҳор кунини туширди. Кўзига Дўснат от устидан ирғитган ўша асл тоғ лолалари кўриниб кетди. У бир лаҳза тўхтаб қолди. Кейин кўнгли ором топиб, жадал юрди. Нимага? Унинг ҳаётида яна буюк ўзгариш юз берармикин?

Норхол кириб келганда, хонада ўтирадиган жой қолмаган эди. У аста бориб Ойзоданинг ёнига қисилди. Қизиқ, бугун нуқул чорвадорлар йиғилибди... Ҳа, чорвага алоқаси йўқлардан Улмас бува билан Акбар ака ҳам бор. Мажлис жуда қизғин борарди. Тафтишқўм текшириш якунини гапириб берди. Раим Салимов деган си-

гирбоқарнинг олти сигирдан бир ой давомида бор-йўғи ўн беш литр сут тошпрганидан тортиб, қўй фермасининг мудирн Эрка Раҳимовнинг қўзи ўғирлаб ушлангани, тивит тараб олиш камайиб кетгани, гўштга топшприлган молларнинг ориқлигигача — ҳаммаси гапирилдп. Кейин раис Аҳмаджон Одилов турди:

— Гапни эшитдиларинг, ўртоқ чорвадорлар,— деди у.— Ҳаққини айтганда, колхозимизда чорва пахтага боқим бўлиб қоляпти: Қачонгача сизларни пахтакор боқадди? Чорва ҳам пахта қатори колхознинг томири. Бир томпр танага озуқа бериб турганда, иккинчиси ўз бурчини ўташ ўрнига, танадан сўриб турса, бориб-бориб унинг ҳоли нима бўлади? Дўппини олиб қўйиб, шуни ўйлаш, иложини топиш вақти келмадими? Бугун шуни ўйлаб топиш учун сизларни маслаҳатга чақирганмиз. Қани, ким гапиради?

— Мен,— деди Зулайхо ўрнидан туриб.— Пахтага боқим бўлиб қолганмиз, тўғри. Аммо бизларга ҳам осон тутманглар-да. Ғурумсаройда нима кўп, машина кўп. Ҳаммаси пахтага. Чорвага қани? Ҳатто ўзимизга қаргани ҳам қўлимиз тегмайди...

— Шу мажлисда пардоз тўғрисида гапирмайсанми ҳали,— деб луқма ташлади Ойзода кулиб.

— Ҳа, молбоқар хотин пардоз қилмасин деганларми?— деди Зулайхо қизишиб.— Қани, кун бўйи мол тагини кураб, кечқурун ювинмасдан эрингнинг ёнига бориб кўр-чи...

Ҳамма кулиб юборди. Зулайхо довдираб қолди. Акбар ака томоқ қириб йўталди. Кулги тинди.

— Ўзларинг ҳам дейман,— деди у мўйловини виқор билан силаб.— Гапида жон бор, жим туриб эшитинглар-да. Гапиравер, қизим.

— Гапим шу: сигир туғса, бузогини ювиб-артишга челақда сув ташиб келамиз. Душ қилиб беришса... ўзимизга ҳам.

— Фермага қачон электр қилинади? Бармоқларимизнинг оғриганига чпдамаймиз, ахир,— деди Ойзода.

«Бу гаплар тўғрику-я,— ўйлади Норхол.— Раис-ку, томир бўлсанг, танагга озуқа бер, деди. Булар бўлса нуқул бир-бирини савалашади, айбдорни излашади-ю, нимага ҳозир керак бўлиб турган гапни айтишмайди?! Зулайхо ўзини кирдан қутқазишни талаб қилди-ю, ўтирди. Ойзода бўлса, электр билан соғишни орзу қиляпти.

Фермага душ ҳам зарур. Аммо электр билан соғиш ас-
бобини қуруқ елига осиб қўйганинг билан сут чиқмай-
ди-ку!..»

— Қани, сиз нима маслаҳат айтасиз, Норхол опа?—
деб унга мурожаат қилиб қолди Аҳмаджон.

Норхол ўриндан қўзғалди. Нима десайкин? Утирган-
лар унинг гапига ҳам кулиб беришса-я.

— Менми?— деб сўради у.— Мен нима ҳам дердим.
Бўлган гаплар ҳаммаси тўғри. Аммо мен ўзим уялиб ўти-
рибман. Соғиб берган сутим сигирларимнинг егани билан
ўзимнинг олганимга етмайди. Нимага? Ҳозиргина қўй-
гир сигир туғди... зўрга кучи етди жониворининг. Емиши-
нинг мазаси йўқлигидан-да.— У бир лаҳза жим қолди.
Ҳамма унга қараб турарди.— Эсимда,— деди у гапини
давом эттириб.— Утган йилги шу сигир икки минг литр
сут берган эди. Бу йил бермайди. Боласига зўрга етади.
Бойлоқда турса-ю, тўйиб овқат емаса. Қўйилларнингга
келмасин гапим... соғувчиликдан зерикканим йўқ, эртага
нима егизаман деган гаждан зерикдим. Сиз боқим бў-
либ қолдиларинг, дедингиз, ранс. Тўғри... хато бўлса
кечиринглар. Малол келса ҳам айтаман: бизни ўзларинг
пахтага боқим қилиб қўйяпсизлар. Шунча сигир бор
колхоз нимага жўхори, маккажўхори экмайди? Силос-
ни шундан қилиб беринг-чи, кейин сутни электр билан
соғиб ҳам эплаёлмайсиз. Гапим шу...

— Мана энди томир тилга кирди, гап мана бундоқ
бўпти,— деди Акбар ака.

Илгари шу Ғурумсаройда сигирларни, сўқимни, бўр-
доқини ҳам поя кўки ва думбули билан боқардилар.
Акбарали Тошматовларнинг сигирни елинини зўрга кўта-
риб юарди: сутнинг қуюқлиги, қаймоғининг мазаси
ҳали-ҳали оғиздан кетмайди. Бир вақт Самарқанддан
олиб келган, маккажўхори думбулига боқиб, ўн беш
кун совутиб, кейин тўдага солган улоқчи тўриқ кўз олди-
га келди. Ота-боболар экиб келган шу экин нимага йўқ
бўлди? Акбар аканинг ўзи колхозга ранслик қилган йи-
гирма йилча вақт нчида шу экин бора-бора тарк этилди.
Ўшанда пахтага ер етишмаслиги шунини талаб қилдими,
ҳар қалай, ҳатто кўкариб чиққан маккажўхорини бузди-
риб, ўринига пахта эктирилганини у кўп кўрган. Кейин-
кейин шундай бўлиб қолдики, колхозчи томорқасида кўк-
лаган жўхори, маккажўхори кўзга бегона кўринди, шу
хусусдаги гап қулоққа эриш эшитилди. Мана энди, шун-

га ўзи ҳам ҳайрон, ғурумсаройликлар бу экинини худди олинсан келган азиз меҳмондай кутиб оляпти. Аҳмаджонлар ёни — буни яхши билмайди...

— Ҳа, жуда маъқул гапни айтди Норхол. Жўхорини кўп экиш керак, кўп!— деб хитоб қилди у.

Чорванинг пахтага боқимликдан чиқариш тугунини соғувчи Норхол ечиб бергандай бўлди.

Шу баҳор фермага, Норхолнинг ҳаётига буюк ўзгариш олиб кирди.

Колхоз шу йили маккажўхориининг кўк поясидан уч минг тонна силос бостирди. Норхолнинг назарида қайнар булоқ кўзидagi катта тош силжиди. Қўнғир сигир икки ярим минг литр сут берди.

Норхолнинг номи мажлисларда тилга олина бошлади. Илгари фермага камдан-кам келадиган ранс кунига бир бор бу ерда айланадиган, сигирларни кўздан кечирадиган, қайси сигирнинг қанчадан сут бераётганини, зотини сурштирадиган, шима қилса сут яна кўпаяди, деб Норхолдан сўраб турадиган бўлди. Чунки Норхол шу йили ўн беш сигирдан ўттиз саккиз минг литр сут соғиб берди-да.

Йилнинг ғўза культивацияга кирган палласи эди. Норхол сигирларини эндигина суғориб келиб, охурларга силос ташлаб бўлган эди. Фермага колхоз электр тармоқларининг бошлиғи Турсунов билан монтер бола кириб келди. Улар сигирхона шифти ва деворларини кўздан кечири бошлашди. Норхол ҳайрон бўлди.

— Нима гап ўзи?

— Сигирларингиз, биз қачонгача охурни қоронғида тимирскилаймиз, деб правлениега ариза юборишибди. Чироқ ўтказиб беришга буйруқ бўлди,— деди Турсунов.

— Қаердан кун чиқибди,— деди Норхол кулиб.

— Мана шу ёқдан, опа,— деди монтер бола қўли билан правление томонини кўрсатиб.— Бугундан бошлаб сигирхонангизга кечани кундуз қилиб бераман.

— Ҳаммангизга раҳмат, укам.

Электр тушириш воқеаси фермага кириб келаётган ёруғнинг дебочаси, сигирларнинг бандан тамоман халос қилишдаги улкан ишнинг муқаддимаси бўлди. Ҳа, Норхол кейинчалик Ғурумсарой сут фермасини кўришга келган меҳмонларга шундай деди:

... Кунлардан бир кун Аҳмаджон фермага Ўлмас бува бошлиқ бир гуруҳ усталарни, механикларни бош-

лаб келди. Улар сигирхона орқасидаги майдонни текислаб, ихота қурдилар, тепасини ёлиб, охур ясадилар. Майдоннинг икки жойидан ҳовузча қазиб, цементладилар, қувур ётқизиб, ҳовузга ер тагидан сув олиб келдилар. Кейин Улмас бува сигирхона деворини ўртасидан бузиб, мол кириб-чиқадиган эшик ясади. Дўснат охурларни силосга тўлдириб қўйди.

— Мана энди, қизим, сигирларингни ечиб юбор,— деди Улмас бува.

Норхол сигирларни бир-бир бапддан бўшатди. Улар бу эшик ўзларига очилганини билгандек, бир-бирларини итариб очиқликка югуришди. Бирини ҳовуздаги сувга, бири охурдаги емишга иттилдди.

«Жониворлар, қоронғида, бандда диққинафас бўлиб ётган эди, мана энди яйрашади» деб ўйлади Норхол.

Қўрага яна ўнга сигир ҳайдаб келишди. Аҳмаджон Норхолга кулиб қаради:

— Мана булар ҳам сизга!

Норхол бир оз довдираб, раисга тикилди. Унинг кўзлари: «Эплаб бўлармикин, шунча сигирни?» деб турарди. Раис фаҳмлади:

— Қўрқманг, йигирма беш сигир экан-ку бу, ҳали бундан кўпрогини ўзингиз талаб қиласиз.

— Бу ёғида гап кўп, қизим,— деди Улмас бува раисга кўз қисиб.— Ҳа, фермани тамом янгилаймиз. Катта ишни энди бошлайсан.

Аҳмаджон папкадаги чертёжларни олиб Улмас бувага кўрсатди.

— Беш хона. Таги бир оз ўйилади. Сигирлар мана бу ердан киради. Бу соғувчининг қузатиш пункти. «Арча» деган соғиш фермаси шу.

Норхол электрда соғишни ўрғаниб келган. Бундан қўрқмайди. Аммо сигирлар ўрғанимаган-ку. Нима бўларкин?

«Арча» соғиш фермаси ишга тушган кунлари Норхол йиғламоқдан бери бўлди. Сигирларни бу ерга олиб киргунча она сутти оғзига келди. Бунинг устига сут жуда камайиб кетди. Ҳатто энг ювош, энг гўмач сигир Қўнғир ҳам кундалик сутни ярмига туширди. Мана энди одамлар нима дейди? Қуруққа керилган экан, демайдими? Шундоқ деб қўя қолини ҳам майли эди-я! У гўё таъна-таадди остида қолаётгандай, колхозчилар унга ўқрайиб қараётгандай... ўзини жуда ожиз, шумшук сездди. Қнзиқ,

раисга бориб арз-қол айтса, у нуқул кулади. Худди Норхолни масхара қилаётгандай. Бугун Норхол ҳатто кўзларидан ёш чиқиб гапирди:

— Мен арз айтсам сиз куласпз. Ё колхозга сут керакмасми? Хафа бўлсангиз ҳам қўлда соғишга ўтаман...

— Қийналдингизми?— деди Аҳмаджон яна кулиб.

— Қийналганимни арз қилгани келсам, илгари келардим. Ун беш сигирни кунига икки маҳал соғиб, бармоқларим зирқираб оғриганда, мункаявериб елкамни кўтаролмай қолган вақтимда келардим. Айтган билан сиз эркаклар бунн тушунармидингиз?..

— Тушунганимиздан қўлда соғишни йўқ қиляпмизда,— деди Аҳмаджон энди кулгидан тийилиб.

— Сут нима бўлади?

— Кўпаяди! Сигирлар сизнинг бармоқларингизга ўрганиб қолган. Секин-аста бунга ҳам ўрганади, ўзингиз ҳам. Ундан кейин сут жуда кўпаяди, мени айтди дерсиз, ҳали.

«Ўрганади» деган сўз Норхолнинг эсига болалигини туширди. Ушанда, тарғил сигир унга сут бермай қўйганда, ойнинг: «Ўрганиб кетасан, куюнма, қизим» деб уни юпатган эди. Ҳозир Аҳмаджон ҳам унга худди шу сўзни айтди. Онанинг ўша меҳр сўзлари уни бардошга ундади, янги қадамидан совий бошлаган кўнглини иситди, уни яна «Арча» фермасига, «сут булоғига» етаклади. У эшик олдига келганда:

— Кетдим,— деди.

Раис унинг қаёққа, нимага кетганини тушунди ва мамнун жилмайиб, орқасидан қараб қолди.

Ҳа, сут кўпайди. Кўпайганда ҳам озмунча эмас. Ингирма беш сигир кейинги икки йил ичди икки юз минг литрдан ошнқ сут берди. Тўрт йил олдин ҳам Фурумсаройда бу рақамга ҳеч ким ишонмасди: бунақа сут эртактларда айтиладиган сут булоғида бўлади, дейишарди. Уч-тўрт йил олдин ўрта ҳисобда ҳар сигирдан етти юз литр ҳам сут соғиб ололмаган колхозда бунга ким ишонарди! Аммо сигир соғувчи оддий аёл Норхол одамларни бунга ишонтирди, эртактлардаги афсонани чинга айлантирди.

Сутчилик фермаси Сирдарё оқимини ўзгартириб, эски ўрнида қолдириб кетган кўл бўйида. Ишдан бўш вақтларда Норхол шу кўл лабидаги кекса тол тағида ўлмас бува қуриб берган «синос қирқар»нинг ишини то-

моша қилиб ўтиришни яхши кўради. Олдида турсанг қулоқни қарахт қилади-ю, бу ердан гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб, жуда ғалати эшитилади. Норхол бу машинанинг қадди-бўйиши зарофага, унинг тумшугидан тушаётган кўк оқимни эса шалолога ўхшатади. Кўк пояни икки-уч киши унга суриб, зўрға улгуришади-я!.. Силосчилар кузги маккажўхорини охирги ўраларга босишяпти. Меливой ака айтди, бу йил силос ўн минг тонна бўларкан. Норхол уни жуда ҳурмат қилади. У колхозда пиллачилар устози. Пилла топшириш тугадими, силос бостиришга раҳбарлик қилади. Шунинг учун бу ердагилар уни силос «инженери» дейишади. Чунки қайси ўрага туруш қанча кегииши фақат у яхши билади. Ҳар қалай, Норхол шундай деб тушунади...

Норхолнинг дугоналари, шогирдлари — Ойзода, Зулайхо, Қумри, Сотқинийлар ҳам ҳорлиққа чиқишди. Хотинлар гурунг қилиб, бир оз чақчақлашади... Суҳбат давомида ўша мажлисни, чорвалорни қаттиқ слякиган ўша аччиқ гапни эслаб кулишди. Ҳа, энди чорва ҳам, чорвадор ҳам «колхоз танасидаги озқин сўрувчи томир» эмас, ўз танасини пахта қатори озиклантириб турган томир! Ленин номли колхоз энди чорвачиликда республикага машҳур: уч йилдан бери туёқни тежаб, фақат молни семиртириш ҳисобига гўшт топшириш планини йил бошидаёқ бажарди: қимматбаҳо маҳсулот — тивит икки баравар кўпайди: сут япа ҳам кўп...

Норхол хушнуд жилмайди. Ойзода унга тикилиб қолди: «Ўзинга оро беравермаса ҳам, бу хотиндан чирой ҳануз аримайди-я. Асл ҳақиқ жилвасини ғубор тўсолмайди!...»

Лекин Норхолнинг нимага жилмайганлиги дугоналарига сир бўлиб қолди. У эса ўйларди: «Катта ўғли Муҳаммаджон мол дўхтири бўлмоқчи, Норхол очган сут бўлогининг кўзига гард юқтирмайди!...»

КУШГА ҚАНОТУ ИНСОНГА БАХТ

I

Шу кунларда ҳар туп ғўзада яна тўрт-бештадан кўсак «туғдирш» керак. Аҳмаджон бугун дала айланиб, шунинг тадбирини топмоқчи. Механизаторлар, сувчилар билан суҳбатлашади, бригадирлар билан кенгашади.

Шунинг учун ҳам у тонг ҳали ёришиб улгурмасдан идора олдига келди. Қоровул сўрида донг қотиб ётибди. Унинг уйқусини бузгиси келмади.

Тонг шабадаси атиргулнинг позик ҳидини димоққа келтириб урди. Ёзнинг бу палласида атиргул бунақанги очилмасди, иккинчи ҳосилга ҳомила ғамида бўларди. Бунинг иложини ҳозир роҳат уйқусини олаётган шу мўйсафид топибди. Шу одам қўл урмаганда, бу ер ўт босиб, кўрганнинг кўзига хунук кўришиб ётувди-да. Мана энди гулзор — келганнинг дилини хуш қилади.

Шу дамда кеча қўшини колхоз далаларида ўтказилган ўзаро текшириш, қолган дарё оролидаги нохуш манзара кўз олдига келди-ю, ток сўриси тагидаги скамейкага ўтириб қолди. Бегона ўтга ризқини едириб ингириш бўлиб қолган ғўза, кетмон дастага суялиб олиб, раисга ўқрайиб қараган қотма, қоши қовоғига тушган чол, чийнлаб учаётган гала-гала чивин, кетмонлаб ўт ўлдираётган колхозчилар, ер чизиб ўтирган раис — шу кўнгилсиз манзара ҳам Аҳмаджонни ғазаблантирди, ҳам ачинтирди. Наҳотки, булар шунчалик ожиз бўлса! Ғўзани ўтдан ажратишадди, ўғитлаб, орқасидан сув тарашадди. Хўш, ўғит кучи ғўзага тегадими? Йўқ, ўт илдизи сўриб олади-да, баттар ўсади. Ғўзани бу ўт ҳужумидан қутқариш учун ранс одамларни ўттиз километр жойдан машиналарда олиб келади. Қош қорайганда булар қишлоққа кетиб қолишади. Яна машина овора, одам овора!..

Ҳар йили шу манзара бир хилда, худди шу зайлда такрорланади, йил булар учун гўё бир хилда айланаверади: кузда ердан нимакин ҳосил чиқса, бир амаллаб териб оладилар, лекин кетидан яна баҳор, ёз, куз келишини унутадилар. Ёки йилларнинг шундай айланишига улар кўниб қолшдими? Ҳа, кўниб қолишди. Агар кўниб қолишмаганда, баданларнда номус кучи тез уйғонарди, шу куч райондаги пахта хирмонларининг энг кичиги бизники, деб тан олишга уларни қўймасди, хирмонни катта уйиш йўлини топишга мажбур қиларди.

Бу хўжаликни юргизиш, бошлаш шунчалик қийинми, а?!

Ҳозир Аҳмаджоннинг назарида қўшниси сустилгининг сабабларидан яна бири кўрингандай бўлди: Марғизор — Ғурумсарой даштининг белидан кесиб ўтган канал суви бу ерга ҳаёт олиб келганда Аҳмаджонлар ўсмир бола эди. Ушанда бу ёқдан ғурумсаройликлар, у ёқдан чодак-

лик, хопободлик, чаркесарликлар, этакдан уйғуру марғизорликлар ёпирлиб янги ер очишга киришди, даштнинг ранги ўзгарди, яшил пахтазорга айланди. Аммо чодаклик қўшиллар ўшандан бери қатнаб деҳқончилик қилди, агар йилга ўнтадан уй қурганларида ҳам ҳозир эгаллаб турган ерлари ўртасида қишлоқ пайдо бўларди, дастлаб қурилган уйларда туғилган болалар эса ҳозир колхоз машинасини ўз измида юритадиган шу ерлик йигит-қиз бўлар, уй ёнига янги уйлар тушар, чодакликларнинг иккинчи қишлоғида янги авлоднинг никоҳ тўйлари бўлар эди. Афсуски, улар ҳали ҳам бу ерга маҳкам ёпишиб ололмаптилар, ёпишиб ололганларидами, ер улардан меҳрини қизганмасди, бағрини очиб кўрсатарди уларга. Шунда кичкина хирмонга уларнинг ўзлари сира ҳам кўнмасдилар.

Ғурумсаройликлар ҳаётида юз берган бир воқеа ҳозир Аҳмаджоннинг эсига тушди: урушдан кейинги йил эди. Ушанда Акбар ака халққа маслаҳат солиб:

— Ота-бободан қолган қишлоқ ҳозир бизга торлик қилляпти, энди гувала деворга зийнат ярашмай қолди, нима дейсизлар, халқ, кўҳна қишлоқда умр ўтказишга рози бўлаверасизларми, ёки канал этагига янги қишлоқ қуриб кўчиб чиқамизми?— деганда, ҳамма:

— Розимиз, янги қишлоқни бошлайверинг, раис,— деган эди.

Ғурумсаройликларнинг бугун қўлга киритилганига эртага унамайдиган бўлиб қолганликлари Аҳмаджоннинг назарида худди шу янги қишлоқ қуришдан бошлангандай. Шундан кейин икки-икки ярим минг тонна пахтани улар «оз» дейишди, уч минг тонна улар кўзига кичик хирмон бўлиб кўришди. Улар пахта учун катта юриш бошладилар, бу юриш иш тартиби ва маромини, иш қуролларининг эскирган қисмини тамом ўзгартиришни талаб қилди. Акбар аканинг ақли, унинг ўз ибораси билан айтганда, ана шу ерда «шошди», иш тартибини, эскирган қуролларини пахтакорларнинг Аҳмаджон бошлиқ янги авлоди ўзгартирди.

Хўш, кейин нима бўлди? Кейин колхоз яна кенгайди, ғурумсаройликлар беш-беш ярим минг тонна пахта кўтарадиган бўлишди. Илгари хўжаликнинг асосий, ягона тармоғи — пахтачиликнинг бир ўзини ғурумсаройликларнинг ҳаммаси зўрға уддалаганда, ҳар гектар ердан ўттиз центнер ҳосил олган бригада пешқадам дейилар,

бу ҳосил чўққи ҳисобланарди. Энди-чи? Энди ўша чўққи қирқ-эллик беш центнерга кўтарилди. Бундай бригада-лар ўтган йил олтига бўлса, бу йил камда ўнга етади. Шундай қилиб, карвоннинг энг кейингиси ўттиз центнерчи бўлади.

Бу — пахтачилик тарихида энг тез ҳаракат, довулдек қудратли ўзгариш эди. Аҳмаджон бу ҳаракат овозини Сирдарёнинг тошқин вақтидаги ҳайқиригига ўхшатади. Пахтачиликнинг эски усул-тартибига тарафдор бўлганларнинг заиф овози ана шу ҳайқириқ ичига кўмилиб кетди. Баъзи қўрқоқлар ўша вақтда шак келтириб айтганидек, кетмон чопиғи барҳам топгандан кейин ёўза баҳрадан маҳрум бўлгани йўқ, аксинча, баҳр олди, экинни бегона ўт босиб кетгани йўқ, ўт қуриди, ернинг жири қуримади, жир боғлади, ҳосилга барака кирди.

Аҳмаджон буларни чуқурроқ текширган, таҳлил қилган сари тупроқ юзасига чиққан ҳақиқ ярқираб, ҳар ярқираганда орқасида ҳали тахл бузилмаган янги қатламлари кўрингандай бўларди. Ғурумсаройликлар шу янги қатламларни Найманда, Парпи билан Маннон ўзлаштираётган янги ерларда кўрдилар. Уларнинг аҳди яқин тўрт-беш йил ичида бу янги пахта ерини минг гектардан ошириш. Шунда уларнинг кўтарадиган пахта хирмонн ўн минг тонна атрофида бўлади!

«Қизиқ,— деб ўйлади Аҳмаджон,— шу «Москва» колхозининг раҳбарлари ён-верларида, район доирасида ялтилаган ёруғни кўрмасмикинлар-а? Еки ёруғ уларнинг кўзини олармикин? Агар улар ҳам ўн саккиз-йигирма центнерданга рози бўлмаса, яна камда ўн центнерни механизм елкасига ортсами, ер кўтарарди, район хирмонига яна бир ярим минг тонна пахта қўшиларди. Улар нимага шу гавҳарни кўрмайдилар?»

— Еки Ҳошим ака ёмон одамми?— деди у ўзига-ўзи савол бериб:— Йўқ, очиқ кўнгил, ҳалол одам. Лекин...

— Ёмон одам эмас, ёмон ранс!

Аҳмаджоннинг кўз олдида кетмон дастага суяниб, рансга таъна-таадди билан ўқрайиб турган ўша қотма чол гавдаланди, бу сўзларнинг акс садоси қулоғида янгради.

«Булар-ку ҳолва-я,— деб ўйлади у.— Гапнинг аччиқ-роғи районда бўладиган муҳокамада эшитилади...»

Хўш, шу йиғинда у нима дейди? Ғўзани ўтдан ажра-

тиш керак дейдими? Буни ҳамма билади, қайта-қайта эшитган. Яхшиси у мана бундай дейди:

— Гапга энди янги тош қўйсақ дейман, оғайнилар. Ахир тегирмон тошини ҳам вақтида тишлаб турмасангиз, айланади-ю, ун эмас, талқон чиқаради. Бизнинг ғўза устидаги гапимиз ҳам шунга ўхшаб қолди. Ўзини билган одамга, ғўзани ўтга ем қилиб қўйибсан-ку, деган гап қариди энди. Одамлар жонига мунча жавр қилсан, тракторинг нимага юрмайди, раис, деб сўрасақ, шуни текширсак қалай бўларкин? Саратовда ғўзани тунлаб, азонлаб суғортирмабсан, деб раисни нари олиб бориб, бери олиб келамиз, нимага сувчи неча киши, кундузи киму, тунда ким сув тарайди, улар қаерда, қачон дам олади, демаймиз? Қолхозчи далада хом сув ичадими, ёки шийпонда самовар қайнаб турадимиз? Қишлоғи тозами, ободми? Қасалхонаси борми, бўлса ундаи раис хабар олиб турадимиз? Туғадиган хотинлар машинада олиб борилиб, яна уйига келтириб қўйиладими? Қутубхонаси борми, бўлса қанча, қанақа китоби бор? Клуби, музыка асбоблари борми, клуб ёшларининг кўнгил очишига хизмат қиладими, ёки йилига бир-икки марта пиллакурти боқилади-ю, шундан кейин қулфлаб қўйиладими? Радиоси муқим гапирадими? Булар кетидан яна бир савол келиб чиқади: мана шулар нимага бизнинг текшириш шартимизда биринчи ўринга қўйилмаган, ҳатто йўқ? Текширишни шулардан бошлаб, чорвага ҳам, ҳаммамиз ҳануз унутиб келаётган боғдорчиликка ҳам кўз ташласак, шунда ғўза ютқазадими? Амминанки, ғўзага аҳамият ортади, пахта кўнаяди...

II

Шу тонда Аҳмаджон ўзида аллақандай бўшашиш, ҳорғинлик сезди, ўридан туриб қулочини керди. Қани энди ёнғиннасида эллик килограммлик тош бўлса-ю, боши оша кўтариб-кўтариб ташласа, мускуллари ёзилса. Баданидаги ҳорғинлик чиқарди-кетарди.

Этақда, кун худди дарёнинг нариги қирғоғидан кўтарилгандай чўғ гардишининг қиррасини кўрсатди. Пахтазорда аёллар оралаб юрибди. «Булар нега бемаврид экин оралаб қолишди?— деб ташвишланди у.— Ут йўқ эди-ку! Ёки ғўзага касал ораладими?»

У шу ёққа йўл олди. Йўлакай баргларга кўз югур-

тирди. Йўқ, дард чалган барг кўрмади. Ғўза соғлом, бел-боғ бўйи келиб, ҳосилга ётибди, таг шохларидаги кўсақлар болдирга қаттиқ-қаттиқ урилади. Аммо унда-бунда ғўзанинг тепа шохлари гулламабди: паст-баланд.

Демак, Умриниса чеканка бошлабди.

— Ҳорманлар! Бригадир қани?— деб сўради у аёлларга яқин бориб.

— Бор бўлнинг. Умриниса ҳў шийпон этагида,— дейишди улар.

Аҳмаджон юрган йўлида ғўзанинг ҳосилсиз шохлари учини чилпиб, Умринисага яқинлашди. Умриниса гўё мовий денгиз тўлқинлари сиртида қулочлаб сузар, бармоқлари шеригидан бўйини баланд чўзган шох устида югурарди. Аҳмаджон тикилиб қолди. Қани энди рассом бўлса-ю, бу манзарани шу ҳолатида чизса. Таърифи йўқ расм чиқарди-да! Ахир, шу заҳматкаш, чевар бармоқлар, югурик ақл унинг номини Ғурумсарой доирасидан олиб чиқиб, бутун элга танитди. Уша-ўша содда, аммо кўнгли тўла меҳр, садоқат, Олий Совет депутати, йигирма бригада ўртасида энг юқори ҳосил етиштираётган бригадир. Аммо ўзини қишлоқ хотинларининг биттасидан ҳам устун қўймайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ аёллари вафо, муҳаббатда, шарм-ҳаёда, хотинлик ва оналикда ундаи ибрат оладилар. Шунинг учун ҳам аёллар у билан бирга бўлгани, бирга ишлашни ҳавас қилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ халқи ҳар сайловда энг олдин унинг номини тилга олади. Аҳмаджон ҳозир ўз болалигини эслади. У еттинчи синфни битирганда Умриниса тўртинчи синфда эди шекилли, мактабга қизил галстук тақиб келар, партианнинг бир четида жим ўтирар, ўқитувчи сўрасагина рўмолининг учини ҳимариб жавоб берарди. Ҳали-ҳали ўша одат: мажлислами, олдий суҳбатдами, рўмолининг учини ҳимариб, ерга қараб, шошмай гапирди-ю, лекин қалбида ғайрат тўлқини мавж ураётгани кўриниб туради.

— Ҳорманг, ўртоқ бригадир! Иш жуда шитоб-ку,— деди Аҳмаджон ғурурини ичига сиғдиrolмай.

— Ўзингиз ҳорманг. Келинг, расм. Кейинги кунларда маслаҳатга ҳам топиб бўлмай қолди сизин,— деди Умриниса ишдан бош кўтариб.

Аҳмаджон кейинги кунларда чорвани кўнайтириш ва боқининг янги усули ҳақида лекция ўқиш учун Фарғонага борди, у ердан қайтишда янги ердаги бригада-

ларда тўхтаб бир кун туриб қолди, кейин ўзаро текширишда бўлиб, бу бригадага келолмаган эди.

— Сиз борсиз-ку, кўнгил тўқ,— деди у ўзини оқлаб.

Кейин ғўзага разм солиб турди-да:— Чеканка ҳали эрта эмасмикин?— деди.

— Қарасам, ғўза бир текис эмас, ҳосилга ётмаган айрим туллар ўсиб кетяпти. Чиллимасак, эркаклаб кетадиганга ўхшади. Тепасигача ҳозир текис гулламаса, кузда олтинш центнердан пахтани қаердан оламиз, раис?

— Эркаклагани — ҳосил тугмаган, куйманг, Умриниса. Ҳозирги гул, шона октябрнинг пахтаси... Юкимиз бўлса оғир.

Улар шийонга юришди.

— Юкинги енгилдан оғир яхши келади бизга. Эсингиздами, юкимиз енгил бўлганда, ҳозиргидан кўпроқ қийналардик.

— Бу йил август тугамай теримни бошларсиз,— деди Аҳмаджон олдинги кўсақларни чамалаб.

Шийон ва тол тагида беланчак шуича кўп эдики, ясли ходимаси орасидан зўрға ўтарди. Болаларнинг баъзиси ширни уйқуда, баъзиси уйгоғу, бу-булаб алланамалар деб, баъзиси бармоқчалари билан оёғининг бошмалдоғини ўйнаб жим ётибди. Тол тагидаги беланчакда ётган бола Аҳмаджонни кўриш билан қийқириб унга талпинди. Аҳмаджон бармоғини бигиз қилиб, «жим ёт!»— деди кўлиб. Умриниса болани қўлига олиб, икки юзидан чўлп-чўлп ўпди.

— Майдалар ҳам роса кўпайишибди-ку,— деди Аҳмаджон тегишиб ва янги авлоднинг бунчалик кўпайганидан хурсанд бўлиб.

— Раис бува, майда деманг бизни, ҳадемай кўтариб урамиз сизни,— деди ясли ходимаси бола тилидан.

— Ҳа, шулар кўтариб урадиган бўлгунча бор бўлайлик. Ҳаммамиз шуларни деб яшаймиз, шулар омон-эсон улгайса, беармон яшайдиган бўлса, умримиз зое ўтмагани шу. Шундоқми шер?— деди Аҳмаджон кўрсаткич бармоғи билан Умринисанинг қўлидаги боланинг бурнига секингина уриб.— Ҳа, тез катта бўл, раисликин ўшанда сенга топшираман, аммо гердайиб кетмасанг, шартимиз шу, оғайни,— дея кулди. Бола эса ҳамон қийқирар, толппнарди. Раис кейин Умринисадан:— Буларнинг тирикчилиги қандай?— деб сўради.

— Тирикчилиги ёмон бўлса, йиғлаб онасини чақирарди. Қорним тўқ, ёмон эмас десанг-чи, Қаримжон,— деди Умриниса болани суюб.

Аҳмаджон қушдай енгил тортиб кетди. У талпиниб турган Қаримжонни қўлига олиб, оёғини кафтига қўйди-да, қўлидан ушлаганича бир-икки бошидан ошириб кўтарди, бола қийқириб кулди. Қизиқ, кечагина ўзи бола эди, бугун эса «раис бува!»... Вақт шунча тез ўтадимиди-а! У болани беланчакка ётқизди. Қаримжон оёқларини беланчакка уриб яна талпинди. Аҳмаджон қаддини беланчакдан кўтармай, қўлини унга бигиз қилди:

— Тўполон қилма, оғайни, раис деган сипороқ бўлади, билдингми, шер?— деди-да, ўгирилиб, катта-катта қадам ташлаганича ён картага ўтиб кетди.

Умриниса билан бўлган суҳбат, Қаримжоннинг қўлини қанот қилиб осмонга талпиниши икки кундан бери хаёлини банд қилган аччиқ фикрни қувди, ўша қотма чол эса ҳозир рўпарасида қисик кўзларини йилтилатиб жилмаяр, гўё:

— Кўрдингми, қўшни, очик чеҳрага шу гўдак ҳам қўлини қанот қилиб учадп,— дерди.

Шигил кўсаклаган пайкаллар ўртасида Мелиқўзи бошлиқ чопиқ тракторлари юрибди. У ўқариқ бўйлаб шу ёққа келди. Бугун кўринишиданоқ тандирини қизитиб чиққан қуёшнинг заррин нурлари гўза гулларига капалакчалардай қўниб, трактор овозидан хурккандай яна парвоз қиларди. Тикилавериб Аҳмаджоннинг кўзи қамашди. Қизиқ, бу ерга ҳар келганда, у буларни гўё пўлат қанотли от устида кўради-ю, хаёли шуларга эргашиб, нималарнидир излайверади. Қуш қанча баланд учса, ўзини шунча бехатар, эркин, бахтиёр сезади. Инсон-чи? У ўз бахтини ердан излайди. Гурумсаройликларнинг неча-неча авлоди шу бахтни излаб тентиради, омон қайтиб келганлари яна шу ерни чўқилади. Улар бахтни якка-якка излаганлари учун ана шу пўлат қанотли отларга минолмагандирлар-да...

Гурумсаройликларнинг ҳозирги авлоди бир пай бўлиб бирлашмаганда, шу пўлат отларга минмаганда, илм кучини, ғайрат ва ижодни ишга солмаганда, экинни бу йилги табиий офатдан асраб қола олармиди?

— Йўқ!

...Июннинг дастлабки кунлари, гўза қийғос шоналаган, олдинги гулларини намойиш қилган эди. Ҳамма

ғўзага ривож, ҳосил бахш этиш билан банд эди. Аҳмаджон далама-дала юриб, одамларнинг азм-қарорини, шижоатини, экиннинг авжини кўриб қувонар, унда партиянинг коммунизм қуриш Программасини тасдиқлайдиган тарихий съездига гурумсаройликлар пахта тайёрлаш планини бажарди, деб рапорт беради деган ишонч кун-бакун мустаҳкамланарди.

Ногаҳон ҳамманинг таъби тирриқ бўлди. Қайроққум «денгизи» томондан кўтарилиб, Қўқон қум тепаларида қутурган совуқ бўрон Гурумсарой далаларинда увлади, мирзатераклар белни эгиб, мўрт шохларни пўрт учириб, меваларни дув тўкиб ўқирди...

Ғўзанинг аҳволи нима кечди? Наҳотки, партия съезди очиладиган улуг айёмга плани тўлдираман, деган ишонч — инсон азм-қарори пучга чиқса, табиат офатининг кучидан ғолиб келса?

— Йўқ!

Ҳамма, бутун қишлоқ бўронга қарши отланди. Мелиқўзилар трактор устидан тушмади: ғўзанинг икки бағрига юмшоқ, қалин тупроқ тортди, қўй қийи, ўғит билан озиқлантириб турди... Лекин офат қилигини қилган, катта-катта карталардаги ғўза барг ва шохларидан ажраб, қуруқ новда бўлиб қолган эди!..

Пахтакорлар бош чангаллаб, довдираб қолмади. Омон қолган тупларнинг бошини кўтарди, барг ва шохини бўрон узиб кетганларини қайта ривожга келтирди, икки-уч кун деганда қайта экин тугалланди, ҳар туп ғўза тагига ғўнг-ўғит кўмилди...

Ана шу ташвиш, шиддатли кунлар ўтганига икки ой бўлди. Ҳозир Аҳмаджон, мени асра, деб ёлворган ўша ғўзаларнинг кўсагини санаяпти: ҳар тупда ўн бир-ўн иккитадан! Яна камида тўрт-бештадан қўшиш керак! Табиий офатдан инсоннинг ғолиблиги шу да!

Пахтакорнинг баҳору ёз ва кузда тиниб-тинчимаган, серташвиш ҳаракатининг ўзи бахт эмасми?

Аҳмаджон ўқариқ бошига келиб, тут тагида Мелиқўзининг қайтиб келишини кутди. Қизиқ, ошган хамирдай кўпчиб турган тупроқ, ариқда шилдираб оққан сув, шу ғўза гуллари, пўлат тусли кўсақлари, яйловдаги қўй-қўзининг ялтираган юнги, сигир елинидан қуйилган сут — ҳаммаси-ҳаммаси унга бахт нишонлари бўлиб кўринади. Аммо буларнинг барини яна

кўпайтириш, кейин йигиб-терк, умумий оморга солиш, шу йўлда куйиб-ёнишнинг ўзи бахт эмасми? Хўш, буларни ким яратди? Мана булар,— деди у механизаторларга қараб.— Хўш, булар кам эмасми? Кам, ҳали жуда кам! Шу бахт карвонининг ёрқин маёқларини кўпайтириш... Энди асосий вазифа шу!

Мелиқўзи тракторни қайтариб тўхтатди.

— Соғлиқ, кайф қалай, ўртоқ маёқ?— деди Аҳмаджон қўлини олиб.

— Соғлиқ яхши, кайф жойида. Чўпонларнинг баҳорги вазифаси қўй-эчкини кўпроқ болалатиш, бизники — ҳозир ғўзанинг ҳомиласини кўпайтириш — кўпроқ кўсак туғдириш. Кўриб турибсиз-ку.

— Кўриб турибман. Маёқлар шиори шу де, шер,— деди раис ва унинг қўлини қаттиқ қисди.

Мелиқўзи ҳайрон бўлди. Раис бугун беҳад хурсанд. Пойгада улоқни тўдадан биринчи ўнгариб чиққан, маррага биринчи етиб келган чавандозга ўхшайди. «Нима, бор кучини қўлига йиғиб келдимиз бу?»

— Аямайдиганми, оғайни?

— Жош оғридимиз, полвон? Кечирасан, дўстим, бугун шунақароқман,— деди Аҳмаджон. Аммо Мелиқўзининг юзига тикилиб қолди:— Ҳа, кўсакни кўпроқ туғдиру, аммо соқолни ўз майлига бунақа қўйиб юборма, шер, маёққа ярашмайди... Мана бизнинг сержант ҳам етиб келди. Энди бизга жавоб,— деди у, тутлар орасидаги йўлдан чиқиб келган «Волга»га қараб.

— Қаёққа?

— Пунгонга.

III

Сирдарё бўйида, тожикларнинг ўзбекларга, ўзбекларнинг тожикларга бориб келадиган йўли устидаги бекатни қадимдан Пунгон дейишган. Бу қишлоқ дастлаб бино бўлгандан бери неча марта ўзгарган, эскиси ўрнида янгиси яратилган, лекин ота-боболар атаган шу ном сақланган. Қишлоқнинг олдингисига доя бўлган кексалар кейингиси қандақа туғиларкин деб ташвиш тортиган, янгининг чиройини кўриб сўюрган.

Оилада нобоп ўғил ҳам ўсади. Шу ўғил элга бош бўлиб қолса, оталарнинг яхши таомили оёқ ости бўлади. У ота эккан дарахтни кесади-ю, ўрнига экмайди, у тўпланган бойликни совуради-ю, ўрнига йиғмайди.

Пунгон бу сафарги қайта тугилгани олдида шу кўргиликка йўлиқди. Ҳамқишлоқлари Қобилга ишониб панд едилар. Халқ омборидан барака кетди, у машаққат билан барпо қилган, кўз қорачиғидай асраб ўстирган хўжалик бир неча йилда абгор ҳолга тушди, халқ кучини аямай ишга солган ер ташландиқ бўлиб қолди. Даромад чиқмагандан кейин аҳолининг бир қисми қишлоқни ташлаб бошқа колхозларга ўтиб кетди. Халқнинг сабр косаси тугади, Қобилни бадном қилди...

Чўкиб қолган хўжаликни оёққа турғизиш осонми?

Қишлоқ кексалари йиғилиб маслаҳат қилишди: Ғурумсаройликларга илтимос қилсак оиласига олмасмикин?

... Аҳмаджон Пунгонга биринчи марта раис сифатида келганда юраги орқасига тортиб кетди: девори қулаган ҳовлплар, томи қийшайган уйлар, шудгор қилинмаган ер, дуруст озиқ емаган ингириш сигир, отлар, бўшаб қолган омбор... Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Аммо ғурумсаройликларнинг бағри кенг: энди бир қишлоқ, бир рўзгормиз, биримиз тўқ, биримиз оч туролмаймиз, дейишди улар.

Пунгоннинг кейинги туғилгани ана шундан бошланди. Хўжалик тизгинини қўлга ушлаганига бир йилгина бўлган ёш раис шу участкада ётиб олди: машиналарда кетма-кет қурилиш материаллари келтирилди, бўлғуси қишлоқ ўрни аниқланиб, лойиҳа тузилди... Шу-шу одамлар, раис, қаёққа дейишса, Аҳмаджон, Пунгонга дсйдиган бўлиб қолди.

...Бугун у тепасида ўзи доялик қилган қишлоқ уйлари айланиб, тўрт йил ичида бино бўлган жойларни, аҳолининг хушвақт ҳаётини, уларнинг азм-қарорини кўриб, ишончи яна мустаҳкамланди. Ахир, булар тўрт йил олдин гектарига ўн беш центнер пахтани оғир юк дер эдилар, энди эса ўттиз центнер кифоя бўлмай қолди, 35 — 40 центнерни мўлжалга олишяпти. У ана шу руҳий енгиллик билан чарчаганини, чанқаганини ҳам сезмасди. Кун эса тандирини қиздиргандан қиздирар, дашт томондан гўё олов пуркарди.

Қишлоқ ўртасидан Қўқонга кесиб ўтган янги йўл чорраҳасига чиққанда юқоридан мотоциклни тариллатиб Салим келиб қолди. У мотоциклни муюлишда, пасткам, кўримсиз чойхона дамида тўхтатди.

— Сизни изма-из қувиб келдим, раис,— деди у,

ҳансираб, рӯмолчаси билан юз ва бўйнига қуйилган терни артиб.— Шу қисталангда денг, каллага бир фикр келиб қолди. Сизга айтмасам тинчимайман шекилли. Томоқ тақиллаб кетди. Сиз ҳам чойга роса талабгордирсиз. Бирор соат дам олайлик, бу ерда эмас, ҳу, дарё бўйидаги тол тагида.— У раисни шу ёққа бошлади.

Тол тагига палос тўшалган, якандоз солинган. Аҳмаджон ўзини якандоз устига ташлади. Салим дарё лабига кетди. Сир гўё секин жилади, лекин гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида чуқурчалар ҳосил бўлади-да, туйқисдан қўпол, ваҳимали товуш чиқариб қалдирайди, қирғоққа нам салқин шабада пуркайди.

Салим кўзача кўтариб келди. Аҳмаджон буни ё мусаллас, ё қимиз деб ўйлади. Пиёлага қултиллаб тушганда кўрди: тиниқ яхна.

— Мазза, а?— деди Салим аллақандай ғурур билан,— бизда бундақа кўзалар оз эмас. Мотоциклга кўндираману далага учаман. Универсалчи трактордан тушмай, бир косасини симиради-ю, юрагидаги ҳарорат чиқади-кетди. Яхши ишга хизмат,— деди у пиёлани раисга узатиб.— Улар билан договоримиз шундақа. Қалай, баданни яйратдими?

Пиёлани унга қайтариб узатар экан, Аҳмаджон ҳозир ўша Салим учар билан шу тadbирли, меҳрибон дўстни таққосларди.

...Экиш бошланган вақт эди. Пунгон участкасида иш юришавермади: бошқа участкаларда универсаллар бетўхтов ишлайди-ю, кундузи ишлаган трактор бу ерда нимагадир эрталаб ишламай қолади, бунинг устига, гоҳ вақтида сув етказиб берилмайди, гоҳ мой. Автол нима деган нарса, шу ҳам баҳона, экипаж соатлаб бекор туради.

Устига-устак чигит экиладиган карталарда ер текисланмаган. Хуллас, экиш хавф остида қолди. Аҳмаджон бу янги участкани ўз қўлига олди: бульдозер олиб келиб карталарнинг дўнг жойларини сурдирди, кундузи экиш тепасида, кечаси механизаторлар ёнида бўлди.

Ана шу қийин кунларнинг бирида у кечаси участка идорасида бригадирлар, экипаж ходимлари билан кундузги ишга якун ясаб, тонгдан бошланадиган ишга одамларни тақсимлади. Ҳамма тарқалиб кетди. У идора олдида, очиқликдаги катга ёнбошлади. Наридани

чойхонадан чиққан маст одамларнинг телва-тескари баҳси, бир-бирини сўккани эшитилди. Аҳмаджон шу ёққа қараб ётди. Орадан чорак соатча ўтгач, оидинда ғўлабир одамнинг қораси кўринди. У шу ёққа келарди. Раис қаддини кўтарди.

— Ҳа, раис, ишни юргизолмай, якка ўзинг бошингни ушлаб ётибсанми? Овора бўлмай қўя қол, юргизолмайсан!— деди ғўлабир яқинроқ келиб.

Аҳмаджон таниди: Салим. Бу атрофда ҳамманинг юрагини олган, зўравон номи билан донг таратган Салим. Пунгонликларнинг айтишича, у болалигида етим қолган, кўп вақт бошқа жойларда тентираб юрган, умр бўйи меҳнатсиз кун ўтказган. «Буни ишга солишибди. Қани кўрайлик-чи». Раиснинг ҳам зардаси тутди: тўнг саволга тўнг жавоб!

— Биринчидан,— деди у,— раис бўлгаимдан кейин овора бўлмасликка ҳаққим йўқ, полвон. Хўш, бунинг сизга нима дахли, нима оғирлиги бор?

— Нима дахли бор эмиш-а! Гапига қаранг! Шу жойлик бўлармишману, дахли бўлмас эмиш. Қани, яна нима дейсан?

— Ҳеч нима демайман. Шу жойлик бўлсангиз ҳамқишлоқларингизнинг ёнига киринг, меҳнат қилинг, нопингиз ҳалол бўлади, тинч ухлайсиз.

— Нима-нима? Яна бир қайтар! Вой валломат-эй. Тинч ухлайсан дедингми? Ишламасам-чи, тинч ухлатмайсанми? Сени деб азиз жонимни қийнайми? Ўтмай қолган кушим борми? Хўш, айт-чи!

— Айтадиганимни айтдим, бу ер жонини қийнаб азиз қиладиганлар жойи. Шунга хоҳламасангиз, катта кўча, истаган жойингизда айшингизни сураверинг, полвон.

— Вой занғар-эй, ҳали кет ҳам дейсан шекилли?

— Ҳа, деяпман-ку. Бу ерда бундан буёқ текинга яшаб бўлмайди. Қаноатландингизми?

— Ҳали шунақа зўрман дегин?— деди Салим худди безгак хуруж қилгандай қалтираб.

— Ҳа, зўрга зўрман. Эшитмаганмидингиз?

— Белингни шундай ушласам, қовурғанг синади, бола! Қовурғанг ортиқчалик қилиб турганга ўхшайди, тур ўрнидан бўлмаса!— Салим белбоғини устидан боғлади.— Сени гижимлаб бир хумордан чиқай. Тагингга тушсам, қулоғимни кесиб ташлайман. Қани тур!

— Майли,— деди Аҳмаджон. Белбоғини салққ боғлаб, шошмай катдан тушди,— қулоғингиз омон қолсин, чиноқ одам кўзга жуда хунук кўринади. Қани келинг, олдин сиз ушланг,— деди яқин келиб.

Салим ҳайрон қолди: «Занғарнинг юраги тоғми дейман» деб ўйлади у. Этигининг қўнжига қўл солиб пичоқ чиқарди. Ой шуъласида дудаманинг тиглари ялтираб кетди. Пичоқнинг дастасидан ушлаб бир-икки айлантирди-да, ғалати тиржайди. Аҳмаджоннинг кўзи унинг қўлида эди. Агар пичоқ солмоқчи бўлса, биллагининг бўғинига шартта чангал солади-ю, қаттиқ сиқали, дудама шиқ этиб оёғи тагига тушади. Кейин... кейин чаккасига оғир мушт туширади. Аммо ҳозир Салимнинг юрагига тантилик ҳисси уйғондими, ҳар қалай пичоқни четга иргитди.

Улар бел ушлашди. Эл уйқуга кетган жим тунда кураш бошланди. Гоҳ унисси, гоҳ буниси, бир-бирининг белини тортиб, ер топтаб, суриб, бир-бирига бел бермай узоқ курашди. Охири Аҳмаджоннинг чўян қўли бақувватлик қилди, унинг белини маҳкам сиқиб, эгиб келди-да, даст кўтарди, кўкракка олиб туриб, заранг ерга гурс этиб ташлади. Салим қаддини кўтаролмай хийлагача чалқанча ётди. Кейин мухолифи елкасидан кўтариб, турғизиб қўйди. Иккаласи бетма-бет туриб қолди. Салимнинг кўнглидаги ҳайвоний ҳис ғалаба қилди, бутун кучини йиғиб, Аҳмаджоннинг бўйнига туширди, лекин у қўлини қайта кўтаришга улгуролмади, жавобига чаккаси аралаш чўқмор мушт тушди, гандираклар бориб йиқилди. Аҳмаджон ҳозир вужудида ғалаба қилган жоҳил туйғунни босди. Уни яна турғизиб қўйди. Лекин, Салим бу сафар бетма-бет бўлолмади, ўғрининг кети қувиш дегандек, йўл четига чиқиб олиб жўнади.

— Пичоғингизни олиб кетинг, полвон, балки бошқа жойда қулоғингизни кесиб ташларсиз,— деди кетидан. Аммо Салим қарамади, фақат:

— Лекин зўр йигит экансан,— деди.

— Ҳа, зўрга зўрман. Бир гап эсимдан чиқибди, эшитиб қўйинг.

— Ўғрининг каттаси бориб-бориб очдан ўлади,— деди орқасидан қаттиқ қичқириб.

Салим кетди. Аҳмаджон кетидан бирпас қараб турди. Кейин келиб катга яна ёнбошлади. Қишлоқ чети-

даги ҳовлилардан бирида қўноқдаги хўроз чўзиб қичқирди. Кейин дарё бўйидаги маҳалла итлари аллақимнинг кетидан ҳуриб югурди. Аҳмаджон шу томонга караб ётди...

Қишлоқда яна сукунат ҳукмрон бўлди. Ой ҳамон тунги йўлида аста сузарди. Аллақандай ғашлик Аҳмаджоннинг юрагини тирнар, кўз юмдирмасди. Хайриятки, бу ярамас манзара тунда, ҳамма уйқуга кетганда юз берди, ҳеч ким кўрмади. Бирор кимса кўрган бўлса-чи? Раис саёқ-ўғри билан курашди, муштлашди, дейди-да!..

«Зўр йигит экансан,— дея Салимнинг сўзини такрорлади у.— Бу нима дегани? Тан берганими, ёки ҳали...»

Ой ҳамон аста сузади. Этак томонда дарёнинг баҳорги тошқинда ваҳимали ҳайқириви эшитилди, холос...

У ётолмади, турди. Узи эндигина Салимнинг елкасидан кўтариб турғазиб қўйган майдончадан юрди. Нариди, ариқ лабида Салимнинг дудамаси ой шуъласида ялтираб ётарди. Этигининг тумшуги билан уни тепиб юборди. Пичоқ шалоп этиб ариққа тушди. Аҳмаджон ариқдан сакраб ўтди-да, катта йўлга чиқиб олиб, дарё томон юрди. Ҳозир у хаёлининг учини тутолмас, ғашлик эса тобора кучайиб, юрагини баттар тирнарди. Қўриқ устига келиб, панжарага суянганича безовта дарёга тикилиб турди. Дарё ўкнириб, қирғоққа сапчиб яна орқасига қайтарди. Ҳозир у Салимнинг ёввойи кучини сувнинг аиа шу телба, лекин қоядан ожиз сапчишнга ўхшатди.

«...Агар шу тан бергани бўлса,— деб ўйлади у,— қайтиб келади. Қелармикин? Тошқиндан кейин Сир пасайганидек, тинч ҳаёт оқимга қўшилармикин? Тавба, шу одамлар оламга келиб ёмон шухрат билан кун ўтказганига хурсандмикин-а?! Ахир, нимага... ҳаёт мунча қийин, мунча мураккаб, мунча ширин-а! Салимлар шуни тушунмайди-да. Тушунса-ку...»

Салим икки йил дом-дараксиз кетди. Лекин у Аҳмаджоннинг кўнглидан кўтарилмади.

Айни баҳор палласи эди. Тигиз, қисталанг кунлар: кундуз кунлари раисни қишлоқ ичида учратолмайсиз. У экиш иалласида гоҳ Тепақўрғону Пунгонда, гоҳ дарёнинг нариги ёғида — Қизил машина билан ўрай-

да бўлади, кечалари эса идорада пилла қурти тутувчи звено ва айрим колхозчиларга қурт уруғи тақсимлаш билан машғул бўлади. Ана шу кунлардан бирида Салим қишлоқда пайдо бўлди. Аҳмаджон уруғни тақсимлаб бўлди, келган колхозчилар ва бригадирларнинг ишини битирди. Ёнидаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб энди кўтарган эди, эшикни биров қия очиб бошини суқди.

— Майлими?

Аҳмаджон қаради. Салим кабинетга кириб, рўпарада гоз турарди. Раис тикилиб, ҳайрон бўлди, ранги ўзгарган, от сағрига ўхшаган елкаси ихчамлашган эди. «Шу бемаҳалда қаёқдан пайдо бўлди бу?— дея хаёлидан ўтказди у.— Йиқилган курашга тўймас. Идорада яна нохушлик бошланмаса эди».

Йўқ, Салим ўрнидан жилмай турарди. Раис туриб унга қўл узатди.

— Келинг, полвон! Саломатмисиз? Қайси шамол учирди, қаерлардан сўрайлик? Ўзингиз ҳам дейман бизни жуда унутиб юбордингизу-а? Қани, ўтиринг.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибди дерсиз, балки? Хўп десангиз, икки оғиз гапим бор. Майлими?— деди Салим тўнининг барини йиғиб стулга ўтирар экан.

— Майли, гапиринг, қулоғим сизда,— деди раис унга чой узатиб.

Аҳмаджон келиб жойига ўтирди, яна меҳмонга тикилди: «Кўнглида кеки йўқдек. Қани, гапирсин-чи...»

— Ҳалол гап шуки, очдан ўлганим йўқ, раис, аммо ўлмоқдан берироқ бўлдим. Яъни уст-бош бут, емоққа-ичмоққа бору ичга тушмайди. Оёғимни қаёққа боссам, ёниб куйдираётгандай. Агар сиғинди демасангиз, ихтиёримни сизларга топширгани келдим.

— Биринчидан,— деди Аҳмаджон кулпб,— биз пир эмасмизки, ўзимизга сиғинтирсак, иккинчидан, ихтиёрингиз ўзингизда тураверсин, учинчидан, полвон қайтиб келиб жуда соз қилибсиз. Бирга бўламиз, тинч, бехатар меҳнат, кенг далада курашаверамиз.

Салим жағининг таноби қочиб жилмайди.

— Гап мана бундоқ бўпти, ҳозирча хайр, оға.

Мана энди ўша Салим колхознинг жонкуярларидан, тишиб-тинчимас, абжир активлардан бири. Бирор муҳим гапи бордирки, изма-из раис орқасидан юрибди, уни бу

ерга бошлаб келди. Қани қулоқ солайлик-чи, нима деркин, нима янгилик топдйкин?

У кўзадан пиёлага қул-қуллатиб яхна қуйиб секин ичди. Кейин лабини артиб нимагадир чуқур хўрсинди, сўзни битталаб тергандай гапида давом этди:

— Ўз қўлингда дамлаб, тинитган шу яхнага нима етсин. Майшат деб, шунчаки еб-ичаверган эканмиз. Муродингнинг тагини ўзинг кўриб турмаганингдан кейин фақат шу бугунни ўйлаб қолар экансан... Э воҳ, бемурод ўтган умр сувдек ўтди-кетди. Ўзингга ўзинг ҳисоб берадиган бўлганингда эса алам қилар экан, ошна,— деди у ўкинч билан. Кейин янги қишлоққа қараб турди-да, юз-кўзига аллақандай чирой югурди.— Ҳа, ўзгардик,— деди у.— Сизни қидиртирган фикр калламга маиа шу ерда келди. Гоҳ шу ерда ўтириб ўйлаб кетаман. Тошкентдан водийга қанча-қанча одам мана шу ерни босиб ўтади. Ҳаммаси шу кўприк олдида жиндак тўхтаб, у ёқ-бу ёққа кўз ташлайди, бирпас роҳат қиладиган жой кўрмай, поилож ўтиб кетади. Қараб тураману, ўксиниб кетаман денг. Мапа шу ерга дейман, пишиқ ғиштдан катта бино солинса, таги ошхона, чойхона, усти меҳмонхона бўлса... мана бу ерда гуллар очилиб, дарё шабадаси ҳидини димоғнингизга елпиб турса, атрофида арчалар кўзни қувонтириб яшиаб турса... Қалай? Эй, роҳатижон жой бўлади-да... Чинакам жаннат шу ер бўлади десам асти ёлғон бўлмайди!.. Хўш, қалай? Нимага ўйлаб қолдингиз? Бўлмайдими? Ё кучимиз етмайдими?

Ҳа, Аҳмаджон унинг бу хаёлда йўқ планини эшитиб ўйланиб қолган эди. Салим шундай гапирди, шундай тасвирлаб бердики, гўё бино битгану ҳозир у томоша қилиб ўтирарди. «Лекин,— деб ўйлайди у,— ажойиб фикр. Пунгон илгарги шунчаки бекат бўлган бўлса, эндигиси ҳамманинг ҳавасини келтиради».

— Етади, нега етмасин,— деди Аҳмаджон Салимга меҳр кўзини тикиб,— етади! Аммо,— деди у ўрнидан туриб, гўё бино ўрнини кўз билан чамалаб,— ишни тез бошлаш керак. Хўш, буни ким бажаради?

— Қим бўларди, фақир-да,— деди кулиб Салим.

— Механизаторлар ишини ким бошқаради?

— Бундан кўнгилни тўқ қилаверинг.

— Бўпти,— деди Аҳмаджон ёнма-ён турган Салимнинг елкасига қўл ташлаб.— Эртагаёқ буйруқ оласиз.

Улар хайрлашди.

— Энди сержант, сиз Фурумсаройга бораверинг, эрталаб кўришамиз,—деди раис шофер Нурматжонга.— Биз сиз ўтолмайдиган йўллардан юрамиз.

У дарё бўйлаб отлиқ йўл олди. Отдан тушиб, эгат оралаганда, гўза кўсақлари, гулини санаганда ҳам, колхозчилар билан суҳбат қурганда ҳам, чала иш учун бригадирларга таибеҳ берганда ҳам Салимнинг ўз ўтмишини лаънатлаган сўзлари қулоғида такрорланди. Унинг плани хаёлида улғайиб, мукамаллашиб борди. Бугун назарида хаёли чинакам қанот чиқарган кун бўлди, гўё бутун Фурумсарой одамларининг кўнгил қулфи очилди-ю, у ҳамма-ҳаммасини кўрди.

У Тешақўрғон этагига келганда, шу парвоз қилаётган хаёл, катта план, шу қувонч ногаҳон сочилди-кетди. Дарё лабида икки-уч шолизор. Бир вақтлар шу ердаги колхознинг донгдор механизатори бўлиб эл ҳурматини қозонган, кейин эса енгил-елпи турмуш кечириниш йўлига ўтиб олгани учун назар-эътибордан қолган Теша жиккак хотини, йигит ўғли билан тиззасидан сув кечиб шоли ўтаб юрибди. Ахир, у хуфя қассоблик қилди, бирни иккига сотиб колхозчиларнинг пулини шилди, оғизга тушгандан кейин юз қасам ичиб, колхозда ишлаган бўлди. Бу йил эса, ўзига, хотинига ҳам аллақандай йўл билан «жисмоний меҳнатга яроқсиз» деган справкани оливолди. Торморқа, бунинг устига, мапа бу ўғринча экилган шоли озмунча жисмоний куч талаб қиладими? Вой қаллоб-эй! Яна устига, битта айиқчалик кучи бор ўғли далада бир кун кўринса, икки кун ғойиб бўлади. Аҳмаджоннинг ғазаби келди. «Йўқ,— деб ўйлади,— қўйиб берсанг, булар йўлимизга тош ташлайди, қадамимизни секинлатади».

«Ҳорманг» дейишга ҳатто тили айлазмади, ўз одатига хилоф тарзда от устида туриб гаплашди:

— Иззат қилган сари қитмирликни уччига чиқаряпсиз, Тешавой ака,— деди отни уватда тўхтатиб,— назаримда, бизнинг тўдамизда юролмайсиз шекилли.

— Сабаби тирикчилик, экдим. Нима, ўл дейсизми энди,— дейди Теша гезариб.

— Йўқ, биз ўлманг деймиз, бироқ мана бу ишингиз ўзингизни ўл деяпти.

— Меҳнат қилиб, ундириб есам гуноҳми?

— Ҳа, гуноҳ! Ошкора эмас, кўпчилик ерида ўғринча меҳнат қиляпсиз. Бу ҳам бир гўр-а,— деди Аҳмаджон унинг ўғли Шодига қараб,— ўзингиз-ку ҳаром билан ҳалолни фарқ қилмайдиган бўлиб қолдингиз. Аммо мана бу йигит ўғлингизни ҳам шу ҳаром йўлга тортди, унинг бахтини ўғирлаяпсиз. Билдингизми?

— Ҳали буни ҳам менга тескари қилиб қўймайсизми?

— Тушунса, ё ўзи сизга тескари ўгирилади, ёки сизни инсофга келтиради,— деди-да, отнинг жиловини буриб қамчи босди.

«Хўш, колхозда Теша якками?— деб ўйлади у йўл-йўлакай.— Йўқ, якка эмас, кўп ҳам эмас. Аммо улар кўпчиликнинг жон куйдираётганини томоша қилиб ўтиради-ю... Бўлмаса, нимага улар келгуси роҳатнинг ҳозирги машаққатидан ўзларини четга оладилар? Уларнинг шундай бўлиб қолганликларига ўзларинга айб-лими? Пахта етиштиришдан, сут соғиб олиш, молни семиртириб, гўштни кўпайтиришдан, янги қишлоқ қуришдан ҳам қийин, бошни қотирадиган чигал иш шуми? Колхозимиз юксалаяпти, деб нуқул хўжалик билан овора бўлиб, одамларни, шу хўжаликни бино қилган, упи олға элтаётган кишиларга қарашни унутиб қўймадимизки? Машаққатдан қочганларнинг назардан қолганлиги учун правление, партия ташкилоти бизлар ҳам айбли эмас-мизми, ахир! Улар онадан шундай бўлиб туғилмаган-ку!»

Дашт томондан велосипед минган биров тушиб Тепақўрғон йўлига бурилди. Аҳмаджон қаршисидан келаётган бу кишини таниди: Улмас бува. Етмишга етай деб қолган шу мўйсафид ўз қўли билан бахт яратиш ишқида яшайди. Ахир, ҳеч қим унга бува, мана бу ишни қилинг демайди, аммо унинг ҳали бузуқ тракторни созлаб турганини, ҳали мотори ишдан чиқиб дарёдан сув ололмай қолган насосни тузатиб турганини кўрасиз. Шийпонда чой қайнатиб ўтириш, трактор далада профилактика қилинганда, бирор қисми ишдан чиққанда ёш механизаторларга маслаҳат бериш ўша Тешавойнинг қўлидан келмайдими? Жуда яхши келади, лекин хоҳламайди. Ҳамма бало шунда.

— Ҳа, кўрганинг яхши, назардан четда қолмайди. Лекин уларни кўриш, дашном беришнинг ўзи кифоя қилмайди, уларнинг юрагини кўриш керак, шунда дарди аён бўлади, кор қиладиган дориси шунда топилади,

рапс,— деди Ўлмас бува Аҳмаджоннинг гапни эшитгандан кейин.

Кечқурун партия комитетининг мажлисида шу масала — одамларнинг юрагига кириш масаласи муҳокама қилинди.

V

Хўн қизик таомили бор-да, поплик рансларнинг. Аввал баҳордан кеч кузгача улар бир-бирининг тутумига кўз-қулоқ бўлишади. Бир хўжаликда бугун яратилган муҳим янгилик эртасига бутун районга тарқалади, шу борди-келдида очилган хато, камчилик устида бир-бирларига айтадиган гаплар эса сўлқилдоқ новдага айланади.

Новданинг учи бугун кимга тегаркин? Тажрибакор, ҳурматли ранс Тожибой акагами? Ана, у иккинчи қаторда, нимагадир бошмалдоғининг учи билан чаккасини босиб ўтирибди. Балки у қишлоқ батраклари, камбағалларининг боши қовушиб колхоз бўлган, нимадан бошлашни билмай довдираган, ҳаммалари белга биттадан нонни боғлаб, далага чиққан, ҳатто кузда кимга қанча даромад тегишининг ҳисобини чиқаролмай тажани бўлган йилларни, етакка ўрганган гўдакдек район вакилини кутган, туртиниб, қоқилиб оёққа босган йилларини ҳозиргига, нияда эндигина битта-иккита тук кўрипган ўша Тожибойни шу бақувват мўйсафидга, мана бу ишбилармон, оқил раисларга таққослаб ўтиргандир?

Пиримназар-чи? У Тожибой аканинг орқасидаги қаторда, қирғий қараш қилиб уйғурликлар раиси Турдналиевни кўз остига оляпти. Нариги қаторда сангликларнинг янги ердаги бригадир, пешқадам механизатор Турғун Жумаев билан унинг гурумсаройлик қўшнисси Парпи Хўжаев бир-бирига ниманидир уқтирарди, афтидан, улар янги ер очишда орттирган тажрибаларини ўртоқлашарди.

Ҳошим Бобоҳўжаев безовта. Аҳмаджонга қараб-қараб бошини қашийди... У Пиримназарнинг қулоғига шивирлаб ҳасрат қилди:

— Қўшинадан доғман, жўра. Биласанми, орага тушиб қолганимда ёнимни олиш ўрнига, бу валад дегин...

— Тушундим,— чўрт кесди Парлиев ва унга қирғий қараш билан тикилди.— Сиз камбағалга қийин. Аммо

Ўзингиз ўйлаб кўринг, қўшниси барабар қадам ташла-
ёлмагандан кейин унга ҳам осон эмас-да. Билиб қў-
йингки, эндиям имиллайверсангиз чегаранинг аҳамияти
қолмайди, шундоқ ўтади-ю, белингиздан маҳкам боғлаб
олиб сизни ўз ёнида қаттиқ югуртиради. Сезиб туриб-
ман, сизга жуда қийин бўлди...

Райком секретари, бюро аъзолари кириб келди.
Улар ёнида Попга ҳеч келмаган нотаниш одам ҳам бор.
Ўзаро суҳбат тинди. Аҳмаджон меҳмонни қаердадир
кўргандай, Тошкентда эди шекилли.

— Таклиф бор, ўртоқлар,— деди секретарь,— ҳозир
шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш
ҳақида марказдан келган лектор ўртоғимизнинг лекция-
сини эшитсак, мияни пешлаб олиб, танаффусдан ке-
йин ўзаро текшириш яқунларининг муҳокамасини бош-
ласак. Қаршилар йўқдир-а?

У лекторга сўз бериб, ўтирди. Лектор минбарга кел-
ди, пешанасига тушиб турган соч толасини фарқига кў-
тариб қўйди-да, сўз бошлади.

Лекциянинг кириш, назарий қисми Аҳмаджоннинг
эътиборини унча тортмади, у гоҳ лекторнинг қўл ҳара-
катиغا, ўз сўзининг маъносидан ўзи руҳланиб, жўшиб
гапиришига, гоҳ ёнидагиларга қараб ўтирди. Лекин лек-
тор қишлоқда, деҳқон ҳаётида юз берган буюк ўзга-
ришларни айтиб, эски қишлоқ билан ҳозирги, янги қиш-
лоқдаги меҳнат шароитини бир-бирига таққослаганда,
унинг кўз олдига Акбар ака ва унинг бундан беш йил
олдиди ўша изғиринли тундаги ҳикояси келди, шу ҳаёт
тўлқинлари уни забтига олди-кетди. Улмас буваннинг
насос қуриб, дарёдан тортиб олган суви, қишлоққа
дастлаб келган трактор, дастлабки механизаторлар, ун-
дан кейин колхознинг ўз МТСи, машиналари... кейин
шу гурумсаройлик Мелиқўзи кунига машинада ўн икки-
ўн уч тоннадан пахта териб, бошлаб берган ҳаракат...

-- Лекин, ўртоқлар,— деди лектор,— санаатдаги
меҳнат шароити билан қишлоқдаги шароити ўртасидаги
фарқ ҳали катта. Бу фарқни йўқотиш учун яқин йиллар
ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотини ҳозиргача кўрил-
маган тез суръат билан кўпайтириш, меҳнат унумини
ошириш лозим. Бу улуғ ишнинг калити машина... Ҳа,
қишлоқда машинани яна ҳам кўпайтириш, ундан яхши
фойдаланиш керак.

«Мен излаб юрган калитни айтаётгани йўқми? Ҳа,

ўша калит шу,— деб ўйлади Аҳмаджон.— Хўш, машина яна кўпаяди, хўш, кейин-чи? У ўзи юрмайди-ку, оғайни? Қани, бу ёғини эштайлик-чи?..»

—...Қишлоқда шундай меҳнат шароитини вужудга келтириш керакки, бунинг натижасида ҳамма колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг чинакам ташаббуси ва ҳиммати яшнасин, қанот ростлаб учадиган бўлсин!..

«Хўш, оғайним, лектор, колхозчи ташаббусининг қаноти машинами?.. Эҳ, оламда ўйлайдиган, бош қотирадиган гап кўп экан...»

Аҳмаджон лекциянинг тугаганини ҳам билмай қолди.

Ташқарида раислар суҳбати қнзиган эди. У яқин борди.

— Кўп мағизини чақадиган гап бўлди-да,— деди Пиримназар.— Мамажон ака ҳам чакана эмас, аввал, мияга озиқ бериб, ҳосилини танаффусдан кейин сўрамоқчи. Билиб қўйингки, Ҳошимбой, қўшнингиз Турдиалиев иккалангиз ташаббусга қанот боғламасангиз тўдадан ажраб қоласиз. Ҳозир залга кириб, шунга ё «қа», ё «йўқ» дейсиз. Юрак ютингу «қа» денг, «йўқ» деманг.

— Йўқ деса-чи, унда нима бўлади?— деди «Правда» колхозининг раиси Абдуллажон ака.

— Нима бўларди. Попда ўзига «қариндош» тополмаганини тан олган бўлади.

— Ҳой, имонсизлар, сенларга бир гапни айтиб бўлмайди дейман-а,— деди Ҳошим кулиб.

Бобохўжаев хўп содда одам-да. Ўз бошига тушадиган калтакни буларга ўзи келтириб беради. Ўтган йили Фарғонага борганда пешқадам колхоз раисларидан бири:

— Қариндошларни бир кўриб кетай дебсиз-да, Ҳошим ака, ҳа, соз,— дебди.

Ҳошим илмоқли гапнинг тагига дарров етолмай сўрабди:

— Қанақа қариндош?

— Центрдош қариндошларингиз бу ёқда-ку, деяпман.

Шу гап бир йилдан бери гоҳ ҳазил, гоҳ чин тарзида Ҳошимнинг ўз бошига калтак бўлиб тушадди...

— Ҳа, бугун оғзингга талқон солиб олдинг, йигит?— деди Абдуллажон ака Аҳмаджонга ўгирилиб.

— Мияга кирган янги озиқни ҳазм қиляпман.

— Унинг гапи Турдиалиев билан менга келади. Тўдалиқлар билан хўжаободликлар олдида ғинг деёлмайди, жўрам, тили қисиқ,— деди Ҳошим Пиримназар билан Абдуллажон акани ўзига паноҳ тортиб.

— Ётоқ отнинг юки енгил бўлади, Ҳошим ака,— деди Аҳмаджон унга жавоб бериб,— тўгри, булар билан бир-икки центнер фарқимиз бор. Бу йил елкамизга оғирроқ юк олдик, тенглашиб оламиз. Аммо Пирим ака билан Абдуллажон ака пахта майдонини қачон минг гектардан оширади? Нимага «Найман»да очилаётган янги ерни тезроқ кенгайтирмайди булар?.. Хўш, ўзингиз-чи?..

— Ҳой тинмас,— деди Абдуллажон,— муҳокамада текшириш якуни бу ёқда қолиб, шу гапни бошламайсанми, ҳали?

— Нимага бошламайин, бошлайман.

— Ҳой, валад,— деди Ҳошим унинг тилини қичитганидан ўзи пушаймон еб,— ахир, сен ҳам биздақа тез чарчайдиган бўлиб қоларсан. Эсон бўлсак кўрамиз...

— Нима?— деди Аҳмаджон унинг гапини чала қолдириб.— Чарчар эканмиз деб қўл қовуштириб ўтирайликми? Хўш, айтинг-чи, чарчайдиган бўлгунимизча ўзимиздан кейингиларни сира чарчамайдиган қилиш йўлини топишимиз керак эмасми? Бугун шу ҳақда ҳам гаплашиб олишимиз керак!

Қўнгироқ чалинди.

Улар залдан чиқиб тарқалишганда, тун ярим бўлган эди.

VI

Аҳмаджои туриб этик кийганда, Баҳри хола келини билан айвондаги сўрида чой ичиб ўтирар, болалар ҳали уйқуда эди. Кампирнинг гинадан бошланган сўзи танқид билан тугади:

— Сизларга иш бўлса бўлди. На болам соғинди дейсан, на ўзингга қарайсан. Ҳай бола, рангингга қара, сўлиб қопсан-а, ахир...

Болаликдан унинг одати шу: ойиси койиса, куйиниб насиҳат қилса, юз-кўзи кулиб бир қараб қўя қолади. Ҳозир ҳам Баҳри хола шу жавобни олди.

Дарҳақиқат, Аҳмаджон бугун уйқудан туриб ўзини аллақандай ланж, оғир сизди. Нимага-я? Уйқуга тўйма-

ганимдан деса, сира ухламаган кунлари ҳам бунақа ланж бўлмасди. У кўйлагини қайта ечиб, сўри почасига илиб қўйди-да, майкачан ҳовли саҳнига тушди, ток занги ёнида тизилиб турган катта-кичик қадоқ тошлар олдига борди. Қизиқ, кунига, кун оша буларни кўтариб машқ қилишни ҳам унутиб юборибди. Тўғри, кейинги йигирма кун ичида у уйга камдан-кам келди. Тоғда бу йил ёмғир кам бўлди, кўп жойда ўт қуриб қолди, шунинг учун у чорвадорлар билан юриб яқин, қулай жилғалардан молга янги ўтлоқлар топди, янги ерда келгуси йили пахта майдонига қўшиладиган жойларни ҳозирдан планлаш, текислаш, янги ариқ қазини бошлатди, кўпроқ вақтини механизаторлар билан бирга бўлиб, бирга ётиб, улар меҳнатини, иш шароитини чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш билан ўтказди... Эҳ, ошайзор, шу кунларда унинг хаёлини нима банд қилганини, тинимини нима олиб қочганини билса эди!..

У тошларни майдаларидан бошлаб бир-бир кўтарди. Шоданинг охиридаги энг катта тош ҳалқасига қўл солиб, гоҳ у қўлида, гоҳ бу қўлида аста бошидан баланд кўтариб, аста ерга қўйди. Вужудига қон югуриб, анча енгил тортиди шекилли, сочиқни елкасига ташлаб, энди ариқ томон бурилган эди, Акбарнинг товушини эшитиб қайрилди:

—Акайни дадаси...— у тура солиб сўридан тушди-да, иштончан Аҳмаджонга томон югурди. У қучоқ очган эди, Акбар ўз одатича дадасига муштини рўпара қилди. Аҳмаджон ҳам муштини тугиб, унинг кўкракчасига тўғрилади-ю, лекин жўрттага тайсаллади.

— Қўрқасан-а?..

— Қўрқаман-да, зўр,— деди Аҳмаджон, боланинг белидан аста ушлади-да, кўкраги бўйи кўтариб турди, Акбар муштларини унинг кўкрагига тушира бошлади.

Ота-боланинг ўйинига тикилиб турган Баҳри холянинг кўзларига беихтиёр ёш келди. У кўз ёшларини ҳозир келинидан яширмади. Ўз-ўзидан оқиб тушаётган шу ёш доналари узра ота-бола жимирлаб кўринарди.

Улар бир-бирига жуда ўхшайди: икки томчи сувдек... Шу ота— Одил ака, бола Аҳмаджон. У ҳам дала-тошни кезиб-кезиб, алламаҳалда келарди, болалари кута-кута ухлаб қоларди. Аҳмаджон тонг маҳали у ҳали уйғонмасдан туриб келиб елкасига миниб олар, ё дадаси олдида турган бўларди-да, уни бўйнига миндириб оларди.

Кейин... ғанимлари унинг устидан туҳмат ёзишибди, Суриштиришмади, қамашди-қўйди. Оила бошига қоронғилик тушган ўша машъум куни Одил болалари билан хайрлаша туриб хотинига айтувди: «Сен кўнглингни ярим қилма. Халқнинг битта нонини иккита қилдиму, бир бурдасига хиёнат қилганим йўқ. Кўнглим сутдек оқ». Кейин яна ҳам хунук хат келди: «Одил Фозилов қаттиқ касал ётиб, вафот қилди». Баҳри қўлида чақалоғи, олтита майда етим билан тул қолди...

Ғурумсаройликлар Одил раиснинг хиёнатига ишоншмади, хотирасига бош эгишди, болаларнинг бошини сладаи, унинг ғанимларини лаънатлади. Албатта, бу гамхўрлик тул жувонга, онлага мадад, аммо ота меҳрига зор гўдаклар тиқ этса эшикка тикилади, ўғлининг қўлидан стаклаган оталар кетидан мўлтираб қолади-ку. Ўша дамларда Баҳри кўз ёшини болалардан яшириб, унсиз ўрташиб йиғлар, ўз тақдирини қарғарди...

Бора-бора ғам-ғусса чекинди. Катта ўғли Довиджон она қўлтиғига кирди.

Аниқ эслаёлмайди, ўшанда Аҳмаджон қишлоқ мактабининг иккинчи ё учинчи синфида ўқирди. Жонини қаерга қўйишини билмайдиган олов бола чиқди. Тенгқурлар билан кураш тушиб йиқитар, муштлашиб гоҳ буриши қонаб, гоҳ пешонаси қашқа бўлиб келар, қизларнинг сочидан тортиб йиғлатарди...

Она кўнгли болада, бола кўнгли кўчада. Аҳмаджон эшикдан келиб, кўрпасига киргунча Баҳри она юрагини ҳовучлаб, кўчага қараб ўтирарди. Кейин, Аҳмаджон еттинчи синфни тугатган йили эди шеклли, бир куни эшикдан йўталаб Акбар раис кириб келди.

— Бир маслаҳатим бор,— деди у Баҳри холага.— Маслаҳатим шуки, Аҳмадингизни нш билан банд қилиб қўйсақ. Шўх бола, сизни қийнаб қўяди бўлмаса. Аммо ҳавасим келади унга.

Аҳмаджон ҳам учирма бўлди. Ҳали қарасанг тракторларга заправкачи, ҳали қарасанг табелчи, ҳисобчи... Тонгда чиқиб кетади-ю, кечқурун гоҳ келади, гоҳ йўқ...

Бир куни кечқурун ака-ука узоқ гаплашиб ўтирди. Баҳри хола ўчоқ бошидан қулоқ солди:

— Анави Чинни қиз бор-ку,— дерди Аҳмаджон ака-сига,— шунн яхши кўраман.

«Вой, боласи тушмагур-эй!» деб юборди она суюнганидан.

Ўғли яхши кўриб, помини ўзи келиб айтган ўша Чинни қиз ҳозир ёнида чой узатиб ўтирибди.

— Ҳой, ёмон бола,— деди кампир Акбарга пўписа қилган бўлиб,— урма ўғлимни, жони оғрийди-я!..

— Сизга бемайман, ўзимни дадам,— деди Акбар Аҳмаджоннинг бўйнидан қучоқлаб.

— Сеники, ҳа, сеники, ҳеч кимники эмас,— деди кампир қувончи ичига сиғмай.

VII

Бу йилги терим мавсуми, Аҳмаджоннинг чамасига кўра пахтачилик иши механизм елкасига тамом ортилган кунни яқинлатиш нуқтаси бўлиши, яъни умумий ҳосилнинг камида ўттиз-ўттиз беш проценти машина билан терилиши лозим. Бу воситани шу кунларда, гўза кўсаги ҳали садаф тишларини кўрсатмасдан тайёрлаб қўйиш керак. Агроном ва тажрибакорлар, механизаторлар ва колхоз РТСининг ходимлари билан ҳозир бўладиган суҳбатда у шун аниқлаб олади.

Ғира-шира маҳал. Оқшом шабадаси ариқ бўйида оч бинафша ранг гуллаган ялпизнинг ўткир, хиёл туруш ҳидини димоққа келтириб уради, тераклар баргини аста тебратади, улар алланималар деб шивирлашади. Аҳмаджон йўлакай қулоқ солиб жилмаяди, одам англамайдиган, лекин айни вақтда сеҳргар шу садо ҳам ҳозир гўё унинг кўнглидагини куйлайди, уни изланиш йўлида дадил, шахдам қадам ташлашга йўллайди...

Қош қорайса ҳам Тўхтаназар билан Раҳимжон универсалларини тўхтатмабди. Ҳа, бугун шу ернинг гўзасини культивациядан чиқаришади. Эрталабдан иккиси ҳам машиналарни чеканкага ўрнатади. Фурумсаройда гўзани биринчи марта машина билан чеканка қилдилар. Одамлар беҳуда бўй чўзган гўза шохлари учини қўл билан битталаб чилпишдан халос бўлади. Демак, энди қўл меҳнатининг бу жараёни ҳам тугайди...

Сироб Усмонов билан Нурмат Нормирзаев принциплар тиркалган икки машинада маккажўхорининг кўк ноясини силосхонага юклаб ўтди. Колхоз бу йил ўн бир-ўн икки минг тонна силос бостиради. Шулар бўлмаса, шунча юкни аравада ташиб уддалаб бўлармиди?

Қизиқ, яқиндагина ҳам колхознинг ўз трактори, экскаватори ва бульдозери, грейдер ва канал қазийдиган

машиналари бўлиши Аҳмаджоннинг хаёлига ҳам келмасди. Мана энди механизмнинг ҳамма хили колхознинг ўз ихтиёрида. Бир вақтлар бутун Поп районига хизмат қилган МТСда ҳозир Ленин номли колхоз машина-трактор паркидагича механизм йўқ эди. Машинанинг бирор хилини ремонт қилишда ҳозир колхоз на район устaxonасига ва на заводга мурожаат қилади. Инженер, токаръ, слесаръ, сваркачи—ҳаммаси колхоз аъзолари, Аҳмаджон буни колхозни ҳаракатга келтириб турган куч, Гурумсарой металлургия корxonаси дейди. Қишлоқни ҳам, одамларни ҳам ўзгартираётган омилнинг биттаси шу эмасми? Ҳа, шу. Меҳнатнинг ҳамма оғирлигини инсон елкасидан ўз елкасига оладиган фил шу. Демак, юкни шу фил елкасига ортишнинг бир кунни бехудага ўтса, қадам сусаяди, истиқболга хиёнат бўлади!

Аҳмаджон ана шу хаёл ичида идорага кириб келганда одамлар ҳали йигилмаган эди. У дарпардаларни кўтариб, деразаларни ланг очиб юборди. Гулзордан хушбўй, намхуш ҳаво ёпирилиб кириб, аллақандай чучмал дим ҳавони хонадан қувиб чиқариб, ўрнида ўзи ҳукмрон бўлиб олди. Юк машиналари катта кўчани зириллатиб ўтяпти, узоқ-яқиндан мотоциклларнинг тариллаши, олисда айтилаётган қўшиқ, ёшларнинг кулгиси, бир-бирини чақиргани эшитилади. Аҳмаджон қишлоқ оқшомидаги бу ҳаракатга бир лаҳза қулоқ солиб турди-да, нимагадир хушвақт жилмайди, кейин ўтирилиб, стулга ўтирди, стол тортмасидан блокнот олиб варақлай бошлади. Аҳмаджон бирор яхши гап ўқиса, эшитса, ҳикматли сўз тарзида шу блокнотга ёзиб қўяр эди.

«Маҳсулотни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш шарт — ҳамма ишда механизациялашга ўтиш».

Буни у Попдаги ўша лекция таъсирида ёзганмиди, ёки ўз доклад, суҳбатларидан бирининг хулосасими, ҳар қалай, ҳозир эслай олмади. Аммо кўнглида тугилган, ҳозир йнғиладиганларга айтиб бергиси келган фикр буни ўйлаб туришга эҳтиёж қолдирмади: «Инсон асрлар бўйи излаган, кейин Ленин очиб берган, ҳаммага етиб ортадиган бахт йўли шу-да...»

—Шундай экан, ўртоқ раис,—деди ўзи билан ўзи баҳслашиб,—бу йилда қилинган, ҳали қилинмаган ишларни тарозида тортиб кўринг-чи, қайси бири кўп тош босаркин? Масалан, ўтган йили пахтанинг йигирма беш процентини машинада тердик, холос. Қам, а? Жуда кам?

Масалан, яна бир мисолни айтай: Мелиқўзи бригадаси ўтган йили механизмни ишга солиб, бир центнер пахтани янги пул билан ҳисоблаганда беш сўму тўқсон тийинга туширган бўлса, баъзи бригадаларда шу пахта ўн тўрт ярим сўмданга тушди. Бу йил эса у...

— Доклад жуда зўр-ку, раис. Юз килограмми тўрт ярим-тўрт сўмдан бўлади, деб дадил айтаверинг,—деди биров.

Аҳмаджон шу ёққа қаради. Мелиқўзи эшикни қия очиб, жилмайиб турар, унинг кетидан Парпи, Деҳқон, Маннон бир-бирининг елкасидан бўйин чўзиб, ичкарига қулоқ солишарди.

Бригадирлар, Мирзаабдулла бошлиқ механизаторлар, машина—трактор парки ходимлари, агроном Раҳматуллаев бошлиқ химизаторлар, сувчилар кириб қатор ўтиришди. Улар кетидан Улмас бува билан Акбар ака кирди. Ешлар туриб, уларни тўрга ўтқазишди.

— Гапга мушайт қилмайлик деб, Улмас ака билан ташқарида ўтираверибмиз-а,—деди Акбар ака кулиб, улфати ёнига ўтирар экан. Раис бўлса...

— Ҳа, раис ҳаммага зарур гапни мияга жойлаётган экан,—деди Мелиқўзи.—Жуда зарур гап... Қани, бу ёғини ҳам эшитайлик.

— Гап нима устида бўларди, машинанинг ташвишида, шер,—деди Аҳмаджон. Ҳозир Мелиқўзининг луқмаси гўё уни ноқулай аҳволдан қутқазди, фикрини, суҳбатни шу йўсинда давом эттиришга бурди.

—Биласизларми,—деди у гапида давом этиб,—шу механизацияда областда биринчимиз деб юраверибмизу мундоқ зеҳн солиб қарасам, қадамимиз ҳали тетапояга ўхшайди. Ҳайрон бўлманглар. Тўғри гап шу. Масалан, Мелиқўзи, беш-тўрт ярим сўм сарфлаб бир центнер пахта етиштирамиз, деб турганда бошқалар ўн сўмни оз деяпти, ахир! Бу бизнинг қадамимиз эмас. Ўзимизни пешқадам хўжалик деб танитган эканмиз, бизнинг қадамимиз қўшниларга ибрат бўлсин. Ё чаккими, ўртоқ агроном?—деди у Раҳматуллаевга қараб.

—Шундай қилмасак ибрат бўлолмаймиз,—деди агроном.

— Ҳа, баракалла, шундай экан, бу йил ҳосилнинг камида ўттиз беш процентини машинада териш бизга ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки, назаримда, биз ҳали ҳам жуда секин силжияпмиз, жуда...

— Тез юргиси келган одамга шундай туюлади. Қадамнинг секин-тезлигини билиш учун бугунгини ўтгандагига таққослаш керак,— деди механизация бўйича раис ўринбосари Мирзаабдулла Ҳамроқулов.— Қишлоққа янги трактор миниб келганимиздаги гапни эсласам, кулгим қистайди. Тупроқни бузади, еримга киритмайман бунигни, бу кирган ерда экин битмасмиш, деб бизга ўшқирган, ҳатто трактор йўлига ётиб олган ўша деҳқон, ҳозирги иззатли кексаларимиз буни яхшироқ билади. Ёки «универсал» янги чиққан йилларда механизаторнинг кечирган қийинчилигини олиб кўринг. Ахир, ажабтовур раислар ҳам фўзани ўлдиради, деб универсалимизни қантартириб қўйгани эсимизда-ку. Шу терим машинасини пахтазорга киритиб олиш осон бўлдимми, ахир? Секин деб, ўша қадамни айтса бўларди. Мана энди эса...

— Йўқ, ўртоқ инженер,— деди Аҳмаджон,— гапингиз тўғри-ю, хулосангиз чатоқроқ. Нимага дейсизми? Мана эшитинг: ўтмишдаги қийинчиликни билган, мавриди келса эслаган яхши. Лекин эндиги вазифани ўша қийин қадамни кўзда тутиб эмас, йўқ, имконият билан қилинадиган ишни кўзлаб белгилаш лозим. Сиз айтган йўлдан борадиган бўлсак, ўзимизни аллалаймиз, қадамимиз секинлашади. Ё чаккимми?

— Тўғрику-я, раис, аммо мен энди машина йўлида ўша тўсиқлар йўқ демоқчи эдим.

— Тўғри, ўша тўсиқлар йўқ,— деди Аҳмаджон,— лекин бошқачасини, пардага ўралганини кўрмаяпсиз. Эсингиздами, узоғ йили Мелиқўзи бошқа колхозларга ҳам теримга бориб келганида, баъзилар машинага энди индамай қаршилиқ кўрсатишяпти, деган эди. Ўшанда кўп одам бу гапга ҳайрон бўлган, кулган эди.

Машина даврида яшаб туриб, кетмон даврининг қадамидан қутулолмаганлар ҳали ҳам бор. Булар оддий колхозчигина эмас,— деди Аҳмаджон стол устидаги дўпписини қўлга олиб, унинг ярим ой нусха гулига разм солиб, бармогининг учи билан уни аста чертди.— Ана шуниси алам қилади. Яқинда бир неча раис ҳамсафар бўлиб қолдик. Қўшни район раислари ҳам бор эди. Раислар бирга бўлганда, албатта, бир-бирининг иш тутимини билгиси келади. Суҳбат мавзуи ўз-ўзидан шунга бурилади. Оғайнилардан бирининг мақтангиси келдимми, ўтган оғир кузда колхозчиларнинг фидойилигини мадҳ қилди.

Қолхоз давлатга беш ярим минг тоннадан кўпроқ пахта сотиб, мажбуриятини ҳам ошириб бажарибди.

«— Агар терим бошиданоқ гвардиячи отрядлар тузмаганимизда, биз ҳам ер чизиб қолардик»,— деди у.

— Теримда ўрта ҳисоб билан бир килограмм пахтага қанча сарф бўлди?— деб сўрадим.

Бир сўмдан дегпси келмади шекилли, бирпас ўйлаб туриб:

«— Янги пулга чаққанда салкам ўн тийиндан»,— деди.

— Гвардиячиларингиз нуқул пиёда экан-да, машина минадигани йўқмиди?

У аллақандай истеҳзо билан мийнгида кулиб жавоб қилди: «— Бору мазаси бўлмади, беш юз тоннага аранг етказишди».

— Неча машина?

«— Ўнта».

— Йўғ-э, ҳар бири тўрт тоннадан терганда ҳам бир кунда қирқ тонна бўларди. Тердиrolмабсизлар,— дедим.

Ҳамсуҳбатим яна мийнгида кулди. Кейин чала-ярим қилиб бўлса ҳам кўнглидагини очиб қўя қолди:

«— Қўл кучи... ҳисобингиз тўғри-ку, лекин унда колхозчига нима иш қилдираимиз? Гапнинг лекини шу».

Уша суҳбатдан бери шу гап кўнгилдан кетмайди, эсга тушса, юракнинг аллақаерини тикан бўлиб зирқирата-веради. Биласизларки,— деди Аҳмаджон хаёл суриб,— каллада, пахтаини машинада терадиган бўлса, колхозчига нима иш қолади, деган савол туғилгани яхши. Аммо, бунинг тагидан янги тармоқ очиш, одамнинг кучидрокинни қандай ишга солиш керак, деган савол чиқиши керак. Бўлмаса «колхозчи нима иш қилади?» деган савол ҳавода осилиб қолади, эгасини орқага тортади. Ахир, машина деҳқоннинг мушкуллини осон қилсин, хўжаликнинг бор тармоқларини кенгайтиришга, янгисини топшишга йўл очиб берсин, деб чиқарилган-да. Яхшироқ ўйлаб кўрилмаса, кичкина дўнг ҳам тоғ бўлиб кўриниб ҳурки-тади, дўнгга дадил чиқилмаса, янгиси топилмайди, топилмагандан кейин колхозчига кузда пахта теришдан бошқа нима машгулот қолади? Бу ҳам майли-я, ёгингарчилик бошланиб, совуқ тушганда безовта бўламиз. Ушанда кўзимизга бошқа ҳеч нима кўринмай қолади: бошқа ишдагиларни ҳам олиб келиб пахтага соламиз. Назаримда, шу янгисини топмаган калла энди иш бер-

майди, янгидан қўрққан юрак одамларни орқага тортади. Ё нотўғримн, Ўлмас бува?— деди Аҳмаджон гапга кулоқ бериб ўтирган мўйсафидга қараб.

Юксалишни фақат машина орқали кўрадиган Ўлмас бува, қисик кўзлари йилтиллаб, қаддини ростлади:

— Тўғри айтдинг, ўғлим. Қўрқоққа қўшалоқ кўринади,— деди у, ўзи яхши кўрган мақолни такрорлаб.— Гапни эшитиб туриб хўп ўйладим: бизнинг колхозимизга шу ўттиз беш процент деганинг ҳам бу йил учун кам... Ҳа, кам, ўғлим. Пулимиз етса, янги машинадан яна олиш керак. Яна бир нарсани ўйладим: пахта кўпайсин деб ҳукумат одамларга орден беради, кўкрагига Олтин юлдуз тақиб қўяди-а? Шу машинага кўнгил билан юз ўғирмаган колхоз бошлиқларини, қанча катта ҳосил кўтарсалар ҳам, орден ва бошқа мукофотидан маҳрум қилиб қўйса, яхши бўлармиди дейман-да. Кўнглимдагини яширолмадим, хато бўлса мен чолни кечиринглар. Яна битта гап бор: шундақа раисларни-ку район яхши танийди-а, аммо нимага ушлаб тураркин-а? Ўйлайманки, ишқалнинг биттаси шу...

Ақбар ака йўталиб, шеригининг фикрini бўлди. Унинг нимадир дегиси бор. Ҳамма унга қаради. У оқини энди одамлардан яширмайдиган қуюқ мўйловини силаб деди:

— Халқнинг арқоии узун, қўйиб беради-ю, бир кунмас бир кун, барибир, кўтариб ташлайди, ўрнига калласи ишлайдиганини топиб қўяди. Лекин шунгача жавр бўлади, шуниси ёмон.

Аҳмаджон суҳбатни ўз оқимига қўйиб бериб, одамларга разм солди. Кексаларнинг куйиниб айтган гапидан, сўз орасига қистирилган луқмалардан, бригадирларнинг эътиборидан колхоз ишларини энди тамоман механизацияга кўчиришнинг истиқболи ва бу йўлда қўйиладиган қадам ҳақида каттароқ гап очиб мавриди келибди, деган хулосага келди. У Попдаги ўша лекциядан кейинги текшириш, таққос ва таҳлилларини қайта ўйлаб олди. Теримга тайёргарлик муносабати билан ўз-ўзидан бошланиб кетган бу суҳбат ҳозир унга гурумсаройликлар қарвони бораётган манзил йўлига яна бир назар ташлаш, тезроқ етиш, унинг босқичларининг кўздан кечириниш учун маънавий куч, руҳий озиқдай туюлди...

— Қонни қазийверсангиз тагидан янгиси, сараси чиқаверади,— деди у босик товуш билан.— Шу механизация деган сўзни мен болалигимдан бери эшитаман,

қайта-қайта ўқиганман. Аммо, назаримда, бу сўзнинг маъзини энди чақаётганга, тагига энди етаётганга ўхшайман. Балки, шунинг учунми, бу менга тамом янги, беҳад каттадай туюлади. Борлиқ ишимизнинг калити шундами, дейман.

У бир нафас жим қолди, пешанасини уқалаб, гўё тезисга кўз ташлагандай блокнотни варақлади-да, яна ёпиб сўзида давом этди.

— Ҳа, унинг маъзини очиш ва кўришга энди ўрганилмиш. Масалан, олдин гўзани узунасига, бора-бора кўндалангига ҳам культивация қилишни ўргандик. Кейин пахтани машинада теришни. Назаримда, булар ҳаммаси ишимиздан қўл меҳнатини бутунлай қувиб чиқаришга ўтиш учун солинган кўприк бўлди. Кўприкни қуриш қанча узоқ, қийин бўлган бўлса, буниси ундан осон бўлмайди: одамлар нима иш қилади, деган саволга жавоб топиш, одамларга колхознинг ўзидан янги иш майдони очиш— йўлимиздаги ана шу тўсиқни олиб ташлаш керак бўлади. Қийин, лекин тез олиб ташлаш керак. Олиб ташлангандан кейин... мундоқ ўйлаб кўринглар-а, биласизларми, нима бўлади? Ундан кейин қишлоқ ҳам, одамлар ҳам ўзгариб кетади, ҳаёт бошқача бўлади. Механизаторлар тонгдан қоронғигача эмас, йўқ, икки смена бўлиб ишлайди. Ана шунда меҳнат унумдорлиги беҳад ортади, қишлоқда шундай бир шароит туғиладики, колхозчилар ҳам завод-фабрикалардаги ишчиларга ўхшаб олти-етти соат ишлайдиган, ҳар йили меҳнат отпускаси оладиган бўлади. Кейин...— деди Аҳмаджон ва бирпас ўйланиб қолди.

— Хўш, хўш, кейин нима бўлади? Айт-айт!— деди нягини ушлаб ундан кўз узмай ўтирган Акбар ака.

— Ундан кейинми,— деди Аҳмаджон хушвақт кулиб.— Ундан кейин кексалар роҳатда, ёшлар...

— Йўқ... бизни ҳали меҳнатдан қолдирилмайсан. Боғ айланмасдан, янгисини экиб, пайванд қилмасдан бир кун уйда туролмаймизу... йўқ! Сен у гапингни қўй, ундан кейин нима бўлади? Шунини айт!

— Айтдим-ку: роҳатда яшайсиз... Дам оладиган, томоша кўрадиган, ўқиб ҳунар-касб ўрганадиган жойлар шу ернинг ўзида бўлади...

— Бу тўғри. Аммо шу икки сменага ўтиш йўли қанақа бўлади?— деб сўради машина-трактор парки ишхонасининг устаси Сайдали Эргашев.

— Йўлимиз?— деди Аҳмаджон хаёл суриб.— Йўли шуки, қишлоқда ҳар бир ёш колхозчи механизатор бўлиши, механизмни ўзи эгарлаб минадиган бўлиши керак. Бунинг ҳисоб-китобини ҳозир чиқариб қўйиш зарур. Масалан, пахтачиликда, чорва, боғдорчиликда, бошқа тармоқларда техниканинг неча тури ишласа— буларга, қанча, қанақа касб-ҳунар эгаси керак бўлади? Буларни тайёрлашга ҳозирдан киришмоғимиз зарур. Қийин-а?

— Осон эмас, ахир...— деди Мирзаабдулла.

— Тўғри, осон эмас. Биласизми,— деди Аҳмаджон саволига ўзи жавоб бериб,— илгари, ҳатто беш-олти йил олдин ҳам шу касб эгаларини колхознинг ўзида тайёрлаймиз десак, бунга ҳеч ким ишонмасди, ақлга сиғмасди. Чунки, унда бу гапнинг замини йўқ эди. Энди-чи? Энди ўзимизда имкон ҳам, бунга шароит ҳам бор. Ҳаммаси бор. Ҳозир энг мураккаб механизмнинг ҳам ичак-чавоғини очиб, дарди бўлса айтиб берадиган бўлдики. Шу ХВС энг яхши машина-а,— деди у Мелиқўзига қараб.— Шунинг ҳам нуқсонини топиб айтидинг-ку. Уша гапнинг ўзинг айтиб бер, оғайни...

Мелиқўзи ўрнидан турди:

— Ҳозир бунга тенг келадиган машина йўқ. Конструкторига тан берамиз. Аmmo терган пахтаиғ ўн тоннага етганда шундай қалтирайдик... узилиб кетай деб туради. Беҳад оғирлигидан-да шу. Агар енгил бўлса, қалтирамайди. Конструкторлар кўзда тутмаган яна бир айби бор. Буни шуки, битта чопиқ трактори йнлига икки ойча ишлайди, холос...

— Ана кўрдингизми,— деди Аҳмаджон унинг сўзини бўлиб,— бункери, бошқа механизмлари баҳорда олиб қўйилса-ю, трактор экнш, культивацияда ишласа, кузда ўрнатиб пахта терилаверса бўлмайдими?.. Механизация комплекс бўлгандан кейин, машина ҳам ҳар йўлга юрадиган бўлиши керак-да. Бўлмаса, ҳар ишга алоҳида машина олаверсангиз, биласизми, қанча механизм йнгилади, қанча харажат бўлади, бунга? Эҳ-ҳе! Агар ана шундай комплекс машиналар тезроқ чиқарилса, ақалли хўжаликнинг пахтачилик тармоғида тўла икки сменага ўтиб олсак манзилга тезроқ етардик.

Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам шу яқин келгусини кўнгиш пури билан кўрар, шу ҳаракат қанотида парвоз

қиларди. Аҳмаджон уларни бир-бир кўздан кечирди-да, кейин сўзида давом этди:

— Қишлоққа дастлаб келтирилган ўша «бўталоқ» трактор, ўша беўхшов «терим машинаси»нинг пусхаси ҳозир музейларда-а? Ушалардан бошлаб қудратли тоғни йиқитадиган фил машиналаргача ҳаммасини бирма-бир миниб кўзимизни ким механизмга ўргатди, кўзимизга буларни кам, ҳаракатимиз олдида ожиз кўринувчи қилган ким? Механизатор! Энди кўзимизга қишлоқ, ундаги ҳаракат битта шу сўзда кўринадиган бўлиб қолди. Механизатор бизни ана шунга соқол олдиришга ҳам вақтини қизганиб, тўғрироғи, тонг қоронғисидан қош қорайгунча пахтазор ичида машина суриб ўргатди. Қунига, бирор соат бўш вақт топсам ҳам қасдан Мелиқўзилар олдига бораман. Ё ғўзанинг бирор жойдан нуқсон топаман, ё бирор янги нш устида маслаҳат соламан. Бўлмаса чиқиб дам олишга ҳам вақтни қизганам булар. Бир ўйлаб кўринг-а, бизнинг механизаторларимиз ҳеч қайси завод ишчисидан кам ҳақ олмайди. Нима, буларнинг кунига олти-етти соат ишлаб, бўш вақтда ҳордиқ чиқаргиси, китоб ўқигиси келмайдими? Келади! Биз коммунизм қўряпмиз, ахир! Қишлоқдаги меҳнат шаронтини заводдагиси билан тенг қилиш ишқил механизаторларни ана шундай тиниб-тинчимас қилган...

Илгари буни кўрмасдик ёки кўзимиз хирамиди экан-а?.. Назаримда ҳозир шу нуқсон йўлимизда тўғаноқ бўлиб тургандай. Йўлимиздан уни олиб ташлаш қўлимиздан келмайдими, а? Келади! Шу қўл билан шундай катта бахт дунёсини қўряпмизу. Келади!

Ҳамма жим, ҳеч ким қўзғалмасди, гўё гурумсаройликлар юра-юра, охири етган Бахтлар дунёсининг мунаввар биносини томоша қиларди.

ХОТИМА

Кейинги йилларда раиснинг кўнглида янги қишлоқ, шаҳарчага ўхшаш янги Гурумсарой етила бошлади. Мактаблар, магазинлар, клуб, чойхона ва бошқа жамоат биноларидан ташқари, Гурумсарой, Тепақўрғон, Қирчин, Пунгонда одамларга, йил бўйи заҳмат чекиб шу бойликни бунёд қилган колхозчи инсонга янги уйлар қуриш. Илгари, колхоз камқувватлигида, йилига икки-уч уй қуришга кучи етиб-етмасди. Колхозчи бақуд-

рати ҳол гувала девор кўтариб, ўз билгича бошпана солиб оларди.

«Хўш, энди-чи?— деб ўйлади. Аҳмаджон.— Энди йилига камида юз уй қуриш, буларни колхоз ҳисобига бунёд қилиш, колхозчи хонадонга узоқ муддатли қарз бериш мумкин. Ҳа, хўжалик ҳам, ўзимиз ҳам улғайдик: бинокор усталарнинг кўпи ўзимиздан чиқади...»

Шу режа, шаҳар тартибида қишлоқ бино қилиш режаси Аҳмаджоннинг кўнглида кун сайин улғаявериш унинг тинимини олиб қўйди. Устига устак, ҳар кўрганда эски бинолар: «Бизни янгилашга қачон қўлинг тегади?!» деб гўё уни қистарди.

Хўш, қандай ва нимадан бошласайкин бунни? Бинолар пойдеворига озмунча тош-шағал кетадими? Шу савол уни даштга етаклади. Тош, нуқул тош, яланғоч дашт, баданни куйдирадиган иссиқ ҳовур, гўё олов пуркайди. «Санларни битта қолдирмай терамиз, ҳа, кераксан!» деб хитоб қилди Аҳмаджон, тошларга разм солиб дашт айланаркан.

«Ҳа, тошни, даштни қув, ўғлим!— деган нидо эшитди Аҳмаджон. Ёнида дадаси Одилжон ака тургандай эди. У кичкина болалигида етим қолган бўлса ҳам ҳозир дадасининг баста, ранг-рўйини кўз олдига аниқ келтирди, кўзлари жовдираб энткиди.— Қулоғингда бўлсин, шу даштнинг бир четига сув келтириш учун кичкина бир ариқ чиқариш оғир машаққат бўлган эди бизга. «Бир газ ариқ қазиган одам каъбага борганининг савобини топади» деб ташвиқот қилувдим. Ушанда «Жамият» шеркатиини энди тузган эдик. Эсларсан, кейин шу ариқни қазишга қарши бўлганлар тўхматига учдим... Бўшашма, даштни қув, ўғлим!..»

Тош териш Аҳмаджоннинг назарида ана шундан бошланган эди. Олдинига одамлар ҳайрон бўлди: раиснинг боши айландими, тўқайдан очилаётган ер етмагандай, тош тердириб юрибди. Ота-боболар замонидан бери гиёҳ унмаган бу тошлоқни ер қилиб бўлармиди?

Бу гап районда ҳам олдинига кулги бўлаёзди. Райком янги секретари бир-икки аччиқ сўз қилди; раис пулни йўқотолмай, тош териш, қишлоққа ташиб келишга сарф-лаяпти. Фойдалироқ иш йўқ эканми?— деган гап Аҳмаджоннинг юзига айтилмаса ҳам, орқаваротдан етказилди. Аммо бу гаплар ишни тўхтатмади, аксинча, кучайтирди. Бу ишга ҳам абжир йигит—

Салим карвонбошлик қилди. Тошдан тозаланган ерининг бир-икки жойи қазиб кўрилди: саккиз метрдан ҳам тупроқ чиқмади, нуқул тош-шағал. Аммо: қалови топилса қор ёнади, деб ўйлади Аҳмаджон.

Масала партия комитети ва правлениеда муҳокама қилинди. Қарорга мувофиқ тош терувчилар, ташувчилар кўпайтирилди. Дастлабки йилларда бу ерларга буғдой, кейин шоли, маккажўхори экилди; кейин дарёнинг оқ қумидан ташиб келиб, ўғитлаб ҳайдалди, бўрсилдоқ ер бўлди, чигит экилди. Биринчи йиллик ўттиз центнердан ошириб пахта олинди. Ҳозир беш юз гектардан кўп ер пахтазор, боғ.

Ҳа, янги қишлоқ гапига қайтайлик.

Фурумсаройга бинокор инженерлар кўп келадиган бўлиб қолди. Фурумсаройдан тортиб, Пунгонгача қишлоқлар лойиҳаси тузилди. Аҳмаджон ташитган тош уйларга замин бўлди. Ҳа, айтмоқчи, анчагина уй ғишдан эмас, тошдан қурилди. Бошда инженер ҳам ҳайрон бўлган эди, бино битиб, сувоқдан чиққач, қараса жуда келишган, энг мустаҳкам уй шу.

Тўрт йил ичида янги қишлоқ ҳам битай деб қолди. Қолхозчилар хоналари кенг, ёруғ, олди боғ янги ҳовлида яшайди.

Қишлоқ қуришдан янги ер туғилди. Янги ер очилган жойда янги қишлоқ туғилди.

— Қизиқ,— деди Аҳмаджон,— қайси масала занжирини тортманг, хўжаликнинг бошқа, яна ҳам муҳимроқ янги тармоғи келиб чиқаверади. Биласизларми, ҳозир Камшик жилгасида қолхозчилар учун дам олиш уйи қураيمиз. Докторлар ўша ерда бўлади. Қолхозчиларни ёз бўйи навбат билан ўша ерда дам олдирамиз, қимизга тўйдирамиз. Ахир қолхозчи гўза ичида меҳнат қилади, чарчаш, толиқишдан кейин дам олиши, кимёвий моддалардан илашган ғубордан тозаланиб олиши керак. Назаримда, бизнинг муқаддас бурчимиз шу.

Кимдир коммунизм карвонининг олдида юриши, ибрат бўлиши керак. Аҳмаджон Одиловдек иқтисодчи, тупроқшунос, ташкилотчи ранси, бутун бир механизаторлар авлодини етаклаган марҳум Мелиқўзи Умрзоқов сингари қаҳрамонларни, кўпгина удлабурро, ақли югурик ёшларни вояга етказган фурумсаройликлар — Умрзоқов қишлоғининг йигит-қизлари бу йўлда яна кўп ишларда ибрат кўрсатсалар ажаб эмас.

Ҳа, қушга қаноту инсонга бахт.

1960—1962.

М У Н Д А Р И Ж А

Ер нафаси. Воқеий қитъа	•	:	:
Ғурумсаройликлар. Очерклар		•	: